

МИРПУЎЛАТ МИРЗО

СУРУР

*Мақолалар, бадиалар,
сафарнома, шеърлар...*



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

84(5Ў)6

М-54

Мирзо, Мирпўлат.

Сурур / Мирпўлат Мирзо; кириш сўзи: Хуршид Дўстмуҳаммад. - Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. - 444 б.

ББК 84 (5Ў)6

Таниқли шоир, таржимон ва адиб Мирпўлат Мирзонинг ушбу китоби мустақилликнинг машаққатли ва сурурли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи, ижтимоий-маърифий мақолалардан ташкил топган. Улар мамлакатимизда кечаётган шукуҳли юксалишлар ва адабий-бадиий жараёнларга уйғоқ қалбли зиёлининг фаол муносабатини ўзида акс эттирган.

Ватан озодлиги, инсоннинг маънавий дунёси ҳақидаги мақолалар, номдор ижодкорларнинг ибратли тақдирлари акс этган хотира ва суҳбатлар, она юрт ва хориж қиёси қаламга олинган сафар таассуротлари ҳамда шеърлар ижодкор истеъдодининг рангбаранг қирраларини мужассам қилган.

ISBN- 978-9943-06-242-9

№596-2932/2009

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009 й.



БУ КҮНЛАР

Ғиллаф үптиб – шу буюк элда
Ғз баҳосин олар бу кунлар.
Хурман деган ҳар битта дилда
Аҗиб сазин ғалар бу кунлар!

Шафак; ёнар урқда ял-ял
Биз тониларни кутамиз махтал.
Энг ёрун тонг – Истиқлол, аввал
Сени ёдга солар бу кунлар!

Қайтмас энди қуллик, ҳасрат, ох,
Элим, бунга ўзинисан гувох,
Юрт суғурин кўрибми, гоҳ-гоҳ
Ҳаяжондан толар бу кунлар!

Набиралар кўзида ҳавас,
Эптикарлар эслаб бир нафас...
Бизлар ўрун шунинг ўзи бас,
Шарих бўлиб қотар бу кунлар!



ШОИРОНА ҲАЙРАТ

Ижодкорнинг фаоллигида ҳикмат кўп: у жамиятда кечаётган жараёнларга, умуман дунёда юз бераётган энг долзарб воқеа-ҳодисаларга узлуксиз муносабат билдиради. Бир қарашда шахсий муносабатдек кўринган бу фаоллик жиддий ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ижодкорнинг туғилиши, вояга етиши ва умуман унинг мавжудлигининг ўзиёқ ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Чунки жамият ва халқ ҳаётига дахлдор воқелик унинг интеллектида мужассамлашади, марказлашади ва акс садо янглиғ ташқарига — жамият ва халқнинг ўзига қайтади.

Одатда кундалик матбуотга давр солномачиси дея нисбат берилади. Лекин ҳар қандай матбуот чиқишлари солнома сифатида эътирофга лойиқ бўлавермайди.

Ҳамиша ҳушёр ва безовта, сезгир ва таъсирчан, қалби ва шуури беҳаловатликка мубтало ижод аҳли томонидан ўқишли ва таъсирчан баён этилган дилсўзларгина чинакам маънодаги солнома, унинг ўзи эса солномачи мақомига кўтарилади.

Мирпўлат Мирзонинг ушбу китобида мужассам солномаларини ўқиб шундай мулоҳазалар кўнгилдан кечди. Унда муаллифнинг кейинги чорак аср мобайнида мамлакатимизда юз берган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий воқеликка бўлган муносабати ранг-баранг бўёқларда, оҳангларда қоғозга муҳрланган. Мирпўлат Мирзо Ватанимиз истиқлолининг қарор топиши йўлидаги машаққатлару уқубатларни теран ҳис қилади, унинг мустақамлана боришидан ўзгача сурур туяди («Ассалом баҳор, ассалом Наврўз!»), Ватан озодлигининг энг улуғ неъматини шахснинг порлоқ тақдирида акс этмоғи керак деб ҳисоблайди у. Бундай қарашлари

давринг буюк ва номдор ижодкор инсонлари ҳаёти тасвирларида ифода топади. Чунончи «Таслим бўлмас ёғдулар» деб номланган бўлимдан жой олган биографик характерга эга хотира ва суҳбатларда кўпчиликка таниш сиймолар янги-янги қиёфада гавдаланадилар. Айниқса, муаллифнинг Ҳалима Носирова, Мутаваккил Бурҳонов, Озод Шарафиддинов сингари санъаткору олим ва адибларга бўлган муҳаббати ҳамда ҳурмати беихтиёр ўқувчининг қалбида чуқур из қолдиради.

М.Мирзо дунё кезган ижодкорлардан. У қаерга бормасин, олам ва одамларни ўзбек фарзанди, Ўзбекистон фуқаросининг назари билан кузатади, улардан ҳайратланади, ибрат олади («Янги манзиллар шуъласи»). Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф ҳеч қандай хориж ютуқлари олдида арзон ҳайратга тушмайди, балки «Қалбимдасан, Ватан» бўлимидан жой олган «Юрт меҳри» шеърида ёзганидек,

*Саёҳатни ҳавас қилдим тинмайин,
Англадим нелигин айрилиқ-фироқ...
Не тонгки, жаҳонни кезганим сайин,
Ўзбекистон, сени севдим қаттиқроқ!*

дея гурур, шаън, фахр туйғуларидан қувват олади.

Умуман М.Мирзонинг ўй-кечинмаларида фуқаролик туйғуси зиёлиликнинг муҳим шарти сифатида тасвирланади. Зиёли инсоннинг ботини эса тафаккур билан мустаҳкамланади. Тафаккур мутолаадан куч олади, чинакам инсоний сабот ва ирода ҳам тафаккурга чамбарчас боғлиқ. Бу — китоб муаллифи илгари сурган концепциялардан бирининг моҳиятини, ўзагини ташкил этади. Тафаккурли инсон ҳеч қандай офат-бало олдида эсанкирамайди, иродали одамнинг иймони ҳамиша бут, деб ҳисоблайди. Маънавийт мутолаадан озикланади, маънавийт уммони юксалганда қалбларни шўр босмайди, дея дониш ўйларга чўмади.

Мажмуани ўқиб ўтириб беихтиёр савол туғилди: китоб муаллифини ким деб аташ тўғри бўлади?


«Мен — шоирман», — деб саволга жавоб беради Мирпўлат Мирзо суҳбатларидан бирида. — Ўзимни таржимон ҳам, журналист ҳам, ҳатто ёзувчи ҳам атай олмайман. Чунки шоирликни барча нарсадан устун кўраман».

Муаллиф билан баҳслашиш ниятидан йироқман. Мирпўлат Мирзо шеърят мухлислари томонидан ҳам, адабий жамоатчилик томонидан ҳам аллақачон эътироф этилган таниқли шоир. Лекин бевосита кўлимиздаги китобдан жой олган публицистик мақолалар муаллифнинг адиблик салоҳиятидан, таржималари — таржимонлигидан, драмаси — драматурглигидан далолат бериб турибди.


Бу ўринда жанрлар катта ва бедор қалб соҳибининг турли шакл-шамойилларда, турфа оҳанг ва ритмларда сўз айтиш, фикр-мулоҳаза юритиш воситаси вазифасини ўтаган, холос. Уларни бирлаштириб, умумлаштириб турган бир хусусият, табиий, Мирпўлат Мирзонинг шоирлигида, мавзу танлаш ва талқин ҳамда таҳлилга шоирона ёндашишида акс этиб турибди!

Муаллиф қаламининг таъсири ва жозибаси ҳам унинг тийнатидаги шоирона маърифатсеварлик, зиёлилик, мулоҳазакорлик, ғурур ва ҳайратдан қувват олгани билан қадридир!

*Хуршид ДУСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори*



АССАЛОМ БАҲОР,
АССАЛОМ НАВРЎЗ!





БИЗНИНГ ҚЎШИҒИМИЗ

Мен эрта кўкламда ҳам, ёзнинг ўртасию кеч кузда ҳам ажиб бир манзарага дуч келаман. Пойтахт кўчалари бўйларида гулчилару боғбонлар гулларга, барқ урган навниҳолларга кўрку шакл бераётган, чирой бахш этаётган бўлади. Шунда Мустақилликдан аввал ёзган куйидаги сатрларим ёдимга тушади:

*Юртим озодликка эришса агар,
Кўтарса ниҳоят элим мағрур бош,
Ишонинг, кеккайиб кетмасдим зинҳор,
Бўлардим мен унда балки бир фаррош.*

*Тозалаб астойдил асрий губордан,
Азиз еримизни сўлим этардим.
Ишонинг, ҳар тонгда чин ихлос билан
Мен ушбу заминга гуллар экардим.*

Ўша гулларга зийнат бераётган одамларни кўриб юрагимда сурур пайдо бўлади. Ўша дамда улар озодликка эришган халқимнинг тимсолида кўринадилар. Зеро, озод заминга, айниқса, гуллар ярашмайдими! Зеро, мўътабар тупроғимизга энг тоза туйғуларни бахш этиб, ихлос билан ҳар қанча эгилсак арзимайдими!

Бу ҳол, бу манзарага фақат пойтахтдагина эмас, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида дуч келамиз. Ҳаммасидан муҳими, озодаликка, саришталикка эътибор илгари мажбурият юзасидан амалга оширилган бўлса, эндиликда кўнгил ишига, сурур рамзига айланган.

Мен жуда кўп хорижий ўлкаларда, бойлиги мил-мил мамлакатларда бўлганман. Лекин уларнинг ҳеч бирида юртимиздагидек орасталикни кўрмаганман. Бизнинг кўчаларимиз-чи! Кенг. Гулдор тасмадек

хошиялаб турган сўлим йўлкалар-чи! Гард тушса кип-ригингиз билан олгани шайланмайсизми!

Агар бу манзаралар моҳиятига теранроқ нигоҳ ташлайдиган бўлсангиз, халқимизнинг ниҳоятда гўзал қалб соҳиби эканлигига, диди ниҳоятда юксаклигига амин бўласиз. Бундай даражага эришиш ҳар бир улуснинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундоқ орасталикка, гўзалликка тарихнинг қадим сўқмоқларидан мардонавор ўтиб келган яхши ниятли халқгина кўтарилиши мумкин.

Биз етмиш йил давомида бошқалар қатори яшамоқчи бўлдик. Тўғрироғи, шундоқ яшамоқликка маҳкум этилдик. Мустақиллик, ҳурлик эса яна қаддимизни ростлаб қўйди, қалбимизга аждодларимиз ардоқлаган гўзалликни, руҳимизга нур каби тоза ғурурни қайтариб берди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ҳаммамизнинг кўнглимизда келажагимиз қандай бўларкин, мустақиллигимизни сақлаб қола олармиканмиз, деган ташвишу хавотирлар чарх урганлигини бугун яширмай айта оламиз. Чунки олдимизда мураккаб довлар турарди. Бу — тасаввуримиздаги, тафаккуримиздаги, руҳиятимиздаги янгиликни, эврилиш довлари эди. Эски тузум кишанларини парчалаган эсак-да, бизга бу даврда янги иқлим — ҳуррият кенгликлари ғайришуурий туюлиши шубҳасиз эди.

Бу бамисоли хонабанди одамнинг тонг қуёшига рўпара келиб, кўзлари қамашганидай бир ҳолат эди. Лекин, мана, ўн тўрт йилки, не-не синовлардан ўтдик, турфа-турфа довларни ортда қолдирдик.

Бу давр мобайнида бизнинг ўзимизга ишончимиз ортди, руҳиятимизда янги шижоатлар уйғонди. Биргина давлат тили масаласини олайлик. Икки тиллиликни ёқлаб чиққанлар оз бўлдими? Уларнинг орасида анча-мунча обрўга эга зиёлилар, ҳатто элга таниқли ижодкорлар йўқ эмасди.

Биз турли манзилларга ошуфта юртмиз. Теграмизда бизга ҳасад қилувчилар ҳам йўқ эмас. Ҳаммадан афсус қиларли жойи шундаки, улар ўзларининг ҳасадлари гирдобига фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни тортмоқчи бўладилар.

Мўътабар дуои калималарда ҳамиша «Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмагин», деган ибора бор. Яратганга минг қатла шукрки, дунёда дўстларимиз оз эмас, улар сафи кенгайиб бормоқда. Лекин бизни хор қилмоқчи, ўзига муҳтож қилмоқчи бўлганлар ҳам борки, уларнинг бутун саъй-ҳаракатларини кўриб-билиб турибмиз. Биз ҳеч кимга ўзимизни хор қилдириб қўймаймиз, ҳеч кимнинг миннатли лутфига муҳтож бўлмаганмиз, бўлмаймиз ҳам.

Дунёда мудҳиш кучлар глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда Европа шу кун одамани бошига темир қалпоқ, кўкрагига совут кийган, елкасига техника тараққиётининг энг янги ускуналарини илган, белига граната осиб олган, қўлига эса автомат ушлаган одам қиёфасида талқин этмоқда. Агар бу талқин замирига зеҳн солсангиз, заминда эзгу инсонга ўрин қолмаётганлигини пайқайсиз. Эзгу инсон ким у? Мен уни бошига дўппи кийган, белига белбоғ боғлаган, қулоғига пахта чаноғи қистирган ўзбек деҳқони тимсолида кўраман. Унинг қўллари ҳеч қачон автомат ушламаган, ҳамиша кетмон ёки гулқайчи билан банд бўлган.

Биз дунёга ҳар доим тинчлик, осойишталик тилаймиз. Юртимизни обод ва фаровон кўришни истаймиз. Шу йўлда азимат чекишдан толмаймиз.

Биз узоқни кўзлаган халқмиз. Бамисоли юки сабрдан иборат қарвонмиз. Юрагимизда ажиб қўшиқ бор. У асло мунгли ёки ғамгин эмас. Шуқуҳли, сурурли қўшиқдир.

Бир тонг бизнинг қўшиғимизга бутун дунё қулоқ тутажак!

2005

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Етмишинчи йилларнинг боши эди. Албатта, ўтган асрдаги. Шўро мафқурасининг энг авж мавқеларга кўтарилган пайти. Мен ўша даврдаги Ёшлар ташкилотининг ётоқхонасида яшардим. Ҳамхоналарим партия-

нинг дастёрлари — эрта-индин катта-катта мансаб курсиларига ўтираман деган ишончли кадрлар эди.

У пайтларда бутун мамлакатни ғалати руҳ, тўғрироғи, коммунистик сароб чулғаб олганди. Ҳамма учмоқни орзу қилган хўроздек юқориларни кўзлар, ўрни келди дегунча совет ғояларига эътиқодини, компартияга садоқатини аён этгиси келарди. Айниқса, бу садоқат комсомол кадрларининг юз-кўзидан «уфуриб» турарди.

Бир куни ётоқхонамизга янги бир ходим келиб жойлашди. У камгап экан. Лекин аста-секин гапимиз гапимизга қовуша бошлади. У менинг ижодкор эканлигимни, нашриётда ишлашимни билгач, сўраб қолди:

— Абдулла Ориповни танийсизми?

— Ҳа, кўришиб ҳам тураман.

— Наҳотки?!

Унинг бу ҳайратида «Қанчалар бахтлисиз!..» деган ҳавас изҳори бор эди.

— Нима эди? — сўрадим.

— Биласизми... — деди у дафъатан ҳаяжонга берилиб. — Мен унинг кўп шеърларини ёддан биламан. Москвада таҳсил олган йилларим ўзбек ёшлари тўпланиб олиб, Абдулла аканинг шеърларини бир-биримизга ўқишардик...

У бир зум хотира гирдобига чўмди-да, шеър ўқий кетди:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,

Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.

Нечун Ватан дея еру осмонни,

Муқаддас атайман, атайман танҳо...

У «Ватан...» сўзини шундай бир туйғу билан айтдики, ундаги этни жимирлаштирувчи ҳароратни ифодалаб бермоқ қийин.

Ҳамхонам шеърни ўқиб бўлиб, юраги ажиб қониқиш топгандек жилмайди. Унинг бу жилмайишида айни чоғда теран бир шуқуҳ ва мазмун бор эди. Бу мазмун — совет мамлакатини ҳар қанча ватан деб улуғламайлик, менинг асл ватаним Ўзбекистондир, совет халқини ҳар қанча мадҳ

этмайлик, мен ўзбек халқига мансубман, ўзбекман, деган сурур ва ифтихор ҳисларидан иборат эди.

Мен ушбу шеър сеҳрига ҳали-ҳануз лол боқаман. Зеро, чучмал шиорлар қуёш юзини тўсиб, сохта ғоялар ақлимизни палағда қилиб қўйган бир даврда ушбу шеър шукуҳи рангин камалакдек товланиб, руҳиятимизни ёриштириб юборган эди.

Хуррият ва Озодлик тушга ҳам кирмас бир даврда ушбу шеър Истиқлол ва Мустақилликка ўтли даъват ва ундан башорат бўлган бўлса, не ажаб!

Йиллар сувдек оқиб ўтди. Тарих саҳифалари куймас, ўчмас сатрлар ила тўлдирилди. Мустақил бўлганимизга ҳам, мана, 13 йил тўлибди.

Лекин мазкур шеърнинг қиммати пасайгани йўқ, аксинча, янги мазмун билан янада нурланди.

Бир қаламкаш сифатида биламанки, ҳар бир шеър ҳам қўшиққа тушавермайди. Баъзан шундай шеърлар бўладики, ундаги ҳассос руҳ умуман қўшиқ билан қовушмайди. Чунки куй унга путур етказиб қўйиши мумкин. Лекин дунёда мўъжизалар содир бўлиб туради. Ана шундай мўъжизалардан бири — «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» қўшиққа айланганлигидир. Қўшиқ бўлганда ҳам дилбар қўшиққа! Ва бу қўшиқ мустақиллик йилларимиздаги энг яхши қўшиқлардан бири бўлди. Бунинг сиру синоати унинг сатрлари замиридаги оҳори тўкилмас сурурда эди.

Бу сурур ушбу қўшиқни ҳар сафар эшитганимда бир неча кун юрагимга ўрнашиб қолади — гоҳ ўтли сатрлар бўлиб, гоҳ мафтункор қўшиқ бўлиб янграб туради.

Шу боисдан мен бот-бот ўзимга савол беришга одат қилганман: Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!

Бу туйғуга жавобни кўпроқ хорижга қилган сафарларим давомида топгандек бўламан. Тасаввур қилинг, сиз Фарбнинг энг тараққий этган мамлакатидасиз. Ёки Америкадасиз. Ҳамма нарсдан ақлингиз шошади, ҳайратланасиз. Лекин бу ҳайрат сизни барибир чарчатади

ва ана шунда юрагингизни алланечук туйғу қамраб ола бошлайди. Қадрдон заминингизни соғинасиз, бу замин манзаралари тушларингизга кириб чиқади, Тошкентнинг саришта кўчаларини, мунаввар оқшомларини кўмсайсиз... Буларнинг барчаси ўз Ватанингизга — Ўзбекистонингизга бўлган муҳаббатингиз туфайлидир!

Сафарларимдан бирида, ён кўшни мамлакатда бўлганимда, Ўзбекистонимиз ҳақида ажойиб гаплар қулоғимга чалинганди: «Ўзбеклар улуғ миллат экан, ўзлигини сақлаб қолишибди, Тошкентга бориб кўр, ҳаммаси ўзбекча!..»

Хорижлик ижодкор дўстимдан бир гал, «Кўнглингдагини айт-чи, биздаги нималарга ҳавас қиласан?..» деб сўраганимда, «Сизлар улуғ халқсиз, чунки улуғларингизни кўтараётибсиз, эъзозлаётибсиз...» деганди.

Бир зум ўйга толаман: ортиқча ҳиссиётга берилиб кетмаётибманмикан, деб. Айни шу сонияда кимдир, нега қийинчиликлардан гап очмайсан, нега муаммоларни тилга олмайсан, деяётгандек ҳам бўлади.

Мен ана шу дақиқаларда унга дарҳол шундай жавоб қиламан: «Турмуш муаммоларига дучор бўлмаган, қийин шароитлардан бутунлай холи, ундан кафолатланган бирор мамлакат борми ўзи бу кун дунёда?.. Қайси халқнинг бошида ташвиш йўқ бу кун?!»

Зеро, шоир Муҳаммад Юсуф машҳур кўшиғида:

«Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир,

Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир», деганида бениҳоя ҳақ гапни айтган эди.

Бизнинг тенгқурларнинг ёшлик йиллари кўп шоирона давраларда тонготар суҳбату мушоиралар билан кечган. Ўша даврларда ана шундай давраларни юрагимиздаги эришиб бўлмас деб санаганимиз — Озодликка. Ҳурриятга бўлган ташналик ёлқини шуълалантирар эди. Шу боисдан гоҳ маҳзун, гоҳ масрур эди бу давралар. Ўшанда бир шоир дўстимнинг айтган гапи ҳамон ёдимда: «Шундай яшасангки, миллатингдан, яшаётган Ватанингдан хижолат чекмасанг!..»

Тангрига беадад шукрларким, бу кун биз ана шун-

дай хижолатсиз, нафақат хижолатсиз, балки ғурурга, ифтихорга тўлиб-тошган ҳур Ватанда яшаётгирмиз!

Халқимизнинг иқтидори улуғлигига, тафаккури чақноқлигига бу кун бутун дунё шоҳид бўлиб турибди. Беруний, Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк боболаримизга муносиб во-рислар тарбия топмоқда заминимизда.

Яна шеър сатрлари, кўшиқ сеҳри руҳиятимни чулғайди.

*Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга...*

Ушбу мисралар нафақат ҳассос шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати изҳори, балки шу юрт ҳар бир оддий фуқароси юрагидаги туйғулар мазмуни ҳамдир.

Жумладан, мен ҳам бунёдкору миришкор, сербардошу матонатли халқимиз олдида таъзим қиламан! Ана шундай халқимиз борлиги боис ҳам биз Ўзбекистонни тоабад севамиз!

Мен сўзларимга нуқта қўйиб уни оққа кўчиришим жараёнида пойтахтимизда мудҳиш воқеалар содир бўлди: террорчилар шаҳарнинг уч жойида ўзларини портлатишди. Бундан беғуноҳ инсонлар ҳам жабр чекишди, айримлари ҳалок бўлди. Бу худкуш кимсалар муддаоси халқимиз осойишталигини бузиб, унинг кўнглига ғулғула солмоқлик эди. (Ҳолбуки мен юқорида «ноёб бахт бўлган – элимиз тинчлиги» ҳақида сурур билан тўхталгандим!..) Мен уларни дафъатан гумроҳлар дея атагим келди. Разил гумроҳлар!.. Йўқ, йўқ, портловчи кўғирчоқлар улар! Чунки дастлабки маълумотларга қараганда, учаласи ҳам диний оқимга мансуб шахслар экан. «Тақводор» худкушлар ўзларининг бу ишлари билан нимани исботламоқчи бўлишади?! Ахир, ҳадисларда айтилмаганми – жонни ато этувчи Аллоҳ, оловчи ҳам унинг ўзидир деб!.. Мен бундай «шаҳидларни» ҳеч қачон тушунмайман!

Буюк ёзувчи Достоевский, тегрангда мутлоқ зулмат-у, сен атрофида оч тўлқинлар сапчиган яйдоқ қояда ёлғиз қолсанг ҳам яшашдан умидингни узма, уни севгин дея бежиз уқтирмаган, ахир!

Ҳаётга теран разм солинг, унинг қалбига қулоқ тутинг, унда ажиб рангларни кўрасиз, интиҳосиз бир қўшиқни ҳис этасиз. Ҳар қандай разолат, ҳар қандай қабоҳат бу қўшиққа чек қўя олмайди. Унга вақтинчалик халал бериши мумкин, холос.

Қўшиқ ҳар қандай кулфат ичидан самандардек тирилиб чиқади, қанотларини ростлайди. Ҳувиллаган заминга кириб келган баҳор янглиғ нашидаси билан яна дилларни чулғаб олади.

Асл қўшиқлар завол билмайди. Агар у Ватан ҳақида бўлса, яна ҳам устувордир!

2004

ДЕМОКРАТИЯ БЕШИГИ

Сайлов ҳақида гап кетса, бир ошнамнинг бундан ўн йиллар аввалги «панд-насиҳати» эсимга келаверади: «Овоз бераётганингда адашиб, парда билан тўсилган хонага кириб юрмагин, хатга тушиб қоласан...»

Шукрлар бўлсин, эндиликда бу гаплар худди латифадек эсланяпти. Ҳолбуки ўша пайтларда бундоқ «насиҳатлардан» танага кулгу эмас, муз югурарди. Бунинг теран илдизлари ўша вақтдаги, яъни собиқ СССРда ҳукм сурган сиёсат замирида бўлиб, бутун бир мамлакат яқдилбозлик касалига мубтало эди. Айниқса, бу хуруж сайловлар даврида яққол кўзга ташланиб, номзодлар оладиган овозда акс этарди. Улар ҳисоботда 99,99 фоиз бўлиши шарт эди. Бу кўрсаткич пасайган минтақалар эса махсус назорат остига олинар, жойлардаги раҳбарлар жазоланар, «бузғунчилар» аниқланиб, тавбаларига таянтириларди.

Дунёнинг олтидан бирини ташкил этган ўша собиқ салтанатнинг ўз-ўзидан парчаланиб кетиши ҳақида турли хулосалар айтилмоқда. Менингча, уни худди ана

шу яқдилбозлик қасали емириб борди ва оқибатда парчалаб ташлади. Зотан, табиат жамиятни тагин мувозанат ҳолига келтирди.

Шу нуқтаи назардан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ўзининг биринчи жумлаларидаёқ дафъатан эътиборни тортади, яъни унинг муқаддимаси сайловлар кўп партиялилик асосида ўтказилади, деган муҳим таъкид билан бошланади.

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган нақл бор. Демак, Олий Мажлис мамлакатдаги ҳаёт жараёнини бошқаради, ундаги жамики муаммоларни чуқур ўрганиб муҳокама этади, халқнинг дарду ҳасратига қулоқ тутади. Керак бўлса, масъул вазиятларда миллат тақдирини ҳал этади.

Модомики халқ ўз тақдирини янгидан таркиб топажак Олий Мажлис ҳукмига ишониб топширар экан, унга кимлар аъзо бўлиши, сайлов жараёни қандай кечиши ҳеч биримизни лоқайд қолдирмаслиги керак. Лойиҳада мана шу руҳга жиддий эътибор қаратилган.

Жаҳонда номи танилиб, обрўси юксалаётган давлатимиз келажаги Олий Мажлис таркиби, савияси ҳамда иқтидори билан узвий боғлиқдир. Сайланажак ноиблар жамиятнинг турли меҳнат жабҳаларидаги ва сиёсий майдонга кирган турли партиялардаги энг муносиб шахслардан танланиши ғоят муҳим. Токи улар халқ турмуш даражаси олдида ўзларини масъул сезсинлар, одамларни тўғри йўлга етаклаб, ҳақиқатни, имону диёнатни ҳимоя қила олсинлар. Аксинча, улар худбин манфаатлар илинжида унвону мартабаларни кўзлаб яқдилбозлик ёки хушомад йўлига тушиб олсалар, халқнинг давлатга бўлган ишончига путур етиши шак-шубҳасиз.

Тарихий ҳақиқатлардан биламизки, ўз халқи ўй-ташвишларидан, бир сўз билан айтганда, унинг кундалик ҳаётидан ҳамиша огоҳ давлат тобора мустаҳкамланиб боради ва ҳар қандай тасодифларнинг олдини ола биладиган қудрат касб этади. Айни чоғда у

оддий халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонади ҳамда қийин пайтларда унга суяниб иш кўради.

Демократия дегани ҳокимиятнинг халқ томонидан бошқарилиши демакдир. Адолатли сайловлар ана шу демократиянинг бешиги саналади.

Зотан, демократия давлат бошқарувининг тарихда энг синалган йўлидир. У улуғ шахсларга мураббийлик қилиш билан биргаликда фуқаролар қалбида қонун-тартиботга ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотади, жамиятда муътадиллик муҳитини яратади.

Демократия асло бошбошдоқлик дегани эмас. У ўзига теран фалсафий руҳни, донишмандликни сингдирганидагина адолатли кучга айланади. Фозил-уламоларнинг биридан, ақлли одамдан донишманд одамнинг қандай фарқи бор, дея сўрашибди. У қуйидагича жавоб қилган экан: «Ақлли одам йўлида кетаётиб жарга тушиб кетиши мумкин ва у бу қийин аҳволдан чиқиб кета олади. Донишманд одам эса йўлида учрайдиган чоҳларни олдиндан кўра билади ва уларни четлаб ўтади».

Зеро, ҳар бир давлатнинг юқори доираларидаги хайрихоҳлик, ҳамфикрлилик руҳияти, муҳим масалаларга муносабатдаги уйғунлик кайфияти ана шу юрт улусининг бахтини таъминлайди, унинг бошқарувчисини қудратли шахсга айлантиради.

Шуниси тагин эътиборлики, мазкур Қонун лойиҳасида сайловларнинг адолатли ўтишини кафолатлайдиган барча жиҳатлар қайд этилган. Жумладан, лойиҳанинг 24, 25-моддаларида номзодларнинг ўз дастурларининг баён қилиш тартиби ва буни амалга ошириш воситалари ҳақида гап юритилади. Чунки сайлов жараёнидаги бу нозик нуқталар таркиб топажак Олий Мажлиснинг халқ назаридаги обрў-эътиборини белгиловчи ҳамда мавжуд демократик принципларни жаҳонга кўзгудек акс эттирувчи омиллардир.

Ҳар гал сайлов ҳақида гап кетса, эсимга дарҳол, юқорида айтганим — менга бир вақтлар «панд-насиҳат» қилган ошнам тушади. Илгари у шўролар сиёсатини чуқур англаганидан, «овоз бераётганингда пар-

да билан тўсилган хонага кира кўрма...», дея эҳтиёткорликка чорлаб шипширди. Аминманки, энди у мустақил мамлакатимизнинг муборак тадбири — Олий Мажлисга ўтказилажак сайловларда барчани ҳар номзод ҳақида эринмай бош қотиришга, овоз бераётганда эса, албатта, парда билан тўсилган хонага кириб овоз беришга даъват этади...

1993

ИСТИҚЛОЛ.САЛОҲИЯТИ

Ҳаммага таниш шундай бир ривоят бор. Уни Абдулла Қаҳҳор Ҳиндистонга бориб келгандан кейин айтиб берганди. Фил узоқ йиллар давомида занжирбанд ҳолда сақланибди. Вақтлар ўтиб, кишан чириб кетса ҳам фил занжири боғланган қозиқ атрофидан сира нари кетмасмиш, фақат унинг атрофида айланармиш.

Инсон ҳам узоқ йиллар қулликда яшаса, унда қўлидаги, миясидаги кишанга нисбатан меҳр уйғона бошларкан.

Бизнинг халқимиз ҳам ўтган асрларда узоқ вақт мобайнида мутеликни бошидан кечириб, ўзини мутлақ кишанбанд қилиб ташлаган сиёсат занжирларига меҳр кўя бошлаганди.

Истиқлол туфайли бу занжирлар халқимиз бўйнидан улоқтириб ташланди. Лекин унинг руҳиятидаги қуллик асоратларини бартараф этиш ниҳоятда қийин бўлди. Чунки миллатимиз мутелик қисматини тарих марҳамати сифатида, эрксизлигини эркин ҳаёт сифатида қабул қилишга мажбур қилинганди. Мана сизга муттасил равишда олиб борилган мустамлакачилик мафкурасининг «самараси».

Истиқлолнинг дастлабки йилидан бошлаб, мана шу «метин мафкура»ни емириш, уларни фуқаролар онгидан бартараф қилиш, мутелик халқимиз учун чинакам қуллик эканлигини ва бу ҳодиса сохта ҳақиқат эканлигини исботлашга катта куч сарфланди.

Олиб борилган бу йўлдаги кураш, астойдил сафар-

барлик кўплар учун самарасиз ҳаракатдек бўлиб туюлганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Чунки собиқ сиёсат онглари ўз таъсирини шиббалаб ташлаган эди.

Лекин эркак бўлган ташналик ва ҳурриятнинг ҳаёт-бахш қудрати шунда эдики, у ана шу метин пойдеворли гоёни ҳам чилпарчин қилиб ташлади.

Истиқлолнинг шу бугунга қадар эришган энг буюк муваффақияти мана шу ҳақиқатда десак, хато қилмаймиз.

Бу борада амалга оширилган оламшумул ишлар ўз эркини қўлга киритган халқлар учун катта ибрат намунаси бўла олади, дейишимиз ҳам мумкин. Зеро, бизда биринчи галда она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Чунки миллат таназзули унинг тилидан бошланади. Тилини йўқотган эл ҳар қанча уринмасин, тарих саҳнида ўзлигини сақлаб қололмайди. Жумладан, тилимиз ҳам инқирозга юз тута бошлаган эди. Жамиятда икки табақа юзага келганди. Бу — рус тилини биладиганлар ва билмайдиганлар табақаси. Мазкур тилни билиш ҳар қандай дипломдан ёки савиядан устунроқ мавқега эга эди. Мен бу ўринда ўзга тилни билмасликни асло ёқламоқчи ёки оқламоқчи эмасман. Лекин мазкур ҳол миллатни парчалашга уриниш эканлигини таъкидламоқчиман, холос. Хусусан, ўзимнинг бошимдан шундай воқеа кечган. Нашриётда раҳбарлик лавозимларидан бирида ишлардим. Директоримиз комсомолдан чиққан кадр эди. У ижодни тушунмас, ижодкорларни бир-биридан фарқламас, қолаверса, жамоа ҳурматига нолойиқ шахс эди. Вақтлар ўтиб, у мени хушламай қолди. Ва менинг ўрнимга нима деса лаббай дейдиган «ўз одами»ни қўйишга қарор қилди.

— Хўш, нима сабабдан? — дедим мен нафратимни ичимга ютиб.

— Сиз русчани яхши билмайсиз, мажлисларда русча гапиришга тўғри келади.

— Сиз ўзбекчани яхши билмайсиз-ку, — дегандим ўшанда.

Дарҳақиқат, мажлислар ҳеч қачон ўз тилимизда олиб борилмасди. Бир пайтларда Ёзувчилар уюшмасида бўлган воқеани ҳали-ҳануз гапириб юришади. Адиблар

партия мажлисига йигилишибди. Мажлис бошланибди. Бир пайт кимдир ажабланиб савол ташлабди:

— Мажлисни ўз тилимизда олиб борсак ҳам бўлади-ку. Ахир ҳамма ўзбек адиблари бўлса...

Шунда уюшма раҳбари: — Ахир, мажлисимизда фарош опамиз ўтирибдилар, — деган экан.

Бу инқирозий ҳолат нуқси оилаларга ҳам ура бошлаганди.

Энг азиз ва энг мўътабар Истиқлол бу жараёнга узил-кесил чек қўйди.

Мустақиллик туфайли амалга ошган иккинчи улуғ иш асрий қадриятларимизни ва мозийдаги улуғ алломаларимизни халқимизга қайтарилгани бўлди. Бу борада иккита мисол. Наврўзни ўз номи билан аташдан тонган эмасмидик? Сумалак қайнаб турган қозонлар партия югурдаклари томонидан ағдариб юборилганлари эсимиздан чиқдимми? Иккинчи мисол. Бошқа аждодларимизни қўйиб турайлик. Буюк соҳибқирон номини тилга олишга ҳам чўчиб қолмаганмидик?

Азиз ва мўътабар Истиқлол руҳиятимиздаги бу таназулга ҳам чек қўйди.

Учинчи улуғ ишлардан бири динимизни ўзимизга қайтганидир. Бу борада шу даражага бориб етган эдикки, «бисмиллоҳ» ва «худо» сўзларини ишлатиш мафкура муттасаддилари томонидан ман этилганди. Шу босдан, обрўли адабий журналда босилаётган Шекспир асари таржимаси жиддий таҳрир қилиниб, ундаги «худо» сўзи «осмон» сўзига ўзгартирилиб босилганди.

Мафкурада бундан ортиқ маҳдудлик бўладими? Раҳбар кадрларнинг партиявий жазодан қўрқиб, ўз отаси ёки онаси жанозасида иштирок этолмаганликларини ёддан чиқармайлик. Бу маънавий жаҳолатга ҳам Истиқлол чек қўймадими?

Энди у даврларга истехзо билан, қумдан тикланган кўрғонларга қарагандек жилмайиб қараймиз.

Чунки бугунги кунда ҳар жиҳатдан мустақилмиз, ўз эркимиз ўзимизда, собиқ мафкурадан фуқароларимиз онгида асар ҳам қолмаган.

Мамлакатимиз дунё мамлакатлари билан бўйлашаётди. Илмда ҳам, санъат, маданият, спортда ҳам жаҳон бўйлаб муносиб эътибор қозонмоқдамиз. Иқтисодиётимиз замоннинг илғор тажрибалари асосида шаклланмоқда, равнақ топмоқда.

Бу муваффақиятларнинг барчасига Истиклол берган шижоат боис, яъни нафақат ҳаёт тарзимизда, балки онгимизда ҳам собиқ тузумнинг кишанларини улоқтиролганимиз туфайли эришдик. Ва Мустақиллигимиз тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан битилди.

Инсоният ҳамиша бахт-саодатга интилиб яшаган. Фаровон турмуш, осойишта ҳаёт ҳар доим унинг асрий орзуси бўлган. Эрк, озодлик бахт-саодатнинг пойдевори, холос. Муҳими — ана шу пойдевор устига саодат иморатини тиклашдир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг олдимизда ҳам айнан шу вазифа турарди. Мана 16 йилки, ушбу орзудаги ҳаётни, муносиб жамиятни тиклаш кўйида халқимиз фидокорлик ила меҳнат қилмоқда.

Орзумиздаги жамиятнинг туб моҳияти ҳар бир фуқаронинг бахти таъминланишида, эрки, ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланишида акс этади.

Бугунги кунда ер юзида турфа хилда кун кечираётган жамиятлар мавжуд. Айни чоғда уларнинг ҳеч бири ўз қонунларини, яшаш тарзини бошқа бировникидан кам санамайди.

Жумладан, Америка ва бир қатор ғарб мамлакатлари жамият қуриш борасида биз энг юқори мавқени забт этдик, дея жар ҳам соладилар. Бу билан, қандай яшашни биздан ўрганинг, демоқчи бўладилар.

Лекин бизни бу ғарбона ҳаёт «ялттир-юлтурлар»и ҳеч қачон жазб этолмайди (Бу ўринда «ғарбона сўзини «ғарибона» тарзида ишлатса ҳам бўларкан. Чунки Ғарб ҳаёти менга ҳамма нарсадан бадастур, аммо меҳр-оқибат борасида эса ғариб туюлади.). Чунки биз ўзига хос жамият қуриш иштиёқидамиз. Бу жамият эзгу анъаналаримиздан озиқланиб, шарқона тафаккур билан зийнатланган ҳолда миллий ва инсоний қадриятлар уйғунлашган жамият бўла-

ди. Зеро, бизнинг аллома ажодларимиз инсон саодатининг фалсафий андозаларини яратишганда ҳали ер юзидаги аксарият халқлар ибтидоий жамоа тарзида кун кечиришарди.

Жамият борасида мушоҳада юритганда, аввало шу нарса ёдга тушади. Кейинги йилларда «қонун устуворлиги» деган ибора матбуотда кўп ишлатиладиган бўлди. Бу нима дегани? Бу — қаердаки жорий қонунлар ҳукмронлик қилса, ўз кучини сақласа, ўша ерда ҳаёт бир маромда ривожланади, деганидир. Зеро, табиат ҳам ўзининг азалий қонуниятларига бўйсунди. Инсон бу қонуниятни ўз хоҳиш-истагига бўйсундиrolмайди. Бўйсундирганда ҳам бу ҳол вақтинчалик бўлиши мумкин.

Шунингдек, жамиятни тараққий эттирувчи қонунларни кимларнингдир ёки қайсидир қатламларнинг амр-иродаси асосида ташкил этиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг Конституциямиз ўзида инсон ҳаёти ва жамият ривожини учун энг муҳим бўлган меъёрларни мужассам этганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

Эсимда — мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, яъни Конституциямиз лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган пайтда қонун билдонларининг ҳолислик нуқтаи назари билан, бизнинг Конституциямиз дунё давлатлари конституциялари орасида адолатли қонунлари билан энг олдинги ўринларда туради, дея таъкидлашганди.

Дарҳақиқат шундай. Лекин энди ҳамма гап мана шу адолатли қонунлар турмушимизнинг ҳар бир ҳолатида, ҳаётимизнинг ҳар бир кўринишида устувор бўлишиладир.

Истиқлолнинг ҳаётимиздаги теран моҳиятига яна қайтадиган бўлсак, унинг энг азиз ва энг улуғ жиҳати шунда кўринадики, у ўзининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларга катта эътибор қаратди, уларга ишонч билдирилди. Зеро, ёшлар мамлакатимизнинг эртанги кундаги эгаларидир. Уларнинг савияси, жаҳоний тушунчаси, Ватанга меҳр-муҳаббати келгусидаги ҳаёти-

мизнинг қанчалик фаровон, ёруғ ва саодатли бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда Истиқлолимизнинг музаффар одимлари ҳукуматимизнинг, Юртбошимизнинг ёшларни қўллаб-қувватлаши ва уларга билдирилган катта умид ва ишонч билан узвий боғлиқ бўлди, дея дадил айта оламиз.

Бизнинг бугунги кундаги эркин ҳаётимиз учун шахид кетганларнинг, мустақиллигимиз учун жонларини фидо қилганларнинг умид-орзулари асло зое кетмади, тўлалигича рўёбга чиқди.

Энди озод мамлакатимизни жаҳонга танитиш, обрўсини янада юксалтириш бизнинг зиммамиздадир. Истиқлол бизга истиқбол ато этди. Қулик занжирларини бўйнимиздан мангуга улоқтириб ташлади. Мустақиллигимизнинг босиб ўтилган 16 йилига назар ташлар эканмиз, ошиб ўтган доvonларимиз нақадар улугворлигини ва мўътабар Истиқлолимиз салоҳиятини яна бир карра дилдан ҳис этамиз.

2007

БУЮК ДАЪВАТ

Миллий мафкура ва миллий ғоя тушунчаси жуда теран, айна чоғда юксак ва кенг тушунчадир. Бунда ҳатто миллатнинг тарихдаги ўрнини белгиловчи салоҳият мужассам. Зеро, миллатнинг умрбоқийлигининг мафкураси ва ғояси қудратига чамбарчас боғлиқдир.

Агар башарият ўтмишига назар солсак, кўп миллатларнинг бир вақтлар ер юзида мавжуд бўлиб, эндиликда унутилиб кетганлигини англаймиз. Шунингдек, айрим миллатларнинг тараққиётда юксак нуқталарга қўтарилганлигини, кейин эса бора-бора қуввати кетиб, нураганлигини кузатамиз.

Мана шу каби юксалиш ва сўнишларнинг теран сабабларидан бири уларнинг ўз даврида байроқ қилиб қўтарган ғояларига, эътиқодларини белгилаган мафкураларига боғлиқ эмасмикин?..

Шу боисдан ҳам Юртбошимизнинг мустақилликка

эришган мамлакатимизнинг дунё юзидаги умрбоқий-лигини таъминлаш йўлида унинг мафқураси ва ғоясига жуда катта эътибор қаратаётганлигида мен бир зиёли сифатида жуда чуқур маъно кўраман.

Ғоя — бу ният, мафқура эса эътиқоддир. Ниятимиз аниқ, буни истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ белгилаб олганмиз, яъни Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришдир. Лекин бу ниятни ким амалга оширади? Фақат эътиқоди буюк халқгина.

Шу боисдан мафқура, яъни эътиқод масаласи бугунги кунда энг муҳим масалага айланди.

Мамлакатимизда туриб, теваракка назар солсак, турфа манзараларни кўраемиз. Миллатларнинг ахлоқан нураб кетаётганлигидан, инсон қалбининг ниҳоятда дагаллашиб, яланғочланиб бораётганлигидан, матбуотнинг юзидан шарм пардаси кўтарилиб, телевидениенинг беҳаёлашиб бораётганлигидан юрагингиз увишиб кетади.

Айни чоғда мен ўзимизнинг ялпи айниш даражасига бориб етмаганимизга, ҳали муқаддас тушунчаларимиз дилимиз тўрида сақланиб турганлигига беҳад шукроналар айтаман.

Лекин миллат тақдирини унинг эртанги куни ҳал қилади. Эртанги кунимиз қандоқ бўлиши эса, шакшубҳасиз, бугунги ёшлар маънавиятига, руҳиятига чамбарчас боғлиқдир. Дарҳақиқат, ёшларимизнинг эътиқоди бутунми, қай даражада мустақкам? Уни янада мукаммаллаштириш, дунёга ибрат бўладиган юксакликларга кўтариш учун нималар қилмоқ керак?

Эндиликда бу муаммолар барчамизнинг юрагимизда безовталиқ, ташвиш уйғотиб турибди.

Мен ёшлар қалбини, онгини баҳорги бўлиқ заминга ўхшатаман. Унга керакли уруғни вақтида селиб қолиш керак, йўқса уни ёввойи ўтлар, бегона гиёҳлар босиб кетиши табиийдир. Баъзан вақтни қўлдан бой бериб қўяётганлигимиз учун ҳам турли хил шумғиялар ўсиб чиқмаяптими улар қалбида?

Биз янги бир замонда — одамлару мамлакатлар орт-

тирган бойлигини кўчмас мулкка айлангиришга ошиқ-
ётган даврда яшамоқдамиз. Бу борада таъбир жоиз бўлса
айтиш мумкинки, энг ишончли кўчмас мулк ёш авлод
онги ва қалбидаги эътиқоддир. Қайсики давлат бугунги
кунда ўз бойлигини ёшлар эътиқодини мустақамлашга
сарфлар экан, албатта ўша давлат эртага дунё эътибо-
рини ўзига қаратади, кучли ва фаровон мамлакатга ай-
ланади.

Тарих бизга салоҳиятли ўтмишни берди. Ёрқин ва
улуғвор келажакни энди ўзимиз яратишимиз керак. Мен
Юртбошимиз долзарб қилиб қўяётган миллий ғоя ва
миллий мафкура масалалари замирида ана шу мақ-
садга буюк даъватни ҳис этмоқдаман.

2005

ИРОДА — ТАФАККУРДА

Мен кейинги пайтларда фарзандларимнинг китоб
ўқимай қўйганликларидан ташвишга тушадиган бўлиб
қолдим. Бу ўғлим ёки қизимнинг бўш вақтларини му-
толаага сарфламаётганликларидан туғилган ташвиш
эмас, балки уларнинг келажак ҳаётлари, қисмати учун
безовталиқдандир. Худо кўрсатмасин, бошларига би-
рон иш тушиб қолгудек бўлса, уни қандоқ энгиб ўти-
шаркин, қутилмаган ҳолатларга, оғир машаққатларга
бардош бера олишармикан, деган хавотир ҳам бу. Бун-
дан зинҳор кўп ўқиган одамнинг ҳаёти бошқаларники-
га қараганда силлиқ кечаркан-да, деган хулосага бор-
маслик керак. Айни чоғда кўп ўқиганликнинг ҳикмати
шундаки, мутолаа инсонда иродани тарбиялайди. Ҳаёт-
нинг бешафқат синовларига юзма-юз келганда таслим
бўлмасликка, тиз чўкмасликка, аксинча, заковатни
ишлатиб, тадбир топмоқликка ўргатади. Инсон руҳия-
тининг турфа қирраларидан, унинг ботиний сирлари-
дан хабардор одам ҳаётга кенг қарашни ўрганади. Ўз
олдида пайдо бўлган муаммолардан эсанкираб қолмай-
ди, ҳар қандай машаққатнинг, қийин вазиятнинг туб
сабабларини ахтаришга ҳаракат қилади. Агар бунга ўзи

сабабчи бўлса, ҳатто қусурларини тан олади. Асло айбни бировлардан ахтариб, дод-вой қилмайди. Муҳими, ҳар қандай кулфатни ҳам — у ҳар қанча ваҳимали кўринмасин, мудом ўзгарувчан бу ҳаётда унинг ўткинчи эканлигини идроки билан ҳис этади, тафаккури билан ҳар қандай балони бартараф қилишга уринади. Зеро, тафаккурли одам иродали одамдир. Иродали одамнинг имони ҳамиша бугун, руҳи мустаҳкам бўлади.

Башарият тарихида бу борада ибрат бўларли тимсоллар бисёр. Ўзимизнинг ўтмишимизга назар солсак-чи? Бундай сиймолар топилмайдими? Кўплаб топилади!

Мен бундай бетакрор сиймолар қаторига яқиндагина улуғ таваллуд байрамлари нишонланган алломаларимиз Ал-Фарғоний ва Ал-Бухорийларни қўйгим келади. Агар уларда руҳий қувват, буюк ирода бўлмаганида шу қадар оламшумул шуҳратга эриша олардиларми? Шу ўринда Аз-Замахшарий ҳам ёдга тушади. У араб тили хусусиятлари ҳақида ажойиб дарслик яратганида, араблар, «Хоразмдан келган оқсоқ олим тилимиз қонунларини бизга теран очиб берди ва ундан ҳар бир араб қарздордир», дея таҳсин-тасанно билдиришмаганмиди?!

Ирода инсоннинг ўзига нисбатан бешафқат талабчанлиги ҳамдир. Ана шундай талабчанлик туфайли Ал-Бухорий бемисл ақл ва ҳофиза қудратига эришдики, бундан бугунги куннинг компьютерлари ҳам лол қолиб турибди. Ал-Фарғоний забт этган самовий илмлар кинотда юлдузлар чарақлаб тургани қадар ўз қимматини йўқотмайди десак, хато қилмаймиз.

Бу йил ҳукуратимиз Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик тўйини нишонлаш тўғрисида махсус фармон эълон қилди. Мангуберди каби жасур, иродали шахс инсоният тарихида бошқа топилармикан? Тўфон янглиғ ёпирилган мўғул боққинчилари отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтини пайрахадек учириб юборганида ҳам у асло таҳликага тушмади. Балки ўзини тутиб олди ва лашкар тўплаб, ўша замон тушунчасида энгилмас бало саналган ғанимларга қарши кўкрак

кериб чиқди. Букилмас иродаси туфайли кўп жангларда унинг қўли баланд ҳам келди. Ожиз қолган пайтларида эса зинҳор тиз чўкмади. Ушбу тарих ҳаммага ёд бўлиб кетган: Мангуберди бир жангда кам сонли аскарлари билан Чингизга қарши бориб, қийин аҳволга тушиб қолади, лекин у таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди, тақдиридан нола ҳам қилмайди. Норасида фарзанди юрагини ёвлар юлиб олиб унга кўрсатганларида фиғон-фарёд кўтармади. Хотинию бошқа яқинларининг ҳам Чингиз қўлида шундоқ ўлим топишини истамади ва уларни дарёга чўктирди. Ўзи эса унинг баланд қирғоғидан тулпори билан тўлқинлар бағрига сакради. Шунда Мангуберди жасоратидан ҳайратланиб, довюрак саркарда иродасига тан берган Чингизхон ўз аскарларига уни қувишни бас қилишни буюради.

Бу ҳолатни мен башарият тарихи драмасидаги энг буюк саҳнага қиёс қиламан. Даврлар силсиласида Ёвузлик ҳамиша Эзгуликни таъқиб қилиб, уни тиз чўктиришга, ўзига бўйсундиришга, узил-кесил маҳв қилишга интилади. Лекин бу абадий жангнинг энг олий нуқтасида ҳар сафар Эзгуликнинг қўли баланд келади, у Ёвузлик устидан яна ғалаба қозонади. Бу ғалабага Эзгулик ҳамиша буюк иродаси туфайлигина эришади ва у кўрсатган жасоратдан Ёвузлик ҳар сафар ҳайратга тушади, ундан енгилганлигини яна тан олади. Агар бу сўнгсиз тўқнашувда Эзгулик иродасизлик қилсами, шубҳасиз, аллақачон бу ёруғ дунё тугаб битган бўларди.

Мен буюк тафаккур соҳиби Навоий бобомизнинг ҳам бетакрор ирода соҳиблари қаторига қўшаман. Ўйлаб кўринг, салоҳиятли мозийда, қадим Туркистон тупроғида кўп замон араб ва форс тиллари ҳукмрон бўлиб келди. Туркий тил эса ўз халқининг салтанатлари остонасидан ичкари киролмасди. Бу қадр топмаган буюк тилни Навоий назм саройларининг пештоқлари қадар кўтармадими? Агар улуғ бобомиз ўша замонлар бетакрор иродаси туфайли бу бемисл вазифани ўз зиммасига олмаганда тилимиз шу кунларгача омон яшаб кел-

ган бўлармиди? У ҳеч бир замон давлат тили даража-сида жаранглар эдими?

Ирода ҳамиша мозийдан қувват олади. Бу борада миллат ҳамиша ибратли сиймоларга ва халқ қаҳрамонларига, афсонавий тимсолларга эҳтиёж сезади. Шу боисдан биз улуғ аждодларимизни улуғлаймиз, уларнинг таваллуд байрамларини нишонлаймиз, айни чоғда уларнинг барҳаёт руҳи қалбларимизга мадад бахш этади. Шу жиҳатдан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонланаётганлиги ҳам жуда муҳим тadbирдир. Бу достоннинг юртда қайта тирилиши эл қалбида катта шукуҳ, сурур уйғотмоқда.

Айни кунларда Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда, истиқлолимиз янги-янги довлардан ўтмоқда. Лекин юртнинг салоҳияти, элнинг иродаси унинг буюк ишларга қўл ураётганлиги билангина ўлчанмайди. Иқтидорли ва иродали халқ ўз қисматига масъуллиги ва буюк келажакка ишончи туфайли нафақат ҳаётда ислохотлар ўтказишга жазм этади, балки турмуш тарзида, анъаналарида, урфу удумларида ҳам мантиқий бурилишлар ясашга қодирдир. Имони бугун юрт ўзидаги иллатларни фoш қилишдан чўчимайди, уларни ҳаётдан супуриб ташлаш учун ўзида куч-қувват топа олади. Бу борада биргина мисолни, тўй-ҳашамлардаги ортиқчаликка, даб-дабабозликка қарши кураш ҳақидаги фармонни олиб кўрайлик. Бу фармон шу кунларда зиёлилару оддий фуқаролар қалбида эзгу ташаббуслар, янгича руҳ уйғотмоқда. Фақат тафаккури чархланган, иродаси мустаҳкам миллатгина ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олади.

Мен бу ўринда Самарқанд ва Навоий вилоятларида бўлиб ўтган кенгашлар руҳини алоҳида таъкидлагим келади. Зотан, бу кенгашларда кескин айтилганидек, раҳбарлардаги порахўрлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, мансабпарастлик туйғулари қаердан келиб чиқмоқда? Бу иллатларнинг, бу балонинг тағтомири қаерда ўзи? Нега яхшигина кўринган шахслар лавозимга ўтиргач, айниб кетишмоқда? Нега нафс-

нинг қулига айланиб қолишмоқда улар?

Бу каби шахслар таназулини мен уларнинг ирода-сизликларида кўраман. Президентимиз Самарқанддаги ўтган йиғинда бир ҳокимга, бу жинойтларни кўра-била туриб сиз нега индамадингиз, дея сўраганларида у ўзининг бутун фожиасини бир сўзда ифода этиб: «Ирода-сизлик қилдим», дея бўйнини эгди. Ва ўз айбини тўғри эътироф этди.

Ҳар бир миллат ҳаётини фаровон қилишни, ҳар бир давлат ҳар жиҳатдан кучли бўлишни истайди. Лекин бу истакка ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўлмайди. Ҳоят машаққатли сўқмоқларни катта ирода билан босиб ўтишга тўғри келади. Шундагина тўкин ва тўкис турмуш, адолатли ва қудратли давлат орзуси рўёбга чиқиши мумкин.

Мен айни кунларда ҳаётимиздан китобнинг қадри тушиб кетаётганлигини кўриб, баъзан безовталаниб қоламан. Ва бу, албатта, ўткинчи ҳодиса, деб ўзимга таскин бера бошлайман. Баъзан ҳаёлпарастлигим тутиб, мутолаани миллатнинг турмуш тарзига, эзгу удумига айланадиган даврларни орзу қиламан. Кимга қандоқ, мен эса бу даврлар келишига ишонаман. Бу ишончим энди-гина оёққа тураётган истиқлолимизнинг ҳаётнинг хатарли сўқмоқларидан, бешафқат синовларидан омон ва безаха ўтиши учун қайғураётганлигимдандир, эҳтимол. Бу йўлда унга буюк ирода тилаётганлигимдандир. Иродани эса тинимсиз мутолаа чархлайди.

1998

ҚАНОТЛИ ҚУШ

Президентимиз Ўзбекистоннинг XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш тамойилларини асосан олти устувор йўналиш орқали белгилаб берди. Уларнинг энг биринчиси мамлакат сиёсати ва иқтисодиётини эркинлаштиришга дахлдор бўлса, иккинчиси жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилгандир.

Маънавият муаммолари ҳамиша, ҳамма мамлакат-

ларнинг диққат марказида турган. Лекин, хусусан, бизнинг, яъни яқинда ўз мустақиллигини қозонган мамлакатнинг маънавияти қайси қирраларда акс этиши керак?

Юртбошимиз бу маънавиятнинг тамал тоши «инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсоннинг ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучда» эканлигига алоҳида урғу беради.

Бу «қудратли ботиний куч» нимада? Бой тарихий меросимиздами? Барҳаёт анъаларимиздами? Уларда ҳам бўлиши мумкин. Лекин мен бу кучни кўпроқ мутолаада деб тасаввур қиламан. Юзаки эмас, тинимсиз мутолаада.

Агар халқимизнинг буюк ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, улуғ алломаларимиз мутолаа туфайли, ўзидан аввалги бойликларни қунт билан ўзлаштириб башариятнинг энг юксак чўққиларига кўтарилганлигини кўрамиз. Жумладан, Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ўн олти ёшимда эгаллаган билимимни кейин умрим давомида бойита олмадим, дейди. Хусусан, у Арастунинг «Метафизика» асарини юнон тилида қайта-қайта ўқиб ҳам маъзини чақолмаганлигини, Форобийнинг бу асарга араб тилида ёзган шарҳларини ўқигандан кейингина унинг моҳиятини англаб етганлигини таъкидлайди. Айни чоғда биз бу тарихий далилдан Форобийнинг билим салоҳияти нақадар улуғ бўлганлигини ҳам англаймиз. Зеро, унинг «Муаллими соний», яъни башариятнинг иккинчи муаллими унвонини олганлиги бежиз эмас.

Буюк бобомиз Беруний-чи? Ҳиндистонга бориб, ҳатто бу мамлакат олимлари учун ҳам номаълум бўлган кўҳна қўлёзмаларни топиб, маъзини чақади.

Мутолаа қудрати тарихда буюк салтанатларни яратган. Хусусан, қадимги Хитойда ўз адабиётини билмаган, жаҳон маданиятидан хабардор бўлмаган шахслар юксак лавозимларга кўтарилмаган экан.

Агар мозийдаги Уйғониш даври дея аталмиш инсо-

ният тафакқурининг юксак нуқталарга кўтарилган паллаларига таҳлил назарини солсак, бу жараёнлар дунёдаги илм ва адабиёт дурдоналари мужассам бўлган ҳудудлар даражасида юзага чиққанлигини кўрамиз. Жаҳоний билимларнинг араб тилига таржима қилинганлиги арабий лисондаги халқларга, давлатларга бемисл даҳоларни, буюк алломаларни берди. Айни чоғда улар, яъни ал-Хоразмию ал-Фарғонийлар, ал-Бухорию ал-Жавҳарийлар — бу санокни узоқ давом эттириш мумкин — жаҳон тамаддунининг пойдеворини яратдилар.

Мен тарихда содир бўлган мана шундай буюк жараёнларнинг илк аломатларини ўз мустақиллигини қозонган мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам ҳис қилиб, бундан руҳимда ифтихор туяман. Жумладан, шахсан Президентимиз томонидан ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» журнали ана шундай буюк неъматлардан эмасми? Зеро, озод шахсни, комил инсонни башарият маънавиятидан бебаҳра тарзда шакллантириб бўладими? Истибод асоратларидан, тафаккурдаги мутеликдан дунёвий ҳурфиқрлиликни ўрганмай туриб қутулиб бўладими?

Лекин мазкур журнал ҳаётдан ўз ўрнини топа билаптими? Унинг ташкил этилиши ҳақидаги Фармонни ўқиб, ҳаяжони юрагига сиғмаган айрим адабиёт ихлосмандлари «башорат» қилганларидек, ҳар бир сони талаш бўлиб кетмоқдами? Афсуски, ундай эмас.

Юксак сифатли қоғозда босилаётган салмоқли ҳажмдаги бу журналнинг сотилиши ва обунаси ниҳоятда арзон баҳода.

Бугунги кунда баъзи ёшларнинг мутолаадан йироқлашиб кетганлигини турлича изоҳлаш мумкин. Зебҳашамларга ҳаддан ташқари маҳлиёлик, ҳамма нарсадан пулни, бойликни ортиқ кўриш, унга ружу қўйиш, телевидение орқали кириб келаётган савияси паст турли кўрсатувларнинг таъсирида қолиш оқибатидир бу, эҳтимол. Аммо бу таъсирлардан кўз юммаган ҳолда ёшларни катта мақсадларга, яхши анъаналарга жалб этиш имкониятлари ҳам йўқ эмас-ку, ахир. Зеро,

Юртбошимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан яқинда қилган суҳбатида бу муаммолар доирасида тўхталиб, «мактаб, академик лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилотлар ва тўғарақлар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим», дея уқтирди-ку, ахир.

Бу борада синалган тажрибалардан фойдаланиш мумкин эмасми? Мумкин, албатта. Масалан, илгари «китобхонлар анжумани» деган гаплар бўларди. Маълум бир янги асар устида қизгин баҳслар уюштирилди. Ҳозир-чи? Нега ҳозир бу тажрибани қайта жонлантirmаслик керак? Ҳар ойда чоп этилаётган «Жаҳон адабиёти» журналидаги асарларни ўқинг. Уларнинг ҳар бири ўзбек китобхони учун янги ва долзарб эмасми? Масалан, И. Буничнинг «Партиянинг олтинлари» бутун мамлакат бўйлаб китобхонлар анжуманлари ўтказишга арзимасмиди? Шўролар тузуми моҳиятининг авра-астарини чиқариб ташлаган бу асар ҳали ҳам айримлар кўнглида яшаб турган «доҳийлар» ҳайкалларини кунпаякун қилиб ташламайдими? Қувайтлик ёзувчи Лайло Усмоннинг «Васмия денгиздан қайтиб чиқади» асари-чи?

Биз ҳаммамиз миллатсевармиз. Лекин кундалик ҳаётдаги камчилик ва қусурларни ҳам кўра билмоғимиз ва уларни бартараф қилиш йўллари устида бош қотирмоғимиз ҳам лозим эмасми? Зеро, бугунги кунда одамлар моддий нарсаларга кўпроқ ружу қўйиб юбормаяптими? Уларимизга зеб бериб, уларни мебелу биллурларга тўлдириш билан овора бўлиб қолмаяпмизми? Фарзандини ўзбекчалик севадиган, ардоқлайдиганлар кам дунёда. Бу ҳақиқат. Бизда ҳар бир ота-она ўғлим деб, қизим деб сеп йиғади. Лекин фарзандига ноёб бир китоб ахтарган ёки санъат асари совға қилган инсонни учратганмизми?

Гуржиларда бир ажойиб удум бор. Ҳар бир ота-она қизини узатаётганида унинг қимматбаҳо сеплари орасига энг муътабар сеп қилиб Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини ҳам қўшаркан. Бизчи? Бизлар қизларимизнинг сепига «Ўтган кунлар»ни ёки Навоий дostonларини қўшсак арзимайдими?

Маънавият ҳамиша парвариш ва жиддий эътибор талаб қиладиган соҳадир. Айни чоғда маънавият мутолаадан озикланади, куч-қудрат топади. Мутолаасиз маънавият бамисоли қанотсиз қушдир. Қанотсиз қуш эса юксакликни ва ёрқин уфқларни кўзлай олмайди.

1999

ИСТИҚБОЛИМИЗ ТАЯНЧИ

Президент Ислom Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларини ўқиб

Яқинда республика телевидениеси орқали миллионимизнинг ўсмир авлоди иқтидорини намойиш қилган «Акс садо» номли туркум кўрсатувлар берилди. Улардан бири илм-фан бўйича жаҳон олимпиадаларида голиб чиққан мактаб ва академик лицей ўқувчилари билан бўлди. Ана шу учрашувда қатнашган математика бўйича олтин медал соҳиби — ёш йигитчанинг гапи менинг ҳамон эсимда турибди. Бошловчи ундан, бу муваффақиятингизнинг сирини қандай изоҳлайсиз, деб сўраганида, у қисқа қилиб, мен дунёнинг турли бурчакларидан келган тенгқурларим олдида ўзимни сира паст санамадим, дея жавоб берди.

Таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимиз қўлга киритган буюк ютуқлардан яна бири шу гапда мужассамдир, дегим келади. Мен у ўсмир тимсолида янги наслни — ҳеч кимга тобе бўлмаган, ҳур фикрли, мустақил шахс тимсолини кўрдим.

Унинг сўзлари беихтиёр аллома аждодларимиз ал-Бухорийнинг навқиронлик чоғларида айтган «Мен ҳеч

кимнинг олдида ўзимни кичик санамасдим», деган сўзларини ёдимга туширди.

«Тафаккур» журналининг янги сонида эълон қилинган Президентимизнинг журнал бош муҳаррири саволларига берган жавоблари мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини ўйлантиргани, унинг онгини янги мушоҳадалар билан бойитгани, дунёга теранроқ қарашга яна бир бор ундагани шак-шубҳасиздир. Бу суҳбатда бугунги кунда халқимиз учун зарур бўлган мафкура масалалари хусусида кенг қамровли фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

«Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга, — деб таъкидлайди Юртбошимиз. — Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доим огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш қийин».

Шу боисдан ҳам турли мафкуралардан ҳимояланиш воситаси фақат кучли мафкура билан қуролланишдир, деган хулосага келамиз. Лекин бу мафкура қандай бўлиши керак ва қандай яратилади?

Энг аввало, олдинги сиёсат билан шиббалаб ташланган онгни ўзгартириш керак бўлади. Бироқ уни таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилмасдан туриб ўзгартириш қийин. «Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

Суҳбатда ислоҳот жараёнини амалга ошириш йўллари ҳақида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари босиб ўтган жараёнларни кенг ва тинимсиз таҳлил қилиш тажрибаси асосида фикр юритилади ва етук мамлакатлар иқтисодиётидаги бизга мўъжиза бўлиб кўринган юксалишларга, яъни «портлаш эффекти»га олиб борувчи омиллар белгилаб берилган. Бунга таълим-тарбия тизимидаги теран ислоҳотлар ва истиқболимиз пойдевори бўладиган мафкурани яратиш орқалигина эришиш мумкинлиги уқтирилади.

«Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади», дейди муҳтарам Юртбошимиз. Шу ўринда оддий ўқувчида давлатнинг кучлилиги муҳимми, жамиятнинг кучлилигими? Умуман булар орасидаги фарқ нимадан иборат ўзи, деган оддий савол жонланиши табиий. Унинг жавоби оддий. Зеро, Юртбошимиз кўп чиқишларида уқтириб келаётганидек ва мазкур суҳбатда таъкидланганидек, кучли давлат фақат бойлиги ва муҳофаза кучлари билан қудратли бўлиши мумкин. Кучли жамият эса ҳар бир фуқаросининг онглилиги, билими-тафаккури, маънавияти билан енгилмасдир.

Шунингдек, биз миллатимизни ана шундай юксак мафкура билан таъминлай олсаккина ва унинг ҳар бир аъзосини ундан чинакам баҳраманд этолсаккина, «дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз».

Шу ўринда буюк бобомиз Амир Темур севган бир ривоят ёдга тушади. Солномачиларнинг ёзишича, бу ривоятни у кейинчалик — кўп марталаб, кетма-кет зафарлар қозонган пайтларида ҳам улкан кенгашларда, йиғинларда такрорлашни хуш кўрар экан. Яъни икки саёҳ йўлга чиқишибди. Уларнинг бири араб экан. Йўл давомида уларнинг сувлари камайиб, иккинчи сайёҳники тугабди. Шунда у офтоб тагида қовжираб, араб ҳамроҳидан сув сўраб, ёлворибди. Сен арабсан, арабларни танти, мард дейишади. Шу нақл чин бўлса исбот қил, дебди. Араб чуқур ўйга толибди ва сен ича қол, сенга тортиқ қилдим, чунки мен учун араб шаъни ҳамма нарсадан ортиқдир, дея ҳамроҳига сўнгги томчи сувини узатиб, ўзи қумга йиқилибди...

Бу ривоятни ҳар гал сўзлаганида буюк бобомиз ўз давлати фуқароларини чинакам фидойи, миллати шаънини ҳар нарсадан юқори тутадиган, имони бутун инсонлар бўлишга даъват қилганлари шубҳасиз.

Юртбошимизнинг куйиниб, жуда теран мулоҳаза-

ларни юрагидан ўтказиб айтган гаплари бугунги кунда ҳар биримизнинг миллат байроғини янада баландроқ кўтаришга илҳомлантиради.

1998

АССАЛОМ БАҲОР, АССАЛОМ НАВРЎЗ!..

Табиатда ажиб бир мувозанат бор. Агар шу мувозанат бузилса, у, албатта, инсон руҳиятига таъсир этади. Бу мувозанат кўпроқ йилнинг фаслларида кўринади. Дейлик, қиш қаттиқ келса, унинг қаҳри меъёридан ошиб кетса, руҳиятимизни рутубат чулғайди, қалбимиз уфқларини зулмат эгаллайди.

Шууримизда, идрокимизда, тасаввуримизда шуъланинг, нурнинг, ҳароратнинг қадри ошади. Ва ғамзада туйғуларимизга ҳали олдимизда, истиқболимизда турган мунаввар баҳор айёмларининг шукуҳи таскин беради. Қиш изғиринларининг заҳри қанчалик аёвсиз бўлса, мушфиқ, мунис баҳор ёғдуларини шунчалик кўпроқ соғинамиз, қўмсаймиз.

Бу йилги қиш қаҳри ва заҳри ана шундай қаттиқ ва аёвсиз бўлди. Лекин баҳор дийдори, Наврўз соғинчи бизни ифорли, нигоҳи майин кунларга омон етказди.

Баҳорнинг муқаррарлигини биз изғиринлар қанотига илашган муаттар бўйлардан сезиб қолдик. Демак, баҳорнинг ҳиди таралдими, дашту далалардан қорларнинг, боғу хиёбонлардан зоғларнинг чекиниши муқаррар.

Баҳор дастлаб ариқ бўйларини кезиб, ялпизлар қадайди, қору муздан енгиллашган адирлар кўксини бойчечаклар билан безайди, шип-шийдон, яйдоқ боғларни оралаб, ниҳолу новдаларга куртаклар тақади. Осмонни эса, қушлар эмин-эркин қанот қоқсин деб, гарду ғуборлардан артиб, зангори шишадек мусаффо қилиб қўяди.

Баҳор ёғдулари кўксимизга теккан кунлардан бошлаб, қишки рўдапо уст-бошларни бир-бир ташлай

бошлаймиз. Томирларимизда қоннинг қизиганини, билакларимизга куч қуйилганлигини, кафтларимиз кетмонни, белкуракни, тоққайчини истаб қолганлигини сезамиз.

Баҳор ана шундай ажойиб, ҳар дақиқаси мўъжизага тўла, лаҳза сайин еру кўкда гўзалликлар ярата олгувчи фаслдир.

Баҳорда биз ўзимизни яна қайтадан кашф этамиз. Айниқса, унинг муборак айёми бўлган Наврўз идрокимизга, шууримизга ажиб руҳ беради. Деҳқон бўз ерларга уруғ қадагандек, биз ҳам беихтиёр хаёлимизга бир-биридан гўзал режаларни жо эта бошлаймиз.

Азалий Наврўз шукуҳи инсониятнинг тирикликка, боқий ҳаётга айтган алёридир. Наврўз бизни тунни бўйи қайнаб чиқадиган сумалак дошқозонлари қошига чорлайди, кундузлари илк ҳовурлар саробдек жимирлагувчи яшил қирларга имлайди, дилбар куйлару қўшиқлари самоларга таралгувчи давралар бағрига даъват этади. Қиш уйқусидан ҳали ўзига келолмаган жимжит кенгликлар Наврўз шодиёнасининг қийчувидан, кўпкари чопган тулпорларнинг дупуридан уйғонади.

Баҳор нафақат дунёни уйғотувчи, балки ислоҳ этувчи фасл ҳамдир. У борлиқни гўзаллик қонуниятлари асосида ислоҳ этади. У адолату холислик меъёри қилиб Наврўздаги кун-тун тенглигини олади. У жамики умидвор гиёҳлару новдаларга гул улашади, заминнинг кўримсиз узлатлари қадар майсалар билан пардозлайди.

Баҳорнинг, айниқса, тонглари ниҳоятда гўзал. Офтобнинг қорлар ҳамон муз бўлиб қотган совуқ чўққилар узра майин табассум билан нур тараб турганини кузатиб, қишнинг мағлуб бўлганига, музаффар баҳор ўз салтанатини замин узра барқарор этганлигига имон келтирамиз.

Қиш феълига шафқатсизлик, меҳрсизлик, дийдаси қаттиқлик хос бўлса, баҳор илиқликка, ҳароратли туйғуларга, гўзал умидларга лиммо-лим фаслдир. Ба-

ҳорда том маънодаги Эзгулик тушунчаси мужассам.

Баҳорнинг илк кунларида биз табиатдаги буюк курашнинг ниҳоясига шоҳид бўламиз.

Зеро, бу дамларда Ёвузлик Эзгуликка ўз ўрнини бўшатиб беради. Эзгулик яшил байроғини замин узра ҳилпиратади бу дамлар.

Шу боисдан ҳам, баҳор фаслида ўз-ўзидан тўлқинланмаган қалбни, унинг беназир ҳиммати бўлмиш чечакларга ошуфта бўлмаган юракларни учратмоқ қийин.

Ассалом Баҳор! Ассалом Наврўз! — дейди ҳар бир қалб бор севинчини, бор сурурини ушбу сўзларда изҳор этиб. Шоирлар эса бу ажиб фасл мадҳига ёниб сатрлар битадилар.

*Қара, бирам осмон ложувард,
Қара, бирам уфқлар тиниқ...
Доғ туширгай унга зарра дард,
Сарғайтирар уни хўрсиниқ.*

*Қайғу-ғамга эрк берма сира,
Чечакларни кўзга сур бу пайт.
Сенга дунё қилмоқда жилва,
Мен яшашни севаман, деб айт.*

2005

ВАЛИДИЙ ЗАКОСИ

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришганига яқинда бир йил тўлади. Лекин истиқлолнинг қадрини, моҳиятини теран англаб етмаганлар орамизда ҳали кўп. Россия бизга тараққиёт, маърифат, инқилоб эса бахт-саодат олиб келди, дея 74 йил давомида оламга жар солдик. Ўзимизни Берунию Улуғбеклар, Темуру Навоийлар наслдан эканлигимизни унутдик. Аждодларимизни жоҳил, саводсиз деб ваъзлар ўқишганда мутелик билан қулоқ тутдик...

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима сабабдан халқимиз онги шу қадар ўтмаслашди? Бу ҳолатдан

чиқиб кетишнинг чоралари нимада? Ёки манқуртга айлантирилган одамларни айблаб, уларга дашном бериш, омиликлари учун нуқул изза қилиш сўнгги иложмикан? Шу билан ишимиз ривож топиб кетадими? Менингча, йўқ. Биз, зиёлилар, аввало халқимиз руҳиятидаги, унинг барҳаёт қалбидаги 74 йил давомида шибаланган булоқлар кўзини очиб ташламас эканмиз, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Суюкли ҳафтаномамизда («Ўзбекистон адабиёти ва санъати») яқинда эълон қилинган «Туркистоннинг туганмас дарди» туркумидаги мақолаларини ўқиб, туркий халқларнинг XX асрдаги ёрқин намојандаси Заки Аҳмад Валидий асарлари ана шундоқ — юзига харсанг бостирилган сарчашмалардан эканига амин бўлдим.

З.А.Валидий асарларининг бебаҳо қиммати шундаки, уларда асло тушкунлик руҳи йўқ. Тақдирнинг бисёр уқубатларини бошдан кечирган муаллиф Туркистон халқларининг ял тироқ ғояларга бурканган темир тирноқли тузум бағрида беҳад эзилаётганини кўриб ҳам истиқлолга ишончини сўндирмаган. З.А.Валидий кўпчиликда шаклланган, яъни русга тобе туркларнинг, хусусан, туркистонликларнинг миллий озодлик ҳаракати ибтидоий босқичда, улар ҳеч қачон инглиз, немис ёки рус миллатлари каби тарихий жараёнларга фаол аралаша олмайдилар, тақдирни ўзгартириш қудратига эга эмаслар, қулликдан чиқиш учун қулай вазият туғилганда ҳам фойдалана олмайдилар, деган тушунчани кескин рад этади. «Турк миллатининг шундоқ қавмий хусусияти бордирки, — деб ёзади 1929 йил битилган мақоласида, — уларни уйғотиб ишга солишга муваффақ бўлинса, йўқолган нарсаларини оз муддатда тиклаб олади...»

Истиқлол орзуси кечагина туғилган эмас ва унга эришиш йўллари ҳамда бундан келиб чиқаётган муаммолар бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу курашда Турар Рисқулов, Низомиддин Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Мунаввар Қори каби халқимизнинг асл фарзандлари ҳаётларини фидо этдилар. Уларнинг миллий онг-

ни тарбияловчи асарлари, ҳаётда тутган сиёсий мақсадлари ҳеч қачон меҳнаткаш халққа етиб бормади, аксинча, улар мутгасил равишда Шўро ҳокимияти душманлари — ашаддий пантуркистлар сиймосида гавдалантирилди.

З.А.Валидий миллатимизнинг айрим қатламлари ҳануз англаб етолмаётган мустамлакачилик сиёсатини, Россиянинг туб манфаатлари асосида шаклланган Шўролар диктатурасининг манфур ниятларини рад этиб бўлмас мантиқлар асосида аллақачонлар фош этган. «Русия ўрта турк элига, олайлик, Ҳиндистондаги инглизлардек ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеи муҳофазаси учун мамлакатдаги бойликларни ўзлаштириш ва одамларни ишлатиш фикри билангина келган содда, афанди миллат эмас, — уқтиради З.А.Валидий, — бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфуз жиҳатидан кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужигини, аравакашини, этикдўзини, кўча супурувчисини, ҳожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди».

Ярим аср муқаддам қайд этилган мазкур кузатишларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини ҳаёт исбот этди. З.А.Валидий мақолаларини ўқиб, унда файласуфларимиз, сиёсатдонларимиз ҳали чуқур ўрганишлари лозим бўлган шовинизмнинг тилсим қудратига дуч келамиз. Зотан, нега Пушкин келиб чиқиши араб бўла туриб, Россиянинг улуғ миллатпарвар шоирига айланди ва «Ҳайкал» шеърида мустамлака ҳудудидаги рус бўлмаган жами қавмларнинг ҳам муштарак шоиридирман, деб барралла айтишга ўзида маънавий ҳуқуқ топди? Нечун Аксаков, асли татар бўла туриб, славян бирлигининг асосчисига айланди ва бошқирду қирғизлар буюк рус миллатининг саҳродаги яшовчи насронийликка ўтмаган авлодларидан иборатдир, деган фикрни истиҳола қилмай илгари сурди? Бу — Россиянинг ўз мустамлакаси доирасида янги бир жўгрофий миллат «рус миллати» яшашга уринишининг дастлабки кўринишлари эмасми?

Шу ўринда бир савол туғилади: туркистонликлар мустақилликка, истиқлолга муносибмиди? Шак-шубҳасиз, деган фикрга келамиз «Турк эли туркларининг ҳаёт курашида тутадиган ўринлари» мақоласини ўқиб. Зеро, турк эли туркларининг мингларча йиллик тарихида бирон-бир давр йўқки, улар жонли ва фаол ҳаёт кечирмаган бўлсин. Қадимда Осиё ва Европа ҳудудида бирорта байналмилал ҳодиса кечмаганки, у мамлакатга турк бормаган ва охирида у жамиятнинг тепасига кўтарилмаган бўлсин. Эронлик тарихчи Муборак Журийнинг «Оқча баробарида қул қилиб сотилиб юрган ҳеч кимсанинг подшоҳ бўлганлиги инсоният тарихида кўрилган эмас, биргина турклар шундайдир», деган баҳоси лутф эмас, асл ҳақиқатдир. Бунинг исботи сифатида дарҳол Сомонийлар давлатининг лашкарбошиси Сабуктегин ёдга тушади. У бозордан қул қилиб сотиб олинган, Туркистон ўлкасидан келтирилган оддий турк бўлиб, саркарда даражасига кўтарилди. Ўғли Маҳмуд эса тарихда Ғазнавийлар давлатига асос солган шоҳ бўлиб етишди.

Миллий онг сарчашмаларидан бири З.А.Валидий меросини ўрганиш, унинг эзгу ғояларини халққа етказиш ўзбек зиёлиларининг кечиктириб бўлмас ишларидан биридир. Ҳануз социалистик реализмнинг, коммунистик эҳтиқоднинг темир изларидан чиқолмаётган тарихчи ва адабиётшуносларимиз китобларини пештахталарга тўлдиргандан кўра миллат юрагида чексиз шижоат ва қудратлар уйғотувчи асарларни тарғиб-ташвиқ этишимиз, тўлиқ жилдларда нашр қилишимиз керак. Уларнинг мактаб дарсликлари, мажмуалардан ўрин олишига аллақачон вақт етди. Ана шунга эришсакки-на, фарзандларимиз истиқлол моҳиятини англайдиган, қадрлай биладиган, унга чинакам посбонлик қила оладиган авлод бўлиб камол топади. Фақат шундагина халқимизнинг мудраб ётган қатламлари коммунизм афсонаси ва собиқ «қудратли Иттифоқ» соғинчидан мосуво бўлиб боради.

З.А.Валидийнинг энг юксак орзуси — Туркистон бирлиги ғояси эди. У айтгандики: «Туркистонни, турк-

ликни севганлар, сочилиб кетган татар ва қирғиз ё туркман маданиятлари ўрнида Туркистон ташкил топажак турк маданияти атрофида тўпланмоқ истаганлар, албатта, бирлашажаклар ва бутун Русияда хизмат этиб турган техника мутахассисларимизни, муҳандис ва агрономларимизни миллий йўлга олиб киражакдир».

Тақдирга минг қатла шукрки, 70 йил муқаддам жаранглаган бу гоё ҳаётда ўз ижросини топмоқда. Буюк туркпарвар Заки Аҳмад Валидийнинг донишмандлиги ҳам шунда.

1992

СУЛТОН СУЯГИНИ ХОР ҚИЛМАС

Телевидениемизда берилаётган «Бобур изидан...» номли кўп қисмли видеофильм кўпчиликини ҳаяжонга солган бўлса, ажаб эмас. Уни кўраётиб менинг кўнглимда дастлаб, ниҳоят миллатимиз руҳи шўровий ҳандақлардан чиқиб, чинакам ҳурликни танияпти, деган ифтихор ҳисси туғилди. Зеро, озодликка эришиб, ўз руҳининг султони бўлган миллатгина ажодларини ахтаради, уларнинг руҳини шод қилади, қабрларини эъзозлайди.

Фильм ҳақида, уларнинг ижодкорлари беназир шижоатлари борасида ҳали матбуотда алоҳида чиқишлар бўлиши шубҳасиз. Мен эса фильмни кўриш давомида юрагимда тугён кўтарган ушбу оғриқли фикрни тезроқ ўртоқлашишга ошиқдим.

Фильмнинг Фазнага сафар ҳикоя қилинган қисмидаги бир лавҳа мени ниҳоятда қаттиқ ларзага солди. Бу — буюк бобомиз Беруний қабрларининг бугунги ҳолатдаги кўриниши эди. Устига ҳар хил мармар синиқларию тош-кесақлар уюлган бу қабр нураган паҳса девор тагида жойлашганди. Ундан уч-тўрт қадам нари жой — шопипоя. Шопипоядан сув тушса, нақ ювиб кетгудек. Уруш ва муҳтожликдан мияси заранг бўлиб кетган деҳқон уни бир-икки йилда шопипоясига бамайлихотир

қўшиб ҳам юбориши мумкин. Тарихнинг бешафқат йилдирилари остида кунпаякун бўлган Ғазнанинг бугунги шўрлик, ситамзада фуқароси Берунийнинг кимлигини қаёқдан билсин? .

Ҳолбуки Беруний ким эди?

Туронзаминдан чиққан миллатдошимиз, башарият гидрокини уйғотган бу бетакрор сиймони таърифлаб ўтириш ортиқча. Лекин унинг кишилик жамияти тарихида илк бор Ернинг думалоқ шаклда эканлигини аниқлаб, глобусни яратганлигини, Христофор Колумбдан 460 йил аввал Америка қитъаси борлигини башорат қилганлигини, Коперникдан қарийб беш аср илгари оламнинг маркази Ер эмас, Қуёшдир деган хулосага келиб, Ернинг Қуёш атрофида айланишини биринчи бор ўртага қўйганлигини тақрор эслаб ўтиш шу аснода ўринлидир.

«Ҳиндистон» эса Берунийнинг шоҳ асари бўлган. Бу асарни ёзиш учун у кўплаб тилларни, адабиётларни ўрганди. Жумладан, асарда таъкидланишича, ватандошларимиз бир қанча асарларни ҳинд тилидан араб тилига, бошқаларини қадимий ҳинд тили – санскритга таржима қилади. Таниқли немис олими Эдвард Захау: «Ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олимни ундан олдин ҳам, кейин ҳам бўлганини билмаймиз», дея бежиз айтмаган.

Хуллас, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний геологиядан тортиб фармакологиягача, астрономиядан тортиб минерологиягача чуқур тадқиқ этиб, башариятга бебаҳо тафаккур хазинаси қолдирган. Ана шундай улуғ аждодимизнинг табаррук хокининг бугунги аҳволидан юрагинг титрамай иложи йўқ.

Тақдирга минг шукрларки, миллатимиз томири бани башар томирлари билан, унинг ибтидосию тараққиёти билан тутшиб кетган. Шу боисданки, ўтган йили шавкати сўнмас шаҳарларимизнинг икки минг ва икки ярим минг йилликларини нишонладик. Ал-Бухорий ва Ал-Фарғонийларнинг улуғ тўйлари арафасида яшаяпмиз.

Бу шукуҳ, бу сурур жаҳонкўрсинга ёки вақтинчалик эмас, балки халқимиз миллий мафкурасини шакллантираётган изчил сиёсатдир. Зеро, бу борада Маъмун академиясининг Хоразмда роппа-роса минг йилдан кейин қайта тикланишида ҳам теран маъно бор.

Абу Райҳон Беруний мазкур Академиянинг энг порлоқ юлдузларидан бири эди. Унинг туғилганига бу йил 1075 йил, вафотига 950 йил тўлар экан. Ушбу саналар муносабати билан улуғ аждодимизнинг юрт меҳридан йироқ хокитуробига илмий жамоатчилигимиз томонидан эътибор қаратилса, муносабат билдирилса, ниҳоятда эзгу иш бўлурди. Албатта, бунга Афғонистондаги ҳозирга вазият тўсқинлик қилиши табиий... Лекин ЮНЕСКОдек обрўли ташкилот ҳам бор-ку. Унинг минбаридан фойдаланиб, зудлик билан бонг уриш керак!

Энди биз ўзига хон, ўзига султон миллатмиз. Султон эса суягини хор қилмайди.

1998

ҚАНОАТ ФАРОҒАТИ

Баҳор айёмининг ифори кимнинг қалбини энтиктирмайди, кимнинг дилини тўлқинлантирмайди, дейсиз. Худди шунинг сингари жамиятимиздаги демократлаштириш жараёни, янгиланишлар шукуҳи уни англаган, ҳис этган юракларга тенгсиз нашида бахш этмоқда.

Мудроқ идрокларимиз нимадан уйғонади, туйғуларимиз нимадан сурур топиб, руҳиятимиз нимадан қанотланмоқда? Бунга сабаб президентимиз И.Кариновнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган маърузасидир десам, сира муболаға бўлмайди. Бу ҳужжат нафақат бунёдкор халқимизга руҳ ва шижоат ато этди, балки жамиятимиз олдига улкан, долзарб вазифалар ҳам қўйди.

Маърузада кейинги йилларда 20 та давлат бошқарув органи қайта ташкил этилгани ва 40 мингдан ортиқ

штат бирлиги тугатилгани ёки бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилгани қайд этилган.

Демак, бу ҳол жамиятимиздаги муҳим бўгин — бошқарув тизимида чуқур ислоҳотлар бошланганидан дарак беради. Айни чоғда бу бутун раҳбар ходимлар зиммасига жиддий масъулият қўйилаётганлигидан далолат ҳамдир. Аслини олганда, эндиликда бирон-бир корхона ёки жамоага раҳбарлик қилиш, одамларни ўз изидан эргаштириш, уларни янги мақсадлар сари руҳлантириш шунчаки ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биринчидан, лавозимда ўтирган шахсга бу борада катта масъулият ҳисси зарур бўлса, иккинчидан, замон талабларини англаш, дунёвий жараёнларни илғаш туйғуси лозимдир.

Биз узоқ даврлар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик муҳитида яшадик. Ва раҳбарликнинг бош тамойилини ана шунда кўрдик. Энди эса замон ўзгарди, жамиятдаги жараёнларни эски усуллар билан сира-сира бошқариб бўлмаслиги беш қўлдек аён бўлиб қолди. Лекин давр ўзгаришини, замон эврилишини ҳамма ҳам етарлича ҳис этиб, ўз дунёқарашини шунга мос равишда тубдан ўзгартирмоқда, деб айта оламизми? Йўқ албатта. Ҳамон эски қолипларда қолиб кетаётган катта-кичик раҳбарлар ҳали ҳам бисёр.

Бунинг сабаби нимада? Шу ўринда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги ушбу гаплар беихтиёр ёдга тушади: «Қаноатга одатланган фақирнинг ёвғон умочи — олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир». Улуғ шоиримиз яна дейдилар: «Қаноатда қанча роҳат-фароғат бўлса, унинг акси бўлган таъмада шунча разиллик ва уқубат бордир».

Зотан, бу иллатлар кўпроқ лавозимдаги шахснинг дунёқараши, унинг замонни тушуниш савияси, маънавияти билан узвий боғлиқдир, десак хато қилмаган бўлармиз.

Агар инсон ич-ичидан нимагадир астойдил интилса, нажот, шубҳасиз, етиб келади ва унинг тилаги ижо-

бат бўлади, деб таъкидлайди америкалик руҳшунос-шифокор Луиза Хей. Буни халқимиз жайдари қилиб, ниятинг — йўлдошинг бўлади, дейди. Бу фалсафани бразилиялик машҳур ёзувчи Пауло Коэльо «Алхимик» асарида чиройли бадиий санъат билан далиллаб берган. Бундан хулоса қилиб шундоқ дейиш мумкинки, инсон «қора кун»га интилса, албатта, унинг бошига «қора кун» етиб келади.

Лекин у бутун фаолияти давомида, ҳар дақиқада, фақат яхшиликни ўйласа, ҳамиша эзгулик пайдан бўлса, шубҳасиз, у энг ёруғ кунларга мушарраф бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли соҳаларини, тармоқларини — корхоналар ва идоралари, муассасаларни, банкларни бошқараётган навқирон раҳбарларни кўриб ҳавасинг келади. Чунки уларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўзларига ишонч уфуриб туради ва улар ўз соҳаларининг етук билимдонлари бўлиб, ишга дадиллик билан жазм этадилар. Улар раҳбарлигида иш-лаш, бир мақсад йўлида жонбозлик қилиш кўнгилларга гурур беради.

Бундай истеъдодли шахс мутасаддилик қилаётган корхона ёки идора ходимлари ҳамиша унинг дуосини қиладилар, соғ юриб, умри узун бўлишини тилайдилар. Чунки бундай раҳбарлар кўзида ҳамиша меҳр товланади, вужудидан нур ёғилади. Улар ҳеч қачон ходимларидан ўзини баланд тутмайди, аксинча, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ўзиникидан баланд кўяди.

Бундай кадрларнинг кўпайгани яхши. Лекин айна чоғда кўнгилда бир хавотир ҳам туғилади: улар ўзларини бир нарсадан — манманлик, кеккайиш касалидан эҳтиёт қила олармикинлар? Бу хавотирнинг боиси — кеккайган одамда меҳр кам бўлади. Чунки манман одам ҳаммадан кўра ўзини яхши кўради. Ўзганинг дардига эловсиз бўлади. Ҳеч қачон қўл остидагиларнинг ташвиш-муаммолари кўйида куйиб-пишмайди. Раҳбар — ишбилармон, билимдон, ҳар ишда шижоатли бўлса-ю, лекин қўл остидагиларга меҳрли-му-

руватли бўлмаса, ундан рўшнолик кутиш фойдасиз. Бу хилдаги шахс ўзи кўтарилиб чиққан зиналарни зинҳор эсламайди. Уни олиб ўтган кўприкларни унутиб юборади. Ҳатто эски дўстларидан юз ўгиришгача бориб етади.

Бундай шахс лавозимга ўтириб қолса борми, асосан, буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан иш юритишга берилиб кетади. Ўзини билимдон санаб, турли соҳаю тармоқлар ишини, уларнинг сирларини шу вазифалардаги мутахассислардан кўра кўпроқ биламан деб ўйлай бошлайди. Оқибатда у етакчига эмас, тараққиёт йўлидаги тўғаноққа айланиб қолади.

Айни пайтда шу нарсани таъкидлаш лозимки, ривожланаётган мамлакатимизнинг тараққиёт суръати, эркинлашиб бораётган жамиятимиз камолоти ҳар жиҳатдан жойларда етакчилик қилаётган кадрлар, лавозимдаги шахслар салоҳиятига, дунёқарашига, диёнатига ва эл ичида ўрнатган адолатига бевосита боғлиқдир.

«Бугунги кунда ҳаёт шуни талаб қиладики, раҳбар талабчан, керак бўлса, қаттиққўл бўлиши, лекин биринчи галда адолатли бўлиши зарур, — деб таъкидлайди Юртбошимиз. — Бағрикент, оққўнгил одамларимиз ҳар қандай талабчан, қаттиққўл раҳбарга чидайди, лекин адолат бузилса, чидай олмайди...»

Яна Юртбошимизнинг «минг-минглаб одамлар раҳбарнинг сўзига ва ишига қараб, умуман давлат сиёсатига баҳо беради. Шунга қараб хулоса чиқаради», деган сўзлари ҳам бор.

Масалан, бир корхона ёки жамоада мутасаддилик қилувчи шахс маҳаллийчи ва гуруҳбоз бўлса, бу ҳам етмагандек, кўпчилик ҳақи ёки давлат маблағини тап тортмай ўмара бошласа, бу муҳитда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий таназзул бошланмайдими? Замон ва жамиятдан норозилар сафи айнан мана шундай муҳитларда кўпайиб бормайдими?

Табиатда баҳор ҳамиша янгилик элтувчидир. У янада кўркамроқ ва гўзалроқ қилиш иштиёқида борлиқ-

ни эзгулик нурлари билан мунаввар этади. У боғларнинг ёш насли саналмиш ниҳолларни куртаклар билан зийнатлайди. Нишона ҳосил беришлари учун уларнинг новдаларига гуллар тақади. Айни чоғда мўйсафид дов-дарахтларни ҳам асло четлаб ўтмайди. Чунки уларни боғ саҳнида алоҳида ўрни бор, алоҳида иззати бор. Уларнинг салобатисиз, қийғос ҳосилларсиз ҳеч бир боғ файзи тўкис бўлолмайди. Шу боисдан ҳам баҳорнинг — Наврўзнинг шижоатида, сурурида, фаолиятида адолат руҳи мужассамдир.

Мақоламиз бошида айтилганидек, Юртбошимиз маърузасидаги устувор руҳ — жамиятни демократлаштириш, янгилаш ва ислоҳ этиш ғояси баҳор шукуҳидек, Наврўз суруридек ҳаётимизнинг турли қатламларига кириб бормоқда. Биз бу борада давлат бошқарув тизимига, яъни раҳбарлик фаолиятига доир баъзи фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик, холос. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти, жамиятимиз камолоти янги руҳдаги раҳбарлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир.

2005

НУРЛИ КЎПРИК

Мирпўлат Мирзони ўқувчиларга таништириш шартмас. У билан қилган гурунгимиз ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган дардлар, ташвишлар хусусида. Балки кимлардадир бу билдирилган мулоҳазалар эътироз ҳам уйғотар. Нима ҳам деймиз! Ҳар кимнинг ўз дунёқараши, ўз қолип-ўлчови бўлади.

— *Ёшинг қирқдан ошгандан сўнг, ўтган умрингга бот-бот назар ташлаш иштиёқи туғилиши табиий. Ижодкор сифатида сиз ўз ҳаётингиздан қониқиб яшайсизми! Балки айрим орзу-умидларингизни саробга айланган, деб ҳисобларсиз...*

— Ҳақиқатан ҳам, кўп нарсаларни теран таҳлил қилиш керак бўлган ёшдамиз. Яхшилаб ўйлай-чи,

қачон сўнги марта ўзим ўзимга серҳисоб қилган эканман... Эсимда йўқ. Пушкин ёшидан ўтаётганимни ҳис этган эдим. Демак, қийин ҳаётнинг беадоқ ташвишлари аро турмуш уммонига ботганман. Шундоқ экан, нега хотиржам яшадим? Ростини айтсам, шу дақиқаларда тошқин сойдек оқиб ўтган йилларимга илкис назар ташлаяпман-у ёноқларим хижолатдан қизиб боряпти...

Бу орзуларимнинг сароб бўлиб чиққанлигидан эмас, кўпларининг амалга ошмаганлигидан. Бунга ҳеч ким эмас, ўзим айбдорман. Чунки бирон йирик асар устида жон ачитиб риёзат чекмадим.

– Сизнингча, шоирнинг жамиятда тутган ўрни нималарда акс этиши керак! Сиёсатга бош қўшган қалам аҳлининг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз!

– Асл шоир ҳақиқатгўйдир. У мағрур, бўйин эгмас, жасур қалб эгасидир. Адолатсизликни кўрганда портлаб кетади, хокисорларни кузатиб, ичдан йиғлайди. Уни на зар, на мансаб билан сотиб олиб бўлади. У ўз юриш-туриши, феъл-атвори билан ижтимоий ҳаёт бағрига кириб боради ва кўпинча унинг ўлчови вазифасини ўтайди.

Давр тақозоси билан шоирлар ижтимоий тўлқинлар гирдобига тушиб қолиши мумкин. Бу борада шуни жиддий таъкидлаш жоизки, ҳақиқий ижод машаққатлари турфа хил ғалваларда иштирок этишдан кўра машаққатлироқдир. Зеро, ижод заҳмати шахсдан чинакам матонатни талаб қилади.

Қолаверса, инсоннинг яхши-ёмон кунларини туташтириб турувчи руҳий кўприк ҳам бор. Бу нурли кўприк – Иродадир. Мен шунга суяниб яшайман.

– Ўзбек адабиётининг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?

– Қийин савол: шеъриятда янги, янгроқ овозларни эшитяпман. Лекин насрда «манаман деган» асар яратилмаяпти. Бундоқ асарларга кучи етадиганларнинг айримлари кексайиб қолди, айрим забардастларининг эса оёқ-қўллари мансаб курсиларига боғланди. Лекин

Тоғай Муроддан умид қиламан. Янги роман тугатибди, деб эшитдим.

Бот-бот ўйлайман: ўзбек насрчилигида Шукур Холмирзаев каби ўз ижод адирларини эринмай «шудгор» қила биладиган фидойи, заҳматкаш адиблардан яна ким бор?

Аммо бизда «туғма буюк истеъдод» эканликларига сира шубҳа қилмай қўйганлар, мукофот ёки унвон деса ўзларини томдан ташлайдиганлар оз эмас. Уларнинг назарида, яқинда Нобель мукофотига сазовор бўлган америкалик шоир аллақандай ғалати, «нонормал» одам бўлиб туюлиши шубҳасиз. У мукофот ҳақидаги хуш-хабарни етказиш мақсадида сим қоққан швед журналистларига: «Нима учун менга бериларкан! Мендан бошқа муносиб номзодлар бор эди-ку, ахир?» деб таажжубланган экан.

— *Бозор иқтисодиётига ўтиш ижодкорларга салбий таъсир кўрсатаётгани кун сайин ўзини намоеън қилмоқда. Яқинда истеъдодли ёзувчи дўстимиз анчадан бери қўлимга қалам олишни йиғиштириб қўйдим, деб қолди. Бу ачинарли ҳолат, албатта. Хўш, сизнингча, беҳаловат кунлар гирдобидан чиқиш мумкинми!*

— Бундан 3-4 йил илгари бозор иқтисодиёти ҳақида илк гаплар чиқа бошлаганда жамиятнинг фаол гуруҳлари билан биргаликда, айниқса, ижодкорлар бу сиёсатни қўллаб-қувватлаган ва уни амалга ошиши учун астойдил курашган эдилар. Ҳолбуки, ўша пайтларда нашриётларда юзлаб номда янги асарлар, тўпламлар режалаштириларди. Аммо уларнинг нусхаси ва қалам ҳақи фақат ҳукмрон тузумга хос бўлган тартиблар асосида тасдиқланарди. Оқибатда истеъдодли ёзувчининг ўртамиёна ижодкордан деярли фарқи қолмасди. Шунингдек, истеъдодли ёзувчи асари қанча марта қайта босилса, унга тегадиган қалам ҳақи шунча бор камаяр эди.

Ўша даврларда бу муаммо ноширлар йиғилишида ҳамиша гапирилиб, қизгин баҳс-мунозаралар уйғотган. Ўшанда ҳар вақт чет мамлакатлардаги тартиб-қоидалар «дастак» қилинарди. Не тонгки, бозор иқти-

содиёти ўша «орзуларимизни» рўёбга чиқарди-қўйди.

Тўғри, биз ёзувчилар бозор иқтисодиётининг бу қадар шафқатсиз бўлишини кутмаган эдик. Лекин на чора! Чидаш керак энди. Бу ўринда сиз айтган ижодкор қаламини анчадан бери тарашламай қўйганлигининг бош сабабини яхши ҳис этаман. Чунки, ахир, унинг ҳам бола-чақаси бор. Уларнинг кийим-кечаги тўзиб битганлигидан, уйдаги музлатгич аллақачон хувиллаб қолганлигидан «ҳисобот» бериб турадиган «маликаи дилороми» бор.

Хуллас, эндиликда ижодкорларнинг юрагини мана шунақа ташвишлар чулғаб, уларни қаламдан бегона-лаштирмоқда. Бу ҳолат ижодкорлар дунёсининг табиий сараланишига ёрдам берса-да, лекин халқ руҳияти, унинг санъати ва маданияти учун ҳалокатли, бе-шафқат гирдобдир. Бу гирдобдан фақат мустақил иқтисодиётимиз ва ҳукуматимизнинг донишманд сиёсати-гина қутқариши мумкин.

Ўзбекистоннинг ўз эрки ўзида бўлишини кўп йиллар орзиқиб кутган эдик. Ниятлар рўёбга чиқди. Аммо биз кутган мумтоз жамият яратилиши учун ҳали кўп вақт керак эканлиги борган сари яққолроқ аён бўлмоқда. Тўғри, бу борадаги кураш оғир ва машаққатли бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

— *Халқимиз эришган хуррам муҳитда ижодкорнинг ўрни қандай бўлиши лозим?*

— Ўзбекистоннинг мустақиллиги минг йилда бир бўладиган муборак ҳодисалар кабидир. Эҳ-ҳе!.. Бу орзу ханжардек ботиб кимларнинг юрагидан қон силқитмади! Кимлар шу буюк туйғу дея азиз умрини пайҳон қилмади!

Халқимизга шижоат ва ғайрат билан енг шимариб ишлайдиган, ўз бахт-саодати учун сидқидилдан бош қотирадиган палла келди. Мен бу жабҳада ижодкорнинг роли алоҳида эканлигини биламан. Ижодкор аввало халқ руҳиятини қулликдан мосуво қилиш учун тер тўкиши керак. Россия босқинининг, шўро истибдодининг қабиҳ ва чиркин башарасини бадий

асарларимизда очиб ташлашимиз керак. Токи у ёлгон, мазлум кунларга авлодларимиз дилида ҳеч қачон ҳавас уйғонмасин. Токи зурёдларимиз қалбида, жаҳоннинг муътабар халқларидан бирига мансубман, деган ҳақиқий ифтихор туйғуси бўлсин.

— *Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан «Аскар қўшиқлари» I фестивали ўтказилди. Фестивалда сизнинг маршингиз ҳам ғолиб деб топилди. Бу ўзига хос асарингизнинг дунёга келишига нима сабаб бўлганди?*

— Миллий армиямиз тузилганлигидан ҳаяжонланмай бўладими? Бу — авваллари тушимизга ҳам кирмаган ҳодиса-ку! Жанговар авлод ўз қўмондонларимиздан ўзбекча таълим олсалар, уларнинг тилларида ҳамisha ўзбекча маршлар жарангласа, нақадар гўзал! Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда ўз ҳарбий қўшиқларимиз аҳамияти беқиёсдир. Ана шу туйғулар мени «Озод Ватан марши»ни ёзишга ундади.

*...Сен жаннатсан азалдан,
Чаманларинг сўлмасин!
Фарзандларинг ҳеч қачон
Ҳеч кимга қул бўлмасин!
Ожиз қолсанг жангларда,
Темур руҳи қўлласин!..*

Бу маршни бастакор дўстим Рустам Абдуллаев билан бирга яратдик.

— *Яқинда Туркиягас бориб келибсиз. Сафар ижодий фикр алмашишлар билан бой бўлиши табиий. Айтингни, урф-одатлари ва тили яқин, дини бир бўлган қардошларимиз юртини ўзингизча қандай кашф этдингиз!*

— Биз асосан Истанбулда бўлдик. Кўчаларнинг рангбаранглиги, дўконларнинг тўлиб-тошиб ётганлиги, миллат руҳининг устуворлиги, миллион-миллион одамларнинг бир-бирига беозор муомаласи, шаҳарни ўраб турган мовий денгиз манзаралари — ҳамма-ҳаммаси менда ширин тушдек таассурот қолдирди.

Лекин бу уларда муаммолар йўқ дегани эмас. Теранроқ

назар солсангиз, мамлакатда пулнинг қудрати кучлилигини, ҳамма нарса унга боғлиқлигини, ҳар бир инсон ўз тақдирини ақчага тикиб қўйганлигини дафъатан ҳис этасиз.

Ижодкорлар билан мулоқотда улар халқнинг ўқимай қўйганлигидан нолишди. Илм-фанга, санъатга қизиқиш нарх-навонинг ошиб кетганлиги, турмуш кечиришнинг оғирлиги туфайли сусайиб бораётганлигини айтишди. Масалага теранроқ қарасак, камбағал бўлсак-да, ўзимиздаги ҳаёт осойиштароқ ва эзгуроқ туюлди. Ишқилиб, бозор иқтисодиёти халқимизнинг бетакрор фазилатлари — олийҳимматлилик бағри кенглик, меҳмоннавозлигу самимиятни руҳиятимиздан улоқтириб ташламасин дег.

Ислом УСМОНОВ
суҳбатлашди
«Туркистон» газетаси
14 январ 1993 й.

МАЪРИФАТ МАШЪАЛИ

Журналимизнинг, мана, 100-сони ҳам ўқувчиларимиз қўлида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралда чиқарилган «Жаҳон адабиёти» журналинини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида мазкур нашрнинг «Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини янада бойитиш, уларнинг умумбашарий қадриятлар, инсониятнинг маънавий мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари, ҳар томонлама камол топишлари учун шароит яратиш, кенг жамоатчиликни илғор жаҳон адабиёти ва санъатининг нодир намуналари билан мунтазам таништириб бориш ва адибларимизнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш мақсадида» ташкил этилаётганлиги таъкидланганди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, муҳтарам Юртбошимизнинг имзоси билан эълон қилинган мазкур

Қарор адабий жамоатчилик ва жамики адабиёт мухлислари қалбини чексиз тўлқинлантирган эди. Чунки биз шўролар тузуми даврида бундай нашрни ҳаёлимизга ҳам келтиролмас эдик. Ўша салтанат марказида чоп этиладиган «Иностранная литература» журнали кўзимизга «тўтиё» бўлса-да, унда ҳам фақат коммунистик мафкурага хайрихоҳ муаллифларнинг асарлари эълон қилинарди. Ҳақиқий маънодаги юксак дунёвий адабиётдан эса бебаҳра эдик. Нашриётларимизда босиладиган ҳар бир хорижий муаллиф асари фақат Марказнинг рухсати билангина ўқувчиларимизга тақдим қилинарди. Адабиётдаги эркин тафаккурни қўллаш, ҳурфикрлилик тушунчаси, миллий қадриятларни тарғиб этиш ва миллий қаҳрамонларни яратишга интилиш туйғуси — буларнинг барчаси ўша даврларда маҳдудлик, миллатчилик ва беҳуда сафсата сифатида қараларди. Энди эса ҳаёт бунинг тамомила аксини тасдиқлаб турибди. Сохта, зўрма-зўраки ғоя ва инсон тафаккурига қўйилган чекловлар бугунги кунда чаппор урган боғ четидаги чирик панжарага ўхшаб қолди.

Маънавий дунё кишилари ва жами ижод аҳлини руҳан қанотлантирган мазкур Қарордан кейин журналимизнинг 1-сони ўша йили июн ойида дунё юзини кўрди. У шундан буён бирон ой ҳам қанда бўлмай чиқиб турди. Ўтиш даврининг қийинчиликлари кўп нарсаларга таъсир қилганлигидан кўзни юмиб бўлмайди, албатта. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайтлар бўлди. Адабиётга ҳам, адабий нашрларга ҳам бу давр бир синов даврига айланди.

Ана шу синов йилларида «Жаҳон адабиёти» журнали ўқувчиларимиздаги бадиий асарларга бўлган ташналикни қондириш иштиёқида фаолият кўрсатди. Эълон қилинган 100 та сонда 50 дан ортиқ роман, 40 дан зиёд қисса, 150 дан ортиқ шеърый туркум, кўплаб публицистик ва адабий-танқидий мақолалар эълон қилинди. Буларнинг барчаси дунёга машҳур муаллифлар қаламига мансуб бўлиб, моҳир таржимонлар томо-

нидан тилимизга ўғирилди ва адабиётимизнинг бебаҳо бойлигига айланди.

Бу борада В.Шекспир, Р.Тагор, А.Данте қаламига мансуб дурдоналардан тортиб, Г.Маркеснинг романлари қадар кенг сарҳадли жаҳон адабиётининг беқиёс уммонидан олиб ёритилган ноёб асарларни мисол қилишимиз мумкин.

Муҳтарам Юртбошимиз ўз нутқларидан бирида Фарбнинг машҳур файласуфлари ижодий мероси ўрганлмаётганлиги ва тилимизга таржима қилинмаётганлигини ўринли танқид қилган эдилар. Таҳририят жамоаси бу талабдан келиб чиқиб, Афлотун ва Арасту сингари қадимги дунё алломаларию Э.Фромм, Ф.Кафка, А.Камю, А.Сартр сингари XX аср тафаккурининг йирик намояндалари ижоди билан ўқувчиларимизни мунтазам таништириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Жумладан, ўтган йилнинг бошида буюк немис файласуф адиби Ф.Нитшенинг «Зардўшт таваллоси» асари эълон қилинганлигини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Журнал саҳифаларида ушбу асарнинг фалсафий талқинига бағишланган катта давра суҳбати ташкил этилди ва унда мамлакатимизнинг йирик файласуф олимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар. Коммунистик мафкура замонида эса, ушбу мутафаккир номини тилга олишнинг ўзи катта гуноҳ ҳисобланарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш даври тўлқинлари гирдобида қолган кўпгина истеъдодли адибларимиз қаламдонда ётган қаламларини олиб яна чархлашга тушдилар. Беназир тажрибага эга ўзбек таржимачилиги мактаби оёққа турди. Қ.Мирмуҳамедов, И.Фафуров, Н.Комилов, М.Аъзам каби тажрибали адиб-таржимонлар сафига бир гуруҳ ёшлар келиб қўшилди ва бу ёшлар дунё адиблари асарларини энди рус тилидан эмас, тўғридан-тўғри аслиятдан таржима қилмоқдалар. Жумладан, А.Файзулла — ҳинд-урду, А.Кўчибоев — француз, М.Сайдумаров — араб, Б.Шарипов — турк, У.Кўчқор — озарбойжон, М.Акбаров

— немис тилларидан қилган бадиий таржималари билан журналхонларимизни дунё маданий меросидан баҳраманд этмоқдалар.

Мамлакатимиз халқи ҳар йили ўзининг энг улуғ ва энг азиз байрамини катта бунёдкорлик ишлари — янги йўллар, янги кўприklar, янги иншоотлар билан қаршилайди. Бу — анъанага айланган. Таъбир жоиз бўлса, истиқлол шарофати билан дунёга келган «Жаҳон адабиёти» журнали саҳифасида ўзбек тилида жаранглаб, халқимиз тафаккурини, ёшларимиз маънавий олами-ни бойитаётган дурдона асарларни ҳам юқорида айтилган бунёдкорлик ишларига менгзаш мумкин. Зеро, улар жаҳон билан руҳий дунёмиз ўртасига солинган бамисоли олтин кўприklarдир, руҳиятимиз хиёбонларисидаги муаззам иншоотлардир.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, башарият тафаккурининг бебаҳо мулки бўлган бадиий, фалсафий, тарихий асарлар кишилиқ жамияти ижтимоий тараққиёти ва маънавий юксалишининг кафолати бўлган.

Дейлик, Шарқ уйғонишининг негизини юнон файласуфларининг таржима қилинган асарлари ташкил этган бўлса, ўз навбатида Беруний, Ибн Сино, Форобий сингари Шарқ донишмандлари асарларининг Европа халқлари тилларига таржима қилиниши Европа Уйғониш даврига асос яратди. Тараққиёт қонунияти, бас, шундай экан, заминимизда минг йиллар аввал эсан тамаддун насимлари озодликдан қаддини мағрур тиклаётган юртимизда яна эса бошласа, не ажаб!

Менга ана шундай музайян даврлар даҳоси, хусусан, «Жаҳон адабиёти»нинг ҳар бир сонини жавонига йиғиб, ундаги асарларни теран мутолаа қилаётган навқирон истеъдодли сиймосида кўринади.

Лекин мутолаа дегани фақат зиёли қавмигагина фарзми? Шундай ёндашадиган бўлсак, унинг аҳамиятини ўта камситган бўламиз. Мутолаанинг барча инсонлар ҳаётида роли беқиёсдир. Бунга мисол — бир куни таҳририятимизга кекса ёшдаги оқсоқол кириб келди.

— Журналингизнинг навбатдаги сони кечикиб кетганлиги сабаб келдим ҳузурингизга, — деди одми кийинган ва кўлига ҳасса тугган мухлисимиз.

Салом-алик билан иззатини жойига қўйгач, ўсмоқчилаб сўрадим:

— Қайси соҳада ишлагансиз, отахон?..

— Оддий ҳайдовчилик қилганман, ҳозир нафақадаман.

— Ўқишга илгаритдан қизиқасизми?

— Албатта. Мутолаа ҳамиша кўнглимни яйратади, турмушимга маъно беради. Ҳатто нафи ҳам тегади. Шулардан биттасини айтиб берай. Ишлаб юрган пайтимда мени узоққа хизмат сафарига жўнатишди. Анчагина муддатга. Турли миллат вакиллари билан бир жойда ётамиз. Дастлаб мени ҳеч ким менсимайди. Ҳатто «оғалар»дан айримлари таҳқирлашга ҳам ўтди — ўзимни ҳам, миллатимни ҳам камситиб. Мен эса уларга тарихдан турли воқеаларни ҳикоя қилиб бера бошладим. Секин-секин ўдағайлайдиганларнинг нафаси ўчди, шу аснода мавқеим кўтарилди, ҳурмат қозондим. Китоб ўқишнинг шарофати бу, болам!..

— Раҳмат, отахон. Бу гапларингизни ёшларга етказиш керак экан...

— Ёшларга айтадиган бўлсангиз, шу гапларимни ҳам қўшиб айтинг, ўқимаган йигитдан ўқиган йигитнинг турмуши чиройли бўлади, чунки у ўз жуфти ҳалоллига юмшоқроқ муомала қилади. Ўқиган келин янги оилада, ҳурмат ва эъзоз топиб, маҳалласида обрў-эътибор қозонади... Қолаверса, «Ўткан кунлар»ни ўқиган ўсмир Отабекка ҳавас қилади, қиз бола эса ҳаё-иффатда Кумушдек бўлишга интилади...

Мен отахоннинг гапларини кўп учрашувларда гапириб юрдим.

Таҳририятимиз ўз мухлислари орасида журнални бир-биридан олиб ўқийдиганлар борлигини ҳам биллади.

Бир куни нашримизнинг почта орқали етиб бормаган сонларини сўраб келган йигит, уларни таҳри-

риятдан топгач, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, деди:

— Сизларга айтиб қўяй, журналингизни бутун Чияли қўлма-қўл ўқияпти...

У Қашқадарёнинг Чияли қишлоғидан экан.

Оддий одамлардаги мутолаага бўлган бундай иштиёқни кўриб, қувонмай бўладими?

Аммо нашримизнинг адади эса... ҳамон бир-бир ярим минг орасида... Нега шундай?! Нега ҳақиқий мутолаага иштиёқмандлар жамиятимизда камайиб бормоқда?

Бугунги кунда журналмонанд «семиз» газеталар кўпайгандан-кўпайди. Улар ўз саҳифаларида асосан олди-қочдиларни, беҳаё тафсилотларни, «олқинди» ахборотларни ёритиб, халқимизнинг ўқишга иштиёқманд қавмини кўпроқ ўзига оғдириб олмоқда. Ҳақиқатан ҳам улар кўп нусхада чоп этилаётганига ҳавас қилиш керак. Бундан мазкур нашрлар жамоалари кўкрак ҳам керадилар. Лекин ушбу нашрларни муккадан тушиб ўқиш чин мутолаага кирадими?!

Ҳолбуки, мактабларимиз, олий ўқув юртларимиз, кутубхоналаримиз сони, жўн чамалаб ҳисоблаганда, нашримиз адади сонидан 20—30 марта кўпроқ чиқадди! Бу улардаги ўқувчиларнинг эмас, ўша илм масканларининг саноғи, ҳали.

Нашримизни ташкил этиш тўғрисидаги юқорида тилга олганимиз Қарорда эса дунёвий адабиёт дурдоналарининг, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ролига алоҳида урғу берилган ва улар кенг ўқувчилар оммасига етиб бориши муҳимлиги қайд этилган.

Таҳририятнинг камтарин ижодий жамоаси матонатли Бош муҳарриримиз Озод Шарафиддиновнинг йўриқларидан илҳомланиб, бу юксак мақсад йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда. Айни чоғда бу борада ҳали амалга оширадиган ниятларимиз ҳам кўп. Улардан биттаси — «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» туркумини ташкил қилиб, энг манзур асарларни китоб ҳолида ўқувчиларга ҳавола этмоқдир.

Лекин мамлакатимизда китоб савдоси тизимининг

қийин аҳволга тушиб қолганлиги, китоб дўконларининг ёппасига камайиб кетганлиги (1993 йилда мамлакатимизда 1141 та китоб дўкони ишлаб турган бўлса, сўнгги йилларда уларнинг сони 36 тага тушиб қолгани) кишини ўйлантириб қўяди.

Агар бугунги кунга дунёвий юксакликдан туриб назар соладиган бўлсак, инсоният онгида жаҳолат истилоси бошланганини аён кўрамиз. Бу истило ҳаёсизлик, шафқатсизлик, ёвузлик, тажовуз ва террорчилик тимсолида ёрқин намоён бўлмоқда.

Зулмат янглиғ бу офатнинг туб сабаби нимада? Бир сўз билан буни, маърифатнинг машъал қилиб кўтарилмаётганида, дейиш мумкин. Айниқса, шу ўринда «Жаҳолатга — маърифат билан!» шиори дафъатан эсга тушади. Муҳтарам Юртбошимиз қилган ушбу даъватнинг жаҳон бўйлаб янграйдиган мавриди келди.

Дунёда ҳар бир халқ эзгуликка, адолатга, ҳурликка интилиб яшайди. Агар бу интилиш юксак маърифат ва маънавий туйғулар билан йўғрилмаган бўлса, бу йўлда қўлга киритилган муваффақиятлар пуч, омонат бўлиб қолаверади. Шунингдек, ҳамма даврда, ҳар бир жамиятда ҳалол, пок, виждонли шахсларга, ибратли сиймоларга, комил инсонларга ҳамиша эҳтиёж бўлган. Бу борада бетакрор ва муқаддас хизматни ўташда адабиётнинг ўрнини бошқа ҳеч бир нарса босолмайди.

2005

САМАРҚАНД МАЪРИФАТИ

«Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интиланганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуг дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболларимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданияти намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир».

Ислом КАРИМОВ

Бундан бир неча йил муқаддам Самарқандда ташкил этилган бир анжуманда қатнашганимда меҳмонхона равоғидан туриб ажиб манзарани кузатганман. Тонг пайти эди. Қуёш нурлари асрий обидалар кошинларида, Гўри Амир мақбарасининг мовий гумбазида ўйнардди... Юрагим беихтиёр энтикиб кетди: ёғдулар бу заминга гўё абадиёт дарчасидан тушиб тургандек эди.

Дилимда Фафур Фулом сатрлари жонланди:

*Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,
Ложувард осмонида чиний кабутар.
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст»,
Шарқнинг кўрки бўлган тарихий шаҳар.*

Мен учун Самарқанд болалигимда эртақлар осмонидаги шаҳар бўлган.

Самарқандни кўришни ҳамма орзу қилади. Хорижликлар ҳам, ўзимиздагилар ҳам. Америкалик адиб Ж.Стейнбек дўстига ёзган мактубида, мен дунёдаги икки қадамжони кўрсам армоним йўқ эди, дейди. Уларнинг биттаси Самарқанд бўлган. Усмон Азимнинг

«Бир қадам йўл» драмаси қахрамони ҳам бир қадам нарида бўлган Самарқандга етолмай кўз юмади.

1973 йили собиқ Иттифоқ ёш шоирларининг анжумани Тошкентда ўтказилиб, улар Самарқандни зиёрат қилишга боришганида, мен ҳам уларнинг сафида эдим. Турли халқлар вакили бўлган ёш ижодкорларнинг қадимий шаҳар осори атиқаларидан қанчалик ҳаяжонланганларини кўрганман... Ўшанда мен ҳам Самарқандда биринчи бор бўлишим эди.

Кейин бу кўҳна шаҳарга кўп марта бордим.

Ҳар сафар Самарқанд билан муфассал танишгим келади. Лекин ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмайман. Ҳар гал борганимда, мен ўзим учун унинг янги бир қиррасини кашф этаман.

Бу гал ҳам шундоқ бўлди.

Самарқанд менга буюк Навоийнинг қадами текканлиги билан яна-да азиз.

Улуғ шоир нигоҳи ҳам қайси бир тонгда Гўри Амир гумбази устидаги ўйнаб турган ёруғ шуълаларга тушган бўлса, не ажаб!..

Алишер Навоий 1465–1469 йилларда Самарқандда яшаган. Бу даврда у 24–28 ёшларда бўлиб, шоир сифатида Хуросону Мовароуннаҳрда доврўғ таратиб улгурган эди.

Навоийнинг Самарқандга келишига нима сабаб бўлганини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз «Бобурнома»сида шундай изоҳлайди. «Билмон не жарима била Султон Абу Мирзо (Навоийни) Ҳиридан ихрож қилди. Самарқандга борди. Неча йилким Самарқандда эди...»

Тарихнавис Хондамир эса бу борада шундай дейди: «Султон Абу Саиднинг подшоҳлик даврида зўр олим ва донишмандлиги туфайли иккинчи Абу Али ибн Сино лақабини олган мударрис Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий ҳузурига Самарқандга бориб, у жанобнинг хонақоҳидан ҳужра олди. Бир қанча вақт тегишинча илм таҳсил қилишга киришди. Хожа жаноблари ҳар вақт унинг табъидаги ўткирликни мақтар ва талабалардан уни ортиқ кўрарди».

Демак, Бобур талқинича, Навоий Абу Саид Мирзо

олдида қандайдир гуноҳ қилган ва шу сабабли Ҳиротдан сургун этилган, яъни Ҳиротни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Лекин у қаерга бош олиб чиқиб кетиши керак эди. Бу борада унинг обдан хаёлларга толгани шубҳасиз. Хондамир эса Навоийни Самарқандга илм истаб борган, дейди. Бундан шундай хулоса чиқадики, ортиб бораётган шухрати билан Султон Абу Саид Мирзонинг гашини келтира бошлаган ва элдаги обрўси туфайли сургунга маҳкум Навоий бош олиб кетиш учун Самарқандни танлаган.

Бобурнинг ҳам, Хондамирнинг ҳам қайдларидан шуни аниқ сезиб оламизки, Навоий Самарқандга илм истаб борган. Бу фикримизни улуғ шоирнинг ўзи «Мажолисун-нафоис»да икки ўринда — «фақир Самарқандга борғонда...» ҳамда «фақир таҳсил учун Самарқандга борғонда...» жумлалари билан тасдиқлайди.

Ўша даврда Самарқанд жаҳондаги энг мўътабар илм масканларидан бири сифатида танилади. Зеро, унда не-не алломалар таҳсил олмаган!

Самарқанд бундан минг йиллар илгари ҳам дунёнинг энг нуфузли маърифат маскани бўлган. Ўша даврларда унда 17 та мадраса ва мадрасаи олиялар мавжуд эди.

982—983 йилларда яратилган (муаллифи номаълум) «Ҳудуд ул-олам» номли жуғрофий асарда Самарқанд ҳақида шундай ёзилган: «Самарқанд катта ва обод шаҳар бўлиб, унда неъмат кўпдир. Шаҳар бутун жаҳон тижоратчилари тўпланадиган жойдир. Унда қоғоз ишлаб чиқариладики, уни жаҳоннинг барча бурчақларига олиб борадилар».

Араб сайёҳи ва жуғрофия олими Абулқосим ибн Мансур Мотрудий, олим ва бетакрор шоир Умар Хайём, «Ал-ҳидоя» асари муаллифи Бурҳониддин Марғиноний, Шарқ Гомери деб ном олган мутафаккир шоир Абу Абдуллоҳ Рудакийлар ҳам Самарқанд мадрасаларида таълим олганлар. Уларнинг айримлари кейинчалик шу ерда мударрислик ҳам қилишган.

Мўғуллар босқини пайтида бу ҳудудда шакланган

илм ва маърифат анъаналари издан чиқди, инқирозга юз тутди, илм масканлари, мадрасалар ер билан яксон этилди.

Лекин буюк Амир Темур бу заминни босқинчилардан озод этиб, жафоқаш халқни истиқлолга олиб чиққач, биринчи ўринда маърифатга, илмга эътибор берди. Зеро, у янги салтанат барқарорлиги учун билимли, юқори савияли кишилар лозимлигини баён этаркан, «ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни буюрдим», «саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим», деб ёзади.

Буюк Темурийлар салтанати ўз мавқеини тиклаб, «азалдан илм шайдоси» бўлган (ибн Арабшоҳ) соҳибқироннинг эзгу орзулари ҳаётда ўз ўрнини топди. Илм борасидаги бу улуғ ниятни Мирзо Улуғбек юксак мавқега кўтарди.

Чинакам маърифат бешигига айланган Самарқандда яна тафаккур гуллаб-яшнади. Мирзо Улуғбек 1420 йилда ўзининг мадрасасини бунёд қилди, илм даргоҳлари мажмуасига асос солди.

Бу мадрасада ўз вақтида Саъдиддин Кошғарий, Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий сингари табаррук сиймолар таҳсил олганлар. Кўриниб турибдики, Самарқанд маърифати буюк шоирни янада буюкроқ бўлишга ўз ҳиссасини қўшганлиги, унинг шеърият мулкининг султони мартабасига кўтарилишига олтин пиллапоя бўлганлиги ҳеч шубҳасиздир. Зеро, уларда таълим Шарқнинг энг юксак тажрибаларига асосланган ҳолда араб, форс ва туркий тилларда амалга оширилган, қадимий юнон, ҳинд илми, Арасту, Афлотун, Суқрот ва бошқа файласуфлар асарлари чуқур мутолаа қилинган.

Шунингдек, уларда ўқув жараёни, мударрис ва талабалар танлаш, ўқитиш услубияти, дарслик ва қўлланмалар, битирганларга ҳужжат-ижозатномалар бериш, мударрис ва талабаларни моддий жиҳатдан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, йирик алломаларни таклиф этиш ва бошқа масалаларда ни-

ҳоятда пухта ўйланган ва тажриба-синовидан ўтган таълимлар амалга оширилган.

«Айтурс эдиларким, сўфия тоифасининг одатига кўра, расмий ишларни унчалик эгалламаган бўлса-да, аммо пайғамбар Расулulloҳнинг олижаноб хулқ-ахлоқларидан хабари бор кишини олим дебдилар. Шу билан бирга расмий илмларни эгаллаган бўлса-ю, аммо пайғамбар Расулulloҳнинг олижаноб хулқ-ахлоқларидан хабарсиз бўлса, ундай кишини омий, дебдилар».

Ушбу сўзлар Хожа Аҳрор Валига тегишли бўлиб, ўша даврдаги таълим йўналишини аниқ ифода этган дейиш мумкин.

Кўлимда самарқандлик таниқли адабиётшунос олим, академик Ботурхон Валихўжаевнинг «Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар» китоби. Уни синчиклаб varaқлайман.

Тадқиқотчи олим муҳим тарихий манбаларга суянган ҳолда, улуғ алломаларни етиштирган Самарқанддаги таълим тизими, унинг услуги ва хусусиятлари бобида фикр юритар экан, бизнинг ўша давр ҳақидаги ғариб тасаввурларимизни ниҳоятда бойитади, янги маълумотлар, янгича мулоҳазалар билан пурмазмун этади.

Тадқиқотчи олим мазкур таълим тизимини уч босқичдан иборат бўлганлигини таъкидлайди:

1. **Бошланғич таълим.** Унинг маскан-жойи мактаб. Араблар уни «мадрасаи ул-ибтидоия» – бошланғич мадраса (дарс ўқиш – таълим-тарбия жойи) деб юритганлар.

2. **Умумий таълим.** Унинг маскани мадраса деб аталган; мадраса арабча сўз бўлиб, араб, турк ва форс луғатларида билим юрти, дарс ўқиш жойи, мадраса улум – университет тарзида изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, араблар умумий таълим босқичи бошланғич таълим босқичидан фарқли тарзда «мадрасат ул-сонавия» – иккинчи босқич мадрасаси деб юритилган.

Ўрта Осиёда, жумладан, Самарқандда таълимнинг иккинчи босқичи мадраса тарзида ишлатилган.

3. **Олий таълим.** Унинг маскани – мадрасаи олия –

мадрасат ул-улум деб аталган. Улар ҳозирги университет мақомидаги илмий даргоҳ бўлган.

Мадрасаи олия илм жиҳатидан юксак даражага эришган алломалар тўпланган жойларда, жумладан, Бағдод, Самарқанд, Хива, Бухоро ва шунга ўхшаш шаҳарларда фаолият кўрсатган.

Жумладан, Самарқанддаги мадрасаи олияда фақат Мовароуннаҳрдагигина эмас, балки Хуросон ва ҳатто Арабистоннинг турли вилоятларидан келиб таълим олган толиби илмлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Китобда Самарқанд таълим тизими тарихи кўп асрлар аввал қарор топган бўлса-да, унинг бугунги кун билан узвий боғланиб кетганлиги, бардавомлиги тегран асослар ва далиллар билан таъкидланади. Муаллиф сўнги минг йилликдаги бу олий таълим тизимининг фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Шарқу Фарб олимлари — илм аҳли томонидан эътироф этилганини уқдиради.

Бу борада Самарқанд Давлат университети даргоҳидаги ҳаяжонли суҳбат ҳамон қулоғим остида. «Мен чет эллардаги кўп илм даргоҳларида бўлганман, — деди университетнинг мўътабар домлаларидан бири. — Хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларининг айримлари ўзларининг узоқ ўтмишга бориб тақаладиган тарихи билан ҳақли равишда фахрланишади. Жумладан, Буюк Британиядаги Кембриж университети XII асрда /1209 й./ Париждаги Сорбонна университети XIII асрда /1257 й./, Германиядаги Мюнхен университети XV асрда /1472 й./, Швециядаги Уппсала университети XV асрда /1477 й./, Шотландиядаги Абердин университети XVI асрда /1593 й./ ташкил топган деб ҳисобланади. Ушбу университетларнинг илк даври асосан диний таълим эҳтиёжини ҳамда умиминсоний кўринишдаги муассасалар атрофида ташкил қилиниб, диний таълимни дунёвий билимлар билан ҳамкорликда ўрғатиш йўлини тутганлар.

Бундай ҳолни Шарқда, жумладан, ватанимиз тарихида ҳам Абу Али ибн Сино, Абу Мансур Мотурудий, Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбеклар, яъни ҳозирги замон фанига асос солган ёки унинг ривожланишига ҳисса қўшган алломаларимиз ўша давр олий мактабларида таҳсил олишган, кейинчалик устозлик қилишган. Бу олимларнинг вужудга келиши учун тегишли йўналишларда, узоқ давр фаолият кўрсатиб келган таълим ва билим мактаблари бўлган.

Шундай экан, биздаги олий таълим муассасалари – университет ва институтларнинг ёшени нечун 1917 йилдан кейинги давр билан ўлчаймиз? Қадимий маданият тарихига эга бўлган халқнинг маориф ва маданияти ҳам қадимга бориб тақалмайдими?..» Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олияси кейинчалик замон ва даврлар тақозосига кўра бир маромда бўлса-да, XX аср бошларигача ўз фаолиятини давом эттирди. Шундан сўнг Самарқандда аввал педакамедия майдонга келиб, кейинчалик у университет деб аталади. Юқорида таъкидлаганимиздек, озодликка эришган ҳар бир мамлакат ўз мустақиллигини пойдор қилиш учун, аввало, таълим тизимига эътиборини қаратиши табиий.

Чунки эрк қозонган давлат ўзидаги ижтимоий соҳалардан тортиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғини ўз миллий кадрлари билан таъминлаб берсагина ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлай олади.

Шу жиҳатдан назар солсак, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган оламшумул ишлардан бири таълим тизимининг ислоҳ қилинганлиги ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яратилганлигидир. Бу ишларда шахсан Юртбошимизнинг бош-қош бўлганлиги муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Зеро, муҳтарам Президентимиз И. Каримов «**Тафаккур**» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида шундай дейдилар: «**Тўққизинчи—ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё Бухорийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбекларни қанча-**

лик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ ажодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим».

Бу руҳни мен Мирзо Улуғбек мадрасасининг во-рислигига маънан ҳақли бўлган мазкур Самарқанд Давлат университети асосий биносига кирганимда дафъатан ҳис этдим.

Бундан йигирма йиллар аввал бир неча шоир ва адиблар билан бу дорилфунунда ижодий учрашувда бўлганимизда мен бино ичкрасини турли портретлар, расмлар, қизил матога ёзилган шиорлар билан безатилганини кузатганим эсимда. Шўролар замонида ҳар бир муассаса ёки идорада, албатта, «қизил бурчак» бўларди. Менга юқоридаги манзара худди ана шу «қизил бурчак»ни эслатганди ўшанда.

Бу сафар эса муҳташам бинонинг ички деворига чизилган салобатли панно олдида бир зум лол туриб қолдим.

У «Маърифат бўстони» деб номланган бўлиб, 5 қисмдан иборат бўлиб, 40 та расмни ўз ичига олган эди.

Моҳир ва тажрибали рассомлар Э.Муҳаммадалиев ва Н.Султоновлар томонидан яратилган бу бадиий композиция ажодларимизнинг Афросиёб, Варахша, Тупроққалъа, Панжакент қалъалари деворларида қолдирган тасвирий битикларнинг услубий давоми бўлиб, ўзида башарият тафаккурининг бешикларидан бири сифатида тан олинган Туронзаминнинг ўлмас ва шавкатли тарихини мужассам этганди.

Айниқса, унда ажодларимизнинг ёруғ келажакка ишонч руҳи, авлодларнинг илм-фан тараққиёти учун интилиш шукуҳи юракда ажиб нашида уйғотади. Мен бир ижодкор сифатида анчагина хорижий мамлакатларда бўлганман. Улардаги илм даргоҳларининг саришталиги, муҳташамлиги ва салоҳиятидан кўп бор завқланиб, ҳайратланганман. Лекин бу сафар мен

Самарқанд дорилфунуни ҳаёти билан танишарканман, улардан-да кўпроқ завқландим ва ҳайратландим.

Аввало, бу илм даргоҳи барча ўқув биноларининг юксак дид билан қайта таъмирдан чиқарилганлигини, ҳар жиҳатдан саришталигини таъкидламоқчиман. Кейин унинг Геология ва биология музейларини айтмай-сизми! Уларда бўлган киши кўргазмадаги ашёларнинг тарихийлигидан, мазмундорлигидан ва бетакрорлигидан ҳайратланмай иложи йўқ. Хусусан, Биология музейидаги турфа хил капалаклар намуналарини соатлаб томоша қилиш мумкин.

Ўтган йили бир гуруҳ зиёлилар билан Эронга қилган сафаримизда Шерозда ҳам бўлиб, бу улкан тарихий шаҳарнинг мўътабар илм даргоҳи – дорилфунуни билан танишган эдик. Ундаги қўл ювиш хоналаридаги «евроандоза» услубидаги қулайликларни кўриб, тан берган эдик. Самарқанд дорилфунуни ҳам бу жиҳатдан ундан аъло бўлса аълоки, сира кам жойи йўқ.

Университетда 16 факультет бўлиб, ундаги минг-минглаб талабаларга 1 академик, 80 дан ортиқ фан доктори ва 500 дан ортиқ фан номзодлари таълим бермоқда.

Университет жаҳоннинг 50 дан ортиқ тилида нашр этилган 3 миллион китобни жамлаган илмий-ўқув кутубхонасига эга, унинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 11 мингга яқин нодир асарлар сақланмоқда.

Ўтган давр ичида университетнинг 54 нафар профессор-ўқитувчилари АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Канада, Италия, Малайзия, Исроил ва бошқа ривожланган мамлакатларда ўз малакасини ошириб, илғор педагогик технологияларни ўрганиб келишди.

Университетда айни даврда 80 дан ортиқ тўғарак, 4 та клуб, 4 та бадий ҳаваскорлик ва 1 талабалар студияси фаолият кўрсатиб, уларга мингдан ортиқ ёшлар жалб этилган. 18 та спорт секциясида 2000 дан ортиқ талаба фаол қатнашади. Унда «Шалола» номли адабий клуб ишлаб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, университет талабалари орасида 1 нафар жаҳон чемпиони, 5 нафар

Осиё чемпиони, 60 дан ортиқ Ўзбекистон чемпиони, 2 нафар жаҳон чемпионати совриндори, 5 нафар Халқаро тоифадаги спорт устаси етишиб чиқди.

Шу жиҳатдан ёндашганда Ўзбекистон дунёга чиқишда илмда ҳам, ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам ўзининг энг қобилиятли, энг муносиб, энг малакали ёш олимларига, мутахассисларига суянар экан, Самарқанд дорилфунуни ўқувчи ёшларига ҳам катта умид боғлаётганлиги шак-шубҳасиз.

Шуларни ўйларканман, оққан дарё барибир оқади, деган қадимий ҳикмат кўнглимдан кечди.

Шу боисдан ҳам, дорилфунун домлалари ёшларга ҳар гал маъруза ўқиётганларида «ораларингдан битта Улуғбек ёки битта Хоразмий чиқишини жуда-жуда орзу қиламан», дейишлари жуда табиийдир.

Самарқандни кўришга ўтмишда ҳам ҳамма ошиққан, бугун ҳам ҳамма ҳавасманддир. Дунёнинг турли бурчакларидан зиёратга келаётган чет элликларни кўриб бунга амин бўласиз.

Ана шу хорижликларга бугунги кунда Дорилфунун деворларидаги «Маърифат бўстони» номли юртимиз шукуҳи битиклари ҳам кўрсатилса, чакки бўлмасди.

Шунда уларнинг Самарқанд нафақат ўзининг шуҳратли обидалари билан, балки минг йиллик маърифати билан ҳам дунёни ўзига қаратганлигини ҳис этишлари шубҳасиздир.

Мен, даврадаги суҳбатлардан бирида академик Ботурхон Валихўжаевнинг бугунги Самарқанд дорилфунуни ёшини 1920 йилдан эмас, Мирзо Улуғбек илк мадрасасини очган 1420 йилдан бошласак, ҳақиқатни юзага чиқарган ва бу билан ўтмиш алломаларимиз руҳини шод қилган бўлурдик, дея айтган мулоҳазасини эшитиб, яна мозий шукуҳини туйдим ва ҳаяжонландим.

Бу фикр ҳаққатан ҳам адолатлига ўхшайди. Шундай эмасми?

2003

БУЮК ВА ЎЛМАС ЭПОС

Инсоният илму фанда ҳар қанча юксак чўққиларга кўтарилмасин, атомни жиловлаб, ўзга сайёраларга қадам қўймасин, унинг учун қачонлардир ўз яратган эртақлару дostonлар, халқ оғзаки ижоди намуналари мўътабар ва эзгу бўлиб қолаверади.

Чунки одамзот мана шу эртақларга, дostonларга қалбини жо этган, энг юксак орзуларини ва теран армонларини мужассам қилган, қаҳрамонлик ва хиёнат, эзгулик ва қабихлик сингари тушунчаларини мужассам қилгандир.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек миллати оғзаки ижодининг ифтихори бўлган «Алпомиш» дostonи ана шундай бетакрор сурурга эга, шижоат руҳи билан тўлиб-тошган асар саналади.

У асрлар оша яшаб, авлодлар қалбига яхшилик, эзгулик, олижаноблик, тотувлик, қардошлик уруғларини сочиб келмоқда.

«Алпомиш»нинг бизга етиб келган тўлиқ талқинлари 16—17-асрларда қалмоқ босқинчиларининг Дашти Қипчоқ ва Мовароуннаҳрга ҳужуми даврларида яратилган. «Алпомиш»нинг 30 дан ортиқ варианты ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган «Алпомиш» энг тўлиқ вариант ҳисобланади.

Алпомиш ва Барчин — Бойсун мамлакатада жойлашган ўн олти уруғли кўчманчи қўнғирот қабиласининг бошлиқлари — ака-ука Бойбўри билан Бойсариларнинг фарзандлари. Узоқ йиллик бефарзандликдан кейин оға-инилар худодан тилаб олган фарзандларини чақалоқлигидаёқ бешиккерт қилишади. Бироқ акаси билан жанжаллашиб қолган Бойсари қалмоқлар ўлкасига кўчиб кетади.

Алпомиш қалмоқ юртида талонда қолган Барчинни қутқариш учун сафарга чиқади, паҳлавонлар билан курашиб уларни енгади, Барчинга уйланади ва қайнотаси билан бирга кўчган қўнғиротликларни олиб, ўз юртига қайтади.

«Алпомиш» достони яна шуниси билан қимматлики, унда халқимизнинг минг йиллик урф-одатлари, дунёқарашини, яшаш тарзини, ҳаётини ташвишлари мужассамлашган. Шунингдек, бу қирралар қаҳрамоннинг сафарлари, курашлари, ёри Барчин билан танишуви ҳамда қўнғирот элида осойишталикни тиклаш ҳаракатлари билан боғланиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқи жаҳондаги бой халқ оғзаки ижодига эга бўлган санокли халқлардан биридир. У ўз бағрида юзлаб дostonларни авайлаб-асраб сақлаб келди ва оғиздан-оғизга ўтказиш йўли билан уларни янгидан-янги насларга етказди, барҳаёт яшашини таъминлади. Бугунги кунда кўп халқлар орасида қадимий дostonчилик анъаналарини йўқолиб кетди, ривожланмай тўхтаб қолди. Ўзбеклар орасида эса биргина 20-асрнинг ўзиде ўнлаб дostonчилик мактаблари гуриллаб ривожлангани, камолотга етганини кўрамыз: «Кўрғон дostonчилик мактаби», «Булунғур дostonчилик мактаби», «Нурота дostonчилик мактаби», «Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилик мактаби», «Хоразм дostonчилик мактаби» ва ҳоказо. Бу дostonчилик мактабларида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир, Абдулла шоир ва яна бошқа ўнлаб забардаст халқ бахшилари етишиб чиқди. Улардан юзлаб дostonлар — ноёб халқ оғзаки ижоди дурдоналари ёзиб олинди.

«Алпомиш» достони ҳам халқимиз орасида минг йиллардан бери куйланиб, халқимизнинг энг буюк маънавий қадриятларини, энг ноёб фазилатларини улуғлаб, жаҳонга намоиш этиб келаяпти.

Дoston теран илдизларга эга. Бу илдизлар халқимизнинг олис ўтмишига, энг қадим тарихига бориб туташади. Ўзбекистон тупроғида қадим-қадимдан яшаб келган аجدодларимиз, туркий қавмлар бўлмиш — саклар, массагетлар, сўғдийлар, хоразмийларга мансуб қаҳрамонлик афсоналари ва ривоятлари бу ўлмас дoston саҳифаларига сингиб кетганини илғаб олиш қийин эмас.

Атоқли адабиётшунос ва фольклоршунос олим Виктор Максимович Жирмунскийнинг таъкидлашича, «Алпомиш» достони воқеалари билан қадимги юнон эпоси – Ҳомернинг «Одиссея» достони воқеалари ўртасида маълум даражада яқинлик ва ўхшашлик бор. Одиссей ва Алпомишнинг ўзга юртларда сарсон-саргардонликда юриши, ниҳоят, қаҳрамонларнинг эсон-омон юртга қайтиши, чўпон либосида тўй оқшомига етиб келиши, ёвузларни жазолаб, қасос олиши ва адолат ўрнатиши каби мотивларда ўта муштараклик мавжуд. Атоқли олим бундай ғоявий-бадиий ўхшашликларни теран таҳлил қилиш воситасида Шарқ билан Ғарб орасидаги адабий-маданий алоқалар ва ўзаро таъсир қадим замонлардан бери мавжуд бўлганини, Шарқда яратилган дostonлар, эртак ва афсоналар қадимги юнон санъатига ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатганини исботлаб беради. Бу ҳодиса ўз навбатида «Алпомиш» достони қадим замонлардан бери яна бир қудратли миссия – дўстлик миссиясини бажарганини, турли халқларнинг маънавиятини, маданиятини туташтирувчи ўзига хос кўприк бўлиб келганини яққол кўрсатади.

Достонга хос тагин бир муҳим хусусият шуки, унинг ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, татар, бошқирд, олтой ва ҳатто тожик версиялари мавжуд. Улар ўнлаб бахшилар томонидан ижро этилган. Муҳими шундаки, бу версияларнинг ҳаммасида қаҳрамонлар «ўзбек паҳлавони», «ўзбек баҳодири» сифатида куйланади, улуғланади. Бу эса «Алпомиш» достони ўзбек халқининг чинакам дурдонаси эканини яна бир қарра исботлаб беради.

Ўзбек халқи тарихда кўп оғир синовларни бошидан кечирди. Халқимиз оғир дамларда тарикдек сочилиб кетмади, аксинча, янгидан бирлашишга, ўзлигини намойиш этиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя этишга куч ва қудрат, ирода топа олди. У ҳаёт синовларидан ўтиб, мустақиллигини қайта қўлга киритди ва бугун жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, обрўсига эга бўлиб бормоқда.

Чунончи, «Алпомиш» достонининг асосий ғояси

халқнинг ўз мустақиллиги ва бирлигини сақлаш, озо-йишталикни мустақкамлашдан иборатдир. Худди ана шу жиҳати билан ҳам минг йил олдинги бу гоё истиқлолга эришган ҳур, озод Ватанимизнинг бугунги мақсад ва интилишларига муштарак бўлиб туюлади.

Халқ иродаси ва иқтидори билан яратилган достонлар ҳеч қачон ўлмайди, ўзи яратилган заминни, юртни улуғлаб, асрлардан-асрлар оша яшайверади.

«Алпомиш» достони тақдирини бир жиҳатдан халқимиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб тарихий йўлга ҳам қийслаш мумкин. Зеро, собиқ шўро даврида мафкура жаллодлари, маънавият кушандалари бу ўлмас асарга ҳам чанг солдилар, уни зарарли, халққа ёт асарга чиқаришга уриндилар. Аммо бу тубан найранглар узоққа бормади. «Алпомиш» самандар янглиф оловлар комидан омон чиқди ва жонажон халқи юрагида яшашни давом эттирди.

«Алпомиш»нинг 1000 йиллик тўйи халқимизнинг тўйидир. Ўзбек халқи дунёда доим тинчликсеварлиги, меҳмондўстлиги, яхшилиқни қадрлаши ва эъозлаши билан ном қозонгани маълум. «Алпомиш» достонида ҳам, қарангки, айна ана шу фазилатлар устувор. Яхшилиқ ва эзгулик эса абадийдир.

Халқимиз донолигини, буюклигини ўзига сингдирган ва дунёга намоиш этиб келаётган ноёб, бебаҳо асар, нодир дурдона абадий яшайди.

Бугунги кунда «Алпомиш» нафақат ўз халқимиз, балки умумбашарият учун қадрли ва мўътабардир. Жаҳоннинг турли бурчакларида жиноятнинг ва қабоҳатнинг турли шакллари учраётган бир пайтда, номардлик ва мунофиқлик кимларнингдир ҳаёт мезонига айланган бугунги кунда умуминсоният хазинасида Алпомиш сингари жўмард, олижаноб, паҳлавон сиймолар ёшлар учун энг улуғ ибрат бўлмоғи шубҳасиз.

Ўзбек халқи Алпомишга ва Барчинга катта ихлос билан ёндашган. Юртимизда паҳлавон йигитларнинг Алпомишга, сулув қизларнинг эса Барчинга қийс қилиниши бежиз эмас.

Йиллар, асрлар ўтаверади. Тараққиёт бир зум ҳам тўхтамайди. Лекин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, яна минг йиллардан кейин ҳам Алпомиш сингари баҳодирлар тавсифи халқ қувваи ҳофизасидан ва хотирасидан ўчмайди. Чунки улар қуйланган дostonда энг муқаддас, энг мўътабар туйғулар ўз ифодасини топгандир.

1999

МУНАҚҚИД ШИЖОАТИ

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири
Аҳмаджон Мелибоевга*

Муҳтарам Бош муҳаррир!

Кейинги пайтда газетанинг жонлангани ҳаммамизни мамнун қилмоқда. Бу фақатгина менинг фикрим эмас, балки адабий жамоатчилик эътироф қилиб турган фикрдир.

Айниқса, «Адабиётшунослик» рукнида берилаётган мақолаларга жон кирди, яъни уларда ўткир фикрлар, кескин баҳслар кўрина бошляпти. Бу ўтиш даврининг дастлабки йилларида ўртага ташланган «Адабиёт ўладими?» деган саволга унинг ўлмаслигини, янги муҳитда қайтадан парвоз эта бошлашини далиллайдиган муносиб жавобдир.

Бошқа соҳани билмадим-у, лекин адабиётнинг юксалишини баҳсларсиз, мунозараларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, француз адабиёти юксак чўққига кўтарилган даврда яшаган ака-ука Гонкурлар ўз кундаликларида «ҳар кунги баҳс, ҳар кунги мунозара бизга чинакам асарлар яратишимиз учун куч берарди», дея бежиз таъкидлашмаган.

Мен кейинги пайтда газета саҳифасида фаол кўрина бошлаган адабиётшунос олим Эргаш Очиллов чи-

қишларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ундаги ҳар бир асарга, ҳар бир ижодкор ижодига нисбатан ўз фикрини айта олишга бўлган иштиёқ ва журъат, айниқса, эътиборга моликдир. Чунончи, унинг шеъриятдаги модернизм ҳақидаги фикрлари анча мунозарага сабаб бўлди. Ва баҳсларда унинг чиқишининг нотўғри, номақбул ўринлари ҳамли жуда ўринли қайд этилди.

Кечагина эълон қилинган «Ҳар сўзнинг ўрни бор» мақоласида эса мунаққид ҳозир қалам тебратиб турган 30 дан ортиқ шоирнинг ижодида ноўрин ишлатилган сўзлар ҳақида фикр юритади. Шунингдек, унда камининг ҳам шеърларидаги қусурлар тилга олинган. Менинг қўлимга қалам олишимга даъват қилган нарса ҳам шу бўлиб, мунаққидга шу баҳонада миннатдорчилик айтиш эди. Бошқаларни билмадим-у, мен ўзимга айтилган эътирозларни, яъни «Сўнг бўсалар олганча қийғоч», «Ёндирдинг дилимда туйғулар қийғоч» сатрларидаги «қийғоч» сўзини (мен «қийғоч» сўзини «қийғос» маъносида ишлатдим деб ўйлаганман), яна «Омадинг ҳаётда ҳаргиз чопса ҳам», «Ҳаргиз ҳақни дея осилди Машраб» сатрларидаги «ҳаргиз» сўзини («ҳаргиз» — «ҳар кез»дан олинган деб ўйлаган бўлсам керак ва «ҳамиша» маъносида талқин қилганман) ноўрин ишлатганимни тан оламан. Лекин «Руҳим мўрт қоядай тўғралиб кетди» сатридаги руҳга нисбатан эътирозни ҳазм қилолмадим. Чунки руҳнинг юксаклигини, қурчлигини чўққи-га, қояга қиёслашлар бор шеъриятда.

Бундан қатъи назар, адабиётшунос олимнинг қалам аҳли олдида қўяётган талаби ва шижоатидан жуда мамнунман. Чунки адабиёт дарвозасиз эмас. Ҳар қандай ўзини билган ижодкор елкасидан ҳамиша кимдир тикилиб туришни сезиши керак. Афсуски, кейинги пайтда бу талабчанлик, бу масъулият умуман ёддан кўтарилган эди десам, хато қилмайман.

Мунаққид дўстимиз шижоатига (шунча шоир китобини топиб, уни ўқиб, ўрганиб, синчковлик билан элакдан ўтказиш бугунги кунда ҳазил гапми!) яна бир карра тасанно айтган ҳолда ўзимнинг кичкина тила-

гимни ҳам билдирмоқчиман. Яъни, бугунги кун шеърийатини чаманга қиёсласак, мен олим дўстимизга ундан фақат хору хас ахтаришга одатланиб қолмасликни, унинг товланишларида ўзига хос мўъжизалари ҳам борлигини унутиб қўймасликни тилайман.

Фикрларим изҳорига берилган имконият учун ташаккур айтиб, Мирпўлат МИРЗО.

2006

ШЕЪРИЯТ – ҲАҚИҚАТ ДАРЧАСИ

– *Мирпўлат ака, сизни шоир сифатида элимиз, шеърийат мухлислари яхши танийди. Кейинги йилларда таржимон сифатида ҳам адабиётда ўз мавқеингизни қозондингиз. Жумладан, жаҳоннинг машҳур шоирларидан қилган таржималарингиз «Сомон йўли чечаклари» (2004) номи билан, қозоқ шеърийати антологияси «Сайра, дўмбирам» (2005) номи билан алоҳида тўпламлар сифатида чоп этилди. Бу йил мазкур мажмуаларингиз Давлат мукофотига кўрсатилди. Сизга бу борада муваффақият тилаган ҳолда сиздан шунини сўрамоқчийдим: сизни таржима билан мунтазам шуғулланишингизга нима даъват қилади?*

– Таржима, албатта, заҳматталаб иш. Пушкин, шоир камроқ таржима қилса, кўпроқ ўз шеърларининг ёзиши, дея таъкидлаган. XX асрдаги машҳур латиш шоири Ояр Вацетис эса, айрим жаҳон адабиёти намуналарининг эстон тилига таржима қилинмаганлигидан хижолат чекамани, деган. Ва уларни ўзи таржима қилишга киришган. Мен, нима учундир, кўпроқ ана шу шоирнинг ақидасига амал қиламан, шекилли.

Таржима билан талабалик йилларимдан шуғулланаман. 5-курсни тугатаётганимда диплом иши ёзиш учун Навоий кутубхонасида ойлаб ўтиришимга тўғри келган. Мен ўшанда кўп вақтимни диплом ёзишга эмас, Ўлжас Сулаймонов ва Евгений Евтушенко шеърларининг таржима қилишга сарфлаганман.

– *Нима учун, айнан, ўша шоирларни?*

– Чунки улар ўша даврда шоир сифатида афсонавий шуҳратга эга эдилар.

– *Шеърятда шунақа шуҳрат қозониш мумкинми?*

– Бўлмасам-чи, мен ўзим бунинг шоҳиди бўлганман. 1968 йили Тошкентда жуда катта шеърят анжумани ўтказилган. Бу анжуманга Р.Ҳамзатов, Е.Евтушенко, Р.Рождественский, Ў.Сулаймонов каби шоирлар ҳам келишган. Ўша даврда Евтушенко шуҳрати ҳозирги энг машҳур футболчининг ёки хонанданинг шуҳратидан юксак эди.

У билан «Билимлар уйи» (ҳозирги М.Горький номидаги театр биноси)да алоҳида ижодий учрашув ташкил қилинди. Кириш пуллик эди. Шунга қарамасдан, мухлислар ёпирилиб келишган. Одам тирбандлигидан бинонинг ойнаванд эшикларини чил-чил синганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Учрашув 3 соатдан кўп давом этган. Сентябрь ойи эди, ичкаридаги ҳаво димлигидан бир мухлиса қиз ўзидан кетиб қолган. Уни саҳна ортига қўлма-қўл кўтариб ўтказишган.

– *Шеърятнинг бу қадар кучи, жозибаси нимада эди ўша даврларда?*

– Евгений Евтушенко бундан 4–5 йил аввал Англия телевидениесига берган интервьюсида «дунёда мен каби машҳур шоир бўлмаган, бўлмайдиём», деган. Мен унинг бу гапига ишонаман. Боиси унинг бетакрор талантидагина эмас, давр хусусиятида ҳам эди. Чунки у давр шўролар даври бўлиб, коммунистик мафкура ҳукмрон эди. Бу мафкурага тўғри келмайдиган ҳар қандай туйғу ёки фикр тақиққа, таъқибга дучор бўлар эди. Буни қарангки, ўша замонларда халқ ҳақиқатга бўлган ташналигини асосан шеърят орқали қондирган. Ўша даврларда шеърят ягона ҳақиқат дарчаси эди, дейиш мумкин. Шунга кўра 250 миллионли совет халқи ҳар қандай жасур, ҳур фикрли шоирнинг мухлисига айланишга тайёр эди.

Қолаверса, ўша даврларда одамлар идрокини банд этадиган турфа машғулотлар, юрак ҳовурини оладиган ишқибозликлар кам эди.

Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар ин-

сон эрки чекланган ана шундай даврнинг исёнкор шоирлари эдилар.

Балки шу боис менда уларнинг шеърларини таржима қилиш иштиёқи туғилган. Ва Евтушенко, Ў.Сулаймонов шеърларини биринчилардан бўлиб ўзбек тилига ўгирдим.

– *Борис Пастернак шеърлари-чи? Ахир, унинг номидаги халқаро мукофот соҳибисиз...*

– Борис Пастернак шеърлари алоҳида бир мавзу. Бунга илк туртки бир шоир дўстимизнинг айтган гапи бўлган. У тажрибали таржимон ҳам эди. Бир суҳбатда, Б.Пастернак шеърларини ўзбек тилига ўгириб бўлмайди, деганди. Бунда у шоирнинг шеърияти теранлиги ва мураккаб бадииятини назарда тутган бўлса, эҳтимол. Мен ўшанда шоир дўстимнинг бу тугал хулосасидан росмана ажабланганман ва «Наҳотки?!» дея, таржима қилишга киришганман.

Таржима жараёнида билдимки, дўстимнинг гапида жон бор экан. Лекин мен осонликча таслим бўладиганлардан эмасдим. Шу боис жазмимда давом этдим. Ишонасизми, ўша улуғ шоирнинг битта шеърини таржима қилиш учун бутун бир таътил вақтимни сарфлаганман. Ўшанда, кунига бир сатрдан таржима қилган эдим.

Кейинчалик таржималаримдан намуналарни А.Вознесенский сўзи билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилдирганман.

– *Ўша дўстингиз тан бергандир таржималарингизга?*

– Табриклагани эсимда.

– *Ҳозир жаҳон адабиётидан кўплаб таржималар қилинаётибди, лекин бизнинг асарларимиз эса нега жаҳонга чиқмаяпти?*

– Бунинг сабаби адибларимизнинг истеъдоди камлигида эмас. Жаҳон билан бўйлашадиган ёзувчи ва шоирларимиз бор, худога шукур. Уларни кўрсата билишимиз керак. Бу орзу вақт-соати билан амалга ошади, деб умид қиламан.

– *Сиз атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафид-*

динов билан узоқ вақт ёнма-ён ишладингиз, журнал ишларида унга камарбаста бўлдингиз. Устоздан сиз нималарни ўргандингиз?

— Домла Озод Шарафиддинов чиндан ҳам бетакрор сиймо эдилар. Мен устоздан меҳнатга чанқоқликни, ёлғондан ҳазар қилишни, тақдирнинг қийин синовларига чидашни ўргандим.

— Мирпўлат ака, энди ўз шеърларингизга қайтсак, Пушкин айтган гап баъзан-баъзан эсингизга тушса, ҳалиям О.Вацетис бари бир ҳақ дея таъкидлайсизми?

— Қизиқ савол... Пушкиндаги «худбинлик»да ҳам бир ҳикмат борга ўхшайди...

— Сиз шеърларингиз устида қай тарзда ишлайсиз. Илҳом келди — ёзиб ташлайсиз, тамомми?

— Йўқ, асло. Мен шеър устида ишлашни устозим Абдулла ака (Орипов)дан ўрганганман. Унинг нафақат шеър ёки сатр устида, балки ҳар бир сўз устида қандоқ тер тўкканларининг шоҳиди бўлганман.

Шу боисдан, қораламаларим тортмамда қанча узоқ вақт ётса, шунча мамнун бўламан. Чунки ҳар гал қаеринидир таҳрир қилишга эҳтиёж туяман.

— Ҳозир «модерн-шеърят» деган ибора урфга айланган. Бунда «юксак шеърят ана шу» деган замзама ҳам борга ўхшайди... Сиз ўзингизни бу шеърятга қайсидир маънода дахлдор санайсизми?

— Асосан XX асрда кенг қанот ёзган бу шеърят тафаккурдаги янгиликни ва фикрдаги жасоратни ўзида мужассам қилган мардонавор шеърятдир.

Лекин, мени кечирсинлар-у, биздаги кўпгина «модерн шеърят» вакиллари поэзиядаги янгиликни ва жасоратни асосан сатрларни синдиришда кўрадилар. Билъакс, узун бир насрий жумлани синдириб-синдириб, мана сизга модерн шеър намунаси, дейишдан истиҳола ҳам қилмайдилар.

Аммо ҳақиқий модерн шеърятга кимлар дахлдор деганда менинг ёдимга дафъатан Нозим Ҳикмат ва Рауф Парфи сиймолари келади...

Ўзим ҳақимда эса... ўйлаб кўрмаган эканман...

– *Сийқа туюлмасин-у, сизга ушбу оддий саволни беришга ижозат этинг: сизга Истиқлол нима берди?*

– Йиллар ўтиши билан, истиқлол нима берганини на фақат мен – бир қаламкаш, балки ҳар бир фуқаро-миз ҳам чуқурроқ ҳис қилмоқда.

Яхшиси, Истиқлол халқимизга нима берганини айта қолай: эркинлик берди, дунё халқлари билан тенгликни берди. Жавобларим жўн ва оддий туюлаётган бўлса, мен ҳам узр сўрайман. Лекин билингки, буюк ҳақиқатлар жўн ва оддий бўлади. Хусусан, менга (айтмасам бўлмас) – бир шоирга бошқа юрт шоирлари олдида энди елкангни қисиб турма, деган туйғуни ато этди.

– Ҳозир қандай ижодий ишлар билан машғулсиз?

– Эсселар, сафарномалар, публицистик мақоалардан иборат китоб тайёрлаяпман. Айни пайтда янги шеърӣ тўпламим устида ҳам иш олиб боряпман.

– Мирпўлат ака, сизнинг ўзига хос, бетакрор ижодингизга ва журналдаги фаолиятингизга катта муваффақиятлар, ўзингизга ҳам ўқувчиларимиз номидан мустаҳкам соғлиқ ва шеърӣятда катта зафарлар кучишингизни тилайман.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

«Хуррият» газетаси,

2007 йил, 43-сон.

ШОИРЛИКНИ БАРЧА НАРСАДАН УСТУН КЎРАМАН

– *Мирпўлат ака, бугунги кун шеърӣятига, сизнингча, бозор иқтисодиёти қандай таъсир этяпти?*

– Бозор иқтисодиёти бизнинг тасаввуримизда шакланган адабиётга ўзининг шафқатсиз таъсирини ўтказмоқда. Инчунун, биз бозор иқтисодиётига илк бор рўпара бўлганимиз учун адабиётга нисбатан бу муносабат «шафқатсиз» бўлиб туюлмоқда. Аслида эса бугунги кунда бутун дунёда бу оддий ҳол саналади. Бу жараён ҳақиқий истеъдодлар учун кучли синов ҳамдир.

– *Сизга маълумки, шеъриятда ўртамиёначилик деган нарса бор. Яъни, шоирнинг ёзганлари жуда зўр ҳам, жуда ёмон ҳам бўлмайди. Улар адабий жараёнга қандай таъсир кўрсатади?*

– Ўртамиёначилик шеъриятда ҳеч қачон фазилат саналмаган. Бу истеъдодсизликнинг белгисидир. Агар ўртамиёначилик тарғиб этилса ёки мақталса, бу шеърият юксакликка эмас, тубанликка қараб кетади.

– *Сиз ҳам шоир, ҳам таржимон, ҳам журналистсиз. Ўзингизни қайси соҳага кўпроқ дахлдор деб ҳисоблайсиз?*

– Мен – шоирман. Ўзимни таржимон ҳам, журналист ҳам, ҳатто ёзувчи ҳам атай олмайман. Чунки шоирликни барча нарсадан устун кўраман. Ва давраларда аввало шоирлигим эътироф этилмаса, ҳамиятим озор чекишини яхши биламан.

– *«Шеър ҳаётини бўлиши керак» деган гап кўп такрорланади. Бу фикрни қандай тушунган маъқул?*

– Шеърнинг қанақа бўлишлиги ҳақида панд-насиҳат қилишдан йироқман. Лекин шу нарсани яхши биламанки, у юракдан ёзилиши керак. Бу дегани – ҳар қандай таъмадан, ҳавойиликдан йироқ бўлиши керак дегани.

– *Шеърнинг мукамал туғилиши шоир ҳолатига боғлиқми?*

– Шеърнинг мукамал бўлиши аввало шоирнинг шуури кўламига боғлиқ. Қолаверса, бу шоирнинг мукамалликка бўлган чексиз иштиёқи ва бу борадаги меҳнатга ташналиги билан ҳам белгиланади.

– *«Жаҳон адабиёти» журналида Бош муҳаррир ўринбосарисиз. Мазкур журналдаги асарлар қандай мезонга кўра танланади?*

– Журналимиздаги асарлар танланаётганда даставвал уларнинг ўқувчиларимизга қанчалик завқ беришини аниқлаб оламиз. Уларнинг тафакқурини бойиладими, дунёқарашини кенгайтирадими – бу жиҳатлар ҳам биз учун жуда муҳимдир.

– *Шеър қай ҳолатда яхши ёзилади: лирик қаҳрамоннинг қалбини изтироб чулғагандами ёки хурсандчилик пайтидами?*

– Одам кўнглига йиғи тўлиб келганда чинакамига йиғлайди. Кўксига кулгу тўлганда эса чинакамига кула олади. Шеър эса юракни туйғулар ҳовури куйдира бошлаганда ёзилади.

– *Модерн шеърят ўзбек адабиётига керакми?*

– Модерн шеърятни ўзбек адабиётига ҳам керак. Лекин ундаги туйғулар «ғарбча» бўлиши шарт эмас.

*Адҳам УСМОНОВ суҳбатлашди.
«Овоза» газетаси, 27 март 2008 йил,
Фарғона вилояти, Бувайда тумани.*

ДАРЁЛАРНИНГ КУМУШ ИПИ

Болалигимда кечган воқеаларни яхши эслайман. Баҳордаги биринчи юмуш қишлоғимиз тепасидан оқиб ўтадиган катта ариқни тозалашдан бошланарди. Қишлоқдаги барча маҳаллалар оқсоқоллари ишга яроқли эркакларни тўплаб, ўша ариқ бошига чиқиб борардилар ва кексалар дуоси билан астойдил ишга киришиб кетардилар.

Ёзда – сув танқислаша бошлаган пайтда ҳар бир маҳалла ўз ичидан ўзига мироб сайлаб оларди. Мироб холис, ҳалол, ҳар бир хонадон аҳволини яхши биладиган одам бўлиши шарт эди. Мана шу анъана, мана шу ҳамжиҳатлик туфайли ҳар қандай қурғоқчилик йилида ҳам томорқаларга умид билан экилган экин-тикинлар, ҳовли четларидаги гулу райҳонлар қуриб қолмас, оилалардан қут-барака аримасди.

Лекин сув сабаб содир бўлган жанжалларни ҳам эшитганларим ёдимда: қайси бир маҳаллада сув таллашиб қўни-қўшни юз кўрмас бўлиб кетган, ака-ука ёқалашиш даражасига бориб етган...

Мен бу хотираларни эслар эканман, бугунги кунда сувнинг нафақат маҳаллалар ёки қишлоқлар, балки бутун бир халқларнинг, миллион-миллион одамларнинг тақдирида ниҳоятда муҳим аҳамият касб эт-

ганлигини ҳис этмоқдаман. Тасаввур қилиб кўринг, минг йилликлар давомида Ўрта Осиё халқларига ризқ бериб келган, боғларини жаннатга айлантирган, даштларини чаманларга буркаган Амударё ва Сирдарё сувлари кимларнингдир хоҳиш-ихтиёри билан омборларга қамалса, ҳукм-фармонлари билан кишанланса, нималар содир бўлади?! Боз устига «мироббоши»ликка экин-тикин экмаган, қуриётган ниҳолни кўриб йиғламаган элдан пешволар таклиф қилинса-чи? Кечагина сизни мутеликда тутиб келган остонага қайта бош уришнинг ўзи эмасми бу?

Бугун замон ўзгарди. Дунёга бошқачароқ қарайдиган, ҳар бир муаммога орқа-олдимизни ўйлаб, кенг мушоҳада билан ёндашадиган маврид келди. Машҳур бир халқ қўшиғида шундай мисра бор: «Андижонда ўт ёқсам – Ўшда тутун...». Дарҳақиқат бугун Орол бўйидаги қақшаган дарахтнинг хазон япроғи Тўқтағул сув омбори қадар учиб бориши ва Помир этакларига тўшалishi шак-шубҳасиздир.

Қисматимизни чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: Тангри Ўрта Осиё ўлкаларини икки дарёнинг кумуш ипига тасбеҳ доналаридай боғлаб қўйган бўлса, не ажаб?!

Муҳтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида жон куйдириб айтган: «Амударё ва Сирдарё тақдирига бефарқ бўлмайлик, бу муаммони бугун ўйлайлик, дунёнинг етук мутахассислари иштирокида баҳамжиҳат иш кўрайлик. Эртага кеч бўлади!» – дея айтган гаплари ҳамон қулогим остида. Айни пайтда юрт тақдири кўз олдимда гавдаланар экан, қаламкаш дўстларимдан, бу даъват сизнинг юрагингизда қандай акс садо берди, деб сўрагим келади.

Шу жумладан, қозоғистонлик, қирғизистонлик, тожикистонлик, туркменистонлик адибларга, илм-фан намояндаларига «Нега бу муаммода жим турибсиз? Негатун мудроқ идрокларни уйғотмайсиз?» – дея мурожаат қилиб, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билишни истайман.

Ахир, биз Шарқ одамларимиз. Жаҳонда катта инқирозлар содир бўлиб турган бир даврда кўни-кўшнилар сифатида ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларга холислик, бағрикенглик билан ёндашсак, ота-боболаримиз йўлини тутган бўлмаймизми? Кўни-кўшничиликдан эса тонолмаймиз. Ҳолбуки, Ер курраси болаликда тасаввур қилганимизча катта ҳам эмас экан. Самодан унга қаралса, бизларни мангу боғлаб турган икки дарё ингичкалашиб бораётган кумуш ипга ўхшаб кўринади...

2009

ЮКСАК ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

Маънавияти юксак юрдагина адабиёт ўзининг янги уфқларини кашф этади, ижод қадр топади, қалам аҳлига меҳр ва эътибор кўрсатилади. Куни кеча Ёзувчилар уюшмаси фаоллар йиғинида муҳтарам Президентимизнинг адабиёт ҳақида билдирган фикрлари ва ижод аҳлига қарата айтган гапларини эшитиб, жамики ижодкорлар қаторида мен ҳам бениҳоя тўлқинландим.

Жумладан, унда шундай дейилади:

«Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди».

Мазкур гаплар замирига теранроқ назар солсак, қалам аҳлига бўлган бу ишонч, узоқ вақт давомида кўнгилга тугиб келинганлигини пайқаш қийин эмас.

Таъбир жоиз бўлса, мана шу эътибор ва муносабат асносида «Жаҳон адабиёти» журнали дунёга келган эди, дейишимиз мумкин. Зеро, ёш истеъдодни буюклик супаларига кўтара оладиган бундан ортиқ восита борми?

Яқин ойларда бу нашрнинг 150-сони ўқувчилар кўлига бориб этади. Шунини ифтихор билан айта ола-

мизки, бу давр ичида журнал саҳифаларида 100 га яқин жаҳон адабиётининг энг сара романлари, 100 дан ортиқ қиссалар, кўпдан-кўп дунёга машҳур шоирларнинг шеърий туркумлари, ўткир публицистик мақолалар эълон қилинди. Муҳим жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти асар яратилган тилдан илк бор таржима қилинди ва адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Булар орасида унча-мунча миллат адабиётшуносларининг «тиши ўтмайдиган» асарлар ҳам борки, улар бизнинг ёш авлодга мансуб ижодкорларимиз томонидан чуқур таҳлил илиб, муносиб савияда тадқиқ этилмоқда.

Баъзан дунё адабиёти сўқмоқсиз ўрмон ёки ададсиз кенгликлардек, ёхуд қирғоғи йўқ уммон бўлиб туюладики, унда адашиб кетиш ёки турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боисдан бу борада, устоз Озод Шарафиддинов таълим берганидек, юксак бадиият, теран инсонийлик ва умумбашарий туйғуларгина доимий мезон бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаймизки, бугунги кунда «модерн адабиёти» деган атама ҳар қанча чиройли жарангламасин, у жаҳон адабиётининг устувор йўналишини белгилаб беролмайди. У ҳолда кўп сонли ўқувчиларимиз хитой, япон, араб, эрон ва ҳинд адабиётига бўлган астойдил қизиқишларини намоён қилмаган бўлардилар.

Ҳамиша чинакам бадиий асар меҳварини инсон ва инсониятнинг орзу-умидлари, унинг мангу безовталиги, ташвиш ва изтироблари ташкил қилиб келган. Бундай асарлар покиза ахлоқ, юксак маънавият туйғулари билан суғорилган. Шу боисдан ҳам бундай асарни ўқиган инсон ўз қалбини ёруғ туйғулар билан янада бойитади, бундай адабиёт билан озиқланган миллат руҳи ҳеч қачон завола топмайди.

Жаҳон адабиёти борасида фикр юритганда, шакл-шубҳасиз, ўзбек адабиёти ҳақида гапирмай бўладими? Бизнинг адабиётимиз ҳам ана шу жаҳон адабиётининг ажралмас қисми эмасми?

Бинобарин, бугунги кунда дунё ўқувчиларига манзур бўладиган, уларнинг эътиборини, меҳрини қозонадиган асарлар бизда яратилмаётибдими? Элимиз севган ёзувчи ва шоирларимиз асарларини бошқа тилларга таржима қилиб беролсак, қайси ўқувчи кўксига босмайди?


Бозор иқтисодиёти устувор мавқега кўтарилган давримизда иқтисодчилар тили билан гапирадиган бўлсак, бошқа мамлакатлар адабиётини мамлакатимизга «импорт» қилар эканмиз, ўз адабиётимиз намуналарини хорижга «экспорт» қилишни ҳам ўйлашимиз керак. Аллақачон бу муаммони ҳал қилишнинг мавриди етган. Чунки бизнинг юксак маънавиятимиз баъариятга ибрат бўлгуликдир.

Мен адабиёт борасидаги мулоҳазаларга берилар эканман, муҳтарам Юртбошимизнинг қалам аҳлига билдирган катта ишончи ва эътиборидан, кўрсатаётган ғамхўрлигидан кўнглим эзгу туйғуларга тўлиб-тошганлигини яна бир карра таъкидлайман.

Тинч ва осойишта ҳаётимизга, тобора кўркамлашиб, гўзаллашиб бораётган юртимизга, ўз келажигини бунёд этаётган халқимизнинг азму шижоатига бугунги кунда кимнинг ҳаваси келмайди!

Шак-шубҳасиз, бу кунлар тарихнинг энг ёрқин саҳифаларига айланажак ва олтин ҳарфлар билан битилгайдир!

2009



ТАСЛИМ БЎЛМАС
ЎҒДУЛАР





УЙФОҚ ЮРАК

Француз миллатининг буюк даҳоси Виктор Гюго бу йил 200 ёшга тўлди. Дунёнинг кўп мамлакатлари қаторида унинг бу қутлуғ таваллуд санаси бизда ҳам тантана қилинмоқда. Демак, Гюго бугунги кунда биз учун ҳам қимматли сиймодир.

Бўлажак адиб 1802 йил 26 февралда Парижда дунёга келди. Унинг отаси Жозеф Леопольд Сигизбер Гюго паст табақадан чиқиб, француз армиясининг юксак мартабаларига эришган шахс эди. Онаси Софи Требюше йирик кема эгаси — бадавлат оиланинг қизи бўлган.

Ёш Гюго Буюк Людовик коллежида таҳсил олади ва жуда эрта ижод билан шуғуллана бошлайди. 15–17 ёшларида унинг ижоди катта ёрлиқлар, мукофотларга сазовор бўлади.

Ўша даврда Франция адабиёти ёшлари орасида икки даҳо — Байрон ва Шекспир руҳи устувор эди. Байрон романтикадан мураббийлик қилса, Шекспир драматургия соҳасида уларни юксак чўққиларга даъват этарди.

Тенгқурлари орасида ўзининг иқтидори билан катта довруғ қозонган Гюго тинимсиз ижодга берилади. Унинг илк китоби «Қасидалар ва бошқа шеърлар» 1826 йилда дунё юзини кўради. Унинг эҳтиросли қалами бир қатор шеърӣй ва драматик асарлар ярата бошлайди.

Гарчи Гюго кўпчилик китобхонлар тасавурида бугунги кунда буюк романнавис бўлиб гавдаланса-да, унинг адабий меросида поэзия салмоқли ўрин тутади. Зеро, унинг ўлмас романларига ва жўшқин драмаларидаги буюк ғояларига замин яратган аввало унинг туғёнли шеърлари эди. Унинг қизғин поэтик ижодида муҳим босҳичларни ўзида акс эттирган «Шарқ оҳанглари», «Интиқом», «Шуур», «Қаҳрли йил» ҳамда бир неча жилддан иборат «Асрлар афсонаси» номли шеърӣй тўпламларини бу ўринда таъкидламоқ жоиз.

Гюгонинг шеъриятига унинг буюк замондоши, дўсти Бальзак тан бериб, у ҳар қандай оҳангда, ҳар қандай услубда сатрларини сайратиб юбора олади, деган эди.

Романлар Гюго ижодида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг «Париж Биби Марьям ибодатхонаси», «Хўрланганлар», «Кулаётган одам», «Денгиз заҳматкашлари» романлари нафақат француз адабиётининг, балки жаҳон адабиётининг бебаҳо дурдоналари саналади.

«Париж Биби Марьям ибодатхонаси» асари қаҳрамони Квазимодо образидан ҳайратланган Ф.М.Достоевский 1862 йили «Время» журналида босилган мақоласида бу образнинг нақадар санъаткорона, чуқур тимсол асосида яратилганлигини таъкидлаб, асарни таржима қилишга хоҳиши борлигини билдиради.

Адиб «Хўрланганлар» романи устида 20 йил давомида тер тўкиб ишлайди. Асар ниҳоясига етганда муаллиф «мен роман эмас, тоғ яратдим», дея ўз даҳосидан ҳайратини яширолмайди.

Л.Толстой ҳам ушбу асарга алоҳида баҳо бериб, уни XIX асрдаги жамики француз романларининг энг яхшиси, дея таъкидлайди. Зеро, Гюго мазкур асарида юксак маънавият борасидаги қаҳрамонликни куйлайди, улуғлайди.

Гарчи Гюгонинг романларида, кўпчилик драматик асарларида тарихийлик нафаси устувор бўлса-да, у ўз даврининг энг мураккаб ижтимоий муаммоларини қаламга олишдан ҳеч қачон чўчимайди. Унинг «Клод Гё» ва «Маҳкумнинг сўнгги куни» қиссалари бу фикримизга ёрқин далилдир.

Гюго драматург сифатида ҳам жуда катта мерос қолдирди. Унинг «Кромвел», «Марион Делорм», «Эрнани», «Қирол ишрати», «Рую Близ» сингари драмалари ўз вақтида Париж саҳналарида чақмоқдек чақнаб намоён бўлди.

Жумладан, «Қирол ишрати» драмаси айрича қисматга эга. Бу драма бундан ўн йиллар илгари ардоқли шоиримиз Э.Воҳидов томонидан ўзбекчалаштирилиб,

телевизион спектакль сифатида намоёиш этилган эди. Эндиликда у «Жаҳон адабиёти»нинг шу йилги 2–3-сонларида эълон қилинмоқда.

Мазкур драма яратилган даврида афишаларда пайдо бўлиши биланоқ цензуранинг қаттиқ таъқибига учрайди. Цензура унинг номини ҳазм қилолмайди. Бу муаллифнинг ниҳоятда ахлоқсизлигидир дея таъкидлаб, уни тақиқлайди. Асар 50 йилдан кейингина француз театрларида қўйилади.

В.Гюго буюк эврилишлар, инқилоблар замонида яшади. У ўз давридаги воқеа-ҳодисаларнинг лоқайд шоҳиди эмас, балки унинг сиёсий босқичларида ҳамisha фаол иштирокчи бўлади. Мамлакат қисмати, оддий одамларнинг ўта қашшоқлиги унинг уйғоқ қалбини ҳамisha тугёнга келтирди.

Унинг янги император Луи Бонапартга қарши ёзилган «Кичик Наполеон» памфлети ўткир тили билан мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлади. Бундан ғазабланган Бонапарт уни ҳибсга олишга фармон беради. Ўша пайтда А.Дюма-ота адиб дўстига унинг боши 25 минг франкка баҳоланганлигини айтади. Императорга яқинлардан бири, уни агар тута олишмаса, отиб ташлаш ҳақида махфий буйруқ ҳам борлигини етказди. Баррикадаларда олиб бораётган курашларининг бенафлигини аён сезган Гюго Францияни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

У қувғинда 19 йил яшади. Изтироблар суягидан ўтган адиб, «қувғин бешафқат диёр экан», дея эътироф этади дўстларининг бирига.

Халқнинг теран дардларига йўғрилган Гюго асарларини ўзининг маҳорат мактаби деб билган А.Н.Толстой адиб вафотининг 50 йиллигига бағишланган мақоласида шундай ёзади: «У ўзини оддий қалами ила ўктам сиймолар ярата оларди... У менинг мўъжаз юрагимни чуқур инсонийликка йўғрилган оташин туйғуларга тўлдирганди...

Унинг юксак гоёларга йўғрилган романтикаси қашшоқ турмуш устидан ҳамisha голиб келарди. У бор-

ликқа: «Уйғонинг, инсон қашшоқлашиб бормоқда, халқ адолатсизлик остида инграмоқда...», дея бонг урарди».

В Гюго Шекспирга бағишланган «Тафаккур ва омма» номли китобида ёзувчи ким учун ишлаши керак деган саволни қўяди ва бу саволга ўзи мутлақ аниқ қилиб, «халқ учун ишламоқ ёзувчининг энг муқаддас бурчидир», дея жавоб беради.

В.Гюго 1870 йил 5 сентябрда қувғиндан Парижга қайтиб келади. Бутун мамлакат уни «Яшасин Республика!», «Яшасин Гюго!» хитоблари билан кутиб олади. Бу издиҳом қувғинга учраган шоирнинг орзу-умидлари мамлакати орзу-идеаллари билан аллақачон қоришиб, уйғунлашиб кетганидан далолат эди.

Умрининг сўнгги йилларини ҳам мардонавор яшаган адиб 1885 йили 83 йилда дунёдан кўз юмади.

Октав Мирбо Гюгони «Франциянинг куйловчи юраги», «XIX аср қалби» дея атайди. Гюисманс адиб ижодига баҳо бериб, XIX асрда истеъдодлар кўп эди, лекин «даҳо битта — у Гюго», дейди.

Бугун биз барҳаёт адиб Гюгонинг 260 йиллигини тантана қилар эканмиз, ёзувчи ва замон, ёзувчи ва шахс деган тушунчаларнинг моҳиятини тобора чуқурроқ англаймиз. Адибнинг умр тугёни бизни ҳам фаол бўлишга, дадилроқ бўлишга, оддий одамлар бахти учун курашмоқликка даъват этади.

«Жўшқинлик, қатъият, енгилмаслик, ўзингга бўлган чексиз ишонч, қисмат билан яккама-якка олиша билмоқлик, хавф-хатарни дадиллик билан барта раф эта олиш, адолатсиз салтанатга нафрат, галабалардан ғурурланиб кетмаслик, мардонавор тура билмоқ — халқларга керак бўлган сабоқлар, уларни илҳомлантирувчи ёғдулар мана шулардир...», дея ёзган эди Гюго «Хўрланганлар» романида. Бу улуғ даъват бугунги кунда ҳам асло кучини йўқотмаган.

Гюго Бальзакнинг дафн маросимида сўзлаган нутқида улуғлар ҳайкал учун пойдеворни ўзлари яратадилар, уларга ҳайкални келажак қўяди, деган эди. Икки

юз йилки, инсоният Гюгога ажойиб ҳайкал тиклади ҳамда бу ҳайкални қалб тўрида ардоқлаб келади ва ҳамиша ардоқлайди.

2002

ЭВРИЛИШЛАР ДОВОНИ

Конфуций, эврилишлар замонида кечадиган умр ҳам бахтга, ҳам бахтсизликка маҳкумдир, деган эди. Бахтсизлик шундаки, тарих сен томон бешафқат бостириб кела бошлайди, сенда ўзига нисбатан қарши исён уйғотади. Лекин бу жараёнларга мутлақ ташқаридан назар солсанг, ғаройиб нарсаларни кузатасан.

Дарҳақиқат, адабиётга бугунги кундан туриб назар ташланса, жуда ғаройиб жараённи кузатиш мумкин. Шўролар тузуми абадийлиги, компартия сафлари монолитлигини қайси шоирлар куйлаб, қайси адиблар қаламга олмади?! Шунингдек, миллатни улуғлаш ниҳоятда зарарли эканлигини (миллатпарварлик маъносида ҳатто), мозийдан ёзиш совет тузумини инкор этиш билан бараварлигини, дин эса афюн эканлигини кимлар юрак шиорларига айлантриб, бир умр тўтидек такрорлаб ўтмади?! Вақт мўътадил давом этиб, шўролар тузуми мустаҳкам турганида бу жараёнлар содир бўлармиди? Албатта, содир бўлмасди. Ўша даврдаги мумтоз асарлар «мумтозлигича» яшаб келаверарди.

Демак, ҳақиқий асарларни фақат вақтгина сараламайди. Балки унинг бағрида етиладиган кескин бурилишлар, ўзгаришлар, эврилишлар саралайди.

Шу боисдан ҳам «Абай йўли» эпопеясини қайтадан қўлимга олаётганимда дастлаб кўнглимда бу йирик асар истиқлол «қилкўприги»дан қанчалик бешикаст ўта оларкин, деган туйғулар кечди.

Ёзувчининг 15 йил давомида тинимсиз ишлаб, ёзган мазкур асаридан бош мақсади поёнсиз даштлар қўйнига қумга оққан сувдек жарангсиз сингиб кетаётган қозоқ миллатининг ҳаётини, турмушини, руҳини муҳрлаш, дунёга кўрсатиш эди.

У ўз олдига қўйган бу катта мақсадига қай даражада эришолди экан? Ўқувчи кўнглида дастлаб шу савол кўндаланг туради.

М.Авезов қозоқнинг қисматига юрак-юрагидан куйинган, уруғлар, қавмлар орасида ниҳоясиз давом этадиган низолар, адолатсизликларни барта-раф қиламан деб ўзини ўтга-чўққа уриб яшаган Абай ҳасрати ва орзуларининг муносиб вориси эканлигини ижодкор сифатида ўз вақтида англади ва бу бетакрор сиймо образини яратиш орқали миллати олдидаги зиммасига юкланган қарзни узишга жазм этди.

«Менинг роман устида қилган меҳнатимни карвон аллақачон кетиб бўлган манзилга кечикиб келган йўловчининг ҳолатига ўхшатиш мумкин. У сўниб бўлган гулхан кулини титиб, сўнгги чўғдан яна олов гуриллатишга интилганидек, мен ҳам хотираларда ўча бошлаган Абай ҳаётини қайтадан жонлантиришга ҳаракат қилдим», деб ёзади адиб.

Тўрт китобдан иборат асар шавқ билан ўқилади. Зеро, унда шекспирона фожиалар, толстоёна тасвир, пушкинона жўшқин руҳ ҳамда қодирийча ишқ-муҳаббат кечинмаларининг бир-бирига ниҳоятда уйғун қоришиб кетганлигини пайқаш қийин эмас. Чунки адиб қалами бунга қадар ўнлаб драма, неча-неча қиссаю ҳикоялар яратиб, жаҳон хазинасидан дурдона асарлар таржима қилиб обдан чархланган эди. Шу боисдан ҳам ёзувчи асар руҳиятидаги ҳар қандай теранликларга кириб боришдан чўчимайди, мураккаб психологик кечинмаларни четлаб ўтмайди. Аксинча, илҳом ва сабот билан ўзига сўқмоқ очади ва шунинг жараёнида асл ижодгагина хос бўлган кашфиётлар, мўъжизалар яратиб боради.

Асар бошида келтирилган Кодар ва Камка фожиясининг ўзи бир романга татигуликдир. Умрининг сўнгги палласида ёлғиз ўғлидан ажралган Кодар қишда изғиринлар ўйнайдиган кулбасида келини билан қолади. Келин ҳали йили ўтмаган марҳум эри ҳурмати бу кул-

бани ташлаб кетолмайди. Кодар садоқатли келинидан мингдан-минг рози. Турмуш оғир. Йўқчилик. Кодарга яқин овулда яшайдиган Жексен эса ниҳоятда бадавлат. Лекин у Кодарга ёрдам беришдан мол-мулкини қизганеди. Агар ёрдам бермаса, уруғ-аймоғидагиларнинг гап-сўзларига қолади. У қабиҳ йўл тутади, яъни одамлар кўнглига шундай бўҳтон уруғини сочади: у келини билан дон олишадиган бўлган, ундан ҳазар қиламан, шунинг учун ҳам ёрдамимни дариг тутаман, дея разил миш-миш тарқатади. Бу гаплар тўбуқти уруғининг оға-султони Қўнонбой қулоғига бориб етади. Қўшни яйловлар ҳисобига мавқеини кенгайтириш ва бўрсоқ уруғидагилар таъзирини бериб қўйиш учун баҳона кутиб юрган Қўнонбойга бу жуда қўл келади. У шаҳардаги муллага совға-саломлар билан одам жўнаттириб, шариат ҳукмини чиқартиради. Мулла зинокорларни осишга фатво беради.

Қўнонбой буйруғи билан Кодар ва Камка отга ўнгарилиб, аҳоли тўпланган жойга ҳукм ижроси учун келтириладилар. Ўзларини нима учун олиб кетишаётганини улар фақат йўлда навкарларнинг гап-сўзларидангина англашади. Камка ҳушидан кетади. Кодар эса ғазабга йўғрилиб, одамлар олдида Қўнонбойнинг ўзини шармисор қилмасамми, дея йўл бўйи умидланади. Фожиа авж нуқтасига кўтарилиб боради. Ҳукм ижросига мунтазир одамлар олдига уларни келтиришади. Камка беҳуш, Кодар жунбушда. Кодарни гапиришга қўйишмайди. Чўкиб ётган туя ёнига келтиришиб, бошига қопкийгизишади ва туя ўрқачидан осилиб тушган сиртмоқ бирини унинг, иккинчисини Камканинг бўйнига солишиб, туяни ўрнидан турғизиб юборишади. Камка шу заҳоти жон беради. Паҳлавон келбатли Кодарнинг эса ҳали-вери жони узилмайди. Туяни чўктиришиб, унинг бўйнидан сиртмоқни олишади. Қўнонбой шунда жони қаттиқ зинокор осийни қояга олиб чиқиб, ундан улоқтиришни буюради. Йигитлар уни баланд қоядан пастга улоқтиришади. Фожиа бу билан ҳам ниҳоясига етмайди. Қўнонбой харсангларга урилиб парчаланган жасад-

ни тошбўрон қилишга фармон беради ва биринчи бўлиб тошни ўзи отади.

Шу жойга етганда ўқувчи қалбини Кодарнинг жисмонан ўлими эмас, балки унинг бўғзида қолган дард, газаб, фарёд ортиқроқ ўртаб юборади.

Муаллифнинг фожиага бу хилда хотима ясаганлиги китобхонни дафъатан таажжубга солади, гангитади: у нега бу хилда яқунланди? Муаллиф Кодарга нега бу қадар шафқатсизлик қилди — лоақал газабини сочишига ҳам имкон бермади? Нега Кодар ва Камка эл олдида ёмонотлиқ бўлиб дунёдан кетдилар? Аслида улар жуда пок, диёнатли инсонлар эдилар-ку! Нега тухмат ва бўҳтон мутлақ тантана қилди?..

Аслида ҳаётда ҳам шундай эмасми? Бир қарашда ҳаётда ҳам тухмат ва бўҳтонлар мутлақ тантана қилмайдими?

Йўқ. Қабоҳат ҳаётда мутлақ голиб келмайди. У маълум бир давр эл кўзидан ҳақиқатни тўсиши мумкин. Лекин ҳақиқат нур каби қалқиб чиқади. Ёзувчининг зиммасидаги меҳнат ана шу ҳақиқат бўй кўрсатгуни қадар кечган жараёни эзгулик ва қабоҳат ўртасидаги курашлар мантиғи асосида кўрсатиб беришдадир. Бу ғоят мураккаб ва санъаткорона иш. Адиб бу ечимни топа олган: фожиа жараёни энди Абай юрагига кўчирилади. Топталган ҳақиқатни энди Абайнинг юраги юзага олиб чиқади. Яъни Қўнонбой қабоҳати соф ва навқирон Абай томонидан фош этилиши муқаррар.

Отаси бош-қош бўлган бу қадар разилликка илк бор рўпара бўлган Абай оғир касалга чалинади, бу фожиа — бу мудҳиш адолатсизлик бўлажак оқин юрагида чуқур из қолдиради.

Асарда бу хил теран тасвирифожиалар бисёр. Жимжит, бепоён дашт аслида ҳеч қачон жимжит бўлган эмас. У ҳамиша ҳасратлар қуюнига, фарёдлар вулқонига тўла. Фақат улар бир қарашда дафъатан кўзга ташланмайдилар.

Миллат анъаналари руҳига сингиб кетган фожиалар Абайни ҳамиша ларзага солади, уни теран мушоҳада-

ларга ундайди. Қизалоқ Камшат ўлимини бир эслайлик. Тўбуқти ва жигитек уруғлари орасидаги низолар бетўхтов қалтислашиб боради, чунки ўртада ёвуз манфаат бор. Қўнонбой даштнинг оға-султони. Унинг айни кучга тўлишган пайти. У куч билан, керак бўлса ҳатто фирибу найранглар билан ўзгаларнинг мулки бўлган яйловларга кўз олайтиради. Навбатдаги адолатсизлик катта низо келтириб чиқаради. Бундай низолар удумга кўра, мол олдибердиси орқали мурасага келтирилади. Бу ўринда Қўнонбой жигитекликларга бир неча қора мол билан товон тўлашдан кўра, у кейинги хотини Ойқиздан туғилган беш яшарли қизалоқ Камшатни бериб юборишни афзал кўради. Олис, тамомила бегона овулга чирқиратиб олиб кетилган гўдак жоҳилона муҳитда касалланиб, нобуд бўлади. Азбаройи орадаги нафрат туфайли жигитекликлар иргизбойликларга қизалоқнинг ўлими ҳақида хабар беришмайди, ўзлари ерга қўйишади.

Асарнинг тўрт китоби давомида қаламга олинган бу сингари фожиаларнинг ҳеч бири асарга атайлаб киритилмаган. Улар бепоён даштларнинг ҳасратли оҳангларига уйғунлашиб кетади.

Эпопеянинг биринчи ва иккинчи китобларида Қўнонбой мукамал образга айланади. Социалистик реализм адабиётшунослиги бу образни бир умр синфийлик тушунчаси орқали баҳолаб, бойлар, яъни эзувчи синф намояндаси қилиб талқин этди, жамики салбий қаҳрамонлар етакчиси сифатида кўрсатди. Аслида ҳам шундайми? Агар бугунги кун нуқтаи назари билан, яъни истиқлол мафқураси, идроки билан ёндашадиган бўлсак, эзувчи маҳорати ўзининг бошқа қирралари билан жилоланади. Зеро, унинг буюк реалист адиб эканлигига амин бўламиз. Яъни Абайнинг отаси Қўнонбой образига эзувчи синфий душманни эмас, шафқатсизлик ва жаҳолат тимсолини, Абай образига ўз отасини синфий душман сифатида тугатувчи инқилобчи образини эмас, балки адолат ва эзгулик ҳимоячиси образини мужассам қилганлигини пайқаймиз.

Жаҳон классикасини чуқур ўрганган адиб ўз эпик

асарида руҳиятини, қалб туйғуларини чекламасликни тамойил қилиб олади. Шунинг баробарида ҳар қандай рамкани, соцреализм рамкасини ҳам ичдан инкор этади. Ва асарни фақат фожиалар сандигига айлантириб қўймайди.

Адибнинг табиат тасвирлари таҳлилининг ўзини катта бир илм қилиш мумкин. Андре Стиль М.Авезовнинг пейзаж тасвиридан шоирнинг ҳиди келади деб бежиз айтмаган. Зеро, адиб бутун асар давомида қозоқ даштларининг тўрт фаслдаги товланишларини Абай қалби орқали идрок этади. Адибнинг яна бир санъати шунда кўзга ташланадики, борлиқни бош қахрамон қалби орқали идрок қиларкан, у иштирак этмаган лавҳаларда ҳам унинг образига нафис чизгилар чизади, унинг руҳий олами қирраларини бойитади. Натижада адиб Абай образини дунёдаги баркамол, ўктам образлардан бирига айлантиради.

Адибнинг муҳаббат бобидаги талқинлари ҳам ўқувчини ҳайратга солади, унга шавқ бағишлайди. Улғайиб, балоғат фаслига қадам қўйган Абайни Дилдага уйлантиришади. Муҳаббатнинг ҳовурли туйғулари Абай юрагида бир муддат гуркирайди. Лекин бу ҳали асл муҳаббат эмас эди. У асл севгисини бошқа овулга бориб қолганида Тўғжонда учратади. Лекин Тўғжон унга насиб қилмайди. Ўқувчи шу билан Тўғжон қиссаси туғади, деб ўйлайди. Асар давомида у билан яна учрашишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ахир, уларнинг қисмати мангу айри кетди. Тўғжон бошқага турмушга чиқади. Орадан йиллар ўтаверади. Бир пайт дўсти Эрбўл билан йўл усти бир ўтовга қўнган Абай тонгда ажойиб туш билан сармаст уйғонади. Унинг тушига бир пайтлардаги ёш, сулув Тўғжон кирган, у руҳни аллайдиган дилбар овози билан ўша пайтларда куйлаган ўланларини айтиб, қошига чорламоқда. Абай уйқудан уйғонади. Ахир, бу шунчаки туш-да, деб ўйлайди. Лекин не кўз билан кўрсинки, бу туш эмас. Бу — ўнг. Ўтов остонасида ўша ёш, сулув Тўғжон кўлида дўмбираси билан ажойиб ўланлар куйламоқда. Абай

хайратдан тонг қотади, бари бир у, ахир, Тўғжоннинг ўзи-ку, деган хулосага келади. Лекин у ҳақиқатда Тўғжон эмас эди. Қуйиб қўйгандек Тўғжонга ўхшаш Айгерим эди. Абай кўнглида яна Тўғжон муҳаббати, унинг армони ўт олади. Чунки Тўғжон қўл етмасдир, чунки у идеалдир. Абай ва Тўғжон учрашувлари, уларнинг бокира туйғулари, чорасиз қалб тўлғанишлари эпопеянинг энг ёрқин саҳифалари сифатида ўқувчи ёдида қолади.

Ҳақиқий асар ҳамиша одамни ўз қалбига, ҳаётига чуқурроқ қарашни ўргатади. Мен асардаги теран воқеалар, ёрқин образлар билан танишар эканман, беихтиёр туғилган қишлоғим одамларини эслай бошлайман, уларнинг кечинмалари, бетакрор қисматлари ёдимга тушади. Ҳаётда учрайдиган турфа хил низоларнинг туб илдизлари шууримда намоён бўлади.

Роман қозоқнинг урф-одатлари, удумлари, ўзига хос анъаналарини кенг қамраб олганлиги билан ҳам қимматлидир. Овул ва ундаги ўтовларнинг икир-чикири қадар тасвирлар, лочин билан қуён овлаш лавҳалари, оқинлару ёш йигит-қизларнинг айтишувлари адиб томонидан ҳар гал тўлиб-тошиб қаламга олинади.

Ўз ижодкори М.Горькийни маҳв этган, М.Шолоховдай адибни бир умр таъқиб қилган социалистик реализм услуби М.Авезов иқтидорига зарпечакдай чирмасмашлиги мумкинми? Йўқ, албатта. Соцреализм методи, жўн қилиб айтганда, хаёлдаги гўзал ғоя ва воқеликка гўзал хотима яратиш, ҳаётнинг адабиётдаги тасвирини эса зўр бериб ўша гўзал қолипга мослашдан иборат эди. Гўё шу билан инсоният ҳаётини эзгу ўзанларга буриб юбориш мумкиндек. Аслида эса бу ақида даҳрий Мичуриннинг «табиат измимизга юрмаса, уни бўйсундирамиз» деб чиранишидан кўп фарқ қилмасди.

«Нурли келажакка» элтадиган бу тайёр йўл — гўзал қолип кўпроқ миллий адабиётлар учун асоратли эди. Бу йўл сарбони албатта, оға халқ вакили — рус кишиси бўлиши ҳар бир ижодкор ҳужайрасига сингдирил-

ганди. Бу борада М.Авезов Абайни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш олдидан уни Семипалатинскда Н.Чернишевскийнинг шоғирди, сургунда юрган Михайлов билан таништиради. Шу нуқталардан бошлаб асарга инқилобий руҳ сингдирилади, «нурли келажак» гоёси йўғрилади. Бугунги кундан туриб қараганимизда асарнинг сусти чиққан ўринларини ана шу йўналишга куч берилган лавҳаларда кўрамиз. Асарда «оға миллат» вакиллари Абайга раҳнамо сиймосида кўринганликлари туфайли бир-бирига монанд чиққан ва характер жиҳатидан индивидуал гавдаланмайди. Лекин шу мушоҳадалар баробарида романнинг биринчи китобидаги қуйидаги лавҳани эсга олмаслик мумкин эмас. Абай Семипалатинскда яшаётган даврида мутолаа учун шаҳар кутубхонасига киради. Уни кутубхоначи чол хушрўйлик билан қаршилайди. Шу пайт мутолаахона эшигига яқин жойда жингалак соч, шоп мўйловли рус амалдори ҳам ўтирарди. У ёнидаги ёш жувонга ҳирсли кўзларини сузар эди. Абай кириши биланоқ, унга кўзи тушиб, атайлаб ҳамма эшитсин учун овозини кўтариб тишлари орасидан пичинг отади:

— Вожаб... Гоголь кутубхонасига қачондан буён туяларни киритадиган бўлишибди?

Абай бундан гангиб қолмайди. Ўзини босиб олиб, хотиржам дейди:

— Бу ерда эшак анчадан бери ўтирган экан, туя кирса нима қипти, жаноби олийлари?..

Абай образини мукамал қилиб яратишга М.Авезов улуг оқин меросини синчиклаб ўрганиш орқали эришди.

Абай эл ичида уруғлар ўртасидаги низоларни бартараф қилишдаги саъй-ҳаракатлари туфайли танила бошлайди, у ижодкор сифатида шаклланиб, ижодини халқ олдидаги бурчи даражасида идрок қилади. Турфа ҳаёт машаққатлари, қисмат чигалликлари, фарзандларининг кетма-кет ўлими — бу жамики дарду надоматлар Абай руҳини синдирилмайди. У юқори мансабларга муносиб эди, ҳаётида қулай имконият-

лар пайдо бўлади, лекин у фирибу адолатсизликлар кўчасига қадам қўймайди. Абайда катта бойлик орттириш имкониятлари ҳам бисёр эди. Бунинг учун у тўғри-сўзлигидан тийилиши керак бўларди. Лекин бунга кўнмайди. Уни ҳатто муҳолифлари авом одамлар томонидан калтаклаттиришади, у руҳан таслим бўлмайди. Унинг бу қадар собит иродасининг, тозалигининг, тўғри сўзлигининг сабаби нима эди? Наҳотки бу азбаройи «нурли келажакка» бўлган умиди, ишончи туфайлигина эди? Асарда эса мана шу талқин сезилади. Аслида Абай ўзи ким бўлган? У умри охирида ёзган «Қора сўз»ида шундай дейди: «Борди-ю, бирор одамнинг кўнглидаги дунёга қайғуси билан қувончи охиратга бўлган қайғуси билан қувончидан ортиқ бўлса, у ҳолда бу одам мусулмон эмас». Демак, Абайнинг бутун иродаси, сабру бардоши, имони поклиги азбаройи мусулмонлиги туфайли бўлган. Буни, албатта, роман муаллифи билмаслиги мумкин эмасди. Ачинарли томони шундаки, соцреализм услуби қолипига бу туйғу ҳеч қачон сифмаган.

Замоннинг буюк эврилишларидан омон ўта олган асар ҳар қанча вақт синовидан чўчимайди. «Абай йўли» романи билан қайта танишиш жараёнида уни XX аср туркий дунё адабиётидаги ана шундай юксак асарлар қаторига комил ишонч билан қўя оламиз.

Йирик асар худди уммонга ўхшайди. Уни дафъатан баҳолаб бўлмайди, салмоғини ҳам ўлчаш мумкин эмас. Зеро, уммонни ким баҳолаб, ким салмоғини ўлчай олган?

Менинг бу асардан олган энг теран таассуротим шуки, Мухтор Аvezов иқтидори озодликни севган иқтидор эди. У ана шундай руҳий озодликни, истиқлолни ичдан қўмсаб, соғиниб яшади, шунинг учун ҳам уни жаҳон ўрганади, туркий дунё эъзозлайди, истиқлол тобад ардоқлайди.

1997

ОҚИН ЁДИ

Дунёда шундай халқлар борки, уларнинг бахтини ҳам, қисматини ҳам асло бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, улар Тангри томонидан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб дунёга келади. Қадрдонликда улар ҳатто туғишганлардан ҳам афзалроқдирлар. Биз бугунги кунда ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасидаги қисматдошликни, абадий дўстликни ана шундай бетимсол қадрдонликка намуна бўлади, дея даядил айта оламиз.

Қорақалпоқ халқи ўтмишда тарихнинг аччиқ сўқмоқларини мардона босиб ўтган халқдир. У ўз бахтини ўзи яратиш йўлида асло чекинмади, тушкунликка тушмади. Ўрта Осиёдаги узоқ ўтмишига эга халқлар қаторида қорақалпоқ халқи ҳам ўз донишмандлиги, ҳалоллиги ва кенг феъллиги билан алоҳида ўрин тутди. Зеро, бу улус қалб салоҳияти, ўлмас тафаккури унинг оғзаки халқ ижоди меросида, Бердақ, Кунхўжа каби буюк оқинлари ижодида мужассамдир.

Биз қутлуғ санасини нишонлаб турган оқин Ажиниёз ҳам ана шундай бетакрор сиймолардандир.

Ажиниёз 1811 йили Мўйноқда дунёга келди. Дастлаб у эски мактабда, кейин Хевадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олди. У илк мутолаа давридаёқ ўзбек, қозоқ ва туркман тилларини ҳам пухта эгаллади. Айни чоғда бу тиллар қардош ва қисматдош халқлар тарихини ва адабиётини ҳам ўрганишга восита бўлиб хизмат қилди.

Юрт тарихидаги муҳим воқеалар, теран жараёнлар ҳеч қачон катта санъаткорнинг назаридан четда қолмайди. Зеро, жафокаш қорақалпоқ элининг ўтган аср 50—60-йилларидаги ҳақиқат ва адолат йўлидаги курашлари, зулмга қарши исёни Ажиниёзнинг «Бўзтов» номи достонининг яратилишига асос бўлди.

Улуғ оқин мазкур асарида ўз халқи — оддий одамларнинг дарду изтироблари, аччиқ ҳаёти ва юксак орзу

ва умидларини ифодалади. Шунингдек, унинг «Керак», «Бўлади», «Яхши», «Йигитлар» каби ўланлари ҳам эзгу ғояларга суғорилганлиги ва кенг фалсафий мушоҳадага бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Айниқса, Ажиниёзнинг «Қиз Менгиш билан айтишув» асари Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалди ва оқиннинг номини уларга машҳур қилди.

Халқлар ўртасидаги дўстлик туйғуларини улуглаш буюк санъаткорларга хос бўлган энг муҳим фазилатдир. Ажиниёз ҳам қорақалпоқ ва ўзбек халқи ўртасидаги самимий қардошликни, меҳр-оқибатни ҳамиша баланд оҳангларда куйлади. Ўз халқини мана шу дўстликни, қадрдонликни асраб-авайлашга чақирди.

Ўтиб кетган буюк сиймолар ёдини эъзозлаш халқ дилида ҳамиша эзгу туйғулар уйғотади, унинг қалбини ёруғ нур билан мунаввар этади. Биз бугунги кунда қорақалпоқ элининг беназир оқини Ажиниёз руҳини ёдга оларканмиз, унга ўзбек халқининг ҳам чуқур эҳтиромини изҳор қиламиз. Зеро, қорақалпоқ элидаги байрам ўзбек халқи учун ҳам энг мўътабар байрамдир.

2001

ЎЗБЕКИСТОН БУЛБУЛИ

Қачондир уйингиздаги сандиқ очилганда онангиздан ёдгор қолган кийимларга дафъатан кўзингиз тушганми? Ўшанда қандоқ ҳаяжон гупурган кўнглингизда? Қандай хаёлларга толгансиз? Хотираларга чулғанганингизда онангизнинг меҳрини димоғингизда қайтадан туйганмисиз?

Мен Ҳалима Носированинг кўшиқларини эшитганимда худди шундоқ ҳаяжонни бошдан кечираман.

Аср яқунланаётган йилнинг оқшомларидан бири эди. Енгил машинада ишдан қайтаётиман. Одатимга кўра, машина радиосини эшитиб кетаман.

Пойтахт кўчалари турфа хил ёғдуларга чулғанган.

Бу нурлар кўча ёритқичларию баланд-баланд иморатларнинг деразаларидан ҳам ёғилади. Чароғон оқшом нафасидан ва ёғдуларнинг жилвасидан шуур беихтиёр давр замзамасини ҳис этади, айна асно унинг шитоб мавжларига кўмилади.

Ана шу дақиқаларда радиоприёмникдан Ҳалима Носированинг қўшиғи янграб қолди. Бу дамда юрагимда кечган ҳисларимни дафъатан тавсифлашим қийин. Зеро, бу овоз шу муҳитдан эмас, мозий қаъридан — бамисоли абадият сарҳадларидан келаётгандек эди.

Мана шу дақиқаларда кўз ўнгингда беихтиёр ватан деган тимсол намоён бўлади... Эскираётган аср билан хўшлашаётимиз, олдимизда янги аср, янги минг йиллик...

Ёдимга устоз Абдулла Ориповнинг мамлакатимизнинг катта бир анжуманида айтган гапи келади: «... Мана, алғов-далғовларга, севинчу шодликларга тўла кечган XX аср тугаб бормоқда. Халқимиз XXI аср остонасида турибди. Ушбу дақиқаларда менда шундоқ фикр кечади: хўш, XXI асрга биз ўзимиз билан нималарни олиб ўтаимиз? Қандай маънавий қадриятларни келгуси авлодга, сиз ҳам асранг, деб узатамиз?! Шубҳасиз, биз Абдулла Қодирий асарларию Чўлпон шеъриятини, Ҳ.Абдуллаев закосию Ҳ.Носированинг булбулдек овозини ўзимиз билан бирга оламиз ва уни янги наслларга олтин мерос сифатида топшираимиз...»

Ҳа, Ҳалима Носированинг бетакрор овозини фақат булбул овозига қиёслаш мумкин.

Бу суҳбатимиз йилнинг бошида кечди.

— Алло, Ҳалима опанинг уйларими? Аввало аяжонимизни «Буюк хизматлари учун» ордени билан чин юракдан табриклаймиз... Мен кўришиб, бир суҳбатларини олмоқчи эдим... — қимтиниб, тезроқ муддаога кўча қолдим.

Истарали овоз менга аяни ҳозир телефонга чақиражани айтди. Бир нафасдан сўнг опанинг овози эшитилди.

— Табригингиз учун, йўқлаганингиз учун раҳмат, укажоним. Эртага келадиган бўлсангиз, соат ўн бирда кута-

ман сизни... Келолмасангиз, албатта, кўнғироқ қилиб кўйинг...

Аксига олиб, эртасига ваъдалашилган вақтга Опа ҳузурига бора олмадим. Мажлисни ташлаб чиқиб кўнғироқ қилишнинг эса сира иложи бўлмади. Қолаверса, у киши ҳар куни уйида-ку, бугун бормасам, эртага бораман-да, дея ўзимни юпатиб, оқлаган ҳам бўлдим.

Эртасига яна телефон қилдим.

— Укажон, мен сизни кеча соат тўртгача кутдим, келмадингиз, кўнғироқ қилиб ҳам кўймадингиз... — дедилар опа. Лекин менинг гапимни тинглагач, гинахонликка чек кўйдилар-да, агар бугун келмоқчи бўлсангиз, майли, бир соатдан кейин кутаман сизни, дея гапни тугатдилар.

Табаррук хонадонга мен айтилган вақтда кириб бордим. Ҳа, чиндан ҳам бу хонадон табаррук! Зеро, бу уйда миллатимиз санъати ва адабиётининг улуғ ва муътабар намояндаларининг нафаси бор.

Мен бу остонага бир гуруҳ устоз адиблар билан илк бор бундан ўн йиллар олдин қадам босган эдим. Яшин домланинг муборак ёшларини кутлаш муносабати билан эди, чамамда.

Бизларни Яшин домланинг ўзлари қарши олиб, ҳам-мани биринчи қаватдаги муҳташам залга — бир пиёла чой учун ҳозирланган дастурхон атрофига таклиф қилган эдилар. Эсимда, Ҳалима опа иккинчи қаватдан тушиб келгандилар. Ва бамисоли у саҳнага чиқиб келаётгандек — эгнида санъаткорлик либоси, икки ўрим қуюқ сочларининг биттасини олдиларига ташлаб олгандилар. Мен хонадон соҳибасини бу ҳолатда кўриб, ўшанда ҳайратланган ва ажабланган эдим.

— Опа сизни иккинчи қаватда кутяптилар, — бу гап мени дарҳол ўзимга келтирди.

Мен юқорига кўтарилганимда Опа зина олдига келиб турган эканлар ва ўша ўн йиллар олдинги кўркам либосларида эдилар!

Бир зум каловланиб қолдим.

— Сизни танийман, укажон, нарсаларингизни

ўқиганман, ҳа, сизни яхши биламан... — дедилар елкамдан силаб, хона тўридаги стол ёнига таклиф қиларкан. Албатта, бу гапларни Опа менинг доврираб турганимни пайқаганларидан ва кўнглимни кўтариб қўйиш учун айтгандилар.

Мен хонага разм солдим. Оддий, ҳашаматсиз. Столнинг ёнига иккита стул қўйилган. Столнинг устида кўҳна «будильник» соат ва чироқ бор эди. Опа курсига ўтиргач, иккинчисини ёнларига тортиб, мени таклиф қилдилар.

— Энди, укажон, яқинроқ ўтирсангиз. Гапларингизни эшитолмай қоламан бўлмаса...

Мен Опанинг, яъни буюк санъаткорнинг ҳар бир суҳбатга мана шу тарзда жиддий тараддуд кўришларини англадим. Бетоброқ бўлишларига қарамай (мен уйга кирганимда ўғли бу ҳақда огоҳлантириб қўйганди), ҳозирги ҳолатда ўтирганлари сингари кеча мени кун бўйи кутган бўлсалар, ажаб эмас. Буни тасаввур қилиб, ичимда изза бўлиб кетдим.

— Нималар қизиқтиради сизни, айланай? — беғубор жилмайдилар Опа ва кўнглимдаги саволни англагандек, гапни бошладилар.

— Онам ўн уч ёшида эллик беш ёшли отамга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиққан эканлар. Мен оилада тўққизинчи қиз бўлиб туғилганман. Онамнинг барвақт эрга тегишларига сабаб, ўша пайтлар замон нотинч бўлиб, ёш қизларни ўғирлаб кетаверишган экан.

Дадамнинг исми Муҳаммадносир бўлган. Санъатни яхши кўрганлар. Муқимий, Завқий билан ошно бўлганлар. Бу ошначиликка сабаб, Завқий дадамнинг сингисига — аммамга уйланган экан. Ўша пайтда Қўқонда Абдураззоқбой деган бадавлат киши бўлиб, унинг уйида Муқимий ва Завқийлар билан биргаликда санъаткорлар, фазалхонлар ҳам тўпланиб туришар экан. Бу даврада дадам ҳам ҳамиша иштирок этганлар. Дадамнинг дин илмидан хабарлари бўлиб, уни Мавлавий домла деб аташган. Мавлавий даражасига кўтарилиш

учун, албатта, илм билан биргаликда араб, турк, форс тилларини ҳам билиш шарт бўлган экан. Дадам дутор ва танбурда ашулалар айтган экан. Асосан диний ашулалар. «Ёввойи ушшоқ»ни ҳам айтар эканлар. Ҳозир шу ашуланинг Самарқанд ушшоғи, Тошкент ушшоғи, Хоразм ушшоғи, Бухоро ушшоғи каби турлари кўп. Лекин «Ёввойи»си сақланиб қолмаган.

Шоир Собир Абдулланинг ёзишларича (у бизнинг кўшнимиз бўлган), дадамлар беш ўғил бўлишган экан. Бешаласи ҳам ашула айтишган. Шунга асосланиб дейманки, овоз менга дадамдан ўтган. Мен гўдаклигимда баланд овоз билан йиғлар эканман. Шунинг учун кўни-кўшнилар мени «Дўлхон» деб аташган.

Дадам кўқонлик бўлганлар. Боя айтганимдек, диний мартабага эга бўлганлар. Худоёрхон дадамдан қайсидир ишга фатво беришни сўраган эканлар. Дадам шариатда йўқ нарсани кўшиб беролмайман деб туриб олган эканлар. Шундан сўнг Худоёрхон унинг қайсарлигидан ғазабланиб, шаҳардан ташқарига чиқариб юборган экан. Шу боисдан мен Тоғлиқ деган қишлоқда туғилганман.

Уйимизда дутор ва чирманда осифлик бўлган. Шунга кўра, мутаассиблар қизларига дутор чалишни ва ашула айтишни ўргатади деб дадамга ёмон назар билан қараганлар.

Дадам барвақт оламдан ўтганларидан кейин онам бизлар учун ризқ излаб шаҳарга борганлар. Биз, бир этак етимлар ўшанда болалар уйида тарбияланганмиз. Саводимизни ҳам шу ерда чиқардик. Ўша пайтларда болалар уйида ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилган эди. Ойша опам унга қатнашиб, шеърлар ўқиб, кўшиқлар айтадиган бўлди. Мен эса чеккада тортиниб, томоша қилиб турардим. Тарбиячимиз мени ҳам жалб қилди. Мен ҳам кўшиқ айтишни ўргандим. Бу менга бирам ёқарди!.. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам кўшиқ айтадиган бўлдим. Ва менга ўртоқларим «Майна» деб лақаб қўйишди. Улар, Майнахон, яна битта кўшиқ айтиб бер, деб туриб олишарди.

Онам ҳам мени Майна деб атайдиган бўлдилар. Баъзан бизни кўргани келганларида:

— Майнажон, менга ҳам битта кўшиқ айтиб бер, — дея эркалардилар.

Бир куни ҳаётимда ҳеч эсимдан чиқмайдиган воқеа содир бўлди. Кўқоннинг шаҳар боғига артистлар ташриф буюришди. У пайтда биз ҳали артист деган сўзни тушунмасдик: улар кимлар? Қанақа бўлишади? Дугонам билан бир дарахтга чиқиб олиб, уларни ҳаяжон билан томоша қила бошладик. Бир пайт доира садолари янграб кетди, унга сурнай жўр бўлди. Ўртага паранжисиз артист қиз чиқиб келди. У чиройли, келишган қоматли бўлиб, рақси ҳаммани лол-маҳлиё қилиб қўйганди. У бамисоли ҳавода сузарди, лабларининг четида ифбатли табассум яширинган эди. Кейин куйлай бошлади...

Мен ҳаяжонимнинг зўридан дарахтдан йиқилиб тушганимни ҳам билмай қолдим. Ва апил-тапил ўрнимдан туриб, яна кўшиқчи қизни кўришга ошиқдим... Ўшанда артист қизга ҳавас билан боқиб, мен ҳам кўшиқ айтувчи бўламан, деб ичимда аҳд қилганман.

У артист қизнинг Тамарахоним, ёнидаги доирачининг эса Муҳиддин Қориёқубов эканлигини, албатта, кейин билганман.

— Ҳалима опа, сизни ўн уч ёшингизда Бокуга ўқишга борганлигингиз кўпларнинг ёдида бўлса керак. У қанақа ўқиш эди, у ерда нималарни ўргангансиз?

— Болалар уйида ўқиб юрган пайтимизда яхши ўқувчиларни Тошкентдаги Аёллар педагогика билим юртига жўнатишадиган бўлишди. Онам менинг ҳам боришимни хоҳладилар. 1922 йил эди, дугоналарим билан Тошкентга йўл олдим. Ўшанда мен уларнинг энг кичиги — 9 ёшда эдим. Бизни билим юрти қошидаги интернатга жойлаштиришди.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўғараги ташкил қилинди. Бу тўғаракка баъзан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ташриф буюрарди. Биз тўғаракда бир неча пьесалар ҳам қўйганмиз. Мен «Озод-

лик болалари» пьесасини ўйнаб, қарсақларга ҳам сазовор бўлганман.

Бир куни тўгарагимиз ташкил этган кечага таниқли санъаткорлар меҳмон бўлиб келишди. Улар орасида Боту, таниқли артист Сайфи Олимов бор эди. Улар республика бўйлаб санъат соҳасидаги ёш истеъодларни излаб юришган экан. Мен ўшанда саҳнага чиқиб, Ботунинг шеъри билан айтиладиган қўшиқни куйладим. Унинг матни шундай:

*Сўрма, ўртоқ, кўзларимда
Қонли ёш қайнашганин.
Сўрма ҳеч бир— юзларимда
Қайғулар ўйнашганин.*

*Сўрма бу маҳзун хаёлнинг
Қай очунда юрганин.
Сўрма бу маҳзун кўнглининг
Дард ўтинда ёнганин.*

*Бу сўроқларга жавоб
Кўнгил сирин очмоқ демак.
Дардли қалб вулқонларидан
Лавалар сочмоқ демак.*

*Лавалар сочмоқ — бутун
Борлиқни йўқ қилмоқ демак.
Марҳамат йўқ, тўғрилиқ йўқ,
Дунёдан қочмоқ демак.*

*Дардлилар дард англатормас
Дардсиз сўйлов билан.
Кўрсатиб бўлмас қуёшни
Кўзсиза мақтов билан...*

Лекин Боту мени олдига чақириб, қўлларимни, этакларимни ўпди-да, бу ашулани айтмагин, айтсанг, жавобгар бўлиб қоласан, деди. Ўшанда Боту унинг қўшиғини айтганимдан хафа бўлди. Рисқулов ҳам бор

эди. Бу қиз талантили экан, уни Бокуга театр техникумига юборамиз, дедилар. Бокудаги бу техникум институтдан ҳам обрўли эди. Сайфи Олимов, артист бўлиш, санъат йўли, айниқса, қиз бола учун мураккаб ва машаққатли бўлади, Ҳалима, бунга сенинг кучинг, ироданг етадими, дедилар. Мен қўнглимдаги аҳдим астойдиллигини, санъаткор бўлиш энг катта орзуим эканлигини атдим.

Биз Бокуга 1925 йили кетиб, у ерда ўзбек гуруҳидаги Зухур Қобулов, Карим Ёқубий, Раҳим Пирмуҳаммедов, Назира Алиева ва ёшликдаги дугонам Ҳакима Хўжаевалар бирга ўқидик. У ердаги сабоқлар мен учун катта мактаб бўлди. Айниқса, Мирсайфитдин Кирмоншоҳли сабоқлари менда бир умрга муҳрланди. Тинибтинчимас бу ажойиб устоз бизга саҳна нутқидан дарс бериб, ҳар бир сўзни аниқ талаффуз қилиш сирларини ўргатган эди. «Ҳар бир актёр нутқ маданияти ва уни ифодали ўқиш санъатини яхши эгаллаган бўлиши керак», дер эди. У таҳсил йиллари давомида бизни Фузулий, Низомий, Воқиф шеърини билан ҳам таништириб борганди. Айниқса, уларни ўзи ажойиб оҳангда ўқирди.

Бокудаги театр санъати техникумида Антон Сергеевич Маэльянц деган яна бир устозимиз бўлган. У бизга роль ижро этаётганда, ашула айтаётганда нафас олиш қоидаларини ўргатган. Менинг овозим кучли ва туғма эди. Бу табиий қобилиятимдан қувонган устозим менга тинимсиз қўшиқ айтиш саъати сирларини ўргатдилар, овозимнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш учун қайғурдилар. Ҳар қанча машҳур бўлмасин, ҳеч бир артистга эргашмаслигимни ҳамиша тайинлардилар.

Биз Ўзбекистондан борган ёш талабалар қийинчиликларга қарамай, чуқур билим олишга ҳаракат қилдик. Академик театрдаги ҳамма спектаклларни кўрардик. Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло», «Макбет»ини, Гоголнинг «Ревизор»ини, Шиллер пьесаларини илк бор ўша саҳнада кўрганмиз. Ўзимиз ҳам кўплаб озарбойжон пьесаларини саҳналаштирганмиз. Масалан,

мен У.Ҳожибековнинг «Аршин мол олон»ида Гулчеҳрани, Ж.Жабборлининг «Ойдин»ида Гултекинни ўйнадим. Гултекин образи жуда таъсирли образ. У ўзи бадавлат оиладан. Лекин камбағал оиладан чиққан Ойдин деган талаба йигитни севиб қолади ва ўз уйини ташлаб, Ойдинга турмушга чиқади. Турмушнинг аччиқ-чучукларини у билан бирга баҳам кўради. Лекин Ойдин ўз орзуларига эришиш йўлида муваффақиятсизликка учрайди ва қаттиқ касалга чалинади. Эрини ҳаётга қайтариш учун ҳеч вақоси бўлмаган Гултекин Давлатбек исмли бойваччанинг таъмаларига ён беришга ва унинг маъшуқасига айланишга мажбур бўлади. Хотинининг хиёнатидан воқиф бўлган Ойдин уни ташлаб, ичкиликка берилади. Гултекиннинг эса Давлатбек эрмагига айланишдан бошқа иложи қолмайди. Охир-оқибатда у бу шармандаликка чидаш беролмай, заҳар ичиб, ўзини ҳалок қилади...

Биласизми, Гултекин образи менга шу қадар кучли таъсир қилгандики, бир умр шу образ билан яшадим, бир умр ундан чиқолмадим.

Бокуда бир куни мана шу пьеса томошасига ўша даврдаги мамлакат каттаси Багиров ҳам келган эди. Пьеса катта олқишларга сазовор бўлди. Ўшанда Багиров: — Сурайё Ҳожар, майли, бизни ташлаб кетди. Лекин худо дардимизни эшитиб, бизга Ҳалимани етказди... — деганди. Сурайё Ҳожар машҳур опера артисти бўлиб, «Аршин мол олон»да бош ролни ўйнади. Кейин у эронликка турмушга чиқиб, Эронга кетиб қолган эди.

— *Бокудаги ўқишни қачон битириб қайтдингиз?*

— Ўқиш тўрт йиллик эди. Лекин мен уч йил ўқидим, охири босқични тамомлай олмадим. Чунки бухоролик истеъдодли ёш санъаткор Турсуной Саидазимованинг ёвузларча ўлдирилгани ҳақида хабар тарқалди. У А.Ҳидоятлов, М.Уйғурлар билан яқиндагина Москвадаги уч йиллик ўқишни тамомлаб қайтган ва спектакль ҳамда мусиқали драмаларда бош ролларни ўйнай бошлаган эди. Айниқса, у Фулом Зафарийнинг «Ҳали-

ма»сида Ҳалимани ижро этиб элга танилганди. Бу фо-
жиадан кейин мамлакат саҳналарида бош аёл ролла-
рини ўйнайдиган санъаткор керак бўлиб қолди. Ва халқ
маорифи комиссарлиги бу борада менда тўхтади. Ўқиш-
дан ажралиш ҳар қанча оғир бўлмасин, халқимиз
ҳаётидаги театр аҳамиятини англаб, бунга рози бўлдим.

— *Ҳалима опа, узр, Яшин домла билан қачон та-
нишган эдингиз?*

— Бу 1929 йилда бўлган. Давлат ўзбек драма театри
ўшанда Самарқандда эди. Мен унда кўп ишламадим.
Чунки Яшин билан танишиб қолдим, унга турмушга
чиқдим ва у мени ўз юрти Андижонга олиб кетди. Ва у
ерда ўша даврда маҳаллий мусиқали драма театри таш-
кил қилинди. Уни ташкил қилишда Ҳамза ва Яшин
бош-қош бўлдилар. Ва бунга Тўхтасин Жалилов, Ориф-
жон. Тошматов, Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб
Хўжаев ва бошқалар ҳам ўз ҳиссаларини кўшдилар.

Кейин яна Самарқандга қайтдик.

— *Янги ташкил топган театрни ташлаб-а?..*

— Ўша йилнинг кузида ҳаётимда катта бурилиш яса-
ган воқеа содир бўлди. Тақдир мени Муҳиддин Қориё-
қубов билан рўпара қилди. Қориёқубов эл орасида кат-
та обрўга эга одам эди. Москвага биринчи бўлиб у бор-
ган. Мейерхольд кўлида ўқиган. Фаранг ва олмон мам-
лакатларида ўз санъатини намойиш этган. Париждаги
чиқишлари билан Европани лол қилган. У Ватанга қай-
тиб, миллий мусиқали-хореографик ансамбль тузади,
шу соҳани ривожлантиришга қаттиқ бел боғлайди. Бу
гуруҳ 1928 йилдан бошлаб ўзбек Давлат концерт ансам-
бли деб юритила бошлаган. Қори ака (Қориёқубовни
шундай аташарди) бу ансамблни янада кучайтираман
деб, мамлакат бўйлаб истеъдодли артистларни ахта-
ришга чиққан бўлиб, шу мақсадда Андижонга келган
экан. Ва у барчамизни ўз орзусига мафтун қилиб, Са-
марқандга олиб кетган. Ўзбек Давлат мусиқали драма
театри ана шу тарзда ташкил топган.

— *Опера санъати-чи, Ҳалима опа? Илк опералари-
миз қачон яратилган?*

— 1933 йилда С.Абдулланинг «Пўртана» номли мусиқали драмаси яратилди. Худди ўша йили К.Яшин ва М.Ашрафий ҳамкорлигида «Ичкарида» мусиқали драмаси саҳнага қўйилди. «Ичкарида» бу «Гулсара»нинг дастлабки варианты эди. Муаллиф ва композитор томонидан қайта ишланиб, юксак бадий савияга кўтарилган бу асар халқ ичида жуда катта обрў қозонди ва у ўзбек миллий операсига асос бўлди. Кейин «Лайли ва Мажнун» асари дунёга келди. Ана шу даврга келиб миллий ашулачи санъаткорларимизни профессионал жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маҳоратларини ошириш муаммоси юзага чиқди. Чунки мусиқали драма артистлари опера ижросини удалай олмасликлари, яъни махсус тайёргарликсиз бошқа халқларнинг, жумладан, жаҳон операси санъати намуналарини саҳнага олиб чиқолмасликлари аён бўлиб қолди. Ва шундоқ қилиб, 1934 йили мамлакатимиз санъаткорларининг катта бир гуруҳи орасида мен ҳам Москвага ўқишга юборилдим.

— *Гуруҳдагилар кимлар эди?*

— Карим Зокиров, Фулом Абдураҳмонов, Мухтор Ашрафий, Насим Ҳошимов, Мутал Бурҳонов, Бобораҳим Мирзаев, Сулаймон Юдаков ва бошқалар. Биз П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясининг янги ташкил топган опера студиясида таҳсил кўрдик.

— *Сиз ўша пайтда шакланган санъаткор эдингиз, бу даргоҳ сизни қайси жиҳатдан бойитди? Кимларнинг кўлида таълим олдингиз?*

— Аввало бу ҳашаматли бинонинг шинам аудиториялари, ўқитувчиларнинг мусиқа соҳасидаги қомусий билимлари, шунингдек, бу даргоҳдаги қатъий талабчанлик ва ижодга иштиёқ муҳити мени ўзига мафтун қилганди. Мен профессор С.И.Друзякина дарс берадиган синфга бириктирилдим. Ўша пайтда бу илмгоҳда машҳур санъаткор А.В.Нежданова ҳам дарс берарди. Мен ўз соҳамга доир билимни кўпроқ олиш

мақсадида унинг ҳузурига ҳам бориб турардим. Профессоримиз билиб қолса хафа бўлмасин деб, унинг уйига яширинча борардим. Мен ундан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Унинг эри ажойиб опера дирижёри эди. Улар мени тинглашар ва маслаҳатларини аяшмасди. Менинг катта опера артисти бўлишимни ҳам айтишган. Уларнинг маслаҳатларига кўра, нафас олиш усуллари ва овозни созлаш борасида ўз устимда қаттиқ ишладим. Бу сирларни қандай эгаллашни кўпинча Антонина Васильевнанинг ўзи менга кўрсатиб берарди. У кўшиқ айтганда худди гапираётгандай сира қийналмасдан, товушга заха етказмасдан айтарди. Менга, авжга чиққанингда ҳам ҳамма овозингни сарфламагин, «захира»да ҳам қолсин, бу «захира»даги овозни товлантириб, залнинг энг чекка бурчагидаги томошабинга қадар етказишинг мумкин, дер эди. Мен унинг маслаҳатларига амал қилиб, бир неча миллий кўшиқларимизни ижро этиб бердим. Ажойиб чиқди: овозим тиниқлашиб, ёрқинлик касб этди, айтишим осон ва енгил кўчди! Худди хазина топиб олган одамдек қувонгандим ўшанда!

Мен ўша пайтлар мусиқа ва сахна санъати сирларини билишга шунчалар чанқоқ эдимки, суткада 24 соат ишлашнинг, ўрганишнинг имкони бўлса, шунга тайёр ҳис этганман ўзимни!

— *1937 йил май ойида Москвада ўзбек санъати ва адабиёти декадаси ўтказилганлигини ва сиз унда оламшумул шухратга сазовор бўлганлигини тарихдан яхши биламиз. Сиз бу декадага таълим ола туриб қатнашганмидингиз?*

— Афсуски, Боку театр техникумини тугаллай олмаганлигим сингари бу даргоҳдаги ўқишимни ҳам охирига етказа олмаганман. Декадага тайёргарлик муносабати билан мени Ўзбекистонга чақириб олишган. Ва биз бу декадага жуда қизгин тайёргарлик кўрганмиз. Унда мен «Гулсара» ва «Лайли ва Мажнун»дан ариялар ҳамда миллий кўшиқларимизни ижро этганман. Шухрат ва олқошлар ўз йўлига, ўшанда мен аввало ўзбек қизи эканли-

гимдан, халқимизнинг бетакрор санъатини дунёга кўрсатётганлигимдан чин маънода ғурурланганман.

— *Ҳалима опа, ана шу 37-йил айни чоғда халқимиз бошига энг қора кунларни ҳам келтирди. Ўша пайтда миллатимизнинг ишонган одамлари, унинг сара гуллари қатағон қирғинига дучор бўлди. Ўшанда сизнинг юрагингизда нималар кечган эди: бир ёқда олқиш, шон-шуҳрат, бир ёқда қама-қама, қатл?..*

— Э, нимасини айтасиз, ука!.. Ўша пайтларни эсласам, юрагим қонга тўлади!.. Халқнинг етакчи раҳбарлари унинг «душмани» бўлиб чиқса-я... Миллатнинг гуллари бадном қилинса-я!.. Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар ҳибсга олинди!.. Уларнинг ҳаммаси кейин отиб ташланди! Ҳеч нарсага ақлим етмасди! Менинг ижодим танилиб, номим дунёга ёйилган бир пайтда нега улар қамалади? Мен шуҳрат чўққисига чиққан пайтимда нега улар бадном бўлишди, ер остига киришди, дея жуда қаттиқ изтиробларга тушганман. Ўзим чекка-чеккаларда ёлғиз қолиб, сочимни юлгудек йиғлардим! Агар ўша пайтлардаги суратимни кўрсангиз, озиб-тўзиб бир аҳволга тушганимни яққол сезасиз... Айниқса, Чўлпоннинг қисматига кўп куйганман...

— *Истиқлолни куйлаган улуғ шоирлардан бири Чўлпондир. Бетакрор шоир ва буюк шахс ҳақидаги хотиралар ҳамиша қизиқарли ва ноёб бўлади...*

— Чўлпон менинг устозим эди. 1928–29 йиллари мен Самарқанднинг Қўшқовуз маҳалласидаги Чўлпон домланинг уйларида деярли бир ярим йил яшадим. Аёллари Солиҳахон ая билан она-боладек эдик. Мен ҳовлидаги сўрида бошимни ювардим, ая сочларимни майда қилиб ўриб қўярдилар. Бунни кўп кузатган шоир менга бағишлаб, сочларини қўли билан тароқлайди, деган сатрлари бор шеърини ёзганлар. Эҳ-ҳе, у пайтлар сочларим қуюқ ва қалин эди... Кейинроқ мана бу шеърни ҳам ёзганлар:

*Ҳалима кўп кўнгилларнинг аламлар таржимонидир,
Ҳалима қанча жонларнинг қизарган лола қонидир...*

Бу менга бағишланган қўшиқнинг нақароти эди...

— *Қўшиқ эсингизда қолганми?*

— Афсуски, эсимда йўқ. Қўшиқ қилиб айтишимдан олдин у қамалиб кетди. Охириги шеърларидан эди бу. Тўхтанг, яна битта шеъри бор эди. Қўшиқ қилиб айтасан деб, менга ёзиб бергандилар. Айтишга улгурмаганман. Эшитинг:

*Кўзғал, офтоб, етар эй қайғули оҳлар чеккан,
Интил, олға босмадинг, кўзлари қон ёш тўккан!*

*Сени тутқунлик аро сақладилар йўл қўймай,
Сенинг эркингни олиб топтадилар, сўз бермай!*

*Сенинг вулқонли ёшингга сира бир боқмадилар,
Жонворлар каби тор-тор уйда қамаб сақладилар!*

*Сен-да жим турдинг уларнинг бу тегишсиз ишига,
Айтмадинг дардингни шу чоққача ҳеч бир кишига!..*

Мен Чўлпоннинг жуда кўп шеърларини ашула қилиб айтганман. Унга «миллатчи» деб айб қўйилган пайтларда одамлар унинг шеърларини ёстиқлар ичига беркитдилар. Эҳ-ҳе, унинг қанча шеърлари йўқолиб, ёниб кетмади ёстиқ-тўшаклар ичида!

Чўлпон менинг санъатдаги ҳар бир қадамимни, ҳар бир муваффақиятимни зимдан кузатганлар. Санъаткор бўлиб етишишимда оғаларча ёрдам берганлар...

— *Усмон Носирни ҳам билармидингиз?*

— Усмон Носирни яхши биламан. Унинг бир домласи бўларди. Исмлари, эҳ, эсимдан чиқибди-я... Доим менинг олдимга келиб уни мақтагани-мақтагани. Ҳали турмушга чиқмаган пайтим эди, бунинг тагида нима гап борлигини, албатта, сезганман...

— *Фитратни ҳам танирмидингиз?*

— Бўлмасам-чи! Фитрат домлани ҳеч ким менчалик билмайди десам, сира муболаға бўлмайди. Файзулла аканинг уйларида доим кўришиб турардик. Менга дутор совға қилганлар.

— *Қори акани, яъни Муҳиддин Қориёқубовни кўплаб санъаткорларимиз ўзларига устоз деб билишган. Сиз ҳам уни илк устоз дея меҳр билан тилга олдингиз. Унинг қисматига доир воқеалардан гапириб берсангиз...*

— Аввал айтганимдек, Қори ака мусиқали драматизминг яратувчиларидан бири, ўзбек операсининг асосчиси саналади. Қори аканинг қисмати жуда мураккаб қисмат. Боя айтганимдек, у киши дастлаб Тамарахоним билан бир ансамбль тузишган. Уй-жойини ҳам сотиб, пулини шу ансамбль ишини юртиш учун сарфлаганлар. Аввал бошқа оилалари бўлган, кейин Тамарахонимга уйланганлар. Унинг аввалги хотинидан ва Тамарахонимдан биттадан ўғли бўлган. Қори ака эса ўша пайтда қамалди. Ўша пайтларда менинг ҳам қамалиб кетишимга оз қолган. Терговга чақиришгани-чақиришган эди. Ўғлим Баҳодирни кўтариб олган кўйи кўп қатнаганман, кўп сўроқларда бўлганман. Анча вақтдан кейин Қори ака қамоқдан қайтдилар. Қори ака қамоқдан чиқиб келганларидан кейин Қори ака бўлмай қолдилар. Уни мен ўз қаватимга олиб, ҳам маъмур, ҳам ашулачи қилиб олиб юрдим. Қори ака қамалганларида мана шу сатрларни битган эдим:

*Одамизод хулқининг зўр моҳири,
Артист ғамгин, шод кўринур зоҳири.
Ҳар хунарманд ёш ўтиб бўлса азиз,
Нега артистнинг харобдир охири?!*

— *Дарвоқе, Ҳалима опа, сиз шеърлар ҳам ёзасиз, бу ҳақда эшитганмиз. Ижод билан қачондан бошлаб шуғуллангансиз?*

— Ёшлигимдан бошлаб ёзганман.

— *Нега уларни эълон қилмагансиз?*

— Эълон қилмаганимга сабаб, менга Яшин айтди-

ки, овозингиз Ўзбекистонда битта, шу овоз обрўсини тўкмай қўя қолинг, шеър ёзманг, деди. Мен яширинча ёздим. Яшин акадан бекитиб ёздим. Яширинча ёзгани билан ҳам шеър дафтарларим даста-даста бўлиб кетибди...

— *Ҳалима она, энди маъзур тутасиз, икки буюк шахснинг ҳаёти — улўғ санъаткор ва адибнинг биргаликдаги турмуши қандай кечганлиги ҳақида сўрашга ижозат берсангиз...*

— Мен Яшин акангиз билан 70 йил бирга яшадим. Ижодкор билан ҳаёт кечириш, биласиз, жуда мураккаб. Ижодкорнинг ижодкор билан ҳаёт кечириши эса икки баробар мураккабдир.

Яшин аканинг ижоди, айниқса, катта ижод. Унинг «Нурхон»и, «Бўрон»и ўлмас асарлар. «Гулсара»ни улар даражасига қўёлмайман. Кези келганда айтишим керакки, у бировлар учун ҳам ишлаб берди.

Турмушимиз ёмон кечмади. Яшин ака мулойим, бағрикенг одам эди. Эҳтиёткор одам эди. Орамизга неки гаплар оралаган бўлса, ҳаммаси ўзгаларнинг ғарази туфайли бўлган. Ҳаётдан кўз юмди. Эл-юрт ҳурмати билан кетди. Ҳозир ҳам эсимда, унинг тобутини олиб чиқишаётганда, мен унга: «Яшин, алвидо, мана, дарахтлар ҳам сиз билан видолашяпти», дедим. Кўзимга дарахтлар эгилаётганга ўхшаб кўринди.

Яшин акангиз кўп қийин вазиятларни ҳам бошидан кечирган, таниқли адиб билан ҳукумат раҳбарини яраштираман деб, кўп ҳалак бўлди, оқибатда иккаласига ҳам ёмон кўриниб қолди. Раҳбар, жиним суймаган одам билан нега мени яраштирамоқчисан, деб ранжиди. Адибнинг эса, мен партиянинг солдати эмасман, деган гапи эсингизда. Кейин у Яшинни, союзга фақат дўпписини қўйиб қўяди, ўзи эса ялло қилиб юради, деб танқид қилди. Лекин Яшин ялло қилиб юргани йўқ. У ишлади, хизмат қилди. У пайтлар Ёзувчилар уюшмаси раҳбари жуда катта амал эди. Мен ҳаминиша унинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Бирон марта идорасига бормадим. Нима қилиб юрибсиз деб тергамадим. Майда-

чуйда гапларга эловсиз бўлдим. Билсам-да, билмаганга олдим.

Эндиликда эса Яшин акангиз билан кечган ширин дамларимиз бот-бот кўз ўнгимдан ўтиб туради. Мен пастдаги хонамда ишлардим, машқ қилардим. Оралиқ-да эса бирор лаззатли таом тайёрлашга ҳам улгурардим. Кейин у кишини чақирардим. Уларнинг иккинчи қаватдаги ижодхонасидан тушишлари қийин бўларди. Ёзаётган асарларини маълум бир нуқтага етказиб, кейин ўриндиқни тарк этардилар. Кўз олдимда турибди, зинапоядан кулиб, менга гап отиб тушишлари. Дастурхон ёзилган хонтахта ёнига келганларида эса ликопчадаги узун, ингичка қалампирларни кўриб, «Сизга тўғри келмайди, ширин овқатингизни аччиқ қилиб нима қиласиз?» дердилар-да, хаёл суриб таомга қўл урардилар. Мен луқма ташлаб, қаёқларда юрибсиз, қайтинг, деб кўярдим. Ёки шўх ашулани бошлаб юборардим, хаёллари узоқларга олиб кетган у кишимни уйга, дастурхон атрофига қайтарардим. Бир-икки марта шундоқ қилганимдан кейин суҳбатимиз қизиб кетарди. Қизимиз Нодира, ёнимиздаги ўғлимиз Баҳодир, профессор жиянимиз Офелия, гўзал раққоса қизимиз Клара, ёқимли овоз соҳибаси Розия (иккаласи ҳам жиянимиз) ҳақида гаплашиб ўтирардик. Кейин гап мақомга, опера ёки балет либреттосига келиб тақаларди...

— *Ҳалима опа, сиз ижро этган кўшиқлар жаҳон кўшиқчилиги хазинасига ўзбек халқ кўшиқлари бўлиб кўшилди ва ундан мустаҳкам ўрин олди. Халқимиз кўшиқларининг ўзига хослиги ҳақида гапириб берсангиз...*

— Кўшиқларимиз ўзининг мусиқавийлиги, оҳангдорлиги, равонлиги ҳамда чуқур дардчиллиги, мунги ва қочиримларга бойлигию ички мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Қисқа қилиб айтганда, кўшиқларимиз оҳанги энг теран кечинмаларни ҳам тўкис ифода эта билади. Зеро, улар Шарқ кўшиқчилиги санъатининг бор имконларини ўзида мужассам этган.

— Сизга қўшиқларни танлашда, уларнинг сеҳру жозибасини очиб беришда ким устозлик қилган?

— Мен бу ўринда устоз санъаткор Тўхтасин Жалилов номини алоҳида эҳтиром билан тилга оламан. У киши ўзбек халқ муסיқасининг билимдони эди. Яхши биласизки, у пайтлар бизда нота ёзувлари бўлмаган ва мусиқа авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Тўхтасин ака беназир қувваи ҳофиза кучига эга бўлиб, минглаб халқ оҳангларини ёддан биларди. У киши нафақат ўзи туғилиб ўсган водий қўшиқ-лапарларини, балки бутун Ўзбекистон ҳудудига хос оҳанглари, шунингдек, уйғур қўшиқларини ҳам яхши биларди.

«Ҳалима» мусиқали драмасига мусиқани у киши ёзган эдилар. Мен бу спектаклни 500 марта ўйнаганман. Мен Ҳалима образининг илк яратилиши пайтларида буюк бастакор билан бирга ишлар эканман, ишимиз фақат ана шу образ доирасида чегараланмаганди. Айни чоғда у киши менга кўплаб халқ қўшиқларини ҳам ўргатганлар. «Самарқанд ушшоғи», «Чапандози наво», «Чоргоҳ»ларни қандоқ ўрганганларим ҳозир ҳам эсимда. Мен «Самарқанд ушшоғи»ни илк марта ундан эшитганимда лол бўлиб қолганман ва: «Мен сира бундоқ айтолмайман...» — деганман.

— Айтолмайсан?.. — ҳайрон бўлиб сўраган устозим, кейин қўшиқнинг мазмун-моҳияти ҳақида жўшиб гапира кетганлар. — Наҳотки, сен ундаги мусиқани ҳис этмаган бўлсанг? Наҳотки, тасаввурингда қуёшимиз остида ястаниб ётган поёнсиз кенгликлар жонланмаётган бўлса? Наҳотки, шууринг саҳро шафағидаги қум барханлари кўчкисини илғамаётган бўлса? Наҳотки, димофингга дуркун боғлардан эсаётган муаттар еллар урилмаётибди? Наҳотки, кўксинг Фарғонанинг зангор тоғларидан келаётган сарин эпкинларни сезмаётибди?..

Кейин ўзлари яна бир марта ижро этишга тушганлар. Мен эса эргашиб, жўр бўлганман.

Қўшиқ тугагач, устоз: «Сен мендан яхши айтдинг», — дегандилар.

Устоз яна менга артистлик маҳорати билан ижро-

чилик санъатини бир-бирига уйғунлаштириш сирларини ҳам ўргатганлар.

— Мана, сен ўзбек қизи қўшиғини айтяпсан. Уни шундоқ ижро қилки, ташқи ҳаракатларсиз унинг образини ярата бил, — дегандилар.

— *Ўзбек операси ҳақида фикрларингизни билдирсангиз. Унинг ривожини, истиқболи борасида ҳам.*

— Операмизнинг бугунги кундаги аҳволини яхши деб айтолмайман. Чунки санъатнинг бошқа турлари каби опера ҳам халқни ўзига торта билиши керак. Опера санъаткорини Худо яратади. Унинг овози илоҳийдир. Мана, ҳозир ҳар йили неча-неча ёшлар консерваторияларни тамомлаб чиқишади. Лекин ҳақиқий опера санъаткори борми? Бу аҳвол нафақат бизда, бошқа мамлакатларда ҳам шундоқ.

Операмиз истиқболи, ривожининг яна бир шарти — бу борада биз ўз миллий йўналишимизни англаб олишимиз ва шуни эҳтиётлашимиз керак.

30-йилларда менинг овозимни Немирович-Данченко, Станиславскийлар эшитиб кўриб, унинг овозини бузмаймиз, ўзи кучли экан, ўзига хос экан, деб айтишди. Агар мен ўшанда Европага тақлид қилганимда, бунақа айтолмаган бўлардим-да. Улар мени йўқотишмади. Аксинча, халқимга туҳфа қилишди.

Ҳозирги ёшларнинг мени таажжубга соладиган жиҳати шундаки, улар ижрога юракни қўшишмайди, матнни ёдлаб олишади, холос.

— *Ҳозирги қўшиқчиларимиз ҳақида нималар дея olasиз? Улардаги қайси жиҳатлар сизга маъқул эмас?*

— Улар ҳозир жуда кўпайиб кетган. Аввало, улар халқ олдида ўз қиёфаларини яратиб олишлари керак. Улардаги ёқмайдиган хислатни дағалроқ бўлса ҳам айтай: бу — айрим қиз хонандалардаги эркакшодалик, айрим йигит хонандалардаги аёлларга хос муқомлар... Баъзи шунақа қўшиқчи йигитларни кўриб, сирға ҳам тақиб олишмаганмикин, деб қўяман...

— *Сиз санъатдаги ҳаётингиз билан нафақат ўзбек санъати тарихи тимсолига, балки ҳаёт йўлингиз би-*

лан халқимиз тарихи тимсолига ҳам айланган шахсиз. Бошингиздан кўп машаққатларни ўтказгансиз, қатағон манзараларини ўз кўзингиз билан кўргансиз. Айтмоқчиманки, мамлакатимиз озодлик наишбасини, эрк сурурини туюётганига, мана, 10 йил бўлмоқда. Мана шу шуқуҳли йиллар сизга қандай туйғулар берди, ўзининг қандай уфқларини намоён қилди?

— Озми-кўпми меҳнатимни қадрлаган халқим олдида бошимни эгаман. Бу хизматларимни буюк деб баҳолаган Президентим олдида таъзим қиламан. Мени мана шундоқ эмин-эркин кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтаман. Мен, айниқса, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари борасидаги ҳайратимни айтмоқчиман. Мустақилликка эришмаганимизда қисқа муддат ичида шунча ишларни амалга ошириш мумкин бўлармиди? Бу ишлар нафақат Тошкентда ёки Самарқандда, балки мамлакатимизнинг барча шаҳарларидаю қишлоқларида ҳам кўзга ташланиб турибди! Ўрни келганда бир дил-изҳоримни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, бу ишларга ким бош-қош бўлаётибди ўзи? Президентимиз Ислом Каримов эмасми? Бундоқ улуғ шахсни бизга Худо етказди! Айтинг, қайси даврларда юрт раҳбари мамлакат равнақи учун шунчалар жон куйдирган?! Мен Президентимиз сиёсатини чин дилдан қўллаб-қувватлайман, унинг душманларини ўзининг душманим деб биламан!

Худо хоҳласа, юртимиз бундан ҳам чирой очиб кетади. Фарзандларимиз, набираларимиз ҳамма соҳада ҳам оламшумул зафарларни кучишади. Буларнинг бари Истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан рўёбга чиқажак, илойим!

Мени яна бир нарса қувонтирадики, мана шу улуғ айём кунларига етмаганлар ёди, шаҳид кетганлар хотираси эъзозланмоқда, абадийлаштирилмоқда. Ҳаётимиздаги буюк ўзгаришларнинг боиси улуғларнинг руҳи шод бўлаётганида ҳам эмасмикан?..

— *Ҳалима опа, сизнинг ҳаётда ушалмаган армонингиз борми?*

— Ҳаёт қизиқ... Дунёдан фақат армон билан ўтиб кетиш мумкин. Лекин бу нарса менинг феълimgа ёт. Чунки мен ҳаётдан аввало эзгулик ахтараман. Унинг яхши томонларини, нурли қирраларини кўришга интиламан. Мен дунёни юрагимга мамнунлик билан қабул қиламан. Ҳаётнинг энг қийин, энг нурсиз лаҳзаларига дуч келганимда ҳам, мен яшайман, мен кучлиман, мен ўлмайман, деганман...

Ҳалима опа хузуридан чиқар эканман, хаёлимга дафъатан истеъдодли ёзувчи Қамчибек Кенжанинг 80-йилларда ёзилган «Ҳаворанг кўйлак» номли ҳикояси тушди. Унда 20-йиллар алғов-далғовлари туфайли хорижга бош олиб кетишга мажбур бўлган бир оила қисмати қаламга олинади...

Ҳикоя икки касбдош дўстнинг ишдан кейин шаҳар қаҳвахонасига бироз чақчақлашиш ниятида кириши билан бошланади. Улардан бирининг эътиборини нарироқда ўтирганлар тортади. *«Мен ҳам ўша томонга қарадим, лекин ҳеч қанақа ғайритабиий ҳолни пайқамадим. Фақат стуллардан бирига ётқизиб қўйилган «Океан» транзисторидан қулоғимга элас-элас таралаётган кўшиқ оҳанги чалинди:*

*... Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор, хуш келибсиз,
Ноумид айламасдан мунглиғ фақирингизни,
Кўнглини бир олай деб бисёр хуш келибсиз...*

— *Ҳалима опа айтяпти!*— деди Даврон ака ҳаяжон билан. *Ҳайронман, Даврон ака табиатан оғир, бўлар-бўлмасга ҳаяжонланавермасди. Ҳозир эса, ашула овози келаётган томонга тикилганча бир хил бўлиб мунғайиб қолди. Бир муддат ҳайрон бўлиб турдим-да, сўрадим:*

— *Нима гап? Нега бундай мунғайиб қолдингиз?*

Даврон ака чуқур хўрсинди. Кейин сигаретни устма-уст тортди-да:— Бир воқеа эсимга тушиб кетди,— деди ашулага қулоқ бериб, ўйчан ўтираркан.— У пайтлар биз ҳали Ғулжада эдик. Аниқ эсимда йўқ, ё тўртинчида, ё бешинчида ўқирдим...»

Ҳикоядаги Даврон ака умри давомида ҳеч бир доктор ёки табибга муҳтож бўлмаган онасининг кун сайин қовжираб бораётганлиги ҳақида, кейин билишса, унинг кўнглини туғилган юрт соғинчи ўртаб, ҳолдан тойдирганлиги борасида гапириб беради. Она Ўзбекистондан бир гуруҳ артистлар келганлигини, улар орасида Ҳалима Носирова ҳам борлигини эшитиб қолади. Умри ғурбатда ўтаётган она учун Ҳалима Носирова аллақачон Ватан, яъни Анжан (Андижон) тимсолига айланган, зеро, унинг мунглиғ кўнглига ёлғиз унинг қўшиқларигина малҳам бўларди. Она ҳатто Ҳалима Носирова ҳақида ўзича тўртлик ҳам тўқиган:

*Ҳалимажон, Ҳалима,
Ким йиғлайди ҳолима?
Юзингга юз қўймадим,
Дийдорингга тўймадим.*

Она катта ўғлини Ҳалима Носирова қайси ҳовлига тушганлигини билиб келиш учун қисталанг жўнатади. Ўғли билиб келгач, она бирдан соғайиб қолгандек тетиклашади ва Ҳалима Носировани бир кўрмоқ орзусида кенжаси — ёш Даврон билан йўлга тушади.

Бир неча чақирим йўл босишиб, улар ниҳоят Ҳалима Носирова тушган ҳовли дарвозаси рўпарасига келишади. Она Ҳалима Носировани танигани билан, лекин у онани танимайди-ку... Шундан хижолат чеккан она дарвоза рўпарасидаги тераклар остига чўкиб, Ҳалима Носированинг бир бор кўринишини кутади. Уни бир бор кўрса бўлди. Умри муҳожиротда кечган она учун шу дийдорнинг ўзи бас! «... *Шу пайт қўш табақали нақшинкор дарвозанинг дарча эшиги ғийт этиб очилди, ва... енглари кенг, этаги тўпиғигача тушган ҳаворанг йилтироқ кўйлакли, ўрта бўй, думалоқ юзлари ширмондай қип-қизил, чиройли аёл остона ҳатлаб ўта бошлади.*

Мен ялт этиб ойимга қарадим ва у кишининг соп-

па-соғдай ўринларидан сапчиб туриб кетганларини кўрдим.

Ўша дақиқа мениям бутун вужудим кўзга, қулоққа айланган эди. Хаёлимда шундай бир манзара кўз олдимга келди: мана, ҳозир ойим «Ҳалимахон!» деб чақирадилар, Ҳалима Носирова бегона юртда, бегона овозда ўз исмини эшитиб, қошларини чимиради, эслай олмай ойимларга тикилиб қолади, кейин «вой ўлмасам, тушимми ё ўнгимми», дейди-ю, кулимсираганча кучоқ очиб кела бошлайди, ойим ҳам пешвоз чиқиб борадилар ва... улар узоқ айрилиқдан сўнг дийдор кўришган опа-сингиллардай бир-бирларининг бағирларига сингиб кетадилар...

Бироқ аслида бундоқ бўлмади.

Ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

«Ана Ҳалима!» дедилар ойим ҳовлиқиб, учириб юборган қушлари ортидан талпинаётгандек икки қўлларини олдинга чўзиб. Лекин овозлари титраб, синиқ чиққани учунми, Ҳалима Носирова эшитмади, азондан бери эшикнинг «тиқ» этишига интиқ бўлиб ўтирган аёлни пайқамади ҳам: у йўл четидан биз турган қарама-қарши томонга илдам юриб кетди.

Ойим бошларидан чимматларини юлқиб олдиларда, Ҳалима Носирова орқасидан бир неча қадам ташладилар. Оқ рўмоллари қийшайиб кетган, фикимлаб ушлаган чимматнинг учлари ерда судралиб борарди.

Ҳаворанг кўйлагининг узун этаклари тўпикларига урилиб, билинар-билинемас ҳилпираб бораётган Ҳалима Носирова бу ҳодисани кўрмади, озгина юргач, кўчанинг нариги юзидаги бир ҳовлига кириб кетди...»

«Уйга етиб келдиг-у... ойим... узилдилар....», дея ҳикоясини якунлайди Даврон ака.

Мазкур ҳикоянинг ёдимга тушгани боиси Ҳалима Носирова овози шуҳратини таъкидламоқлик эҳтиёжидан эмас (ҳақиқатан ҳам бемисл доврўф қозонган эди бу ном, бу овоз!), балки мозий гирдобларидан матонат билан ўтган санъаткор суҳбатидан мутаассир бўлиб чиққанимдан эди. Ўзимни айни дамда қоронғи узлат-

ларда бўлиб, бирдан очиқ кенгликларга чиқиб қолган одамдек ҳис этдим. Бу мусаффо ҳаволи очиқ кенгликлар кундан-кунга яшнаб, юксалиб бораётган юрт пойтахтининг манзаралари эди.

Ўпкамни тўлдириб нафас оларканман, кўнглимдан шу фикрлар кечди: мустабидлик қиличи бизни не кўйларга солмади! Тиз чўктирди, қирди, миллатимизни бўлаклади!..

Беихтиёр, бор бўлсин озод Ватан, бор бўлсин мустақил юрт, де ҳайқиргим келди!..

Мазкур ҳикоя Истибдод ва Истиқлол қиёси зарурати туфайли ҳам ёдимга тушган бўлса, ажаб эмас.

Кўнглим юксакликларни, тиниқ уфқларни кўмсаб қолганида мен яна буюк санъаткоримиз кўшиқларини тинглайман. Ва шу дамлар ўзим учун муқаддас бўлган туйғуларни қайтадан англай бошлайман... Онам меҳри димоғимга гупуриб киради, болалигим софлиги кўнглимга қайтади. Айни чоғда дунёни файласуфга ўхшаб тушуна бошлайман... Кўшиқ юрагимнинг маҳзун кенгликларига дилбар фиғон бўлиб ёйилади...

Ана шу дамларда турфа ўткинчи оҳанглар, саёз туйғулар, майда мазмунларга кўмилиб қолаётган юракларга мангулик уфқларидан таралаётган ўтли сурурдан сиз ҳам бебаҳра қолманг, дегим келади...

2001

ТАСЛИМ БЎЛМАС ЁҒДУЛАР

Эс-эс биламан, болалигимда ҳовлимизнинг кунгай томонида айвон бўларди. Баҳор яримлаб, изғиринлар тамомила чекинганида биз ана шу айвонга кўчиб чиқардик. Очиқ ҳавода ушлаш маза эди. Қиш бўйи уйда димиққан радио карнайи ҳам айвон устунига илинарди. У эрталабдан кечгача ўчирилмасди. Мен саҳар уйғонганимда ундан ажойиб тантанавор мусиқа таралаётган бўлар, бошимни ёстиқдан кўтарарканман, кўзим

ҳовли бўйидаги гулу райҳонларга тушар, онамнинг гоҳ сиир соғаётганини, гоҳ ҳовлида бирор юмуш қилиб юрганини кўрардим. Буларнинг бари покиза руҳимга ғалати фароғат бағишларди.

Бора-бора мен илк тонг таралувчи бу мусиқани эътибор билан тинглашга одатландим. Мавжланиб, тошиб бошланувчи оҳанг, томирда масрур ҳаяжон уйғотувчи хор садолари мусиқа сеҳри ва унинг устуворлигидан хор матни мутлақо эътиборни тортмасди, борлиққа тантанавор нигоҳ солаётган қуёш жарангосига уйғунлашиб кетар ва гўё нурларга йўғрилиб, майсалар, қуюқ боғ қўйнига инарди.

Мен бу маҳобатли мусиқа Давлат мадҳияси эканлигини кейин, унинг муаллифи Мутал Бурҳонов эканлигини ундан ҳам кейинроқ англаганман. Яна шуниси ҳақиқатки, ўша пайтларда бу мусиқа муаллифи билан бир куни танишаман, узоқ-узоқ суҳбатлашаман деб сира ўйламаганман.

Лекин тақдир қизиқ. Йиллар ўтди. Қўлимга қалам тутиб, улғайдим. Айни кунда бастакорлар дунёсидан бирмунча хабардорман ҳам. Шу жараёнда Мутал (Мутаваккил) Бурҳоновга ҳам катта-кичик даврларда бир неча бор рўпара келдим.

Ана шундай рўпара келишлардан бири Олий Мажлис анжуманида бўлган. Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин Давлат Мадҳияси яратиш борасида танлов эълон қилиниб, Олий Мажлиснинг ана шу анжуманида бу танлов якунланаётганди. Мен унда композитор Рустам Абдуллаев куй басталаган асарим билан қатнашганман ва биз иккинчи ўринга сазовор бўлган эдик. Анжумандан сўнг Рустам иккаламиз биринчи ўрин соҳиблари — аввал Мутал акани, кейин устозим Абдулла акани алоҳида ҳурмат билан қутлагани уйларига борганмиз. Ўшанда Мутал аканинг хонадонда ёлғиз ўзи рояль ёнида бир чойнак чой билан хаёл суриб ўтиргани устидан чиққанамиз ҳамон эсимда.

Менимча, чинакам ижодкор юрагида бир нур билан яшайди. Заҳматли умри давомида санъаткор уни

қанчалар авайлай билса, у нур шунчалар ортиб-кучайиб боради. У теваракни ёритади, жамият қалбига умид олиб киради, дунёни поклашга хизмат қилади.

Мен дастлабки мулоқотлардаёқ мумтоз санъаткор юрагида ана шундай нур борлигини ҳис этганман.

Баъзан Мутал акани бир йўқлаб қўйиш учун уйларига йўлимни бураман. Таниш йўлакдан учинчи қаватга кўтариламан. Қўнғироқни босаман. Тараддудланиб эшикни очган камтарин хонадон соҳиби мени дарҳол ичкарига таклиф қиладилар. Рояль ёнидаги диванга чўкиб, ҳол-аҳвол сўрашамиз.

Ўшанда куз пайтлари эди. Изғиринлар арафасида ғанимат бўлиб қолган шуълалар деразадан қийғос ёғилиб турарди. Суҳбат асносида у киши ҳаяжонланиб сигарета тутатдилар ва дераза ёнига бордилар. Унинг куз шуълаларига бақамти келган чехрасига бир сония тикилиб қолдим. Энди у саксондан ошиб қолган мўйсафидга сира ўхшамасди. Зеро, айти чоғда унинг ичидан бир мўъжизавий нур сочилар ва бу нур ташқаридан ёғилиб турган куз офтоби шуълалари каби жўн ва фаромуш эмас, балки баҳор ёғдулари сингари таслим бўлмайдиган, жозибатор эди. Бу нурда ҳар қандай эгик жуссани ҳам кўтариб учмоққа қодир қудрат бордай эди. Бундай ички нурни шоир Андрей Вознесенский Пикассода кўрганлигини қачонлардир ёзган. Бундай ҳолат айниқса Ғафур Ғуломга хос эди, дейишади устозлар.

— Мен, мана, худо насиб этган умримни яшаяпман. Лекин бўйнимдаги битта қарзни узмасам бўлмайди, — дегандилар ўшанда Мутал ака тўлқинланиб. — Юртимиз истиқлолга эришди. Лекин шу кунларга етолмасдан, шу кунлар ишқида ёниб не-не истеъдодли инсонлар, ажойиб кишиларимиз қурбон бўлиб кетишмади! Уларнинг руҳини хотирламоқ керак-ку, ахир. Шу ниятда «Абадий хотира» номли асарим устида ишламоқдаман. Бу асар реквием-марсия бўлиб, қатағон йиллари қурбонлари Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ва акам Мисбоҳ, амакила-

рим Масҳариддин, Мукаммил ҳамда Муаммир Бурҳоновларнинг порлоқ хотирасига бағишланади.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан мозийга тақалади.

Мутаваккил аканинг боболари Бурҳониддин асли самарқандлик бўлган эканлар. Мадрасада мударрислик қилиб, фалсафа, риёзиёт фанларидан дарс берган экан. Самарқандда бошланган алғов-далғов пайтда Бурҳониддинлар оиласи ҳам қаттиқ саросимага тушибди. Иниси Нуриддин, энди нима қиламиз, ака, қўлимиз ожизлик қилади, шекилли. Халқимиз қирилмоқда, дебди. Шунда Бурҳониддин ёвларнинг башарасини кўришга тоқатим йўқ. Бу ердан бош олиб кетмасам бўлмайди, деб Бухорога йўл олибдилар. Бухорода мударрислигини давом эттирибди. Шу ердан уйланибди. Тўққиз ўғил, бир қиз кўрибди. Фарзандларидан тўрт ўғил ҳаёт қолибди, холос. Мутаваккил аканинг оталари Музайиниддин уларнинг тўнғичи бўлган. У ҳам мударрислик қилган. Амакилари Масҳариддин, Мукаммил ва Мукаммирлар ўз даврининг фозил кишилари саналиб, айниқса, ўртанча амакиси Мукаммил санъатга жуда катта эътиқод билан қараган. Ўша даврда у кишининг уйларига машҳур ҳофизу машшоқлар тўпланиб турган. Ёш Мутаваккил ҳамиша бу давраларнинг бир чеккасида ўтириб, уларнинг санъату суҳбатларидан баҳраманд бўлар экан. Танбур чертишни гўдаклигидан ўрганибди. Унга саккиз ёшлигида Мукаммил амакиси, сен танбур чертишни яхши кўрасан деб, атайлаб усталарга танбур ясатириб, унга совға қилган экан.

Чапани феъл Масҳариддин таъқибга учраган кичик укаси Муаммирни ҳимоя қиламан деб, амирнинг қаттиқ зуғумига учрабди ва укаси билан Туркияга қочиб кетибди. Ака-ука дорилфунунда таҳсил кўришиб, турк қизларига уйланишибди ва улар турк хотинлари билан Бухорога инқилобдан кейин қайтиб келишган экан.

— Менда мусиқага ҳавас уйғотган иккинчи одам

Муаммир амакимнинг хотинлари — турк янгам бўлган. У киши уд чалиб ашула айтардилар. Мен шу янгамизнинг санъатларига қойил қолиб, кўпинча узоқ вақт тинглаб ўтирардим, — деб эслайди Мутаваккил ака.

Ўртанча амаким Мукамил Файзулла Хўжаевга сафдош, яқин дўст бўлган экан. Инқилобдан кейин у Адлия вазири бўлиб ишлаган. Сўнграқ Бухоро ҳокимиятининг биринчи мухтор вакили бўлиб, Москвада фаолият кўрсатган.

— Афсус, афсус! Сталин яратган қабоҳат тегирмонининг қўли қон дастёрлари — НКВДчилар шундай ажойиб инсонларни, миллатимизнинг гулларини жувонмарг қилдилар... — Мутал аканинг кўзларида бир зум ғам шарпаси акс этади, миждаларида қиёматгача унутилмас мусибатнинг ғуссаси йилтиллайди. Эҳтимол, ушбу дақиқаларда севимли амакиларини хаёл қатларида яна бир карра жонлантираётгандирлар. Балки ёзилажак марсиянинг қайғули нолалари кўнгли тубларида яна бир карра унсиз тўлгангандир. — Мукамил амакимни қамоққа олгани келишганида жаллодлар уйда тинтув ўтказишиб, унинг икки яшар қизчаси Раънонинг қўғирчоғи қорнини ҳам ёриб кўришган-а! Бу қандай разолат!..

«Тожикистони сурх» газетасида ишлаётган таниқли қаламкаш Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Мисбоҳ Бурҳонов ҳибсга олинганида унинг синглиси ва укаси Мутаваккиллар қаттиқ маънавий таҳқирга учрайдилар. Айниқса, Фотима акасига ёпиштирилган «ватан хоини» деган ноҳақ маломатга чидолмайди. Руҳан эзилиб кетади. Уни кўнгли ёзилсин, мусибатни унутсин деб, Самарқандга — қариндошлариникига жўнатишади. Орқадан Мутаваккил «Ховлидаги қудуққа эҳтиёт бўлинглар, оғзини ёпиб қўйинглар», деб хат жўнатади. Надоматлар бўлсинким, бир ой ўтмай Фотимани ўша қудуқдан топишади.

Даҳшатлар гирдобидаги фақат Шекспир қалами яра-

та олиши мумкин бўлган ҳаётий қисматлар!.. Қайғулар қуюни!.. Марсиянинг авж пардалари!..

Санъаткор ногаҳон тинган бўрондек ўйга фарқ бўлади. Сўнг ўзига ошно шеърларни ёддан ўқий бошлайди:

Дар шаби ғамам моҳтоб нест...

(Фитрат)

*Белгисиз қабрингни қора тунларда
Аламимнинг шамъин ёқиб изладим...*

(Чўлпон)

*Кўнглимда яшнар баҳор,
Нур билан тўлган бутун.
Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас менинг боғим...*

(Усмон Носир)

Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар руҳига тоабад муסיкий гулчамбар бўлиб қолажак «Абадий хотирот» асари поёнига етганида у билан бир сидра танишарканман, юқоридаги сатрлар билан бошланувчи шеърлар унинг асосини ташкил қилганлигини пайқаган эдим.

Катта санъаткор ижодий изланишлари билан халқ қалбига кириб бораркан, ҳеч қачон унинг тақдиридаги кечинмаларини бир ёқлама талқин этиш билан ўзини чекламайди. Агар у энг фожиали нуқталарни кўрсатган бўлса, миллат юрагидаги энг ифтихорли, мумтоз туйғуларни ҳам куйлашга ўзини бурчли деб билади. Чунки у аҳли башарга халқи, диёри сиймосини тўлақонли қилиб кўрсатишга интилади.

Мен устоз санъаткордан бир суҳбатда дабдурустан, ёш бастакорларда қандай сифатларни кўришни истардингиз?.. — деб сўраб қоламан.

— Мусиқа илоҳий нарса... — дейдилар у киши дастлаб фикрларини жамлаб. — Демишларки, худо одамни лойдан яратиб бўлгач, унга жон киритишга уринибди. «Мен самовий бўлсам, тубан нарсага нечук кирайин», деб жон

кўп тихирлик қилибди. Шунда худо вужудга аввал му-
сиқа жойлабди. Сўнг жон рози бўлиб кирган экан.

Айтмоқчиманки, мусиқа санъатига қўл ураётганлар-
нинг кўнгли пок бўлиши керак. Кўролмаслик касали-
дан йироқ бўлишлари зарур.

Шостаковични биласиз-а — улуғ композитор. Мени
қама-қамалардан бир марта асраб қолган инсон. Бир
куни уникида меҳмонда бўлиб хўшлашаётганимда туф-
лимни киймоқчи бўлиб, туйқусдан удалай олмадим,
ипи чигаллашиб қолган экан. Шундай улуғ зот туф-
лимни ипини ечиш учун эгилса бўладими! Аслида ким
эдим мен унинг олдида!..

Бетховен мусиқа юракдан ўт чиқарарли даражада
бўлиши керак деган. Бунинг учун бастакор ўзи ёзаёт-
ган асарини яхши билиши, бирор созда мукамал чала
билиши ҳам шарт.

Кечирасиз, узр сўрайман, бировга менинг ақл ўрга-
тишга ҳеч қандай ҳаққим йўқ...

Мутал аканинг бу одатига кўникиб қолганман. Шод-
лансалар ёш болалардай қувониб, кўклам офтобидай
яшнаб кетадилар. Лекин нимадандир таъсирланиб туй-
ғулари жунбушга келса, монолог ўқиётган актёр қиёфа-
сига кирадилар. Лекин зум ўтмай ҳиссиётини жилов-
лашга тушадилар, узр айтиб, кечирим сўраб, тезда муд-
даосини яқунлашга ўтадилар. Мен унинг камсуқумли-
ги, ҳамишалик истиқоласини табиатидаги камтарин-
ликка, қолаверса, йиллар заҳри туфайли қонига синг-
ган хоксорликка, эҳтиёткорликка йўяман.

Ҳар бир ижодкорнинг умри давомида яратган гул-
тож асари бўлади. У худди тоғлар силсиласидаги энг
юксак чўққига ўхшаб абадият кенгликлари сари боқиб
туради. Мен нуроний санъаткор ижодида яратилган ана
шундай асар у яратган Давлат Мадҳияси деб биламан.

— Дастлаб Усмон Юсупов ташаббуси билан ташкил
қилинган ёпиқ танловда ҳайъат аъзоси бўлганим учун
унда мен қатнашмаганман. Бундан хабар топган Усмон
ота масъул одамига, Бурҳоновни ҳам қатнаштиринг-
лар, атрофида ҳар хил гаплар юрибди. Жуда бўлмаса,

НКВД ходимларига у гимн ёзишда иштирок этган дейишимга дастак бўлади-ку, дебдилар.

Ниҳоят, мен асаримни ҳайъатга тавсия этдим. Те-мур Фаттоҳ шеърига ёзилган мусиқалар орасида уч асар голиб деб топилди: Содиқовники, Левиевники, меники. Сўнг Усмон Юсупов бу уч асар учун яна алоҳида танлов ташкил қилдилар. Собиқ Свердлов концерт залида зиёлилар ҳузурида ўтказилган бу кўрикда кўпчилик овоз билан менинг Мадҳиям инobatга олинди...

Олис болалигимнинг ёрқин тонгларига ажиб шукуҳ берган, руҳимни ҳаяжонларга чулғаган маҳобатли оҳанглар — Давлат мадҳияси мусиқаси шундоқ тарих билан яратилган экан.

Мен санъаткор ёки мусиқа билимдони эмасман. Лекин ҳар сафар бу мусиқани тинглаганимда кўз ўнгимда фаройиб тимсоллар намоён бўлади. У бамисоли дилбар бир гунчаки, қават-қават гулбарглари теваракка хуррам ёйгани сайин жозиба қасб этиб боради. Ёки у бамисоли бир фаввораки, кўкка кумуш мавжларини сочароқ ичидан янги мавжлар чиқариб ўсиб боради. Йўқ, у байрам оқшомларида отилгувчи мушаклар янглиғдир — ранго-ранг порлаган зиёлар қўйнида янги, янада ёрқинроқ ёлқинлар дастаси туғилаверади...

Мусиқага уйғун ўлароқ мен ҳис этган бу тимсоллар гоҳ юртдаги тантаналар муқаддимасида, гоҳ мамлакатлар аро дийдорлашувларда, гоҳ юртимиз фарзандлари жаҳон мусобақаларида шон қучиб, мўътабар шоҳсупаларга кўтарилган музайян лаҳзаларда фуқароларимиз дилида ҳам жилоланса, не ажаб.

— Мен санъатда ҳаётсеварликни яхши кўраман. Шунинг учун ҳам Мадҳия мусиқасини яратишда «Шашмақом»нинг Гардун мақомидан илҳомланганман. Зеро, мен дунёни севаман, ҳаётни севаман...

Шу сонияларда мен яна санъаткорнинг чехрасида ботиний нур шуъласини илғайман ва уни ўзимча баҳор қуёшининг таслим бўлмас ёғдуларига қиёс қиламан.

2001

БЕНАЗИР УСТОЗ, БЕТАКРОР СИЙМО

I

Баъзан одам умр йўлига назар ташлаганда унда турли даврларни кўради. Уларни маълум маънода тушкун, жўшқин, некбин даврлар деб номлаш ҳам мумкин. Нима учун битта умр йўли турли даврлар, паллалардан иборат? Замоннинг таъсириданми бу? Ёки одамнинг ўзи шунақа руҳан ўзгарувчанми? Инсон ҳаёти маромига бу омиллар ҳам таъсирини ўтказиши табиий, албатта.

Лекин бу сир замирига теранроқ назар солсангиз, бошқа бир қонуниятни ҳам пайқашингиз мумкин. Яъни, қайси даврларда яхши одамлар, яхши жамоа билан ишлаган бўлсангиз, улар жўшқин, некбин бўлиб туюлади. Тарқоқ, катта мақсадларни олдига қўймаган жамоада ўтган умрингиз эса бемақсад даврларга ўхшаб кўринади. Демак, инсоннинг умр мазмуни унинг қандай одамлар билан ишлашига, фаолият кўрсатишига боғлиқ экан. Шу ўринда тагин бир савол туғилади: ундай бўлса, нега жамоалар турлича? Уларнинг турли кайфиятда бўлишига сабаб нима? Мен бу ҳақиқатни кейинчалик англаб етдим, яъни ҳар бир идора ёки муассасанинг савияси, кайфияти ва руҳияти, қолаверса, тақдири ҳам уни бошқараётган раҳбар шахси ва фазилатлари билан, у яратган маънавий муҳит билан чамбарчас боғлиқ экан.

Мен турли жамоаларда турли раҳбарлар билан ишладим. Кўпларидан ҳаётга, ишга муносабатни ўргандим. Ҳозир эса «Жаҳон адабиёти» журналидаман. Жамоамиз кўнглимга ёқади: ҳалол, ғайратли... Чунки раҳбаримиз — Бош муҳарриримиз шундай хислатларга эга.

Мен, аввало, Озод Шарафиддиновни — муҳтарам домламинизни ҳалол одам деб атагим келади.

Домламизнинг мунаққид сифатидаги қиёфаси «Замон, Қалб, Поэзия» номли китобида илк бор баркамол намоён бўлганди. Шу асари билан ёрқин ном қозонган мунаққид адабий жараёнга қўйган мезонларини кейинги тинимсиз фаолияти давомида ҳалоллик билан ёқлаб яшади. Ана шу фаолият замирига синчиклаб назар солсак, забардаст мунаққиднинг диққат-эътиборида, онги ва шуурида ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти, жаҳон адабиёти ва ўзбек адабиёти тушунчалари ҳаммиша ёнма-ён турганлигини, бири-бирига тутшиб, боғланиб кетганлигини яққол кўришимиз мумкин. Қалб ва тафаккурдаги мана шу жўшқин жараён, мана шу уйғунлик ҳосиласи ўлароқ, ҳозирги кундаги «Жаҳон адабиёти» журнали дунёга келди десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, журналнинг илк туғилиш жараёнини Озод аканинг ўзлари ҳар бир учрашувда ифтихор билан гапириб берадилар: «Бир гуруҳ маънавият соҳаси одамларини муҳтарам президентимиз Ислон Каримов қабул қиларкан, учрашув якунида, энди қандай истакларингиз бор, деб сўрадилар. Мен, адабиётимизни, маънавиятимизни янада юксалтириш учун бир журнал ташкил қилинса, яхши бўларди, дея сўз очишим билан, Ислон ака гапимни бўлиб, Сиз «Жаҳон адабиёти» ҳақида гапиряпсиз, тўғрими? — дея таъкидладилар. Ва бу журнал, албатта, ташкил бўлади, дедилар. Мана шунда Президентимизнинг адабиётни синчиклаб кузатиб боришини, қачонлардир қайси бир журналга мен ушбу истакни билдириб, икки оғиз интервью берганлигимни ҳам ўқиганларидан ҳайратландим...»

Бу учрашувдан кўп вақт ўтмай, матбуотда Президентимизнинг «Жаҳон адабиёти»ни ташкил этиш ҳақида махсус фармонлари эълон қилинди. Унга Бош муҳаррир этиб Озод Шарафиддинов тайинланди.

Менинг Ёзувчилар уюшмасидан ижодий таътил олиб, турли режалар ва ташвишлар билан юрган кезларим эди. Ўшанда мазкур қарорни дўстларимиз билан ўқиб, бир-

биримиздан суюнчи олганимиз эсимда. Ахир, илгари «Иностранная литература»га обуна бўлиш қанчалар машаққат эди — мана, ўзимизда ҳам дунё адабиётини мунтазам кузатиб бориш имкони туғилди!

Домлани янги журнал ва лавозим билан табрикладим. Кабинетда кўпчилик бор эди. Домла менга, қолинг, сизга гап бор, дедилар. Ҳамма чиқиб кетгач, тўғридан-тўғри муддаога кўчиб, ишга таклиф қилдилар. Бу ҳақда асло ўйлаб кўрмаганлигим учун кўнмадим, ижодий режаларимни рўкач қилдим. «Тўхтаган, сизни менга тавсия қилган одамнинг олдига олиб борай», деб домла мени Ф.Фулом номидаги нашриёт директори Шоир Усмонхўжаев ҳузурига етакладилар. Ўйлаб олиш учун домла ва Шоир акадан икки кун ижозат сўрадим.

Бу гапларни айтаётганлигимга сабаб, журналнинг ниҳоятда қийин иқтисодий шароитда ташкил бўлганлигини таъкидлашдир. Чунки таҳририятга менга қадар ҳам кўплар таклиф қилинган, ташкилий жараёндаги тинимсиз елиб-югуришларни олдиндан тасаввур қилишиб, кўпларнинг кўнгли чопмаганди. Мен икки кун давомида ўйладим. Ҳамма жиҳатни, яъни қаламимга боғлиқ келажагимни таҳлил қилдим. Сўнг Озод ака ҳузурига келиб, журналнинг ҳар қанақа ишига тайёрман, энди журнал иши мен учун — иш эмас, дорилфунун бўлади! — дедим. Домланинг чеҳраси ёришиб кетди. Шундан кейин енг шимариб ишга киришдим.

Домлани — ҳалол одам дедим, ҳалоллик нима ўзи? Юксак ғояларга содиқликдами у? Ёки бировнинг ҳақиқа хийнат қилмасликда, тўғри ишлаб, тўғри юришдами? Менимча, ҳалоллик тушунчасида буларнинг барчаси мужассам. Зеро, бу хислат инсоннинг ички оламида ҳам, ташқи оламида ҳам бир хилда устувор бўлгандагина ўзини том маънода намоён қилади. Ҳалолликда, бу сўз замирида ҳақгўйлик, қатъиятлилиқ, виждонан софлик, имон ва диёнат туйғулари ётганлигини назарда тутмоқ керак. Лекин турмуш икир-чикирларида-

чи? Атрофингдагиларга, дўстларингга, оилангга, фарзандларингга бўлган муносабатда-чи?

Бу ҳолатларда комилликка эришиш, қатъиятли бўла билиш, ўз тамойилларингдан чекинмаслик ниҳоятда қийин ва бу инсондан катта матонат талаб қиладиган ишдир.

Бир-икки мисоллар келтирай: домла қачон таҳририят машинаси ҳайдовчисини газета олишга жўнатса, аввал пулини берадилар; матн кўчирувчи қизларга қўлёмасини (ҳатто журнал сонига тушса ҳам!) топширсалар, албатта, эл қатори рози қиладилар. Ёки энг яқин дўстларию шогирдлари таҳририят учун бирор асар топширишса ва улар савия жиҳатидан бўшроқ бўлса, уларни, албатта ким бўлишларидан қатъи назар, қўлларига қайтариб берадилар. Айни чоғда асар камчиликларини муаллифлар ёки таржимонларнинг бетларига очиқ-ойдин айтадилар.

Домланинг фарзандлари ҳаётда ўз йўлини топган, обрў-эътиборли инсонлардир. Лекин уларнинг кибрланиб кетганликларини пайқамаганман. Чунки падари бузрукворларига бундай ҳол хуш келмаслигини яхши биладилар. Зеро, улар ҳам умр йўлларига фақат ҳалолликни шиор қилиб олганлар.

Ҳаётдаги бу тамойил, албатта, турмушни қатъий интизомга солади, сиртдан қараганда, унда таранглик пайдо қилади. Ҳатто бу машаққатли умр тарзига ҳам ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин бу муҳитга дахлдор инсонларнинг қалбида эса тамомила бошқа руҳ ҳукмрон: уларнинг ҳаёти, қисмати ўзлари сезган-сезмаган ҳолда ажиб хотиржамликка, ҳузур-ҳаловатга ноилдирки, буларнинг ҳаммаси виждон тозалиги ва ҳалоллик туфайлидир.

Мен Озод ака билан бирга ишлаш жараёнида унинг руҳиятидаги илгари кўпларнинг кўзига ташланмаган яна бир қиррани кашф этдим: у ниҳоятда иродали инсон экан! Ва бунчалик зўр ирода асосан кучли тафаккур эгаларида бўлишига ҳам амин бўлдим.

Озод ака оғир дардни бошдан кечирдилар. Унинг

ўрнида бошқа одам бўлганда балки аллақачон қўлни қўлтиққа урган, яшадик, кўрдик, етади, деган кайфиятга ҳам тушиб қолармиди... Лекин, Озод ака чекинмади, оғир дард олдида тушкунликка тушиб, таслим бўлмади.

Саломатликларини бир оз тиклаб олгач, аввалги бир ғайратига яна ўн ғайрат қўшилди, мақола устига мақола ёзиб, таржима устига таржима қила бошладилар. Кундалик ҳаётни, адабий жараёни, жаҳон адабиётини кузатишлари борасида гапирмаса ҳам бўлади.

Озод аканинг уйида бўлган инсон деворларга зич тиралган китоб жавонларини кўриб, яйраб кетади. Улар шунчаки бир пайтлар сотиб олинган ва энди ҳашамга айланган ашёлар эмас, кундалик иш жараёнига зарур бўлган манбалардир. Шундан келиб чиқиб айтаманки, мамлакатимизда Озод ака қадар кўп ўқиган ва ўқиганларини қалбига ва идрокига жо қилиб олган зиёли кам бўлса керак.

Домламиз бу йил 70 ёшга кирдилар. 70 ёш ўткир ва уйғоқ тафаккур соҳиби учун эгиладиган ёш эмас. Тарихдан кўп алломаларнинг 70 дан кейин ҳам юксак ва бисёр асарлар яратганликларини биламиз. Демак, домланинг ҳали орзулари мўл, ғайратлари баланд. Биз журнал таҳририяти ходимлари буни ҳаммадан кўра яқиндан ҳис этамиз. Таҳририят режалари тузилаётганда ҳар сафар бунга амин бўламиз.

Мақола бошида одам умр йўлига назар солганда, турли яхши-ёмон даврларни кўради, деб айтгандим. Таъкидлашим жоизки, «Жаҳон адабиёти» журналида ишлаётган йилларим ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифалари бўлиб қолиши шубҳасиздир. Чунончи, журнал иши мен учун иш эмас, дорилфунун бўлиб қолади, деганимда хоҳласам-хоҳламасам, яъни хизмат тақозоси билан энг сара асарларни ўқишимни назарда тутган эдим. Эндиликда домланинг ҳаёти, умр йўли ҳам бир дорилфунун эканлигини ҳис этиб турибман.

1999

II

Таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов домла билан видолашув маросимида сўз олиб, «Озод ака ўлмайдиган одам эди» деганларида ҳамманинг кўнглидаги гапни топиб айтдилар.

Мен ҳам шу дақиқаларга қадар устознинг кўз юмганларига сира-сира ишаноламайман. Шундоқ навқирон, фаол тафаккурнинг бирдан йўқликка эврилиши мумкинми?!

Ҳаётимда мен кўп улуғ инсонлар билан ҳамнафас бўлиб, улардан кўп яхшиликлар кўрдим, йўл-йўриқлар олдим. Лекин домламиз Озод ака улар орасида алоҳида сиймо эди. Мен бу беназир устоз билан бирга етти йил ишладим. Домла журналга 1997 йил февралда Бош муҳаррир этиб тайинланган бўлса, мен унга муовин сифатида фаолият бошладим.

Таҳририят фаолиятини шакллантириш осон кечмади, янги ходимлар ишга олинди, тинимсиз изланишга, тер тўкиб ишлашга тўғри келди. Жонбозликларимиз шарофати билан журналимиз мамлакатимиздаги нуфузли нашрга айланди, шу вақтга қадар бир ой ҳам қанда бўлмай чиқди, унинг юзинчи сони ҳам дунё юзини кўрди.

Мен бу муваффақиятлар замирида домламизнинг катта шижоатли қалбининг сўнмас даъватини, руҳлантирувчи қудратини кўраман.

Нашримиз иқтисодий қийинчиликларга дуч келган пайтларда ҳам устоз талабларини заррача сусайтирмас, аҳдларидан зинҳор-базинҳор ортларига чекинмас эдилар. «Журнални ҳар ойда чоп этамиз ва унга белгиланган ҳажмни камайтирмаймиз деб ҳукуматга ҳам, ўқувчиларимизга ҳам сўз берганмиз, ҳар қандай шароитда ҳам ваъдамизнинг устидан чиқишимиз керак», дердилар ҳамиша.

Ойномамизнинг илк сони чиққан кунларда устозга оғир дард ёпишди — бир оёғидан айрилдилар. Биз — таҳририятимиз жамоаси у операциядан чиққан кун-

лари касалхонага гулдаста ва нашримизнинг илк сонини кўтариб бордик.

Шуни бугун алоҳида таъкидлаб айтаманки, устоз касалликка бўйин эгмадилар. Бизга қатъий йўл-йўриқлар бериб, янги шижоат билан яна қўлига қаламини олдилар ва таҳририятимиз папкалари домла таржима қилган жаҳон адабиёти дурдоналари билан тўлиб-тошди. Биз у инсондаги ҳайратланарли даражадаги фидойиликнинг шоҳиди бўлдик.

Шу аснода мен устознинг ажойиб фазилатларини бир-бир кашф эта бошладим. У ниҳоятда тўғри сўз эдилар. Дафъатан гаплари малол келиши, оғир ботиши ҳам мумкин, лекин тўғрилиги, холислиги боис юракда асар қолдирмасди.

Устознинг энг ёмон кўрган одами — ваъда бериб, унинг устидан чиқмаган кимса эди. Бундайларга рўпара келганда тутақиб кетар, шундай ҳам бўлиши мумкинми, дея қаттиқ хуноб бўлардилар.

Устознинг ёмон кўрган иккинчи тоифаси — танбал кишилар эди. Уларнинг олдида ҳам устоз сира юз-хотир қилмасдан заҳрини сочиб қолардилар.

Устоздаги одамларга нисбатан бўлган бундай муносабатнинг замирида, умрингнинг қадрига ет, тўрт мучанг соғ экан, ғайрат қилиб ишлагин, деган даъват ётарди. Айни чоғда унинг ўзидаги ғайрат-шижоат, меҳнатга чанқоқлик олий ибрат намунаси эди.

Мен домламиз билан кўп йиллар бирга бўлдим. Таҳририят машинасига ҳайдовчи олмадик, мен ўзим ҳайдовчилик қилдим. Ижодий учрашувларда, байраму тадбирларда, тўю маъракаларда домланинг ёнида бўлдим.

Бир ижодий учрашувда устоздан, шунча ишларни қила олишингизда сизга нима қувват беради, деб сўрашганида, жамиятга кераклигимни, сизларга кераклигимни ҳис этишим, дея жавоб бергандилар. Ҳақиқатдан ҳам домла борган манзил-муҳит дарҳол ажойиб руҳга, ажойиб шукуҳга йўғриларди.

Устозга ҳар ерда ҳар қанча ардоқ, ҳар қанча эъзоз изҳор этилмасин, у киши интизомни севадиган ва унга

амал қиладиган шахс эдилар. Баъзан бирор маросимда узоқроқ ушлансак, бугунга мўлжалланган ишлар қолиб кетди, эртага ҳиссасини чиқаришимиз керак, дердилар.

Устоз мустақиллик йилларида ҳамиша ижодкорларнинг олдинги сафида бўлдилар. Зеро, у сиймо байроқдор бўлмаган давр борми ўзи?!

Устоз иродаси метин одам эдилар. Ҳаётдан нолиганларини сира эслай олмайман. Ҳолбуки, йиллар ўтиши билан унга дард устига дард ёпишарди. Шундай бўлишига қарамасдан, бошқалар дардини кўпроқ эшитишга ҳаракат қилардилар. Устознинг телеэкранда кўрган одамлар орасида ундан нажот тилаб келувчилар кўп бўларди. Устоз ҳаёт ҳақидаги, бугунги кун борасидаги фикр-мулоҳазаларини бемалол ўртоқлашардилар, ўлим ҳақида ҳам сира кўрқмай гапирардилар.

Устозни ижодкорларнинг аксарияти тили аччиқ мунаққид сифатида биларди. Бироқ Абдулла Қаҳҳорга хос бўлган тилдаги бу «заҳар» асосан бўш асарларга ва уларнинг истеъдодсиз муаллифларига нисбатан эди. Лекин адабиётда яхши асарлар пайдо бўлиб қолса, устоз унинг биринчи тарғиботчисига, муаллифининг биринчи ҳимоячисига айланардилар.

Устоз оиласида ўз сўзини ўтказа оладиган ота эдилар. Фарзандларидан невараларигача унинг гапларига қулоқ қоқмай амал қиларди. Кеннойи – Шарофат ая эса домлага меҳр кўрғазишни ўзига шараф деб билган асл инсонлардандир.

Устоз ҳаётда ҳақиқий қаҳрамонлик мезонини кўрсатиб яшадилар. У «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганида ҳамманинг дилидан, бу унвон чинакам эгасини топди, деган фикр кечган бўлса, сира ажаб эмас.

Сўнги дақиқалар қадар устознинг қувваи ҳофизаси хира тортмади, ўтли тафаккурининг ёлқини пасаймади. Шу боисдан унинг кўз юганига сира-сира ишонгим келмайди. Ҳали-замон кўнғироқ қилиб таҳририят фаолиятини сўраб қоладигандек туюлаверади.

Мен беназир устоз, бетакрор сиймо Озод Шарафидинов билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганлигимдан тақдирга шукроналар айтаман. Кўп давраларда ўқиб юрганим — тириклигида унга бағишлаб ёзган ушбу шеъримни яна бир карра тилга олишни жоиз деб билдим.

БУЮКЛИК

*Буюклик нимадир, айтинг, нимадир,
Балки у ғамларга сабр-тоқатда?
Йўқ, асл буюклик бир вақт кимгадир
Қилинган беминнат меҳр-шафқатда!*

*Буюклик нимадир, айтинг, нима у,
Балки дўстга ўзни фидо қилмоқдир?
Йўқ, асл буюклик — аҳд қилса эзгу,
Ҳатто ғанимни ҳам алқай билмоқдир!*

*Буюклик нимадир, унда не мазмун,
Балки у ёлғондан тонмоқдир фақат?
Йўқ, асл буюклик ҳақиқат учун
Умр давомида ёнмоқдир фақат!*

2005

III

Асосий фаолияти дорилфунун билан боғлиқ бўлган адабиётшунос олимнинг мамлакатимиздаги янги ташкил этилган нуфузли журналлардан бирига Бош муҳаррир этиб тайинланиши дастлаб айримларни ажаблантирган бўлиши ҳам мумкин. Лекин журнал нашр этила бошлаб, адабий жамоатчиликнинг ва мухлисларнинг эътиборини қозонгач, Бош муҳаррир «узукка кўз кўйгандек» ўз ўрнига тушганлигини барча этироф этди.

Мен журналга домламиздан кейин келган иккинчи ходим бўлдим ва Бош муҳаррирга ўринбосар сифати-

да иш бошладим. Мана шу фаолиятим давомида устознинг Бош муҳаррир сифатидаги фидокорона меҳнати-га, жасоратига, муаллифларга самимий муносабатларига кўп марта шоҳид бўлдим.

Домла иш борасида ўзини аямасдилар. Журналнинг ташкилий ишлари маромига етгач, унинг дастлабки сонларини тайёрлашга шитоб киришиб кетдик. Ана шу паллада домланинг муҳаррирлик истеъдоди ёрқин кўринди. Журнал таҳририяти ходимлари олдига шундай савол кўндаланг бўлди: жаҳон адабиёти катта уммон, лекин бугунги кунда ўқувчиларимиз учун қайси асарлар муҳим? Қайси асарлар халқимиз тафаккурини юксалтиради, маънавиятини бойитади?..

Ҳар ким ўз фикрини айтди. Лекин домла ҳамманинг фикрини астойдил эшитиб, айримларини қўллаган ҳолда ўзлари тузиб келган рўйхатни ўқиб (ундаги адиблар дунёнинг турли мамлакатларидан эди), улар ҳақида кенг тушунча бердилар ва дарҳол таржимонларни бу асарларга жалб этишимизни айтдилар.

Шундай қилиб, журнал фаолияти қизгин бошланиб кетди. Адабиётимизнинг жонкуярлари, моҳир таржимонлар, ўткир публицистлар, таниқли адабиётшунос олимлар таҳририятимизнинг фаол муаллифларига айландилар. Айрим йирик асарлар ҳали таржимаси тугамасдан туриб, журнал саҳифаларида эълон қилинди.

Домла, айниқса, жаҳон публицистикасига жиддий эътибор берардилар. Таҳририятимизнинг бир йиғилишида Публицистика бўлими мудири марҳум Раҳматулла Иноғомовга мурожаат қилиб: «Биласизми, дўстим, бундан йигирма йиллар муқаддам америкалик ўткир публицист адибанинг экология ҳақида ажойиб мақоласи эълон қилинган эди. Шунини зудлик билан таржима қилсангиз, келгуси сонда ёритамиз», — дедилар.

Домла ушбу мақола муаллифини, у қайси журнал эканлиги-ю, унинг йили ва ойини аниқ айтдилар.

Мазкур мақола эълон қилингандан кейин кўп ижодкор дўстларимизнинг ундан ҳайратланганликла-

рига шоҳид бўлдим. Ҳатто уни айрим нашрлар кўчириб ҳам босди.

Домланинг тавсияси билан таржима қилинган бундай мақолалар беҳисоб эди десам, лоф эмас.

Ёшлар тафаккурини ўстирадиган, уларни жасоратга даъват этадиган коинот ва фазогирлар ҳақидаги, бемисл кашфиётлар яратган жаҳон олимлари ҳаётига бағишланган қатор мақолаларни ўзлари таржима қилдилар.

Жаҳон адибларининг адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, турли адабий оқимлар, айниқса, дунёдаги ҳозирги адабий жараёнлар ҳақидаги мақолалар борасида алоҳида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Масалан, бугунги кунда ҳар бир танқидчи икки гапидан бирида такрорлайдиган «модернизм», «постмодернизм» ҳақида туркум мақолалар эълон қилган эдик. Бу мақолалар норвег адиблариники бўлиб, домланинг ўзлари таржима қилгандилар. Муҳими, мазкур мақолаларда ушбу оқимлар нима учун пайдо бўлгани, уларнинг асл моҳияти нима эканлиги теран очиб берилганди. Жумладан, Бальзакнинг «Француз ёзувчиларига мурожаати»ни эсга олмай бўладими? Уни ўқисангиз, деярли икки аср илгари ёзилган мақоланинг бугунги кун учун ҳам ниҳоятда долзарблигини тан олмай иложингиз йўқ.

Журналда режалаштирилган дурдона асарлар таржимонларимизнинг истеъдоди ва савиясига қараб, уларга тавсия этиларди. Уларни таржима қилишни зиммасига олган таржимонлар бундан буёғи таҳририят «таъқиби»дан қутула олмасди.

Масалан, ана шундай тавсиялар туфайли «Зардушт таваллоси», «Бузрукнинг кўзи», «Улисс саргузаштлари» асарлари адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Домладаги яна бир фазилат асарнинг савияси ҳақида ўз ўйлаганини галга солмай муаллиф юзига айта олиши эди. Нафсиламрини айтганда, бу хусусият Бош муҳаррир учун шарт бўлган энг муҳим хусусият эмасми? Жумладан, домла яхши асар ҳақида терисига сиғмай қувониб гапириб юрар, бўш асар ҳақида эса, муаллифи ким

бўлишидан қатъи назар, унинг нуқсон-қусурларини далиллаб, ҳар қандай даврада айта олардилар.

Домлага ўзини яқин олиб юрадиган дўстларимиздан бири тугатган янги драмаси ҳақида театр фикр сўраётганлигини айтиб, тавсия ёзиб беришларини сўраган экан. Домла ушбунини ана шу дўстимизга бериб кўясиз, эртага олдингизга келади, дея менга бердилар. У пьеса ҳақидаги фикр-мулоҳазалар экан. Мен танишиб, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолдим. Ўзининг дўстидай, энг яқин шогирдидай кўрадиган ёзувчи драмаси ҳақида шундай аччиқ гапларни ёзгандиларки (албатта, чандон асослаб!), унда бу асар шу аҳволда саҳнага чиққанидан чиқмагани маъқул деган фикр дангал айтилган эди.

Ёш ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» асари ҳақида эсламасдан бўлмайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги бозор иқтисодиёти туфайли ҳаётимизда ва тафаккуримизда содир бўлган мураккаб эврилишлар дадиллик билан қаламга олинган мазкур асар беш йилдан бери кўп таҳририятлар жавонларини кўриб чиққан экан. Ушбу асар таъриф-тавсифини адабиёт жонкуярлари домлага етказишгач, Бош муҳарриримиз асар билан танишиб чиқдилар ва менга журналнинг тушаётган сонини тўхтатишни, унга ушбу асарнинг бош қисмини жойлаштириш лозимлигини айтдилар. Бу асар журналимизнинг уч сонидан эълон қилиниб, адабий жамоатчилик ва мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Журналдаги Озод Шарафиддиновнинг Бош муҳаррирлик фаолиятини битта мақолада, албатта, қамраб олиб бўлмайди. Лекин мен мана шу ўтган даврга назар солсам, домладан таҳририятдаги барчамиз учун жуда катта тажриба, асарларга талабчанлик туйғуси, жамики қалам аҳлига холис ва самимий муносабат анъанаси мерос қолганлигини ҳис этаман.

Домла танбал, ишёқмас ходимларни жинидан бартар ёмон кўрардилар, ваъдасида турмаган муаллифларни, таржимонларни ўзининг аччиқ сўзлари билан «сийлардилар».

Бош муҳаррир учун зарур бўладиган энг муҳим хислатлар мана шулар эмасми?

Журналимиз фаолияти ҳамиша силлиқ кечди десам, ҳақиқатга хилоф гапни айтган бўламан. Маълум йилларда жамоамиз ҳам мураккаб қийинчиликларни бошидан кечириб, оқсай бошлади. Ўшанда Бош муҳарриримизга яхши маънода хайрихоҳлик билдириб, бир йилда 12 та сон чиқариш шартми, уни 6 та сон қилиш ёки ҳажмини озгина камайтирса бўлади-ку, деган фикрлар ҳам айтилди. Шунда домла чўрт кесиби, Президентимиз олдида, ўқувчиларимиз олдида нима деймиз, деганлари ҳали ҳам ёдимда.

Минг шукрки, Юртбошимиз асос солган журнал 12 йил давомида бир ой ҳам қанда бўлмай, бир саҳифа ҳам камаймай нашр этилиб келинмоқда. Унинг ҳозир 140-сони чоп этилди.

Шуни фахр билан айта оламанки, домламиз таваллудининг 80 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган бир пайтда, ўқувчиларимиз сони деярли икки баробарга ортди.

Бу кўрсаткичга эришганимизда журналимизнинг барча ходимлари дилидан, Домламизнинг руҳи шод бўладиган бўлди, деган фикр кечгани, шубҳасиз.

2009

ШОИР

Нашриётлар жойлашган салобатли бино олдидаги улкан устунлар ёнидан ўтиб зинадан кўча томон тушиб борарканман, узоқдан Рауф ака келаётганини кўрдим. Куз кунлари эди. У – ҳамишалик костюмида, кўлида ҳамроҳ портфели. Қачон қўйилгани эсимиздан чиқиб кетган соқол-мўйлаби ўзига ярашган. Уни узоқдан ҳам таниб олиш мумкин, чунки сочлари оппоқ эди. Қайсидир ёш шоир Рауф акага бағишланган шеърларидан бирида уни «Сочлари оқарган гўдак» дея таърифлаган эди. Шоир унинг қалби беғуборлигига, маъсумлигига ишора қилган эди, албатта.

Рауф аканинг кўзи менга тушгач, узоқданоқ қўлини кўтариб, мамнунлигини изҳор қилди. Кўришдик. Юзига беғубор табассум ёйилганди. Одати шунақа: ким билан тўқнаш келмасин — хоҳ дўст-биродари, хоҳ шогирди, хоҳ шунчаки бир кўрган таниши, ҳатто бутунлай нотаниш кимса бўлса ҳам, кўришмоққа чоғланса, юзига ана шундай самимий, маъсум табассум ёйилар эди. Бундан у билан кўришган одамнинг ҳам дили хуфтон бўлса — ёришар, кўнгли ғаш бўлса, дарҳол ғашлиги омонат муз каби эриб кетарди.

— Хўш, йўл бўлсин, устоз? — дедим мен ҳам одадий жилмайиш билан.

— Шу-шу-шу... — деди Рауф ака лабида табассум ўйнаб. Бу, ўзингиз биласиз-ку, нима қиласиз сўраб, дегани эди.

— Ҳа-а, «ишхона»гами?..

— «Ишхона» ёпилиб кетганига анча бўлган. Ҳозир фаолиятни «Мўминхона»да давом этдириямиз...

— «Етимхона»га ҳам бориб турибсизми?

— У ерга тушдан кейин ўтаман. Ҳозир бир-иккита «дарвешлар» билан кўришамиз...

«Ишхона» деганимиз, ҳозир ярмарка дўконлари тушган жойдаги «Қаҳвахона» эди. Кўп йиллар илгари — Рауф ака ишламай юрган кезларда (аслида бирон-бир даргоҳда узоқ ишламаган ҳам) уни ҳамиша ўша «Қаҳвахона»дан топса бўларди. «Қаерда ишляпсиз» деган саволлар жонига тегиб кетгач, сўраганларга «иш жойим» деб ўша манзилни берарди. «Мўминхона» деганимиз эса нашриётлар биносининг ёнбошига тушган ойнаванд қаҳвахона эди. (Ҳозир у ҳам бузилиб кетган.) Қаҳвахонада Мўмин деган дилкаш йигит ишларди. Шу боис Рауф ака бу қаҳвахонага «Мўминхона» дея ном кўйиб олганди. «Етимхона» деганимиз Истиклол хиёбони яқинидаги «Газеталар биноси» биқинига жойлашган қаҳвахона эди. Уни Ҳакимжон деган йигит бошқарарди. Ва шунинг учун у дастлаб «Ҳакимхона» дея номланганди. (Бу номни ҳам, албатта, Рауф ака кўйган.) Нима сабаб биландир Ҳакимжон ишдан кетгач, «Қаҳвахона» етим бўлиб қолган (тўғрироғи унинг доимий

мижозлари) ва уни Рауф ака «Етимхона» деб қайта номлаган эди.

«Дарвешлар» эса кўнгли кўнглига мос тушадиган шоирлар қавми эди. Ундайлар баъзан-баъзан йўл устида йиғилиб, Рауф аканинг суҳбатини кўмсаб, тўпланардилар.

Рауф ака билан «ҳамшиша» бўлган (у ҳамсуҳбатларини шундай деб ҳурматларди) ҳар бир шоир ёки шоғирд унинг лутфлари замиридаги маъноларни дарҳол англаб ва, албатта, устознинг имо-ишораларини ҳам тез илғаб оларди.

— Устоз, афсуски, шошиб турибман, йўқса гурунглариңиздан баҳраманд бўлардим... — дедим узр сўраган оҳангда бояги «шу-шу-шу...»дан «сиз ҳам юринг», деган ишорани туйиб.

Яна лутфли табассум билан бир-биримизга «шу-шу-шу...»лаб хўшлашдик. Рауф аканинг ортидан қараб қолдим. Қадам олишларида аён бўла бошлаган йиллар таъсирини айтмасангиз, ҳали ҳам хуш-хандон. «Бизлар турмуш ташвишларига тиззамизгача ботиб юрамиз... У эса... хуррам, ғамсиз-кадарсиз ҳамиша. — Ҳавас қилдим ичимда. — Унга дард юқмаса керак. Худо хоҳласа, узоқ умр кўради... Шундоқ бўлсин, илоҳим!..»

Лекин Рауф ака билан ушбу қисқа учрашув сўнги дийдор экан. Ярим йиллар ўтгач, унинг оғриб қолганини эшитдим. Яна бир муддатдан кейин ҳаётдан кўз юмганлиги ҳақида машъум хабар тарқалди.

Шундай одамлар бўладики, бир кун келиб улар ҳам дунёни тарк этишига сира ақлинг бовар қилмайди. Зеро, улар наздинда ҳеч қачон дардга чалинмайдигандек, ҳеч қачон дунёни тарк этмайдигандек туюлади. Гўё улар кетса, ёруғ дунё хувиллаб қолади, файзини йўқотади... Рауф Парфи ана шундай файзли инсонлардан эди.

Рауф Парфи айниқса ёшлар билан қадрдон ва қалин дўст эди. Ундан кейинги авлод орасида унинг самимиятидан баҳраманд бўлмаган шоир топилмаса керак. Мен ҳам ана шундай ёшлар қаторида эдим. Илк китобим чиқмай туриб устознинг эътиборига ноил бўлган-

дим. Унга бағишлаб шеър ҳам ёзганман. Уни биринчи китобимга киритганман. Шеърнинг савияси қандайлигини билмадим-у, лекин, ҳар қалай, Рауф акага бағишланган биринчи шеърлардан эди. Кейин ёш шоирлар томонидан унга кўплаб шеърлар бағишланди. Рауф ака бу ҳолга баъзан истехзоли мутойиба билан: «Кўрасизлар, келажакда мен уларни тўплаб бир китоб қиламан!..» – дерди. Бу даврлар суруридан кўнгили беихтиёр антикади ва хотиралар янада теранлашади: «Шоир Рауф Парфи номини қачон эшитганман ўзи?..»

Ҳақиқатан ҳам Шоир номини илк бор қачон эшитганман? Ҳа, эсладим. Талабалик йилларимда. «Шарқ юлдузи» журналида унинг бир даста шеърларига устоз Асқад Мухтор «Оқ йўл» тилаганди.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Томчилар томчилар сочимга.
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

Мана шундай сатрлар билан бошланувчи шеър биз, шеърят шайдоларини ўзига тамомила сеҳрлаб қўйганди. Эҳ, у даврлар! Бир ёқда Абдулла Ориповнинг ўтли мисралари, бир ёқда Эркин Воҳидовнинг дилбар сатрлари! Ана шундай мухлис талош бир пайтда шеърятнинг зангор уфқларида Рауф Парфи назмининг ҳарир эпкинлари урилганди кўксимизга!

Ушбу янги ном кейинчалик сазовор бўлган шуҳрату олқишларни бир ёққа қўйиб турайлик. Мен то ҳануз мазкур шеър таъсирида юраман.

*Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Мен унга очаман бағримни.
Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар,
Аста унутаман ёмғирни.*

Ҳар гал мен бу шеърни ёдга олганимда умримнинг бокира палласи, баҳор ёмғирларига рўпара турган дамларимни эслай бошлайман. Теграмдаги бутун борлиқ

шаррос ёмғир сувларига чайилиб шаффофлангандек туюлади. Кўнглимдан губорлар ариб, руҳим тиниқлашади.

*Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,
Охир мени асир этар ул.
Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,
Ёға бошлар қоғозга кўнгли.*

Бу айнан менинг шеърим эди. Гўё бу шеърни мен ёзишим керак эди. Ахир, баҳор кечалари уйқум қочган тунлар бу ёмғир қўшиғини тинглаган мен эмасмидим? Ҳали қўлимга қалам олмаган, оқ қоғоз бетига сатр битишга журъат қилмаган пайтларимда айвондан туриб унинг ажиб таронадек оҳанглиридан сеҳрланган, бу исмсиз нашидадан маст бўлган ҳам мен эдим-ку!

Талабалик йиллари пахтага чиққан давримизда гулхан атрофига тизилиб кўнглимиз осмонидаги шоирлар шеърларини ўқиганимизда бу шеър такрор-такрор янграган.

Кўлимда Рауф Парфининг мўъжазгина: «Карвон йўли» (1968), «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1975), «Кўзлар» (1977), «Қайтиш» (1978), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1989), «Тавба» (2000) ва «Сўнги видо» (2006) китоблари...

Каттакон бир жилд шаклини олмаган ушбу китобларда бетакрор шоирнинг қалб туйғулари, изтироблари, ҳиссиёти ва тафаккури нақшланган.

Замон табиати, давр феъли қизиқ. Кўлимдаги жажжи, мўъжаз, муқовалари одми, кўримсиз тўпламларни бугун китоб расталарида ярқираб турган қалин назмий мажмуаларга хаёлан таққослайман. Аксарияти номи ҳали қулоғимизга чалинмаган шоирларники. Улар орасида сайланмалар, жилдликлар ҳам кўзга ташланади... Шунчалик кўркем нашр этилганига қарамай, нега бу китоблар шеъриятимизда воқеага айланмаяпти? Ёки шеършунос ва шеърят мухлислари камайиб кетди-микин?

Лекин ўтган асрнинг 60–70-йилларида чоп этилган шеърини тўпламлар-чи?! Уларнинг ҳар бирига адабий танқид, қолаверса, адабий жамоатчилик ўз эътиборини қаратар, аниқ-равшан муносабатини билдирар эди.

Қўлимда 20 саҳифадан иборат «Акс садо» тўплами. Ундаги ҳар бир шеър тиниқлиги, бадий юксаклиги билан юракни лол қолдиради:

*Деразамга урилади қор,
Жаранглайди жарангсиз кумуш.
Деразамга урилади қор,
Қор сингари оппоқ бўлди туш.*

*Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,
Учиб тушар менинг ёнимга...
Мен-ку сени ўйламасман ҳеч,
Сен тушасан аммо ёдимга...*

Бу шеърни таърифлаб ўтириш ортиқча. Чашма сувларидек тиниқ туйғулар суратидир бу шеър...

*Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш — замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак...*

Субҳидам. Шабнамлардан кўтарилган ҳовур тўп тунидек кўтарилади. Ўқлар — қуёш ва унинг нурлари. Ана шу нурлар Ерни яралаган. Ер шари ана шу дамларни кўриш учун баҳор либосини кийиб, бошига гуллардан чамбарак тақиб ясанган эди. Лекин субҳидам гўзаллиги уни ҳушидан айирди ва у қуёш шуъласи тифларидан яраланиб, йиқилди...

Шоирнинг мана шу сингари қалб ва руҳ оламидаги мўъжиза ёхуд кашфиёт янглиғ шеърлари ўзбек шеъриятига янги, бетакрор овозли истеъдод кириб келганлигидан далолат берди.

Дарҳақиқат, унинг овози ҳеч бир шоирниқига ўхшамаган эди. Айти пайтда унда Усмон Носир руҳини, Ҳамид Олимжон сурурини, Чўлпон ғуссасини, Ойбек закосини туйиш мумкин эди.

Ўтган асрнинг 60–70-йиллари ўзбек шеърятини учун энг музайян палла бўлди. Бу ҳодисанинг ҳаётбахш омилларини бугунги кун адабиётшунослиги чуқур ўрганиши керак. Зеро, ўша даврда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиевалар ўзбек шеърятини майдонида бўй кўрсатдилар. Ана шулар қаторида Рауф Парфининг ўрни алоҳида эди.

Бу даврда юқорида номлари зикр этилган шоирларнинг китобларигина эмас, матбуот саҳифаларидаги ҳар бир чиқишларини мухлислар излаб ўқирдилар. Ва айти мана шу муҳитда XX аср ўзбек шеърятининг юксак нуқталарини белгилаган «Ўзбегим», «Ўйларим», «Баҳор» шеърлари яратилди.

Баъзан нима учун бу жараён сустрлашди деган ўйга бораман. Шахслар ижоди сусайганидан содир бўлди-ми бу ҳодиса ёки унга бошқа ижтимоий омиллар — жамиятдаги мафкуравий ўзгаришлар, чеклашлар ва бошқа турфа кўзга кўринмас монеликлар туфайли юз бердимикин бу ҳолат?

Мени кўпинча мана шу муаммо ўйлантиради.

Зеро, ёрқин истеъдод дастлаб машъалдек ярқираб кўринади, кейинчалик эса унинг шуъласи хиралашиб боради. Бу — истеъдод соҳибининг турмуш билан рўпара келгандаги машаққатлари, толиқишлари туфайлимикин?

Нега Навоий ижодида заиф, бўш, шунчаки ёзилган шеърни учратмаймиз? Нега Байронда бу ҳол содир бўлмаган? Нега Чингиз Айтматов умрининг сўнгига қадар ижод яловини баланд кўтариб ўтди?

Ёки улар ижодда омади чопган инсонларми? Ёки алоҳида истеъдодми улар? Ёки фавқулодда шахслар эдимми?

Хусусан, Навоийнинг илк ёзган ғазали билан сўнгги ғазали орасида бадиий юксаклик жиҳатидан тафовут бўлганми?

Шеърятимиз, умуман, адабиётимиз жараёни кечмишига назар ташлаганимда баъзан кўнглимда ана шундай саволлар туғилади.

Яна Рауф Парфининг «Акс садо» китобига қайтсам... Ундаги шундай сатрлар алоҳида эътиборни жалб этади:

*Бир қушча сайрайди менинг руҳимда
Мен сенинг исмингни билмайман, қушчам...*

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, шоир яшаб ўтган умри давомида, зеро бутун ижодий фаолияти давомида мана шу қушча исмини билишга, унинг сайрашларидаги мазмунни англашга интилиб яшади.

Шоирнинг «Тасвир» китоби 60 саҳифалар атрофида. Бу тўпلامда унинг тафаккур кўлами кенгайиб, ҳиссиётлари чийралганига, фалсафий мушоҳадаси теранлашганига шоҳид бўламиз.

Шоир давр туғёнларини дадил қаламга олади. Унинг ижодида жаҳон шеърятининг ёрқин юлдузлари — ўзи эътиқод қўйган шоирлар: Н.Ҳикмат, П.Неруда, Р.Тагор шеърларига хос оҳанглар ва япон шеърятининг ўзига хос қирралари кўрина бошлайди.

Шоир ўша даврга нисбатан юрагидаги исённи зоҳир этиш учун имкон ахтаради, турли бадиий воситаларни ишга солади.

*Саболарда ўйнайди наво,
Ариқларда сув оқади шан.
Оҳангларга тўлибдир ҳаво,
Бенавосан, нечун ёлғизсан?*

Бу бенаволикнинг сири нимада? Нега лирик қаҳрамоннинг кўнглини гул барги ҳам, шеърин тун ҳам ўзига мафтун этолмайди? Балки гўзал китоблардаги эртанги кунга бўлган ишонч ром этар:

*Уфқларда ёниқ афсона —
Олгин Эркин Воҳид шеърларин.*

Йўқ, барибир лирик қаҳрамон кўнглидаги ғусса аримайди. Уни ҳеч нарса аритолмайди. У қандай ғусса эди? Шоир «руҳида сайраётган қушча» маҳзунлиги сабабини очиқ баён қилмайди. Мана шу бадиий ечими билан у ўқувчини фикрлашга ундайди, ўз кўнгли тубларига чуқурроқ назар солишга даъват этади.

60–70-йилларда халқимизнинг миллий руҳияти асосан шеъриятда ёрқин кўринди. Жумладан, А.Ориповнинг «Ўйларим» шеърида шундай сатрлар бор:

*Кўз олдимда шу қадарли пок эди олам,
Гўё нурдан яралганди инсон деган зот...*

Рауф Парфига ҳам бу изтироб бегона эмас:

*Ҳар нарса соф эди, ҳар нарса порлоқ,
Гўё гўзалликдан иборат олам...*

Ушбу ўринда бу кечинма қайси шоир қаламидан аввал тўкилди экан, деган ўй ҳам кечади. Зеро, яхши шеър яхши шеърга туртки бериши, қанотлантириши шеърият тарихидан маълум.

Рауф Парфи ўз дардларини дунёвий миқёсга олиб чиқади. Жумладан, «Ватан ҳақида Бернд Иенцга мактубим» шеърида шундай сатрлар бор:

*Улар қоғоз юзига пул ёзадилар...
Улар она тилин унутадилар тахтчасининг ёнида.
Улар алдоқдан, шарбатдан, қип-қизил гўшдан
Қасру иморатлар қурадилар бемалол...*

Шоир бу дардларига тасалли тополмайди, илло чорасизлигини «Гамлет» шеърида шундай ифода қилади:

*Қонлар оқмоқдадир, сўнмоқдадир нур,
Турибсан-ку давр билан бетма-бет.
Наҳот изтиробда доим тафаккур?*

Шоир руҳиятидаги ғалаён тинмайди. Лекин ёруғ манзил қаерда? Балки уфқлардан наридадир? Шоир хаёллари уни ҳар қайларга етаклайди.

*Қаттиқ уринаман уфқдан нари,
Алвон узра музлаб турар нигоҳим.
Оёғим юрмайди юрганам сари,
Она ерга ботиб қолган оёғим...*

Бу ўринда Усмон Носирнинг бир пайтлар ёзган шеъри ёдимизга тушади.

*Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг тубига яқин...*

Рауф Парфи руҳидаги изтиробли кечинмалар ўз мавриди билан шеърларига кўча бошлади. Эрк, Истиқлол, Туркистон мавзуси ижодида теранлашди.

Шўролар сиёсатидаги бир ёқламалик, Компартия шаънига ҳамду санолар шоирни қаттиқ таажжубга солар, юрагидаги дардларини зоҳир этишга мутлақо изн бермасди. Мана шу жараёнда шоир ижодида туркум-туркум шеърлар пайдо бўлдики, улардаги мисраларда эҳтирос кучли бўлиб, фикр ана шу эҳтирос тубида қолиб кетар ва уни оддий шеърхоннинг англаб олиши амри маҳол эди.

Ана шу паллада шоир мураккаб бир юксакликка кўтарилди. Чамамда, у энди оддий шеърхонни эмас, замонни теран англайдиган, тафаккури Ватан тақдирини мушоҳада эта биладиган, эркталаб, хуррият шабадаларига кўксини дадил очган зиёли қавмни назарда тутиб шеърлар ижод қила бошлади. Ва тўпламларидан бирини «Сабр дарахти» деб номлагани ҳам бежиз эмас.

Шўролар сиёсати баравж бир давр — ўтган асрнинг 60–70-йилларида ўзбек шоири Ўзбекистонни Ватаним деб куйлаши, хусусан, унинг ўтмишини улуғлаши, халқнинг орзу-армонларидан, йўқолиб бораётган ўзлигидан

гап очиши мумкин эмасди, бу туйғу дарҳол миллий маҳдудликка йўйилар ва бу муаллиф бошига маломатлар ёғдирарди.

*«Ишқ сўзидан куйди булбул маскани»,
Тил билан куйланмас она-Ватаним,
Мен сени куйламоқ истайман фақат.*

Ушбу шеър 1967 йилда битилган. Унинг замиридаги шоир дардига бир зум қулоқ тутайлик. Қўштирноққа олинган биринчи сатр Алишер Навоийга тааллуқли эканлигига шоир изоҳ берган. Яъни, булбул ўз маскани — чаманига бўлган муҳаббатини куйиб-ёниб изҳор этиши мумкин, лекин мен сени ҳамиша куйламоқ истасам-да, куйлай олмайман (куйлашим мумкин эмас), она-Ватаним, дея нола қилади шоир.

Чунки шундай даврлар бўлгандики, юрт дардини қаламга олишга жазм этган шоирларнинг аксарияти, қатағонга учраб, «халқ душмани» деб эълон қилинганди.

*...Бу — халқ душмани деб тутсалар бир кун,
Бари бир, у халқнинг номидан сўзлар.*

*Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,
Юраги яриму бутун имони,
Талотум оламни шивирлаб чорлар.*

*Тани омонатдир, нақд эрур жони.
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар
Буюк муҳаббатнинг дардли нишони.*

«Шоир» шеърдан

Р.Парфи забун туйғулар тўфонини кечиб, «тафаккури изтиробда» юрган паллаларда руҳида куйлаётган қушча исмини танигандек бўлади. Бу «сабр дарахти — қутлуг Туркистондаги» эрксизлик ситамларидан бағри хун, Ҳуррият соғинчидан юраги мунглиғ қушча эди. Бу қушча

учун нажот қайда? Унинг юрагидаги маҳзун наволар қай маъвода таскин топади? Барҳаво салтанат бағридами? Олтиннақш тахт яқинидами? Йўқ, у кўкрак қафасини ҳар қандай маъводан афзал билади. У тўйиб-тўйиб куйласа, бас...

Зеро:

*Юрак деб аталган оғриқ бу — нажот,
Кўкрак қафасимиз — нажот қалъаси.*

Ўтган асрнинг 80-йилларида битилган ушбу сатрлар ўзбек шеъриятидаги эътиқодлар тўқнашувининг авж нуқтаси бўлганлигини бугун ёрқинроқ ҳис этамиз.

Шоир ижодий изланишлари давомида жаҳон шеъриятидан кўп нарса ўрганди. Мен ўзим Рауф аканинг мутолаа истеъдодига кўп бор шоҳид бўлганман. Эсимда, бир вақтлар Дўрмондаги Ижод уйида бирга дам олганимизда Рауф ака кутубхонадан 2-3 та қалин китоблар кўтариб чиқди. Фарб рассомлари ҳаётдан ёзилган романлар эди, чамамда. «Бу асарларни илгари ҳам ўқиганман, шу кунларда уйқумнинг мазаси йўқ, яна бир марта кўриб чиқмоқчиман», дегандилар. Ва икки-уч кунда уларни қайта ўқиб чиққандилар.

Рауф аканинг яна бир фазилати ўқиган китобларини дўстларига совға қилишни яхши кўрардилар. (Бу чиндан ҳам ноёб фазилати эмасми!) Жаҳон мумтоз шоирларининг шеърӣ тўпламларини ҳотамтойлик билан ҳадя қилиб юбораверардилар! Ўзида бундай жасорат бўлмаганлар ҳамиша унинг бу ҳимматидан лол қоларди. Лекин ўша лол қолувчи китобпарастлар тўплаган китобларини ўқирдиларми-йўқми — бу, албатта, бизга қоронғи. Лекин Рауф ака ҳадя қилган китобларини аллақачон кўнглига жо қилган бўларди. Шу боисдан ҳам унинг шеъриятида турли хил услубларни учратамиз. У ўз ижодига сарбастни, япон шеърӣати услубларини, сонетни дадил олиб кирган шоир эди. Бироқ бу услубларнинг барчаси шеърларида мукамал бўй кўрсатди, муҳлисларига ҳамиша манзур бўлди, дейиш қийин.

Зеро, бир пайтлар аллома адиб Асқад Мухтор шоирнинг «Сабр дарахти» тўпламига ёзган сўзбошисида:

«...шеърларига сарин мусиқийлик бағишлай оладиган шоир оғир мавзуларга қўл урганда сарбастга мурожаат қилиб, баъзи шаклий шартлиликлардан ўзини холи қилиб олади... Сарбаст уни негадир кўпинча декламацияга судраб кетади», деган эди.

«Хоккулар» эса шеъриятимизга табиатан сингишиб кетмаганлиги билан (гарчи шоир уни «Туйгулар» деб номлаган эса-да), унинг ижодида унчалик муваффақият қозонмади. Айни шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Рауф Парфининг ушбу «изланиш тажрибалари» кўп шоирлар учун «юқумли» бўлди ва шеъриятда юқорида таъкидлаганимиз сингари бундай услублар «урчиб» кетди. Бугунги кунда улар «модерн шеърят» деган ном ҳам олди.

Шоир ўз туйғулари, дарди, изтиробини сонет услубида ёзилган шеърларида теран ва мукамал ифода қилади. Ана шу қирраси билан жаҳоннинг энг катта шоирлари ила беллаша оладиган мавқега кўтарилди. Жумладан, «Кўзимнинг ғорида парчинланган кўк» мисраси билан бошланувчи сонетда шундай сатрлар бор:

*...Сен ёлғизсан бу дунёда, севгилим,
Чексиз чидамимнинг синчлари синди.*

*Чўнқайган чўққидан сўрайман сени,
Қариган баҳордан сени сўрайман.
Топгил, дейман Менинг Буюк Севгимни.*

*Ер тишлаб сўрайман, сўнг бор кўрай ман,
Чақинлар жимликка чақар жисмингни.
Кўкнинг синиғига сени ўрайман.*

Бу сатрлар шоир шеъриятининг ҳеч қачон заволи билмайдиган юксак санъат даражасига кўтарила олганлигига далолатдир. Лекин ёшларнинг Шоир ижодидаги мана шу жиҳатга — сир-синоатга кам эътибор қаратишлари ажабланарлидир. Зеро, унинг ижодида-

ги турфа оҳангларга эргашган сингари сонетни ҳам ўзлаштириш мумкин. Лекин унга жо бўладиган дард-ни-чи?! Афсуски, бундай Дард Яратган томонидан ато этилади.

Рауф Парфи бир умр ана шундай Дард тўлқинларида яшади. Лекин уззу-кун бу қадар залворли Дардни кўтариб яшаш осонми?! Шу боисдан Шоир ўзига баъзан «дам берар» ва ана шу пайтларда «дарвеш»га айланар эди. Бундай кезларда у қушдек енгил, ҳазил-мутойибага мойил, кўнглида ғам-ғубордан асар ҳам йўқ инсонга эвриларди. Не тонгки, худди ана шундай ҳолларда кўрганлиги учун ҳам шоирни оддий одамлар «ғам-ғуссага бегона банда» деб биладилар. Аслида ғам-ғуссага, турмуш ташвишларига бегона бўла билмоқлик осон эмас. Бунинг учун шоир таъмага, бойликка, ёлгон дунё ташвишларига қўл силтай олмоғи зарур.

Рауф аканинг бундай хуррам ҳолатларига ҳам мен кўп бор дуч келганман. Ёдимда. Кунлардан-бир кун болалар шоири Сафар Барно, ёзувчи Зоҳир Аъламлар билан Рауф ака яшайдиган хонадонга (умри давомида бундай хонадонлар — оила гўшаси унинг учун биттагина бўлмади) уни йўқлаб боргандик. Уй бекаси бизни лутф билан кутиб олди. Дарҳол дастурхон тузалди. Бу аснода уй соҳибаси Рауф акани майда-чуйда юмушлар учун бир неча бор безовта қилди: болани ушлаб турунг, деди, меҳмонларга чой қуйиб беринг, деди... Билдикки, Рауф ака анчадан буён уйга қамалиб қолган. Мавриди келганда Зоҳир ака тагдор ҳамдардлик билан сўради:

— Рауф, аҳволларинг қалай ўзи?..

— Шу-шу-шу... — деди табассумини лаб учиди тутиб Рауф ака. Бу унинг «Нима қилай — чорасизман!..» дегани эди. Бир пайт уй соҳибаси ошхонада ўралишаётган дамда Рауф ака дафъатан ёрилди: «Амаллаб мени бу ердан олиб чиқиб кетинглар!» У деярли мўлтираб боқди. Унинг «дардини уққан» дўстлар — бир нимани баҳона қилиб, Рауф акани ҳам ташқарига чорладик. «Тезда қайтиш» шарти билан уй соҳибасидан рухсат тегди. Рауф ака биз билан ташқарига чиқаркан, зина йўлагиди хонадони эшигига ўгирилди-да, уйига қараб: «Қафас-

дан чиққан қуш қайтиб келурму!..» — деб хитоб қилди. Унинг бу «хитобидан» ҳаммамиз гуррос кулдик. Албатта, буни биз ҳазил деб ўйлагандик. Йўқ, ҳазил эмас экан. Рауф ака шу кетганича уч-тўрт ой кўринмабди. Кейин билсак, умуман, шаҳардан бош олиб чиқиб кетган экан...

Рауф ака билан бир марта Водийга сафар қилганимиз ҳам эсимда. Қайтгач, сафар таассуротларини ўртоқлашаётганимизда «Йўл узоқлик қилмадими, толиқмадингизми, Рауф ака?» дея кимдир луқма ташлади. Рауф ака пинагини бузмай: «Толиқишга улгурмадик, йўл икки шишалик экан», — деб жавоб қилди. Бу — икки шиша бўшагунча манзилга етиб олдик, дегани эди...

Эмишки, бир куни Рауф ака катта қалам ҳақи олиб, уни нашриёт биносида учраган шоирга улашаётганимиш: «Меҳмон қилганларингиз қарзи» ёки «Бир куни меҳмон қиларсизлар», дея — қарзга...» Тенгқур шоирлардан бири қўлидан пулни оларкан, бир зум унинг юзига тикилиб қолибди. «Ҳа, нима бўлди?.. Олинг, олаверинг!..» — дебди Рауф ака. У шоир эса ҳамон тикилганча: «Нега кам?..» — дермиш.

Дарвоқе, шоирлар ичида шунақа ношукурлари учраб туради. Ҳотамлик қилсанг, нега сидқидилдан қилмаябсан дея ёқангдан тутадиганлари ҳам йўқ эмас.

Рауф Парфи бетакрор инсон ва бетакрор шоир эди. Унинг шеъриятию ҳаётига, турмуш тарзига тақлид қилган ёшлар кўп бўлди. Лекин улар бу борада ҳам муваффақиятсизликка учрадилар. Рауф Парфи эса ҳаёт бўйлаб чаманзорда гул танлаб юрган ошиқдек таманно юришида давом этаверди... Устозлардан бири, Рауфдай бегубор, мусичадек беозор қалбли инсоннинг юрагида шу қадар долғали изтироблар бўлишига то ҳануз лол қоламан, деганди.

Унинг аксарият шеърларида тоғ шалолаларидек тиниқ, зангор туйғулар жилва қилган бўлса, баъзан «ўйлаб топилган» қабилидаги гам-ғуссалар ҳам йўқ эмасди. Ижоди давомида унинг биллур ирмоқмонанд шеърлари ғалаёнли изтироблар дарёсига айланди. Шу

боис баъзан унинг дастлабки шеърлари, яъни:

*Ёз кечаси. Осмон-фалакда
Кундузнинг китоби ўқилди.
Тарс ёрилди қовун палакда,
Олтин шафтолилар тўкилди...*

сингари сатрларига ошуфта бўлсак, дам қайта-қайта ўқиш жараёнида тугёнли алам-фарёдлари тажассуми бўлган:

*Абадий коинот бирла қоламан,
Ўлсам чирқирайди овозим танда.
Энг янгроқ юлдузни узиб оламан.*

*Эзилган, хўрланган баргман тубанда,
Ёлғиз ўзим — халқман, ўзим — оломон.
Мен шоирман ахир, шоҳман, эй банда...*

сингари мисраларнинг сеҳрли гирдобига тушиб қолганлигимизни сезмай қоламиз.

Шоир дунёга нима учун келади? У дунёдан нима орттиради? У дунёга нима қолдиради?.. Бу мангу савол ҳаммани ўйлантириб келган. Тоабад ўйлантиради ҳам.

Рауф Парфи ижоди борасида ҳам бу савол янграши табиий. Лекин бир нарса аниқки, у ижоди замирида Ҳаётга муҳаббатини изҳор этиб умргузаронлик қилди, Ватанини кўйлади, Истиқлолни эъозлади, беғараз яшаб ўтди. Шак-шубҳасизки, ундан тиниқ туйғулар, ёниқ дард, ҳассос шеърият мерос бўлиб қолди. Ва бу мулк ҳеч қачон ўлмайдиган адабиётимизда шеърият қадрини баланд тутиш учун ҳамиша хизмат қилади. Бугунги кунда эса, айниқса...

Шоир охириги тўплами «Сўнги видо»ни ушбу мисралар билан якунлаган:

*Хайр, шивирлаган, синграган баёт,
Хайр, заҳматларда чирпинган халқим.
Хайр, шеъриятга кўмилган ҳаёт.*

Шундай Шоирнинг ҳаёт билан видолашганига то ҳануз кўниколмасак, не ажаб!

2009

НОЁБ ФАЗИЛАТ СОҲИБИ

Ҳар бир давр ўзининг муносиб шахсларини яратади ва уларда бутун куч-қудратини, фазилатларини намоён қилади.

Устоз Ҳамид Фуломни мен ана шундай ўз даври кўламини ўз шахсида намоён қилган ноёб сиймолардан деб биламан.

Мен устозни дастлаб «Машғал» романи орқали таниганман. Бу асар ўқувчилик давримизнинг — 60-йилларнинг энг ардоқли асарларидан бири эди.

Бутун мамлакатга машҳур ва севимли бўлган «Тошболта ошиқ» драмаси ҳам устознинг қаламига мансуб эди.

Мен Ҳамид Фуломни 70-йилларда ТошДУни тамомлаб, «Ёш гвардия» нашриётига ишга келган пайтларимда яқиндан таниганман. Устоз ўша пайтларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига раҳбарлик қилар эдилар.

Биз тенги ижодкорларнинг ёдида қолган нарса — бу ўша даврда Фафур Фулом номидаги нашриётда адабиётга, нашр ишларига муносабатнинг тубдан бошқачалиги эди. Ўшанда, аввало, шеърят бўлими кенг қанот ёзди. Йилига 50—60 номда шеърый тўпламлар чоп этилди. Уларнинг кўпчилиги ёшларники эди, албатта. Кейин наср бўлими кучайиб кетди. Таржимачилик, адабиётшунослик соҳасида мисли кўрилмаган уфқлар очилди. Буларнинг бари ўз-ўзидан юзага чиққани йўқ. Ҳамид Фулом шахсининг кўлами ана шунда ёрқин намоён бўлди.

Бу эришилган ютуқларни, бугунги кун назаридан боқиб, ўша давр имкониятлари тақозо этарди, дейиш ҳам мумкин. Лекин раҳбар олижаноб ниятли, ижод ошуфтаси, ёш ижодкорларга ҳамиша меҳри товлашиб турадиган шахс бўлмаганида нашриёт бундай мавқега кўтарилар олармиди? Ҳолбуки, ўша даврда бадиий асарларни чоп этиш зиммасига юклатилган бошқа нашриётлар ҳам мавжуд эди. Бироқ нашриётлар орасида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат

нашриётининг мартабаси беқиёс суръатлар билан ўсиб кетди.

Мен устоз Ҳамид Фулом билан юзма-юз мулоқотда деярли бўлмаганман. Лекин уни нашриёт биноси йўлакларидида кўп бор кўрганман ва ҳамиша салобати босган. Унинг қўл остида ишлайдиган ходимларнинг доим фахр билан, тўлиб-тошиб гапирганларига кўп бор эшитганман.

Кейинчалик шунга амин бўлдимки, эл ичида обрў топиш ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмас экан. Бунга инсон йиллар давомида заҳматли меҳнати, холис нияти билан эришар экан. Устоз Ҳамид Фулом ана шундай ўта заҳматкаш, умрини интизомга бўйсундирган, холис ниятли инсонлардан эди. Ундаги энг ноёб фазилат ижодни раҳбарлик мақоми билан уйғунлаштира билганлигида кўзга ташланарди.

Устоз умрининг охиригача эл ичидаги обрўсини банд мавқеда сақлаган ҳолда ижодга садоқат билан яшади.

Адабиётнинг кўҳна майдонида ижодкор ҳаёти ва унинг асарлари тақдирига доир яна бир жиҳат борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Очиқроқ айтадиган бўлсак, устозларимиз ҳаёти ҳатто эътиқодларни кўпориб ташлайдиган даражадаги ўзгаришлар, эврилишлар замонига тўғри келди. Бу уларнинг умр бўйи яратган асарлари тақдирига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Лекин шунини ифтихор билан айта оламизки, устоз Ҳамид Фуломдан давр алғов-далғовларидан омон ўта олган эзгу шеърлар, шукуҳли асарлар ва драмалар қолди. Уларни ҳар доим ўқувчилар кўзга суртиб ўқийди.

2007

ШАҲС ЖОЗИБАСИ

Сенга замондош бўлган, сен кўрган-билган, ҳатто бирга ишлаш насиб этган одамларни, айниқса, раҳбарларни қандай шахс эканликлари уларни қай ҳолатда кузатганларинг белгилар экан. Агар улар ўтиб кетишган бўлса, хотираларингга қараб ҳукм чиқаришинг мумкин.

Хусусан, Ўлмас Умарбековнинг сиймоси хотирамдаги ўчмас лавҳаларда бот-бот жонланади.

Ўтган асрнинг 85-йили эди, чамаси. Жамиятдаги ўзгаришлар кескин бурилиш ясаган кезлар. Мен Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлардим. Раисимиз Сарвар Азимов ишдан кетармиш деган гаплар ростга айлана бошлади.

Ҳаммамизнинг наздимизда беқиёс обрўга эга бўлган раҳбар ишдан бўшатиладиган кун етиб келди. Уюшмада катта пленум чақирилди. Уни Республика Компартияси Марказий Комитети ғоявий ишлар раҳбари машҳур «Опа» бошқарди. Кун тартибидаги масала битта — Уюшмага янги раҳбариятни сайлаш эди. С.Азимов «ўз аризасига кўра» лавозимидан бўшатилади. Унинг «аризаси» овозга қўйилди. Аризани ҳамма яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бундан қониққан мажлис бошқарувчиси, «гапингиз борми», дегандек С.Азимовга имо қилди. У минбарга кўтарилди ва жуда қисқа гапирди. У «аризамни қўллаб-қувватлаганинглар учун барчангизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман», дегани эсимда. Ушбу «чуқур миннатдорчилик» замиридаги аламни ва аччиқ истеҳзони биз — у билан бирга ишлаган ходимлар яхши ҳис этгандик ўшанда.

Кейин Ўлмас Умарбеков номзоди янги раис сифатида эълон қилинди. Гарчи бу ҳақда шивир-шивир гапларни ҳамма олдиндан билган эса-да, залда бир тўлғаниш сезилди. Янги раис номзодини ёқлаб бир неча таниқли адиб минбарга кўтарилди. Собиқ раисдан кўп ҳимматлар кўрган бир адиб эса ўзининг шогирди раислик мартабасига эришганлигидан ниҳоятда мамнунлигини изҳор этиб, янги раисни жўшиб алқаркан, собиқ раисни яниб ўтишга ҳам имконият топди.

Ниҳоят кетма-кет алқовлардан кейин Ў.Умарбеков номзоди овозга қўйилди. Ва бир овоздан у раисликка тасдиқланди.

Хуллас, давр шунақа эди. Сиёсат тақозосига биров юрак ютиб қаршилиқ кўрсатиши тугул эътироз ҳам билдирилмасди. Сарвар Азимов қисматига ўша дақи-

қаларда залда ўтирганларнинг даярли кўпчилиги ачи-
ниб-куюнган, лекин уни ошкора ёқлай олмаганди.

Мен ўшанда Ўлмас акани кузатганман. У ҳам куюн-
ган бўлса ажаб эмас. Лекин чархнинг кажрафторлиги
шундаки, куюнаётган одамнинг ёқлаш имконияти-
дан на фақат маҳрумсан, уни мартабасидан тушириб,
ўрнини эгаллашинг ҳам керак! Вазият шунақа! Қалби
бўлмаган одам сиёсатдаги ўйинларга жуда жўн, ода-
тий деб қараши мумкин, ҳатто у бундай вазиятни ўзига
толе кулиб боққани дея қабул қилади. Лекин Ўлмас
ака буқаламун одамлардан эмас эди. Мен уни адиб си-
фатида таниганимдан буён шахсининг жозибасига маҳ-
лиё бўлганман. Аммо бу жозоба нимада эканлигини
ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Мен анжуманнинг қалтис дақиқаларида уни кузат-
дим ва туйқусдан ўша мубҳам жозибани топдим: бу
унинг юзидаги тоза нур экан! (Шоирлар бунга «ило-
ҳий» дея тавсиф берадилар.) Бу нур виждондан, ву-
жуддаги имондан тараладиган нур эди! Не бахтки, бу
нур жамият алғов-далғовларидан, тақдирнинг кескин
бурилишларидан сири заха топмади.

Баъзан ортингда қолган воқеаларга — сен шоҳиди
бўлган тарихга назар солсанг, у ўта жўнлигидан, ғай-
ритабийлигидан нўноқ драматург ёзган сахна асарига
ўхшаб кетади. Ундаги «қаҳрамонлар» истейдодсиз ижод-
корнинг сохта туйғуларига, мўрт иродасига бўйсунушга
мажбур. Алам қиладиган жойи шундаки, бу жараён энг
ноёб асар сифатида талқин этилади ва унга ҳамма қар-
сак чалишга мажбур.

Мен тилга олган даврда сиёсий дағдағалар авжга
чиққан, миллий удуму анъаналаримиз истиҳоласиз
оёқости қилина бошлаган эди. Дин умуман қатағон ос-
тига олинди, Наврўз куни (об-ҳавонинг қандай кели-
шига мослаштирилиб) суриладиган бўлди!.. Асарларда
«худо» сўзини ишлатиш кескин тақиқланди! (Бундан
ортиқ телбаликни тасаввур қилиб бўладими?!) «Шарқ
юлдузи» журналида босилаётган Шекспир трагедияси
таржимасидаги жамики «худо» сўзлари цензура томо-

нидан «осмон» сўзига алмаштирилди!

Республикага кириб келган «гдлянчи»лар қовун полизига кирган қароқчилардек иш тутдилар... Бу томошаларни ўша даврдаги йирик марказий матбуот дунёга ноғора қилди ва унга бутун халқ, жумладан, ўз халқимиз ҳам чапак чалишга мажбур этилди.

Бундай бедодликдан сабр косаси тўлган бир гуруҳ ёш адиблар ўша даврдаги энг олий орган — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси раҳбарига хат билан мурожаат қилдилар. Мазкур хат тегишли манзилга етиб борган ва унда таъкидланган гаплар кўриб чиқилиши сўралиб, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти ҳукмига ҳавола қилинган эди.

Уюшмада бу ҳақда гап оралаб қолди. Шу аснода туйқусдан «тепада» йигилиш бўлиши айтилиб, унга хатга имзо чеккан 28 адиб ва уюшманинг масъул ходимлари иштирок этиши билдирилди. Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашига дахлдор бўлганлигим учун мен ҳам қатнашдим.

Таклиф этилганлар кичик залга тўпланишди. Рўпарага кўйилган иккита ўриндиққа Республика ҳукуматининг ғоявий раҳбари мазкур «Опа» ва Ўлмас ака келиб ўтиришди.

Опа йигилишга жиддий тус бериш маъносида шекилли, сўзининг бошида: «Ҳурматли ёзувчилар, куни кеча шу ерда атоқли шоиримиз Уйғунга Қаҳрамонлик унвони ва «Олтин юлдуз» нишони топширилди. Сизларни мана шундай мўътабар жойга таклиф этдик...» дея, мажлиснинг мақсад-муддаоси билан таништирди. Дастлаб хат ўқиб эшиттирилди, сўнг ўтирганларга бир-бир сўз берила бошланди. Шу тахлитда мажлисни силлиқ якунлаб, хатда кўтарилган муаммоларни «юмалоқ-ёстиқ» қилиб, Марказга (Москвага) «ўрганилди, кўрилди, ҳал этилди...» қабилида жавоб йўллаш кўзда тутилган эди, чамамда. Афсуски, бунинг тамомила акси бўлиб чиқди. Ҳар бир ёш ижодкор дафъатан ҳаётда нотўғри амалга оширилаётган ишлар борасида кўрган-билган, эшитганларини шундай дадиллик билан тўкиб

солдиларки, «Опа»нинг капалаги учиб кетди. Ва ўзининг бурчакка қисилиб бораётганлигини пайқаб, бирдан асабийлаша бошлади. Бу жараёнда марҳум адибамиз Мукаррама Муродова ўта жасоратли эканлигини намоён қилган эди. У яқинда водийга бориб келгани ва у ерда ўзи шоҳид бўлган воқеалар ҳақида сўзлай бошлаганда бирдан «Опа» уни тўхтатиб, «менга умумий гапларни гапирманг, мисоллар билан гапиринг», деб қолди. Уни довдиратмоқчи бўлди, шекилли. Лекин Мукаррама довдирамади. Аксинча, ўзига хос салмоқ билан гапида давом этди: «Мен Андижонда суннат тўйи ўтказгани учун партиядан ўчирилган раҳбар ҳақида одамлардан эшитдим, Фарғонада коммунистлар отасининг азасига қатнашишдан қўрқишаётган эмиш, Наманганда аёллар бошидаги оқ рўмоллар юлиб олинаётганлигини ўз кўзим билан кўрдим...» Залда ўтирганлар: «Тўғри, биз ҳам бундай ҳолатларнинг шоҳиди бўлганмиз!..» дея Мукарраманинг гапини қувватлаша бошлаганда Опа «шовқин солманглар!..» дея тутақиб кетди.

Уч соатдан ортиқ давом этган мажлис мана шундоқ алғов-далғовли руҳда ниҳояланди. Жўяли якун қилинмади. Ундан эсимда қолгани — ижодкорлар овози ўша кунги сиёсатдан тамомила баланд келди. «Қиличидан қон томиб турган» опанинг илк бор «мағлуб бўлгани» ҳақидаги «шов-шув» «шивир-шивир гап» тарзида эртасигаёқ ҳамма вазирлигу идораларга етиб бориб, жиндек бўлса-да, у ердаги раҳбарларга уларнинг ҳам инсонликларини, уларда ҳам ғурур борлигини эслатиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

Мен ушбу йиғилиш ҳақида муфассал гапириб, кўнглимдаги муддаомдан мутлақо чалғиб кетганим йўқ. Аксинча, унинг баҳонасида Ўлмас ака қиёфасини ёрқинроқ кўрсатиш иштиёқидаман. Яъни, мажлис бошланиши олдида зал саҳнида иккита ўриндиқ бор эди, дегандим. Таъкидлаганимдек, уларга «Опа» ва Ўлмас ака келиб ўтиришди. Мажлисни бошдан-оёқ «Опа»нинг ўзи олиб борди. Ўлмас ака шунча вақт давомида оғиз

очиб, бир сўз ҳам демадилар. Ҳайратланарли жойи шунда эдики, «Опа» чорасиз ҳолатларга тушиб қолганда ҳам у безовта бўлиб тўлганмади. Агар унинг ўрнида «ҳайбаракаллачи» бошқа раҳбар бўлганида, тасаввур қилиб кўринг, қандай ҳолат рўй берган бўларди. «Ҳаддидан ошаётган ижодкор»га Опа бир қамчи туширганда бошқа раис, шубҳасиз, тўрт қамчи туширарди. Бундоқ «тарбиясиз, шаккок» ижодкорларни тавбасига таянтириб қўйиш учун ва уни «қайта тарбиялаш» учун шубҳасиз, «Опа»дан дарҳол изн сўраган ҳам бўларди, шаксиз.

Лекин Ўлмас ака бундай қилмади. Бундай тубанликка бормади. Йўқса, давр ҳазилакам давр эмасди. Шундай дақиқаларда Ўлмас акадаги жозиба яна зоҳир бўлди. Қалтис ҳолатларни мулоҳаза қилганча мен ундан узоқ дақиқа кўз узмадим: унинг юзидаги нур зинҳор саёзлашмаган эди!

Йиллар ўтиб кетавераркан. Ҳар қандай чигал ва мураккаб бўлмасин, у даврлар ҳам ортда қолди. Айтмоқчи, ўша кунлардан кўп ўтмай, «хат» Уюшмада ҳам муҳокама қилинди. Унда мажлисни Ўлмас аканинг ўзи бошқарди. Ҳеч кимнинг бурни қонамади.

Маълум муддатдан кейин мен нашриётга Бош муҳаррир ўринбосари лавозимига ишга тайинландим. Ўлмас ака яхши тавсиянома бердилар. Кейин Ўлмас аканинг ўзлари ҳам бошқа лавозимга кўтарилиб кетдилар. Кейинчалик Ўлмас аканинг қаттиқ дардга чалинганини эшитдим. Дўрмондаги Ёзувчилар боғидаги кotteжга кўчиб ҳам келибдилар.

Кунлардан бир кун кечроқ пайт Дўрмонга пиёда келаётган эдим. Бир пайт рўпарамдан келаётган «Волга» ёнимда тўхтади. Қарасам, Ўлмас ака! Тушмоқчи бўлаяптилар! Ёнларида кеннойи. Югуриб бориб кўришдим, тушишларига қўймадим. Ўлмас ака ҳам шундай астойдил сўрашдиларки, самимиятларидан довдираб қолдим. Хўшлашишдан олдин, «ўтиринг, олиб бориб қўяман» деб туриб олдилар. «Йўғ-е, бир қадам қолдику, Ўлмас ака. Раҳмат! Ҳамиша соғ бўлинг, устоз!» —

дея уни кузатдим ва ортларидан термилиб қолдим. «Нақадар меҳрли инсон-а!..» — кўнглимдан ўтқардим. Топдим: унинг шахсининг жозибаси худди ана шу меҳрда! Бу охириги кўришувимиз бўлди.

2008

ОҚ САЛЛАЛИ ТОҒЛАР ДУОСИ

Столим устида Тоғай Муроднинг ҳаётлик пайтида нашр этилган китоблари. Улар — ҳаммаси бўлиб беш-олтита. Дўстимнинг барча асарларини ўқиганман. Мана, қайтадан варақлаб ўтириб, хаёлга чўмаман. Яна варақлайман. Бу сафар уларни энди келажак авлод учун нечоғлик муҳимлигини ўзимча салмоқлаб кўриш маъносида кўздан кечирган бўламан...

XX аср бир жиҳатдан коммунизм сароби билан инсоният эсида қолди. Унинг ғоясига маҳдиё бўлган ёзувчилар алдангандилар. Нега шундай бўлди? Ахир бу умрини ижодга бағишлаган бир тоифа қалам аҳли учун адолатсизлик эмасми? Йўқ, мен буни дангал туриб адолатли бўлди, деган бўлур эдим. Чунки бундай ёзувчилар ҳаёт ҳақиқатига эмас, кўпроқ ғояга хизмат қилган эдилар. Энди ҳақиқат улардан ўч олмоқда.

Тоғай Мурод эса илк асарларидан бошлаб юрагидаги дардни, халқимизга хос бўлган бетакрор жиҳатларни қаламга олишга интилди. Шу боисдан унинг ҳар бир янги асари адабиётда шов-шув бўлди. Осонликча эришиб бўлмайдиган бу муваффақиятларнинг сири нимада эди? Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай дейди: *«Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб қолмаслиги учун майда-майда ҳикоялар машқ қилиб туриш...»*

Ёш Бальзак ёзувчи бўламан, дея аҳд қилган ўсмирлик йилларида Париждаги бир уй болохонасини ижарага олиб, ижодга шўнғийди. Кейинчалик улуғ адиб ўша даврларни: «Ёзишдан толиққанимда, кечқурунлари болохона айвонига чиқиб, тунги чироқлар остида-

ги Парижга тикилардим ва пичирлаб: «Эй Париж, бир кун сени истеъдодим олдида тиз чўктираман!» – дер эдим», дея хотирлайди.

Дарҳақиқат, ёш ижодкорда ўз иқтидорига чексиз ишонч бўлмаса, адабиёт осмонида юксакликларга кўтарила олиши мумкинми? Тоғайдаги бу ишонч унинг ушбу сўзларида мужассам эди: *»Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек зиёлилари қайғуси билан яшадим.*

– Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!»

Унинг бу жўшқин эҳтироси «Отамдан қолган далалар» романини яратишига куч, қанот берди.

Тоғай сўзини беҳуда қоғозга туширмайдиган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам унинг дил изҳорларида ижодкорларга хос одатдаги ҳаяжон ҳовури эмас, балки тегран самимият ила шахт бор эди.

Мен Тоғай билан ҳамкурс бўлганман. ТошДУнинг журналистика факультетида бирга таҳсил олганмиз. Ҳаммасидан ҳам ўқишга кирган йилимиз яхши эсимда қолган. Ўша йили бир-икки ой ўқиганимиздан кейин домламиз Мухтор Худойқулов «Мен нима учун журналистика соҳасини танладим?» мавзусида дилимиздаги гапларни ёзиб келишимизни тайинладилар.

Ҳамма ўз билганини қоғозга туширганди ўшанда. Мухтор ака ҳар биримизнинг дил баёнимиз билан танишиб, айримларимизнинг ёзганларимиздан ифодали ўқиб бериб, ижодий қобилиятларимиз ҳақида илиқ фикрларини билдиргандилар. Тоғайнинг иншосидаги шундай жумлалар эсимда қолган: «Мен ўрта мактабни тугатгач, билимимни ошириш учун Тошкентга йўл олдим. Ортимдан оқ саллалари тоғлар дуо қилиб қолдилар...» Домла ушбу сўзларни ҳаяжонланиб ўқиркан, «Илоҳим, шу тоғларнинг дуоси ижобат бўлсин!» – дегандилар.

Кейинги бирга таҳсин олган йилларимиз давомида Тоғайнинг бирор нарсасини ўқимадим. У табиатан камгап эди. Адабий баҳсларга кам аралашарди. Кўпроқ хаёл сураб, ташқаридан қараганда, уни шунчаки ўйларга берилган эмас, балки қандайдир муҳим фикрлар билан

банд эканлигини, ниманидир ҳал қилишга чоғланганлигини пайқаш мумкин эди. Тоғай билан ҳамхона бўлиб яшаган дўстларимиз уни баъзан нималарнидир қоғозга туширишини айтиб қолишарди. Лекин уни ҳеч ким катта ёзувчи бўлади деб ўйламаганди. Чунки курсимиздагиларнинг кўпчилиги ўзларини шаклланган ижодкор даражасида санай бошлаган ва таҳририятлар билан аллақачон мулоқот ўрнатиб олишганди. Лекин, афсуски, уларнинг барчаси адабиёт майдонини эрта тарк этиб кетишди.

Тоғай билан сенсираб гаплашардим. Мен ҳам ўқишни тамомламагунимча бирор сатр шеъримни эълон қилдирмаганман. Тўғриси, мурғаклигимдан ёзишга ихлосим чексиз бўлганлиги билан жуда кам ёзганман, чинакам ижод нималигини фақат университетга келиб англаганман ҳамда илк машқларимни ўшанда бошлаганман.

Мен баъзан Тоғайга қораламаларимни ўқиб берганимда, у фикрини лўнда қилиб айтар, кейин «Миртемирни ўқиш керак, Миртемирни! Ана у — ҳақиқий шоир!» — дея, ёддан унинг шеърларидан парчалар ўқирди. Мен шунда унинг шеърятни нозик тушунишига лол қолардим.

У бирор муҳим фикр юзасидан мулоҳазасини билдиргудек бўлса, аввал тараддуланиб олар, сўнг гўёки бу унинг учун сўнгги имкониятдек куюниб, ҳатто жунбушга кириб гапира бошларди. Шу боисдан ҳам, яъни фикрини бамайлихотир билдиrolмаслигини англаганлиги учун ҳам у камгап эди балки.

У самимий ҳазил-ҳузулни яхши кўрарди. Қуёшдай чарақлаб кулиб, баъзан ўзи ҳам мутойибага қўшилишга ҳаракат қилар, лекин ўз шаънига нобоп гап айтилгудек бўлса, қора булутдек тундлашиб кетар, ҳатто муштини ишга солишдан ҳам тоймасди.

Университетни тамомлагач, ҳаммамиз ҳар томонга тарқаб кетдик. Мен Тоғай билан ҳам онда-сонда кўришардим. Бир куни учрашиб қолганимда:

— Менга қара, таржимани боплабсан-ку! — деди.

— Қайси таржимани?

— Ўлжас Сулаймоновдан. «Дружба народов»да чиққан шеърини. Сатрма-сатр солиштириб чиқдим. Ҳайратланарли даражада мукамал чиқарибсан!..

Тоғай кейин бир неча йиллар давомида гоҳ у таҳририятда, гоҳ бу таҳририятда ишлаб юрди. Бир пайт унинг «Гулистон» журналида ҳикояси чиққанини эшитиб қолдим. Чамамда, номи «Заранг таёқ» эди. Адабиёт майдонидаги оғзаки танқидчиликнинг пешқадам вакиллари: «Бу ҳикояда жон бор», деб ҳар даврда гапириб юришди. Лекин ўша пайтда ким кўп — бошловчи ҳикоянавис кўп эди. Тенгқур дўстларимиз Тоғайни ҳам шулардан бири деб қабул қилишди ва бу ҳикояни биров ўқиди, биров ўқимади.

Мен «Ёш гвардия» нашриётида ишлардим. Кунларнинг бирида (куз фасли эди, чамамда) хонамга Тоғай кириб келди. «Бу йил пахтага бормадим, мана шу қиссамни оққа кўчирдим, шунга бир кўз ташлаб берсанг», деб қолди.

Мен асарни қўлимдан қўймай ўқиб чиқдим. Бу унинг «Юлдузлар мангу ёнади» номли илк қиссаси эди.

Икки-уч кун ўтиб, у яна олдимга келди. Мен рўзгорига ишлатадиган пулини қарзга бераётган одамдек мақтовдан ўзимни тийиб, бир зум сукут ичида қотдим.

— Қалай? — деди Тоғай. — Маъкулми?

Мен шартга дедим:

— Ажойиб! Зўр ёзибсан, дўстим!.. Ростини айтайми сенга, чингизона қисса бўпти!

— Ростданми? Шунақа дегин-а?.. — деди у асари нашидасидан ҳам яйраб, ҳам ишонқирамай.

Баъзан шаънингизга айтилган шундай мақтовлар бўладики, уни эслаб истаган пайтда дилгир кўнглингизни равшан қиласиз. Менинг ушбу дил сўзларим ҳам унинг қалбига бир неча муддат мунавварлик бахш этган бўлса, ажаб эмас.

Кейин Тоғайнинг кетма-кет қиссалари эълон қилинди. Бири биридан ажойиб асарлар эди улар. Шунда мен

унинг катта ижодий куч тўплаганлигини ҳис этдим. Бунга, албатта, чуқур мутолаасиз эришиб бўлмади. Менимча, Тоғай чинакам мутолаага асосан университетни тугатганидан кейин бел боғлаб киришган. Чунки бизлар кўпчилигимиз бирор жойга ишга илиниб олган, уй олиш ёки ўсиш иштиёқида асосий вақтимизни идора ишларига қурбон қилганмиз. Тоғай эса бирор-бир жойга астойдил танда қўймаган эди. Ўша пайтлар кўришганимизда у Достоевскийнинг ҳамма жилдларини ўқиб чиқиб, ҳозир «Ўлик уйдан мактублар»ини қайта ўқияпман, деганди. Ўша давр замонавий рус адабиётини эса миридан-сиригача ўзлаштирганди.

Кейинчалик Тоғай билан кам учрашадиган бўлдик. Менда фурсат йўқ эди. У эса ўзининг ижодий режаларига шўнғиганди. Баъзан у яшайдиган мавзегга йўлим тушиб қолганда уни спорт кийимида учратиб қолардим. У югуришдан бир зум тўхтаб:

- Қалайсан? — деб кўришган бўларди.
- Ўзинг яхши юрибсанми?
- Ҳа, яхши, мана, кўряпсан-ку...

Шу билан гапимиз тугар ва икковимиз ҳам ўз йўлимизда давом этардик.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб бўлиб ишлаётган пайтимда бир куни Тоғай телефон қилиб қолди. Ёзувчилар ўша пайтда иккига — уюшмага ва иттифоққа бўлинган эди. Мен уюшмада эдим.

— Янги асаримни ўқидингми? — деди.

— Эшитдим, лекин ҳали ўқишга улгурмадим, — дедим. Гап «Отамдан қолган далалар» романи устида кетаётган эди.

Роман «Ёшлик» журналининг иккита сониди эълон қилиниб, эндигина нашрдан чиққанди.

— Шунини уюшмада муҳокамасини ташкил қилиб берсанг дегандим...

— Яхши фикр. Албатта ташкил қиламиз...

Ўша пайтларда Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига асарлар тавсия этилаётганди.

Мен уюшма мутасаддиси Жамол Камолга бу ҳақда фикримни етказдим. У, агар ташкиллаштиришни тўлиқ

Ўз масъулиятингизга олсангиз, киришаверинг, деди.

Муҳокама бўладиган куни зал иштирокчилар билан тўлди. Келишганимиздек, йиғилишни Наср кенгашининг раиси олиб бориши керак эди. Муҳокама муваффақиятли ўтишидан кўнглим тўқ эди. Белгиланган соатда йиғилишни очиш учун залга кириб бордик. Уюшма масъуллари пастда ўтирдик, кенгаш раиси минбарга кўтарилди.

— Ўртоқлар, — деди у томоқ қириб жиддий қиёфада. — Бугун йиғилишимизни қолдиришимизга тўғри келади. Чунки мен асарнинг иккинчи қисмини ўқиб улгурмадим. Мирпўлат менга вақтида етказиб бермади. Яна бир карра узр, ўртоқлар...

У минбарга катта сумкасини кўтарганча чиққанди. Яна уни кўтарди-да, шляпасини бостириб кийиб, тўғри эшик томон йўналди. Ҳамма довдираб қолди. Йиғилишга масъул менман. Шитоб билан минбарга кўтарилдим ва:

— Ўртоқлар, муҳокама қолдирилмайди, бўлади. Чунки бу ерга асарни ўқиганлар йиғилган. Жамол ака, марҳамат, муҳокамани ўзингиз бошқарсангиз... — дедим.

Жамол ака ўтирган жойида, ҳечқиси йўқ, ўзингиз бошқараверасиз, дедилар. Хуллас, йиғилишни ўзим бошқаришимга тўғри келди. Муҳокама қизгин тусда икки соатдан ортиқ давом этди. Унинг якунида асар бир овоздан Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига тавсия этилди. Ушбу мўтабар мукофотга сазовор бўлди ҳам. Лекин қизиғи, Тоғайнинг ўзи муҳокамага келмади, ўрнига турмуш ўртоғини жўнатибди.

Асар, ҳақиқатан ҳам, юксак савияда яратилганди. Бамисоли кўшиқдек ўқилади. Унинг муваффақияти — жафокаш ўзбек халқининг меҳнатию қисматининг юксак бадий маҳорат билан очиб берилганида эди. Пахта деб ерга эгилган халққа чинакам ҳайкал эди бу.

Тоғайнинг бу асарига катта ижодий куч сарфлаганлигини унинг қўйидаги иқроридан ҳам пайқаса бўлади: *«Аmmo романи бошлаб... пахта нима эканлигини билмаслигимни англаб қолдим. Оппоқ қоғоз билан юзма-юз бўлиб... пахта билан мен бегона эканлигимни англаб қолдим.*

Мен учун пахта қайси бир... қайси бир денгиз остида ўсажак ўтдай бўлиб туюлди.

Мен пахта масаласида... бир гўрсухта эканимни биллиб қолдим.

Мен энди ўнлаб пахтачилик дарсликларини ўқидим. Неча ўнлаб қишлоқ хўжалик китобларини ўқидим.

Пахтада ўтмиш кунларимни бир-бир эсладим. Ўзим билмиш пахтакорларни бир-бир ёдладим.

Барибир... барибир бўлмади.

Мен ўзимни... халқ ҳаёти билимдони дея ўйлар эдим, халқ руҳияти билимдони деб ўйлар эдим.

Мен пахта билан юзма-юз бўлиб... мен ҳали ўзбек деҳқонини билмаслигимни англадим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб... мен ҳали пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим.

Мен қоғоз-қалам ҳамладим. Мен Сурхон далаларини нишонладим...»

Бу етук ёзувчининг теран дил сўзлари ва шижоатли руҳининг зуҳури эди.

Биз бир гуруҳ адиблар Сурхоннинг Олтинсойида бўлганимизда Тоғайнинг юртдошлари, ёзувчимиз мана бу шийпонда яшаган, мана бу далаларда деҳқонлар билан суҳбат қурган, бирга меҳнат қилган, дея фахр билан гапиришганди.

Тоғай ушбу асари билан адабий жамоатчилик оғзи-га тушди, эл меҳрини қозонди. Ҳолбуки, бу икки тоифага бирдек манзур келиш камдан-кам ижодкорга насиб этадиган бахтдир.

Айниқса устоз адиб — Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар адабиётимизга янги истеъдод кириб келганлигидан мамнун бўлдилар. Озод Шарафиддинов «Отамдан қолган далалар»ни олий мақомдаги бир йиғинда мустақиллигимиз шарафига битилган энг етук асар деб баҳолади.

Мен Тоғай билан кейин кўп мулоқотда бўлмадим. Эсимда қолгани, у юқорида айтилган мукофотини олганида қутлаш учун уйига ўтганим эди. Дўстим Шод-

мон Отабек иккимиз уч-тўрт кун кечикиб ўтдик. Тоғай бизни астойдил қарши оларкан, гинахонлик ҳам қилди:

– Ҳамма ишни ўзинг бошлаб қўйиб, қаерларда юрибсан? Сени биринчи куни келар деб кутгандим...

Биз ичкарига кирарканмиз, кўзим эшиги очиқ хо-нага тушди... Ижодхонаси бўлса керак. Шинамгина. Де-ворга тақаб хонтахта қўйилган, ёнига кўрпача ёзил-ган, хонтахта устида «Қуръон»нинг янги чиққан ўзбек-ча нашри турарди...

Тоғайнинг ҳаётдан кўз юмганини тўсатдан эшитдим. Ҳам дўст, ҳам курсдош сифатида чиқарилишига етиб бордим. Ҳовлида тумонот одам бўлиб, уларнинг акса-рияти ижодкорлар ва зиёлилар эди.

Ўша дамларда Тоғай адиб сифатида ҳамманинг кўнглида янада каттара бошлади. Бугунги кунга келиб у адабиётимизнинг мумтоз сиймосига айланди.

Эндиликда буни мен яна бир карра чуқур ҳис этдим. 2004 йил адоғида «Дружба народов» журнали бош муҳар-рири ўринбосари, машҳур адиб Л.Теракопьян Тошкентга келганди. Домла Озод Шарафиддинов уйига таклиф эт-дилар. Даврага меҳмоннинг эски кадрдонлари — Одил ака ва Пиримқул акалар ҳам ташриф буюрдилар. Қайт-мас ёшлик даври, ижодий ҳамкорлик йиллари эсланди. Гап ўзбек адабиётининг бугунги кунига келиб тақалди.

– Биз уюшма билан келишган ҳолда ўзбек адабиёти учун махсус сон бағишламоқчимиз, шунга сизлар нима дейсизлар?.. — деди машҳур журнал номидан меҳмон.

– Прозадан мен Тоғай Муродни тавсия этган бўлар-дим, — деди Одил ака, бу фикрим қатъий, дегандек.

– Тоғай Мурод адабиётга ўзбек менталитетини олиб кирди. Дунё адабиётида ҳозир халқлар этносига қизи-қиш жуда кучайган, Тоғайнинг асарлари худди ана шу жиҳати билан эътибор қозониши шубҳасиз, — деди Пиримқул ака.

– Мен ҳам Тоғай Муроднинг асарларини тавсия эта-ман, — деди Озод ака.

Домланинг гапидан кейин меҳмон ён дафтарчаси-га нималарнидир қоралаб қўйди.

Баъзан шундай бўладики, ўтган ёзувчини хотирлаш жараёнида уни идеаллаштириш майли ҳам кўзга ташланади. Мен эса бу тушунчадан йироқман. Чунки Тоғай кўпчилик қатори оддий яшади. Лекин росмана ижод қилди. Ҳақиқатига содиқ қола билди. Муваффақиятларга эришди. Ҳали кўп гўзал асарлар яратиши мумкин эди. Лекин бешафқат ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди...

Столим устида, мана, ундан мерос қолган китоблар. Бу китоблар уни бир пайтлар катта йўлга кузатиб қолган «оқ саллали тоғлар дуоси»нинг ижобати эди. Энди ҳаёлимдан аввалги фикримнинг акси кечади: уларнинг қайси бири янги аср ўқувчиси назарига арзимаслиги мумкин?..

Дўстимнинг китобларини секин-секин варақлар эканман, улар ичига шўнғиб кетганимни сезмай қолам...

2005

ЯХШИ ИНСОН ЁДИ

Ҳаёт менга юзма-юз қилган одамлар орасида яна шундайлар ҳам бор эдики, улар оқ кўнгиллик, дили поклик ва камтаринлик намуналари эдилар. Раҳматилла Иноғомов мен учун ана шундай инсонлар қаторига киради.

Мен Раҳматилла акани дастлаб Миллий университетимизнинг домласи сифатида таниганман. Муомаламиз ўн йиллар давомида қуюқ салом-алиқдан нарига ўтмаган. Бир куни Бош муҳарриримиз Озод Шарафидинов (жойлари жаннатда бўлсин!) таҳририятимизга Раҳматилла акани таклиф қилиб, ҳаммага таништирдилар-да: «У энди биз билан бирга ишлайди — Танқид ва адабиётшунослик бўлимини бошқаради», — дедилар. Раҳматилла ака ҳам журналда ишлаб, ҳам домлалигини давом эттирдилар.

Мен у инсонни ана шу даврдан бошлаб яқиндан била бошладим. Раҳматилла ака жуда интизомли хо-

дим эдилар. Бош муҳарриримиз айтган барча топшириқларни ўз вақтида бажарардилар. Бош муҳарриримиз, ҳамма билганидек, иш борасида қаттиққўл ва жиндек «шафқатсиз» ҳам эдилар. Баъзан Раҳматилла акани ҳам даб-дурустдан койишга тушиб кетардилар. Лекин мени ажаблантирадиган жиҳати шунда эдики, Озод акам ҳам, Раҳматилла акам ҳам битта шахмат давраси — «гап»да эдилар. Иккала домла ҳам русларнинг «дружба — дружба, служба — служба» тамойилига амал қилиб, муомала қилардилар. Эҳтимол, бошқа шахс бўлганида Бош муҳаррирга давradoшлиги ёки шахматдаги тенг рақиб сифатида дашномлардан тутақиши ёки топшириқларни ҳазил билан юмшатиб, масъулиятдан бўйин товлаши мумкин эди. Лекин Раҳматилла ака ундайлар сирасидан эмас эди. Ишга — иш деб қарарди. Раҳбарнинг ҳамиша ҳурмати жойига қўярди. Айни чоғда, ўз шахсиятини, ўз ҳурмати, иззат-нафсини ҳимоя қилишнинг ўта маданиятли, нозик нуқталарини жуда яхши биларди.

Кўп ўтмай биз Раҳматтилла ака билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Бу унинг самимияти ва очиққўнгиллиги туфайли эди. Баъзан таҳририятда «чой» ташкил қилардик. Шу аснодаги ажойиб гурунглр баҳонасида кўнглимиз ҳордиғи тарқаб кетарди. Суҳбатларимиз турмуш ташвишларию ҳаёт ҳақида, дунёвий масалалару эртанги кун ҳақида бўларди. Раҳматилла аканинг бу суҳбатлар жараёнидаги ҳар бир гапи биз учун қадрли эди.

Раҳматилла ака ҳазилсевар инсон, айниқса, шахмат шайдоси эди. Ўзининг таъбири билан айтганда, шахматда ундан енгилмаган инсон йўқ эди. Кимгаки ютқазган бўлса, «раҳм-шафқати» туфайли ютқазган экан. Дам олиш кунларининг бирида таҳририятимиз ходими Ортиқбой ака Абдуллаев таклифи билан дам олиб, яъни шахмат ўйнаб келиш учун Хумсонга чиқиб бордик. Давраимизда бошқа дўстлар ҳам бор эди. Ичгулик-егулик муҳайё. Амир Файзулланинг қўлида капгир. Шахмат баравж. Раҳматилла ака билан ўйнаш навбати менга келган эди. Кўп ўйнаб чарчаганлигимдан ўйин давомида жиндек кўзим кета

бошлади. Шу боисдан Раҳматилла ака ўйинга эътиборини сусайтирганди. (Эҳтимол ўзлари айтмоқчи, рақибга нисбатан кўнгилда раҳм-шафқат уйғонгандир.) Бир пайт қарасам, мен учун жуда қулай имконият пайдо бўлибди. Шартга юрдим-у, мот қилдим. Раҳматилла ака довдираб қолди. Мен ўзимни йўқотмай, кўрдингизми, сизни ухлаб туриб ҳам енгиб қўяман, дея ғалабамдан жар солдим. Раҳматилла ака эса «Оббо, сиз-ей, оббо сиз-ей!..» дея кўлимни қисишга мажбур бўлдилар. Бу ўйин, албатта, шунчаки омадли ўйин эди. Аслини олганда, шахматда Раҳматилла акага бас келиш жуда мушкул иш эди. Раҳматилла ака билан бу ўйинни кўп бор эслашиб, кулишган эдик. Мабодо мен ким биландир шахмат сураётганим устига Раҳматилла ака келиб қолса, эҳтиёт бўлинглар, Мирпўлат даҳшатли ўйинчи, ухлаб туриб ҳам енгиб қўяди, деб ўша воқеани гапириб берардилар. Бу билан у орамиздаги самимиятни таъкидларди.

«Жаҳон адабиёти» журналидаги фаолиятимиз тақозоси билан биз – таҳририят ходимлари жуда кўп ижодий учрашувларда бўлардик. Уларда, албатта, Раҳматилла ака ҳам иштирок этардилар.

Бундай учрашувларда айниқса Раҳматилла аканинг ривоятлардан мисоллари, ўғитомуз гаплари ҳаммага жуда манзур тушарди.

Раҳматилла аканинг умридаги асосий фаолияти домлачилик бўлган бўлса, ижодда ҳам бир адабиётшунос олим сифатида кўп ажойиб асарлар яратдилар. Айниқса, унинг ўз тенгқури, дўсти, болалик ошнаси, атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодига бағишланган ажойиб рисоалари эътиборга моликдир. Бу рисоаларда у улкан шоирнинг энг машҳур шеърлари тарихига тўхталиб, кашфиёт даражасидаги тадқиқотлар қилдилар.

Раҳматилла ака фаолиятининг учинчи қирраси — таржимонлик эди. Айниқса, журналга ишга ўтганларидан кейин истеъдодининг ана шу қирраси ёрқин намоён бўлди. Сабр ва заҳмат билан, бардош ва маҳорат билан жанубий африкалик ёзувчи А.Бринкнинг «Шамолдаги лаҳ-

за», Г. Гулианинг «Фиръавн Эхнатон» романларини ва бошқа дунёвий асарларни ўзбек тилига ўгирдилар. Айниқса, унинг инглиз адиби С. Моэмдан қилган «Нотаниш одам Парижда» ҳамда «Ой ва сариқ чақа» романлари таржимачилигимизнинг ўлмас мулкига айланди.

Раҳматилла аканинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши биз — таҳририят ходимлари учун, албатта унинг ёру дўстлари учун ҳам яшин зарби каби таъсир қилди, десам, муболаға эмас. Чунки Раҳматилла ака охириги кунига қадар биз билан бирга эди. Эртаси тонгда эса машъум хабардан ҳаммамиз қотиб қолдик.

Раҳматилла ака ҳаёти давомида ўзидан ажойиб ижодий мерос билан биргаликда, садоқатли дўстлар ва муносиб фарзандлар ҳам қолдирди. Шу боисдан Раҳматилла аканинг ёди ҳаётдан асло ўчиб кетмайди.

2005

ЯССАВИЙ ЗУРЁДЛАРИ¹

«ДЎДАГАН ҚИРЛАРИНИ СОҒИНДИМ...»

Суннатилла АНОРБОЕВ. Таниқли адиб. Ҳикоялар, қиссалар, романлар муаллифи. Кўплаб ҳаётий очерклар яратган. Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкентда истиқомат қилади.

— *Суннатилла ака, сизни юртдошларимизга таништириб ўтирмайман. Улар сизни жуда яхши билишади. Ҳар гал Одил аканинг номини тилга олишганда, албатта, Суннатилла Анорбоев ҳам биздан деб, ифтихор билан қайд этишади. Ўзим бунинг кўп бор гувоҳи бўлганман.*

Суҳбатимизни нозик бир саволдан бошламоқчиман: одам улғайган сари туғилган қишлоғини, болалиги кеч-

¹ Ушбу туркум суҳбат-мақолалар «Дўстлик байроғи» ҳафта-номаси (Жанубий Қозоғистон вилояти) таҳририяти ташаббуси билан ёзилган. *Муаллиф.*

ган жойларни унута бошлайдимми ёки, аксинча, уларни тез-тез эсга оладиган бўлиб қоладими?

— Биродарим Мирпўлат, аксинча, деганингиз тўғри. Аксинча — болалигини тез-тез эсга оладиган бўлиб қолади. Менинг ҳам болалигим тез-тез эсимга тушиб туради. Худди куни кечагидек кўз ўнгимдан ўтади...

Мен Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида, раҳматли онам Аяқизбибининг айтишларига қараганда, Дўдаган қирларидаги қовун полизда қовун-тарвуз фарқ пишган паллада туғилган эканман. Мучалим сак, яъни ит. Шунга қараб, паспортимни 9 сентябрь 1922 йил деб ёздирганман. Етмиш тўрт йил зув этиб ўтиб кетибди. Лекин Дўдагандаги қовун полизни болалигимда оралаб юрганларим, сап-сариқ ҳандалакларни тўйиб-тўйиб ҳидлаганларим, қишлоқ кўчасида тупроқ чангитиб қўшни болалар билан ошиқ ўйнаганларимиз шундай кўз олдимда.

Афсуски, ўша қўшни болалар билан бирга қишлоқ мактабига бориб ўқиш менга насиб этмаган. Нега дейсизми? «Қулоқнинг боласи» деган янги атама пайдо бўлганди ўша пайтда. Катталар у ёқда турсин, кичкиналар ҳам бир-бирига ётсирайдиган бўлиб қолган эди.

Тўғри, отам ўзига тўқ деҳқонлардан экан. Халқ у кишини саводли, адолатли, заковатли ва меҳнаткашлигини ҳисобга олса керакки, «старшин» — қишлоқ оқсоқоли қилиб сайлаган экан. Шу «гуноҳи» учун Анорбой старшин 1929 йили мол-мулки, уй-жойи мусодара қилиниб, ўзи Сибирга — Семипалатга сургун қилинади. Бошпанасиз қолган биз, оила аъзолари кимарнингдир сомонхона, омборхоналарида яшашга мажбур бўлганмиз.

— *Сунатилла ака, Қарноқ қишлоғида туғилганман, дедингиз. Бу номнинг жуда қадимийлигини биламиз. Абулғузихоннинг «Шажараи турк» китобида ёзилишича, туркий халқларнинг бобокалони Ўғизхоннинг набираларидан бирининг номи Қарноқ экан. Эҳтимол, минг йиллар бурун ўша Қарноқ асос солгандир бу қишлоққа? Лекин совет даврига келиб, у Отабой деб номлана бошлади. (Ҳозир унга қадимий номи қайтарилган!) Отабой ким бўлган*

ўзи? У «тарихий шахс» ҳақида нималарни эшитгансиз?

— Нафақат эшитганман, балки у кимсага боғлиқ воқеаларга шоҳид ҳам бўлганман.

Ўттизинчи йилларнинг булутли, изғиринли кунларининг бирида аммамизнинг дарвозалари олдида мударрис Муҳаммадали езнам (аммамизнинг эрлари) ва катта акам Асадулло мени тиззаларига ўтқазиб, нима ҳақдадир сўзлашиб ўтиришган эди. Шунда гузар томондан оломон қий-чув қилиб келди-да, жар кўча бўйлаб ўтиб кетди. Улардан бири: «Ҳей Асат, нима қилиб ўтирибсан. Юрмайсанми?!» дея чақирди. Акам ўрнидан турди. Муҳаммадали езнам, борманг, дея қайтарди. Сўзи ерда қолди. Кетди.

Биз турган ердан икки-уч юз қадамча нарида, чап томонда мени доим ўзига маҳлиё этиб турадиган мактаб бўларди. Ўнг томонда уламо Бадир махсум, Ислох махсумларнинг мусодара қилиниб, колхоз отхонаси ва омборхонасига айлантирилган ҳовлилари. Бақриқ-чақриқлар энди ўша томонда эшитилаётган эди Кейин билсам, еб турган дон-дуни, мол-жони, экишга асраган уруғи, ҳатто устига ёпадиган кўрпасининг пахтасидан ҳам айрилган аҳоли қишлоқ Шўроси идораси олдига арз-дод билан тўпланган экан. Жунбушга келган халқ ғазабига қишлоқнинг «кичик Сталини» — ҳокими мутлақ Отабой деган келгиндининг «партиявий сиёсати» ҳам майли-я, бир бўй етган қизга нисбатан «ўқитиш» баҳонасида қилган ахлоқсиз ҳаракати бўлажак куёв, қавм-қариндошларнинг ориятига тегади. Нагижада, уларнинг номларини айтмайман, ўз ор-номусларини ҳимоя қилиб чеккан фарёдлари тутаб турган ўтинга сепилган лампамойдай таъсир этади-ю, отга миниб қочмоқчи бўлган Отабойни таёқ билан уриб йиқитишади.

Воқеа шу билан якунланганда майлийди-я, алам қиладигани — кейинча бир мушрик манфур Отабойнинг ўлими кўпгина қишлоқ одамларининг бошига етди, ёстиғини қуритди.

Эсимда, шу кўзғолоннинг эртасими-индинига қишлоғимиз кўчаларида бошларида қизил юлдузли чўнқайма

қалпоқ — шлём, эгниларида шинель, қилич, милтиқ таққан аскарлар пайдо бўлган. Улар маҳаллий «бел-синди» — фирқа дастёрлари билан уйма-уй юриб, ташиб кетилган дон-дунни ташмачиларга орқалатиб, етаклаб кетилган мол-уловларни ўзларига етаклатиб омборхонага, молхонага қайтарганлар. Кейин уларни қор ёғиб турган совуқ қиш куни Туркистон томонга ҳайдаб кетганлар.

Шу ҳибсга олиниб маҳв этилганлар орасида акам Асадулло, мадраса мударриси Муҳаммадали ҳам бор эди. Жойи жаннатда бўлсин уларнинг.

— *Сибирга сургун қилинган отангизнинг тақдири қандай кечди?*

— Семипалатда маҳкамаларга кўмир, саксовул ташиб аравакашлик қилиб юрган отам ногаҳон дуч келиб қолган оққўнгил, имони комил бир татар адвокатдан Бутуниттифоқ старостаси Калинин номига ариза ёзиб беришга илтимос қилибди ва уни ҳибсхонага айлантисилган масжидда бирга ётиб юрган ўзларидақа ўн еттита қари-қартанг номидан ёздирибди. Аризада мол-мулкимиз, уй-жойимизнинг барини мусодара қилиб олишди. Худонинг хоҳиши шундай экан, биз розимиз. Бизлар шарти кетиб, парти қолган яроқсиз оқсоқоллармиз. Агар керак бўлса, жонимизни ҳам олинглар. Бўлмаса бўшатинглар, бола-чақамизнинг олдига борайлик, деган талаб оҳангида истакларини билдиришибди. Қарноқда содир бўлган ўша мудҳиш кунлардан сал кейинроқ отамиз сургундан қайтибди. Поезддан тушибоқ Туркистон милицияси идорасига бориб «оқ қогози»ни кўрсатибди. Милиция бошлиғи «Анаке, қишлоғингга борсанг яна қамаб олдимга юборишади. Яхшиси, бундан кет, бошимга бало бўлма», дебди.

Бу маслаҳат отамизга маъқул келибди. Шаҳарлик бир танишини қишлоққа бизларни ими-жимиди кўчиб келишсин, деган хабар билан юборибди.

Қишлоқда машиначига шоғирд бўлиб юрган кичик акам бу хабардан воқиф бўлиши ҳаманоқ бизни бир кечада кўчириб, Туркистонга олиб жўнабди. Ўз боши-

дан ортиқча юки йўқ салт йўловчига йигирма беш чақиримлик масофа нима эмиш. Раҳматли онам иккимиз Туркистондан борган хушxabарчининг эшагига мингашиб бораётиб, менинг ухлаб қолиб қорга қулаб тушганимни ҳисобга олмаганда сафаримиз бехатар ўтган.

— *Шу-шу Қарноқдан чиқиб кетгансизлар... Кейин болалик йилларингиз Наманганда кечган, буни ўз қайдларингиздан биламан. Нима сабабдан Намаганни танлагансизлар?*

— Қисматнинг аччиқ сўқмоқлари етаклаган... Қолаверса, отамизнинг пирлари Муҳаммадхон тўра наманганлик эди. Ўша пирларини қора тортган бўлсалар керак. Лекин унинг ҳам аҳволи бизникидан яхши бўлмагандирки (тўрамнинг ўғиллари ўн олтинчи йилда халқ кўзғолонида отилгани тарихдан маълум), Наманганда узоқ қолмай, қирқ-эллик чақирим наридаги Қизилравот пахтачилик совхозига кўчиб кетдик. У ерда деярли бари бизга ўхшаш мол-мулки тортиб олиниб, қувғин қилинган, жонини сақлаш, бир бурда нон учун қулдай ишлашга рози ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллат вакилларида иборат қурама қавм тўпланган эди. Эсимда, совхоз кўрасининг ўртасидаги тепаликка осиб қўйилган темир қувур бўларди Соат, янглишмасам еттида ўша қувурни болга билан уриб, бонг чалинарди. «Данг-данг» этган овоза узоқ-узоқларга етиб борарди, уйғонганлар юз-қўлини ювиб-ювмай ўрталикда қайнаб турадиган куб (идиш)дан қайноқ сув олишга шошиларди.

Соат саккизда яна «избанак» (звонок) бонг чалинар: бу — «ишга» деган кўманда. Соат бирда яна бонг уриларди: бу — тушликка чақиргани. Совхоз марказидаги ошхонадан катта термосларда далада ишлаётганларга ачиган карамдан карам шўрвами ёки музлатилган балиқдан балиқ шўрвами, нимадир ташиб келтирилиб улашиларди.

Одамларнинг олди овқатланиб, кети ҳали навбатда товоғини узатиб қий-чув қилиб турганида яна «донг-донг» этган «избанак» овози эшитилади: бу — «ишга

туш!» деган буйруқ. Айтишларига қараганда, ҳатто аравага қўшиладиган отлар ҳам унга ўрганиб қолишган. Кун охирида «избанак» чалинганида отлар юки туширилмаган аравани судраб бўлса-да, отхонага олиб қочишга типирчилаб қолишар экан.

Ҳар тонг уйғонганимда отам-онам, акам, янгам, опаларим — бари ишга кетишган бўлишарди. Ўрнимдан туриб уларни қидириб кетардим.

Неъматилло қори акам иморат қурилишида ёки хумдонга яқин жойда гишт қуяётган бўлади. Онам, янгам, опаларим гўза чопиғида. Дадам — аравакаш. Демак, катта йўлдан ўтиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам йўл ёқасида у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб кута бошлайман. Ён атрофдаги дала йўлларида қораларини кўришим ҳамон ўша томонга чопаман. Биламан, дадамнинг белбоғлари қатида менга аталган яримта нонми, жийдами, туршакми бўлади. Ўшанинг илинжида катта кўчанинг чангини ютиб ҳаллослаб тураман; сўқмоқдан сўқмоққа чопиб, ялангоёқ, ялангбош, курткесак далаларни оралаб олдларидан кесиб чиқаман.

— Ти-и-ир!.. — дадам тизгинни тортиб отларни тўхтади. — Қаёқдан кун чиқди десам..? — У киши қораларидан оқи кўп соқол-мўйлаб босган чеҳраларида табассум. Олдинги ғилдиракка оёқ қўйишим билан даст кўтариб ёнларига ўтқазадилар. Менга атаган насибаликни берадилар-да, тизгинни силкийдилар: чу-ух!

Ўттизинчи йилнинг сентябридан мактабга бора бошладим, шекилли. Мактабимиз Янгиариқ каналининг пастида кимдандир қолган ҳовлида биргина синфдан иборат эди.

Ўттиз икки-ўттиз учинчи йилнинг очарчилик даврларида биз, ёш норасидаларнинг умримиз кўпроқ карточкага тегадиган нонни пойлаб ёки совхоз ошхонасида бир чўмичдан улашиладиган шилдирсув ёвфонга навбат кутиш билан ўтар эди.

Очликдан шишиб, тиланчилик қилиш учун қўл кўтаришга ҳам ҳоли қолмай, кўча-кўйларда ўлиги қолиб кетганларни кўп кўрганман.

— *Ваҳоланки, ўша пайтлар большевиклар партияси,*

Туркистон халқларига озодлик бердик, уларни бахтли-саодатли қилдик, деб дунёга айюҳаннос солишдан чарчамаётган даврлар эди... Шундаймасми?..

— Куни-кеча ота-онаси кулоқ сифатида қувғин қилинган, акаси отиб ташланган мендек бир мурғакнинг бунга ақли етмасди. Мактабда таълим берилганидек, Ленин бобомиз, Сталин отамиз, деб билардик «Яша шўро, сен яшайдирган замон!» деб кўшиқлар куйлардик.

Ўттиз еттинчи йил қатағонларини айтмайсизми?.. Бугун сен билан ҳамсуҳбат бўлган, аудитория минбаридан сенга сабоқ берган устоз ёки меҳнатда ғайрат камарини боғлашга ундаган раҳбарнинг, эртага қарасанг, қамоққа тушганини эшитиб, ҳатто ўз кулоғинга, ўз кўзинга ишонмай қолардинг... Вой-вуй, ҳаммаёқни халқ душмани босиб кетган экан-да, яхшиям, бахтимизга Сталиндай доҳиймиз, ГПУдай доим сергак органимиз бор экан, дея ҳам шукр қилардик, ҳам ваҳима босарди кишини.

Н. Хрущевнинг XX съезддаги тарихий нутқидан кейин кўзим очила бошлади. Бора-бора шундай тушунчага келдимки, коммунистик партия деб эътиқод қилиб, қачонлардир ўзим ҳам аъзо бўлиб кирганим Гитлернинг Миллий социалистик («СС») партиясидан ҳечам фарқи йўқ партия экан. ВКП(б) — рус миллатини СССРда яшовчи бошқа халқлардан устун кўювчи ўта миллатчи партия экан. Бу устунликни ниқоблаб, «старший брат» деб атаб келинган экан.

— **Салоҳиятли ёзувчининг адабиётга кириб келган палласи ҳамиша ўқувчилар учун қизиқарлидир. Адашмасам, ижодни сиз дастлаб танқидчи сифатида бошлагансиз. Ўтқир танқидий чиқишларингиз «жароҳати» эндигина «тирик классиклар»га айланаётган совет адабиёти собиқ эркатойларининг хотирасидан ҳали ҳам ўчмаган бўлса, ажаб эмас...**

— Урушдан қайтиб, Низомий номидаги пединститутда ўқишимни давом эттирдим. Мактабда, сўнг республика газеталарида ишладим. Ёзганларим 1949 йилдан матбуотда кўрина бошлади.

Газета ва журналларда ўзбек совет адабиётига оид анча-мунча тақриз, мақолаларим босилиб чиқди. Тўғри таъкидлаганингиздек, туркистонча чапанилигимга бориб, анча-мунча номдор (амалдор) адибларнинг гашига ҳам тегиб қўйганман. Келинг, уларни эсламай қўя қолайлик...

Дастлаб, мен академик Ойбекнинг этагидан тутиб, олим бўлишга уринганман. Ҳатто номзодлик диссертациясини ҳам тайёрлаганман. Устоз маъқуллаганлар ҳам. Лекин менга оппонент қилиб бириктирилган бир катта олимга авторефератимни кўрсатганимда, у киши «майли, сени олим қиламан. Бироқ мана бу ерда «партия» дебсан. Хўш, қандай партия? Коммунистик партиями? Шунга аниқ кўрсатиш керак» қабилида эътироз билдирдилар. Мен авторефератимни тузатиб, анча-мунча сарф-харажат билан қайта чоп эттирдим. Кейин уни аввалги олимдан ҳам каттароқ академик оппонентимга топширганимда, у киши кўпроқ Иосиф Виссарионовичнинг «Тилшунослик масалалари» асаридан ссилкалар (далиллар) олинг, дедилар (Бу вақтда Сталиннинг шундай асари пайдо бўлган эди). Домла, усиз ҳам диссертациямда Сталиндан олинган ссилкалар тўлиб ётибди, десам, у киши «Офарин!» Яна қанчалик кўп ссилка қилсангиз, шунчалик яхши!», дедилар.

Асабийлашганимдан ҳолдан тойиб, бўларим-бўлган. Уйга қайтгач, диссертациямни томнинг чордоғига отиб юбордим.

Орадан бир оз вақт ўтиб, уни яна қўлга олмоқчи бўлганимда Сталин бобо пақ этиб ўлиб берди. Кетидан шахсга сизгидек деган гаплар чиқиб кетди.

Илмий ишимдан яхшиям вақтида воз кечганим. Йўқса уялиб қолар эканман. Чунки ақлим қуюлганида кўз югуртириб қарасам, унда илмдан жиндек, қолгани бари қизил гоёлару «ссилкалар» экан.

Эллигинчи йиллар ўрталарида астойдил бадий ижодга киришдим. Анча-мунча ҳикоялар, бадий очерклар ёздим. Улар «Ҳикоялар» (1957), «Гўзаллик истаб» (1960) тўпламларимга киритилган. 1956 йили

«Оқсой шалолалари» повестим нашрдан чиқди. Бу асарни қайтадан ишлашим натижасида «Оқсой» (1961) романим дунёга келди.

— *Суннатилла ака, асарларингиз адабий жамоатчилик томонидан қандай кутиб олинган? Қайси асарларингиз ўзингизга ҳали ҳам маъқул келади?*

— Биласизми, иним, қўнғиз ҳам болаларини оппогим дермиш. Мен ҳам илк асарларим ҳақида аччиқ сўзлар эшитганимда, «оппоққинам» деб, анчагача ўзимга келолмай юрганман. Кейинроқ, соч-соқолимга қиров тушганида бундоқ варақлаб қарасам, ундаги бир-икки ҳикоядан бўлак барчаси машқ даражасидаги пишмаган нарсалар экан. «Оқсой» романимни ҳам энди бошқача ёзган бўлардим. Унда ишлов беришга арзийдиган характерлар, образларни очишга хизмат қиладиган манзаралар, ҳикоя қилса қилгудек эргаштирувчи воқеалар бор. Энг муҳими — ёшлик ҳарорати мужассам. Афсуски, воқеаларни уюштирувчи ўқ — композиция бўш.

Энди ўзимга, қолаверса, китобхонларга ҳали ҳам маъқул келиши мумкин асарларим «Меҳр» (1972), «Сайри боғ» (1979), «Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари» (1962) каби повестларим, «Сайли» (1979) романим, «Олтин қозик», «Қўшиқ», «Қора икра», «Сталинчи бобо», «Ҳамсуҳбатлар» каби ҳикоялар тўпламларим, «Яйлов гурунглари» каби очерклар тўпламларимдир. Элюртни оралаб, далалар, тоғ-тошларни кезиб бадиниятнинг ушоқ жанрларида жуда кўп асарлар ёздим. Қайси бирини санаб ўтирай. Ёзганинг бировга ёқади, бошқача йўқ. Ҳар кимнинг таъби. Зорим бор, зўрим йўқ.

— *Сиз ҳаётингиз давомида кўп одамлар билан суҳбатлашгансиз. Ёзувчи сифатида кўп характерларни таҳлил қилгансиз. Сизнингча, одамдаги муқаддас фазилат нима?*

— Меҳнатсеварлик, меҳнатга муҳаббат дейишим мумкин. Одамни одам қилган меҳнатдир, деб бекорга айтилмаган. Фақат жон куйдириб меҳнат қилган кишигина ҳам моддий, ҳам маънавий бойликни қўлга кирита олади, баркамолликка эриша олади.

Ундаги ҳақгўйлик, адолатпарварлик, садоқат, қўйингки, барча яхши фазилатлар меҳнатга муҳаббат орқали пишиб етилади. Ялқовлик эса одамни аста-секин тубанлик ботқоғига ботириб бораверади. Текинхўрлик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, ўғирлик, қотиллик, хор-зорлик — бари ялқовликнинг оқибатидир. Шунинг учун биз фарзандларимизни оёғи ерга тегиб, қовурмоч тили чиққанидан бошлаб меҳнатга ўртатишимиз керак. Зинҳор уларни тантиқ, ишёқмас қилиб тарбияламаслигимиз зарур. Кўпни кўрган мўйсафид сифатида ёш дўстларимга ҳам илтимосим, ҳам насиҳатим шудир.

— *Чимкент вилоятидаги ўзбекларнинг Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари аҳолисидан қандайдир фарқ-тафовути, ўзига хослиги борми? Буни ҳеч кузатганмисиз?*

— Албатта, ҳар гулнинг ўз иси, ўзгача таровати бўлганидек, улар аввало шева-лаҳжалари билан фарқ қиладилар. Шунингдек, бу икки замин ўз табиати, ўзига хос манзаралари билан ажралиб туради. Туркистон воҳаси буғдойзор далалари, дашт-қирлари, яйловларининг кенглиги билан гўзаллиги шубҳасиз.

Сайрам тумани ўзининг бетакрор манзаралари, қишлоқларининг ободонлиги билан менда ўзгача таассурот қолдирган. Одамлари ҳам табиатига монанд — аксари танти, олижаноб. Бу гапни сиз, Мирпўлат, сайрамлик бўлганингиз учун ўзингизга хушомад деб билманг. Ҳақиқатан ҳам Хожа Аҳмад Яссавийдек буюк даҳони берган Сайрам ҳар жиҳатдан гўзал диёрдир. Халқи одоб-ахлоқи, чиройли хулқи билан ўзбекистонлик ўзбеклардан, масалан, наманганлик ёки марғилонликлардан ҳечам қолишмайди.

— *Туркистонга тез-тез бориб турасизми? Уни соғинасизми?*

— Туркистонни, киндик қоним тўкилган Қарноқ қишлоғини соғинмай бўларканми!

Мен 1945 йилнинг ноябрида армия хизматидан қайтиб келаётиб ота-онам ёнига — Наманганнинг Қизил-

равот қишлоғига тезроқ етиб бориш ўрнига Туркистонда поезддан тушиб қолганман. Бу эзгу тупроқни босиб кетолмаганман. Ҳазрат Султони орифинни зиёрат қилиб, ундан Қарноққа ўтганман. Отамни ўз васиятларига кўра қишлоққа қўйганмиз. У кишини зиёрат қилгани, шунингдек, қариндош-уруғларининг тўй-маъракаларида қатнашгани туғилган юртимга бориб турман. Баъзан тушларимга қовун-тарвуз фарқ пишган Дўдаган қирлари кириб чиқади.

— *Сунатилла ака, суҳбатимизнинг бошида етмиш тўртни ҳам уриб қўйдим, деган гапни қилган эдингиз. Лекин бу гапга биров ишонаркан деб ўйламанг, кўз тегмасин, кўринишингиздан ҳали йигитдайсиз. Очиғини айта қолинг, кеннойим сизни нима билан парҳез қиладилар?*

— Ширин гапларингиз учун раҳмат. Кеннойингиз тошкентликлар, бирга ўқиганмиз. Оила қурганимизга ҳам ярим аср бўлибди. Тўрт фарзандимиз бор — икки ўғил, икки қиз. Кеннойингиз мени ниҳоятда арзон, лекин жуда танқис нарсалар билан то ҳануз парҳез қилиб келадилар. Бу малҳамларнинг сирини оча қолай: улар яхши муомала, ширинсуханлик, меҳр-оқибатдан иборат, холос.

Ҳожихон ҳануз куйди-пишди. Ҳануз фарзандларини, невараларини еру кўкка ишонмайди, умрлари узоқ бўлсин.

— *Ҳаётда армонингиз ҳам борми, Суннатилла ака?*

— Менинг беш ёшдан олти ёшга кетаётган Ёдгорой деган набирам бор. Ўша яқинда бўйнимдан кучоқлаб «бува, мен катта бўлгунча ўлиб қолмайсизми?» деб беҳосдан сўраб қолди. Қаёқдан бу гап унинг миясига кириб қолган экан, билмайман. Мен уни тезроқ тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Худо хоҳласа, сени катта қилишим керак. Тўйингни кўришдан умидим бор, дедим.

Кўрдингизми, шу мурғаккина қизалоқнинг ҳам бобосининг умри ўтиб, яшашга санокли йиллари, балки кунлари қолганига ақли етибди. Биламан, киши туғилганидан ўлим унинг этагига илашиб келади. Эсимда, ўша неварам ёшида бўлсам керак, болалар билан

қишлоғимиздаги қирқ кўзли булоқ (оҳ, бу Қарноқнинг кўрки, оби раҳмати эди!) Шўрғамда чўмилиб чўкиб кетганман. Ажалим етмаган экан, кимдир қутқариб қолган. Кейин уруш пайтида 1945 йили 3 март куни кечки ғира-ширада немислар қарши атака қилиб, биз турган истеҳкомни эгаллашганида тенгсиз қўл жангида яраланганман. Ўшанда мени асир олишлари, ўлдиришлари ҳам муқаррар эди. Лекин, худо асраб, тасодифан омон қолганман.

Кўрдингизми, ўлим тирик жон билан ҳамиша ёнмаёن эргашиб юради. Ёш, бақувват давримда шу ҳақиқатни унутиб умрни бўлар-бўлмас нарсаларга, ҳой-ҳавасларга сарфлаб зое ўтказиб юборибман. Ахир куч-ғайрат борида кўпгина хайрли ишлар қилишим мумкин эди-ку! Албатта, армонларим, ушалмаган орзуларим кўп. Ахир, умр кишига бир марта берилади. Лекин бари бир эрта тонгда туриб, ёруғ жаҳонни кўрганимга шукр қиламан. Кўраяпман, эшитаяпман, ҳаракат қиляяпман. Ёзаяпман. Минг бор шукр.

— *Суннатилла ака, иш столингиздаги қоғозларни, очилган китобларни кўриб, катта режаларингиз устида меҳнат қилаётганлигингизни пайқадим. Бутун юртдошларингиз номидан сизга худо қувват берсин, дейман. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Ҳеч ёзишдан қўймасин!*

1996

«ОТАМНИНГ ГАПЛАРИ ҚУЛОҒИМДА...»

Каримхон НОСИРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси.

1985–1990 йилларда Тошкент шаҳар судининг раиси лавозимида ишлаган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси судьялари Олий малака ҳайъати раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— *Каримхон ака, сиз суд ва прокуратура соҳасидаги ҳалол меҳнатингиз, бой тажрибангиз билан катта обрў-эътибор қозонгансиз. Ҳозир Ўзбекистон Олий судида масъулиятли лавозимда хизмат қилмоқдасиз. Сиз ҳам бир пайтлар ёш мутахассис бўлгансиз, бу соҳага илк қадамлар ташлагансиз. Дастлабки иш фаолиятингизни қандай бошлаган эдингиз? Келинг, суҳбатимизни шундан бошлай қолайлик.*

— 1953 йили ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомладим. У пайтда кадрлар тақсимооти деган гап бўлар эди. Олий ўқув юртини битирганлар ишга махсус йўлланма асосида жўнатиларди. Мен собиқ Иттифоқ бош прокурори йўлланмаси билан Сурхондарёга ишга кетдим. Беш йигит эдик. Вилоят прокуратурасида қабул қилишди. Бир-икки ой ўтгандан сўнг вилоят партия кўмитаси биринчи котиби бизни ҳузурига чақирди. Ориф Ҳакимов деган киши эди. У ҳар биримиз билан яккама-якка суҳбат ўтказди. Энг охириги бўлиб мен кирдим. «Хўш, йигит, бу ёғига нима дейсиз?...», — деди. Мен: «Нима иш берсангиз ишлаймиз...», — дедим. У киши: «Бу ернинг шароити жуда оғир-ку, Термизнинг жазирамаси... афғон шамоллари бор... Чидай олармикинсиз?...» — деди синовчан қараб. Мен: «Бизлар-ку ёшмиз, сиздек катталар чидаб юрганда бизлар нега чидамайлик?...» — дедим. У киши мийғида кулиб: «Раҳмат... Бўлди...», — дедилар. Кейин ҳаммамиз вилоят прокурори билан прокуратурага қайтдик. Прокурор тўрт шеригимга жавоб бериб юборди. Улар суҳбатда «Шароит оғир экан... Иссиқ экан...» дейишибди-да. Битта ўзим қолдим. Ҳеч кимни танимайман, билмайман. Менга яшашим учун алоҳида хона ажратиб беришди. Кейин ишга шўнғиб кетдим.

— *Табиат қийинчиликларига-ку, чидадим, дедингиз. Лекин хизматдаги мураккабликларга-чи? Чўчитмадимми? Дастлаб қанақа «иш»ларни кўрган эдингиз?*

— Чўчитганда нима?! Орқамга қайтиб кетармидим?

Дастлабки кўрган ишларимдан бири ҳеч эсимдан чиқмайди. Тошкентлик 23 ёшли партия ходими тақдири. Бойсун туманига райком котиби бўлиб борган экан. Авжи қатагон йиллари — 37- йиллар. У жуда ташкилотчи, маърифатли инсон бўлиб кўп ишлар қилган. У туман марказида боғ очмоқчи бўлган. Бойсунни билсангиз, асосан тоғли жойдан иборат. Текисроқ жойни мўлжаллайди. У ерда олти хонадон бор экан. Уларга бошқа ёқдан томорқа ажратиб, уй қуриб бериб кўчиради. Бўшаган майдонда парк ташкил қилади... Лекин ташаббускор райком котибининг устидан иш кўзғатилади. Унга «Сен халқни давлатга қарши қўйдинг, тузумга нисбатан нафрат уйғотмоқчи бўлдинг», деган айб тиркалади. Давр сиёсатига кўра, 23 ёшли йигит ҳибсга олинади ва отиб юборилади. Фамилияси Зокиров эди. Мен дастлаб ўша ишни текширдим. Зокиров билан бирга ишлаган одамларни топдим. Улар билан суҳбатлашдим. Ишни ўрганиш жараёнида амин бўлдимки, Зокиров ишида жиноят аломатлари йўқ экан. Бу жараён менга катта сабоқ берди. Зокиров тақдири менинг идрокимда, юрагимда чуқур из қолдирди. Шундан кейин мен ҳар бир инсон қисматига жуда теран ёндашиш керак экан деган тушунчага келдим.

— Прокуратура соҳасида самимий ҳурмат-этибор қозониш қийин, буни ҳамма билади. Сиз ёш прокурор сифатида илк раҳматни кимдан эшитгансиз? Эсингизда қолганми?

— Бойсунда иш бошлаган пайтларимда галати чигалликларга ҳам дуч келганман. Тақдирнинг ўйинларини қаранг. Бир-бирини танимайдиган, лекин фамилиядош икки одамнинг айбдори қолиб, айбсизи қамалиб кетган ҳоллар ҳам аниқланди. Бир хил ном, бир хил фамилия. Масалан, тузумга қарши гапни туман марказида яшайдиган Худойқулов эмас, унинг чеккасида яшайдиган Худойқулов айтган. Лекин иккинчи Худойқулов судланиб кетган. Бу иш билан астойдил шуғулландим. Айбсиз Худойқулов-

ни оқладим. Суриштирсак, у ҳаёт бўлиб, Сибирда сургунда экан. У ёқда иккала кўзи кўр бўлиб қопти. Бизнинг оқлов қароримиз унинг кўлига етиб борибди. Шундан кейин юртга қайтибди. Уйига келгач, неварасига қоғозни бериб, мени оқлаган Носиров деган киши экан, унинг олдига олиб борасан, дебди. Кабинетда ўтирсам, кекса чолни ёш йигит етаклаб кириб келди. Келинг, дедим. Ўтирди. Болам, Носиров деган сиз бўласизми, деди. Ҳа, дедим. Қаерликсиз, деди. Чимкентликман, дедим. Барака топинг, болам, деди. Мақсади фақат миннатдорчилик эканлигини ўпкаси тўлиб-тўлиб гапирди. Кейин узундан-узоқ фотиҳалар қилди... Меҳнат фаолиятимда илк раҳматни ўша чолдан эшитганман.

– Ўз соҳангизда поғонама-поғона ўсиб борганлигингиз ҳақида алоҳида тўхталамиз. Ҳозир кўнглимда бир фикр ғамирлаяпти. Андишасиз бўлса ҳам айтаман: прокурорларда, судьяларда ҳам қалб борми? Айтмоқчиманки, касб совуққонликни, шафқатсизликни талаб қилаверганидан кейин одам тошбағир, унча-мунча арз-додларни эламайдиган бўлиб қолмасмикан?

– Гапингизда жон бор. Ҳақиқий жиноятчиларга, албатта, тошбағир, шафқатсиз, мурасасиз бўлишимиз керак. Лекин бева-бечораларга келганда, биз ҳам эзиламиз. Зинҳор улар қақшамасин деймиз. Мана, яқинда бир бухгалтер хотин «иш»ини қайта кўрдик. Қайсиям ЖЭКда ҳисобчи бўлиб ишларкан. Фамилияси Захатова. Ўзи иккинчи гуруҳ ногирони экан, букур. Ишда ҳам ҳисобчилик, ҳам кассирлик қиларкан. 12 минг сўм пулни бир танишига зарилликдан мурожаат қилса, бериб юборибди. Шу пайтда текшириш бўлиб қолиб, шунча камомад чиқибди. У, ҳа, ҳақиқатан ҳам, қарз бергандим, деб турибди. Олган одам ҳам буни тасдиқлаяпти. Лекин судларимиз, 12 минг сўмни ўғирлагансан, деб айблаб, унга 5 йил қамоқ жазоси беришган. Ҳукм кучга киргунча аёл очиқда турган. Онаси етагида раисимиз олдига келибди. Раисимиз ари-

зани менга топшириб, бу қанақаси, Каримхон Носиров, судларимизда инсоф қолганми ўзи? Зудлик билан бу ишни кўринглар, деди.

Ишни кўрдик. Ҳақиқатан ҳам, аёл пулни қарзга берган. Бу энди ўғирлик эмас-да. Хизмат лавозимидан фойдаланган. Бу қонунимизда мансабни суистеъмол қилиш, дейилади. Бунинг санкцияси эмас-да энди.

Биз протест (ажрим) тайёрладик. Унда ҳукмни ахлоқ тузатишга ўзгартириб, уни ҳам шартли қилдик. Хулосани коллегияда кўрдик. Республика прокуратура ходимлари ҳам рози бўлишди. Коллегия бир овоздан протестни қўллади. Ишни кўрган судья-терговчини чақирдик. Кўрларинг, эшитларинг дедик. Чунки раиснинг топшириғи шундоқ эди. Муҳокама пайтида судьяларимизнинг бири ҳалиги терговчи ва судьяга қарата, кўрмадиларингми, деди. Қара унинг ранг-рўйига, аҳволига қара, деди. Шунга беш йил берасанми, номард, деди.

— Бежиз эмас экан-да, Президентимиз Ислом Каримовнинг бир маърузасида бизда суд деса одамлар кўрқади, улардан адолат ишташ у ёқда турсин, ёнига боришдан чўчишади, деб айтганлари?

— Кейин биз коллегия қарорини эълон қилдик. Ўша пайтда она-боланинг ҳолатини кўрсангиз, ҳўнгиллаб йиғлаб туришибди, «адолат, ҳақиқат бор экан-ку дунёда!» деб.

— Каримхон ака, сиз кўп жиноятларга ҳукм чиқаргансиз. Уларнинг миридан-сиригача аниқлагансиз. Бу борада етарли тажрибангиз бор. Айтингчи, одамларни жиноятга ундовчи нарса нимадан иборат? Бу муҳтожликдан келиб чиқадими? Ёки жиноятга қўл уриш умуман инсон табиатига хос нарсами?

— Бунга ҳар хил нуқтаи назардан ёндашиб жавоб бериш мумкин. Масалан, кўп жиноятлар етишмовчиликдан келиб чиқади, дейиш мумкин. Тагин ҳар бир инсонда уни келтириб чиқарадиган қусурлар бор ҳам дейиш

мумкин. Яна жамиятга хос умумий тушкунлик ҳам жиноятнинг урчишига сабаб бўлади, дейиш мумкин.

Бу ўринда аввало жиноятларнинг турини аниқлаб олиш керак. Масалан, иқтисодий жиноятлар бор. Кишининг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар бор. Яна номусга тажовуз қилиш. Эндиликда Фарбнинг таъсирида туғилган жиноятнинг рэкэт, мафия деган турларига ҳам рўпара келиб турибмиз.

Иқтисодий жиноятларга инсондаги нафс туйғулари замин яратса, шахсга қарши қаратилган жиноятларга инсон табиатидаги қабиҳ иллатлар сабаб бўлади. Ҳар вақт жиноятлар илдизи жамиятнинг онг даражасига келиб туташади. Ҳар бир жиноят заминини англай билиш, ўрганиш керак. Шундагина уни ҳаётимиздан бар-тараф қилишимиз мумкин.

Баъзилар сохта доврўғ қозониш илинжида жиноятга қўл ураётганлигини сезмай қоладилар. Масалан, катта-катта тўй қилсам дейди, ҳашаматли иморатлар курсам, дейди. Хуллас, дабдабали яшашни орзу қилади. Бунга эришиш йўллари ҳалоллик орқали бўлса яхши. Лекин ҳаром аралаш бўлса-чи? Бу дабдабалар ўғирлик ҳисобига, жамоат ёки давлат мулки ҳисобига бўлса-чи? Унда, албатта, бу орзу-ҳавасларнинг охири вой бўлади.

– Кўп жиноятлар содир этилаётганига одамларнинг охиратни унутиб қўйганликлари, нариги дунёдан чўчимай қўйганликлари, эътиқоддан йироқлашиб кетганликлари ҳам сабаб бўлмаяптимики?

– Гапингизда жон бор. Илгари бозорлар очиқ қоларди. Дарвозаларга қулф солинмасди. Ўғирлик содир бўлармиди? Йўқ! Нега? Чунки ўша даврларда одамлар худодан кўрқишарди. Кейин кўрқмай кўйишди.

Минг қатла шукрки, динимиз яна ўз эркига эришди. Ҳайит намозларда кўчалар тўлиб кетади. Лекин ўша кўчани тўлдирганлар ичида жиноятчилар йўқ деб ўйлайсизми? Ҳа, ўша «художўйлар» ичида ҳам жиноятчилар бор. Чунки айримларнинг эътиқоди ҳали шунчаки, хўжа кўрсинга. Салла-тўн кийган билан, мачитга қатнагани билан одам бирдан ҳақиқий тақводор бўлиб қолмайди-ку.

Лекин бу масаладан фожеа ясамаслик керак. Мусулмончилик аста-секинлик билан дейишади. Халқимиз ўзлигини танияпти. Ҳалоллик, диёнат тушунчалари жамиятда қарор топмоқда.

— *Каримхон ака, 40 йилдан ортиқ ишлаб бирор марта танбеҳ ёки ҳайфсан олмаган экансиз. Бунақа обрў билан ишлаш, айниқса, сиз фаолият кўрсатаётган соҳада кўп одамларга насиб қилмайди. Сўрамоқчи эдимки, шунча йиллар давомида нималарга амал қилдингиз? Қандай ақидалар билан яшадингиз? Зеро, ҳар кимнинг кўнглида тумордек тугилган ўз ҳикматлари бўлади. Бу уни ёмон кўзлардан, ёмон йўллардан ҳамшиша асрайди.*

— Бу борада отамнинг менга қилган насиҳатлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўқишни битириб, Сурхондарёда ишлаб юрган пайтларим бир йил давомида уйга на хат ёзибман, на хабар берибман. Азбаройи ишга берилиб кетганимдан. Бир йилдан кейин меҳнат дамига чиқиб, Қорамуртга — қадрдон ҳовлимизга кириб келдим. Онам бўйимдан ўргилияпти, отам кучоқлаб кўришяпти... Ҳовурдан тушганимиздан кейин отам менга, болам, нега бунақа қилдинг, деди. Бир йил бўлди — на номинг бор, на нишонинг бор. Қаерда юрибсан, қаерда ишляяпсан — билмаймиз. Икки энлик хат ёзиб юборсанг бўлмайдими, деди. Мен катта хато қилганимни тушундим. Уларни қийнаб қўйибман-у, ҳали ҳам болалигим бор экан-у, деб хижолат чекдим. Отам кейин сўради, болам, нима иш қиляпсан, деб. Мен хизматим моҳиятини тушунтирдим. Ишинг жуда катта иш экан-ку, деди. Прокурор дегани катта вазифа-ку. Бу ишга ҳар кимни ҳам қўявермайди, деди. Сен агар шу ишда ишлайдиган бўлсанг, эҳтиёт бўлгин, деди. Ким билан юришингни, ким билан туришингни билгин, деди. Атрофингга қараб юргин деди. Ким нима деса, шунга учиб кетмагин, деди. Сенга бир нарсани айтиб қўяй — мол-дунё юзига қарамагин, унга ружу қилмагин. Агар мол-дунё юзига қараб, шунга берилиб кетиб, икки-уч йилдан кейин ясан-тусан қилиб, олдимга машина миниб келсанг, менга уни-буни кўтариб кел-

санг, унда бу нарсаларинг ҳаром бўлади, деди. Агар ойлигиндан орттириб келсанг, унда бош устига, деди. Лекин ўзинг зўрға юриб, кучинг етмай, кимлардандир қарз олиб ёки бошқа йўлларга кириб кетиб, биз учун дунё келтирадиган бўлсанг, яхшиси, ишлама, деди. Бу қозиларнинг иши – прокурорларнинг иши осон иш эмас, деди. Ҳамиша адолатли, тўғри бўл, деди. Сени йўлдан урувчилар кўп бўлади, уларга қулоқ солмагин, деди. Эшитма, деди... Э бу отамнинг гапларини... Қандоқ унутиб бўлади!

– Айни шу бугунги кунда ёш прокурорлар, ёш судьялар эшитадиган гаплар экан-да, бу гаплар...

– Дарвоқе, ўтган йили бизда бир йиғилиш бўлди. Ҳайитнингми, Наврўзнингми арафасида эди. Раисимиз, Каримхон Носирович, йиғилишда бир гапга чиқсангиз, дедилар. Мен рози бўлдим. Гапимни отамнинг шу насиҳатларидан бошладим. Бу ерда ишлайдиган одамларнинг ҳаммаси ўзининг юриш-туриши билан, ақл-заковат, гап-сўзи билан ҳаммага ўрнатиб бўлиши керак, дедим. Оилада ҳам ўрнатиб бўлиш керак, маҳаллада ҳам ўрнатиб бўлиш керак, дедим. Маҳаллада бирон киши орқангдан қараб, манов лаънати... демасин. Аксинча, шу одамга раҳмат, ҳеч кимдан тўғри сўзини, тўғри насиҳатини аямайдиган инсон десин, дедим. Қариндош-уруғингизда ҳам сизнинг орқангиздан гапирадиган, таъна қиладиган бўлмасин, дедим. Олий суд бу – табаррук жой, ҳамманинг кўзи сиз билан бизда дедим. Мана, келибсан эрталаб ишга, биринг машинада, биринг пиёда. Лекин ҳушёр бўл, машинангни учириб келиб, бу ерда чангини чиқариб тўхтатмагин, дедим. Бу идора – пирлик жой, аста келгин, дедим. Ахир, манави пояндоз кир қилиш учун, лой қилиш учун қўйилмаган, дедим... Бир оқсоқол сифатида гапларимни ўшанда асосан ёшларга қаратиб гапирдим. Айрим ёшларда шу қадар кибр-ҳаво пайдо бўлганки, мен турганда сен гапирдингми, ҳали менга гап қайтарадиган бўлдингми, дейдиган даражага боришган. Буларнинг ҳаммаси уларда тарбиянинг бузуқ бўлганлигидан, тарбия кўрмаганликларидандир. Ота-она панд-насиҳатларига қулоқ осмаганликдандир.

– Ҳар бир инсон довопларга кўтарилганда босиб ўтган сўқмоқларига бир қараб қўяди. У ўтмишини эслайди, болалиги кўзига кўринади. Сиз ҳам ҳаётнинг катта довопларига чиққанингизда болалигингизни эслайсизми? Шунда нималар ёдингизга тушади? Қорамуртдаги сойларми ёки қишлоқнинг кунчиқар томонида шиша девор каби кўринувчи ажойиб тоғларми? Ёки тағин бошқа хотиралар ҳам эсга тушадими?

– Болалик – беғуборлик. Уни эсламай, қўмсамай ҳеч иложи йўқ. Беғам, беташвиш кечган бу дамлар... Тўп ўйинлари, рамазон айтишлар, ариқлардан сакрашлар... Тенгқурлар билан йиғилиб олиб, ким сакраб ўтишга ўйнардик. Буларни ҳеч эсламасдан бўлмайди. Кўк каптарлар... Қишлоғимиз атрофида чуқур жарликлар бўларди. Кўк каптарлар ана шу жарликларда ин қўярди. Уларнинг инига қўл суқиб поллопонларини олардик. Қанақа бўлишига қизиқардик-да. Оналари бошимиз устида чириллаб айланиб юрарди. Қишлоғимизда бир кампир бўларди. У бизга, тегманглар, кўк каптарлар фариштали қуш, болаларига, инига зарар етказиб бўлмайди, дегандан кейин қайтиб тегмаганмиз. Болалик даврининг энг ширин томони шуки, ҳеч нарсани ўйламайсан. Устинг йиртиқми, кирми – бу билан ишинг бўлмайди. Лекин бизнинг болалик давримиз оғир йилларга тақалди. Бир воқеа эсимда. Уруш бошланган. Мен 11 ёшдаман. Февраль, март ойлари. Уйда ейдиган нарса қолмаган. Картошка ҳам, ошқовоқ ҳам, лавлаги ҳам соб бўлган. Аҳвол оғир. Фақат бизда эмас, бутун қишлоқда шу. Бир куни сомон олаётганимда ердаги буғдой доналарига кўзим тушиб қолди. Ўтирдим-да, уларни тердим. Кейин сарой чеккасидаги ўчоққа олов ёқиб, қозончуқда қовура бошладим. Шунда тутун чиқмайдими? Онам раҳматли бу тутун қаердан чиқаяптийкин деб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, саройга келибдилар. Қараса, мен ўчоққа олов ёқиб ўтирибман. Ҳай-ҳай болам, нима қиляпсан, деб қолдилар. Мен эса индамадим. Онам яқин келиб, қозондаги қўғирмоч буғдойни кўрдилар. Қаердан олдинг буни, дедилар. Мен гапирмайман. Чаккаларимдан ўпа кетди-

лар йиғлаб. Кейин оловни баландлатиб ўзлари қовурдилар-да, ичкарига олиб кириб ҳаммага озгина-озгинадан бердилар. Менгаям озгина берди. Отам сўради, болам, қаердан топдинг буни, дедилар. Яна индамадим. Жавоб бермадим-да, ташқарига чиқиб кетдим. Бир жомда тўла майда сомон олиб кирдим. Ўртага сочиб, мановини теринглар, дедим. Бир коса буғдой чиқди. Шунда энди қарасам, отам раҳматлик йиғлаб ўтирибди. Ҳеч нарса демайди. Менинг қилган ишимга, 11 ёшли боланинг қилган ишига йиғлаб ўтирибди. Бу оғир турмушнинг ғуссаси эдими ёки гўдак ўғлининг топқирлигидан мамнунлик эдими, менга қоронғи...

Эндиликда опам ўша пайтларни гоҳ-гоҳ эслатганида кўзи намланади. Замира опам. Мендан икки ёш катта. Ўқитувчилик қилган. Адабиётдан дарс берган. «Маориф аълочиси». Уйга меҳмон бўлиб келганларида шартшароитларимни кўради. Ука, болалигингдаги ишларингни эслайсанми, дейдилар, ҳалиги буғдой қовурганларимга шама қилиб. Шунақа ишлар қилувдинг-а, дейди. Мен, уларни эсдан чиқариб бўларканми, дейман...

– *Инсон ҳаётидаги муваффақиятлар, фаровонлик заминини руҳий ҳаловат, осойишталик ташкил қилади. Инсон бу ҳаловатни фақат ўз уйидан топиши мумкин. Энди оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.*

– Кеннойингиз касби ўқитувчилик. Бир йил бўлди – пенсияда. Тўрт ўғлим бор. Каттаси юрист, Адлия вазирлигида хизмат қилади. Ундан кичик ўғлим Ташқи ишлар вазирлигида маслаҳатчи, таржимонлик ҳам қилади, инглиз тилидан. Учинчи ўғлим тадбиркор, фирмаси бор. Лекин ўзи Шарқ факультетини томомлаган, форс тилини. Кенжам чет тиллар дорилфунунини тамомлаган. У ҳозир юристликка ҳавас қўйган. Шу соҳада ўқишини давом эттирмақчи ҳам.

– *Сухбатимиз айни вақтда сиз билан юртдошларингиз орасидаги мулоқот ҳамдир. Шунинг учун кимларгадир дил гапларингиз бўлса, айтаверинг. Албатта, етиб боради.*

– Қорамуртда Жамолов Ботир деган ажойиб инсон

бор. Кўп йиллар мактаб директори бўлган. Ўзи сўз устаси, адабиётчи. Илмга дастлаб ҳавас қўйишимизга ҳисса қўшган инсон. Тўғри юриб, тўғри туришимизга сабабчилардан. Мен унга алоҳида дил саломимни йўллаيمان. Яна Сайрамда ўрта мактабда бизларга дарс берган Нуралиев деган муаллим, физикадан Умаров деган, тарихдан сабоқ берган Тўрабоев деган муаллимлар бўларди. Уларнинг номларини ҳам албатта, қайд этсангиз, уларни ҳаёт деб эшитаман. Бир ўқувчилари номидан уларга самимий эҳтиром туйғуларим, дил саломларим етса, ажойиб бўларди.

— *Каримхон ака, сиз бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати аъзосисиз. Ундаги Олий малака ҳайъати раиси ўринбосари ҳамда Олий суддаги аттестация комиссиясининг аъзоси ҳамсиз. «Меҳнат шухрати», «Шухрат» медаллари ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвонига эгасиз. Эсингиздами, суҳбатимиз бошида хизмат пиллапояларидан битта-ма-битта кўтарилиб борганингиз ҳақида алоҳида тўхталамиз дегандим. Шундоқ қилиб, Сурхондарёда ишни бошладингиз. Кейин...*

— Ўтган даврларни бир сидра эсларканмиз-да... Секин-аста марказий аппаратдагилар мени таний бошлашди. Муҳим топшириқлар бериб, текшириш ишларига жалб этиб туришди. Бир куни улар, Тошкентга келишни истайсизми, деб сўраб қолишди. Мен розилик билдирдим. Бу таклиф фаолиятимга берилган баҳо ҳам бўлиб, меҳнатимни илк бор қадрлангани эди. Орадан 15 кун ўтгандан кейин буйруқ келди. Ўшандан бошлаб Республика прокуратурасида ишладим. Кейин бир йил Фарғонага ишга бордим. Кейин яна Республика прокуратурасига чақиришди. Судланиш назорати бўлимида, кейин республика колония турмаларининг назорати бўйича бўлим прокурори бўлиб ишладим. Сирдарё вилояти ташкил бўлгандан кейин вилоят прокуратурасига судлар устидан бўлим бошлиғи этиб тайинлашди. У ерда икки ярим йил ишладим. 65-йил декабрида яна Республика прокуратурасига чақиришди. Фақат Олий

судда кассация-назорат тартибида кўриладиган ишлар бўйича хулоса берадиган прокурор қилиб тайинлашди. Бир ўзим эдим. Кейин ёрдамчилар беришди. 1971 йилда Олий суд аъзоси этиб сайландим. Оралиқда 5 йил Тошкент шаҳар судининг раиси бўлдим. Ўтган йили пайгамбар ёшига етдим, энди дам олсам бўлар деб жазм қилган эдим. Кўйишмади. Яна янги муддатга Республика Олий суди аъзолигига сайлашди. Минг марта шукрки, шу лавозимларда ишлаб келяпман.

— *Бундоқ масъулиятли лавозимларда сизни ҳеч қачон тан-сиҳатлик, бардамлик, шижоат тарк этмасин, деймиз.*

1996

«ҚАҲР МЎЛДИР, МЕҲР ҚАҲАТ...»

Маҳкам МАҲАММЕДОВ Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Таниқли режиссёр.

«Элмурод», «Мозийдан бир саҳифа», «Сақили наво» каби кўплаб телевизион видеофильмлар муаллифи.

— *Маҳкам ака, мана 60 га ҳам тўлиб қўйибсиз. Табаррук ёшингиз муборак бўлсин. Ижодкор учун бу ёшни айни кучга тўлган палла дейишади. Ҳақиқатан ҳам бу йил катта ғайрат билан 50 сериядан иборат «Кўнгил кўчалари» номли телевизион бадиий фильмни яратишга киришдингиз. Ўзбекистон телевидениеси, бу фильмни яқинда кўрсата бошлаймиз, деб тинимсиз реклама қилмоқда. Ҳар сафар унинг режиссёри сифатида номингиз қайта-қайта таъкидланяпти.*

Иккинчидан, Қорабулоқда мазкур таваллуд тўйингизнинг тантаналари бўлиб ўтди. Айтмоқчиманки, сизнинг шаънингизга бағишлаб айтилган жўшқин гаплар беҳисоб мухлисларингизу қишлоқдошларингизга ижодингиз ҳақида кенг тасаввур берди. Келинг, энди улар дилингиздаги гаплардан ҳам баҳраманд бўлишсин.

— Бажону дил. Гапимни узоқдан бошлайман. Отам-

нинг бир нечта фарзандлари бўлган экан. Лекин улар турмай, 2—3 яшарлигида ўлиб кетаверишган экан. Онамнинг кейин айтишларича, ҳаммаси оддийгина шамоллашдан кетишган. Исмининг Маҳкам деб қўйилиши шундан, яъни болалар турмагач, эскича удумга кўра, кейинги фарзанднинг ҳатто номига қадар эътибор қилинган. Бир сайрамлик табиб онамга, сиз ўгил кўрасиз, унга етти ёшгача хатар бор. Етти ёшдан ўтиб олса, яшаб кетади, дебди. Кейин, отини Тешавой, Болтавой ёки Маҳкамбой қўйинг, дебди. Онам, Тешавой, Болтавойга бало борми, Маҳкамбой қўяман, дебдилар. Шундоқ қилиб, исмин Маҳкамбой бўлган. Ҳақиқатан ҳам беш яшарлигимда қизамиқ билан қаттиқ оғриганман.

Мени Туркистон бувага ниёз ҳам қилишган экан. Онам айтишларича, бир ярим яшарлик пайтимда мени Туркистонга олиб боришибди. Унда бир шайх ўтирган экан. Ҳазрати Султоним мақбарасининг муридларидан бўлса керак. Адам бир сигирни сотиб, шунинг пулини ҳам олволган экан. Адам мени шайхнинг қўлига берибди. У мен — чақалоқни сандиғига солибди-да, устига кўрпача тўшаб ўтирволибди. Шайх сандиқ устида ўтирганча «бола сотаман, ўгил сотаман!», дебди баралла овоз билан. Адам эса «бола оламан, ўгил оламан, менга фарзанд керак!» дебди. Шайх уч марта, адам ҳам уч марта шу гапларни айтишибди. Шундан кейин шайх сандиқни очиб, мени адамнинг қўлига берибди. Адам бўлса, унга бир сигирнинг пулини тутқазибди ва елкасига жойнамозга ўхшаш қимматбаҳо гилам ёпибди...

Ана шунақа, ота-онам учун мен жуда қимматли бола бўлган эканман. Раҳматли онам умрларининг охирига қадар ҳазиллашиб мени «тилла болам» деганликлари шундан бўлса керак.

— *Қорабулоқликлар отангизни ҳозир ҳам «Маҳаммат радиочи» деб эслашаркан...*

— Отам радиотехник бўлган. Қишлоқдагиларнинг уни «Маҳаммат радиочи» дейишлари шундан. Жойларда радио тармоқлари шакллана бошлаган пайтда

қишлоқда радиоузелни дастлаб отам ташкил қилган экан. Ҳовлимиз радиоузел бўлган. Дадамнинг ўзи дикторлик қиларди. Патефонимиз бўлиб, 50 га яқин пластинкаси бор эди. Эрталаб концерт берардилар. Ҳалима Носирова ижросида фалон кўшиқни эшитасиз, деб микрофонни патефонга тўғрилаб қўядилар.

Отам таги сайрамлик бўлган. Бувамлар қийинчилик даврларда Қорабулоққа бориб яшаб қолишган. Кейин ота-онамни ёнларига чақириб олишган экан.

— *Санъатга ҳавас сизда қачон уйғонганлигини эслай оласизми?*

— Жуда яхши эслайман. У пайтда концерт-театр гастроллари кўп бўларди. Қишлоққа қачон артистлар келса, отамнинг обрўси сабаб, албатта, бизникига кўнишарди. У пайтда Чимкентнинг ўзида ҳам машҳур артистлар бўлган. Раҳматли Шамши ака, гижжакчи Мирза акалар, сайрамлик Ойимхон опалар концерт беришга келишганда бизнинг уйда бўлишарди. Куни билан ҳовлида машқ қилишиб, ўзлари ош-овқат тайёрлаб, дастурхон атрофида йиғилишарди. Биз, болакайлар уларнинг атрофида ўралашардик. Кечқурун эса адам бизларни етаклаб концертга олиб чиқардилар. Концерт бизларга текин эди. Биринчи қаторга ўтириб олардик. «Шоҳсанам ва Ғариб», «Анорхон» каби спектакллари ўша пайтларда кўрганман. Ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Юрагимда санъатга ҳавас ўшанда ниш урган.

— *Йил бошидамикан, телевидениеда сиз ҳақингизда катта кўрсатув берилди. Унда отангизни эсларкансиз, кўзларингиз беихтиёр жиққа ёшга тўлди. Урушга кетиб қайтмаган эканлар-да?..*

— Адам 42 ёшида урушга кетганлар. Брон олсалар ҳам бўларди. Касби ҳам шуни тақозо этарди. Лекин шундай қилмабдилар. Онамнинг қўлида мен ва иккита синглим қолиб кетдик. Отам ўша йили Сталинград frontiда ҳалок бўлганлар.

Менинг қўлимда «қора хат» қолганди. Мен 43 ёшга чиққан, отамнинг тўхтаб қолган умрларидан бир ёш улғайгандим. Имкон толиб, адамнинг қабрларини

кўриш учун Волгоградга бордим. Адам ҳалок бўлган Асковетск қишлоғи шаҳардан анча ташқарида экан. Такси билан бир кунда бориб, кенг дала бағридан хок олиб қайтдим.

Мамаев қўрғонини ҳам зиёрат қилдим. Ундаги мраммар лавҳаларга ҳалок бўлган 48 минг одамнинг рўйхати битилган экан. 48 минг шаҳиднинг энг охирига «Аҳмедов М.» деб ёзиб қўйилибди. Уни ўқирканман, ҳўнграб йиғладим, йиғладим...

Отамнинг рамзий хокларини кейин қишлоққа олиб бориб дафн этдим.

— *Қорабулоқда сиз билан бўлган учрашувда бир опа жуда ҳаяжонланиб гапирдилар. Сизни ўқитган эканлар...*

— Дарёбиби опани айтаяписизми? Бизни биринчи синфда Ҳалима опа деган муаллима (раҳматли оламдан ўтиб кетдилар) ўқитган. Кейин ўша Дарёбиби опамиз қўлида ўқидик. У опамиз асосан ашуладан дарс берардилар. Кейинчалик қишлоқ кенгашига раис ҳам бўлганлар.

Абдуқодир Солибеков деган адабиёт муаллимимиз ҳам бўларди. Бунақанги мароқли дарс ўтадиган домла йўқ. Ўша пайтдаги мактаб директори Сайрамбой ака ҳам бизга таълим берган. Математикадан ночорлигим учун менга кўп танбеҳ қилардилар. Унинг ён дафтари бўларди. Ҳеч нарсадан кўрқмасак ҳам, фамилиямизнинг ўша дафтарчага тушишидан кўрқардик. Эҳ, мен бир-икки марта тушганман... Ҳозир Сайрамбой ака билан ака-ука бўлиб кетганмиз.

— *Ўрта мактабни битиргач, ўқишга — тўғри театр ва рассомлик институтига бордингизми?*

— Тошкентга сайрамлик дўстим Мираҳмад Мирхолдоров билан бирга келдик. У журналистика факультетига ҳужжатларини топширди. Мен, филологияга кириб ўқисаммикин, деган ўйда эдим. Кейин Театр ва рассомлик институтига киришга қарор қилдим. Чунки у ерда ҳамқишлоғим, кейин режиссёр сифатида катта обрў қозонган Саъдулла Анорқулов ўқир эди. Ундан

маслаҳат сўровдим, шу институтга, режиссура факультетига киргин деди. Кейин Саъдулла ака мени Шухрат Аббосовга рўпара қилди. У киши ҳам, шу факультетга киринг, деди. Шундоқ қилиб, ҳужжатларимни институтнинг шу факультетига топширдим. Имтиҳонда Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмаси тушди. Уни режиссура нуқтаи назаридан таҳлил қилиб бериш керак эди. Бу пьесани ўзимча саҳнага қандай қўйишим мумкинлиги, саҳна қандай безатилиши ҳақида гапирдим. Қўш кўзойнак тақиб ўтирган домла (Иосиф Вениаминович Радун деган домла экан) гапларимни эшитди-да, «слушай» деди, сен «беш»га жавоб бердинг, деди. Лекин мен ўзим ҳам «беш»га билмайман, шунинг учун сенга «тўрт» қўяман, деди.

Курсимизда энг ёши мен эдим. Мен билан таҳсил кўраётганлар кейинчалик СССР халқ артисти унвонига эришган Галия Измайлова, Ўзбекистан халқ артисти Неъмат Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Толиповлар эди. Улар ҳам ишлаб, ҳам ўқирдилар. Ўшанақа машҳур одамлар орасига мактабни битириб келган битта мен тушиб қолгандим. Дарсларга улар кўп қатнашишмасди. Баъзан домлалар битта ўзимга лекция ўқишарди. Мен дарсларни конспект қилардим. Кейин бояги машҳур одамлардан биронтасининг уйига борардик-да, уларга мен дарс ўтардим.

Домлаларимиз ҳам машҳур кишилар эди: Михаил Степанович Григорьев — катта горькийшунос олим, Александр Осипович Гинзбург — машҳур режиссёрлардан, Марк Аронович Рубинштейн... Эвакуация вақтида Тошкентга келишиб, шу ерда хизмат қилишаётган эди. Ўша домлалар қўлида таҳсил кўрганмиз.

— *Ўқишни тамомлаганингиздан кейин сиз телевидениега ишга келдингизми?*

— Кадрлар тақсимооти пайтида мени Бухоро театрига бош режиссёр қилиб тайинлашди. Шу вақтда Ўзбекистан телевидениеси очилиб қолди. Каникул вақтида, қишлоққа бориб нима қилдим, ишлай қолай деб институт ректори Холида Дўстовна Устабоевага мурожаат

қилдим. «Хўш, ишлайсанми? Янги телевидениега борасанми?» дедилар. Ва у кишининг тавсиялари билан режиссер ёрдамчиси бўлиб ишга тушдим. Ўшанда телевидениега Мирсолиҳ Мираҳмедович Миразимов деган киши директор эди. Мени бирдан армия хизматига чақириб қолишди. Мирсолиҳ ака Маданият вазирига, Ҳарбий комиссариатга хат ёзиб, бизга мутахассис керак, деб югуриб-елиб армиядан олиб қолдилар. Кейин мени Бухорога ҳам жўнатмади. Ва бу даргоҳда поғонама-поғона ўсиб бордим. Бош режиссёрлик даражасига кўтарилиб, шу лавозимда 30 йилча ишладим. Ҳозир ҳам шу даргоҳдаман.

— *Оралиқда бирмунча театрда ҳам фаолият кўрсатдингиз. Ҳамма марказга талпиниб турган ўша вақтда сизнинг вилоятга кетишингизга нима сабаб бўлган?*

— Аввало, юрагимда театрга интилиш кучли эди. Чунки театр режиссёр учун ҳақиқий ижод лабораторияси саналади. Телевидениеда у вақтлар имконият кам, асарлар ёзиб олинмас, ҳавога учиб кетар эди. Театрга азалий талпинишим биринчи сабаб бўлса, иккинчи сабаби, техник жараёнга кўра содир бўлган нуқсон юзасидан катта раҳбарлар билан аччиқлашиб қолдим. Сўнг ўз хоҳишим билан ариза ёздим. Ўша пайтдаги Марказкўм бўлими мудир, чўрткесар одам дафъатан «Сирдарё театрига борасанми?», деди. Мен, ҳўп, дедим. Шундоқ қилиб, 78-йили Сирдарё театрида бош режиссёр бўлиб иш бошлаганман. Тўрт йил давомида 12 та янги спектакль қўйдим. Театр танилиб оғизга тушди. Тўртинчи йили театрни Тошкентга гастролга олиб келдим. Бу пайтда вилоят театрларининг биронтаси Тошкентда ҳали гастролда бўлмаган эди.

Оилам Тошкентдайди. Онам қаттиқ касал бўлиб қолдилар. Қайтмасам бўлмайдиган бўлди. Республика Ёш томошабинлар театрига бош режиссёр этиб тайинландим. Бу ерда Ч.Айтматовнинг «Оқ кема»сини, Р. Файзийнинг «Ўз уйингдасан» спектакларини саҳналаштирдим. Шундоқ қилиб, 7—8 йил театрларда юрдим. Бу вақт

мобайнида телевидениеда бош режиссёрлик лавозими бўш турди, ҳеч кимга берилмади. Мени муттасил чақиришди. Кейин бу кадрдон даргоҳга яна бош режиссёр бўлиб қайтдим. Мен учун ижоднинг янги палласи бошланди. А.Қодирий ҳаёти ва тақдирига бағишланган «Мозийдан бир саҳифа», «Ирода» каби видеофильмларни суратга олдим. Энди қилган ишларим ленталарга муҳрлана бошлади.

— *Маҳкам ака, давраларда баъзан онага меҳр, фарзанд садоқати ҳақида гап кетганда беихтиёр сизнинг номингиз тилга олинади. Айниқса, сиз билан бирга ишлаганлар, сизни билганлар эзгу бардошингиздан, яъни волидангизга бўлган чексиз меҳрингиздан ҳайратланишади. «У ҳаммиша шошиб турарди, ишдан кейин бирон жойда кўнгли ёзайлик десак, сира кўнмасди. Онаминг олдига боришим керак, деб туриб оларди», дейишади. Ҳақиқатан ҳам шунақамидингиз?*

— Уйлик-жойлик бўлганимдан кейин, онам қишлоқда ёлғиз эдилар, олдимга олиб келдим. Одам қаттиқчиликни кўп кўрса, қариганда асорати билинаркан. Онам қаттиқ ётиб қолдилар. 9 йил ётдилар, 9 йил қимирламай ётдилар. Болаларим ёш эди. Онамни уларга ишонмасдим. Ўша пайтлар ишдан онам олдига ҳар куни 2—3 марта қатнардим. Дўстларимнинг гапида жон бор, бошқа ҳеч нарса кўнглимга сиғмасди. Онажоним 86 ёшида оламдан ўтдилар. Жойлари жаннатда бўлсин...

— *Энди оилангиз, фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз.*

— Самарқандда мен диплом спектаклимни қўйдим. В.Розовнинг «Шодлик излаб» пьесаси. Шу асар қаҳрамони ролига бир ёш қиз керак бўлиб қолди. Театрдаги аёллар кўпчилигининг ёши ўтиб қолган эди.

Мен бу ролга қиз ахтариб, университет ҳаваскорлар театри репетицияларига қатнадим. Қарасам, бир қиз жуда маъқул. Исми Малика экан. Театрга олиб келдим. Премьерани ўтказдик. Кейин уни ўзимга малика қилиб Тошкентга олиб кетиб қўя қолдим. Самарқанднинг Хатирчисидан. Ўзи географ. Кўп йиллар шу соҳада дарс

берди. «Халқ маорифи аълочиси» бўлди. Географиядан чиққан дарсликка муаллифдош.

Тўртта фарзандим бор. Икки қиз, икки ўғил. Икки қизимдан кейин ўғил кўргунига қадар 9 йил ўтган. Энди мен ўғил кўрмас эканман-да, деб ичимда ўкиниб юрардим. Бир куни бир жойга меҳмондорчиликка бордик. Мезбоннинг ўғли биз ўтирган хонага кириб, турган радиони тарс этиб уриб синдирди. «Мен ҳам бир ўғил кўрсам, қарсиллатиб радиони синдирса...», деб ният қилган эдим ўшанда. Ўғил ҳам кўрдим. Исми Элмурод. У ҳақиқатан ҳам ҳозир радиоларни синдириб, пачақлаб, ўзи тузатадиган уста бўлган. Телевизор ҳам тузатади. Менимча, отамнинг ҳунари шу фарзандимизга ўтган. Икки қизимни турмушга бериб, Элмуродни уйлантирганман. Кичик ўғлим Дилмурод Архитектура институтининг биринчи курсини битирди.

— *Маҳкам ака, сиз Сайрам тарихига оид бир неча кўрсатувлар тайёрладингиз. Шунга нима тўртки бўлди?*

— Мен Ўзбекистоннинг кўп вилоятларида бўлганимда инқилоб йилларида, ундан кейин вайрон бўлган кўп маданий-тарихий ёдгорликларимизни кўрганман, эшитганман. Лекин Сайрамда уларнинг бирмунчаси сақланиб қолган. Одамларимиз уларнинг бузилишига йўл қўймаган. Ўзбекистон, кўпчилик ўзбек халқи бу ҳақда деярли билмасди. Менда шуларни кўз-кўз қилиш истаги туғилди. Тўғри, Сайрам номини кўплар эшитган, билади.

Лекин қадимий обидаларини кўрмаган. Ана шуларни кўрсатишга ният қилиб қўйган эдим. Бу ниятни дўстим, журналист Мираҳмад Мирхолдоров, телевиденида ишлайдиган сайрамлик Раҳима Содиқовалар билан амалга оширдик. «Сайрам қадамжолари» деган кўрсатувлар ташкил қилдик.

Мана, Амир Темурнинг Туркистонда Аҳмад Яссавийга мақбара тиклаш ҳақида берган фармонига ҳам 600 йил тўлди. 1395 йили фармон берган. Шу муносабат билан ҳам алоҳида кўрсатув тайёрлаш ниятимиз бор.

— *Маҳкам ака, суҳбатимиз бошида таъкидлаганим-*

дек, сиз ҳозир 50 серияли «Кўнгил кўчалари» номли телевизион бадиий фильм устида қизғин иш олиб бoryancиз. Бу фильм мазмуни нимадан иборат? Қандай туғилди?

— Янги йил арафасида бош муҳарриримиз бизни — ижодий жамоани кабинетига чақириб, янги йилдан янги нарсалар бошлашимиз керак, шу ҳақда ўйлайлик, деди. Мен йиғилишдан бир сўз демай чиқиб кетдим. Тўғри Машраб Бобоевнинг олдига бордим. «Машраб, дедим, бир идея, дедим. Кўп серияли фильм бошласак. Номини «Менинг маҳаллам» деб қўйсак. 50 серия бўлади. Йил давомида ҳафтада бир мартадан кетади. Бир оиладаги воқеаларни ўз ичига олади. Масалан, ҳафта байрамга тўғри келса, у оилада шу байрамга алоқадор воқеаларни ёритамиз. Оддий кунларга ёки туғилган кунларга тўғри келса, ундаги воқеаларни... Мақсад ҳозирги кунимиздаги муаммоларни, қувончу ташвишларни акс эттириш. Оддий томошабин юрагида уларга нисбатан муносабат уйғотиш...», дедим. Машраб бир ҳафтадан кейин фильмнинг беш серияси сценарийсини тайёрлаб келди. Номини «Кўнгил кўчалари» қилиб ўзгартирибди. Айни кунларда унинг 25 сериясини суратга олиб бўлдик. Яқин орада телевидение кўрсатишни бошлаб қолса керак.

— Ҳар бир ижодкорга янги яратаётган асари мафтункорроқ кўринади. Сир бўлмаса, сиз келгусида яна қандай асарларга ҳаёт ато этмоқчисиз?

— Менинг ижод мавзуим асосан рус истилоси ва қатагон йилларига дахлдор. Бу борада «Амир Музаффар», «Сақили наво» асарларини қўйдим. Энди энг юксак бир орзуим бор. Бу «Меҳробдан чаён» асари устида ишлаш. Нима сабабдан бу асарга қўл урмоқчисиз, дерсиз. Сабаби мундоқ. Ҳар бир инсон қалбида чаён яшайди. У заҳар тўплаб, ҳамиша кимгадир санчишни кўзлайди. Мана шу қабоҳатнинг илдизлари мазкур асарда жуда теран очилган. Шу жиҳатдан бу асар долзарбдир. Иккинчидан, мансабга, лавозимга интилиш ҳар вақт турфа ёвузликларга замин бўлиб хизмат қилган. Айниқса, бу сарой муҳитида кучли бўлади. Мумтоз адиб

бу жиҳатни ҳам маҳорат билан кўрсатган. Демак, бу жиҳатдан ҳам у долзарб.

Қанийди техник ва бошқа имкониятлар тезроқ яратилсаю, асарни суратга олишга киришсак. Сценарий тайёр. II қисмдан иборат. Уни Хайриддин Султонов ёзди. Мақсадим — асардаги бир сўзни ҳам ўзгартирмаган ҳолда, унинг тилидаги ширани йўқотмаган ҳолда, яъни Кўқон, Фарғона водийси тилини сақлаган, актёрларни ҳам ўша ёқдан жалб этган ҳолда шу орзуимни рўёбга чиқармоқликдир.

— *Иншоолло, орзуингизга етинг. Маҳкам ака, ижозат берсангиз, суҳбатимиз якунида сиздан яна шуни ҳам сўрамоқчийдим. Қорабулоқда — ўз туғилган тупроғингиздаги бўлган учрашувда, бу байрамга айланиб кетди — Тошкентдан жуда кўп санъат намояндалари ҳам сиз билан бирга келишди, саҳнани тўлдириб ўтирганингизда кўнглингиздан нималар кечди?*

— Мирпўлат, бу дамлар мен учун жуда ҳаяжонли дамлар бўлди. Очигини айтсам, биз ҳозир қийин кунларда яшайпмиз. Ҳамманинг шароити ўзига маълум. «Кўнгил кўчалари»нинг ҳар серияси муқаддимасида айтиладиган кўшиқда шундай сатр бор: «Қаҳр мўлдилр, меҳр қаҳат...» Чуқурроқ разм солсангиз, биз шунақа замонда яшамаёпмизми? Шунақа меҳр қаҳат вақтда ҳамқишлоқларим, санъатсевар юртдошларим вақт топиб, имконият топиб, оддий бир фарзандини шунчалар ардоқлаганидан бениҳоя ҳаяжонландим. Буни мен аввало халқимизнинг санъатга бўлган меҳри, ихлоси, деб биламан. Бўлмаса, бизга ўхшаб хизмат қилган одамлар камми? Биздан ҳам ортиқ хизмат қилиб кўйганлар бор. Мен юртдошларимдан, табаррук заминимиз одамларидан чексиз миннадорман!

1996

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Раҳимжон ОТАЕВ (ОТАУЛИ). Ёзувчи. Кўплаб адабий мақолалар, насрий асарлар муаллифи.

Туркистон туманининг Чипон қишлоғида туғилган. Ҳозир Тошкентда яшаб ижод қилмоқда.

— Раҳимжон дўстим, мана чорак асрдан кўп вақт ўтибдики, сиз Тошкентда яшайсиз. Ҳамқишлоқларингиз сизни аллақачон «бошқа одам» деб ўйлашса ажаб эмас. Шу боисдан мана имконият — дардларингизни «Дўстлик байроғи» рўзномаси саҳифалари орқали бемалол ўртоқлашишингиз мумкин.

— Раҳмат. Одатда ҳар бир қаламқаш аввало ўз ҳамқишлоқлари, ҳамюртлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб, умр йўлини сарҳисоб қилиб туриши керак. Айниқса қирқдан ошиб, бўлари бўлиб, бўёғи сингиб, галвир сувдан кўтарилган бир паллада бу ҳаётий заруратга айланиб қолади. Мен ҳам кейинги пайтларда «киндик қоним томган қишлоқдан олисда қариндош-уруғларим даврасидан четда, Тошкентдек шаҳри азимда нима қилиб юрибман ўзи?!» деган саволни олдимга тез-тез қўядиган бўлиб қолдим, Шу боис азиз рўзномамиз орқали кўрсатилаётган ғимматдан жуда мамнунман.

«Чинакам ёзувчи аввало ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиган, хуллас, кўпни кўрган бўлиши керак». Агар шу гап рост эса, камина ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бир ёзувчи учун керагидан ортиқ даражада кўрди, деса муболаға эмас. Устоз Ҳамид Олимжон «Мен бир қаро кунда туғилдим, Туғилдим-у, шу он бўғилдим» деганларидек, машъум урушдан кейинги қирғин-қатағонларнинг иккинчи давраси бошланган кезде — 1949 йилнинг 3 апрелида Туркистон туманидаги «Югнак» қишлоқ кенгашига қарашли Чипон деган кичик бир қишлоқда туғилдим. Отам Эгамберди Отаев уч оға-инининг кенжаси, қишлоқдаги бошланғич мактаб ўқитувчиси, ўта қаттиққўл ва меҳнатқаш одам, онам Манзура Абдужабборовва уй бекаси эди. Айтишларича, болалигимданоқ отамга тортибман, яъни акам билан опамга қараганда бўйдорроқ эканман. Шунинг учунми, қайдам, отам раҳматли янги уй қураётганида ҳали мактабга бормай туриб, демакки, ҳали етти ёшга тўлмаётган туриб, замбилда лой ташиганим эсимда. Гапнинг қисқаси, аксарият қишлоқ болалари сингари ҳали эсхушимни танимай туриб меҳнатда чақилиб, тиришиб-

тирмашиб ўсиб-улгайдим. Қонимда бор шекилли, не-не заҳмат-машаққатларга бўй бермадим.

– *Сухбатларимизнинг бирида отадан барвақт ажраганмиз деганингиз эсимда...*

– Нечоғлик қаттиққўл эса-да, меҳнатга ўч отамизнинг қаватида қанчалик заҳмат-машаққат чекмайлик, у руҳи мунавварнинг тириклиги беқиёс давлат экан! Ота деганлари ўғил учун тоғдек улкан суянчиқ! Мен тўққизинчи синфни битирар пайтимда ўша суянар тоғимиздан бехос жудо бўлдик. Етти ўғил, икки қиз – жами тўққиз жон етим қолдик. Вақт ўтиб акамнинг пединститутдаги, менинг мактабдаги ўқишим ҳам битди. Иккаламиз ота касбини давом эттириб, мактабда ўқитувчилик қила бошладик. Ҳатто ўзимдан бир синф қуйида ўқийдиган мактабдошларимга ҳам дарс бердим. Отам ўлганида олти ойлик чақалоқ – етим қолган укам Ориф ҳам худонинг қудратию ўзининг ғайрати билан Новосибирск университетини «ҳисоблаш математикаси» ихтисослиги бўйича битириб келиб, Республика ҳисоблаш марказида ишлайди. У ҳам Тошкентда. Хуллас, кечган ҳаётимни эсласам, дилимда беихтиёр онамнинг пурҳикмат гаплари такрорланади: «ўлмаган қул яшайверар экан», «қул ўлмас, ризқи узилмас», «бошга тушганни кўз кўрар», «кўз кўрқоқ, қўл ботир».

– *Алқисса, Тошкентга қараб йўл олдим, денг...*

– 1967 йилда Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимига ўқишга киришга муяссар бўлдим! Кундузлари енг шимариб, янги Тошкент қурилишларида ишладим. Учинчи босқичга ўтганимдан кейин Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтининг фольклор бўлимига ишга кирдим. Халқ оғзаки ижоди бўйича алломай замон Ҳоди Зариф кўлида ишлаганимдан ифтихор қиламан. Мен ишлаган бўлимга кейин Баҳодир Саримсоқов, Иброҳим Ҳаққулов, Асқар Мусақулов каби илмга ташна ёшлар кириб келишди. Ҳозирда улар ўзбекнинг бақувват олимлари!

– *У даврлардан кейин қанча йиллар ўтди, қанча сувлар оқди. Шубҳасизки, умр ҳам бир жойда тўхтаб*

турмайди, вазият-муҳит тақозосига қараб ўзинини ўзгартириб боради, мақсад сари интилади.

– Шундоқ қилиб, дипломлик бўлгач, қишлоққа қайтдим. Дастлаб «Коммунистик меҳнат» (ҳозирги «Туркистон») рўзномасида адабий ходим ва таржимон бўлиб ишладим. Кейин «Чипон» саккиз йиллик мактабида ўзбек ва рус тилларидан дарс бердим. Икки йил ўтмай, тагин Тошкент хумори тутди. У ерда дастлаб ўқитувчилигимни давом эттирдим. Кейинроқ Республика Маориф вазирлигида, сўнг Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида ишладим. Мана, ўн икки йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида меҳнат қилман.

– Одатда, мухлислар, айниқса, юртдош мухлислар адабиёт ва санъат аҳлининг оилавий шароитига жуда қизиқиб қарайдилар.

– Тўғри айтасиз, вилоятдошларимиз ҳам бу туйғуга бегона эмас. Оилавий шароитимни айтсам, бола-чақаликман. Худога шукр, бир ўғил, уч қизим бор. 1973 йилда университетни битирган заҳоти атайлаб Туркистонга бориб, туман рўзномасидан Дилбар Алисаидовна Сафарова деган бир қизни топганман. Ҳозир Фаррух ўғлим, Дилдора, Дилфуза, Дилором қизларимга фахрланиб уқтираманки: «Сенлар туркистонликсанлар! Туркистонлик бўлгандаям, бу муқаддас шаҳар теварагидаги тўртта қадимий қишлоқнинг ўлмас руҳи қонларингда кезиб юрибди. Эгамберди ва Алисаид боболаринг Югнак билан Бобойдан, момоларинг, туркистонча айтганда, Манзура ва Қундуз опаларинг Қорачиқ ва Саврондан бўлади!», дейман. Ўйлайманки, бу ўринда бошқа гаплар ортиқча.

– Раҳимжон, бир инсон ҳаётида кечган кечинмалар бошқаларнинг ҳам ҳаётида учраши, айнан такрорланиши мумкин. Айтмоқчиманки, одамларни ижодкорнинг умр йўли эмас, кўпроқ шу умри давомида ёзганлари ҳайратга солади. Сиз ҳам ҳозирги кун адабиётимизнинг куюнчак вакили сифатида анча-мунча қалам тебратдингиз, Эркин Воҳидов бир дўстига ҳазил қилиб

айтганидек, «қанча қоғозларнинг бошига етгансиз»...

— Қирқ олти йилнинг нақд ўттиз йилини фурсат топилса бас — қалам тебратиб кечирган бир заҳматкаш ота ўғил, борингки, Отаули сифатида, айтганингиздек, анча-мунча нарсаларни ёзиб ташлабман. Фақирнинг камтарин ижоди (агар буни ижод деб бўлса) ўттиз йил аввал мактабда бошланган эди. Ўша йилларда Туркистон туман рўзномасида ошиқона шеърларим роса босилган. Ажойиб рус шоири Сергей Есенин «Россияда машҳур шоирман. Нечун менга қилмайсан парво» деганидек, фақир ҳам бир пайтлар Туркистонда машҳур шоир эдим. Тошкентга ўқишга келиб, сал-пал ақлимни таниб, ҳолимни чамалаб кўриб, билдимки, булоқ бошида Аҳмад Яссавий ҳикматлари турувчи муаззам шеъриятимиз юкини даст кўтариш балки Абдулла Ориповдек шоиримизнинг нимжонгина жуссасига қушдек енгил туюлар, бироқ менинг қарийб икки метрлик алп қоматимга бу юк оғирлик қилар экан! Шу аччиқ ҳақиқатни англаб етганимдан буён шеър ёзмадим. Мақола, шарҳ, тақриз, бадиа, ҳикоя, очерк, памфлет, қисса, қўйинг-чи, оддийгина шеърдан бошқа барча жанрларда қаламимни бир чеккадан синаб кўрдим. Синмади. Худога шукр, ўзим ҳам синмадим. Кейинчалик чорак аср бадалида бош касб-корим синчилик, яъни танқидчилик бўлди. Сўз санъатимизнинг айни шу соҳаси мен учун синалган отга, синашта соҳага айланди. Жами юздан ортиқ мақола, тақриз, шарҳ ва ҳоказоларим орасида тўртта таҳлилий мақолам, ўйлайманки, ҳар қандай синчининг синовиди синмайди. Буюк адибимиз Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳамда «Ёрқинной» драмаси, буюк юртдошимиз Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» ва «Оққушлар, оппоқ қушлар...» романлари таҳлилига бағишланган «Тонг юлдузи шуълалари», «Тасаввур зиёси», «Ҳикматлар карвони» ва «Буюк учлик» мақолаларим, бошқаларга қайдам, ўзимга бугун ҳам маъқул.

Адабий танқиддан ташқари бадиий таржима ва ба-

дий публицистикадек ўта заҳмат-машаққатталаб соҳалар билан ҳам анча-мунча шуғулландим. Жумладан, эрон адиби Муҳаммад Али Жамолзоданинг «Шўробод» асарини рус тилидан, қорақалпоқ адиби Тўлапберган Қаипбергановнинг «Қорақалпоқнома» роман-эссеси билан «Қорақалпоғистонликлар иккинчи ватанига кўчмоқчи» бадиасини қорақалпоқ тилидан, қозоқ адиби Мухтор Мағавиннинг «Тириклик кўшиғи» қиссасини қозоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилдим. Бадиий публицистика соҳасида илмий ва фалсафий йўналишдаги дастлаб «Турмуш хулқ-атвор ва меҳнат эстетикаси», «Осмон тўла юлдузлар (Туйғулар билан суҳбат)» деган китобларим чоп этилди.

— *Одам тўплаган маблағига қараб уй-жойини кенгайтира бошлаганидек, ижодкор тажриба орттиргани сайин йирикроқ асар яратишни ният қилади. Зеро, у руҳий дунёси, мунаввар туйғулари учун кенгроқ макон истаб қолади. Бу борада сизнинг «Сурнай наволари» ва «Тилсим (Туркистон достони)» асарларингиз ижодий фаолиятингизда олдинга қўйган қадамларингиз бўлади десам, янглишмайман.*

— Булар хусусида кенгроқ сўз юритишга, ўйлайманки, ҳали эрта. Бу ўринда қирқ олти ёшга кириб топгнутган йирик асарим — «Тилсим»га тўхтаб ўтиш мумкин. Халқимизнинг пурҳикмат эртаги — «Уч оғани ботирлар» асосида қурилган мазкур асарда мен уч оғани — оддий деҳқон Собир қовунчи, хунарманд Қодир учар ва зиёли Кенжаботирларнинг бетакроп қисматларини атрофлича очиб кўрсатишга, кичик Туркистон мисолида катта Туркистон — қадимий Туронзаминининг тарихи ва бугунги аҳволи хусусидаги ўз қарашларимни ифодалашга ҳаракат қилдим. «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр»дек мумтоз адабий обидаларимиздан руҳланиб ёзилган бу маъжозий асарнинг бир қисми ўтган йили «Шарқ юлдузи» ойномасида эълон қилинди, яна бир қисми бу йил «Ёшлик» ойномасида эълон қилинмоқда. Умидим борки, қоғоз қаҳат замонлар ўтиб, мазкур асар тўлалигича дунё юзини ҳам кўрар.


– *Иншоолло, умидингиз рўёбга чиқсин. Утган йили унинг «Алп Жамол» номидаги Ёзувчилар уюшмаси совринига сазовор бўлганлиги ишончимизга асос бўлади.*

Дўстим, суҳбатимиз йил бошида кечаётганлиги тўфайлими – қалбингизда янги орзулар куртак ёза бошлаганлигини сезиб турибман. Табиийки, бу режаларингиз мухлисларингизни ҳам қизиқтиради.


– Мирпўлат, сизга аввал ҳам катта бир орзум борлигини айтганман. Бу – бобокалонимиз Абу Наср Форобий ҳақида йириқроқ асар ёзишдир. Чунки бу буюк шахснинг «Муаллими соний», яъни Арастудан кейинги иккинчи муаллим деб ном қозонганлиги бежиз эмас. Бу каби улуғларимизнинг умр фалсафаларини қанчалик чуқурроқ англашга ҳаракат қилсак, дунё халқлари сафида қаддимиз янада тикроқ бўлади, руҳимиз тасалли топиб, ҳаётимиз нур билан бойийди.

– *Орзуингиз рўёбга чиқишига астойдил тилакдошимиз. Суҳбатимиз асносида билиндики, сиз йиллар ўтиши билан киндик қонингиз томган тупроқдан асло бегоналашмагансиз. Аксинча, унга руҳан янада яқинлашгансиз. Сизга омад ёр бўлсин, дўстим!*

1996



ЯНГИ МАНЗИЛЛАР
ШУЪЛАСИ





У КУНЛАРНИ ЖИЛМАЙИБ ЭСЛАЙМАН

Бу воқеалар бундан ўн йиллар илгари бўлиб ўтган. Лекин миллатимизнинг энг улуг қуни — Мустақиллик байрами арафасида ҳар гал эсимга тушади. Беихтиёр жилмаяман. Бу жилмайишимнинг биринчи сабаби — ўша вақтда шўролар даврида ўта жиддий, ҳаёт-мамотга дахлдор воқеаларнинг ҳозир ниҳоятда кулгили, бачкана туюлиши бўлса, иккинчи сабаби — руҳимдаги тақдирдан бахтиёрлик туйғусидир, ичдан нурланувчи истиқлолдан ифтихор ҳиссидир.

Ўшанда республиканинг турли соҳаларидаги ёш ижодкорларнинг бир гуруҳи чет эл сафарига — Югославияга отлангандик. Гуруҳимизни ёш рассомлар, ёш санъаткорлар, ёш театр артистлари ва кино актёрлари ташкил этган бўлиб, биз ёш қаламкашлар олти нафар эдик. Йўлга поездда чиққандик.

Сафаримизнинг дастлабки кунларини ҳазил-мутойибалару шахмат билан ўтказдик. Ижодкор халқининг шахматни билмайдигани йўқ. Бунинг устига, ўзининг тажриба-маҳоратидан мақтанишда ҳам уларнинг олдида тушадигани топилмайди...

Орамизда иккита ёш коммунист бор эди. Улар жиддийликни, сиёсий ҳушёрликни сира қўлдан бермай келарди. Ниҳоят «шахмат эпкини» ҳам ўтиб бўлгач, даврамизга уларнинг жиддийлиги, сиёсий ҳушёрлиги ҳукмронлик қила бошлади.

— Энди, ўртоқлар, ҳазил-ҳазил биланку-я, лекин ҳар бир қадамимиз, ҳар бир айтган сўзимиз назоратда эканини унутманглар, — деди улардан бири. Иккинчиси унинг фикрини тасдиқлаб, гапининг моҳиятини очиб берди: «Бунақа сафарларда, албатта, орамизга «кимдир» қўшилган бўлади. Сизни сиёсатга қарши гапларга ўзи чорлайди, сафар охирида эса, керакли жойга ҳисобот беради. Кейин аттанглаб қолмайлик...»

Юрагимизга тушган гулгула тобора жиддийлашиб борди. Чунки энди гап ана шу мавзуга кўчганди. Ҳар ким кимдандир эшитганларини, қаердадир ўқиганларини гапирди. Қатағонга учраб, нобуд бўлиб кетган ёзувчиларимиз бир-бир эсланди. Ундан кейинги даврларда қамалиб чиққанларнинг ўзлари айтиб берган хотиралари тилга олинди. Хуллас, ҳаммамизнинг баданимизга муз югурди. Бизлар ҳали ўсадиган ижодкорлар эдик, ҳар биримизнинг юрагимизда катта-катта орзулар гупурарди. Агар сиёсий кўрлигимиз туфайли таржимаи ҳолимизга бирон-бир тамға босилсами, бояги жўрамиз айтганидек, бир умр «аттанглаб» юришимиз мумкин эди.

Қиладиган ишимиз йўқ, манзилгача ҳали анча кун бор. Кимдандир чиққан ушбу фикр ҳаммамизга маъқул тушди: «Келинлар, гуруҳимиздагиларнинг феъл-атворини, юриш-туришини бир-бир таҳлил қилиб чиқамиз. Зора, «унинг» кимлигини тезроқ билиб олсак, хорижда хотиржам юрардик-да...»

Шундоқ қилиб, рассому артистни, актёру санъаткорни — ҳаммани бир-бир таҳлилдан ўткази бошладик. «Уни» эса аниқлаб бўлмасди. Бар пайт кимдир ғалати тахминни ўртага ташлади:

— Топдим, — деди у. — Ҳаммамиз ахтараётган «одам» гижжакчи дўстимиз. Пайқамадинларми, у кунда ҳар бир купега камида уч мартадан қараяпти. Бир мақсади бор-да, гижжагининг қорнига бирор нарса ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳақиқатан ҳам доимо жилмайиб юрадиган гижжакчи дўстимиз олдимишга камида уч ёки тўрт мартадан кирарди. «Салом, яхши ўтирибсизларми? Паганинидан эшитасизларми ёки «Чўли йироқ»ни чалиб берайми?» — дерди у. Улардан бирини қойилмақом қилиб чалар эди-да, кўшни купега йўл оларди.

— Гумон тўғри, — деди шоир дўстимиз, — лекин тасдиқланмаяпти. Яъни ҳеч биримизни сиёсатга қарши гапларга чорламаяпти-ку...

Шоир дўстимизнинг сўзи билан гумон чиппакка чиқди.

Поезд мамлакат сарҳадига тобора яқинлашиб борарди. Деярли беш минг чақиримли йўлдаги жамики поезд бекатлари ва вокзаллар бир хилда — қашшоқ ва яйдоқ эди. Зеро, СССРда «ривожланган етук социализм» ўзининг авж нуқтаси — турғунлик палласига кирганди. Қайта қуриш ва демократия шамоллари ҳали тоғлар ортида эди.

Югославия бизга жаннатмакон бўлиб туюлганди ўшанда. Ҳар қадамда дўкон, минг хил мол, кўчалардаги ҳар хил маркадаги машиналар...

Биз Арис станциясидан Чоп станцияси қадар вокзал дўконларида кўм-кўк ароқ шишаларию буханка нонлардан бошқа нарсаларни кўрмаганимиз учун, Белград манзаралари кўзимизни қамаштириб юборганди.

Орамизда чаққонроғимиз — бозор кўрган дўстимиз бор эди. Унинг болалиги Тошкентнинг энг йирик бозори яқинида кечганди.

— Энди ишни бозордан бошлаймиз, — деди у, ҳаммамиз меҳмонхонага жойлашиб бўлгач. — Биринчи галда шаҳарнинг бозорини зиёрат қилайлик.

Ниҳоят бозорни излаб топдик. Оломон гавжум. Ҳозирги «Чорсу»ни эслатади.

У пайтлар СССРда чайқовчиларга қарши ҳужум бошланган дамлар эди. Бозорда юрган исталган одамни милиционер — чайқовчисан деб тутиб олиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Хусусий дўконлар, хусусий ошхоналар ҳақидаги гаплар қаёқда! Чиғатойнинг тор кўчаларида қўлбола кабоблар сотиларди. Милиция ходимлари кабобпазларни ҳар қанча тақиқламасин, у ерга айниқса, тушлик пайтларида мижозлар тўлиб кетар эди.

«Жар» ресторанини айтмайсизми! У «Чорсу» меҳмонхонасининг орқаларида бўларди. Тахминан ҳозир гўзал ва муҳташам спорт комплексининг ўрнида. Уни ўрта ёшдагилар яхши билишади. Ҳозирги ёшлар мутлақо тасаввур ҳам қила олмайди. «Хўш, ресторанларни кўрма-япмизми? Номини «Жар» бўлса бўлибди-да!» дейишлари мумкин. Лекин уларга «Жар» — рестораннынги номи эмас, унинг жойлашган ўрни эканлигини тушунтириш анча мушкул бўлиши табиий. Яъни жарликлардаги «ресто-

ран» эди у. Аниқроғи, ресторан ҳам эмас, пастқам, деворлари нурай бошлаган кулбалардаги ошхоналар эди. Одамлар мутойиба аралаш уларни «ресторан» деб аташарди. Балки бунга улардаги таомларнинг ниҳоятда мазалилиги сабаб бўлгандир ўшанда. Мазкур ошхоналар бузилиш арафасидаги уйларнинг хоналарида, ҳовличаларида эди. Ундаги оддий тахтадан ишланган столлар устига энг оддий клеёнкалар тўшаларди. Бир ёқда қозонлар биқирлаб турибди, бир ёқда самовар қайнаб турибди, чойнақлар эски, пиёлаларнинг чети учган бўларди. Лекин хўрандаларга келинчак либосдаги аёллар хизмат кўрсатишарди. Ажабланарли жойи шунда эдики, ошхона эгалари ҳовлию хонадонларни, идиш-товоқлар, стол-стулларни рисоладагидек, яъни ресторандагидек қилиб қўйишлари мумкин эди. Буларга сўзсиз уларнинг қурблари етарди. Фақат бунга юқоридан рухсат йўқ эди. Баъзан мазкур «ресторан»да бу ишга тақиқ тамғасини босганларнинг ўзларини ҳам учратиб қолиш мумкин эди. Бундан — ихтиёр уларда эмас эканлиги англанди. Дарҳақиқат, ўша даврда жамики ишлар ихтиёри шўролар салтанатининг пойтахти, халқни қашшоқлаштириш мафкурасининг ўчоғи — Москвада эди. Бугунги кунда буларни эслар эканман, Кремль Тошкентнинг ташландиқ жарликларини тор кўчалари қадар қўлида маҳкам тутганлигини ўйлаб тонг қоламан. Этим жимирлашиб кетади.

Шундоқ қилиб, Белграднинг ҳозирги «Чорсу»га ўхшаш бозори — тумонат одам. Унинг қирғоғида туриб, бир дақиқа қотиб қолдик. Чунки жами тумонат «чайқовчи» эди. Унда-мунда учрайдиган мундирдаги ички орган ходимлари эса, гўё ҳеч нарсани пайқамангандек хотиржам сайр қилиб юрарди.

Орамиздаги коммунистлар бозорга кирмасликни маслаҳат беришди. Бозор кўрган дўстимиз эса дадил ичкарига даъват қила бошлади. Бар пайт оломонга қандай аралашиб кетганимизни сезмай қолибмиз. Анча сайр қилиб юриб, атроф-муҳитга кўзимиз ўргангандан сўнг, бозор кўрган дўстимиз хориж учун атайлаб олган мол-

ларини чиқара бошлади: чойқайнатгич, дазмол, соч куритгич, якандоз... Бизлар бундан юрагимиз орқага тортиб, сапчиб тушдик, икки коммунист ҳаммамизни бозордан бош олиб чиқиб кетишимизга ундади. Мусофир юртда олти нафар ёш ижодкорлар дарҳол икки гуруҳга бўлиндик: коммунистлар даъватига кулоқ тутганлар — бозор сиртига, ҳайиқмас «бизнесчи» дўстимиз томондагилар — унинг энг қайноқ жойларига қараб кетди.

Ташқарига чиққанлар ҳар бир одамга тикилиб, тевааракни чуқур ўргана бошладилар: «Ишқилиб «кимдир» кўриб қолмадимми экан?» Махсус одамлар кузатмаётибдимикин?..»

«Кузатсаям, анови тўққиз қаватли бинонинг тўққизинчи қаватидан кузатишлари мумкин. Ундан бозорнинг ҳамма бурчаги кўринади», — деди бир дўстимиз. Иккинчи дўстимиз: «Ҳозир шунақанги асбоблар борки, шу масофадан туриб, бемалол суратга тушириб, гапларимизни ёзиб олишлари ҳам мумкин», — деди юраги пўкиллаб.

Бозорнинг қизгин нуқтасига бориб қолганлар эса беихтиёр олди-сотдини бошлаб юборишганди.

— Худо урди!.. — деди бир коммунист иккинчи коммунистга.

Иккинчи коммунист вазиятни янада ўткирлаштириб, тўққиз қаватли бинога ишора қилиб деди:

— Шўримиз қуриди — ҳаммаси суратга тушириб бўлинди...

Бозордаги бу ихтилоф, табиийки, кўнглимизда асорат қолдирди. Бугун сафар давомида дилимизни ниҳоятда ғаш қилди. Бозор ўртасига бориб қолган азаматлар ҳам коммунистларнинг кўтарган ваҳималаридан кейин «ҳаммаси суратга олинганлигига амин бўлишди». Бошқаларнинг кўнгидаги ғашлик уларнинг кўнгилларига ҳам юқди.

Энди бу ёғига, энг муҳими, гуруҳимиздаги «кимдандир» эҳтиёт бўлсак бўлгани эди.

Эртасига эрталаб меҳмонхона атрофидаги магазинларни айландик. Мен билағонлик қилиб, «хотинларга энг ёқадиган нарса нима, биласизларми? Бу — «Ма-

донна» сервиси», дедим, бир дўконга кирар эканмиз, ўта чиройли чинни идишларга кўзим тушиб. Уни харид қиларканман, ёш мунаққид Раҳимжон безовталана бошлади. Тугаб қолиши мумкин деб ўйлади шекилли, бор бўйи билан пештахта томонга эгилиб, унинг остини кўрсатди. «Шундан яна қолдими?» — дея сўради. Ҳаммамиз гуррос кулиб юбордик. Чунки ўша даврда энг чиройли, тансиқ ашёлар совет мамлакатада пештахта остида бўлар эди. Сотувчига минг тавалло билангина уни қўлга киритиш мумкин эди. Раҳимжон ўзининг Югославияда турганлигини бир зум унутганди, шекилли. Ҳолбуки, сотувчи унга шу сонияда исталган буюмдан юзта ёки мингтани тахлаб ташлаши мумкин эди.

Шундан кейин сафаримиз давомида бирор дўконга кириб қолсак, «Раҳимжон, сўраб кўринг-чи, анови молдан топилармикан?» — деб ҳазил-мутойиба қилиб юрдик.

Сафаримиз режасига кўра, Адриатика денгизи соҳилларига боришимиз керак эди. Денгиз Югославиянинг фарб томонида бўлиб, Атлантик океанига туташиб кетарди.

Равон йўллар бўйлаб яшил довлардан, гўзал қишлоқлардан ўтгандик ўшанда. Қишлоқлардаги чиройли икки қаватли гиштин уйлар эътиборимизни тортганди. «Булар кимларнинг уйлари?» — деб сўрагандик йўл бошловчи жувондан, у: «Ҳаммаси оддий аҳолиники» деганида, роса ҳайратлангандик. Чунки бизда — ўша пайтдаги совет мамлакатада бунақа уйларни қуриш қонунга хилоф — деярли жиноят ҳисобланарди. Зеро, бу вақтда Қибрай ҳудудидан ёзувчилар учун ажратилган чорбоғларда қурилган дала-ҳовлилар жиддий комиссия кўригидан ўтказилганлигига ва бир профессорнинг икки хонали уйчаси устига болохона ҳам қурилганлиги учун комиссия қарори билан буздириб ташланганлигига бир-икки йил бўлганди, холос. Бу ҳақда энг катта газетада «фелъетон» ҳам чиққанди.

Денгиз бўйидаги шаҳар чиройли ва ниҳоятда озода эди. Шинам коттежларга жойлашиб, ҳақиқий дам олишимиз бошланди: шаҳар кезамиз, денгизда чўмила-

миз, офтобда тобланимиз. Дўконларга кириш ниҳоятда мароқли эди. Пештахталарга териб ташланган турфа хил ширинликларнинг таратаётган ёқимли бўйлари-дан бош айланиб кетарди.

— Мирпўлат, — деди бир куни Йўлдош Эшбек. — Менинг бир нарсага сира ақлим етмаяпти.

— Нимага? — дедим мен.

— Капитализмни бизда «чириб бораётган капитализм» дейишарди. Бу ерда ҳеч бир чириган, чириётган нарсаларни учратганимиз йўқ-ку?! Мева-чева дўконларида олмайю нокларни хитой қоғозларига ўраб қўйишибди ҳатто!

Суҳбатга Раҳимжон аралашди:

— Мени ниҳоятда қаттиқ таажжублантирган нарса — дўконларда озиқ-овқат молларининг ҳаддан зиёд мўллиги. Бу ерда қандайдир мантиқ бузилган, бу — аҳолида пулнинг камлигидандир, эҳтимол. Чунки пули кам аҳоли дўконлардан кўп нарса харид қила олмайди. Савдо-сотик кам бўлгандан кейин озиқ-овқат мўл бўлиб бораверади-да.

Аслида мантиқ бу ривожланган мамлакатда эмас, бизнинг тафаккуримизда бузилган эди. Биз ўз мушоҳадаларимизнинг ниҳоятда ноқис эканлигини у пайтда сира хаёлимизга келтирмаганмиз.

Бир куни соҳилдаги қумда ётганимизда ҳамманинг дил тубидаги фикр-ўйлар сўзга кўчди:

— Бизнинг ўлкамизда ҳам бир кун шунақа тўкинчилик бўлармикан?..

— Қайдам-ов...— деди кимдир.

— Бунинг учун мустақил бўлишимиз керак... — деди биров.

— Мустақилликни тушингда кўрасан, — деди бошқа дўстимиз.

— Мустақиллик бизнинг авлодга насиб этмайди...

— Биласизларми, — деди биринчи сўз очган дўстимиз. — Кеча экскурсияга бораётганимизда автобусда ёнимда гуруҳимизнинг бир аъзоси ўтириб қолди. Уни ҳам бу мамлакатдаги иқтисодий мўл-кўллик ҳайратлантирибди. СССРда, деб мени суҳбатга тортди, кўп партиялилик

бўлмас экан, иқтисодиётда ҳеч қачон ўсиш юз бермайди, деди...

— Э-э, менга қара, ҳаммамизга жумбоқ бўлган «кимдир» ўша эмасмикин?..

Бу қалтис луқма суҳбатимиз чўғини ўчирди. Ҳамма бирдан муз қотди. Чунки коммунист дўстимиз кўнгилларга ғашлик, гумон, хавотир уруғларини сепувчи «дийдиёсини» бошлаганди.

— Мен сенларга айтгандим, ўша бозорга бормайлик, деб... Мана, кўрасанлар, энди ҳар биринг уйга қайтиб, ишга тушгунинг қадар суратларинг керакли идораларнинг столлари устида бўлади...

Бу гапларни бориб турган ҳазил-аския деб ҳам қабул қилиш мумкин. Лекин фақат ўша даврда эмас, ҳозирги кунда туриб. Ўша даврда эса дунёнинг олтидан бирини эгаллаган мамлакат аҳолиси руҳан майиб-мажруҳ, сал нарсадан хавотирланадиган, гумонга мойил эди. Ишқилиб, шўровий мафкурага ёт одам номини олиб, эртанги умидларимдан бебаҳра қолмасам бас, деб ўйларди. Зеро, рус шоири А.Галич (ижоди туфайли совет фуқаролигидан маҳрум этилган) бир шеърида, «ғалати туш кўрдим, тушимда нуқул тўғри гаплар айтар эканман, мамлакатдаги барча камчиликларни фош қилиб ташлабман... Эрталаб уйғониб, тушимни мулоҳаза қилиб ётдим. Бар пайт эшик тақиллаб, мундир кийганлар кириб келишди. Кўрган тушингиз учун жавоб берасиз деб, қўлларимга кишан солишди», дея бежиз ёзмаганди.

Шундоқ қилиб, ўша кунги роҳат-фароғатимиз барбод бўлди. Нафақат ўша кунги, балки бу ҳол сафар давомида бот-бот такрорланиб турганини ҳаммамиз юракдан ҳис этгандик. Умуман, ажойиб мамлакатга қилган сафаримиз ўшанда кўнгилга илашган ғашлигу бадгумонликлар боис ҳеч биримизга татимаганди, десам ҳам бўлаверади...

Бугун бу воқеаларни жилмайиб эслар эканман, орадан жуда кўп замонлар ўтиб кетганга ўхшаб туюлади гоҳо ва ниҳоятда гайритабиийлигидан, ўта номантиқлигидан, улар гўё мен билан содир бўлмагандай ҳатто. Ҳақиқатда

эса бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига ўн йилнинг нари-берисигина вақт ўтди, холос. Ҳолбуки, ўн йил тарих учун нима деган гап! Бар киприк қоққанча ҳам эмас. Лекин биз, бахтимизга кўра, буюк эврилишлар вақтида яшадик ва яшамоқдамиз. Тарихда энг мураккаб ҳодиса — башарият тақдирининг ўзгариши, тафаккурнинг эврилиш жараёнидир. Илоҳий сир-синоатга йўғрилган бу давр асрлар давомида амалга ошиши мумкин бўлган жараённи энг қисқа муддатларда ҳал қилмоқда. Кўп замонлар бизни энтиктирган ҳуррият, мустақиллик, истиқлол сўзлари бугун оддий кундалик сўзларимизга айланди. Энди биз бу сўзлардан энтикиб ҳайратланмаймиз, балки бу сўзлар мустажоб бўлган муҳитда амалга оширилаётган буюк қурилишлардан, гўзал иншоотлардан, бетакрор муваффақиятлардан ҳайратланмоқдамиз.

Илгари бирон чет элликни юртимизда кўриб қолсак, мабодо жосус эмасмикан, деган фикр хаёлимиздан ўтарди. Чунки совет мафкураси ўз фуқароларига ташқи дунёни ҳамини азалӣ душман деб уқтириб келган. Йўқ, улар энди мустақил, озод мамлакатимизнинг душманлари эмас, дўстлари, хайрихоҳлари, ҳамфикрларидирлар!

Тадқиқотчиларнинг айтишича, ўтган йили хорижга чиққан фуқароларимизнинг сони жамики шўролар тузуми даврида четга чиққан фуқаролар сонидан кўп экан. Айниқса, ёшларимиз-чи! Дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларига бориб таълим олмоқдалар. Бугун уларнинг бирортаси кўнглидан қачонлардир биз бир гуруҳ ижодкорлар кечирган таъқиб шубҳаларию таҳдид гумонларидан заррача бўлса ҳам кечармикан? Асло! Чунки улар янги насл — озод, мустақил мамлакатнинг чин соҳибларидир.

Менинг кўнглимдан яна бир фикр ўтади: «Ўзбекистоннинг келажаги — буюк» дейилмоқда. Бу орзу ҳаётиймикан? Қачонлардир амалга ошармикан? Албатта, ҳаётийдир, шак-шубҳасиз амалга ошажак, дейман ўзимга-ўзим. Чунки элимиз онгида чинакам эврилишлар содир бўлмоқда, унинг тафаккуридаги кишанлар муз

парчаларидек эримоқда. Биздан бу паллада буюк ши-жоат, буюк сабот, буюк сабр лозимдир!

Мен энг қадим, энг оддий ҳақиқатни ўзим учун қайта кашф этдим. Элда тинчлик, омонлик бўлса — ҳаммаси бўлади! Ҳақиқатан ҳам юртимизда фақат тинчлик ҳукм сурсагина, элимизда омонлик бўлсагина, кўзланган саодатга эришамиз. Йўқса...

Шу дақиқа яна Югославия эсимга тушади. Бизни бир маҳаллар ҳайратга солган бу гўзал мамлакатнинг ҳозир аҳволи қандоқ? Безовта ўйларга чулғанаман. Бемаъни хунрезлик, мантиқсиз низолар туфайли бу замин кейинги йилларда қонларга ботмадими? Бу юртдан файз-барака кўтарилмадими? Халқ қашшоқлашгандан-қашшоқлашиб, тараққиёт йўлларига залворли ғовлар ташланмадими?! Ҳаммасини матбуотдан ўқиб-билиб турибмиз.

Мени дўстларим, жуда оптимистсан, теварак-атрофингдан фақат яхши нарсаларни кўрасан, дейишади. Менинг бу хислатимдан қатъи назар, мамлакатимиз чиндан ҳам улуғлашиб, кўркамлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Бунга шубҳа қилиш ҳам мумкинми?

1998

ЯНГИ МАНЗИЛЛАР ШУЪЛАСИ

Японлар кимгадир ёмон ният қилмоқчи бўлса, умринг ўзгаришлар даврида кечсин, дейишаркан. Ўзгаришлар даври — бу, таъбир жоиз бўлса, бизнинг ҳозирги ўтиш давримиздир.

Албатта, ўтиш, яъни ўзгаришлар даврининг ўзига хос мураккабликлари, қийинчиликлари бўлмай иложи йўқ. Чунки қачонлардир юрагингда қасрдек қад тиккан эътиқодинг бир кун келиб замон силкинишларида кунпаякун бўлади; равон, донғил умр йўлинг музлари дарз кетиб, ўпирилиб бораётган дарё сатҳига бориб тақалгандек туюлади.

Лекин бу умумий олиб қараганда шундоқ кўринади. Аслини олганда, ўтиш даврининг аломатли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Руҳиятдаги эврилишларга, юракдаги те-

ран ўзгаришларга синчиклаб назар ташлай оладиган ҳар бир одам буни аён пайқашни мумкин. Зеро, ўзгаришлар даврини кўриш, бошдан кечириш бир саодат. Мабодо у насиб этмаганда, биз ҳам ўзимиздан олдингилар каби шўровий ғоя, коммунистик эътиқодни мутлақо энг аъло ва энг мўътабар билиб ўтиб кетган бўлармидик.

Ўтиш даврининг яна бир аломатли жиҳати — бу даврнинг тарихий жараёнларда тезлаштирилган фильмга ўхшаб кетишидир. Унда ўнта умрга татийдиган жараёнларни битта умрда кўришинг мумкин.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтиш даври ҳеч қачон осон кечмаган. Бу борадаги мураккабликларни янги ғоялар, янгича ҳаёт, янгича тафаккур тўлғоғига менгзаш мумкин.

Энг муҳими, бу палладаги ўзгаришларни тўғри идрок этмоқ, ундаги эврилишлардан тўғри хулоса чиқара билмоқдир.

Сафарим Москвага бўлмаганида мен, албатта, сўзларимни бунчалик чуқурлаштириб, фикрларимни бунчалик чувалатиб ўтирмаган бўлардим.

Ҳар доимгидай гавжум «Тошкент» аэропорти ўша куни алоҳида байрам руҳини касб этди. Унда мамлакатимиз Миллий театрининг 50 та санъаткори сафар тараддуди-ла жамулжам эди.

Улар 4 та спектакль билан Москвага таклиф этилган бўлиб, учигга ҳозирлик кўришмоқда эди. Театр сахналарида, телесериалларда кўп марталаб кўриб, таниш бўлиб кетган артистларга рўпара келган йўловчилар, оддий одамлар, аэропорт хизматчилари уларга ҳавас билан қараб қўйишар, ҳадди етганлари гап ташлаб мулоқотга киришишга ҳам ҳаракат қиларди.

Мен бу гастролга буюк немис адиби ва драматурги Г.Лессингнинг «Донишманд Натан» пьесасининг таржимони сифатида қўшилгандим.

Аввалги авлод санъаткорлари ҳам катта гуруҳлар бўлиб, Москвага кўп марта гастролга боришган. Лекин уларда асосий ҳаяжон ўша пайтдаги Бош пойтахт томошабинларига ҳисобот бериш туйғуси билан боғлиқ бўлган.

Мен бугунги санъатимиз намояндалари руҳиятига назар ташлар эканман, тамомила ўзга ҳолат, ўзга кечинмалар шоҳиди бўлдим. Бу кечинмалар энди ҳисоб бериш, қуллуқ қилиш туйғуси билан эмас, бошқа бир мамлакат томошабини олдида ўзини имтиҳон қилиш, синаб кўриш, истеъдодини намоён қилиш туйғулари, ҳаяжони билан боғлиқ эди.

«Ҳисобот бериш» ва «ўзини синаб кўриш» ҳаяжонлари орасида катта фарқ бор. Мен мана шу фарқни, тафаккурдаги янги уфқни, таъбир жоиз бўлса, ўзгаришлар давридаги миллат руҳиятининг янги манзилларига қиёслаган бўлардим.

Биз Тошкентдан учаётганимизда ҳаво 21 даража иссиқ эди. Москвага қўнганимизда эса 19 даражали совуққа рўпара бўлдик. Мен кўзларимни, кулоқларимни ачиштираётган бундоқ аёзга анчадан бери дуч келмаган эдим.

Автобусимиз «Домодедово» аэропортидан шаҳарга қараб йўл олди. Қор майдалаб урар, автобус ойналари яхлаб қолганди. Ҳар ким кафти билан ойнани ишқаб, ташқарини томоша қилиш иштиёқида эди.

Шаҳар турфа хил чироқлар маржони, камалакранг неон ёғдулари билан намоён бўла бошлади. Пойтахтга кира бошларканмиз, хаёлимда дафъатан: «Россия, Россия, азамат ўлка, мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон!» сатрлари айланди. Ё худо, шундоқ мантиқсиз даврларни ҳам бошдан кечирдик-а?!

Бир пайт театр бош режиссёри Валижон Умаров: «Анов ҳайкални кўряписизларми? — деб қолди. — Навоий ҳайкали!»

Фира-шира қоронғиликда Навоийнинг ҳашаматли ҳайкали бор салобати билан кўриниб турарди. Бу ҳайкал мустақиллигимиз йилларида очилган эди. Ажаб, илгари ушбу мамлакат мумтоз сиймолари Тошкентнинг ҳар бир шоҳ кўчасида савлат тўкиб туришар ва бундан ҳеч биримиз ажабланмас эдик. Лекин ўзимизнинг миллат намояндаларининг ҳайкали бу жойларга келиб қолсами, миннатдорлик туйғуларига тўлиб-тош-

ган қалбимиз энтикиб кетарди. Энди не ҳолки, Навоийнинг бугунги кунларда Москвага етиб борганлиги ҳеч биримизни таажжублантиргани ҳам, ҳайрат ҳисларига чулғгани ҳам йўқ: шундай бўлиши керакдай эди.

Шу боисдан ҳам Навоий салобат билан бу азим шаҳарга боқаркан, у ҳам энди зинҳор ҳисобот бераётган қиёфада эмас, балки истеъдодини намоеън қилиб турган тарзда қад тикланганлиги аён сезилиб турарди.

Биз «Россия» меҳмонхонасига келиб қўндик. У шундоққина Қизил Майдон билан «девор қўшни» эди. Кремль бор салоҳияти-ла нурланиб турарди. Ленин мавзолейи ҳам бу ердан бир қадам. Мен Ленин мавзолейи сурати билан илк бор мактаб дарсликлариди танишганман. Кейинроқ телевизордан катта байрам намойишлари чоғида кўрганман. Уни бориб зиёрат қилиш эса умрлик орзум бўлган. Унга кейинчалик етишганман ҳам.

Биз меҳмонхонага жойлашар эканмиз, менга бир пайтлар олам меҳроби бўлиб туюлган Кремль мавзолейи шунчаки меъморий обида бўлиб кўринди. Унда ҳозир Лениннинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам заррача қизиқтирмади.

Усмон Азимов («Ўтган замон ҳангомалари» спектакли муаллифи) билан бу ерга қачонлардир ёш шоирлар сифатида келган давримиздаги латифаноми бир воқеани эслашиб, кулишдик. Ўшанда ҳам «Россия»га қўнган эдик. Шоир Шукур Курбон Муродни (Муҳаммаддўст, ўша пайтлар Москвада ўқирди)ни йўқлаб бориб, кеч қайтаркан, таксида келаётиб, мўлжални йўқотибди. Таксичини у ёққа-бу ёққа судрайвериб, хуноб қилиб юборибди. Такси ҳайдовчиси шунда:

— Где живёшь, скажи? — дебди.

— Ленин где живёт? — дебди Шукур саволга савол билан.

— В мавзолее живёт, — дебди таксичи.

— А я рядом живу, — дебди Шукур «Россия» меҳмонхонасини назарда тутиб. Ва манзилени топиб келибди.

— Ўша пайтлар биз ҳам ёш санъаткорлар сифатида келиб турардик, — гапга қўшилди Эркин Комилов. — Бир соддагина дўстимиз метрога тушибди. Бекалда тўхтаб,

ташқарига чиқмоқчи бўлибди-ю, янглишиб, пастдаги бошқа линияга ўтиб кетибди. Қараса — у ерда ҳам поездлар. Яна чиқибди. Барибир ер юзаси кўринмабди. Шунда бирдан юраги ҳаприқиб кетиб, икки кўлини кўтарганча одамларга: — Людди, где земля? — деб мурожаат қилган экан. Автобусда қаҳқаҳа кўтарилди.

Мен эртаси куни белгилаб олган режам бўйича Ёзувчилар уюшмасига отландим. Эндиликда у МСПС (Ёзувчилар уюшмаларининг халқаро иттифоқи) деб аталади. Москва кўчалари турфа хил машиналар билан тирбанд ва яхлаган эди. Ўтиш жойлари, айниқса, яхмалакка айланганди. Бир амаллаб манзилга етиб олдим. Бу — бир пайтлар маънавият ва эътиқод бобида шўровий адабиётнинг машҳур қароргоҳи эди. Кўҳна сарғиш бинонинг олдида Л.Толстой ҳайкали ҳамон қошларини чимирганча хаёлга чўмиб ўтирарди.

Мен бу бинода 90-йиллар бошида собиқ Иттифоқ уюшмасининг сўнгги умумий йиғини сабаби билан бўлган эдим. Бу йиғилишга Евгений Евтушенко раислик қилган ва унда Р.Ҳамзатов, А.Вознесенский, Д.Кугультинов, Ю.Бондарёв, М.Карим сингари йирик шоир ва адиблар иштирок этишганди. Кўпчиликнинг фикри ўшанда собиқ уюшма аъзоларини сақлаб қолиш, уни қайтадан жонлантириш борасида бўлганди. Лекин саркаш давр буни эскирган гоё деб ҳисоблади ва тан олмади. Бунинг, албатта, асослари ва мантиғи бор эди, яъни мустақил нафас ола бошлаган миллатлар ҳар қанча нақшинкор ва хосиятли бўлмасин, эски эътиқод кишанида мудом қолмоқликни мутлақо хоҳламасди.

Йиллар ўтиши билан мазкур Уюшма юқорида таъкидланган МСПС тимсолида қайта шаклланди. Унда собиқ Иттифоқ халқлари адабиётларидан айрим вакиллар фаолият кўрсатишарди. Эски кадрдонлар — тожик адабиёти вакили Шавкат Ниёзий, қозоқ адабиёти вакиласи Турсуной Ўрозбоевалар мени жуда мамнун қарши олишди. Улар мени адиб ва журналист Григорий Иванович Резниченко билан таништиришди. У умрининг ёшлик йилларини Ўзбекистонда ўтказган экан, Бухоро

кенгликларини, Фарғона водийси тароватини яйраб-яйраб элади. Табиатан очиққўнгил, меҳри товланиб турадиган инсон экан. Унга ўзбек адабиёти янгликларидан хабардор бўлиб туришни ҳам қўшимча вазифа қилиб юклашибди. Ўзбекистондан борганларнинг кўпи билан алоқада экан. Мен, Николай Красильников билан ҳам кўришиб турасизми, деб сўрадим. У, бўлмасам-чи, дея унинг телефонини ахтариб топиб, ҳозир гаплаштираман, деди.

Николай Тошкентда туғилиб ўсган ва русийзабон адиблар орасида пешқадамлардан бири эди. Турфа жанрларда ижод қиларди. Ўтиш даврининг тангликларига чидолмади шекилли, бу ёқлар ҳавосини афзал билди. Тошкентда у «Звезда Востока» журналинини бошқарарди, бу ерда қайсидир бир соҳа нашрида оддий ходим бўлиб ишлаётган экан.

Григорий Иванович менга телефон гўшагини тутди.

— Алло, Коля, қалайсан? — дедим дабдурустан. Николай дастлаб танимади, кейин менлигимни билгач, яйрай кетди. Келганим боисини суриштирди. Тошкент ҳақида, дўст-ёрлар ҳақида сўради. Мен, ҳаммадан салом, ҳамма яхши юрибди дедим ва суҳбат асносида унинг овози титраб кетганлигини пайқадим. Бу унинг Тошкентни жуда қаттиқ соғинганлигидан дарак бериб турарди.

Суҳбат сўнгида қадрдон ҳамкасблар Уюшманинг иш фаолияти ва режалари ҳақида гапириб беришди. Уларда ҳам иқтисодий танглик боис ҳамма ишлар кўнгилдагидек юришиб кетмаётган экан.

Мен хайр-хўшлашар эканман, «Иностранная литература» ва «Дружба народов» журналлари таҳририяти билан учрашиш ниятим борлигини айтдим. Григорий Иванович: — Бир дақиқа! — дея иккала нашрнинг Бош муҳаррирларига кўнғироқ қилиб, қачон қабул қила олишлари мумкинлигини аниқлаб берди.

Эртаси куни «Иностранная литература» таҳририятига келишилган пайтдан бирмунча вақт илгарироқ етиб бордим. Қабулхонада мени Галина Ивановна исм-

ли очик чехрали ўрта ёшлардаги аёл кутиб олди. Котиба экан. Мен ўзимни таништирдим.

— О, Тошкентданман денг!.. — деди у баҳри-дили очилиб. — У ерда менинг холам туради. Баъзан телефонлашиб қолганимизда, келинг, десам — қаёқда! Бизда квартиралар қимматлашиб кетган... Мен юртингизнинг, айниқса, кузини яхши кўраман... Мевалар тўкин-сочин бўлиб кетади!.. Бозорларни айтмайсизми? Мен сизга айтсам, ҳақиқий Шарқ бозори Тошкент бозорлари бўлса керак. Қачонлардир Марғилон атлас фабрикасида ҳам бўлганман. У таассуротларни унутиб бўларканми!..

Диёримиз файзи-тароватию унинг шаънига айтилган гаплар мени бир зум ажиб ҳисларга чулғади. Бу шунчаки лутф эмас, балки самимий дил изҳори эканлиги аён сезилиб турарди.

— О, юртимизни энди бир кўрсангиз эди, янада гўзаллашиб кетган!.. — дедим. Мен бу ўринда мозий гўборларидан чиннидек тозаланиб, асл салоҳияти мақомида таъмирланган қадимий шаҳарларимизни назарда тутдим. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз!.. Авваллари мен бу шаҳарларимизда кўп бор хорижлик сайёҳларни учратганман. Дунёнинг турли бурчакларидан уларни заминимизга нима чорлаган экан бунчалик, дея ажабланган дамларим ҳам бўлган. Кейин-кейин англаб етдимки, бизнинг заминимиз ер юзининг энг мўътабар қадамжоларидан экан. Чунки уни Тангри нафақат табиат гўзаллигию неъматлари билан, балки беназир тафаккур ва маънавият обидалари билан ҳам сийлаган экан.

— Москвамиз қалай, сизга маъқул келдими? — деди жилмайиб котиба.

— Бўлмасам-чи!.. — дедим мен. — Чиндан ҳам 10 йилда жуда ўзгариб кетибди. Фарбнинг энг кўркам шаҳарлари билан ҳусн талаша олади, деганларича бор экан... Тунги файзи кўзни қамаштиради...

Бир ҳақиқатни тан олиш керакки, яхлит шўро тузуми парчалангандан кейин уни ташкил этган мамлакатлар ҳаётида бир мунча карохтлик давом этди. Лекин

кўп ўтмай жонланиш жараёни содир бўла бошлади. Яъни уларнинг ҳар бирида миллий ғурурни тиклаш туйғуси ва гўзалликка, ободонликка бўлган интилиш уйғонди. Агар илгари бу мамлакатларнинг пойтахтлари кўркида Москва андозаси аён кўзга ташланиб турган бўлса, эндиликда уларнинг ҳар бири ўз замини кўҳлигига муносиб шуқуҳ билан зийнатланди, миллий ўзлик шуълалари билан жилоланди. Иқтисодий ривожланишлар-ку мамлакатларнинг бири-бирига бўлган эҳтиёжини ортира бошлайди. Лекин бугунги кунда улар ўртасида маънавий эҳтиёжлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, бу мамнун бўларли ҳолдир. Зеро, адабий ва маданий алоқаларга ҳаётий зарурат, эҳтиёж туғилмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам Россиянинг оқсоқол адиби, жамоат арбоби С.Михалковнинг ўзаро адабий алоқаларимизни кучайтирайлик деган маънода бизнинг Юртбошимизга йўллаган мактуби бунинг далилидир...

Мен бу малоҳазаларга бир зум берилар эканман, олдинда ҳали амалга ошириладиган ишларнинг кўплигини, аниқроғи, энди давр силкинишларида завол топган дўстлик кўприklarини қайтадан — асрларга бардош бера оладиган даражада пишиқ ва муҳташам қилиб бунёд этиш лозимлигини ҳис этдим.

Рўпарамдаги юртимизга бўлган меҳри, ошуфталиги юрагида барқ уриб турган оддий дунёвий нашр вакиласи ҳам бир зум шундай туйғуларга берилган бўлса, не ажаб. Мен уни яна суҳбатга ундадим.

— Анчадан бери ишласангиз керак бу таҳририятда?

— 80-йилларнинг охиридан буён....

— Демак, Чингиз Айтматов билан ҳам бирга ишлаган экансиз-да?

— О, Чингиз Тўрақулович! Ҳар жиҳатдан буюк инсон! Истеъдоднинг тўкис тимсоли деса бўлади уни! Янги муҳаррир тайинланиши керак бўлган пайтда биз ҳаммамиз Чингиз Тўрақуловични сўраб, талага хат ёзганмиз. Унинг одмию оддийлигини айтмайсизми! Бир куни иккинчи қаватдаги сув крани ёрилиб кетибди денг! Созловчи устани топгунимизча Чингиз Тўрақуловичнинг ўзи ҳам чиқиб борибдилар...

– Қўнғироқ қилиб турса кераг-а?

– Яқинда Люксембургдан телефон қилдилар. Била-сиз-ку, юраклари хуруж қилиб қолганди. Соғайиб кетганлигини эшитиб бирам хурсанд бўлдик!..

Шу пайт Бош муҳаррир Алексей Николаевич Словесний кириб келдилар. У кўринишдан 70 ёшлардан ошган эди.

Менинг кутиб ўтирганимдан хижолат чекди, шекилли:

– Мен келишилган вақтда келдим, – дея узр сўради ва хонасига таклиф қилди.

Бош муҳаррир хонаси салобатли ва ҳашаматли бўлмаса-да, дид билан зийнатланган чоғроққина хона экан. Хонанинг тўрида ердан шифтга қадар ойнаванд жавон бўлиб, унга турли китоблар ва журнал нусхалари чиройли қилиб терилганди.

– Хуш кўрдик, – мени оромкурсига таклиф қилиб жилмайди Бош муҳаррир. – Шундоқ қилиб, Ўзбекистонданман денг-а!.. Юртингизни бир кўриб, севиб қолмайдиган одам топилмаса керак. Бир пайтлар Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатига асос солинган эди. Шу анжуманда мен ҳам қатнашганман. Кейин ҳам турли тadbирлар баҳонасида диёрингизда бир неча марта бўлганман.

Энди журналимиз ҳақида гапирсам, янаги йилда унинг ташкил этилганига 50 йил тўлади. Дастлаб бу журнал 1881 йили Петербургда «Хориж адабиёти хабарлари» номи билан чиқа бошлаган. 1928 йилда бир неча йиллик танаффусдан кейин «Жаҳон инқилоби адабиёти» номида нашр этилган. 1933 йили «Байналмилал адабиёти» дея номланган. 1955 йилдан эса у «Иностранная литература» номини олган. Ўша пайтда унга йирик жамоат арбоби, атоқли хитойшунос олим Н.Федоренко Бош муҳаррир этиб тайинланди. Ундан кейин В.Лакшин Бош муҳаррир бўлди. У ҳаётдан кўз юмгач, уни бирмунча вақт Чингиз Айтматов бошқарди. Чингиз Тўрақулович элчи бўлиб кетгач, нашрга мен мутасаддилик қила бошладим. Мен асли арабшуносман.

– Бир пайтлар журналингиз ҳамманинг энг сеvim-

ли нашри эди. Бизда ҳали ҳам мухлисларингиз кўп, кузатиб борамиз...

— О, у даврлар, эсингизда бўлса, учта журналга обуна ҳуқуқи райкомлар рухсати билан бериларди: «За рулём», «Здоровье» ва «Иностранная литература»... Ўша даврларда нашримиз тиражи 900 мингга кўтарилган эди! Ҳозир эса 9 минг атрофида... Чархнинг кажрафторлигини қаранг — у даврларда ҳар бир ёзувчи асарини бошиш учун рухсат олишлар жонга тегиб кетарди. Энди эса кимни боссақ, эркимиз ўзимизда, лекин иқтисодий қийинчиликлар ҳар қадамда оёқдан чалади.

— Асарларни қайси жиҳатларига қараб танлайсизлар?

— Албатта, уларнинг бадиий юксаклиги биз учун асосий мезондир. Шунингдек, адабий жараёнга олиб кираётган янгилиги ҳам...

— Бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльо дунёдаги энг машҳур адиблардан бирига айланди. Унинг ижодига қандай қарайсиз?

— Унинг асарларида теран бадииятдан кўра детектив жанрига хос жозиба устуворроқ...

— Фарб адабиётида ҳозир қайси мавзу ёзувчиларни ўзига кўпроқ жалб этмоқда?

— Бу инсоният тақдирини ўйлаш мавзуси, айниқса дунёвий терроризм хавфи кўпчиликни ташвишга солмоқда. Биз яқинда журналимизнинг битта сонини тўлалигича терроризмга қарши битилган асарларга бағишладик. Мана бу сони... Шу сон сизга совға... Унда Францияда истиқомат қиладиган чех адиби М.Кундернинг 2001 йил 11 сентябрдаги Нью-Йорк фожиасига бағишланган романи ҳам эълон қилинган...

— Раҳмат, Алексей Николаевич, балки бу романи тезда таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига ҳавола этармиз...

— Ўйлайманки, бу асар ўқувчиларингизга манзур бўлади...

Сухбатимиз турли мавзуларда узоқ давом этди. Шунга қарамасдан, мен яна бир савол билан мурожаат этдим:

— Нима дейсиз, Алексей Николаевич, дунёни тус-

сиз адабиёт ишғол қилиб бормоқда... Бу ёғи қандоқ бўларкин? Бу офатнинг олдини олиб бўлармикан?

— Албатта, олдини олиб бўлади! Чорасиз нарса-нинг ўзи борми? Фақат бунга давлат даражасида эътибор қаратилиши керак. Мана, мен сизга яққол бир мисолни айтай. Газеталаримизда қайси китобнинг бозори чаққонлиги ҳақида даврий ахборотлар бериб турилади. Яқинда телевидение орқали Достоевский фильмлари кўрсатилганлиги туфайли унинг китоблари сотилиши иккинчи ўринга чиққанлигини газета саҳифаларида ўз кўзим билан кўрдим... Яна сизга бир далилни келтирай, тарихда қайси ҳукмдор илмга ихлос қўйган бўлса, шу мамлакатда — илм, қайси ҳукмдор адабиёт, санъат ва маданиятга қизиққан бўлса, шу мамлакатда ана шу соҳа юксалган, ривожланган. Урушга, жанг-жадалга ишқибоз ҳукмдорлар юртида эса халқнинг боши кулфатдан чиқмаган... Бугунги кунда эса... спортни ҳаммамиз севамиз, лекин маънавиятни ҳам эсдан чиқармаслик керак-да...

Мен мезбон билан хўшлашар эканман, журналимиз учун дастхат ёзиб беришини илтимос қилдим. У бунга бажонидил рози бўлди.

Кибр ва калондимоғлик умуман ёт бўлган бу шахс қўлимни сиқаркан, жилмайиб туриб деди:

— Бу кабинетга Ж.Стейнбек, Ж.П.Сартр, А.Бродский каби сиймолар ташриф буюришган... Мана, сиз ҳам қадам ранжида қилдингиз.

— Бундан ниҳоятда бахтиёрман, — дедим мен, унинг бу лутфини шакаргуфторлик маъносида қабул қилган ҳолда.

Журнал таҳририятдан чиққандаги кайфиятим кун давомида мени тарк этмади.

Ёғдуларга тўлиб-тошган Москвани сайр этиб, оқшом пайти Малая Броннаядаги театрга кириб бордик. Кўчалар яхмалак бўлишига қарамай, томошабинлар театрга тўла бошлади.

Ўзбек Миллий театри томонидан кўрсатиладиган биринчи асар буюк Г.Лессингнинг «Донишманд Натан» спектакли эди. Бу спектаклнинг асосий ғояси чуқур

фалсафага йўғрилган бўлиб, бугунги кун учун ниҳоятда долзарб эди. Яъни, унда бугунги жамики дунёвий ихтилофларга, шунингдек, ХХІ аср вабоси – жаҳон терроризмига ҳам сабаб бўлаётган диний низолар теран таҳлил қилинган ва ёрқин очиб берилганди.

Асардаги барча ролларни санъаткорларимиз қойилмақом қилиб ижро этишди. Асар руҳи синхрон таржима орқали ҳар бир томошабинга етиб борди. Айниқса, саҳнадан Жамшид Зокиров ижросидаги Натаннинг нидоси янграганда зал сув қуйгандек сукутга чўмди:

*Келинг, дўст бўлайлик! Майли, халқимни
Жинингиздан баттар сиз ёмон кўринг,
Лекин уни танлаб олмаганмиз биз.
Қолаверса, сиз, мен – ҳали халқмасмиз.
Халқ нима ўзи? Жухуд, Насроний –
Аслида ҳар бири инсон эмасми?*

Залда ҳукм сурган жимлик, сукут томоша тугашига қарамасдан бир неча сония давом этди. Сўнг олқишлар гулдурос қарсақларга уланиб кетди. Бу гулдурос қарсақлар орасида «Қойил!», «Офарин!» деган ҳайқириқлар ҳам эшитилиб турди. Мен мана шу дақиқаларда санъатимиз салоҳиятидан гурурланиб кетдим. Демак, биз мустақил миллат сифатида дунё томошабинларини ўз истеъдодимиз билан маҳлиё этмоқдамиз. Санъатимиз жозибаси билан уларнинг қалбларини забт этиб, ихлосини қозонмоқдамиз! Бу ҳазилакам гап эмас!

Ҳаммамиз меҳмонхонага кўтаринки кайфият билан, олдиндаги режалар оғушида қайтдик. Унга кўра, эртага – «Аёлғу», индин – «Қизил олма», охирида – «Ўтган замон ҳангомалари» намойиш этилиши кутиларди.

Афсуски, мен улар томошасида қатнаша олмадим. (Барчаси муваффақият билан ўйналганлигини кейин дўстлардан эшитдим, телевидениедан кўрдим.) Меҳмонхонадаги бўлмамагга киришим ҳамон тўсатдан ўзимни беҳуд ҳис этдим – қон босимим кўтарилибди. Иқлимнинг кескин ўзгарганлиги таъ-

сиридан бўлса керак. «Тез ёрдам» чақириб, тушимга ҳам кирмаган Москва касалхоналаридан бирида бир кеча тунашимга тўғри келди.

Эртасига тонгда касалхонадан қайтгач, кун бўйи меҳмонхона деразасидан қўрғошин тусли Москва дарёсини, беҳисоб автолар билан тўла кўчани, Кремлнинг қизғиш деворларини ва ҳамон эринмай ёғаётган қорни кузатар эканман: «Бегона юрт – барибир бегона экан-да...» деган фикр кўнглимдан ўтди. Хуллас, сафаримни муддатидан олдин тугатиб, Тошкентга қайтишга қарор қилдим.

Аёзли шом қоронғусида ўтган асрдаги шоиримиз куйлаган «азамат ўлканинг» пойтахтини тарк этиб, аэропорт сари интилар эканман, тасаввуримдаги юртимнинг иссиқ оғуши юрагимга энг ажойиб малҳам бўлди.

2005

МУҲТАШАМ КЎПРИКЛАР ДИЁРИ

Мен Тошкент – Сеул учоғига ўтирганимда деярли ярим кечаси эди. Етти соат училади. Икки шаҳар орасидаги вақт фарқи – тўрт соат. Демак, Сеулга бориб қўнганимда аллақачон тонг отган бўлади.

Жанубий Корея, расман Корея Республикаси, ҳали мен кўрмаган мамлакат. Лекин кўпдан у юртда бўлишни орзу қилардим. Бу орзуимга биринчи сабаб – бу мамлакат шоирларини (қадимгиларию ҳозиргиларини ҳам) таржима қилган бўлсам, иккинчи сабаб – бу давлатнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий парвози («Осиё йўлбарси» деб бежиз айтишмайди) шу юрт билан танишиш иштиёқини уйғотган эди.

Корея адабиёти бизда кам ўрганилган адабиётлар сирасига киради. Лекин шеърини билан анча-мунча танишимиз десак хато бўлмас. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида Корея шоирлари ижодидан намуналар кичик бир китоб ҳолида чоп этилган эди, чамамда...

Умуман олганда, корейс, хитой, япон шеърляти-нинг келиб чиқиши сарчашмаси битта. Бу, асосан, улардаги образлар тизими ва фикрлаш тарзининг ўхшашлигида кўзга ташланади.

Хитой шеърляти ҳам бизга нотаниш эмас. Лекин япон шеърляти ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек ёш қалам-кашларини нимаси биландир ўзига мафтун этди. Улар орасида хокку, танка ва бошқа шу каби усулларда шеър битадиганлар ҳам пайдо бўлди.

Япон шеърлятига бўлган дунёвий эътибор бу мамлакатнинг ўтган аср иккинчи ярмида эришган кучли тараққиёти билан боғлиқ эмасмикин, деган хаёлга бораман беихтиёр. Бу билан айтиш мумкинки, қайси бир мамлакат ривожланиш йўлига кириб, ўзининг илму фандаги, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари билан бошқа мамлакатлар эътиборини торта бошлади, унинг тарихига, маданиятига, адабиётига дунёда ўз-ўзидан қизиқиш уйғонаркан.

Корея адабиётининг бадиияти, қадр қиммати, аслини олганда, японники ва хитойникидан қолишмаси-да, юқоридаги сабабларга кўра, дунё назаридан бир қадар четда бўлган.

Учоқда ўтириб, бир пайтлар эълон қилинган таржималаримга кўз югуртираман.

*Ҳаёт бўлса агар ўз ота-онанг,
Ўрнига қўя бил улар иззатин.*

*Бу ёруғ дунёдан кетишганида
Юрагингда армон қолмасин сира.*

*Дунёда эзгудир ёлғиз шу нарса:
Ўз ота-онангга буюк эҳтиром.*

Ушбу шеър корейс мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Сон Кан (1536–1539) қаламига мансуб. Унинг ижодини ўрганишим ҳамда таржима қилишим жараёнида корейс ва ўзбек маънавий-эстетик мезонларининг ниҳоятда яқин эканлигидан ҳайратланган эдим. Қуйи-

даги шеър муаллифи эса — Ли Хван (1501—1570). У ҳам мумтоз шоир. Унинг теран туйғули сатрларига кулоқ тутинг-а.

*Туманларга сингиб кетсайдим,
Шамол, ой-ла тутинсайдим дўст.*

*Қарши олсам қариликни мен,
Турфа дардсиз, азобсиз, сокин.*

*Бир нарсани истайман яна —
Соф асрасам исмимни ҳаргиз.*

Шаъни гардсиз сақлаш, исми соф асраш... Бу ҳам бизнинг энг муқаддас ақидаларимиздан эмасми?! Зеро, устоз Миртемирнинг бир шеъридаги лирик қаҳрамон севгилисига: «Тоza исмингизга губор қўнмасин!» дея қалб тилагини изҳор этади. Бундан юксакроқ, бундан эзгуроқ туйғу бўлиши мумкинми?

Қўлимдаги журнални ёпиб, тайёра ичига нигоҳ ташлайман. Юзлаб йўловчиларни бағрига олган салон ниҳоятда кенг ва муҳташам. Кимдир мудраб, кимдир газета ўқиб, кимдир плейер тинглаб кетмоқда. Йўлнинг ярмидан ўтдик, чамаси. Ёнимдаги шеригимга қарайман. «Ўзбекистон» ёзуви туширилган махсус либосда. Қизиқсиниб сўрайман. «Кореяга ишга кетяпмиз, — дейди. — Отрядда ўттизтамыз, ҳар хил вилоятлардан йиғилганмыз. Мен ўзим Андижонданман. Уч йиллик шартнома билан кетяпман».

Мен қачон етишимиз, қандай манзараларга дуч келишим ҳақида ўйлай бошладим. Ахир, дунёнинг бир чеккасига бир ўзим кетаётибман. На тил биламан, на таржимоним бор. Мени кутиб олувчилар билан фақат телефон орқали гаплашганман, холос. Мабодо кутиб олишга ҳеч ким чиқмай қолса, унда нима бўлади?

Бир пайт тайёрамызнинг чиройли ва хушқомат бекаларидан бири қўлимизга бир парчадан қоғоз тутқазиб кетди: «Миграция қайдномаси» экан. Ундаги ёзув-

лар корейс ва англиз тилида ёзилган. Каловланиб қолдим. Нега тилни ўрганмаганман, дея ўзимни койидим. Орқа-олдимга алангладим. Яхшиям, орқа ўриндиқдаги бир қиз англиз тилини билар экан. Қайднома сўровларидан бирида Сизни қайси ташкилот ёки идора кутиб олади, деган савол бўлиб, унинг манзили кўрсатилиши керак экан. Йўл тараддуллари чоғида вақт тифизлигидан ҳаприқиб, номимга юборилган таклиф қоғозидан нусха ҳам олмай, уни элчихонага топшириб юборибман. Бахтимга, ён дафтарчамда кўп марта гаплашганим Корея Ёзувчилар уюшмасининг телефон номери бор экан. Манзил деган сўроққа дарҳол шу телефонни ёздим. Тўғрироғи, қоғозни бошдан-оёқ англиз тилини биладиган қиз тўлдириб берди. Кўнглим жойига тушгандек бўлди. Лекин тил билмаслигимдан яна ўзимни ўзим койирканман, эсимга бир ҳазиломуз ҳолат тушди. Бундан беш-олти йил илгари, ҳечдан кўра кеч деганларидек, англиз тилини ўрганишга астойдил аҳд қилиб, уч ойлик курсга қатнагандим. Лекин ишим кўплигидан ўқиш ҳам ўлда-жўлда бўлганди. Имтиҳон топшириш пайтида эса ҳаммамизга хос бўлган усулни қўллаб, яъни домлаларга хушомад қилиб, «аъло» баҳолар олгандим.

Бир куни таҳририятда ўтирганимда дўстим Шодмонбек (Отабоев) кириб келиб (у ҳам курсларга қатнаётганди), мени «имтиҳон» қила бошлади. Мен у сўраган оддий сўзларни ҳам билмай гудранарканман, курсни «аъло» баҳоларга тугатганим ҳақидаги ҳужжатни унинг олдига қўйгандим-да, аввал мана бунга қараб қўйинг, мен билан кўп ҳам ҳазиллашманг, дегандим.

Учоқ пастлай бошлаганда кўзим иллюминатордан мовий денгизга ва ундаги ям-яшил оролларга тушди. Кореянинг денгизга туташ ҳудудларида уч ярим мингга яқин орол борлиги ҳақида ўқигандим. Бу мамлакат ўз халқи тилида Чосон деб ҳам номланади, бу – Тонгги тароват деганидир. Биз қўнганимизда бу заминга тонг бутун тароватини ёйиб бўлганди.

Аэропортнинг беҳад кенг биноси ичида текшириш

жойларидан ўтиб бўлгач, жомадонимни олиш учун ҳаракатланувчи йўлқалардан юриб кетдим. Бутун фикру зикрим ташқарида эди: ким кутиб оларкин?

Ташқарига чиққанимда, кўзим «Жаноб М. Мирзаев!» деган ёзувга тушди, уни қорачадан келган, мендан ёшроқ бир йигит кўтариб олганди. Кўзим яшнаб кетиб, қўлимни силкитиб уни алқадим. У пинагини бузмай турарди. Яқинлашганимдан кейин ёнидаги қизга нимадир деб, менга пешвоз чиқди. У Корея Ёзувчилар ассоциациясининг масъул котиби, таниқли шоир Ким Нам Ил бўлиб, ёнидаги қиз таржимон экан. Таржимон қиз унинг нима деганини кулиб-кулиб таржима қилиб берди: «Узр, дафъатан у сизга эътибор қилмабди, ўзимизникилардан деб ўйлабди. Бизнинг одамларга жуда ўхшаб кетар экансиз». Унинг гапини мийиғимда кулиб эшитарканман: «Устозимни кўрсанглар, отам, деб югуриб чиқаркансизлар-да!» деб қўйдим ичимда.

Аэропорт жойлашган шаҳарнинг номи Ин-Чан экан. У Сеулдан 40 чақиримлар нарида жойлашган.

Йўллар кенг, равон. Бир муддат юргач, постларга дуч келдик. Уларда кассалар жойлашган бўлиб, ҳар бир ҳайдовчи ўз машинаси русумига қараб йўл ҳақи тўлаб ўтаркан.

Бу заминда дастлаб менинг эътиборимни тортган нарса — ҳашаматли кўприклар бўлди. Улар шаҳар баланд-пастиклиарию денгиз қирғоқларига ҳам қурилган. Машинада кетаётганингизда, йўлда кетаётибсизми ёки кўприк устидами, сезмайсиз. Ўтган йўлингизга ёнбошдан кўзингиз тушиб қолганда, унда тикланган маҳобатли кўприкларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

Ҳали кўприкларга кўп мартаба дуч келамиз, шеклли. Уларнинг таъриф-тавсифига яна ўрни келганда тўхталарман.

Таржимон қиз кўп нарса билар ва русчада бийрон сўзларди. Мен, «рус тилини қаерда ўргангансиз?» — деб сўрадим. У «Русчанигина эмас, ўзбекчани ҳам биламан, — деди ва кулиб қўшиб қўйди. — Тошкентда — ота-онам ёнида (улар ишга боришган, ҳозир ҳам сиз-

нинг шаҳрингизда яшашади) 6 йил бўлиб, русча мактабда ўқидим. Ўзбеклар мени — Марҳабо деб чақирарди, руслар — Мария деб, асл исмим эса — Ким Ха Ин. Ҳозир Сеулдаги университетда магистрантман».

Меҳмонхонага етиб келганимизда мени қозоғистонлик адиб Султон Қалиули қарши олди. Бир кун олдин келибди. У асосан болалар шоири бўлиб, «Улан» номли республика болалар рўзномасида Бош муҳаррир, айни чоғда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби ҳам экан. Бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Эртасига эрталаб, дастурга кўра, пойтахтнинг тарихий қадамжоларини зиёрат қилишга чиқдик. Сеул жуда қадимий шаҳар бўлиб, «Биринчи шаҳар» деган маънони билдиради экан. Чанг Док Гунг саройига бордик. Бу қалъа XV асрда япон босқинчилари томонидан илк марта босиб олинган экан. Томлари арча шаклини эслатади. Сопол билан ёпилган ва қизилга бўялган. Деворлари ёғочдан. Чорқирра устунларига бежирим нақшлар туширилган. Бўғотлар пасти турфа хил нафис гуллар расми билан зийнатланган. Бу — оилага фаровонлик ва кўп фарзанд тилаш рамзи экан. Томнинг бурчак қирралари бўйлаб ва бўғот чеккаларига турфа жонзотларнинг шакли қўндирилган. Улар хонадонни ёвуз кучлардан ва инсу жинслардан ҳимоя қиларкан.

Саройнинг асосий қисми ўша истило пайтида ёндирилган экан. Қолган қисмлари чиройли таъмирланган. Кираверишдаги ҳашаматли дарвоза бетакрор салоҳият касб этиб турибди.

Ичкарига кириб тош майдондан ўтгач, шоҳ ва малика истиқомат қилган қасрга дуч келасиз. Ундаги шоҳона хобхоналар ҳам аввалги давр ҳолатига келтирилган. Бу зарнақш хобхонага шоҳ ҳар доим ҳам киравермас экан, йилнинг мунажжимлар белгилаб берган тунларигагина бу ерга ташриф буюраркан.

Сарой бир неча қисмдан иборат бўлиб, атрофини қадимий боғлар ўраб турибди.

Биз боғни мезбон адиблар билан биргаликда сайр

қилдик. Сайр давомида адабиётга доир қизғин суҳбатлар кечди. Давраимиздаги камсуқум ва тортинчоқ йигитни (ўзимизнинг фарғоналикларга ўхшаб кетади) Тянь Чол-Мун деб таништиришди. У, асосан, болалар учун ёзаркан, болалар нашриётида бўлим мудирини экан.

Доим жилмайиб турадиган 30 ёшлардаги адиба бизга ҳамроҳлик қилди. Исми — Ким Ди У. Эркин ижодкор. Яқинда романи нашрдан чиқибди. Суҳбатлардан аён бўлдики, ҳозирги кун корейс адабиёти асосан модернистик оқимлар таъсирида экан. Айни чоғда уларнинг Фарб, Россия, Америка замонавий адибларини кўп ҳам билавермаслиги мени ажаблантирди.

Бугунги кунда дунёнинг деярли ҳар бурчида бу услуб мутаассиблари топилади. Модернизм ҳар бир халқ адабиётига кириб, кўп ҳолларда у асл ижодга эмас, кўпроқ тажрибага ўхшаб кўринмоқда. Баъзан тажриба даражасида қолиб ҳам кетади. Бироқ унга нега кўплаб ёшлар эргашади? Бунинг тагида классик услублар заҳматидан бўйин товлаш майли ётмасмикин?

Мен ҳақиқий модернизм моҳиятига мутлақо путур етказмаган ҳолда гапирмоқдаман буни. Зеро, чинакам модернизм тафаккурдаги янгилик демакдир. Бу юксакликка ҳар ким ҳам эришавермаслиги шубҳасиз. Шу босидан модерн услубда оммага манзур ижод намуналарини яратиш бошқа йўналишларга қараганда ҳам мушкулроқдир. Чунки техника тараққиёти турмушдаги ва ҳатто ижоддаги кўп мураккабликларни, қийинчиликларни осонлаштириб қўйди. Ҳамма нарсада осонлик табиийликка айланди. Тер тўкиш ва заҳмат нотабиий туюлиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ёшлар ижоднинг осон йўли модернизмга ружу қўйишмаяптимикин. Чунки анъанавий услуб қофия заҳматию бошқа мукамалликларини талаб қилади. Модернизмда эса гўёки тўрт томонинг қибла...

Боғ ичини айланиб юрганимизда чиройли бир ҳовузга рўпара келдик. Унда нилуфарлар очилиб турарди. Шунда Ли Хён Бонинг ушбу сатрлари ёдимга тушди.

*Эгилиб қарасанг — кўм-кўк теран сув,
Теваракка боқсанг — ям-яшил тоғлар.*

*Нобакор дунёнинг гардлари асло
Етиб келмагайдир ушбу муҳитга.*

*Нилуфарлар яшнар мовий сув узра,
Юракда қайғу йўқ шунинг учун ҳам.*

Боғ сайридан чиқиб, адиба Ким Ди Унинг машинасида тушлик қилиш учун йўл олдик. Рулда унинг ўзи эди. Мен маҳобатли «Жип» шаклидаги машинанинг ҳозир қанча туришига қизиқдим. Ҳозир арзонлашган, лекин олинган пайтда 30 минг доллар эди, деди.

Ҳаммадан тушлик «маросими» аломат бўлди. Бир ошхонага кириб бордик. У кенг бўлиб, бир неча такялар жойлашганди. Ҳар бир такяда — хонтахта. Хўрандалар пойабзалларини ечиб, кимдир чордона қурган ҳолда, кимдир чўккалаб ўтириб олган. Бизлар ҳам шу тақлид такяларнинг бирига жойлашдик. Хизмат қилаётган чиройли ва чаққон, хушқомат жувон дастлаб хонтахта ўртасига ихчам газплитасини келтириб қўйди. Уни ёқиб, устидаги товага қуйилган ёғни қиздира бошлади. Айни чоғда хонтахта усти бир зумда турфа тақсимчалардаги таомлару кўкатларга тўлиб кетди. Това қизигач, унга паррак-паррак қилиб қирқилган қип-қизил гўшт ташланди. Пазанда жувон товага тушган гўштни шу сония олиб ҳар кимнинг тақсимчасига жойлаб берарди. Бу паррак гўштлар карам баргига ўраларкан ва кейин ейиларкан. Бу таомнинг номи — «шабу-шабу» экан. Халқда «Чингизхон» деб ҳам аталаркан. Чингизхоннинг доим жанг тараддудида юрган аскарлари шу таом билан кун кечиришган экан. Шабу-шабудан кейин шарбатсимон яхна ичимлик — секе тортилди. Чой кам ичиларкан, нон эса умуман қўйилмади.

Тушликдан сўнг Кё Бо деб номланувчи шаҳарнинг энг йирик китоб дўконига бордик. У суғурта жамияти ҳомийлигида ташкил этилган бўлиб, номининг маъ-

носи — «Маърифат кафолати» экан. Ичининг майдони — 2500 м². Дўконнинг бир чеккасидан қарасангиз, иккинчи чеккаси кўринмайди. Бамисоли — китоб уммони. Эҳ-ҳе, унда қанақа китоблар йўқ дейсиз! Ҳаммасидан бор! Каттасидан ҳам, мўъжазидан ҳам, қимматидан ҳам, арзонидан ҳам! Расталардан Ким Ди У ўзининг чиққан китобини топиб кўрсатди. Эртага уйдан олиб келиб, тақдим қиламан, деди.

Дўконни айланиб юриб, бир ажойиб манзарага дуч келдик. Бир чеккадаги каттагина майдончада ота-оналар ва болалар йиғилиб олиб, турфа китобларни ўқиб ўтиришарди. Тўғрироғи, ота-оналар болаларига, буви ва бувалар набираларига турли рангдор, чиройли безакли китобларни ўқиб беришмоқдайди. Бу мутолаа бепул бўлиб, ўқиб бўлинган китоблар дўконларга қайтариларкан. «Биз ҳам китоб дўконларимизда шу усулни қўлласак-чи», деган фикр кечди хаёлимдан.

Дўконни айланиб бўлгач, яхна ичимлик ичиш учун бир чеккадаги курсичаларга ўтирдик. «Ажойиб китоб дўкони экан! Катталигини қаранг!» дедим. «Ўша катталиги китоб савдосига акс таъсир ҳам кўрсатмоқда, шаҳардаги бошқа майда дўконларни синдириб ташлади», дея ўз мулоҳазасини айтди адиба Ким Ди У.

— Эркин ижодкор экансиз, — дедим мен унга юзланиб, — бозорбоп, харидоргир китоблар ёзиш фикри туғилмаганми сизда?

— Зинҳор-базинҳор! Оч қолсам қоламанки, фақат ўзимга ёққан мавзулардагина ёзаман, — деди у қатъий.

«Ўттиз минг долларлик машинангиз бор, оч қолмангиз кераг-ов,» дедим мен ичимда.

Султон оға билан меҳмонхонада бир бўлмада яшаганлигимиз учун роса мошимиз очилди. У 63 ёшда бўлиб, биринчи марта чет элга чиқиши экан. Менинг қозоқ адиблари орасида дўстларим, яқинларим, танишларим жуда сероб. Шу боис суҳбатларимиз у ердаги адабий жараён, ўзаро муносабатлар, ёзувчиларнинг турмуш шароитлари ҳақида бўлди. Биз суҳбатларимизни кўча-кўйда ҳам, дастурхон устида ҳам давом этти-

рардик. Бундан ажабланган мезбонларимиз сўраб қолишди:

– Иккинглар икки мамлакатдан бўлсанглар, бир-бирларингни тилларингни қандоқ тушунапсизлар?

Султон оға астойдил деди:

– Қозоқ тили ҳам, ўзбек тили ҳам туркий тиллар оиласига киради. Шунинг учун бемалол тушунаверамиз.

– Жудаям бемалолмас, – қўшимча қилдим мен. – Бунинг учун иккимиз ҳам бир-биримиз тушунадиганроқ қилиб гапиришга ҳаракат қиламиз. Яъни Султон оға қозоқчани чиройлироқ қилиб гапирса, мен бемалолроқ тушунавераман, у бемалол тушунишлари учун мен ўзбекчани бузиброқ гапиришимга тўғри келади...

Юмор туйғуси борлар жилмайишди. Мен «Ҳазил бу, ҳазил!» деб, Султон оғага беғараз қарадим. У, албатта, ҳазилимни қўнглига олмади.

Кечки пайт меҳмонхонага қайтганимизда, гап ижодкорларнинг турмуш аҳволи ҳақида борди. Шўролар даврида қаламкашлар бизда амал-тақал қилиб яшарди, деди Султон оға ва аломат феълли бир журналист дўсти ҳаётидан латифабоп ҳангомаларни гапириб берди. Бир куни ошнаси Қозоғистоннинг шимолий вилоятларидан бирига ижодий сафарга чиқибди. Бир туманда бўлиб, унинг раҳбари билан анча суҳбатлашибди. Раҳбар манзиратдан йироқ одам экан, соатига қарабдида, мен тушликка кетдим эса, дебди. Мухбир ҳам сир бой бермай, жиддий туриб дебди:

– Машинангизни бериб турсангиз...

– Бирон ерга бормоқчимисиз?

– Олмаотага бориб тушлик қилиб келаман...

Сал кам минг чақирим келадиган Олмаотага бориб келиш қийинлигини англаб, райком котиби уни уйига олиб кетибди...

Раҳбар уни кечки таомга ҳам уйига чақирибди. Дастурхон йиғиштирилгач, ётишга ҳозирлик кўришибди. Мезбон меҳмоннинг ҳурмати учун ўз жойини ҳам у билан алоҳида бир хонага қилдирибди. Меҳмон кийимларини бир-бир ечиб ёнига тахларкан, энг

устига сўнгги либосини ҳам ечиб қўйибди.

Мезбон сўрашга мажбур бўлибди:

– Кечирасиз, яланғоч ётишга ўрганган экансиз-да?

– Камбағаллик курсин, келинингизнинг ич иштони-ни кийиб келувдим, ечиб қўймасам, уриниб қолади...

Райком котиби қочиримни жиддий қабул қилиб, раҳми келганидан эртасига уни кийим дўконига олиб бориб бошдан-оёқ кийинтирган экан...

Яна йўлдамиз. Хань дарёси соҳили бўйлаб кетмоқдамиз. Яна ақлни шоширувчи кўприклар. Улар устидан машиналар, поездлар қатнаб ётибди. Эни бир километрли бу дарёда бундай кўприклардан 26 таси бунёд этилган экан. Мен уларнинг салмоғини ўзимча қилиб, ҳар бирига биттадан шаҳарча курса бўлади, дея чамалайман.

Дарё 12 миллионли аҳолига эга пойтахтни қоқ иккига бўлиб ўтаркан. Жанубий томонда асосан аҳоли яшайдиган уйлар жойлашган, шимолий томонда эса – ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий бинолар... Чиройли манзаралар кўриниб турганлиги учун дарё бўйидаги уйларнинг баҳоси жуда юқори экан.

Шаҳар ҳаёти, одамларнинг турмуш шароитига қизиқдик. Ишга яроқсиз оиланинг ҳар бир аъзосига давлат томонидан 420 доллардан нафақа ажратиларкан. Мактаб ўқитувчиларининг маоши – 1,5 минг доллар атрофида, лекин уларга жуда катта имтиёзлар бериларкан; олий ўқув юртларининг домлалари 3 мингдан 5 минг долларгача маош олишаркан. Олий ўқув юртлари даргоҳи жамиятдаги энг тоза, порадан холи муҳит экан. Унда кимдир бу жиноятга қўл ургудек бўлса, қаттиқ жазога тортиларкан.

– Шаҳарда жуда кўп одам яшаркан, прописка масаласи қандоқ? – сўрайман таржимондан.

– Прописка масаласи деганингиз нимаси? – таажубланади у.

– Масалан, мамлакатнинг исталган жойидаги фуқаро Сеулга келиб ишлай оладими?

– Яшашга жой топса бўлди. Лекин уй-жой бизда қиммат...

– Мана, Олимпиада стадиони олдидан ўтаётимиз,
– кўринган улкан иншоотга ишора қилади таржимон.
– 1988 йилда ўтказилган Олимпиада мамлакатимизни
иқтисодий жиҳатдан жуда кўтариб юборди.

– ДАН ходимлари кўринмайди кўчаларингизда?

– Уларнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки ҳамма йўллар
бўйлаб суратга олувчи камералар ўрнатилган. Кимки
қоидани бузса, бу ҳақда дарҳол ҳайдовчининг манзи-
лига жарима қоғози жўнатилади. Ундан ҳеч ким бўйин
товлай олмайди. Чунки жаримани вақтида тўламаган
шахс машина сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан маҳ-
рум қилинади.

– Биздаги ўткир муаммолардан бири, – гапида да-
вом этади таржимон, – туғилишнинг камлиги ва ёшлар-
нинг қора ишларга бўйни ёр бермай қўйганлигидир.

«Шу боисдан ташқи мамлакатлардан ёлланма иш-
чилар чақирилар экан-да», ўйладим мен.

Кўчага қарайман, кўприклар устига назар ташлай-
ман, бир-биридан чиройли машиналар «ғиз-ғиз» ўтиб
турибди.

– Наҳотки шуларнинг ҳаммаси ўзларингизники
бўлса? – сўрайман таржимондан.

– Мамлакатдаги 95 фоиз енгил машина ўзимизда
ишлаб чиқарилади, – дейди у ғурур билан. – «ДЭУ»,
«Самсунг», «Киа», «Хундай» автомобилъ заводларини
эшитган бўлсангиз керак?..

– Мен беш йилдан бери «Нексия» ҳайдайман.
Ажойиб машина. Лекин бу ерга келиб кўрдимки, ун-
дан ҳам ажойиблари кўп экан...

Мамлакатнинг йирик киностудияларидан бирида
бўлиб, ундаги ижодий ходимлар билан учрашдик. Ки-
ностудиянинг турфа заллардан иборат музейида бўлдик.
Айниқса, суратга олиш майдони ҳаммамизда катта та-
ассурот қолдирди.

Бу майдоннинг бир қисмида тарихга доир детектив
фильм тасвирга олинаётган экан. Таниқли режиссёр ва
актёрлар билан бирга суратга тушдик.

Майдоннинг бошқа бир қисмида қадимги қўрғон

барпо этилган. Яна бошқа қисмида бир-бирига рўпара тарзда Жанубий ва Шимолий Корея вакиллари музокара ўтказадиган улкан биноларнинг нусхалари тикланган. Икки мамлакат ўртасини битта сариқ чизиқ ажратиб турибди. Қайси бир фильмда суратга олиншича, икки мамлакат чегарачилари ўша сариқ чизиқ олдига келишганда, соянг менинг еримга тушяпти, деб бир-бирларига дўқ уришган экан.

XX асрда коммунистик сиёсат вужудга келтирган мураккаб муаммолардан бирини корейс миллати тақдири мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бу халқ ҳам немис миллати сингари II Жаҳон урушидан сўнг иккига бўлинганди. Немис миллати шўролар тузуми инқирозидан кейин бирлашган эса-да, корейс халқи ҳали бу мурасага етиб келгани йўқ. Тарихнинг ҳам табиати сингари ўз азалий қонунлари бор. Тарих оқими ни сохта ўзанларга буриб, бирор жамият ўз муддаосига эриша олмаган. Фоя ҳеч қачон қоринни тўйдирмаган ва тўйдирмайди. Биз бугунги кунда Шимолий ва Жанубий Корея ҳаётини бир-бирига таққослаган ҳолда бунинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Дастурга кўра, Корея Ёзувчилар уюшмасида бўладиган учрашув-анжуманда мен «XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабий жараёни» мавзусида маъруза қилишим керак эди. Ундоқ бўлса, учрашувда берилиши мумкин бўлган саволларга қандай қарайсиз, деди. Мен, ҳар қанақа саволга жавоб беришга тайёрман, дедим.

Учрашувда ижтимоий аҳволимизга, турмуш шароитимизга доир саволлар бўлди. Адиблардан бири, Россиядан ажралганинлардан кейин қандоқ яшяпсизлар, деб сўради. Россия деганда у шўролар тузумини назарда тутганди.

Мен саволларга жавоб берарканман: — Биз ҳеч кимга қарам бўлмаган давлатни — Америкасиз, Россиясиз, халифатларсиз мамлакатни барпо этмоқчимиз, — дедим ва сўзимда давом этдим. — Ўзбекистон ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Албатта, бу танлаган йўли-

миз мураккаб ва машаққатли. Лекин халқимиз ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга қодир халқдир.

Сўзларим унча эътиборсиз қолмади, шекилли, мезбон ижодкорлар Ўзбекистон ҳақида самимий фикрлар айтишиб, уни кўриш орзусида эканликларини изҳор қилдилар.

Мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Кванжу-га эрталабки нонуштадан кейин йўлга чиқиб, туш пайти етиб бордик. У пойтахтдан анча олисликда жойлашган. Унга соатига уч юз километргача тезликда юрадиган поезд қатнаркан.

Бизни мамлакат Маданият ва Спорт ишлари вазирлигига қарашли шаҳар маданият бошқармасининг директори Юнг Жин Ли қарши олди. У ҳам шоир экан. Шаҳарнинг қадимги ва ҳозирги тарихига оид қизиқ воқеаларни гапириб берди. Бу шаҳар ўзининг алоҳида мардонаворлиги билан ажралиб тураркан. Унинг жасур ўғлонлари қадимда босқинчиларга қаттиқ қаршиликлар кўрсатиб, катта исёнлар кўтарган экан.

— Кванжу шаҳри ажойиб табиати билан ҳамиша ижодкорларни ўзига жалб этиб келган, — деди Юнг Жин Ли ва сўзида давом этди. — Шу боисдан биз шаҳарда Осие халқлари маданияти ва адабиёти вакиллари учун марказ ташкил этмоқчимиз. Бу марказ мунтазам ишлайди. Ўйлайманки, турли мамлакатдан келган вакиллар бу ерда бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро дўстлик ришталарини боғлайдилар. Бу тadbирларда кўпроқ ёш ижодкорлар иштирок этишса, айти муддао бўларди...

Мезбонимиз шоиртабиатли (шоир-да ўзи) бўлиб, мутойибага ҳам уста экан. Даврада ўтирганимизда кимдир одамнинг ёшига боғлиқ хасталиклардан сўз очиб қолди. У ҳам бунни тасдиқлаган бўлиб деди:

— Менда ҳам бир қанча хасталиклар бор. Ва улар шунчалик қадрдон ва садоқатлики, қаерга борсам, ҳамиша мен билан бирга бўлишади, бир зум ҳам ёнимдан жилишмайди...

— Улар сизга нима сабабдан ёпишиб олишган? — сўрадим мен дафъатан соддалик билан.

– Хотин туфайли-да!.. Ҳар куни «у йўқ, бу йўқ» деб нолийверганидан кейин, бошқа нияям бўларди?..

– Наҳотки?! Йўғ-е?! – деб юборганимни билмай қолдим. Ва кўнглимдан «Хотин ҳамма жойда бир хил қичқиради», деган «мақол» («Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради» мақолига тақлидан ўзим тўқиганман) тўғри экан-да, деган фикр кечиб улгурмасидан у қулиб юборди.

– Ҳазил бу, ҳазил!.. Хотиним асло унақа эмас, аксинча, ниҳоятда меҳрибон!

Гап шу муҳит адабиёти ва халқ оғзаки ижоди ҳақида кетганда, бу ерда шундоқ бир эртақ-нақл бор, эшита-сизларми, дея уни гапириб берди. Бир чол ўғилларини қошига тўплаб, ҳар бирига биттадан чўп берибди-да: – Қани, синдириглар-чи, – дебди. Ўғиллар чўпни синдиришибди. Кейин чол ўнта чўпни даста қилиб, ўғиллари қўлига тутқазибди. Ўғиллар энди уни синдира олишмабди. – Мана, кўрдингизми, ўғилларим, доимо бирга бўлсанглар, сизларни ҳеч ким енга олмайди, – дебди мўйсафид ота.

– Бу эртақ-нақл бизда ҳам бор, – деди Султон оға.

Албатта, бу ҳаммага маълум эртақ. Л.Толстой ҳам қоғозга туширган. Лекин мезбонимиз уни худди ўзиникидек қилиб гапириб берди.

Менинг ҳам мутойиба қилгим келиб: – Шу эртақнинг латифага айлангани ҳам бор, айтиб берайми? – дедим.

– Бажонидил.

– Ўша чол ўғилларини йиғиб, боя Сиз айтгандек, ҳар бирига бир донадан чўп берибди ва синдириглар-чи, дебди. Ўғилларининг ҳаммаси қўлларидаги чўпни синдиришибди. Кейин чол, боя сиз айтгандек, ўнтасини даста қилиб, тўнғич ўғилга тутқазибди ва қани, синдириб кўр-чи, дебди. Ўғил кучли, забардаст экан. Бир даста чўпни шақирлатиб синдириб ташлабди. Мўйсафид отанинг эса бирдан фигони чиқиб:

– Эртақниям расво қилдинг-ку, хумпар! – дермиш.

Таржимон латифани бор таровати билан чиройли

таржима қилиб бераркан, у бирам яйраб кулдики, ҳузур қилганидан нуқул эгилиб-букиларди.

Яқунловчи анжуманимиз Кванжудаги дорилфунунда домлалар, ижодкорлар ва талабалар ҳузурида бўлиб ўтди. Биринчи сўз хитойлик адиб Во Минга берилди. У ўз ижоди ва асарларига ишланган фильмлари билан Кореяда ҳам машҳур экан. У асосан яратилган асарлари тарихи, ижодий лабораторияси ҳамда ёзувчилик бурчи ҳақида ҳеч кимникига ўхшамаган фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Россиялик адиба Вера Галактионова маърузасида асосан ижтимоий мавзуларга урғу берди.

— Бу анжуманда машҳур ёзувчи В.Распутин ҳам иштирок этишни ният қилган эди. Лекин бетоблиги туфайли келолмади, — дея у сўзини бошлади. — Мен яқинда прозаик дўстим В.Личутин билан Архангельскда ташкил этилган ёш ижодкорлар семинарида иштирок этдим ва Россиянинг чекка ўлкалари ниҳоятда қашшоқлашиб кетаётганлигига яна бир марта амин бўлдим. Ҳатто ёш ижодкорларга егуликка арзирлик нарса топилмади. Семинар кунлари давомида улар фақат қуруқ нон ва сув билан кун кечирдилар...

Адибанинг ўз мамлакати турмушига оид шу каби ҳолатларни бутун икир-чикирлари билан баён қилиши, яъни дардини дастурхон қилиши ҳаммани бир қадар ажаблантирди. Менинг кўнглимдан: «Уйдаги гап кўчага чиқса ғалати бўларкан», деган фикр кечди. Яна у сўзида рус миллатининг миллат сифатида таназзулга кетаётганлигини куюниб гапирди. Бу аҳволга давлатимиздаги раҳбарлик тизимлари лоқайд, дунё ҳамжамияти эса мутлақо бефарқ, деди ва дунёда глобаллашув ҳаракатлари кучаяётганлигидан қаттиқ ташвишда эканлигини билдириб, маърузасини яқунлади.

Менга навбат берилгач, сўзимни Ўзбекистон ва Кореянинг мустақкам иқтисодий алоқалари борасида бошлаб, бу мамлакатнинг кўркамлиги ва ундаги иншоотларнинг муҳташамлигидан ҳайратда эканлигимни айт-

дим. Дунёга яхшилик истаган халқгина кўприк қуради, ёмонлик истаган одамлар бўмбалар ихтиро қиладди, дедим. Рус адibasининг глобаллашув ҳақидаги хавотирлари тўғри, дедим сўзимда давом этиб. Лекин наҳотки унга чора бўлмаса?! Чора бор! Ёвуз кучлар глобаллашувига қарши дунёдаги эзгу ниятли инсонлар бир-бирларига қўлларини бериб, қарши чиқишлари керак!..

Сўзларим бир неча бор қарсақлар билан бўлиниб турди.

Буюк Будданинг ҳаёт ҳақидаги таълимотларидан бирида, кўнглинг кенгликларни истаса, саёҳатга чиқ, руҳинг янгиланади, дейилади. Мен бу ҳикматни ушбу сафарим давомида теран ҳис этдим. Ҳаётимда кечган шу бир ҳафтани турмуш ташвишларига кўмилиб ҳам ўтказишим мумкин эди. Лекин сафарим боис олам-олам таассуротларга эга бўлдим. Ажойиб шоир Ким Нам Илдай самимий дўст ордирдим.

У мени аэропортга кузатишга олиб чиқаркан, зимдан чеҳрасига нигоҳ ташлайман. Офтобда нурдан ўзга нарса бўлмаганидек, унинг ҳам юзида меҳрдан бўлак туйғу йўқ эди.

Мен ушбу сафарим асносида дунёнинг кенглигига ва яхши одамларнинг кўплигига яна бир карра амин бўлдим.

2005

ОЗАРБОЙЖОН ХОТИРАЛАРИ

Учоқ қанотлари мовий кенгликларда қумушдек товланувчи булутларни кесиб бормоқда. Унинг ойнасидан пастга қарайман. Аҳён-аҳёнда саҳродан иборат ер кўзга ташланиб қолади, унинг заъфарон сатҳидаги барханларнинг ҳалқасимон чизиқлари нақ харитадагидек. Бу қип-қизил саҳро — Қорақум бағридан не карвонлар, не лашкарлар ўтмаган!.. Аждодлар ойлаб босган манзилларни биз соатларда учиб ўтяпмиз... Ҳамсафар-

ларимга қарайман. Усмон Азим Раъно билан ниманидир қизгин муҳокама қилмоқда. Шоир одам ҳам хотини билан шунча узоқ гаплашиши мумкинми? Тааж-жубланаман ҳам ҳавас қиламан...

Шунда дафъатан ёнимда ўтирган Усмон Кўчқор менга ўгирилиб дейди: — Доим сафарда бир нарсани унутаман... Қаранг, бу гал кўзойнагимни эсдан чиқарибман. Сизники тушармикин, бериб туринг...

У кўзойнагимни олиб «Жаҳон адабиёти»нинг янги сонини ўқишга берилади. Мен ҳам ҳар гал сафарга чиқадиган бўлсам, ниманидир унутаман ёки қандайдир ишқаллик юз беради. Усмоннинг гапидан кейин кўнглимдаги салгина тафти босилган «ғашлик» яна бош кўтаради.

Озарбойжон сафари олдидан ҳам худди шундай бўлди. Ҳар қанча тараддуд кўрмайин, аэропортга кечикиб бордим. Чунки керакли анжомларимни чамадонга сўнгги дақиқада жойлагандим. Сафарда керак бўладиган нарсаларни бир парча қоғозга олдиндан ёзиб бориш одатим бор. Ўша қоғозни олдимга қўйиб ҳаммасини яна бир бор кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойида. Вақт тигиз. Чамадонни ёпдим. Янги чамадон, яқинда ўғлим совға қилганди, икки томондан ширилдоқлари сурилиб ёпилади. Боз устига, антиқа қулфи ҳам бор. Кодлаштирилган, яъни қулфи учта тилли, ҳар бир тили олдида рақамлари бор. Учоқ юкхонасига топширишдан олдин уни қулфлаб — тиллари олдига эслаб қолишимга қулай рақамларни келтириб («тилсим»га қўйиб), кейин уларни «бузиб» юборсам бас, ҳеч ким очолмайди.

Аэропортда мени бирга учадиган ҳамроҳларим қарши олишди. Боя айтганимдек, кечикканимдан хижолат чекдим. Кузатиб чиққан ўғлим билан хайр-хўшлашарканман, чамадонни бир очиб-ёпмоқчи бўлдим-да, «коди»ни чалкаштириб юбордим.

— Ие, рақамларни эслаб қолмадингиз-ку, — деди ўғлим.

— Оббо, энди нима қиламан.

— Етиб борганингиздан кейин бузиб оча қоласиз-

да... — ўғлимнинг овозида яп-янги чамадонга ачиниш ҳисси аён сезилди.

— Майли, яхши қол, бир амалларман, — дедим.

Мен «амалларман...» деганда рақамларни эринмай бир-бир суришни ва охир-оқибат тилсимни топишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Ўғлим кетиши билан «машғулоти» бошлаб юбордим. Ҳамроҳларим билан суҳбатлашаётганда ҳам, чамадонни у ёқдан-бу ёққа гилдиратиб юрганда ҳам (гилдиракли эди у!) бармоқларим рақамларни суриш билан банд бўлди.

Учоққа чиққанзимизда чамадонни юкхонага топширмай, қўлимда олволмаганимга афсусландим. Ахир, учиш давомида аллақанча рақамларнинг «қулфини бураган» бўлардим. «Лекин мен сабрли одамман, қанча вақтим кетса ҳам, «тилсим»ни барибир очаман...», — ичимда ўз-ўзимга тасалли бера бошладим. Уч хонали сонни бирма-бир суриб чиқиш учун қанча вақт керак бўлади ўзи? Яъни унинг геометрик тадрижи неча хонали сонни, қайси рақамни ташкил этади? Миллионни ташкил этмасмикин? Лекин миллионни санаб чиқиш учун (рақамларни суриш деярли санашдаги вақтни олади) қанча вақт керак? Қачонлардир бу ҳақда ўқигандим: миллионгача бирма-бир санаб чиқиш учун инсон умри етмайди дейилганмиди ёки бир неча ой зарур бўлади дейилганмиди... эсимда йўқ.

— Нималарни ҳисоб-китоб қилиясиз? — Усмон муталаадан бош кўтариб менга қаради. Мен содир бўлган «ишқаллик» ҳақида кула-кула гапириб бердим ва уч хонали сон тадрижи қанча бўлишини сўрадим.

У ҳам миллион бўлса керак, дея тахмин қилди... «Эҳ, шоир, математика тахминни эмас, аниқликни ёқтиради! Сиз ҳам ўзимиз қаторисиз, шекилли...» — кўнглимдан кечирдим.

Усмон Кўчқор журнал саҳифаларида босилган нарсаларга ишора қилиб, яхши иш бўлибди-да, дея ўқишда давом этди.

«Жаҳон адабиёти»нинг янги сониди озарбойжон ёш

шоирлари ижодидан намуналар эълон қилган эдик, таржимонлар ҳам ёшлар.

Шу пайт Бутуниттифоқ анжуманларида қатнашиб орттирган дўстларим озарбойжон шоири — Чингиз Али ўғли ва Воқиф Иброҳимлар эсимга тушди. Журналда — бугунги кенжа авлод шеърлари берилган. Биз тенгилар ва кейинги ижодкорлар ижоди бир-бирига таққосланса, нимани кўриш мумкин? Катта фарқи. Яъни биз тенгиларда анъанавийлик устувор бўлса, кейинги ёшларда сарбаст сурури ҳукмрон... Мен бу икки оқимнинг қайси бири афзаллиги, қайси бири узоққа бориши ҳақида тайинли фикр айтолмайман-у, лекин улар ўртасидаги теран айричаликни кўнглим аён ҳис этади. Зеро, биз тенгилар («анъанавийлар») ўз шеърлари билан ўқувчи қалбига кириб боришни орзу қилса, «модернчи»лар умуман мухлислар аудиториясини инкор этади. Улар, шеърни мен ўзим учун ёздим, унда ўз дардимни баён қилдим, англасанг-англа, англай олмаслигинг мени қизиқтирмайди, дейдилар гўё.

Шу боисдан, «анъанавийчилар» ҳамиша ўқувчилар олқишига, офаринига умидвор бўлиб ижод қилсалар, «модернчи»лар ўқувчилар эътирофига илинж боғламасдан шеър тўқий олишлари билан масрур туядилар ўзларини...

Салим Бобуллаўғелининг ушбу шеърига эътибор беринг.

*Ҳайдалган қора тупроққа
тўкилган сариқ япроқ
рассом илинжида
матбуотга беради эълон,
бизнинг нўноқ нигоҳларимиз
ёпишиб олмаганда
биринчи саҳифанинг сарлавҳасига
чириндига айланмасди ул.*

Икки авлод шеърятти ўртасидаги бу фарқ замирига чуқур назар солиб қаралса, боя айтганимдек, кескин тафовутни — услуб ва тафаккурдаги айричаликни, эврилишни яққол сезиш мумкин. Лекин бу эврилиш яхши томонгами ёки салбий томонгами — буни фақат вақтгина белгилаб беради.

Йигилиш эски Иттифоқ тарқаб кетгандан кейин пуртур топган анъанавий анжуманларни жонлантириш мақсадида «Глобализация даврида ўзаро таржима алоқаларини кучайтириш» мавзуга бағишланган эди. Яъни Бокуга Грузия, Ўзбекистон ва Озарбойжон ёш ижодкорлари таклиф этилганди. (Биз ҳамиша ёш бўлишга ўрганиб қолганмиз. Аслида биздан ташқари икки мамлакат ижодкорлари чиндан ҳам ёш эдилар.) Биз озарёшлари шеърларини «Жаҳон адабиёти»да ёритгандик. Озарлар эса уч мамлакат ижодкорлари ижодидан намуналарни озар тилида китоб қилиб тайёрлашганди.

Учоқ мотори бир маромда гувиллайди. Пастимда чексиз қумликлар. Тепамда ҳудудсиз осмон. Хаёлим қатларида кўҳна тарих саҳифалари жонланади.

Озарбойжон ва ўзбек халқлари қадимдан адабий алоқада бўлиб келганлар. Низомий асарлари ўрта асрдаёқ ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Қутб Хоразмий 14-асрнинг биринчи ярмида «Хусрав ва Ширин»ни ўзбек тилига ўгирган. Навоий Низомий «Хамса»си — «Панж ганж»дан илҳомланиб, ўзининг беш буюк достонини яратган. Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор» достонини, Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни таржима қилган.

Навоий асарлари ўзи тириклик пайтидаёқ озарбойжон шоирлари ўртасида машҳур бўлган. Айниқса, Кишварий ва Фузулий Навоийни буюк устоз деб билганлар. Фузулий «Лайли ва Мажнун»и дебочасида Навоийни Низомий билан бир қаторга қўяди. Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида Низомий, Ҳоқоний билан бирга Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухарвардий, Абу Абдуллоҳ Ҳоқоний Сўфий, Шайх Табризий, Қосим Анворий сингари озарбойжон шоир ва олимларининг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Муҳаммад Фузулий асарлари, айниқса, унинг «Лайли ва Мажнун» достони Туркистон мадрасаларида ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаган. Бугина эмас, Фузулий ўзбек халқи ўртасида энг сеvimли шоирлардан бири

бўлган. Шу туйғайли Туркистонда «навоийхонлик», «бедилхонлик» билан бирга «фузулийхонлик» анжуманларида ҳам минглаб кишилар шоир асарларини таҳлил қилганлар.

Ушбу адабий алоқалар ўтган асрнинг охирига қадар давом этиб келди. Айниқса, «Жаҳон адабиёти» журналы ташкил қилинган даврдан бошлаб эса унинг саҳифаларида озар адиблари ижодидан салмоқли асарлар таржима қилиниб босилди. Жумладан, Ҳ.Жовиднинг «Амир Темур» драмасы, Ю.Чаманзаминнинг «Қизлар булоғи» романи, Анорнинг «Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати» романи ва «Дантенинг юбилеи» қиссаси, Рамз Равшан, Бахтиёр Ваҳобзода, Мадина Гулгунларнинг шеърӣ туркумлари, М.Иброҳимовнинг «Гулабатин» қиссаси чоп этилди. Бу асарлар У.Қўчқор, Ф.Шоҳисмоил, М.Ҳазратқуловлар томонидан таржима қилинган.

Озарбойжон диёри ҳақида сўз кетганда, албатта, буюк соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ тарихий воқеалар ёдга олинади. Тарихий манбаларда айтилишича, Амир Темур ёшлигида озарбойжон шоири Шабистарийнинг «Гулшани роз» — «Сирлар гулшани»ни севиб ўқиб, кўп жойларини ёд ҳам олган экан. Ва у уч йиллик юриш пайтида Озарбойжонга борганда Шабистар деган катта бир қишлоққа дуч келади. Шунда «Гулшани роз» китоби ёдга тушади. Сўраб-суриштиришлардан маълум бўладики, бу китобни ёзган шоир Шабистарий шу қишлоқда яшаб ўтган экан.

Ҳамқишлоқлари Амир Темурга унинг қаровсиз ётган қабрини кўрсатадилар. Шунда Соҳибқирон фармон бериб, қабр ўрнига мўъжаз бир мақбара қуришни, яқин атрофдан мақбарага қарашли вақф ер ажратишни, ундан келадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиш ва шоир қабрини зиёратгоҳ каби обод сақлашни буюради. Манбаларда айтилишича, Амир Темур бутун Шабистар аҳолисини 15 ёшдан бошлаб рўйхатга олишни ҳам буюради. Катта қишлоқ экан, 15 ёшдан юқори аҳолининг сони 6110 нафар чиқади. Амир Темурнинг

махсус фармони билан уларнинг ҳар бирига Шабистарийнинг хотираси ва ҳурмати учун 5 мисқолдан олтин улашилади.

Айниқса, шўролар даврида катта анъанага айланган декадалар — вақти-вақти билан республикалар ўртасида ўтказиладиган адабиёт ва санъат кунлари шукуҳи ила Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги адабий ва маданий алоқалар юқори нуқтага кўтарилди.

Ўша даврларда биз, адабиётнинг энг кенжа авлоди, бу борада катта адибларимиз, уста шоирларимизнинг гўзал таассуротларини кўп бора эшитганмиз.

Боку Каспий денгизи соҳилига жойлашган. Денгиз оша учиш тугаши билан аэропортга қўна бошладик. Учоқ пастлаган сари қирғоқнинг яқин жойларида кўплаб нефть қазиб олиш қурилмалари кўзга ташлана бошлади.

Соҳил бўйида яшиллик, дов-дарахтлар кам бўлганлиги учун, у яйдоқ кўринарди. Ёзнинг иссиқ нафаси уни янада ғариблаштирган.

Аэропортда бизни озар тилида чиқадиган «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Салим Бобуллаўли ва таниқли тележурналист, киноценарийчи ва эс-сечи адиб Рафиқ Ҳошимовлар кутиб олишди.

— Сиз Мирпўлат Мирзосиз, суратингизни кўрганман, — деди Салим менга рўпара келаркан. У ўттиз ёшлар атрофида, ўрта бўй, нигоҳларидан ўзига ишончи уфуриб турарди. Унинг ёнида қошлари қалин, истараси иссиқ йигит пайдо бўлди. У Рафиқ экан.

— Қани, юкларингизни беринг бизларга, машина кутиб турибди, — деди Салим.

Аэропорт шаҳардан анча олисда экан.

Машинага ўтирганимиздан сўнг Рафиқ, тележурналист эмасми, ўз юрти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб кетди.

— Озарбойжонда хизмат кўрсатган халқ артисти, Марказий телевидениямизнинг етакчи бошловчиларидан бири, кўплаб киносценарийлар муаллифи, халқаро кинофестиваллар совриндори... — Салим бизга Рафиқни бафуржа таништирди.

— Телевизорда ҳар куни чиқсангиз, демак, сизни бутун Озарбойжон яхши таниркан-да, — дедим мен.

— Айниқса, озар қизлари, — деди Салим ва дўстига изн сўрагандек қараб олиб, қўшимча қилди. — Чунки уйланмаган.

— Ёшингиз нечада? — деди Усмон Қўчқор дабдурустан.

Рафиқ жавоб беришга ҳозирланиб жилмайди.

— Бир кам қирқда, — деди Салим аниқлик киришиб.

— Қандай бахтлисиз!.. — деди Усмон Азим. Бу билан унинг нима демоқчилигини ҳеч ким англамаган бўлса-да, даврада гурра кулги кўтарилди.

Мен гарчи теварак-атрофни кузатиб, гап-сўзларга аралашиб келаётган эсам-да, қўлим чамадоннинг қулфида эди. Вақтни бой бермаслик учун рақамларни бир-бир айлантирар ва ҳар янги рақам терганимда, қулф «тилини» тортиб кўрардим.

Бир пайт, шаҳарга яқинлаша бошлаганимизда мен илқис «ура-а-а!» — деб қичқириб юбордим. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Қойил-э! «Тилсим»ни топдим! Топдим! — дедим чамадонимни шоша-пиша очарканман.

— Наҳотки! Топдингизми?! — дейишди иккала Усмон ва Акиф, Раъно ҳам уларга қўшилиб табриклади.

— Сафаримиз хайрли бўладиган бўлди. Тилсимни ечдим! Қойил!

Салим ва Рафиқ ажабланиб қарашди. Гап нимадалигини тушунтирдим. Улар ҳам севинчимга шерик бўлишди.

Биз қўнадиган меҳмонхона денгиз соҳилида жойлашган экан, Бокунинг кўркам ерига жойлашган меҳмонхонанинг 19-қаватидан, айниқса, денгиз кўзга гўзал кўринади. Мен жойлашган хонанинг деразаси денгизга қараганди. Офтоб уфққа яқинлашиб, майин мавжланиб турган уммон сатҳига тагин олтин тангаларини соча бошлаганди.

Оқшом кириб, ҳаммамиз дийдорлашув дастурхо-

ни атрофига жамул-жам бўлдик. Грузиялик ижодкорлар ҳамда мезбон дўстларимиз билан танишдик. Даврани Рафиқ бошқарди. У анжуманнинг бош мақсади — дийдорлашиш, яъни бир-биримизни яқиндан билишдир, унинг бундан муҳимроқ бошқа муддаоси йўқ, дея таъкидлади. Ва дастлаб ҳамма бир-бир ўзини таништирди. Залга файз бахш этиб турган мусиқа меҳмонлар дил изҳорини босиб кетмаслик учун майин тараларди гўё.

Дастлабки сўзни Усмон Азим айтди. У грузиялик дўстлар ҳамда меҳмонлар шарафига жўшқин дил сўзларини изҳор қилди.

— Бу дунёга ажойиб шоирларни берган заминда турибмиз. Масалан, Фузулий. Мен Фузулийни озардан кўра ўзбекка яқинроқ десам, хато қилмайман. Биз унинг ғазалларини таржимасиз ўқиймиз, кўшиқ қилиб куйлаймиз. Бунинг исботи сифатида сизларга Фузулийнинг ўзбекнинг энг севимли хонандалари ижро этган кўшиқлари ёзувини олиб келганмиз ва ҳурмат билан шуни сизларга тақдим қиламан, — деди Усмон.

Салим Бобуллаўгли совғани қабул қиларкан, дарҳол зал мутасаддисини чақириб, мусиқа ускунасига шу дискни қўйишни буюрди. Шундан сўнг кеча охиригача даврада Фузулий кўшиқлари янгради.

Табрик ва тилак айтиш навбати гуржи дўстларимизга келди. Улардан анжуманда беш вакил иштирок этаётган эди. Уларнинг дунё адабиётидан яхши хабардорлиги, рус тилини ва яна хорижий тилларни пухта билиши бизда ҳавас уйғотди. Гуруҳ бошлиғи Шота Исташвили 1966 йилда туғилган экан, носир, шоир, таржимон, мунаққид; еттита шеърый тўплам, иккита роман ва ҳикоялар тўплами муаллифи; кўплаб жаҳон шоирларини грузин тилига таржима қилган, ўзининг шеърлари ҳам рус, немис, инглиз ва албан тилларида чоп этилган; инглизчани, немисчани билди, русчани-ку, айтмасак ҳам бўлади. У ўз сўзида грузин адабиётини кечаётган адабий жараёнлар ҳақида

гапирди. Бундай анжуманларнинг ҳар бири адабиёт учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Шота гапирар экан, кўз ўнгимда бундан ўттиз йиллар аввал Грузияга борган пайтларим — Кутаисида ўтказилган Бутуниттифоқ ёш шоирлари фестивалида иштирок этган дамларим жонланди.

Биз кўпчилик ёш ижодкорлар ўша даврда Пушкин ва Лермонтов шеърляти таъсирида шаклланганлигимиз боисми, Грузия ҳаммамизнинг юрагимизда юксак ҳислар уйғотиб, афсонавий маъво бўлиб туюларди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам бу диёр шундоқ эканлигига амин бўлган эдим. Оппоқ булутлар тўхтаб қолган чўққилару юракни энтиктирадиган даражада пастликка эниб кетган ям-яшил арчазорлар ҳали-ҳануз хотирам кўзгусида. Мугузларда арғувоний майлар сипқорилгандан кейин қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаган ҳолда қурч давра ҳосил қилиб, гуржи эранлари айтadиган қўшиқлар-чи!.. Бу қўшиқлар гўё уларнинг кўксидан чиқиб, тоғлардан акс садо бераётгандек туюлади... Ўшанда мен «Гуржи қўшиғи» деган шеър ёзгандим. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Фараҳли лаҳзалар савти ёдимда,
Сархуш давраларда бўлдим мен хушҳол.
Жангари бир сурур ҳис этдим сенда,
Халқ қалби қўшиқда топаркан тимсол.
Оҳанглар замири мунг эди гоҳи,
Ўқидим улардан ҳасрат ва йиғи...
Наҳотки сенда жам аجدодлар оҳи,
О, гуржи қўшиғи, гуржи қўшиғи!*

Шота сўзини тугатгач, ўз тилида шеър ўқиди. Анжуман кунлари ўзаро суҳбатларимизда, Шотанинг жаҳон шоирлари ижодини яхши билишига амин бўлдим. У айрим инглиз шоирлари шеърларини инглиз тилида, немис шоирлари шеърларини олмон тилида ёддан ўқиди. Уйдаги компьютерида жуда кўп машҳур шоирларнинг овози жамланган экан. Айримларини қўл те-

лефонига кўчириб олибди. Ундан Т. Элиот, И. Бродский, О. Мандельштам, А. Ахматова ва бошқаларнинг овозларини эшитдик. Улар ўз шеърларини ўқишганди. Мен шунда бир нарсага амин бўлдим — ҳақиқий шоир даҳоси, ҳатто шеър ўқишида ҳам намоён бўлар экан. Яъни ҳар бир улуғ шоир юрагидаги дардини, ғуссасини, сурурини фақат ўзигагина хос бўлган, аниқроғи, ўзи яратган (у билан туғилган десак, янада тўғрироқ бўлади) услуб билан баён қилар экан. Демокчиманки, ҳақиқий шоир овозини эшитган ҳар бир одам унинг оҳангига беихтиёр асир бўлиши ва гарчи унинг тилидан мутлақ йироқ бўлса-да, ундаги дарду ғуссадан сеҳрланиши ва дил нидосини юракдан ўқиши шубҳасиз.

Грузин дўстларимиз орасида, айниқса, Гага Нахуцришвили аломат шоир эди. У 1971 йилда Тбилисида туғилган, Тбилиси университетини тамомлаган экан. Немис тили ва адабиётини Германиянинг Ротенбург шаҳридаги Гёте институтида ўрганибди. У қадди-қоматию қўйган соқоли ва айниқса, дарвешфешлиги билан ўзимизнинг Рауф Парфининг кўйиб қўйган нусхаси эди. Ёпирай, бу ўхшашлик унинг услубида ҳам акс этарди. Бунинг устига, у ҳам худди Рауф акага ўхшаб аломат иборалар «кашф этиб» юрар экан. Айни даврда унинг «Шуни қайғу билан эълон қиламизки, Жўнди вафот этди...» ибораси оғизда экан. Гага бу иборани ишлатганида, уни англаган дўстлари яйраб-мароқланиб кулишар эди, ўзи эса гўдакларга хос чеҳрасида жилмайиш зоҳир этарди, холос. Гурунлар асносида англаб етишимизча, Жўнди — бюрократ сиймоси. Унинг вафоти катта ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳамма учун енгил нафас бахш этади. Лекин Жўндининг ўлими ҳар гал ёлғон бўлиб чиқади ва унинг тириклиги ҳақидаги хабар яна ҳамманинг ҳафсаласини пир қилади.

Гага даврада ўзига хос, теша тегмаган сўзлари ила «нутқ» ирод қилиб, «Шуни қайғу билан эълон қиламизки, Жўнди вафот этибди. Лекин кейинги маълумотларга қараганда, у тирик экан. Уни кўплашиб сувга чўктиришмоқчи бўлишибди. Бироқ уни ўлдирдик деб ўйлаганлар хотиржам тарқалишгандан кейин у яна сув

бетига қалқиб чиқибди...», дея самимий жилмайди. Унинг бу жилмайишидан бюрократик сиймоларнинг жамиятдан йўқотишга астойдил бел боғлаганларнинг чиранишлари ниҳоятда кулгули эканлигини, зеро, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётганлар ҳеч қачон осон жон бермайди, чучварани хом санаманглар, деган фикрни уқиш мумкин эди.

Гага ҳақидаги гурунг пайтида Шота шундай бир воқеани ҳам айтиб берди:

— Бир куни мен уни катта зиёфатга олиб бордим. Машҳур ресторанлардан бирига Россиянинг энг кўзга кўринган санъат намояндалари йиғилганди. Гага остонадан ҳатлар экан, уларга кўзи тушиб, мен бу ерда ўтирмайман, деди. Меҳмонлар ҳайрон бўлиб, унга қарашди. — Аввал ҳарбий базаларингизни юртимиздан олиб чиқиб кетинглар, кейин мен сизларнинг даврангизда ўтираман, — деди ва орқасига бурилиб чиқиб кетди.

Сўз навбати озарбойжонлик ёш адиб Мақсад Нурга берилди. У 1968 йили туғилган, Бокуда истиқомат қилиб, ҳозир Республика телевидениесида фаолият кўрсатар экан. Бир неча насрий асарлар муаллифи.

У сўзини салмоқлаб айтар, фикрида вазминлик бор эди. Лекин Тошкент билан боғлиқ хотираларини тўлқинланиб гапирди.

— Бундан кўп йиллар муқаддам ҳарбий журналист эдим. Тошкентда кўп марта бўлганман. Бу азим шаҳардаги гўзаллик, файз, осойишталик мени ҳамиша лол қолдирарди. Эсимда, бир куни оқшом пайти Анҳор бўйларини айланиб юрардим. Шунда қўл ушлашиб юрган бир жуфт ёшга кўзим тушди. Улар хиёбонларда сайр этиб бўлишиб, катта кўча томон чиқишмоқда эди. Уларнинг юзларида висол нашидаси нурланар, теварак-атрофда эса ҳаловат, осойишталик ва ажиб тароват ҳукмрон эди. Улар кўчадан ўтиб бораётган таксига қўл кўтаришди. Чиройли, шинам машина келиб тўхтаб, уларни айтган манзиллари томон олиб кетди. Мен шунда бу юртдаги файзга ич-ичимдан ҳавас қилдим. Ҳарбий

журналист эмасманми, шунда кўнглимдан: «Дунёда нега уруш бўлади, одамлар нега бир-бирлари билан ёвлашади?» деган савол туғилди ва бу саволга дафъатан жавоб тополмай изтироб чекдим... Дунёда Тошкентдай шаҳар борлиги кўнглимга ҳамиша таскин беради, — дея Мақсад гапини якунлади.

Дийдорлашув кечасида ўтирар эканмиз, ҳаммамизнинг қалб тугунларимиз ечилиб кетганди. Бу ҳолат беихтиёр чамадон «тилсими»га боғлиқ кечинмаларимни эсимга туширди: «Фалати замонларни бошдан кечиряпмиз. Шўролар давридаги борди-келдилар бирдан барҳам топди. Давр бизни мустақиллик қасрларига қулфлаб қўйди. Мулоқот йўлларини шу қадар тилсимлаштириб ташладики, унинг «коди»ни бутунлай чалкаштириб юбордик».

— Бизларни давр бир-биримиздан узоқлаштириб ташлади. Айтиб қолган техника тараққиёти олдимизда чексиз имкониятлар очмоқда. Масалан, интернет орқали ҳар куни, ҳар соатда дунёнинг исталган бурчаги билан мулоқотга киришишимиз мумкин, — деди сўзида кимдир.

— Лекин интернет орқали дийдорингиз нуридан баҳраманд бўлолмайман-ку, меҳрингиз товланишини ҳис этолмайман-ку, — деди яна биров.

— Шунингдек, интернетда ҳар қанча бир-биримиз билан мулоқот қилмайлик, ҳеч қачон мана шу даврдагидек тилақлар айтиб, қадаҳларимизни уриштира олмаймиз, — дедим мен.

— Биласизларми, даврамизга яна нима тароват бағишлаб турибди, — деди яна кимдир. — Ҳаммамизнинг бир-биримизга тенглигимиз. Илгарилари бундай тадбирлар, албатта, «оға» миллатнинг миннатли марҳамати билан амалга оширилди..

Ташрифимизнинг эртаси куни кўҳна ва навқирон Боку қадамжоларини зиёрат қилдик, Ширвоншоҳ қалъаси мажмуасида бўлдик.

Шаҳардаги эски иморатлар асосан тошлардан тикланган эди. Янгилари ҳам йўнилган тош ёки мрамор билан зийнатланган. Шаҳар қадим бўлганлиги туфайли, кўчалар тор, шу сабабдан машиналар тирбанд. Имо-

ратларга осилган пешлавҳалардан бирида Нобел номини учратдик. XIX асрнинг 80-йилларида ака-ука Нобеллар бу шаҳарга келиб нефть ишлаб чиқариш компаниясининг бир тармоғини очишган экан.

Ташрифимиз давомида Озарбойжон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Анор ҳузурда ҳам бўлдик. Анор озарбойжон ва рус тилларида ижод қилиб, совет даврида Бутуниттифоққа машҳур, санокдаги адиблардан бири эди.

Биз Анорга ўзбек тилига таржима қилинган озар ёзувчилари асарларини топширдик. Улар орасида унинг асарлари ҳам бор эди.

У салобатли ва вазмин инсон бўлиб, қўлидан трубкаси тушмасди. Ўчиб қолса дарҳол ёндиришга тутинарди. У мамлакат ёзувчилари ҳаёти ҳақида гапириб берди. «Бизга айрим ижодкорлар уюшмангизнинг кераги йўқ дейишади. Лекин бошқалар, улар асосан ёшлар, қачон уюшмага оласизлар, деб безор қилишади. Айни чоғда мингга яқин аъзомиз бор, икки юздан ортиқ ариза қўлимизда».

У бундай учрашувларнинг муҳимлиги ҳақида алоҳида таъкид билан гапирди. Анор ўз сўзида, шўролар даврини ҳар қанча ёмонламайлик, яхши томонлари ҳам йўқ эмасди, деди. Давранинг пойгагида ўтирган Гага эса унинг худди шу сўзини кутиб тургандек, туйқусдан, «Барибир лаънат бўлсин шундай тузумга!» дея шиорона луқма ташлади. Сўнг зап қилдимми, дегандек бизларга болаларча нигоҳи билан тикилди.

Боку кўчаларида марҳум президент Ҳайдар Алиевнинг портретларини бот-бот учратдик. Меҳмонхонамизга кираверишда Ҳайдар Алиевнинг ҳозирги президент ўғли — Илҳом Алиев билан Каспийга ёндош кўркем иморатлар фонидаги сурати осилган экан. Иккаласи мулоқотда. Отада донишмандлик акс этган, ўғил чехрасида садоқат туйғуси уфуриб турибди. Биз суратга ҳавасланиб боқар эканмиз, фикрларимизни ўзаро ўртоқлашдик:

— Ота зўр бўлган экан, шундоқ фарзандни тарбиялабди.

— Ўғил ҳам зўр-да, қобил чиқибди. Бутун мамлакат

масъулиятини зиммага олиш осон эмас...

Ёшлар ва туризм соҳаси мутасаддиси Абулфайз Қорав ҳузурида бўлганимизда мамлакатдаги аҳвол, мураккаб муаммолар борасида гап борди.

— Ватанимизнинг 20 фоиз ери ҳозир арманлар қўлида, халқимизнинг 20 фоизи, яъни бир миллиондан ортиқ аҳоли қочоқликда кун кечирмоқда. Уларни боқиш, турмуш шароитини ўйлаш давлатимиз учун энг оғриқли муаммолардан бири, — деди у. — Лекин биз ёшларимиз келажакка ишонамиз. Зеро, марҳум президентимиз Ҳайдар Алиев уларнинг истиқболини ўйлаб, жами нефтдан тушадиган маблағни банкларга жойлаштиришни васият қилганлар. Бу маблағнинг бир сўми ҳам бугунги кунда ишлатилмайди. Бу асосан келажак учун, ёшларнинг истиқболи учун мўлжалланган.

Сафаримиз давомида анжуман иштирокчиларини Президент девонининг бўлим мудирини Ҳидоят Ўружев ҳам қабул қилди. У бўйдор, савлатли, сочлари оқарган, 65 ёшлар атрофидаги киши эди.

Учрашувга кетаётганимизда Усмон Азим, уни яхши биламан, бир шеърят анжуманида бирга иштирок этганмиз, деди.

Дарҳақиқат, Ҳидоят бизни қарши оларкан, Усмонга кучоқ очиб пешвоз чиқди. «Яхши юрибсанми, ҳаммаси эсимда, эсимда...» — дея қуюқ сўрашди. Ва ёдида қолган гапни суҳбат давомида изҳор қилди.

— Биз Усмон билан Ереванда бирга бўлганмиз. У пайтда, Усмон, сен ҳам, мен ҳам ёш эдик, а?.. Шунда сен саҳнага чиқиб, улкан зал мухлисларга лиқ тўла эди, уларга қарата, мен энг талантли шоирман, деб хитоб қилдинг ва ёниб шеър ўқидинг. Қарсақлар ёғилиб кетди. Бу дақиқаларни сира унутмайман. Мана, энди мен қаридим, ижод билан кўп шуғуллана олмадим, раҳбарлик ишларига ўтиб кетдим... Сен ҳали ҳам талантли бўлсанг кераг-а, Усмон? — мутойиба қилиб жилмайди Ҳидоят.

Анжуманнинг хайрлашув кечаси ҳам алоҳида руҳ билан ўтди. Унда машҳур кинорежиссёр ва драматург Рус-

там Ибрагимбеков, мезбонимизга айланган Анор ва Ҳидоят Ҷужевлар иштирок этишди.

— Вақтим жуда тифиз эди, аммо барибир келдим, — деди Рустам Ибрагимбеков. — Бу давра менга ёшлигимни эслатди. Ҷша даврлар сурурини қалбимда қайтадан жонлантирди.

«Озарбойжон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аёз Вафоли: — Бу анжуманда Ўзбекистон ижодкорларини кўриб турганимдан гоёт мамнунман, — деди. — Бир пайтлар адабиёт байрамида юртингизда бўлган эдим. Ҷшанда Эркин Воҳидов менинг ушбу шеъримни таржима қилганди. Мана, ҷша таржима, Эркин Воҳидов дастхати билан.

Шоир шеърни дастлаб озар тилида, сўнг ўзбек тилида ўқиди.

Учрашувнинг сўнгги куни Акиф Азал (у асли озарбойжонлик, ўтган асрнинг 80-йилларида талабалар алмашиш муносабати билан Тошкентга келиб, шу ерда қолиб кетганди. Олим ва шоир) бизларни туғилган қишлоғига таклиф қилди. Олислиги туфайли боришга кўнмадик. Ундоқ бўлса, сизларни шу ерда меҳмон қилман, деб туриб олди Акиф. Ва унинг амакиси келиб, Акиф номидан бизларга дастурхон ёзди. Сафар давомида ҳамма бир-бири билан яқинлашиб кетганлиги туфайли гурунлар қизгин бўлди, ўзбек, грузин, озар тилларида шеърлар янгради. Ҷаммадан ажойиби, Собир Рустамхонли етиб келди. У машҳур шоир, ҳозирги озар шеърятининг етук намояндаси. Биз унинг бир туркум шеърларини яқинда (Т.Қаҳҳор таржимасида) журналимизда босган эдик.

У аини пайтда «Ватандош ҳамроҳлиги» партиясининг раҳбари сифатида парламентга янги сайлов тайёргарлигини олиб бораётган экан.

— Сизларнинг келганингизни эшитдим-у, кўришга улгураин деб йўлга чиқдим. Наҳечеван бизнинг Жанубий ўлкамиз. Ниҳоятда чиройли табиати бор. Агар алоҳида келсанглар, ўзим бутун Озарбойжон бўйлаб айлантитар эдим...

Собир билан суҳбат беихтиёр мамлакатнинг бугунги кундаги оғриқли муаммоларига келиб тақалди. Бу, албатта, Озарбойжон ва Арманистон муаммоси эди.

— Биз — Кавказорти республикалари — Грузия, Озарбойжон, Арманистон ижодкорлари халқларимизни яқинлаштириш борасида ҳамкорлик ҳаракатларини кучайтирсак бўлмайдими? — деди Шота куюниб.

— Бунга ҳаракатлар бўлди, бизнинг ва арманларнинг обрўли адиблари билан учрашди, — деди Собир вазминлик билан. — Лекин ҳеч гап чиқмади.

— Бизда грузин ва абхаз масаласи ҳам ниҳоятда чирсиллаб турган муаммо. Масалан, менинг туғишган акам икки халқ ўртасидаги низо ва зиддиятлар сабаб ваҳшийларча ўлдирилди. Лекин мен шунга қарамасдан, абхаз шоирларидан туркум шеърлар таржима қилдим. Балки сиз бояги айтганим — олижаноб ғояга бош кўшарсиз?..

— Йўқ, мутлақо! — деди Собир чўрт кесиб. Кейин ўзининг кескинлигидан хижолат тортди, шекилли, қўшиб қўйди. — Бу саволга тайёр эмасман...

Айни пайтда шу фикрлар қалбимда теран оғриқ уйғотди: «Нега халқлар бир-бири билан ёвлашади? Наҳотки одамзод бундай кулфатдан қутула олмаса? Элар орасига нифоқни ким солади ўзи? Адоват уруғларини ким сочади? Кимга манфаат булардан? Бу муаммоларнинг тагига етадиган, низолар тилсимини ечиб берадиган инсон бормикин? Наҳотки разолат голиб келаверса мудом?!».

Сафаримизнинг сўнги кунда бизни Каспий соҳилига — денгизда чўмилишга таклиф қилишди. Учоқ кеч учади, чўмилишга улгурасизлар, дейишди.

Махсус автобус бизни денгизга рўбарў қилди. Қаршимизда Каспий ястаниб ётар, соҳилдаги кум оёқни куйдирарди. Қирғоқнинг кенг саҳнида қурилиш ишлари олиб борилмоқда, икки-уч қаватли шинам иморатлар тикланмоқда эди. Дам олувчилар учун бўлса керак, албатта.

Каспий ниҳоятда мулойим денгиз экан. Ҳаммамиз

сувга тушиб роҳатландик. Қачонлардир Қора денгиз бўйларида дам олиб, ижод қилган пайтларим эсимга тушди. Каспийнинг шўр сувлари димоғимни ювганида Қора денгиз нафаси, мавжлари кўз олдимда жонлангандек бўлди.

Табиат қизиқ. Балки у денгизни одамзод руҳига таскин бўлсин деб яратгандир. Балки бағрикенгликни денгиздан ўрган демоқчи бўлгандир.


Учоғимиз парвозга кўтарилганда офтоб денгиз сатҳига яна олтин тангаларини сочиб юборди. Ана шунда мен денгизни инсоният руҳига тоабат гўзал туйғулар бахш этиб тургувчи боқий шеърятга ўхшатдим...

Биз сафаримиз давомида «Глобализация замонидаги ўзаро адабий алоқалар ва бадиий ижоднинг ҳозирги кундаги турли муаммолари»га доир расмий суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ҳам ўтказдик, албатта.


Қисқаси, хотирамда қолгани асосан мана шулар.

Лекин яна бир гап. Янги XXI аср анъанавий тушунчаларимизни тубдан ўзгартириб юборди. Халқларнинг адабий ва маданий алоқалари ҳам янгича тус олмоқда. Бу борада даврнинг янги тилсимларига дуч келмоқдамиз. Мустақиллик шукуҳига қамалиб олган халқлар дили қулфига йўл топиш чамадон «тилсими»ни очишчалик осон бўлармикин?

2006



ҚАЛБИМДАСАН,
ВАТАН!..





ИСТИҚЛОЛ

Менинг фарзандим бор — жажжи, олти ёш,
Кўзимни қувнатар қадди ниҳоли.
Кўнглимнинг тубида ярақлар қуёш,
Товланса хаёлда унинг иқболи.

Кулгулари ширин, тиллари бийрон,
Ҳар тонг тевааракка боқар ҳайратда.
Тушунмас, астойдил бўлар у ҳайрон,
Гоҳо кўрса мени ғамда, ҳасратда.

Онаси жонҳалак, мен тунлар бедор,
Уни ардоқлаймиз, дарддан аяймиз.
Зинҳор оғримасин, оғриси бир бор,
Мингта жонни узиб бермоққа шаймиз.

Дунёда шум ният, разолат қат-қат,
Бемаҳал тасодиф бермасин фириб...
Унинг камолини ўйлаймиз фақат,
Емайин — едириб, ичмай — ичириб.

Ҳали бўй чўзар у, улғаяр дуркун,
Умиддир азалдан — томирдаги қон.
Не ажаб, доврўғлар таратиб бир кун
Бўлиб етишса у комил, чин инсон.

Бу кун юртда — сурур, тараддуд элда,
Муаззам туйғулар дилни этар лол.
Мен-чи, ушбу онлар ўхшатгим келди
Жажжи фарзандимга сени, Истиқлол!

Мен боламга юрак меҳримни бергум,
Сени-чи, ер-кўкка ишонмас Ватан.
Ҳар кимга зурёди азиздир, лекин
Аён ҳақиқатни олмоқ керак тан.

Мен учун фарзандим суюкли, бироқ
Сен халққа минг чандон суюкроқдирсан.
Мен болам бахтидан қувонмай ҳар чоқ,
Сен толеи улуғ, буюкроқдирсан!

1997

ШАҲИДЛАР ХИЁБОНИ

Йигитлар – юртни ёв босганда бир кун,
Қалқдилар «Ватан»! деб, дилда чин ихлос.
Гарчи ёлғон Ватан эди у, лекин
Улар қабрларда қолдилар, бу рост!

Чархнинг ўйинлари бамисли жумбоқ,
Дунё эврилишда кечар бегумон.
Аммо эътиқод ҳам завола топган чоқ
Наҳот шаҳид руҳи тентир саргардон?

Мозий жанг урҳоси ўчмас хотирдан,
Ўзбек ҳам ҳайқирган унда баралла.
Лекин у неларни ўйлади экан,
Оққайинни қучиб кўз юмган палла.

Ёт тупроқ остига кўмилган ҳислар
Ҳеч кимга маълуммас гарчи тоабод,
Аммо сўнгги дамда у шаҳид аскар
Ўз юртин ўйлаган бўлса, не ажаб?!

Ёд этган, шубҳасиз, у ҳаёт сеҳрин,
Мунаввар умрининг зиёларини;
Ёд этган синглисин бокира меҳрин,
Ёд этган онасин дуоларини.

Балки юрагида ёнган сўнг дафъа
Шам каби липиллаб ўтинчи-зори.
Балки кўз олдига келган бир лаҳза
Бешикка термилган ғамдийда ёри.

Балки боғбон эди, балки у — чўпон,
Балки ҳассос бўлган ундаги туйғу.

Ҳар қалай, ёв йўлин тўсган навқирон
Беш юз минг ўзбекнинг бири эди у.

Тингла, жанггоҳлардан таралмоқда сас,
Шаҳид қисматидан сўйлар ҳикоя.
Йўқ, у ҳандақларда ўзга юртнимас,
Ўз қадим тупроғин қилган ҳимоя.

Кўксин ёв ўқиға айларкан қалқон —
Жангларда арслондек ўкирган маҳал,
Ўз юрти шарафин ёд этган ҳар он,
Ўз юрти номусин ўйлаган аввал.

Кулсин деб бошида унинг ҳур иқбол,
Бахшида этароқ ширин жонларни, —
Улар энтикканлар ўйлаб эҳтимол
Буюк саодатни — ушбу онларни.

Кўзларга ёш қалқар бу кунлар, рости,
Янграр юракларда ғамгин тарона.
Шаҳид ўғлонларин бағрига босди
Мушфиқ Ўзбекистон — ғамгусор она.

Ажиб руҳ пойтахтни чулғар чаманга,
Оқшомлар ҳавасда термилар ҳилол.
Жаннатий хиёбон... Мангу аланга...
Барҳаёт шаҳидлар... ҳамда Истиқлол!

Дилбар кечаларда уйқусиз эпкин
Уларнинг нидосин шивирлар, шаксиз:
— Сизга топширганмиз Ватанни, лекин
Сева олгаймисиз севганчалик биз?!

1999

ВАТАН

(Мэте ҳақида ривоят)

Кўнгилда нохуш ўй кўтарар ғовға:
Кўшни юрт подшоси — ҳаддин билмас ёв,

Севган тулпорингни қил менга совға,
Йўқса, савашамиз, дея қилар дов.

Хукмдор тушунди ёв ниятига,
Шундан юрт тинчини кўриб у ортиқ. —
Оғир тегса ҳамки ҳамиятига,
Унга ўз тулпорин айлади тортиқ.

Ғаддор ғаним тагин таҳқирлаб баттар,
Ёндираар қонларда адоват-кинни,
Дер у: «Қирғинбарот тайин, муқаррар,
Бермасанг энг суйган канизагингни!»

Совуққон хукмдор бузмайди феълин,
Шундоқ сукут сақлар баъзан арслон ҳам.
Чунки у ўйларди ҳар лаҳза элин,
Ахир, солар уруш юрт бошига ғам.

Беклар таажжубда, амирлар ҳайрон,
Беҳад ўч олмоққа қўшин-ку тайёр!
Лекин бу шартга ҳам кўнибди хоқон,
Дебди: «Ишқ деб элни этайми абгор?!»

Яна бор сўрабди низопараст шоҳ,
Гўё дўку довдан тушиб бир баҳя:
«Ўлканг поёнсиздир — қаровсиз, яйдоқ
Бир парча ерингни қил менга ҳадя!»

Душман кўзин тиккан ҳудудлар, чиндан,
Экан тақир саҳро, тошлоқ адирлар.
Хоқон қурултойни чорлабди пурғам,
Кўнибди бу шартга беклар, амирлар.

Дебдилар: «На гиёҳ кўкараар унда,
На маъдан, на ўрмон, на бир қавм бор...»
Аҳли машваратни чўрт кесиб шунда,
«Йўқ!» дебди жойидан қалқиб хукмдор.

«Ёлғиз бизнингдирмас, ахир, бу Ватан,
Наҳот юрагингиз туймайди титроқ:
Буюк аждодларнинг — қабрда ётган
Бу замин устида ҳақлари кўпроқ!

Ҳали туғилажак наслингиз учун
Қиёматга қадар мулкдир бу диёр.
Қани — ундан ҳатто бир қарич бўлсин,
Фанимга бермоққа кимнинг ҳадди бор!

Бас, энди шайланинг муқаддас жангга,
Юраклар қаҳрга тўлдирилажак!
Мен отим сураман ғаддор душманга,
Ортимдан бормаган ўлдирилажак!..»
1997

ОШОБА

Ҳамон юрагимга солади титроқ
Ҳар шаҳид кетган жон, ҳар бир хароба.
Мозий қатларида ёнар бир қишлоқ,
Баланд тоғлар бағри — мағрур Ошоба.

Тийра Туркистонни босқинчи талаб,
Занжирбанд қилмоққа турганида шай, —
Сен эрк истаганлар исёнин алқаб,
Яширдинг уларни бағрингга қўрқмай.

Қонхўр Скоболов, қузғун Кауфман
Бежилов эдилар, ахир, жазода.
Наҳот сен бир сиқим вужудинг билан
Фанимга тик қарай олдинг, Ошоба!

Унвон-мартабалар талашган бадмаст
Ёғийлар найзасин тутдилар қўлга.
Учраган ҳар жонга етказиб шикаст,
Ошобага қараб тушдилар йўлга.

Кузнинг тунд тонгида дилгир чўққилар
Боққанда ҳадикда — иниб заҳил ранг,

Борлиқни ўқларнинг саси тутди ва
Бошланди аёвсиз қирғин, тенгсиз жанг.

Ҳар битта кўрғондан, ҳар битта томдан
Ёғилди ғанимга ўқлар, учқур тош.
Дилларда шу калом: «Кечсак-да жондан,
Манфур босқинчига эгмайдирмиз бош!»

Эвоҳ, бўғизларда тош қотиб йиғи,
Юзларга нур қалқди кўз юмилар чоқ.
Йигитлар йиқилди қучиб милтиғин,
Қизлар – сермаганча ғанимга пичоқ.

Қул бўлди Ошоба, янчилди гарчанд,
Мағрур гурурин ҳеч бўлмади янчиб.
Тортди ёв ҳузурбахш махоркасидан,
Тирик кўкрак кўрса найзасин санчиб.

Аждодлар нидосин илғар идроким,
Бағримни чўнг алам ўртайди бир он.
Ошобаликлардай мағрур турсайдинг,
Ким маҳв этоларди сени, Туркистон!

1991

АБДУЛЛАТИФ ЎЛИМИ

Эндигина ўн бир ёшга
Кирган бола эди у.
Тушди тунлар алаҳлашга,
Енгди уни зўр кўрқув.

Халқни йиғди кенг майдонга
Босқинчи тахт ғамин еб, —
Дукчи эшон осилганда
Эл бақамти турсин деб.

Болалар ҳам бўлсин албат, —
Фармон қилди мустабид.
То уларга ушбу даҳшат
Солсин қутқу ва таҳдид.

Токи улар юрагида
Хатто кичик учқунча —
Исён ўти қолмасин ва
Ватан деган тушунча.

Уммон янглиғ чайқалиб эл
Неларнидир англади,
Юракларни кетказиб зил,
Ноғоралар янгради.

Бир пайт кўкка ўрлаб кетди
Оналарнинг оҳ-зори
Ва аскарлар кириб келди
Оломонни қоқ ёриб.

Ўртасида кишанланган
Олти маҳбус — исёнкор.
Ушбу лаҳза олтовин ҳам
Кутар эди баланд дор.

«Дукчи эшон қай биридир,
Таниганлар айтсин тез!..»
Ҳеч ким уни танидим деб
Айтолмасди ушбу кез.

Гарчи манфур бир баҳона,
Тасдиқ-сўров эди бу.
Лекин халққа разилона
Пўписа-дов эди бу.

Зеро уни ким кўрсатса,
Кўшган бўлиб унга бош, —
Осиларди ушбу лаҳза,
Бўлсин қари, бўлсин ёш.

Йиғлаганга туғишган деб
Қилинажак маломат...
Нафасини ичга ютиб,
Қотди шу зум тумонат.

«Айт, оломон!» деб зобитлар
Фазабини сочдилар
Ва одамлар ўз пиридан
Кўзин олиб қочдилар.

Ҳолсизланган маҳбуслардан
Икки-учи йиқилди.
Ваҳм ичра алланарса
Бўғизларга тиқилди.

Бир-бир қамти келган маҳал
Ҳар биттаси сиртмоққа,
Кўймади ҳеч ноғоралар
Сўнги сўзни айтмоққа.

Қулоқлар ҳам батанг битиб,
На шовқин, на гап кирди.
Дукчи эшон нимадир деб,
Нимадир деб ҳайқирди.

Турди улус зорлаб-зорлаб,
Кўзлардан ёш тирқираб.
Олтовлонни кўриб дорда.
Бўлди олам чирпирак.

Бу даҳшатни сингдиролмай,
Кўп юраклар зарб еди.
Лекин маъсум болакайлар
Гуноҳлари не эди?!
Чайқалганда баланд дорда
Олти ўлик титроқда,
Йиқилдилар мурғак жонлар
Қушдек бир-бир тупроққа.

Онасининг қўлин тутиб,
Юрагини ўртаб кек,
Турар эди Абдуллатиф,
Бу даҳшатга боқиб тик.

Лекин бир зум кўнгли айниб,
Ўқчиб-ўқчиб қайт қилди.
У ҳам худди мусичадек
Ерга таппа йиқилди.

Шу-шу шўрлик ўнгламади,
Келолмади ҳушига.
Не даҳшатлар кириб чиқди
Кечалари тушига.

Алаҳлаб у: «Кофирларни
Ерга тиққум!» дер эди.
«Эшон бобо, сўзингизни
Уқдим, уқдим!» дер эди.

Тушларида жаллодларни
Қирар эди лашкари.
Лекин, афсус, ухлатмасди
Ноғоранинг саслари.

Гоҳ кўзига кўринар дор,
Жасадлари лапанглаб.
Боқарди у гунг, телбавор
Теваракка аланглаб.

Волидасин қийнаб-қийнаб
Озиб-тўзиб кетди у.
Ҳеч бир чора қилмади наф,
Енгди уни зўр қўрқув.

Абдуллатиф гунчадай соф,
Латиф бола эди-я!
Мурғак жони чекиб азоб,
Увол бўлиб кетди-я!

Эҳтимол, у ўлмаганда,
Сақлаб дилда ўч-зарда —
Забун юртни бошлаб жангга,
Бўлармиди саркарда.

Балки шоир бўлармиди —
Юрт руҳининг тираги!..
Лекин эрта портлаб кетди
Унинг маъсум юраги!

Не қотиллик, бу не гуноҳ?..
Қалбни ўткир дард тилар.
Оҳ, биргина эдими, оҳ,
Абдуллатиф кабилар!

Ёв дастидан Андижонда
Тўкилганда сўнгсиз қон,
Сўйладим мен сизга — қандай
Сўнганини ёш бир жон!

1993

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

*«Жумҳурият душманлари томонидан
Файзулла Хўжаевнинг боши эвазига шун-
чалар кўп олтин ваъда қилинган эдики,
дунёдаги ҳеч бир бош бунчалик юқори нар-
ханмаган...»*

Эгон Эрвин Киш.

Бошингиз баҳосин биларди ёвлар,
Жумҳурият эса ҳали ёш эди.
Кутар эди уни не-не синовлар,
О, сизнинг бошингиз тилла бош эди!

Кимки ўз Ватанин севса ортиқроқ,
Ўз элин бахти деб курашса зотан,
Фанимлар назарин тортгайдир кўпроқ,
Боши бўлур унинг асл тиллодан.

О, менинг қадди дол, заҳматкаш халқим,
Кўрсанг-да не ситам, заққум ёшларни,
Нечун уйғонмадинг, ғафлатда қолдинг,
Кузғун чўқиганда тилла бошларни?!

Улуғ сиймоларинг кетди бенишон,
Бу айём уларни эслайман титраб.
Қани тилла бошли Қодирий, Усмон,
Қани тилла бошли Чўлпон ва Фитрат?!

Тоғ-тоғ хирмон тўплаб ялангтўш деҳқон,
Нечун ризқин ўйлар, қуриб силласи?
Айтинг, қайлардадир — кетмишдир қаён
Муқаддас диёнат — юртнинг тилласи?

О, элим, бировлар отмасин десанг
Сенга тухмат ўқи, таъна тошини,
Ҳаргиз эҳтиёт қил — эъзозла ҳар дам
Жасур ўғлонларинг тилла бошини.

1989

АКМАЛ ИКРОМОВ

*Акмал Икромовни халқ душмани сифати-
да барча бир овоздан қоралаётган йиғинда у
«Наҳот шу гапларга ишондингиз, ўртоқлар?!»
деб бир парча қоғозга ёзиб ўтирган экан.
Бу парча қоғоз унинг архивида сақланмоқда.*

Уни ҳукм этдилар якдил овоз-ла,
Бир сўз демади-я ношуд - қўрқоқлар.
Фарёдин битди у парча қоғозга:
«Наҳот ишондингиз шунга, ўртоқлар?!»

Кетди ўзи, бироқ қолди қалб саси,
Тарих ғаладони барини сақлар.
Ҳамон ҳайқирмоқда қоғоз парчаси:
«Наҳот ишондингиз шунга, ўртоқлар?!»

Ғаниммас, раҳнамо эдингиз-ку Сиз,
Чикмади — номингиз бирорта ёқлар!
Бормиди аслида ўртоқларингиз,
Улар ўртоқ эмас, улар — қўрчоқлар!..

Мудом менинг ҳаққа ишончим кўпроқ,
Мозий рад этганни келажак оқлар.
Қувонинг ушбу кун, эй шаҳид ўртоқ,
Кўпайиб бормоқда асл ўртоқлар!

1989

ЧЎЛПОН

Дунёда ҳуррият урганида бонг,
Сен ғафлат элида балқдинг айни тонг.

Ёғдулар таратдинг карашмали, шан,
Зора хобини тарк этса деб Ватан.

Лекин бу не ваҳм, бу не разолат —
Сенга сиртмоқ отди аҳли жаҳолат.

О, фалак кўшкидин қайгадир ботдинг,
Қора булутларга кўмилиб ётдинг.

«Осий» бўлди нуринг кўриб қолганлар,
Ҳаттоки исмингни тилга олганлар.

Айт, нечун кимсалар тониб ўзидан,
Сени яширдилар юртнинг кўзидан?!

Тагин дунё узра бир ажиб сурон,
Ғафлат уйқусини тарк этди Турон.

Ташланди улусдан эски жандалар,
Тагин сен фалақда қилдинг хандалар.

Қора булутлардан қолмагай асар,
Порлаб туравергин энди мунаввар.

1989

НАВОИЙ ВАСИЯТИ

Мен учун ҳайкаллар тикламанг, майли,
Кўчаларга қўйманг, майли, номимни.
Қабрим узра келиб йўқламанг, майли,
Кўкларга кўтарманг, майли, шонимни.

Таваллуд кунимда таъзимлар ҳаргиз —
Мен учун на орзу, на буюк ҳавас.
Сизга илтимосим шу эрур ёлғиз:
Тилимизни асраб қололсангиз, бас!

1988

АРМОН

Юртим озодликка эришса агар,
Кўтарса ниҳоят элим мағрур бош, —
Ишонинг, кеккайиб кетмасдим зинҳор,
Бўлардим мен унда балки бир фаррош.

Тозалаб астойдил асрий ғубордан,
Азиз еримизни сўлим этардим.
Ишонинг, ҳар тонгда чин ихлос билан
Бу эзгу заминга гуллар экардим.

Ўрнатиб ҳар жойда осойишталик,
Дердим одамларга: «Бўлинг хуш калом!..»
Қарор топар эди асл Эзгулик,
Юртим озодликка эришган айём.

1988

ФАХРИЙЛАР

Кўксимизда турфа нишонлар қатор,
Лекин кўнгил нуқул андуҳга ботар,
Аламноқ нигоҳлар шундоқ сўз қотар:

«Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!»
Биз ҳам бир маҳал ёш, бўз йигит эдик,
Бир вақт «Ленин» дедик, «Инқилоб» дедик,
Муте юртимизни баттар қул этдик,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Лабларни куйдирган қўшиқлар қани?
Мумтоз ғояларга ошиқлар қани?
Яшадик — умрни ўздан қизганиб...
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Идрокда неки бор — давр сингдирди,
Мағрур руҳимизни янчди, синдирди,
Оҳ, кўплар қабрга кафансиз кирди...
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Бир ҳолат тонгларда жонланар хира:
Ёв ўқи ёмғирдек тинмасди сира,
Омон сақлаб қолдинг нега, ҳамшира,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Айтдик на оминни ва на бисмилло,
Даҳрий, осий бўлиб улғайдик илло,
Арбоблар кўзини ўйнатди тилло,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Во ажаб, замоннинг шарҳин ким сўрар,
Сифинган зотларинг фитналар қурар,
Элнинг донишларин адоват қирар...
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Кўкракларда нишон, дилларда гумон,
Шафақлар товланган уфқларда туман,
Кеч куз оралади боғларни туғён,
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

Энди мижжада ёш, тўлғанар юрак,

Оқди қора кунлар булутдек лак-лак,
Билдикки, шу озод Ватандан бўлак
Бари ёлғон экан, ҳаммаси ёлғон!

1993

ЎЗБЕКИСТОН

Бу дунёда чаманлар кўп,
Бу дунёда ватанлар кўп.
Барчасида яшнар гуллар,
Барчасида яйрар диллар.
Менинг учун азиз бўстон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Чорлар эзгу йўллар мени,
Аждодларим қўллар мени.
Бу Ватанда тўкмасман ёш,
Бу Ватанда эгмасман бош.
Менинг учун азиз бўстон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Саҳролар гул очар сенда,
Самолар нур сочар сенда.
Юлдузларинг сўнмасин ҳеч,
Бағринга гам қўнмасин ҳеч,
Менинг учун азиз бўстон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

1988

МҲЙСАФИД ҲИКОЯСИ

Ўттизинчи йиллар... Ёш бола эдик...
Бот-бот эсга тушиб, бағрим қилар хун:
Шаҳарнинг чеккаси... Сирли тепалик...
Фарёд таралар гоҳ ундан ярим тун.

Асабий кечалар... Оталар дилгир...

Юраклар чок-чоқдан сўкилар эди.
Ўқлардан тун бағри титраганда зир,
Юлдузлар кўз ёшдек тўкилар эди.

Биз машғум тепага чиқардик тонглар,
Унутиб кўрқувни, билмай сабрни.
Ҳар гал кўзимиздан ўчарди ранглар,
Кўриб унда янги чоҳни — қабрни.

Ҳайҳот, димоғларга қон иси тўлиб,
Йўғриларди аччиқ гурубга ҳаёт, —
Кимнингдир оёғи, кимнингдир қўли
Чиқиб ётар эди тупроқдан, ҳайҳот!

Мурғак қалбимизга югуртириб муз,
Катталар қиларди мунгли тиловат.
Ахир, шул фожелар ёдимда ҳануз,
Қандоқ дейин — ўтган ишга саловат.

Дасти қон салтанат, нафратим сенга,
Ўртар боз юракни теран ўч-алам.
Дерларки, худди шу тепалик узра
Отмишлар кўксидан Қодирийни ҳам!

Мудом хотирамда янграр — билмас тин,
Ўқ саси... фарёд... — бу сўнг сўзлар балки.
Не сўз эди улар — айта олур ким?
Сўраб кўринг, эслар юлдузлар балки.

2001

* * *

Жозиба касб этар хўрлик ва ситам,
Тортқилар хаёлни энтиккан туйғу...
Кўнглим, у кунларни қўмсама ҳеч ҳам,
Қулнинг кишанига қўйган меҳри бу.

Кўрганмисиз — қадрин унутган, хоксор,
Тили қисиқ, бўйни эгик одамни?

Менгзаш мумкин ўшал кимсага — абгор,
Истибдод жабрини чеккан Ватанни.

Не бахт, юрт сурури ўзгача энди,
Болам тақдиридан мен очмасман фол.
Энг хуррам орзулар мужассам сенда,
Шу боис азизсан менга, Истиқлол!

2001

* * *

Бошга ғам сояси тушиб турган кез
Чорасиз боқурмиз, гангиб дафъатан.
Ҳолбуки, урвоқча эмас қайғумиз
Сен чеккан ғуссалар олдида, Ватан!

Юракни шодликлар чулғаган зумда
Олам жилва қилар бирам бокира.
Лекин нур балқмаса, Ватан, юзингда,
Бизга севинчлар ҳам татимас сира.

Истаймиз, о, мангу қолмоқликни биз,
Аслида бу фақат, Ватан, сенга хос.
Сенинг бағрингдаги кечган умримиз
Киприк қоққанчалик лаҳзадир, холос!

2001

* * *

Қисмат мени ташласа
Сендан йироқ-йироққа,
Келсам агар юзма-юз
Бундаин зўр фиरोққа,
Ялпизнинг бўйларидек
Урилгайсан димоққа,
Ватан, исминг ёд этсам!

Болаликда тинглардим —
Эртакларинг жангари.
Ҳайратларга чўмганман

Бойчечаклар сингари.
Кулоғимда жаранглар
Гоҳ турнанинг мунглари,
Ватан, исминг ёд этсам!

Баҳор пайти эсгандек
Водий узра шамоллар —
Юрагимдан дафъатан
Кетар ўкинч-малоллар,
Томиримда мавжланар
Ширин, юксак хаёллар,
Ватан, исминг ёд этсам!

Қолмас дилда армон ҳеч,
Муродимга етарман.
Бир кун жимжит дунёга
Мен ҳам сингиб кетарман.
Нима ўзи мангулик —
Аён идрок этарман,
Ватан, исминг ёд этсам!

1996

* * *

Куйламай бўлурми сени, Истиқлол,
Бўлурми алқамай Ҳурликни буюк!
Ахир, сен халқим-чун энг улуғ иқбол,
Озод Ватанимга сенсан энг суюк!

Курраи заминда элу элат кўп,
Эркини алқаган миллатлар бисёр.
Уларга ҳам гурур ярашгайдир хўб,
Лекин сендан менча қувонган ким бор?

Сенмасми — қаддимни тик қилиб қўйган,
Дунёга номимни муҳр этган қайта?
Ўзбек ўзлигини англаб етган дам
Аввал сени эслар, шукрона айта.

Шунчаки эмас, йўқ, мендаги сурур,
Истиқлол, тоабад жон-дилимдасан.
Зотан буюк севги юракда бўлур,
Фақат баъзан-баъзан сен тилимдасан.

Аммо бир хавотир кечади қалбдан, —
Ҳали олдиндадир не-не баҳоринг,
Шоирлар куйлашни ошириб ҳаддан,
Тўкиб қўйишмасми оҳоринг?!

2001

ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР

Бўривой АҲМЕДОВга

Кўҳна қўлёмалар... Нодир китоблар...
Буюк алломалар каломидир бу.
Улар — мозий ёқдан келган хитоблар,
Боболар имдоди, саломидир бу.

Қулоқ тут бир нафас, қўлларингга ол,
Қанча у кўҳнадир — ҳикматлари кўп.
Майли, имлосига термилсанг ҳам лол,
Фуборин арт унинг, кўзингга сур, ўп.

Не-не замонлардан муждадир улар,
Тавоф айламанг, азим гуноҳдир.
Уқсанг — томирингда ёқар туйғулар,
Тарихинг ёқласанг — тирик гувоҳдир.

Заковатнинг олий мўъжизаси — хат,
Тафаккур китобда топгандир нуфуз.
Иста, Сино билан қилгин мулоқат,
Иста, Беруний-ла ўлтир юзма-юз.

Кўҳна қўлёмалар... Нодир китоблар...
Сўйлар гоҳ гаройиб ҳангомалардан.

Сўйлар гоҳ кимлигин олис аждодлар,
Сўйлар гоҳ суронлар, жангномалардан.

Не ажаб қисмат бу? Юртга сигмай гоҳ
Эъзоз, қадр топди олис хорижда.
Элим, хазинангга доим бўл огоҳ,
Улар — ганждир бу кун Лондон, Парижда.

Муқаннадек не-не фикрлар ёнди,
Чопилди Улуғбек янглиғ битиклар...
Зотан закий юртнинг руҳи осмондир,
Забун осмонларни, айтинг, ким тиклар?

Элим, бош эг жасур фарзандларингга —
Баъзан манглайингга тушганда соя,
Улар ўз жонларин шаҳид қилса-да,
Сенинг китобларинг қилган ҳимоя!

Меҳнатпараст халқим, сенга эрта-кеч
Улуғ сиймоларинг руҳи бўлсин ёр.
Фақат нодир мулкинг — китобларинг ҳеч
Токчангда чанг босиб ётмасин зинҳор!

1988

* * *

Қаҳрин сочар тинмай изғирин,
Умид гули эса сўлмайди.
Лекин дилга шивирлар сирин:
«Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..»

Аямажуз айқиради оч,
Муз қиличин кўкда тўлғайди.
Ингранади боғлар ялонғоч:
«Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..»

Қаҳратоннинг қасди нимада,
Недан унинг кўнгли тўлмайди?!
Ҳеч ким билмас, лекин дил зада:
«Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..»

Қайлардадир қулф урар баҳор,
Гоҳ димоғни иси чулғайди.
Нега бунча имиллар қиш, қор:
«Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..»

Баҳор келгин, арит дилдан ғам,
Сен борсанки, юрак ўлмайди!
Гулларингни соғиндик бирам,
Ахир, бундоқ яшаб бўлмайди!..

1990

ОНАСАН, ТАБИАТ...

Дунё ишларидан безиб мен гоҳо,
Юрагим чекканда озор-азият.
Чиқиб кетгим келар бағрингга танҳо,
Юпанчим бўласан ўзинг, табиат.

Юксак тоғларингнинг қошида бесас
Ўйларга толаман — сокин, улуғвор.
Мовий сойларингга термилсам бирпас,
Тарқайди дилимдан кудурат, ғубор.

Яйдоқ қирларингда кезиб елвагай,
Ловуллаган кўксим совутсам дейман.
Кабир чинорларинг остида қушдай —
Толиққан кўнглимни овутсам дейман.

Тортинчоқ чечакка дуч келиб бирдан
Худди дўст топгандек кўзга сурарман.
Болалик сирдошим гиёҳлар билан
Қулф-дилим очилиб суҳбат қурарман.

Табиат, сен бунча танти ва буюк,
Табиат, сен бунча содда, бокира!
Сенинг кошонангда нифоқ-низо йўқ,
Хусуматни билмас даргоҳинг сира.

Сенда беғараздир сафдош дарахтлар,
Ёбонингда гуллар ҳусн талашмас.
Бари бир-бирларин суяр, ардоқлар,
Зинҳор бир-бирига завол тилашмас.

О, улуғ табиат — мўтабар хилқат,
Боқий удумларинг зикр этдим бир он.
Сен сўнгсиз фараҳга ёр эдинг, фақат
Бузди ҳаловатинг тамакор инсон.

Ахир, каж тафаккур, кибр, юҳо нафс
Олдида ожиздир уммон ҳам, тоғ ҳам.
Бу кун коинот ҳам топди-ку шикаст,
Заҳарга йўғрилди тошу тупроқ ҳам.

Аммо сен исёнлар қилмайсан нечун —
Югасан ҳар қачон ичга қаҳрингни?!
Ахир, онасан-да — фарзандинг учун
Очмоқчи бўласан мудом бағрингни.

Табиат, сен — мангу таскин ҳам шифо,
Инсонга ўзингни тутмагансан ёт.
Лекин қачон кенглик топиб бу дунё,
Сендан ибрат олиб яшар одамзод?!

1987

ТУШИМДА

Тушимда бир даҳшат солди замзама,
Мудом руҳим ундан озурда, карахт...
Ҳақиқий эмасмиш, эмиш ясама
Кўркам шаҳримдаги ҳар битта дарахт.

Сунъий шабадада титрармиш маъсум
Яшилга бўялган ясама барглар.
Зарур бўлиб қолса, субҳидам учун
Тонг нурын бир зумда ясармиш заргар.

Кўкдан ёғармиш гоҳ сунъий ёмғирлар,
Унда ювинармиш чаманлар сунъий.
Зинҳор сўйламасмиш юракка сирлар
Ясама юлдузлар ёритиб тунни.

Ҳайҳот, таралмасмиш бунда дил оҳи!
Ҳайҳот, кўникканмиш бу ҳолга ҳамма!
Қалдироқ саслари, булбул чаҳ-чаҳи
Ҳақиқиймас, эмиш фонограмма!..

Уйғондим ҳасратга йўғрилиб бутун,
Сўрадим Тангридан шафқатлар фақат...
Наҳот ушбу тушим ўнг келиб бир кун,
Наҳот кутар бизни бу мудҳиш қисмат?!
2001

КОИНОТ ФАРЗАНДИ

*Бир америкалик олимнинг башиорат
қилишича, 2017 йилда коинотда биринчи
инсон дунёга келармиш...*

Сокин кечаларда самога боқсанг,
Чулғар хаёлингни ажиб энтикиш...
Бу не фол — ҳеч замон кечмай орадан,
Самода илк одам туғилар эмиш...

Гарчи то азалдан ер насли инсон
Юксак маъволарга талпинди ҳар вақт,
Эй само фарзанди, сенга ушбу он
Ҳавас қилайинми ва ёки ҳасад?

Наҳот ҳувиллаган, ҳудудсиз фалак
Сенинг илк кўз очган масканинг бўлур?
Наҳот замин эмас — фазо тоабад
Киндик қонинг томган ватанинг бўлур?

Учқур кемаларда сайр этиб масрур,
Балки юлдузларни ошён тутарсан...
Аммо нур ишқида кезиб бир умр,
Наҳот тупроқ меҳрин билмай ўтарсан?

Балки хотиротлар кўзгар кўнглингда
Олис Сомон йўлин мунаввар гарди?
Наҳот шунда сенга бўлур бегона
Ерликлар ҳасрати, ерликлар дарди?

Дунёга келдингми коинотда, бас,
Хаёлинг коинот қаърига кўчар.
Балки миллатинг тан олгинг ҳам келмас,
Балки аждодларинг ёдингдан ўчар.

Балки сен қуймассан ерликларга хос
Ҳеч маҳал соғинчдан, аламдан, зордан,
Наҳот кипригингда ялтирамас ёш
Биринчи муҳаббат, биринчи қордан?

Билмам, у замонлар мумтоз куррамиз
Бўла олурмикан гурбатдан холи?
Балки самовотни қамрагай у кез
Ҳужайрангга мерос – қирғин хаёли?..

Йўқ, балки энг эзгу зотдирсан, ғамкаш,
Кўкдан Ерга илҳақ қулоқ осурсан.
Балки меҳрпеша бўлиб сен яккаш,
Башар дардларига малҳам босурсан.

Ўзингни фалакка фидойи билиб,
Балки тилсимларга қўйсан қадам...
Кечир, кимлигингни каромат қилиб
Тўкис айтолмадим, самовий одам.

Бўлак асрда-ку, қисматинг сенинг,
Нечук қилайин мен ҳасад ё ҳавас.
Фақат бир тилагим бор эрур менинг:
Инсон зурёдисан, шундоқ қолсанг, бас!
1988

ЁМФИРЛИ ТУН

Бизни шундоқ ташлаб қўймас табиат —
Қадим ўзлигимиз англлатмоқ учун,
Гоҳо у кўрсатиб эҳсон-мурувват,
Тун бахш этар бизга, бир ёмфирли тун!

Бедор дарчаларга манглайин қўйиб,
Ёмфир куйлаганда ўйчан, мунис ҳол, —
Ниҳоят, ҳовридан тушар кун бўйи
Адоқсиз баҳслардан қизиган хаёл.

Долғали замонга бўлдик муте, кул,
Тошга айлангирди дилни тошдевор...
Унутдик — гўзаллик поймолмас буткул,
Унутдик — ёмфирда қунишган боғ бор.

Аллалар юракни илоҳий бир сас,
Руҳга йўғрилади қаноат, сабр...
Унутдик — саодат суронда эмас,
Унутдик — саодат сукунатдадир.

Ахир, шу табиат онадир бизга,
Шу боис шафқат мўл ҳали дилида.
Бизни шундоқ ташлаб қўймас у сира,
Тунлар имон тилар ёмфир тилида.

1988

ЧОРСУ МАНЗАРАЛАРИ

Бу йил аяб ўтирмади пойтахтни ҳам қиш,
мавзеларда қиличини ўйнатар аёз...

Яхмалаклар

ярқираган йўлкалар узра

тиғда юрган дорбозларга ўхшар одамлар;

дарахтлар — оқ булдуруқда,

юксак бинолар

изғиринлар дарёсини кечар саҳарлаб...

Қор нуқрадек ёнган ушбу кўм-кўк тонгларда
хонанишин бўлиб —
ашъор тўқишдан безиб,
ойнадаги зар нақшларни «ўқишдан» безиб,
юрагимни чигилини андак ёзмоқ-чун,
ҳаёт қандоқ кечмақдадир — разм солмоқ-чун
чиқаман мен
ҳеч тинмовчи қишда ҳам ҳатто
тумонатнинг издиҳоми — гавжум манзилга...

Ойдан тушган эртақ каби қадим Чорсу бу —
офтоб ҳамда қадоқ қўллар меҳри омихта
ризқ-рўз тоғ-тоғ уюлади бунда
пайдар-пай;
меваларнинг мўл-кўллиги,
бисёрлигидан
кўчаларга қадар тошиб чиқар у ҳар тонг.

Мен ўзимни эҳтиётлаб музламалардан,
кирарканман сарҳадсиз бу кабир уммонга,
дуч келаман
қопларини қор узра қўйиб,
жилмайганча қўлларига «куҳ-куҳ»лаётган
шумлик билмас чехраларга — танги, жайдари:
«Кеб қолинг,
арзонлашиб кетди,
кеб қолинг!..»

Лекин доим иши пухта,
тунд шаҳарликлар
қайрилиб ҳам қўймаслар бу самимиятга,
«арзон» сўзи улар кўзин уйнатмас дарҳол...
Расталарда — мармар ноклар,
нақшин олмалар,
карсиллаган Фарғонанинг ҳусайнилари —
худди ҳозир узилгандек қорли ишқомдан;
бир ён Сурхон хурمولари,
пўртахоллари —

нақ эҳромдек қубба-қубба қилиб тикланган;
шаҳарнинг энг зукко,
моҳир меъморлари ҳам
бу санъатга «тасанно!» деб юборар шаксиз;

Учқоранинг майизи бу – дунёда якто,
фазогирлар дастурхонин тансиқ неъмат;
бу туршаклар
Шаҳрисабз олтин ёзининг
нурларига ийлаб-ийлаб пиширилган қанд;
тегиб кетманг бехос
Қува анорларига –
бўғзигача шарбат билан тўла, лиммо-лим;
Мирзачўлнинг «қирқма»си бу – аямажузда
ёдингизга солар ойдин даштлар файзини...

Бу растада гуручларнинг минг хил тури бор,
қўриб дейсиз –
ҳовуч-ҳовуч биллур уюми;
оқ аланга янглиғ ёнган бу инжа хирмон
хоразмча савт янгратар шан давраларда;
Олтиариқ турпларини ким танимайди –
пиёлада музлатилган булоқ суви нақ;
модерн шоир ташбеҳлари эмас
бу ёрқин,
шодалари қалампирин шаддот Қўқоннинг!..

Нилий гумбаз туйнуклари,
тирқишларидан
сизаркан қиш қуёшининг ҳафиф нурлари,
ёнар олтин заррасидек тонгги губорлар
ва уларга тўқинганча жаранглар ажиб –
ҳар ён кумуш сочқилардек сочилгувчи лутф:
«Кеб қолинг,
арзонлашиб кетди,
кеб қолинг...»

Исириқнинг иси анқир – қадди эгик чол
чиқиб келар гўё қадим мозий бағридан,

кашкулидан ва хокисор салобатидан
нур ёғар — нақ башар қалбин поклай олгувчи.

Кузатаман —
дунёдаги энг гўзал тилнинг
бирам бийрон соҳибю соҳибаларин;
кузатаман —
турфа уст-бош, турфа либосда
ўз ташвишу ўйига фарқ турфа одамни;

кузатаман —
пўримларни — растама-раста
юриб мева тотмоқликни касб қилиб олган;
кузатаман —
истехзоли зиёлиларни,
«арзон» сўзин луғатлардан ўчириб отган —
қаҳратоннинг изфирини эмас мутлақо,
нарх-наволар чимчилайди уларни ҳар тонг;
кузатаман —
харидорлар бордир айрича,
кўзи излар ундайларнинг
расталардаги
энг янги ва сара, сархил мевани яккаш;
нарх-навода суришмаслар,
тортишмас узоқ —
йўқчиликни билмас уйлар дастёри, ахир!
Кўриндими улар — ҳар пайт чарақлар бозор,
ҳаммадан ҳам куни туғар
аравачасин
бўм-бўш судраб дилдираган йигитчаларнинг...

Эмин-эркин юрмоқ бунда бўлмас муяссар —
сардорларга,
пулдорларга,
амалдорларга
ва тийинни уриштириб тийинга нуқул,
мойнага кўзин илҳақ тиккан қавмга.

Кимларгадир қадамжодир бу манзил, аммо...
Ана, кўринг,

келаётир муҳожир сайёҳ,
худди тилло ишқибози дафъатан ғазна
ёмбисига боққан каби кўзи қамашиб.
Ва тилмоч қиз уни бадтар гангиратаркан
тинмай таъриф-тавсиф этиб юрт эртасини,
сепгандек хуш таом узра заб зиравордан:
«Халқимизнинг дастурхони шунақа тўкин!» –
иборасин ишлатмоқни унутмас сира.

Пешиндан сўнг кўчаларни яхлатгувчи қиш
парво қилмас лекин тилмоч қиз каломига;
дийдаси тош киши янглиғ терс аёз феъли,
ийдирилмас унинг кўнглин ҳеч бир гўзал сўз.

Шу асно, мен
жонсарақ қуш янглиғ безовта –
бу жайдари «меҳмонларнинг» қўналғалари
тайинмикан ҳар кеч,
дея ўйлай бошлайман...

Улар бор-йўқ сармояси, ишқилиб, бунда
телба чилла чанғалига тушиб қолмасми?!
Қайтишмасми уйларига – юзлари шувут,
боласига ваъда қилган хўрозқандини
унут айлаб
қуруқ қўл-ла қайтган отадек?..

– Ҳой, яхши қиз,
ёноғингиз нақш олмалардан
ранг олганми ё чимчиди шўх-шаддот аёз?.. –
гап отаман келинчакка
оёқчаларин
бир-бирига урган кўйи исинаётган.
У жилмаяр: – Харид қилинг аввал,
ҳар қандай
жумбоққа бош қотирамиз бафуржа, кейин...

Шундоқ ажиб бозордир бу –
хушхандон, серфайз,
топилади унда барра ошкўклардан то
тарвузгача – адирларда роса боқилган...

Туйнуклардан сизаётган шуълалар синчков
шаҳарликдай жилар экан
растама-раста,
таассуротлар гирдибодин босиб кўксимга,
адоқсиз бу издиҳомдан чиқаман бир ҳол...

Боқиб қолар нотанишлар
танишдан аъло,
қора кечга қадар тинмас бунда такалум...
«Неъматларинг учун раҳмат...» – дейман-у ичда,
кўзим тушар елкалари ўнган тўнларга,
поябзалга, чориқларга –
эски, бултурги
ва кўнглимдан қуни бўйи кетмас шу фикр:
«О, нақадар чиниққандир деҳқонлар бизда!..»
2000

ИХТИРОЧИ

Фаровонлик даври эмас ҳали деб,
Ҳар ён гард-ғуборга, эҳ, тўлиб кетди!
Фарғоналик Носиржон Юсуфалиев
Ажойиб ускуна ихтиро этди!

Турфа неъмат ишлар чиқиндилардан,
Ясалиши унинг содда ва ўнғай.
Бор-ку муҳандислар ўзимизда ҳам,
Тоқай ҳавас қиламиз японга?!

Аммо ғовлар қуршаб ўнгу сўлини,
Тўралар заққуми қилгандек озлик,
Фарғоналик ихтирочи йўлини
Пойтахтда тўсиб чиқди қоғозбозлик.

Бироқ у ғалат феъл – қадди ғоз, тикка,
Юрагида кузмас, ҳамиша баҳор!
Бир зум ҳам тушмади тушқунликка,
Қолиб йўлқирасиз, қолиб оч-наҳор.

Ватан ўзиники энди, ахир — мустақил,
Асраш керак уни хас-чўпдан кўздек...
Сенинг эртанг ўйлаб қуюнар бир ақл,
Қачон қадрлайсан олимингни, ўзбек?!

Ихтирочи дўстим, зукко Носиржон,
Дунёда яхши кўп, бўлманг ортиқ хун.
Аҳдингиз рўёбга чиққай бегумон,
Кашфиётингизни алқарлар бир кун.

Лекин доим шуни қиламиз орзу,
Мўъжиза шайдоси бўлинг сиз ҳар дам.
Бир ихтиро яратиб берингки, у —
Юртни тозаласин ношуд каслардан.

Қайта ишласин у турфа қаллобни,
Айланмагунича пок одамга то.
Тараққиёт бобида ўшанда, лофсиз,
Доғда қолдиргаймиз японни ҳатто!

2003

ҚАЛБИНГГА ҚАЙТ

Одамлар бугун наҳот
Мутолаадан тўйди?
Биздан кейинги авлод
Китоб ўқимай қўйди.

Не эдики гуноҳи,
Тушди бундоқ кўйларга?
Чўмаман тунлар гоҳи
Сўнгсиз ғусса, ўйларга.

Ўғлимга наҳот бир кез —
Дунёдан кетган оним,
Матоҳ бўлар кераксиз
Менинг китоб жавоним!

Навоий газалига
Наҳот боқмагай ҳеч ким?
Кўксин Чўлпон шеъри-ла
Наҳот ёқмагай ҳеч ким?

Сурурга тўлиб гоҳи
Давраю тўйда наҳот —
Абдулла, Эркин Воҳид
Шеърларин этмаслар ёд?

Айбламасман ҳеч кимни,
Кўтариб сурону баҳс.
Қўрқитар фақат мени
Юракка ин қурган нафс.

Уларда ҳасрат бошқа,
Ғам таъмин билмас улар.
Ботаётган қуёшга
Маънос тикилмас улар.

Бундайин қавмга олам
Кўринмас ҳеч вақт сулув.
Гулдаги тонгги шабнам
Улар учун — томчи сув.

Солмаслар ишқда тугён,
Ёр ҳажрин тан олмаслар.
Чунки улар ҳеч қачон
Ўртаниб севолмаслар.

Ўсар шундоқ бетуйғу —
Ғалат авлод, хитобсиз.
Яшаса бўларкан-ку,
Демак, шеърсиз, китобсиз!

Йўқ, деб мен ҳайқираман,
Кўнглимдан учар фарёд.
Қайтгин дейман бу йўлдан,
Қайт қалбингга, одамзод!

Қайтмаслар улар лекин,
Кутар олдда тубсиз чоҳ.
Мен йўлни тўсиб чиққум,
Шеърларим қилиб байроқ.

Ҳар нарсанинг бор хуни —
Бирйўла бари учун,
Билмасларки, бир куни
Табиат олар ўчин.

Гарчи ўз замонида
Дуркун яшарлар бирам,
Уларнинг осмонида
Юлдузлар ёнмас сира.

Балки сахро-даштда ҳам
Улар чаман яратар.
Лекин ундан ҳеч қачон
Бўй таралмас муаттар.

Дарёни ўз измига
Бургайлар ҳам пешма-пеш.
Лекин унинг юзида
Ёнмас олтин мавжлар ҳеч.

Эвоҳ, улар эрмаги
Ҳайрат-завққа ёт, бошқа.
Туғилгандан юраги
Айланиб боргай тошга...

Эҳ, кечалар қучади
Мени ўйлар — оғир, чўнг.
Ва дилимдан учади
Шундоқ нидо, шундоқ мунг:

«Одамлар бугун наҳот
Мутолаадан тўйди?
Биздан кейинги авлод
Китоб ўқимай қўйди...»

2000

ВИЖДОН ЭМАСМИДИ...

Виждон эмасмиди — ўша камсуқум,
Сизни юксакларга мудом шайлаган!
Сошиб кўксингизга нурларин маъсум,
Фақат тўғри йўлга даъват айлаган!

Бир чоғ гурурингиз эди у, ахир,
Беғубор шаънингиз, ифтихорингиз.
Унинг-ла эдингиз ҳар ишга қодир,
Юксалди унинг-ла иқтидорингиз.

Дерди сизни кўрган — Виждонли одам
Ва сизни нопоқдан қизганар эди.
Балки сизга ихлос қўйган-чун ҳар дам,
Ҳақнинг қудратига инонара эди.

Сизга нима бўлди — илоҳий, азиз
Ул ноёб туйғудан тушибсиз айро?!
Ҳувиллаб қолибди ҳассос қалбингиз,
Яйдоқ руҳингизга боқдим мен ҳайрон.

Ҳаётда кўп учрар мунофиқ кимса,
Гоҳ лоқайд боқамиз улар ишига.
Лекин Виждонли зот турлангай нега,
Нима сабаб бўлар турланишига?!

Зотан баъзилар бор — ўзи жайдари,
Лекин «нозиклашиб» ва кўриб сафо,
Бурнини жийриб ҳайдайди нари,
Ҳатто туққанини, атаб рўдапо.

Баъзилар бўлади — бирга улғайган
Болалик дўстини танимас сира.
Омад деганининг юришмоғидан
Наҳот ўтмаслашиб борса хотира?!

Худди шунинг каби сизга ҳам бир чоғ
Насиб бўлган палла сурур анвойи,
Виждонингиз юксак шаънингизга доғ —
Бўлиб кўрингандир дағал, ёввойи?!

Балки эртангизнинг ғамин ея боз,
Хира тортмасин-чун эътироф-нуфуз, —
Ростгўй, ўжар дўстдан кечилгандек воз,
Бура қолдингизми сиз ҳам ундан юз?!

Балки шу боисдан, қадам ранжида
Қилганингиз маҳал кошоналарга, —
Хоксор Виждонингиз сиздан ранжиб-ла
Ҳар гал қолиб кетди остоналарда.

Кеча кўрдим сизни катта минбарда,
Ёнингизда казо-казолар мутлоқ.
Ажаб, адашмаган бўлсам агарда,
Ҳаммасин ҳам эди юраги яйдоқ.

Сизга хуш ёқарди — кузатдим зимдан,
Олий бу маҳобат, бундоқ мақомат:
«Зеро қарзингиз йўқ, ахир, ҳеч кимдан,
Зеро ким ҳам қилар таъна-маломат!..»

Кўнглингизда масрур ишонч-ла ҳар гал,
Қилмай истиҳола, қилмайин гумон,
Дадил чиқардингиз ташқари — маҳтал
Кутар унда сизни тоқатли Виждон.

Ялтоқланиб — уни қўлтиқлаб шу зум,
Ё раб, бўлардингиз тағин ҳамқадам,
Кўчада кўрганлар ўйласин учун
Сизни мудом тоза — Виждонли одам.

Лекин ушбу сафар хандон ва хушҳол
Гўзал нутқ-ла зафар қучганингизда,
Боқиб тепалардан нақ ғолиб мисол
Мармар зиналардан тушганингизда,

Йўқ эди остона кунжагида у,
Нигоҳ отсангиз ҳам ҳар томон гирён...
Не тонг, ушбу сафар сизни кутмай-ю,
Кетиб қолган эди қайгадир Виждон.

Энди тополмайсиз уни, ахтарманг,
Беҳуда чорламанг, қайтмас изига.
У ҳақда турфа ўй-хаёлга борманг,
Балки эп кўрмаган сизни ўзига.

Сиз йўлга тушасиз шунда жим, музтар,
Дилни юпатишга ожиз, имконсиз.
Ортингиздан боқиб қолар одамлар:
«Қаранг, борар шўрлик ёлғиз – Виждонсиз...»

2000

* * *

Шаҳарда заррин қор – қишнинг дурлари
Оёқлар тагида ётар янчилиб.
Дўрмонда қуёшнинг олмос нурлари
Оқ қорлар устига тушар санчилиб.

Шаҳарда қуёш юз очгани билан
Қишнинг бирон мўйи қилт этмас ҳатто.
Дўрмонда музюрак сумалаклар ҳам
Офтоб рўйин кўриб йиғлар бўғотда.

Қиш зулмати чўкиб тинар-у ишлар,
Лекин ҳаёт тинмас – ингранар шаҳар.
Дўрмонда абасдир жами ташвишлар,
Само жилва қилар бунда то саҳар...

2006

«ТУРОН» КУТУБХОНАСИ

Дил бу издиҳомдан тушар титроққа,
Қайнар бозор ичра тумонат, ёху!
Унинг ёнбошида — ундан тикроқда
Турар кўҳна бино — кутубхона у.

Кимдир — ташвишлари бошда уриб чарх,
Растандан растага ошиқар шитоб.
Кимдир — мозий, балки — келажакка фарқ,
Осуда хонада варақлар китоб.

Яхшиям оломон билмас, ул бино —
Кутубхона эрур, энг мўътабар жой.
Пайқаб қолсамиди уни шу асно,
Роса кулар эди бундан, ҳойнаҳой:

«Илм кимга керак ушбу замонда,
Илм-ла қозонинг қайнамас зотан...»
Лекин тубандаги бу оломонга
Бир ўсмир тикилар кутубхонадан.

Теран кўзларида теран бир сурур,
Бари бир у бир кун голиб келажак!..
Аммо, авом ҳақми ё ҳақми ўсмир,
Ўзинг айтиб бергин, ўзинг, Келажак!
2001

ВАТАН ҚАДРИ

Собир САЙХОНГА

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
она бўйнин кучиб —
гўдаклик чоғда
ўтиб олмоқ керак асов дарёдан
ўзга қирғоққа.
Ва дарбадар кезмоқлик керак

қатағондан омон қолган қавм ила
бегона юртларда.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
Ватан қолиб кетган ёқларга бот-бот
оғир хаёллар-ла жим термулгувчи
ота андуҳидан
мутаассир бўлмоқ керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
она тор ҳужрада дўппи тиккан пайт
унинг қалб тубидан сим-сим таралган
мунгли қўшиқдаги Марғилон, Қўқон
сўзларини армон ёмбиларидек
жойламоқлик керак
мурғак юракка.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
эсга олганинда инсонлигини —
айни йигит пайтинг
сени бир одам
қаторида санамасликларин сезиб,
дафъатан
Ватансиз эканлигинг англаб қолмоғинг керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
имлони танигач,
Ватанинг исмини ахтармоғинг керак китоблардан.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
мусофирлик доғи қаддин дол қилган
юртдошларинг қуриб дийдор даврасин
Айролиқ қўшиғин тинглаган кўйи
фарғонача ошга тикилиб юм-юм
йиғлашларин кўриб,
сен ҳам йиғламоғинг керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
соғинч вужудингни ўртаган дамлар

сен сиғинган юртга ҳасад қилгувчи,
унинг буюк шаънин ерга урароқ
туҳмат тошларини мудом отгувчи
касларни кўрганда
чексиз ғазабдан,
адоқсиз нафратдан
титрамоғинг керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
Ватан томонлардан муждалар кутиб —
оқшомлар кўз тикиб ҳар бир кемага,
кундузлари тайёрагоҳда
сарсон изғимоғинг керак:
Истанбулнинг гавжум бозорларида
кўриб қолсанг бирор дўппили инсон
изидан эргашмоғинг керак,
етиб олмоғинг керак,
унинг тансиқ, тотли ҳар каломидан
ҳузурланмоғинг керак.
Ва шу кеч уйингда фарзандларингга
ушбу ҳодисани худди эртақдек
сўйлаб бермоғинг керак
ҳаяжон ичра;
сўнг бу эртакка
аччиқ қисматинг мунглиғ тарихи
уланиб кетмоғи керак.
Тонгда
ўрик гулларига бурканган юртинг
тушингга кирганин эслар экансан,
кўзларингдан оққан шашқатор ёшдан
ёстиғинг жиққа ҳўл бўлмоғи керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
қалбинг туб-тубида унинг бир куни
озод бўлмоғига,
ҳурриятга эришмоғига
инонмоғинг керак.

Ва унинг олдида йўқ гуноҳларинг
ўша улуғ кунда буткул, бир йўла
кечирилмоғига
то сўнгги нафас
амин бўлмоғинг керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
Тангри ато этган Эрк саодати
бутун дунё бўйлаб таралган айём
хайқирмоқлигинг керак баралла, масрур;
жар солмоқлигинг керак ўзбеклигингдан,
миллатдошларингга қўшилиб, хуррам
қўшиқ айтмоқлигинг керак
кўчаларда;
майдонларда
телбалардек ўйинга тушмоқлигинг керак.
Кун бўйи,
тун бўйи
табриклардан
қутловлардан қизиб кетмоқлиги керак
телефоннинг гўшаклари.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
давлатинг байроғи ярқираб турган
биринчи учоқда озод юртингга
учиб бормоғинг керак.
Тушиб тайёрадан,
муқаддас заминни кучиб,
ўпмоқлигинг керак эзгу тупроқни;
эслаб узоқларда қолган
табаррук онангнинг хокини,
отанг хокини,
хўнграб-хўнграб йиғламоғинг керак.

Ватаннинг қадрини англамоқ учун
тилингда титрамоғи керак шу сўзлар:
«Ватан, истиқлолинг муборак бўлсин!
Ватан, кўз тегмасин саодатингга!
Тушмасин фарзандлар сендан ҳеч айро!..»

2008

ВАРРАКЛАР

Илк баҳор еллари шарқираб оққан
серғалаён шаҳар кўчаларида –
кунботар уфқининг алвон шафағи
лак-лак булутларни ёндирган дамлар
оёқлари ерга тегиб-тегмайин,
чарх уриб эпкинлар гирдибодида
варрак сотар болакайлар
бирам бежирим...

Лекин тўхтамайди автолар бир зум,
қайрилиб боқмайди бирон йўловчи.
Ҳайҳот, ҳеч кимсада уйғотмас туғён
митти қалбларнинг бу ажиб сурури!
Одамлар баҳорни унутганми ё!
Унутганми улар ўз болалигин!
Наҳот нигоҳларга илашмас осмон?
О, наҳот топилмас бу замин узра
туғённи соғинган бирорта юрак?

Суронли пойтахтнинг шоҳқўчасида
ёлғиз тикиламан кенгликлар сари.
Ва қалқиб кетади юрагим бирдан –
ҳов баланд бинолар,
томлар устида
юксалиб-юксалиб сузар бир варрак!
Худди ўз шаҳдидан сармаст лочиндек
қўрқмайин тўш урар осмон қаърига!

Менинг лоқайд,
забун,
ерпарчин руҳим
ўша варрак қадар юксалар бир он:
бир зум тубандаги ҳасрат-ғамларни
кузатаман ўша кенгликдан туриб.
О, ўхшар ердаги одамлар бирам

умр бўйи ризқин ахтармоқликни
шиор қилиб олган чумолиларга.
Кўтарилинг .
энди юксакликларга,
жонга тегмадими бу тубан ҳаёт! —
дея мен уларга ҳайқиргим келар.

Ҳей, кенгликларда бемисл завқ бор!
Ҳей, шамолларнинг озод қўшиғи унда!
Ким у — орзусини баланд учирган,
Ким у — юксакларга бунча ишқибоз?!
Аён, у — димиққан ҳовли эгаси,
эрмакталаб,
ҳиссиз бир кимса эмас,
менинг майса кечган болалигим!..

Теграмда автолар оқими сўнгсиз,
қирғоқсиз осмонда қирмиз булутлар
судралиб борарлар қўл етгудек нақ.
Митти жарчилардек бу замин узра
шамоллар кифтига қўниб бамисли
варрак сотар болакайлар
чарх уриб ҳар ён...

Лекин тўхтамайди учқур автолар,
қайрилиб боқмайди бирон йўловчи...
2005

ТЕРАНЛИК

Иброҳим ҒАФУРОВга

Юрагида ҳислар урганда тугён,
Туйғулар чирмаса вужудни майин...
Вазмин тутолгайми ўзини инсон,
Гўёки ҳеч нарса бўлмагандайин?

Ғалаён қилса гоҳ изтироб чандон,
Ҳасратлар қадини айлаб турса дол...

Вазмин тутолгайми ўзини инсон,
Гўёки ҳеч нарса бўлмаган мисол?

Элу юрт дардига боқмайин лоқайд,
Ёшлантириб турса ғамлар кўзини, —
Ҳар қандай бардошли инсон ҳам бу пайт
Кўрсата олгайми вазмин ўзини?

Умр деганлари укубат қат-қат,
Заволдир гоҳ битта нотўғри қадам...
Ҳаёт уммонида сузаркан, фақат
Вазмин кўрингайдир айсберг-одам.

2007

* * *

Боғлар сўлди, чаманлар тўзди,
Ранг қолмади кўнгилни хушлар...
Кўриб бу тонг хазонрез кузни,
Учиб кетди сайроқи қушлар.

Ватан, сенга ошуфта бу жон —
Тонгларинг муз уфурса ҳам гар,
Сени ташлаб кетмас ҳеч қачон
Булбуллари — асл шоирлар!

2008

ТИРИКЛИК ҚЎШИҒИ

Нажот бўлмасида ётарди бемор,
Жон талашиб чиқди тун бўйи бедор.

Шивирлади ночор, киприклари нам:
— Армоним йўқ эди тонггача етсам.

Фарзандларим босиб бағримга сўнг бор,
Васият сўзларим айласам изҳор...

Кўз қирин ташлади дераза томон,
Оқариб қолганди — ёришиб осмон.

Фикридан ўткарди: — Бунчалар наҳор —
Чиройли бўлмаса... Дарвоқе, баҳор...

Бамисоли содир бўлгандек тушда,
Шу пайт деразага кўнди бир қушча.

Сайради оҳиста: «Чик, чирик-чирик...»
Дегандек кимгадир: «У тирик, тирик...»

Гарчи ҳолсиз эди, гарчи бемадор,
Ёстиқдан бошини кўтарди бемор.

Кўкси тўла эди ҳасрат-армонга,
Энтикиб термилди қушча томонга.

Яна сайради у: «Чик... чирик-чирик...»
Дегандек кимгадир: «У тирик... тирик...»

Қаддин тикди бемор, келиб ўзига
Ва термилмоқ бўлди қушча кўзига.

Қушча ҳам боқдию ташна нигоҳга,
Қувончидан тошиб, кўнди бир шохга.

Бемор яқинлашиб дераза томон,
Нигоҳи-ла қушни ахтарди гирён.

«Нечук ҳолатдир бу — тушми фаройиб...»
Қушча қайларгадир бўлганди ғойиб.

Шохларга термилди — бўртмиш куртаги,
Алланечук урди бемор юраги.

Унинг хабари йўқ — чекинганди қиш,
Ҳовли четларида майса урмиш ниш.

Хуш эпкин қитиқлаб ўтди димоғин,
Шивирлади: «Етар дардлар чекмоғим...»

Кўнглидаги зулмат йитди-йўқолди,
Ажиб умидлар-ла йўғрилди қалби.

Вужуди қайтадан куч-бардош туйди,
Шу аччиқ ҳаётни қайтадан суйди.

Унга гуллар ваъда айлади боғлар,
Қошига чорлади шиша ранг тоғлар.

Булоқлар зилолим – сен учун, деди,
Осмонлар ҳилолим – сен учун, деди.

Пажмурда бир юрак тўлди баётга,
Кунлар ўтиб, бемор қайтди ҳаётга.

Баҳор тошдирганда завқин-ғайратин,
Эслайди у ҳар гал қушча сувратин.

Тонглар куй-сасидан ахтарар уни,
Гуллар гўшасидан ахтарар уни.

Кезаркан боғларни ошуфта ҳар он,
Қушчага раҳматин айтмоқ бир армон...

2008

ЭҲТИРОМ

Машҳур жарроҳ Нарэш ТРЕХАНга

Умр деганлари экан мутлақ сир,
Инсоннинг қисмати – тугал бир чистон.
Кимнинг ҳам тушига кирмиш бу тақдир:
Мен қайда эдим-у, қайда — Ҳиндистон!

Эй мўътабар замин, меҳрингми бу, айт,
Шаънингга дostonлар битмайин нега! –

Қалбим бахш этгандим мен сенга бир пайт,
Юрагимни қайтиб бердинг сен менга!
2008

* * *

Ярашар ҳаётда сен жавлон урсанг,
Ҳеч қачон бағрингни ғамлар кучмасин.
Фақат парвоз қилсанг, давронлар сурсанг,
Бировга оғиринг тушмасин.

Умринг сўқмоғида зафар қучиб шан,
Ҳар қанча юксалма, ҳар қанча ўсма,
Эришган мартабанг, унвонинг билан
Зинҳор бошқаларнинг йўлини тўсма.

Жазмингга тан берсин ҳаттоки рақиб,
Ва кўрқма, бир куни шуқуҳинг тинса,
Шундай яшагинки, изингдан боқиб
Завол тиламасин ҳеч кимса...

2003

АЛИШЕР НАВОИЙ

Мен ушоқ бир зотман тарих олдида,
Сира мангуликни қилмасман даъво.
Ахир, мангулик бу — миллат қалбида
Яшамоқдир дунё турғунича то.

Бор экан токи зулм, токи қабоҳат,
Инсон юрагини тарк этмагай шеър.
Асрлар қаъридан соғу саломат
Сиз чиқиб келасиз, устоз Алишер!

Жаҳон шоирлари турса гар қатор,
Уларга сиз мудом сардорсиз, бошсиз.
Бу кун юрагимда ғурурим бисёр,
Ўзбек манглайига битган қуёшсиз!

Қалблар нурга тўлсин — шу буюк матлаб,
Юксалар улуғдан улғуни олган...
То маҳшар эҳтиром топса, не ажаб,
Битта байтингизнинг мағзин чақолган!

Нафсдан чайқалганда замон — тўрт тараф,
Сизни жалб этолди на тожу на тахт.
Сизга мухлисликнинг ўзи бир шараф,
Сизни англамоқнинг ўзи ҳам бир бахт!
2006

«ГАП»

Баъзан кўп галати дунёнинг иши,
Ўзбегим, бор бўлсин удумларинг заб.
Бу кун ҳамма ерда — каттадан-кичик
Улфатлар даврасин қуриб, ерлар «гап».

Чойхоналар гавжум, ресторан тирбанд,
Кексалар хуш-хандон, хуш-хандон ёшлар...
Ҳамма «гап» емоқда, гап билан дил банд,
Тортилар норинлар, сузилар ошлар...

Ҳар миллат удуми ўзига эзгу,
Нечук мен қилайин ноўрин зарда.
Ўзбегим, сенга бир истиҳолам шу —
Ўтиб кетмаса бас умринг «гап»ларда.
2009

ҚУТЛУҒ ЗАМИН

Бу юртнинг тупроғи кўп қадим экан,
Чекинди саҳрога янтоқ ва тикан...
Кўрдим ҳар қадамин гул қилай деган —
Бу қутлуғ заминда инсонлар мардин.

Ўсган диёрингга меҳр қўйсанг гар,
Тошлари туюлар сенга болу пар,
Даштларни титратган шунқор йигитлар
Кўзига суртмишлар бу Ватан гардин.

Хуррам еллар эсди – омон-омон бу,
Лекин дарёларга интиқ макон бу,
Орол мавжларида кўрай деб ёғду,
Кўрдим мен уммоннинг чеҳраи зардин.

Ўзбек, қорақалпоқ азал қисматдаш,
Бири кўз бўлса гар, бири эрур қош.
Бу ажиб дўстликка ким ҳам эгмас бош
Тингларкан ҳамоҳанг юраклар зарбин!

Шоирмас у – Бердақ сабоқ бергандек,
Ибройим оғамиз инжу тергандек
Ёки устоз адиб Тўлапбергандек
Қаламга олмаса бу элнинг дардин!

2009

ҚАЛБИМДАСАН, ВАТАН!..

Дунёга келаркан ҳар битга инсон,
Заминнинг бир бурчин айлайди макон.
Менга болаликдан ошно, қадрдон
Мовий кенгликларинг, тоғларинг, Ватан!

Тонглар жило берган юксак қоялар
Мурғак юраклардан мангу жой олар,
Шуқуҳинг дилларга ўчмас руҳ солар,
Мудом азиз сўлу соғларинг, Ватан!

Даралар сенда бор, даштлар сенда бор,
Бари уйғотгайдир кўнгилда виқор.
Аммо бу дунёда сўлим, бетакрор
Сенинг водию қишлоғларинг, Ватан!

Энг азиз хонадон, энг азиз гўша,
Айт, қайда, десалар дейман, бу ўша...
Бир меҳримга яна минг меҳр кўшар
Соддадил, меҳри қайноғларинг, Ватан!

Жаннат тимсолидир бу қадим замин,
То мудом ўйлар у зурёдлар гамин,
Хушбўй саболарга улашар тамин
Мевалари ларзон боғларинг, Ватан!

Сен мисли саҳродан ахтардинг иқбол...
Оҳ, мана, сардоба – сувлари зилол,
Ташналигинг қондир, бир зум ором ол,
Чиқсин дилингдан чарчоғларинг, Ватан!

Бағрингдан гуриллаб кечди замонлар,
Кечди не-не орзу, не-не армонлар,
Ҳали келар яна ажиб давронлар,
Тошгай сурудан қирғоғларинг, Ватан!

Баҳслашмасин кентлар, пойтахтлар ҳарчанд,
Дунёнинг гултожи эрур Самарқанд,
Илоҳий гўзаллик сен билан пайванд,
Тўтиё кўзга тупроғларинг, Ватан!

Қуллик заҳрин чекдинг, чекдинг риёзат,
Мард ўғлон сўрадинг, бўлди ижобат,
Соҳибқирон берди сенга саодат,
Зар бўлди тарих вароғларинг, Ватан!

Гарчи дунёда мўл турфа гина-кек,
Самоларга қалбин очди Улуғбек.
Тафаккур парвози билмас сарҳад, чек,
Юлдузлар бўлди чароғларинг, Ватан!

Қолмадинг тубанда, устувор бўлдинг,
Бани башар учун ифтихор бўлдинг,
Гоҳ хуш айёмларга интизор бўлдинг,
Қайтди тагин хуррам чоғларинг, Ватан!

Қувон, дилингга нур – ирфонинг қайтди,
Тилинг, дининг қайтди, имонинг қайтди,
Ҳадис илмидаги султонинг қайтди,
Қайтди номи ардоғларинг, Ватан!

Ҳа, не зотлар ўтди сенингсиз сағир,
Ўт элларга отди уларни тақдир,
Ал-Фарғоний қайтди бағрингга, ахир,
Кетсин юракдаги доғларинг, Ватан!

Қайтди юртга бу кун аждодлар шони,
Мурғак диллардадир улар туғени,
Ҳали лол қолдиргай жумла дунёни
Сенинг бу митти қароғларинг, Ватан!

Буюк толеинг бор — тўқис, беминнат,
Хур наслар сен-чун баридан қиммат.
Борлиқни гўзаллик қутқарур — ҳиммат
Ва гўзалликдир яроғларинг, Ватан!

Уфқлар чорлади — ошдинг сен довон,
Йўлингга нур тўшар тонгларинг шоён.
Ўлмас шаҳидларинг шаънига ҳар он
Ўқир мадҳ гулу япроғларинг, Ватан!

Карвонлар тинмаган Ипак йўли бу,
Эзгулик йўли бу, тилак йўли бу,
Дунёни боғлаган юрак йўли бу,
Келур йўқлаб дўст-ўртоғларинг, Ватан!

Тоғлардан баланддир сенинг виқоринг,
Бахтинг туғин тутди танти сардоринг.
Қалбларда мавжланар мангу узоринг —
Сен берган нурли титроғларинг, Ватан!

Армоним йўқ сен деб ўтларда ёнсам,
Қалбимда қўшиқсан, танамда жонсан,
Дунёда ягона Ўзбекистонсан,
Тушмасин бошга фироғларинг, Ватан!

2007

КЕНГЛИКЛАР

Бунда осмонларнинг чегараси йўқ,
Бунда уфқларнинг сарҳади йўқдир.
Бунда сен озодсан, кўнглинг бўлсин тўқ,
Руҳингга ҳеч кимнинг ҳасади йўқдир.

Бунда оқ булутлар кезар хотиржам,
Гиёҳлар ҳар тонгни қаршилар шодон.
Эртанги кунни деб чекмас ортиқ ғам
Кенгликлар бағрида туғилган ҳар жон.


Бийрон фикрлардек учқур оҳулар
Югурар даштлардан-даштларга кўчиб.
Туғилса мабода бунда орзулар,
Ўзини кишанбанд қилмайди, чўчиб.

Тиконли сиймас бу — какликнинг изи,
Кўриқчи эмас у — сўфитўрғайдир.
Агар сайрларга чиқса хонқизи,
Фақат капалаклар уни кўрғайдир.

Мен ҳур шамолларга юз бурдим бирпас,
Кўксим ҳаволарга тўлиб кетди, ҳей!
Сиз ҳам кенгликларга чиқинг энди, бас,
Эркин нафасларнинг вақти етди, ҳей!

Эрка кўникмоқлик осонмас бироқ,
Ундан асрадик-ку ҳатто сўзни биз.
Кенгликлар, сабоқ бер — яшайлик қандоқ,
Нуқул чеклаб келган бўлсак ўзни биз!

2002



AKS SAĐO





Нориюки ТАКАЯМА
Хитоцубаси университети профессори

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ

Мен Ўзбекистонда олти мартаба бўлдим. Бир иқтисодчи олим сифатида анча-мунча таассуротлар орттирдим. Ушбу мақоламда ана шу кузатишларимни, чиқарган хулосаларимни ўзбек ўқувчилари билан ўртоқлашмоқчиман.

Бизда, Японияда, кўрлар тўдаси филга қандай тўқнаш келгани ҳақида ривоят бор. Улардан бири филнинг қулоғини ушлаб, уни қулоқ шаклида тасаввур қилибди. Филнинг оёғини ушлаган иккинчиси, уни оёқ шаклида бўлса керак, деб ўйлабди. Филнинг хартумини тутган учинчиси эса, фақат хартумдан иборат деган тушунчага борибди.

Гарчи бу аъзолар фил танасининг қайсидир қисмига тегишли бўлса-да, бироқ унинг умумий қиёфаси ҳақида тасаввур беролмасди.

Мазкур ривоятни келтиришим бежиз эмас. Мен Ўзбекистоннинг умумий қиёфасини аниқ билмайман. Буни алоҳида таъкидлашим керак.

Президент Ислом Каримовнинг моҳирона раҳбарлиги остида Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни дадил амалга ошириб, тараққиёт сари шаҳдам қадамлар ташламоқда.

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида Тошкентда бир қанча янги йўллар, меҳмонхоналар бунёд этилди, янги супермаркетлар очилди ва ойнаи жаҳон орқали япон тили дастури кўрсатила бошланди. Булардан ташқари, аэропортнинг айрим иншоотлари таъмирланди. Мустақиллик туфайли мамлакатда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Президент И.Каримов истиқлолнинг дастлабки пал-

ласидаёқ иқтисодиётни қайта қуриш ва тараққиётга асос бўладиган ўзига хос беш тамойилни илгари сурди ҳамда уни Ўзбекистон модели сифатида жаҳонга тақдим этди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон собиқ СССР жумҳуриятлари орасида иқтисоди энг барқарор мамлакатдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида Америкача тараққиёт услубига эргашмади. Аксинча, у ўзида 3 минг йиллик тарихни ва улуг жаҳоний маданиятни мужассам қилган, ҳеч кимникига ўхшамаган ўз йўлини танлади.

Шу билан бирга Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридаёқ Японияга, яъни америка моделидан кескин фарқ қилувчи йўлдан бориб, улкан иқтисодий ютуқларни қўлга киритган мамлакатга катта қизиқиш билан қаради.

Япония ҳам Ўзбекистон каби Осиё мамлакатларидан бири саналади. Япон ишчилари Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрини ва Тошкент меҳмонхонасини қуришда қатнашгани сизларга яхши маълум. Шунингдек, бу мамлакат ўзининг SONY, PANASONIK, TOYOTA, HONDA, MITSUBISHI каби компаниялари билан ҳам жаҳонга машҳурдир.

Япония ўз маданияти ва анъаналарини сақлаб қолган ҳолда жаҳоний тараққиёт даражасига қандай эришди? Японларнинг ишга муносабати қанақа ва ташкилотлар тузишда қандай усуллардан фойдаланадилар? Япония уруш вайрон қилган иқтисодини қандай қилиб кўтарди ҳамда уни ҳайратланарли даражадаги юксаликка олиб чиқа олди?.. Ўзбекистонликлардан бундай саволларни жуда кўп эшитганман.

Мен уларга ҳар гал жавоб берарканман, Ўзбекистон ва Япония орасидаги масофа қисқариб бораётганини ҳамда икки мамлакат халқининг дўстона муносабатлари чуқурлашаётганлигини ҳис этаман. Сизларга маълумки, японлар ҳам Ўзбекистон тарихи, маданияти ва иқтисодиёти билан астойдил қизиқмоқда. Шунга асосланиб, мамлакатларимиз орасидаги муно-

сабатлар келажакда тобора теранлашиб боради, деб дадил айта оламан.

Бироқ японларни Ўзбекистонликлар билан учрашувда, мулоқотларда ёки бирон ишни амалга ошириш жараёнида кўп нарсалар таажжубга солади. Айни чоғда ўзбекларни ҳам: «Нега японлар билан муносабатларимиз бирданига юришиб кетмаяпти», – деган савол қизиқтиришига шубҳа йўқ.

Мен японларни чуқурроқ тушуниш учун японларнинг фикрлаш тарзи ва саъй-ҳаракатларидаги ўзига хосликка алоҳида эътиборни қаратиш керак, деб биламан. Бу Япония ва Ўзбекистон алоқаларининг ривожланиши учун жуда зарур омиллардан биридир.

Аввало, япон муассасаларига хос хусусиятлар ҳақида тўхталиш зарур. Япон жамияти барча жамоа аъзоларининг бир-бирига тўла ишончига асосланади. Бу хусусият билан у инсоний муносабатлар фақат шартномалар асосида қарор топадиган Англосаксонча (АҚШ ва Англия) иш юритиш усулидан кескин фарқ қилади.

Жамиятнинг шу тарзда шаклланиши корхоналарнинг ҳам шундай қурилишига, улар орасидаги ўзига хос муносабатларнинг мўътадил ривожланишига олиб келади. Яна бир бор таъкидлайман, япон жамияти ўзаро ишонч заминига қурилган. Фикримни қуйидаги мисол билан далиллашим мумкин. Маълумки, Япония 1995 йил январида кучли зилзилани бошдан кечирди. Зилзиланинг асосий ўчоғи бўлган Кобэ шаҳри буткул вайрон бўлиб, катта ёнғин оқибатида ёниб кетган эди. 1966 йилда Тошкентда ҳам шундай зилзила рўй берганди. Айтмоқчиманки, бундай мудҳиш офатдан кейин одамлар қай аҳволга тушишини ўзбеклар яхши билишади.

Бу офатдан сўнг Кобэ қаддини тиклай оладими? Кобэ Осака шаҳри яқинида жойлашган. Зилзиладан кейин дарҳол шу шаҳарда фаолият кўрсатаётган молия-кредит институти жабр кўрган ҳар бир фуқарога 50.000 йен (500 АҚШ долларига тенг) миқдорда қарз

таклиф қилди. Шартлари қуйидагича: муҳлатсиз, фозисиз, гаровсиз ҳамда кафолатсиз; қарз олишда фуқаронинг исм-шарифи, ўзи ҳақидаги маълумотлар талаб қилинган эди, холос.

Бир йилдан кейин нима бўлди денг?!

Ақл бовар қилмас ҳодиса юз берди — банк қарзларини сўрамаган бўлса-да, уларнинг саксон фоизи қайтарилди. Зеро, қийин дақиқада мадад берганларга хиёнат қилиб бўладими? «Қарз — ўз вақтида қайтариш билан чиройли» дейишади-ку. Бу японларга хос бўлган оддий тушунчадир. Бинобарин, японлар суҳбатдошларига илк дақиқаларданоқ катта ишонч билан қарай бошлайди. Айни чоғда, суҳбатдош ҳам ўзини шунга муносиб тутади. Бизда ўзаро ишонч шу тарзда қарор топади, инсоний кадр-қиммат эъзозланади. Бу японларнинг феълү атворини белгилайдиган муҳим хусусиятдир.

Японлар ўзларини бошқалардан айри ҳолатда ўз фойдасинигина кўзлайдиган шахслар сифатида асло тасаввур қилолмайдилар.

Юқорида таъкидлаганимдек, япон жамоатчилигидаги инсоний муносабатлар Англосаксон (АҚШ ва Англия) жамоалариникидан фарқ қилади. Англосаксон жамоатчилигида аввало якка шахслар биринчи ўринда туради.

Бундай якка шахслар ўз фойдаларини жамиятликдан ва бошқаларникдан алоҳида деб ҳисоблайдилар ва шахсий муносабатларни фақат «олиш-бериш» негизига ўрнатадилар. Улар аввал-бошданоқ ўз фойдаларини бошқалар учун дахлсиз деб биладилар ва шу туфайли ўз суҳбатдошига шубҳа билан қарайдилар.

Уларнинг наздида шахслар алоҳида нуқталардан иборат. Бу нуқталар маълум манфаатлар заминида туташгандагина инсоний муносабатлар ўрнатилади. Энг муҳими, бундай ўзаро муносабатлар «олди-берди»лар ҳақидаги битимлар тузилмасдан туриб, қарор топмайди.

Шу боисдан улар орасидаги шартномалар тез-тез бузилиб туради.

Ишончсизликка асосланган жамият фэйзсиз ва зерикарлидир ва бу ҳамиша жамиятда тотувлик бўлишига монелик қилади. Бундай жамиятда ўзгаларга нисбатан оддий ишонч йўқолади, оқибатда уларнинг жамиятдаги умумий аҳволни тўғри илғаш ва англашлари қийин бўлади.

Хуллас, улар битимларсиз бошқалар билан ўзаро муносабатларга кириша олмайдилар. Бундай иш услуби япон жамоатчилиги учун мутлақо бегонадир. Японлар ўз табиатига кўра кўпроқ қишлоқ хўжалигига мослашган, ўтроқ халқ ҳисобланади.

Ўзини бир четга тортиб юрганлар ҳам, экин-тикин ёки табиий офатлар пайти тасодифан бошқа жойдан келиб қолганлар ҳам деҳқончиликда сувдан фойдаланиш ёки табиий офатларга қарши кураш чоғида умумий манфаатлари муштарак жамоа аъзосига айланиб кетадилар. Зотан, улар ҳам бошқалар билан бир хил қисматдошман деган ақида билан яшайдилар. Японларда ана шу муштарак қисматдошлик туйғуси кучлидир. Бугунги кунда бу фазилат уларнинг фикрлаш тарзидаги муҳим жиҳатни ташкил этади.

Такрор таъкидлайманки, японларда жамият билан ҳамнафас яшаш ва ўзи мансуб жамоага садоқат туйғуси кучлидир. Шубҳасиз, ҳамманинг манфаати бир хил бўлган бундай жойда хиёнат содир бўлмаслиги яхши маълум.

Бундай шароитда одамлар қисматдош шериклари ҳақида ҳам қайғуришга мажбур бўладилар. Бинобарин, улар фақат шахсий фойда орттириш учунгина яшаймайдилар.

Ҳар бир одам учун энг аввало ўзаро ишонч туйғуси биринчи ўринда туради. У ўзини суҳбатдоши ўрнига қўйиб кўриб, мулоҳазаларини тинглашга ҳаракат қилади. Бу муносабат суҳбатдошида ҳам хайрихоҳлик уйғотади ва орада пайдо бўлган самимият ишга рағбат бағишлайди. Шу тарзда улар дарҳол амалий муносабатга киришадилар. Бунда ҳар бир шахс ўзига қисматдош бўлган жамоанинг бошқа аъзолари манфаатини ҳам ўйлаб иш кўради. Агар бу

борада у ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўйса, мазкур жамоада рўшнолик кўролмайди. Бу хусусият японча иш юритиш услубининг асосий негизи ҳисобланади.

Ҳар бир япон учун биринчи навбатда ўзи мансуб бўлган муассаса қадрлидир. У дастлаб ундаги мавқеини аниқ билиб олади. Ундан бошқалар нимани кутишаётганини яхши билади. Ўзини бошқалар ўрнига қўйиб кўрган ҳолда фикр юритади ва шундан кейин ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида бир тўхтамга келади. Улардаги фаолиятнинг асосий моҳияти ана шунда мужассамлашган.

Япон жамоатчилигида одамлар аввало якка шахс мавжуддир деб ҳисобламайдилар. (Масалан, хатти-ҳаракатнинг бундай кўринишини осон тасаввур қилиш учун кўз олдингизга футбол командасидаги ҳамжиҳатликни келтиришингиз мумкин.) Аксинча, уларда аввало оталар ва болалар, бошлиқлар ва тобелар орасидаги каби муносабатлар қарор топган.

Бошқа сўз билан айтганда, фазода аввало нуқталар эмас, чизиклар мавжуд. Бу чизиклар ўз навбатида бошқалари билан тутшиб кетган. Мана шундай туташувлар натижасида шахс намоён бўлади. Чизиклар бошқа турли чизиклар билан кесишган ҳоллардагина нуқталар қайд этилади. Физикада атом молекулаларга бўлинганда, барқарорлик содир бўлгани каби.

Молекулалар буткул барқарорлашган, яъни муносабатлар доирасида шахслар юзага чиқадиган Япония жамоатчилиги ўзаро юксак ишончга суянади ва ўз корхоналарига садоқатда бўлган жамоалар мўътадиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳеч қандай битимларсиз ҳам муассасанинг ҳар бир аъзоси умумий мақсадларни рўёбга чиқариш учун кучкуватини аямай ишлайди. Ҳар бир япониялик иш жойида умум манфаати учун қайғуради, ишдан ташқари пайтдагина ўз манфаати ҳақида ўйлайди.

Одатда, фойда ва манфаатлар корхона ичида ва ташқарида турлича бўлиб, кўп ҳолларда улар бир-бирига

зид келади. Шу боисдан ҳам японияликлар қуйидаги жиҳатларни билиш жуда зарур деб ҳисоблайдилар: Биринчидан, ўз корхонаси билан бошқа корхоналарнинг манфаатлари бир-бирига мос тушадими? Бировларнинг манфаатига шикаст етмайдими? Бошқалар бизнинг хоҳиш-истагимизни қай даражада қониқтира олади? Улар ишончли ҳамкор бўла оладиларми?.. Агар мазкур саволларга қониқарли жавоб топилса, иш осон кўчади. Зеро, бу ҳамкорликка киришаётган корхонага тақдирдош эканлигини тан олиш демакдир. Бироқ, кейинчалик ўзаро ишонч муносабатлари бир неча бор текширувдан ўтказилади.

Ҳамкорликни ўзаро муносабатдаги манфаатдорлик қониқтирса, улар мустаҳкам алоқа ўрнатадилар. Японияда дастлаб ўзаро муносабатлар ўрнатилади. Шундан кейингина ҳамкорга «мен сизни доғда қолдирмайман, истакларингизни етарли даражада қондираман» дея муттасил қайд этиб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Агар бирон чет эллик ишбилармон ўзаро ишончга эриша олмаган бўлса ёки кейинчалик ўртадаги умумий манфаатларга путур етказа бошласа, у ҳамкорликни давом эттириш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Бундай одам япон корхонаси томонидан яхши муносабатни кутмай ҳам қўя қолсин.

Японияликлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш учун, биринчидан, улар нимани хоҳлашларини аниқ билишлари лозим ва бу хоҳишни зудлик билан рўёбга чиқаришга интилиш, шунинг баробарида қўлга киритилган натижаларни мунтазам тўплаб бориш зарур. Тўпланган натижалар олдида японияликлар ўзларини жуда муносиб тутадилар.

Узоқ муддатли умумий манфаатлар йўлида японлар ўзларининг озгина фойдасидан кечиб, жонфидолик кўрсатишлари ҳам мумкин. Зеро, японлар азалдан, уларни назорат қилишяптими ёки йўқми, фарқи йўқ, меҳнатдан эринмайдиган халқдир. Агар улар ялқовлик қилиб, бирон ишни маромига етказмаган бўлса, ал-

батта, бу қусур туфайли ўзига билдирилган ишончни йўқотиб қўйишини яхши билишади.

Кимки бундай ишончни йўқотган бўлса, энди у соф инсоний муносабатлар ҳукм сурадиган жамоага қайта қўшила олмайди. Ишончга путур етказмаса, ўз ҳаётини эҳтиёжлари ва шон-шуҳратини таъминлаши мумкин. Бундай ақида ҳатто Навоий театри биносини қуриш чоғида ҳам японларни тарк этмаган. Шундай қийин шароитда, тазйиқ остида ҳам улар ишга муносабатларини асло ўзгартирмаганлар.

Япон тилидаги корхоналарга хос бўлган иккинчи жиҳат ахборотга дахлдорлик борасида кўзга ташланади. Ҳар бир ходим ўзига юклатилган масъулиятни аниқ англаши учун эгаллаган мансабидан қатъи назар, корхонага оид жамики маълумотлардан хабардор бўлиши керак.

Ҳар бир ходимнинг корхона йўналиши ва тутган мавқеи ҳақида билиши жуда муҳим. Улар фаолиятнинг бош йўналишларини белгилайдиган қарорларни қабул қилиш жараёнларидан четда қолмаслиги керак. Япон корхоналарида тез-тез ва катта-кичик митинглар, йиғинлар ўтказиб турилади, лавозимидан қатъи назар, барча ходимларнинг зарур ахборотлар билан кенг кўламда таъминланганлиги корхона қудратини оширади, мавқеини юксалтиради. Бинобарин, исталган япон муассасасига мурожаат қилиб қолсангиз, сизга зарур маълумотларни барча ходимлардан олишингиз мумкин.

Корхонага алоқадор бўлган ҳар қандай ахборотдан ҳар бир ходим хабардор қилинади. Етакчи раҳбар йўқ пайтда унинг қўл остидаги исталган ходим раҳбар ўрнини босиши мумкин. Японияда сиз ҳеч қачон «менга бошлиқнинг рухсати керак», «раҳбардан кўрсатма олганим йўқ», «бу менинг зиммамга юклатилмаган» каби жавобларни эшитмайсиз...

Японияда раҳбар билган ахборотлар ишчилардан яширилмайди. Бир-иккита истисно бўлиши мумкин, холос. Японияда раҳбар ўз лавозимини кўп маълумотларни билиши туфайли тутиб ўтиролмайди. Аксинча,

бу ерда раҳбарлардан бошқа хислатлар, яъни юксак тадбиркорлик, аниқ мулоҳаза юритиш қобилияти ва дадил қарорлар қабул қила олиш каби сифатлар талаб қилинади.

Япон муассасаларига хос бўлган учинчи жиҳат асосан ўрта бўғинга тегишли. Маълум бир ахборотдан барча ходимлар бир хилда хабардор бўлишидан ташқари, унинг моҳиятини ҳам бирдек пухта англаб етмоғи лозим, акс ҳолда ташкилотнинг умумқудратини ялпи ҳолда таъминлаб бўлмайди. Не бахтки, Японияда кундалик иш фаолиятида тинимсиз изланиш туфайли катта билимга эга бўлган зиёлилар кўп. Шунга кўра, ҳар бир муассасада қарор пастдан тепага қараб чиқиб боради. Ходимларнинг юқоридан фармойиш кутиб ўтириш ҳоллари камдан-кам учрайди.

Япониянинг йирик корхоналарига ишга кираётган ҳар бир ходим ҳар қанча қобилиятли бўлмасин, дастлаб энг қуйи ўринга жойлаштирилади ва маълум муддат ўтгандан кейингина унинг мавқеи поғонама-поғона ўсиб боради. Зеро, муассаса шу тарзда бўлажак раҳбарларни тайёрлаб боради. Тўғри, қабул қилинган қарор учун раҳбар масъулиятни ўз зиммасига олади, айнаи чоғда мазкур қарор ходимлар билан биргаликда ишланган режалар ва олиб борилган музокаралар натижасида юзага чиқади.

Мақсади, йўналиши тўлиқ шаклланган йирик япон корхоналарида етакчи раҳбарлар тез-тез — ҳар икки йилда, баъзан йил сайин ҳам алмаштириб турилади.

Асосан ўрта бўғин ходимлари аниқ вазифаларни амалга оширадилар ҳамда керакли қарорларни ишлаб чиқадилар. Шунинг учун бир раҳбар бошқаси билан алмаштирилган чоғда ҳам корхонадаги умумий жараён ўзгармайди. Лекин теварак-атрофда, жамиятда муттасил содир бўлиб турадиган ўзгаришлар эса раҳбардан, аввал қайд этганимиздек, ақл-заковат, дадиллик қобилиятларини талаб қилади. Бундай ҳолатларда фақат мазкур хислатларга эга бўлганларгина раҳбарлик лавозимини эгаллашлари мумкин.

Японлар одатда ахборотларни ўзи тутган мавқеи ва даражасига дахлдор деб ҳисоблайдилар. Зеро, ахборотлар шахсан унга эмас, балки лавозимига дахлдордир.

Шу сабабдан Япониянинг йирик муассасаларида кадрлар 2—3 йилда алмашиб туради. Беш йилда бир марта лавозимини ўзгартирадиганлар узоқ муддатли, яъни эски раҳбарлар саналади.

Ходим ишини ўзгартираётган чоғида иш маромига путур етмаслиги учун ўринбосарига имкони борича тўлиқ маълумот бериб, ҳамма нарсани ипидан-игна-сигача тушунтиришга ҳаракат қилади.

Японияда раҳбар ўзгарганда, ишни бошидан бошлаш ҳоллари учрамайди. Шунингдек, янги раҳбар эски ходимларни ишдан бўшатиб юбормайди ҳам.

Мен юқоридаги фикр-мулоҳазаларим билан японча муассасаларга хос бўлган асосий хусусиятлар ва бу муассасалар ичида кечадиган жараёнларнинг ўзига хослигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУАССАСАЛАРГА ЯПОНЛАР КЎЗИ БИЛАН ҚАРАГАНДА

Япон корхоналари билан яқиндан таниш одамга Ўзбекистондаги корхоналар жуда бошқача, кескин фарқли туюлади. Билъакс, япон типигаги корхоналарни дунёда кам учрайдиган корхоналар қаторига ҳам қўшиш мумкин. Менинг кузатишимча, Ўзбекистондаги корхоналар кўзга аён ташланадиган тўрт хусусиятга эга. Булар, жумладан, «қарорнинг тепадан қабул қилиниши», «ҳаддан ташқари банд раҳбарлар», «бошлиқдан фармойиш кутиб ўтирадиган ходимлар», «фақат ўз қобиғида ўралиб қолган ишчилар» тарзида намоён бўлади. Қисқа қилиб айтганда, корхонанинг барча ходимлари ўзаро ахборот алмашиши имконидан баҳраманд эмаслар. Бундай хусусият собиқ СССР корхона-

ларига хос бўлиб, аслида Ўзбекистондаги азалий анъаналарга сира муносиб эмас. Мен мана шу хулосам ҳақиқатга тўғри келади, деб ўмид қиламан. Ўзбекистондаги корхоналарда, одатда, ҳамма маъсулият раҳбар зиммасига тушади ва ходимлар унинг кўрсатмаларисиз ишга қўл урмайдилар.

Гарчи бу гап жуда майда туюлса ҳам, шуни қайд этаман; одамлар маъсулиятдан қочиб, тепадан кўрсатма кутадилар. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг етакчи раҳбарлари ҳамиша ҳаддан зиёд банд бўлишади. Бошқа муассаса одамининг бундай раҳбарлар билан учрашишга имкон топиши ҳар доим қийин кечади. Аҳдлашиб қўйилганда ҳам, бир неча соат қолганда учрашув бекор қилиниши ҳеч гап эмас. Раҳбардан кўрсатма олмаган ходимлар билан мулоқот эса, шубҳасиз, ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Зеро, ходим етарли маълумотларга эга бўла туриб ҳам жавобгарликдан қўрқиб, раҳбарнинг ёзма рухсатномасини талаб қилади.

Зарур ҳужжатларнинг ўзини эмас, нусхаларини сўраган тақдирингизда ҳам, уларни ходимлардан олиш қийин. Бу борада ходимларнинг «мен раҳбардан кўрсатма олганим йўқ» ёки «бу менинг зиммамга юклатилмаган» деган гапларини тез-тез эшитасиз. Японияликларни худди мана шу нарсалар ҳайрон қолдиради. Бош раҳбар билан учрашмасдан туриб, ишни олдинга силжитиш мумкин эмас. Қўйинг-чи, раҳбарлар билан учрашилган чоғда ҳам вақт ҳамиша тигизлашиб қолади. Гарчи улар «аниқ масалаларни ходимлар билан гаплашиб олинглар» десалар ҳамки, ходимларнинг бу мулоқотда қатнашмаганлиги туфайли гап яна қовушмай тураверади.

Бундан ташқари, мен бу жараёнларда раҳбарлар кўпроқ лавозимга эътибор беришларини пайқаганман. Японияда эса асосий ишни рўёбга чиқарадиган ва зарур қарорларни қабул қиладиганлар ўрта бўғин ходимлари саналади. Бизда етакчи раҳбар илк бор фақат битимни имзолаш маросимидагина иштирок эта-

ди. Ҳолбуки, Япониядан Ўзбекистонга вазиятни олдиндан ўрганиш ёки битимга тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун ҳар доим ўрта бўғин вакили ташриф буюради. Лекин маҳаллий раҳбар (лавозимлардаги тафовутга кўра) учрашувга рози бўлмайди. Пировард-натижада музокаралар кўп ҳолларда олдинга силжмайди.

Бу ўринда эски «сансалорликлар»дан фарқ қилувчи янги услубда иш юритадиган раҳбарлар борлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Мен бир ёш, истеъдодли раҳбарни ўтган йили учратиб қолдим. Мулоқотимиз Токиода бўлганди. У ёш раҳбар Бош вазир бошқарган гуруҳнинг аъзоси эди. Менга қуйидагиларни гапириб берди. Ўз ходимларига у амалга оширилгач ишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Кейин уни ходимлар ҳар жиҳатдан ўзларича таҳлил қилишади ва уни ҳал этилиш даражасигача ўрганишади. Ходимлар раҳбарга ҳар бир масала юзасидан мурожаат қилавермайдилар. Улар масаланинг бир эмас, бир неча имкониятларини кўриб чиқадилар ва ҳар бир имкониятни ўзларича баҳолаган ҳолда ҳисобот тузишиб, кейин раҳбарга етказадилар. Раҳбар барча хулосалар билан бафуржа танишиб чиқади ва шундан кейин ходимларга ўзининг кўрсатмаларини баён қилади.

Бундай услубда раҳбар ва унинг қўл остидагилар зарур маълумотлардан ўзаро баҳраманд бўладилар. Мазкур муҳитда ҳамиша банд бўладиган бошлиқлар билан учрашмасдан, унинг қўл остидагилар билан ҳам ишни олдинга силжитиш мумкин. Мен Ўзбекистонда ўзгаришлар рўй бераётганлиги борасида ана шундай ёрқин таассуротдаман. Аввал таъкидлаганимдек, японлар тўпланаётган натижаларни умумлаштириш асосида муносабатларини мустаҳкамлаб ва чуқурлаштириб борадилар. Зеро, уларга ҳамкорнинг ишончли эканлигини олдиндан билиш жуда муҳимдир.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақола бошида қайд этилганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг катта ишларни амалга оширди.

Корхоналарни бошқариш нуқтаи назаридан қараганда, улардан фойдаланиш ҳамиша ҳам наф бермаслиги мумкин. Масалан, қимматбаҳо ускуналарнинг сотиб олиниши доим ҳам корхонага фойда келтиравермайди. Айнан Японияда ҳам ёпиқ эшиклар сиёсати бекор қилиниб, Европа ва АҚШни қувиб ўтиш мақсадида энг илғор технология қўлланилганида, шунақа ҳол рўй берган эди. Бу 120 йил муқаддам содир бўлган. Давлат ипак йиғириш заводини барпо этгач, унга Францияда ишлаб чиқарилган энг илғор ускуналар ўрнатилади. Мамлакат учун бу жуда қимматга тушади. Ўша пайтда Японияда бу ускуналарнинг тилини биладиган мутахассислар йўқ эди. Машиналар тез-тез ишдан чиқар ва уни тузатиш чораларини топиш мушкул бўларди. Созлаш учун ҳар гал Франциядан мутахассис чақириларди. Уларнинг япон кадрларига сабоқ беришлари учун тўланадиган ҳақ ҳам, Японияда яшашига кетадиган харажатлар ҳам катта эди. Чет эл мутахассисларига тобе бўлинган даврда Японияда технология умуман тараққий этмади. Шу сабабдан мамлакатда янги технологияни қўллашдаги асосий йўналиш ўзгартирилди. Энди шундай ускуналар ўрнатила бошландики, улар мамлакатдаги даражадан бир баҳя ортиқ эди, холос. Яъни, жорий этиладиган технология япон кадрларининг савиясига мос келадиган даражада эди. Шундан кейин японлар уларни ўзлаштириб, ўзига хос йўсинда такомиллаштира бошладилар.

Бу жараёни узлуксиз давом эттирган японлар дунё даражасига чиқишга интилдилар. Зеро, улар энг илғор ускуналарни қўлга киритгандан кўра, ўз кадрларининг техникавий даражасини ўстиришни муҳим иш деб билдилар.

Техник тараққиётга ана шундай ёндашув туфайли

Японияда тўқимачилик саноати ниҳоятда ривож топиб, жаҳон миқёсига кўтарилди.

Бундан 100 йил муқаддам Япония ва Хитой орасида уруш бўлиб ўтган эди. Хитой Японияга нисбатан жуда салоҳиятли бўлиб, урушда голиб чиқишига муқаррар ишонганди. Лекин аксинча бўлиб чиқди. Бу уруш хусусида кейинчалик Хитойнинг раҳбарига айланган Сунбун шундай дейди: «Япония ва Хитой ўртасидаги фарқ уларнинг техникадан қанчалик фойдалана билишларида кўринди».

Хитойлар ҳамма нарсани пул билан ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблаб, дунёдаги энг қимматбаҳо ҳарбий кемаларни кўплаб сотиб олади. Бироқ Хитойда ўша пайтда бу кемаларни ишлаб чиқаришни биладиган ва уларни бошқара оладиганлар йўқ эди. Қийин вазиятлар учун чақирилган чет элликлар қўл учида ишлашар ва кемалар бекор турарди. Японлар эса, аксинча, ўз билимлари билан такомиллаштирилган кемаларни ўзлари бошқарарди. Орадаги шу тафовут урушнинг тақдирини ҳал қилди. Сунбун буни эътироф этган.

Таъкидлаганимиздек, японлар учун энг илғор технологияга эга бўлгандан кўра, кадрларнинг техник билим даражасини ошириш муҳимроқдир. Уларда ускуналарни такомиллаштириб бориш асносида дунёвий даражага чиқиш туйғусини тарбиялаш ва буни рағбатлантириб бориш ҳамиша катта аҳамиятга молик саналган.

«Ҳар бир нарсани ишлаб чиқаришдан кўра сотиш қийинроқ». Бу сўзни япон савдо фирмасининг бир бизнесмени айтди. СССР вақтида товарлар танқислиги туфайли уларни ишлаб чиқариш ҳамиша устун жиҳат бўлиб келган. Аслида дунёда товарнинг мўл-кўллиги мавжуд, айниқса, ҳозир камёб ва танқис саналадиган молнинг ўзи йўқ. Шу жиҳатдан товарларни сотиш ҳатто япон фирмасининг тажрибали бизнесменига ҳам қийин. Товарлар бир зумда сотилиб кетадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Энди шундай товарлар ишлаб чиқариш керакки, у мижозни ўзига жалб эта олсин. Марке-

тинг сирларини ўрганмай туриб, чиқарилган товар, бунинг устига ишлаб чиқарувчи фақат ўз диди ва ўз талаблари доирасида чекланган бўлса, бозорда ўтмай ётавериши ёки тобора нархи тушиб кетиши мумкин. Бунақа усулда ҳеч қачон фойдага эришиб бўлмайди.

Бу борада ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг миқдори ва ишлаб чиқариш усулини яхши билган ҳолда мижоз кўядиган талаблардан ҳам кенг кўламда хабардор бўлиши керак. Ҳозирги кун талаби шундай. Бор билим-тажрибани сафарбар қилиб, истеъмолчининг талаб-эҳтиёжларини ўрганиш зарур. Кимдир менга, дафъатан, аввалги қиёфандан кечиб, дарҳол бошқа одамга айлангин деса, албатта, бундан таажжубга тушаман, гашим келади.

Чунончи, иккинчи давр ҳам сизлар учун ўзида жуда катта имкониятларни мужассам этмоқдаки, унинг равнақи йўлида ҳар қанча тер тўкиб, бор куч-қувватингизни сафарбар қилсангиз арзийди. Бир иқтисодчи олим кўзи билан қараб, мен сизларга ҳавас қиламан. Бу мамлакатнинг келажаги сизларнинг қўлингизда. Айтмоқчи, кеча мен Навоий театрида балет томоша қилдим. Бу «Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари» деган балет премьераси эди. Ўзбек халқ ўйинлари асосига қурилган бу асарнинг савияси шу қадар юқорики, уни катта муваффақият билан Нью-Йоркда, Лондонда, Парижда, Токиода ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ҳам бемалол кўрсатиш мумкин.

Мен ич-ичимдан ҳайратланиб, театрдан катта қониқиш ва хуш кайфият билан чиқдим. Ва кўнглимдан, ўзбек халқи театр соҳасида кўтарилган юксакликка, шак-шубҳасиз, иқтисодиёт соҳасида ҳам кўтарила олади, деган фикр келди.

Бунинг учун барча куч ва истеъдодни жамлаб, Ўзбекистон ўзига хос моделини яратиш керак. Бу билан мамлакат бемисл иқтисодий тараққиётга эришади ва унинг довуғи дунёда ошиб бораверади.

Мен бунга сидқидилдан ишонаман.

«Жаҳон адабиёти» журнали,

1997 йил, 1-сон

«МЕН УМРИМНИ ҲАЛОЛ ЯШАДИМ...»

Олдимизда ҳаёт ва ижод даврининг икки қисмига оид — иккаласи ҳам ўзича эътиборга лойиқ — кундалик дафтардаги ёзувлар: уруш йиллари ва Александр Трифонович муҳаррирлик фаолиятининг «иккинчи муддати»га боғлиқ сўнги ўн йиллик — унинг 1954 йили шов-шув билан ишдан олиниши ва «Новый мир» журналини 1958 йилдан бошлаб яна бошқара бошлашига доир саҳифалар турибди.

Булар, юзаки қараганда, Твардовский ҳаётининг бир-биридан кескин фарқ қилувчи турли даврларидир. Биринчиси «Тёркин» даври бўлиб, ушбу «Жангчи ҳақида дoston»га ўқувчилардан адабиёт тарихида мисли кўрилмаган кўп хатлар ёғилдики, матбуот саҳифаларидаги мақтов гапларни ва олий Давлат мукофотларини гапирмай қўя қолайлик. Иккинчи давр ҳам қайноқ ижодий фаолият билан тўлиб-тошса-да, бироқ воқеаларнинг кескин ривожини билан яқунланди, яъни иккинчи бора сеvimли журнал билан мажбуран хайрлашишга тўғри келди ва ундан кейин хасталик авж олиб, охири ўлим билан ниҳояланди.

Бу изтиробли зиддиятлар яқунланишидан деярли уч йил олдин у ўз иш дафтарига шундай сатрни битган эди:

Ҳаётимнинг сўнги ғамгин йиллари бағримни эзди...

Аммо бу давр журналнинг на фақат яхши нашрга айланган, балки энг юксак нуқтага кўтарилган даври ҳам бўлди. Бу ижтимоий-сиёсий мавқеи жиҳатидан ягона мустақил нашр ўз саҳифаларида муҳаррир кўрсатган қаҳрамонлик туфайли шу чоққача номаълум бўлган Александр Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссасини босиб, уни жаҳонга машҳур қилиб юборди. Кейин унда Твардовский таъбирлаган-

дек, «Солженицин йўлидаги» кўплаб ёзувчиларнинг асарлари эълон қилинди. Ва ниҳоят, ўқувчиларга (катта жасоратлар эвазига) илгари тақиқланган «Тёркин нариги дунёда» асари қайтарилди. «Мен ўзимизникиларга қарши жангга кирдим...» — дея номланган ҳарбий кундаликлар ва хатлар китобини ҳеч қандай иккиланишсиз шоир ижодининг иккинчи даврига дахлдор дейишимиз мумкин.

О, бу йиллар шоир учун сира ҳам осон кечгани йўқ! Бу ҳол ўқувчига ҳар қанча ғайритабиий туюлмасин, унинг ўзи учун сира янгилик эмас эди. Бундай ўқувчилар наздида Твардовский Сталин мукофотлари соҳиблари орасидаги энг мартабалиси туюлиши табиий, зеро, мазкур мукофот совриндорларининг аксарияти номнишонсиз унутилиб кетди. Аммо, ҳар қалай, уч марта Сталин, кейин Ленин, уларнинг «изидан» Давлат мукофотлари билан сийланиш тақдирнинг камдан-кам учрайдиган инояти эди.

«Тёркин» даври ҳақидаги китобда Александр Трифоновичнинг асл инсоний қиёфаси жонланади. Бу ҳол фақат уруш йиллари манзараларини ажойиб тасвирлай билганлиги туфайлигина эмас. «Ватан ва бегона юрт» китобидаги дастлабки тинч йиллар танқид қилинган таниш кундалик ёзувларигина эмас, унинг уруш йилларидаги кечинмалари ҳамда иш дафтарларидаги илк қораламалари ва кейинчалик оғиздан-оғизга кўчиб юрган шеър ва дostonларининг кўнгилдаги илк илҳомлари яна шоир билан «қайта тўқнаш келади» («Тёркин»дан) ва бу ҳақиқатдан ҳам уларнинг тақдири осон бўлмаганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, шоирнинг ўша даврларда эълон қилинган — рафиқаси билан жамики уруш кечинмалари ва ижодий фикрлари борасида ўртоқлашган — у хотинининг мулоҳазаларини ҳаммиша ҳисобга оларди, — ёзишмалари кундаликлари қаторида бирдек қадрлидир. Ҳақиқатан ҳам, Мария Илларионовнанинг хатлари унинг ижодий ишларида катта кўмак бўлди. У нафақат зукко ва синчков ўқувчигина эди,

балки шоир «чорасиз» қолган пайтларида жонкуяр хайрихоҳи ва мулоҳазали танқидчиси ҳам бўлди. Мария Илларионовнанинг ушбу фикрлари билан танишар экансиз, асар қаҳрамонининг ўсиб-шаклланишида булар қанчалик муҳим омил бўлганлигига амин бўласиз.

«...У бошқалар сингари 10–20 йил ичида ақлан жиндек ўсиши керак. Ақлан ўсиши, ичдан шаклланиши, қаҳрлироқ бўлиши, жиддий шахсга айланиши, бир сўз билан айтганда, у ҳам ўша, ҳам бошқача бўлмоғи керак».

У «Жангчи ҳақида дoston»нинг мазкур мураккаб тақдирида ғоятда ҳал қилувчи рол ўйнади.

Кундалик ёзувлари тўпламида муаллифнинг ўз ибораси билан айтганда, у интилиб яшаган «ҳаёт ҳақиқатидан» йироқ бўлган «муҳим воқеа ва таваллуд айёмлари шеърияти»ни талаб қилган «раҳбар» лавозимлар билан кураш олиб боришга мажбур бўлган манзаралари илк бор акс этади.

«Тёркин»нинг акс ар ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинган дастлабки боблари эълон қилинганидан кейин, муаллифнинг алам билан ёзишича, «юқори» доираларда «жирканч ғалва» кўтарилади. Рафиқасининг кейинроқ ёзган хатларида «оддий нарсаларга нибатан қандайдир сиёсий тус берила бошланади».

«Менинг энг катта гуноҳим бу китобни юқорининг «ижозати»сиз ва «буйруғи»сиз ёзаётганимдир,» — дея киноя қилган эди Твардовский. «Мен ёзишда давом этдим, лекин янги бобларни эълон қилдириш тобора қийинлашиб борди», — дейилади унинг Г.М.Маленковга ёзган хатида.

Хусусан, унинг энг яхши боблари, масалан, «Ўлим ва жангчи» боби устида қабих шов-шув ва турли мишмишлар қўзғалган эди (йўқотишлар, ҳалокат, ўлганлар ҳақидаги ҳар қандай гап найзага олинар ва кўп ҳолларда эълон қилиниш жараёнида тушириб қолдирилди). Мария Илларионовнанинг ибораси билан айтганда, «Тёркин»га бутун уруш давомида «ярим рух-

сат» берилганди. Матбуот саҳифаларида у тўхтаб қолар, радиодан ўқишлар узилар, муаллифнинг исми шеърингга бағишланган маърузалардан кутилмаганда ўчирилди. Таниқли партия сиёсатчиси Шчербаков «чўзилиб кетган» асарни бутунлай тўхтатиб қўйишга юқоридан «буйруқ туширди». Бу ҳақда шоир хизмат қилаётган армия газетасининг редактори жағ уришдан чарчамасди.

Аmmo Твардовский ўз аҳдида қатъий туради. «Очигини айтсам, — деб ёзган эди у хотинига, — менга ҳатто ишимнинг муттасил олқишлар остида кетмаётганлиги ёқаябди ҳам...» Ва ўша пайтларда шундай тўсқинликларга учраган Василий Гроссманнинг қиссаларини таъкидлаб, «замонавий лаббайчи ёзувчиларнинггина иши ҳамиша силлиқ, осон ва муваффақиятли кетиши мумкин, улар ҳатто журъатли ва жасур қиёфага ҳам кира оладилар», дея хулоса қилганди (бу ўринда «Правда» гезетасида босилган Корнейчукнинг «Фронт» пьесаси «муваффақияти» назарда тутилмоқда).

Бироқ ҳаммасидан ҳам шоирга хотинининг асардаги «саркаш» йўналишни тушунгани ва қўллаб-қувватлагани қадрли эди ва ҳар қанча уринишмасин, «Тёркинни ерга кўмиб ташлай олиш»маганлиги кўнгилга алоҳида сурур берарди.

Шоирнинг кундаликлари ва хатларида унинг келгусидаги ижодий қисматини белгилаб берувчи эзгу ниятлари юзага чиқади ҳамда улар ўзига мустаҳкам замин яратарди. «Мен энди шуни яхши биламанки, бундан буён, соғлиғимни берса, уруш мавзусидан, охиригача англаб етмаганим айнан мана шу мавзудан бўлак мавзуга қўл урмайман... Ўша йилларда кўнглимда тўлиб-тошган туйғуларни англаш ва бу ниҳоятда мураккаб кечинмаларни қоғозга тушириш заҳмати қолган бутун ҳаётимга етиб-ортади». Айнан мана шу ўринда унинг урушдан кейинги лирикаси ҳамда, албатта, «Йўл бўйидаги уй» номли достонининг ҳам «томирлари» аён ҳис этилади.

«...Мен биргина «Тёркин» билан гапимни адо қилолмайман, — дея 1942 йил августидаёқ фикр қилганди Твардовский. — Чамамда, у билан бир вақтнинг ўзида янги асарим ҳам шаклланиб боради... бу асаримда ҳам қалбимни бутунлай тўкиб солсам дейман». — Албатта, ҳар бир уйга кириб борган, беҳисоб оилаларни абадул-абадга бахтсиз қилган уруш борасида эди унинг дардлари.

Кундаликлар тўпламини ўқир эканмиз, худди «Тёркин»даги каби ижодий фикрнинг туғилиш ва шаклланиш, айрим сюжет йўналишларининг, алоҳида мисра ва бандларнинг бир китобдан иккинчи китобга табиий ва тадрижий равишда ўтиш жараёнларига шохид бўламиз. (Жумладан, ушбу дафтарларда келгусидаги «Тёркин нариги дунёда» достонининг айрим боблар тарзидаги қораламалари кўзга ташланади).

Айни чоғда фронтда кўрилган ва эшитилган воқеалардан, озод қилинган қишлоқлардан, немис асирлигидан қайтган одамлар билан учрашувлардан олинган «чексиз-чегарасиз» янги таассуротлар яққол ўз аксини топади.

Мария Илларионовна «Тёркин»да муаллиф қаҳрамон қилиб «жафокаш»ни, яъни «шотига қўшилган ва аравани ҳаммадан кўра кўпроқ тортадиган отни танлайди», деб ёзади. Унинг кейинги достони ҳам яна бир «жафокаш» — мислсиз қийинчиликларни чинакамига енгиб ўтган рус аёли, она ҳақидадир.

Жанггоҳдан жўнатган сўнгги хатларидан бирида Твардовский урушнинг барча уқубатлари ҳақида гапираркан, ярим ҳазил, ярим чин тарзида «унинг қалби заиф, аёлларники сингари эканлигини» таъкидлаганди. Аёллар қалби қанақа «заиф» бўлишлиги «Йўл ёқасидаги уй» достони қаҳрамони тимсолида ёрқин кўринган. Бироқ муаллифнинг «аёлларга хос» туйғулар ва кечинмаларга йўғрилган закий нигоҳи ёш Твардовский ҳақидаги кимнингдир эски мутойибаси — «жўмард йигит ва қизил ёноқ қиз қоришмаси»ни лабда жилмайиш билан эслашга мажбур қилади.

Ҳақиқатан ҳам, ана шундай улкан қалб эгаси бўлмаганда Твардовский на шахс, на ёзувчи сифатида шаклланарди ва у на адабиётда, на жамоатчилик ишларида «кўпроқ юкни тортувчи» жафокаш мавқега кўтарилган бўларди.

Шоирнинг кейинги ўн йилликлардаги қоралама дафтарлари ҳаётининг «ўз-ўзини ўзгартириш»нинг (Александр Трифоновичнинг қаердадир Марксдан ўқиган ибораси) мураккаб ва драматик жараёнини акс эттириш эди. Бу ўзгариш фақат «сталинизм»дангина узоқлашишигина эмасди («Мен қотиб қолган бўлмасамда, сталинчи эдим ва дастлабки пайтларда шахсга сифинишга қарши олиб борилган тadbирларни юрагимга қаттиқ олдим...» — дея кейинроқ ёзади Твардовский, гарчи «Тёркин»даги ўз ижодий тажрибасида очиқ-ошкор «бидъатга берилган бўлса ҳам»), балки умуман илгариги «ягона ишончли таълимот» ва унинг она диёр учун нажотбахшлигига бўлган самимий ва теран эътиқоддан узоқлашиш эди.

Россия марксизмни машаққат билан бошдан кечирди деган машҳур сўзларни қайта ўқиркан, шоир 1965 йил майида шундай хулосага келди: «Россия бу 45 йил мобайнида (мазкур Ленин ибораси айtilган даврдан бошлаб, — А.Т.-в.) бу... яккаю ягона тўғри бўлмаган ва жуда қимматга тушган инқилобий тажрибани Россиянинг қай тақлид бошдан кечирганлигини ўйлашнинг ўз даҳшат. («Илмий асосланган» тузумнинг мазмун-моҳиятини очиб берган жуда жиддий ва теран тавсифи ундан ҳам илгарироқ 1963 йил августидаги қайдларида акс этган —А.Т.) Боз устига назария догматика ва формализм ботқоғига ботиб бўлган эди. Ким билади — бундан кейин яна нималар кутмоқда».

Олдинда Чехословакияга «босқин» турарди — Твардовский учун бу «асло тузатиб бўлмас хунук оқибатларга олиб келган қабиҳ қадам», «орзуларнинг чилчил синиши» бўлди.

Қоралама дафтарларни ўқиш давомида бу «ўз-ўзини ўзгартириш» «аёлларга хос, заиф» қалбнинг на фақат Чехословакия воқеаси фожиавий кунларида («... радио-

ни эшитардим... чекардим, йиғлардим...»), балки оддий, жўн депутатлик қабул кунларида (шоирни ҳали РСФСР Олий Кенгаши ва ҳатто КПСС МҚга аъзолигига номзодликка муносиб кўришарди) — оддий, лекин дангал ёрдам бериш қийин бўлган масалаларни муҳокама қилишда қандай изтироблар билан кечганлигини очиқ-ойдин кўриш мумкин.

Ҳаётдан яқинда кўз юмган Александр Яшинни эслаб, Твардовский ёзади: «У кўп нарсани англарди, ҳазилакам изтироб чекмасди, баъзан ундан совет ҳукумати борасидаги мени чўчитиб юборадиган сўзлар отилиб чиқарди...

У борми ўзи ҳозир?..»

Беш йил олдин — арзгўйлар «тўдаси» билан учрашувдан кейин қайд этилган ушбу сўз айнан унинг дил изҳори эди: «... баъзан совет ҳокимияти йўққа ўхшаб туюлади ёхуд у шунчалик муваффақиятсизликка дучорки, бундан баттари бўлмайди».

Шоир имтиёзли сиҳатгоҳдаги қўшни, одатдаги партия ходимининг «суҳбатнинг жиддий томонга сал оғиши билан ўзини четга тортишидан» ҳам озмунча изтироб чекмайди, зеро энг юқори раҳбарият ҳам Александр Трифонович истеҳзоси билан айтганда ҳаммиша жиддий ислоҳотлар ўтказиш ўрнига «ярага болалар малҳамини босишни» яхши кўради. — «Ҳамма кўриб-билиб турган муаммони узил-кесил ҳал қилиш ўрнига яна янги бошқарма ёки министрлик ташкил бўлади-ми?» — дея куюниб савол қўйди навбатдаги маънисиз партия пленуми арафасида муаллиф ўз кундалик дафтари саҳифасига.

Бироқ ҳукумат адабиёт ва санъатга нисбатан «ғоявий» мусаффолик ва қачондир «Тёркин»нинг «ижозатсиз ва буйруқсиз» ўсганлигига муросасиз бўлиш учун фаолликнинг олий намунасини кўрсатдилар.

Ҳали илиқлик йилларидаёқ Василий Гроссманнинг «Ҳаёт ва тақдир» романи ҳибсга олинганди.

Уруш йилларида бу ёзувчи Твардовскийга руҳан жуда яқин бўлганди ва бу унинг ёзувларида қайд этилган. «Мен ҳаммадан ҳам кўра ундан мамнунман ва унга му-

ваффақият тилайман... У ҳамма нарсани яхши тушунадиган ва яхши баҳолайдиган менинг беназир дўстим», — дейилади шоирнинг 1942 йилнинг 31 мартида хотинига битган мактубида.

Кейинчалик Твардовский ўзининг биринчи «Новый мир»даги фаолиятида эълон қилган Гроссманнинг «Ҳақиқат учун» романи атрофида кўтарилган гаплар туйғули ёзувчиларга муносабат яна кескинлашди. Шунга қарамасдан, Александр Твардовский қўлёзма ҳамда ўқиб чиқилган «Ҳаёт ва тақдир»ни муҳим аҳамиятга молик воқеа ҳисоблаб, унинг эълон қилиниши «адабиётда янги даврни бошлаб бериши... унга ҳаёт ҳақидаги асл ҳақиқатни қайтариши мумкинлигини» (Солженицин ҳикояси босилгандаги ҳолга ўхшаш) таъкидлаган эди ва машҳур «органлар» томонидан Гроссман қўлёзмасини олиб қўйиши унга қаттиқ таъсир қилганди. «Ҳақиқатда бу вужудсиз руҳнинг ҳибсга олинишидир. Бироқ вужудсиз қалб қалбми?» — дея аччиқ савол қўйилади кундалик саҳифаларида.

Гарчи Хрущевнинг ўзи Твардовскийга ҳамиша эътибор билан қараган эса-да, бироқ барча партия ва давлат идоралари яқиндаги «сталинча» ўтмишни ва мамлакатдаги умумий аҳволни XX ва XXI съезд қарорлари асосида чуқур англашга интилиш борасидаги журнал «Йўналиши»га ўта хушёр ва шубҳали муносабатда бўлдилар. Бир неча йил ўтгандан кейин А.Д.Сахаровнинг «фактларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳар тарафлама ва жиддий ўрганиш» ўта зарурлиги ҳақидаги ёзма қайдини маъқуллаган ҳолда дафтарига киритади ва бунда ўз журнали тутган йўлнинг тўғрилигини кўради. «Ҳамма бало шундаки, — деб ёзди аччиқ киноя билан Твардовский, — биз съездлар ва партиянинг бошқа қарорларини, шахсга сифиниш оқибатларини бартараф этиш борасидаги чақирқиқларини жиддий қабул этганлигимиз ва уларда чеклашлар борлигини ёддан соқит қилганлигимиздир...»

Бу чеклаш тезда (1960 йилдаёқ Ахматова, Дудинцев, Эренбург асарларини эълон қилишда қийинчиликлар юзага келганди), гарчи дастлаб силтаб бўлма-

са-да, жилов тортилганди. Бунинг устига, Твардовский, катта саъй-ҳаракат эвазига, Солженицинни эълон қилиб, «бошқалар учун тасаввур қилиб бўлмайдиган тўсиқларни» енгиб ўта олган эди. Кейинчалик Александр Трифоновичнинг ўзи шундай эътироф этади: «Биз бу нарса босилгандан кейинги кўтарилган ижтимоий-сиёсий шов-шув шунчалик бўлишини сира ҳам кутмагандик».

Бироқ айтилишича замонда шунчалар шов-шувга сабаб бўлган журнал ва унинг муҳаррири ўтмишни, мамлакатни бошқаришнинг эски тамойиллари ва усуллари кўмсовчиларнинг кундан-кун кучайиб бораётган кўплаб пинҳона ва айрим ҳолларда очиқ-ошкора ҳужумлари учун доимий нишонга айланади. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йил, яна фақат Хрушчевнинг қўллаб-қувватлаганлиги туфайли эълон қилинган «Тёркин нариги дунёда» достони, муаллифнинг холис кузатувига кўра, матбуотнинг қаҳрли дашномларига дучор бўлиб, «қайноқ ҳаёт бағрига... кўрқа-писа қадам қўяди», аммо-лекин тезда — Никита Сергеевич ишдан олинганидан сўнг, шоирнинг тўпламларига кирмай, умуман эста ҳам олинмай, ҳаётда ярим ошкора тан олинган мавқеида қолади.

Хрушчев давридаёқ Александр Трифонович санъатдаги ҳақиқатнинг ҳаётбахш қудрати билан «қузгунлар галаси»га қаттиқ зарба берган эди, бироқ улар ҳам қараб турмадилар, оқибатда унинг Солженицинга Ленин мукофоти учун беҳад саъй-ҳаракат ва машаққатлар билан олиб борган курашлари беҳуда кетди.

Солженициннинг қаттиқ танқид тиғи остига олинишини (ҳатто унга — сиёсий айблар билан эмас, балки қамоқдаги жиноятчининг тўхмати билан!) Твардовский «ҳамма нарсага... қадрли, ҳатто унингсиз яшаш мумкин бўлмаган нарсаларга қарши... аёвсиз кураш» дея баҳолайди. Цензура ва МҚ сиёсий бўлимлари томонидан «Новый мир»нинг янги сонларига ҳақиқий босқин уюштириладики, журнал материалларининг кўпла-

ри олиб ташланади, кўпларининг ўрнига бошқа матнлар тиқиштирилади ва оқибатда у ҳамиша кечикиб нашрдан чиқади.

Твардовский маълум бир вақт ичида «Жангчи ҳақида дoston»да тасвирланган бир воқеадагидек, ўзини олға кетаётиб, ўз қўшинининг ўқи остида қолган Тёркин аҳволига ўхшатади. Кейин бу туйғу тарқаб кетади: «Менга бу ходимларнинг тутган ўрни аниқ. Улар изчил ва енгилмасдир... ўтган даврнинг ҳар бир ҳарфи ва руҳи учун жонини беришга тайёрлар... Бу метин деворни гиштма-гишт кўчиришдан, бузишдан, нуратишдан бошқа иложи йўқ». У бюрократик арконлар билан муросасиз жангга киришганлигини тобора яққолроқ англай бошлайди: «Биз, яъни мен ва журнал оз сонли куч билан зўр бир тўсиққа дуч келдикки, энди орқага йўл йўқ, олдинга силжиш эса ўта машаққат».

Хрущев амалдан кетиши билан кузгунлар зарбани кучайтиришади. Твардовскийни ишдан олиниши ҳақида тўхтовсиз гап тарқатишади. «Новый мир» таҳририятида эълон қилиниши учун тайёрланаётган Солженициннинг романи билан Гроссман воқеаси такрорланади — асар ҳибсга олинади. Журналга эътирозлар ортгандан-ортиб боради. «Бу ёзувлар, — келтиради шоир кундаликда, — тобора ёзувчи иш дафтари эмас, «нидо қилиб» ёнаётган журнал ҳамда бошини ҳар ёққа урган муҳаррир уқубатларининг солномасига айланиб қолди... Мен ушбу солномам борасида энди сўнгги сўзни айтишим ва ҳаммасига нуқта қўйишим мумкин».

Айни пайтда журналнинг танқид бўлими билан фаол ҳамкорлик қилиб келган Юрий Даниэл ва Андрей Синявский қамоққа ташланади ва ҳукм қилинади, Сатира театрида Валентин Плучек томонидан саҳналаштирилган «Тёркин нариги дунёда» спектакли устида қора булутлар қуюқлашади ва охир-оқибатда у саҳнадан олиб ташланади. Бош сиёсий бошқарма бошлиғи Епишевнинг тўғридан-тўғри буйруғи билан армияда «Новый мир» учун обуна кескин қисқартирилади ҳамда унинг тасарруфидаги нашриёт режасидан

«эски» «Тёркин» қатъий равишда ўчириб ташланади.

Бу даврда «кичкина» журнал ноилож пешонасини ураётган «девор»дан катта заҳматлар билан «ғиштлар»-нигина кўчирмоққа муваффақ бўлар эдилар. Ғанимлар эса жуда осонлик билан Твардовскийни эски ходимларидан айириб, таҳририят жамоасига оғир зарбалар бериш имконига эга бўладилар ва таҳририятни «кучайтириш»ни рўкач қилиб уни «янги» кучлар билан тўлдириш тадоригига тушадилар.

Бу «янги кучлар»дан Александр Трифонович кескин воз кечиб, таҳририятни ўзича шакллантиришга журъат қилади. Бироқ босим пасаймайди. «Моҳиятан, мени уч-тўрт йил давомида бўлақларга бўлиб, ишдан олишти, — дея таъкидлайди шоир 1969 йилнинг ёзида. — Зеро, Солженицин учун Ленин мукофоти кўмитасида жанг кетаётган бир пайтда мени ҳайъатдан чиқариб ташлашганда;

Плучек спектаклини тўхтатишганда;

Дементьев ва Заксни ишдан олишганда; мен эса аризани беришдан (ишдан бўшаш ҳақида. — А.Т-в) зўрға ўзимни тутиб турдим, у ёзилган, тайёр эди ва ҳ.к.».

Иш дафтарларида «журналнинг фиғон-ноласи», «унинг қанотлари қирқилганлиги», бу «қамал қилинган ва маҳв этилган қалъа» ҳақида кўп бора изтироб билан гапирилади.

«Тонгда — қатл», — шоир томонидан 1966 йили 30 ноябрда Пушкиннинг «Полтава»сидаги ушбу сўзлар эсга олинади. Бир кун олдин эса Сиёсий бюро мажлисида «Новый мир»ни ғоявий фитна ўчоғи деб атаган П.Н.Демичев билан «муносабатларни аниқлаш учун» узоқ давом этган баҳс бўлиб ўтганди.

«Мен энди муҳаррир эмасман», — дейилади 1967 йил 5 январдаги ёзувда. «Ҳар қанақасига ҳам энди журнални тарқатишимга тўғри келади», — ярим йил ўтгач, Солженициннинг цензурани бекор қилиш ҳақидаги хати туфайли унинг атрофида янги зиддиятлар кучайган пайтда шундай қайд этилади. «Чамамда, ҳаммаси тугади». Бу сатрлар 1969 йилнинг 6 мартада, Николай Вороновнинг Магни-

тогорск ҳақидаги «бизнинг воқелигимизни қораловчи» романи босилгани муносабати билан матбуот саҳифалари орқали ашаддий ҳужум қилинган кунда битилган.

«...Ақлдан озиб қолмаяпманми?.. Кўп вақтдан бери миллионлаб ўқувчилар олдида журналга ва менга ёғилаётган таҳқир, ҳақорат ва сиёсий тухматларни муфассал баён қилишга ўзимда куч тополмайман...» — бу сўзлар «Огонёк»да ўн бир ёзувчининг тухмат мактуби, қандайдир чилангар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Социалистик индустрия» газетасида босилган бўхтондан иборат «твардовскийга очиқ хат»идан кейин шоир юрагидан отилиб чиқди.

«...Бу сафар ҳаммаси ниҳоясига етганлигига ҳеч кимда шубҳа қолмади», — қайд этилади кундаликда 1969 йил 6 ноябрда, Солженицин Ёзувчилар уюшмасидан чиқарилганидан сўнг ва бир ҳафта кейин, 13 ноябрда: «Ҳаммаси пишиб етилди — тезроқ ҳал қилинса эди...»

1970 йил 4 февралда Ёзувчилар уюшмаси Котибияти гарчи кўп вақтлар эъзозлаб, авайлаб келганига қарамай, «Новый мир» журнали Бош муҳаррири биринчи ўринбосарлигига яқингинада «Тёркин нариги дунёда»ни бошлаб танқид қилган Д.Г.Большовни тайинлайди ва айни пайтда, Александр Трифонович рад этганига қарамасдан, журнал таҳририятини Твардовскийга мутлақо бегона, айни ўша кунларда унинг «Хотира ҳукми» достонини матбуотда танқид қилган мунаққид А.И.Овчаренко билан «кучайтиради».

Бу, шоирнинг эътирофига кўра, унинг истеъфога чиқиши учун очиқдан-очиқ даъват эди ва шоир кўп ўтмай бу борада ўз аризасини берди.

*Чўкди гарчи «Новый мир», —
Аммо виждон юксакдир,*

деб ёзади 6 февралда Александр Трифонович иш дафтарига.

«Ленинча типдаги партия арбоби», Брежневни хушомад ила шундай аташарди, зудлик билан учрашиш-

ни сўраган кувгинди муҳаррирни қабул қилишни очиқ-часига рад этади. Журнал ҳимояси учун йўлланган ёзувчиларнинг сон-саноқсиз хатлари ҳеч қандай эътиборга олинмайди ва Твардовский ибораси билан айтганда, у ишдан кетганидан кейин «цунами» янглиғ европа матбуоти сари йўналади ҳамда унинг саҳифаларида бу «истеъфо... бутун бир даврнинг тугашидан даракдир», дейилади.

Муҳаррирлик вазифасидан «озод қилинган» (бюрократик янги сўз) Александр Трифонович ўз ёзувларини уч ойга яқин давом эттиради: «Озодликка секин-аста кўникаяпман. Бирон ишга чалғисам, журналга қилинган «муносабат»ни қайтадан ҳис этмасам, қўлёмалар, келиб-кетувчилар ва бошқа даҳмазалардан қутулганлик нашъасини туйиш мумкин. Узоқ йиллардан кейин илк бор ўзим билан ёлғиз қолишим...»

«Мутлақ соғман», — Твардовскийнинг илтимоси (истеъфо ҳақида) қондирилган кунга нақ бир ой тўлган кун битилган ушбу сўзларда қаҳрли, аччиқ кинояни ва пинҳон изтиробни англаш қийин эмас. Шу саҳифанинг ўзида, «ёзишга мажолим йўқ», деб бекорга айтилмаган.

Фақат бир неча кундан кейингина шоир «соғлиғи» ҳақидаги мавзуга қайтади: «Менинг ёруғ дунёдаги ушбу баҳорим, — ёзади у март охирида, балки севимли Пришвин иборасини эслаб, — кўп йиллик касалликдан соғаярканман, «дардим» ортда қолганлигига ишонгим келмайди. Дардим — 12 йил (муҳаррирликнинг иккинчи муддати — А.Т.) дам олишсиз давом этди... Ва бутун дунё «Новый мир» ўзининг мислсиз оғир аравасини сўнгги соатгача тортганини, балки уни тортиш мумкин бўлмай қолганда ҳам тортганини англаб етди».

Қаҳрамонона фаолиятнинг ихчам таърифи! Бир оз вақт кейинроқ ёзишни мўлжаллаган «Новый мир»да 16 йил» (икки муҳаррирлик муддати ҳақидаги) китоби ҳақидаги ёзув пайдо бўлади, кейин — «ўзининг фикрига мос келадиган» материалларни саралаш тўғриси-

да гапирилади, лекин бу фикр фикрлигича қолади.

Сўнг бирдан совуққонлиги билан дилни титратувчи сўзлар: «Ҳамма нарсага лоқайдлашиб бормоқдаман, халларим ва ниятларимга қадар» (1970 йил. 23 май). Ўн кундан кейин ёзувлар батамом тўхтади. Абадул-абадга.

«Юпқалашар қолган кунлар қобиғи», — бу сатр илгари ҳам йилт этган эди, бироқ у пайтлар «қайғу-ғамга чўкиб кетмаслик» умидида айтилганди.

Энди қайғу-ғамлар гирдоби бутунлай комига ютди...

Бўлмаса-чи! Ахир, бу «жафокаш»нинг йиллар бўйи «бўйинтуруқ бўйинини яра қилиб, балчиқларга ботиб, қияликлардан сирпаниб, катта сабр-тоқат билан аравани тортганига» ҳайратланмай бўладими? Бу йиллар мобайнида ўқувчиларнинг руҳан қўллаб-қувватлаши, уларнинг журналдан кетманг, деб қилган астойдил илтимослари, шунингдек, аксарияти мутлақо нотаниш бўлган кўплаб одамлардан келаётган самимий хатлар унга улкан суянч бўлди. «Ўзимнинг қанчалик машҳурлигимни менга ўша қайғули, босқин уюштирилган ҳафталар ва ойларда росмана ҳис этиш насиб этди», — деб ёзади шоир 1970 йил майида «ўқувчилар (қисман ёзувчилар)нинг ҳам янги хатлари тўлқини ҳақида» гапириб. Энг оғир кунларда у Ольга Бергольцдан «ғалати» («аслида ҳам ғалатими?» — дарҳол ўзини таҳрир қилади Александр Трифонович) телеграмма олади: «Ҳамиша, ҳамиша, ҳамиша Сиз биланман». У Борис Бабочкин, Михаил Ромм, Эмил Гилельслардан ҳамдардлик сўзларини эшитади.

Твардовский ҳамиша муҳаббат қўйган ва мураббий санаган катта адабиёт ҳам ёрдамга келди. «Михаил Еврафовични ўқиб чексиз лаззат оламан», — деб ёзади у, Шчедриннинг «Монрепо паноҳгоҳи» ва «Йил бўйи» асарларини қайта ўқиб (улардан олинган фикрлар ва ўткир иборалар илгари ҳам Александр Трифонович томонидан раҳбарият билан баҳсда ишлатилганди). «Уруш ва тинчлик»нинг навбатдаги мутолаасидан сўнг эса «мусофирликда узоқ йиллар сарсон-саргардон юриб, туғилган остонасига, муқаддас ҳақиқат, одамийлик, эзгу донишмандлик даргоҳига қайтгандек» сезади ўзини ва

ҳар томондан даф қилувчи, саёз ва дағал муносабатлар барҳам топиб кетгандек туюлади. Ишчи дафтарларнинг кўп саҳифалари Томас Манндан кўчирмалар билан тўлдирилган. Твардовский ўзи учун танқидчи-Блокни кашф этади, айниқса, унинг жонбахш ёғдусида кўнгли яйрайди (ундан «ҳамма тубанлик чекингандек гўё»), Цветаева хатларидан таралувчи «тоза шеърят ва маънавиятнинг олтин шуъласи» ажиб руҳ ато этади. Ўз марҳум ходими А.К.Тарасенковнинг Пастернак билан суҳбатларини алоҳида қизиқиш ва қониқиш билан ўқийди ва Пастернакда «ақлли, ҳалол ва ниҳоятда бахтсиз, бироқ даврни ва санъат моҳиятини... тўғри тушунадиган инсонни» кўради.

Ушбу ёзувларнинг айримлари кейинчалик мисраларга ва образларга айланди.

Муаллиф ўзи эътироф этганидек, «бош» китобининг (илк манбалари урушнинг сўнгги йилларидаги қайдларда акс этган) оқсашига асосан унинг ҳамма нарсага, ҳали қаламидан тўкилган ёки тўкилмаган нарсаларга бўлган ўта талабчанлиги «сабабчи»дир. Улар ижоднинг силжиши борасидаги ёзувларда ва қайдно-маларда яққол сезилиб туради: «... Сўзларнинг ер узра тўшалаётганлигини кўрдим... Ҳар тонг қақнус қушни тутгандек бўламан, лекин кун ярмига борганда, у думи юлинган товуққа айланиб қолади... Шудгор чуқур олинмаяпти... Катта майдонга чиқиш йўллари йўқ...»

Буларга қарамасдан, бирмунча қулай шароитда Твардовский қалбини «Тёркин нариги дунёда»нинг сўнгги нусхаси устида ишлаётган пайтидаги каби туйғулар эгаллашига умид қилиш мумкин эди: «Янги бир қатламга дуч келганлигимни ҳис этиб турибман, фақат чуқурроқ кириб боришдан чўчимаслик керак».

«Ўзимда ҳали куч ва имкониятларни сезиб турибман», — дейилади дафтарнинг ҳатто 1970 йилнинг оғир февралда ёзилган саҳифасида ҳам. Ҳеч қандай мўлжал-режасиз — балки янги «Пан» асарини ёзиш борасида пишиб турган фикрлари туфайлими — дафъатан сўнгги июн саҳифасида 1938 йилда отаси ҳақида битилган шеъри қайта кўчириб ёзилган...

Бироқ ушбу асарни ёзиш насиб этмади.

Иш дафтаригадаги ёзувлар узилди. Бир ярим йилдан кейин муаллифнинг ўзи ҳам ёруғ дунёни тарк этди.

Улар ҳамма ёзилган ва васият қилинган нарсаларни «кўмиб ташлаш»ни (Мария Илларионовнанинг сўзларини яна бир ёдга олсак) уддасидан чиқишолмади.

Бу ҳар қанча мантиққа зид бўлмасин, бамисоли ташлаб кетилган «қалъа» — «Новый мир»да кимдир — соғлиғи, кимдир янги бошлиқнинг «босими» туфайли ишдан кетса ҳам — аввалги гарнизон жангчилари на фақат Александр Трифонович эълон қилиш учун қабул қилиб олган асарларни эмас, балки янги «Новый мир» руҳида ёзилганларини ҳам «судраб чиқишга» (қаҳрли кузғунлар ибораси) муваффақ бўлардилар ва журналга яқин кишилардан бирининг гувоҳлик беришича, бу эса «ғоявий раҳбариятда навбатдаги юрак хуружига, тутқаноққа сабаб бўларди».

Александр Трифоновичнинг таҳририятда кечаётган жараёнларни қаттиқ диққат-эътибор ва рашк билан кузатиши сира ажабланарли эмас, бироқ, афсуски, сўнгги «Брест қалъаси ҳимоячилари»га нисбатан ҳар доим ҳам адолатли бўла билмади. «А.Т.нинг хуноби қайнаб кетмоқда», — деб ёзган эди унга ҳамиша чексиз садоқатда бўлган Алексей Кондратович. Твардовский унинг «жамоа» билан муомаласига пичинг қилади ва ёзувлар давомида деярли таҳқиромуз сўзлар билан таърифлайди. Шунингдек, бундай сўзлар «Дорош ва Марьямовнинг қатъиятсизлиги ва номардларча келишувчанлиги» борасида ҳам айтилган.

Ҳақиқатда эса кекса ва касал ходимлар Твардовский изидан боришга ҳар қанча уринишмасин, улар «юқори»нинг жиддий тазйиқига, ҳатто тақиқига дучор бўлишарди. «Шауро (МҚ маданият бўлими мудир — А.Т.-в.) ҳеч кимни бўшатмасликка буйруқ берди, — деб ёзади Кондратович. Касал бўлишса, майли, бюллетенга чиқишсин, фақат кетишмасин. Дорош касалхонага ётсин — майли. Марьямов бюллетенга чиқсин

ва ишга келмасин — майли. Фақат таҳририят аъзолари рўйхатида ҳамма аввалгича қолса бас, токи А.Т. билан ҳамма кетибди, деган тасаввур уйғонмаса бўлгани.»

Кейинчалик Кондратович бу фикрни шундай шарҳ билан тўлдирганди: «Бироқ ушбу жиҳатни эътиборга олмаслик мумкин эмасди: гарчи бизга ва менга, ўша Лакшинга ҳам таъна қилиш осон бўлса-да, — ҳар қалай, бизни ишга жойлаштиришганди. Уларни кўчага чиқариб ташлаш керакмиди? Ўз хоҳишлари билан-а? Кейин уларга ким иш беради, айниқса, бизларникига ўхшаган дуруст маош билан?»

Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш лозимки, қолган «жамоа»га (кинояли қўштирноқ эҳтирос ҳовуридир) нисбатан бўлган маломат ва гина-кудратга қарамай, Александр Трифонович кечаги ходимларини ўзи томонидан бунчалик таҳқирланишига йўл қўя олмасди, бироқ афсуски, унга бир пайтлар ўринбосарлик қилган В.Я.Лакшин яқинда эълон қилинган кундаликларида бу борада ҳар қандай ҳақоратпарастдан ўтиб тушган («Дружба народов», 2003, 4–6; 2004, 9–11 сонлар).

Эндиликда, барча эҳтирослар сўниб бўлган бир паллада Твардовскийнинг журналга қилинган катта ҳужум ва ундан «хулоса чиқариши» лозим бўлган бир пайтда у битган қайдларни чуқур хайрихоҳлик билан ўқиб чиқасан: «...ишнинг тазйиқ остида бирдан тўхтаб қолишини тасаввур қилиб бўлмайди, зеро, шаклланган руҳ энг сушт равишда бўлса-да, давом этади» (21 апрел, 1964 й.)

Ҳақиқатан ҳам, Твардовскийнинг «Новый мир» журналида шаклланган «руҳ» шукуҳи кейинги йилларда тобора яққолроқ сезилиб, ҳатто энг пачоқ журналда ҳам, бутун кейинги адабиётда ҳам акс этиб турди.

«Тёркин» устида иш қизғин бораётган бир пайтлар шоир хотинига «мени қандайдир хавотирли қувонч туйғуси чулғаб олади, бу ҳалол бахт ва жасорат кўрсатилганда бўладиган қониқиш туйғусидир», дея изҳори дил қилган эди.

Ўзининг фожеали даражада яқунланган ҳаётининг «тубида», «энг теран нуқтасида» у ўзига хос мутойиба билан, деярли тёркинона оҳангда дейди:

*Шунчаки берилмас
Тириклик ёрлиғи, —
Келиб мен дунёга,
Билдирдим борлигим.*

Ушбу оддий ва камтарона сўз ўз замирида «ҳалол умр туйғуси» мужассам бўлса, не ажаб?..

*«Дружба народов» журналининг
2006 йил 1-сонидан олинди.
«Жаҳон адабиёти» журнали,
2006 йил 5-сон*

СТАНИСЛАВ ГОВОРУХИН

ХАЛҚНИ ЭҲТИЁТЛАШ

1992 йилнинг декабри. Нью-Йорк. Мен эндигина Аляскадан қайтиб турган пайтим (у ерда кино суратга олгандим), бироз тумовлаб қолганман. Бир ётганимча сигарет ҳиди анқиган меҳмонхона бўлмасида ўзимга келдим. Меҳмонхона Нью-Йоркнинг энг ташландиқ жойида — Бродвей ва 42-кўчанинг гадойлар ҳамда фоҳишалар биқсиб ётган жирканч бурчагида жойлашган.

Тўшақда чўзилиб, китобларга кўмилганча ётибман, бу ердаги рус дўкони ҳали бизга етиб бормаган китоблар билан тўла экан. Маъданли ичимликни шишаси билан кўтарарканман (лоҳаслигимни босиш учун), телефон жиринглаб қолди:

— Салом, сиз билан Наталья Дмитриевна Солженицина гаплашмоқда.

Нақ телепатиянинг ўзи. Чунки мен айни пайтда Солженицин қандай қилиб изига тушган айғоқчиларни

адаштиргани, КГБнинг тажрибали ёлланма қотилларини доғда қолдиргани ҳақидаги қизиқарли детективни ўқимоқда эдим. (Кези келганда айтиб ўтайки, шу кунгача «Эманни сузган бузоқча» асари жозибаси, воқеаларининг таранглиги билан мен билган детективлар орасида алоҳида ажралиб туради.)

– Станислав Сергеевич, – давом этди Наталья Дмитриевна, – сиз Америкада бўлганингизда бизникига кириб ўтишга ваъда бергандингиз...

– Тўғри... – чайналдим мен. – Мен бунини шунчаки лутф деб ўйлагандим... «Вақтингиз бўлса, бир кириб ўтинг», деб манзират қилишади-ку, одатда.

– Йўқ, йўқ. Александр Исаевич шунчаки манзират учун гапирмайди...

– Мен бу ерда бироз тумовланиб ҳам қолдим...

– Мен сизни ҳозироқ даволайман. Дорихонага кириб... Айни пайтда тумовга ажойиб дорилар чиққан...

Ва у мени даволай бошлади. Кунига икки-уч мартадан сим қоқиб, соғлигимни суриштириб турди, кейин уларникига – Вермонтга қандай боришимни тушунтирди.

Очиғини айтсам, жойимдан кўзғалгим йўқ эди. Ахир, улуғ ёзувчига рўбарў бўлишни, унинг қўлини миннатдорлик билан сиқишни ким ҳам истамайди, бироқ... Бу ерда, Нью-Йоркдаги ғайри фикрлилар давраларида менга у ҳақида алламбалоларни гапириб беришган эди: унинг феъл-атвориغا тоқат қилиб бўлмас эмиш ва қатор-қатор телекамералар ўрнатилган баланд деворлар ортида яшармиш... Ўзи билан қамоқхонада ўтирган одам бир амаллаб унинг ҳузурига кириб борганида у унга бор-йўғи ўн беш дақиқа вақт ажратган эмиш...

Мен бу гапларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдим. Ахир, шунақаси ҳам бўлади-ку баъзан: истеъдод зўр, лекин феъл-атвор тоқат қилиб бўлмайдиган даражада... Бироқ бунинг бошқа бир жиҳати бор... Мен кўпинча одамлар ҳақида шундоқ хулоса чиқараман: менга хотинингни кўрсат, сенга кимлигингни айтиб бера-

ман. Бу борада янглишмайман. Баъзан шундай гап кулогингга чалинади: «Ўзи-ку тилла одам, фақат хотини ярамас-да». Бу фирт нотўғри. Агар шундоқ бўладиган бўлса, бу феълдан унинг ўзида ҳам бир тутим бор; бекорга айтишмайди-ку, ахир «хотин ва эр — иккиси бир гўр», деб.

Мен эса Солженициннинг хотинини яхши кўриб қолишга ҳам улгурдим. Ҳозирча — телефон орқали. Кейинчалик — ўзини кўрганда. Мана, орадан неча йиллар ўтган бўлмасин, менинг Наташага меҳр-муҳаббатим ортса ортдики, сира камайгани йўқ.

Қисқаси, мен чипта сотиб олдим-да, йўл-йўлакай гул учун қайрилдим, кейин америка «кукурузниги»га ўтириб, бир соат-бир ярим соатдан сўнг Вермонт штаатидаги Кавендишда ҳозир бўлдим. Мени Наталья Дмитриевна кутиб олди ва биз вермонтлик зоҳиднинг қароргоҳига йўл олдик.

Мен Нью-Йоркда эшитганларимнинг барчаси фирт уйдирма эканлигига амин бўлдим. Айниқса, «баланд деворларга ўрнатилган телекамералар...» Уларнинг ўрнига мен йиртқичлар ўтмасин учун тутиб кўйилган симтўрларни кўрдим: улар айрим жойларда ер бағирлаб қолганди, демак, бу ҳудудга Канада томондан баъзан бўрилар ўтади.

Биз уйга етиб келдик. Мени Иртиш лақабли пахмоқ қора кучукча қаршилади. Оиланинг кенжатоғи Стёпка, бирам ажойиб аёл — Наташанинг онаси, Солженициннинг қайнонаси — Екатерина Фердинандовна (уни у Катенка деб таништирди) пешвоз чиқишди.

Иш хонақоҳи — кабинет аталувчи уйчадан Александр Исаевич чиқиб келди. Кўйлакчан, юпқа пайпоқда (кўчада қор ёғар, ажабтовур изғирин эди); ёқимли табассум билан (унинг кўзлари кулиб турарди), жисмонан чайир кўринарди (спорт билан ҳеч қачон шуғулланмаганди), навқирон, ғайратли, хушқомат — қадди-басти йигитлардан қолишмасди. Ўшанда у 74 ёшда эди.

– Катенка, – муружаат қилди у Екатерина Фердинандовнага, – тушлигингиз қачон?.. – Кейин менга юзланиб деди, – тушликкача жиндек ишлашингиз ҳам мумкин...

Биз кабинетга кўтарилдик. Столлар, столлар, столлар. Ҳар бири устида майда ҳарфлар билан қаламда ёзилган қоғозлар, китоблар, маълумотномалар...

– Тарихнавис ёзувчига столлар керак бўлади, – тушунтирди Александр Исаевич. – Мен бунга «Қизил филдирак» устида ишлаётганимда англаб етдим. Шунда ҳамма нарса қўл остингда бўлади, керакли китоб ёки маълумотномани ахтариб жавонларни титкиламайсан. Ҳикоя эса... Ҳикояни мен тиззамда ҳам ёзишим мумкин.

Хонага разм соламан – диван ҳам, каравот ҳам йўқ. У қаерда дам олади? Кунига 14 соатлаб ишлаб, наҳотки бир неча дақиқага ором олиш учун оёқ узатиб олмасан...

– Йўқ, мен ишлаётган вақтимда ҳеч қачон чўзилмайман. Мабода, толиқсам оромкурсида... мусиқани қўйиб, жиндек мизғийман...

– Қанақа мусиқаларни тинглайсиз? Ишлаётганингизда қайси мусиқа сизга кўпроқ ёқади?

– Ҳар хили. Мумтозлари, албатта. Айниқса, Шуманни ёқтираман...

– Сайрга ҳам чиқасизми? Бу ерда ўрмонлар ажойиб экан...

– Йўқ. Деярли йўқ. Бу мени чалғитади. Доим оёқнинг остига қарашга тўғри келади – ҳар қадамда дўппайган илдизлар, кўлмаклар... Мана бу ойнаванд айвонда баъзан юриб қоламан – у ёққа-бу ёққа...

Мен айвонга назар ташладим. Етти қадам олдинга, етти қадам орқага.

– Бу нақ қамоқхонадагидек, – дейман.

– Мен бунга кўникиб кетганман, – хахолайди.

Кейин биз ишга киришдик. Икки кун давомида у менга рус тарихи бўйича маъруза ўқиди. Қани ким мақтана олади, менга тарихдан улуғ рус ёзувчиси маъруза ўқиган деб? Ҳам улуғ тарихчи-олим! Менинг эса бунга ҳаққим бор.

«Биз йўқотган Россия» номли фильмимни суратга олаётган эдим, менга айна пайтда бу маърузалар айниқса асқотадиган бўлди! Биз асосий диққат-эътиборни феврал инқилобига қаратдик. Эндиликда Октябр инқилоби содир бўлмаганлиги ҳаммага беш қўлдек аён. Большевикларга ҳокимиятни забт этиш шарт бўлмагани — у кўчада улоқиб ётарди. Буюк мамлакатни хароб қилган бешафқат, қонли, қаттол инқилоб 17-йилнинг февралида бўлиб ўтгани.

У беназир мураббий эди. Туғма муаллим — Рязань мактаби ўқувчиларининг оғизларини очганча уни қандай тинглаганликларини тасаввур қиламан. У ёрқин, ифодали, ишончли далиллар билан гапирарди.

— Ҳаммаси давлат асослари — дин ва полицияни йиқитишдан бошланди. Бунда, айниқса, бизнинг зиёлиларимиз камарбаста бўлдилар. Эслаб кўринг, рус адабиётининг энг салбий персонажлари кимлар эди? Руҳоний ва миршаб! Ҳатто Пушкинда ҳам бор бу: «Бор эди руҳоний — далли-девона, силлиқ пешона...»

Дин пешволарига бўлган бу ҳурматсизлик инқилоб арафасида ўзининг авж пардасига кўтарилди. Мана, сизга бир мисол. Қишлоқ кўчасидан поп ўтиб бормоқда. Уни узоқдан кўрган болалар темирчи ёнига югурдилар ва тақани оловда қип-қизил бўлгунича қиздиришиб, кўчадаги тупроққа ташлаб қўядилар.

Поп эса — содда деҳқон эмасми. Унинг турмушида асқотиб қоладиган нарсани кўриб қолганда эгилиб олмасдан, лоқайд ўтиб кетиши мумкинми? Бозиллаган қўлига пуфакчалар тошиб кетади — бундан болалар хахолашади. Катталарнинг ҳам оғзи қулоғида...

Соат бирларга яқинлашганда менинг муаллимим сабоғини тўхтатди.

— Сайр қилинг, чекиб олинг... Йигирма дақиқадан кейин қайтаман...

Мен хонада айландим, стол устига батартиб таҳланган қоғозларга кўз югуртирдим... Қандай бахт! Мен ёзувчи ижодхонасининг нақ меҳвариди эдим... Наҳотки

у ҳаммани бу ерга қўйса? Тағин эсимга нью-йорклик уйдирмачиларнинг Солженицин ҳақидаги алмойи-алжойи фиксқ-фужурлари тушди. Сўнгроқ, Солженицин публицистикаси билан танишгач, мен бу нафрат табиатини теран англадим. Бу унинг уларга жавоби эди. У ҳам аяб ўтирмаган. Уларнинг турли анжуманлар, йиғинларга таклифларини у қабул қилмаган. Уларнинг ҳақоратомуз тажовузларига жавоб қилмаган (жавоб қилган бўлса кейинроқ ҳаммасига бир йўла қойилмақом қилиб жавоб қилганки, бу рус публицистикасининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил қилади); у ўз юртини шундоқ қийин пайтларда ташлаб, Россияни тарк этганларни умуман тушунмасди (у ерда уларга ҳар қанча қийин бўлмасин).

У эса ўзгача яшаб, ўзгача йўл тутди: Нобель мукофотини олиш учун боргани йўқ, чунки қайтишга қўймасликлари мумкин эди; ҳар қалай шу гапни кўп такрорларди: «Мен Россияни фақат қўлимда кишан билан тарк этаман». Дʼэярли шундоқ бўлди ҳам.

Мен хона ичида юрарканман, шу ҳақда ўйлардим — эсимга ўзимизнинг можарокашларнинг унинг йирик асари ҳақида айтган таҳқиромуз маломатлари тушди. Мана, у жавонда турибди, — «Қизил гилдирак», унинг уй босмахонасида терилиб, Парижда чоп этилган таптайёр ўн-ўн икки жилди.

— Александр Исаевич, ўзингиз яхши тушунасиш... ҳозир халқ енгил нарсаларни ўқийди... Бу семиз китобларни кимнингдир бошдан-охир мутолаа қилишини тасаввур қилиш мушкул...

— Жудаям яхши тушунаман, — кулади у. — Ўқиши шарт ҳам эмас! Сизга ҳам маслаҳат бермайман. Бироқ... Сиз майда ҳарфларда терилганларини албатта ўқиб чиқшингиз керак, — улар ҳужжатлар. Оддий китобхон масаласига келсак... Кимдир ўқиб чиқади... Кўпчилик эса, албатта, ўқимайди. Бироқ келгусидаги тарихчи — Феврал инқилоби тадқиқотчиси бу иш олдидан лоқайд ўтмаслиги шак-шубҳасиз. Акс ҳолда унинг тадқиқоти ҳечам тўқис ва росмана иш бўлолмайди...

Бироқ бу суҳбат кейинчалик, менинг Вермонтга иккинчи бор келганимда кечади. Ҳозир эса... Эшик очилиб, қаламда ёзилган қоғозча билан Солженицин кириб келади... Негадир чеҳраси тунд — Москва радиосини эшитган экан, билсам... Рўпарамга ўтириб, ёзиб олган қайдларига қараб, сўнгги кунда Ватанда нималар содир бўлганлигини гапира бошлайди...

Мен ўшандаёқ — биринчи келганимда унинг Россияда нималар бўлаётганлигини ипидан-игнасигача билишидан дол қолган эдим. Мен пойтахтда яшаб туриб, ҳар куни янги газетани варақлаб, радио эшитиб, телевизор кўриб, бунинг устига — мамлакат бўйлаб кезиб (ҳафта сайин менга сафар чиқиб турарди), 18 йилдан буён Ватандан четлаштирилган одам билганларининг ярмисини ҳам билмас эканман.

Кейин биз Екатерина Фердинандовна тайёрлаган тушликни, тўғрироғи кечки таомни тановул қилдик — соат беш-олтилар бўлиб қолган эди, ташқари қоронғилашганди. Жуда оддий ва мазали рус таоми. Фақат ароқ Данияники — рус ароғи Вермонтда йўқ. Бир қадаҳдан ичдик. Кечқурун алламаҳалгача Наташа билан ошхонада ўтирдик, ғарбчасига тайёрланган таомлардан тотиндик. Александр Исаевич хонасига йўл олди ва унда чироқ ёнди.

— Нима у, яна ишламоқчимиз?

— Йўғ-а... Ишга тайёргарлик кўради: режа тузади, кўчирмалар қилади. Ўқийди...

Эрталаб ундан бу қадар ишчанлигининг сири нимада, деб сўрадим. Кунига ўн икки-ўн тўрт соатлаб, тинимсиз, байрамларсиз, дам олиш кунисиз ишлаш осонмас...

— Уйку, — жавоб берди Александр Исаевич. — Фақат уйку. Мен тўйиб ухлайман...

Мен унинг кечқурун чой ҳам ичмаслигига эътибор қилдим. Доғ сув, шақиллаб қайнаган доғ сув — стаканда тагчаси билан — чойдек ичади. Ўн бирда ўринга кирган бўлади. Китоб билан... Соат еттида туради, саккизда — иш столида бўлади.

Александр Исаевич менга ўз «дала-ҳовлиси»ни ҳам кўрсатди. Тик адир остида, уйдан юз қадамлар нарида булоқ қайнаб турибди; ундан оққан сув мўъжазгина кўлга ҳам айланган. Унинг қирғоғида эски кулба кўзга ташланади, ўтинхона тахлит. Александр Исаевич ўзига така ясаб олиб, сув бўйига гўладан стол ва курси ўрнаштирган ва бутун ёзни тушликка ҳам бормай шу ерда ишлаб ўтказган; эрталаблари муздек сувда чўмиларди... Бу унингча «дала-ҳовли гашти» эди.

– Бир куни ишлаб ўтиргандим... Бирдан кўзим тушиб қолди: чакалакзордан иккита ит чиқиб келарди. Бирам ғалати итлар... Қарасам – бўрилар!

– Кейин у ердан буткул кўчдингизми?

– Йўқ, ишда давом этдим, фақат ўзим билан тўппонча олволадиган бўлдим...

Мен Нью-Йоркка отланарканман, Наташа ва Екатерина Фердинандовна билан «йўл оёғи» қилаётганимизда, Солженицин турли-турфа китобларни тутқиза бошлади:

– Мана буни сиз ўқишингиз керак. Мана бунисини – сўзсиз! Мана буни зерикканингизда мутолаа қиласиз.

Мен муқовага кўз югуртирдим: «А.Солженицин. Публицистика». Мен бу китоб номини кўп бор эшитиб, кўзим билан кўрмаган эдим... Унда «Маърифатбозлик», «Бизнинг плюралистлар» сингари машҳур мақолалар борлигини билардим...

– О-о, Александр Исаевич! – дейман. – Дастхат ёзиб беринг, илтимос!

У китобни олиб, меҳмонхонага кириб кетди ва бориб кичкина курсига ўтирди. Китобни очиб, ниманидир ёзаркан, ўйланиб қолди... Биз Наташа иккимиз ошхонада гаплашиб турибмиз; мен кўз қирим билан уни кузатаман.

Мана, яна у ёзмоққа тутинди... Тағин ўйланиб қолди. Мен нима деб ёзмоқчи эканлигини тасаввур қилишга уринаман. Қандайдир тилак ё истак... балки Россияга боғлиқ гапмикин...

Александр Исаевич кўлимга китобини тутқазди... Мен

уни халтамга жойлаб кўйдим, кўлини сиқиб хўшлашдим, Екатерина Фердинандова билан ўпишиб хайрлашдим... Сўнг Наташа иккимиз машинага ўтириб, аэропорт сари ошиқдик – вақт зиқ эди... Сўнг мен Бостонда рейсни алмаштириб, Нью-Йоркка учдим. «Ла Гуардия» аэропортида мени дўстларим кутиб олишди, биргаликда япон ресторанига кирдик... Уларга Солженицин ўз китобига мен учун дастхат ёзиб берди дея мақтанганим эсимда... Тунаш учун дўстларимдан бириникига бордим; мени тонгда уйғотишиб, бир амаллаб Москва учоғига етказиб боришди...

Учоқда ўтирган кўйи ўзимни ўзим сўкаман: эҳ, каллаварам, халтадаги китобни-ку олиб кўйсам, ҳозир ўқиб ўтирган бўлардим... Ҳаммадан муҳими – унинг нима деб ёзганлигига кўнглим ниҳоятда интиқ эди...

Қисқаси, Москвадаги хонадонимга етиб боргач, мен ечинмай туриб, халтани очиб, китобни олдим-да куйидагиларни ўқидим: «Станислав Сергеевичга ҳурмат билан Солженицин».

Кейинчалик мен Наташадан сўрадим:

– У нима ҳақида узоқ ўйланиб қолганди?

– Биласизми, Слава, – у менга тушунтира бошлади, – унинг учун ўзга бир одамга қай тарзда – қандай ҳуқуқ билан мурожаат қилмоқлиги жуда муҳим. Айтайлик, сизнинг таниш-билишлигингиз яна давом этадиган бўлса ва у сизни кўпроқ билса, «чин юракдан» ёки шу сингари бошқа ниманидир ёзган бўларди...

Нима ҳам дейсан... Солженицинлар – мана шунақа.

Биз, албатта, мудҳиш хабарга тайёр эдик – кейинги икки-уч йилда у ўзини ёмон ҳис эта бошлаганди. Унинг ўзи ҳам бу дунёни муносиб тарк этишга руҳан тайёр эди. Барибир – бошга тўқмоқ ургандек бўлар экан...

Илиқ денгиз соҳилида ётганимда – менга кўнғироқ бўлиб қолди... Эртаси тонгдаёқ Москвада ҳозир бўлдим.

Уни Улуғ урушнинг қатнашчиси, жанговар офицер сифатида ҳарбийларга хос ҳурмат-эҳтиром билан кузатишди. У билан видолашишга иккала президент ҳам

келди. Кўчани унинг номига қўйишди. Тақдир ҳазилини қаранг: Катта Коммунистик проспектини коммунизм гўркови номи билан аташди. У рамақи коммунизм таназзулини олдиндан кўрган ва уни тезлаштиришга бор имконини ишга солганди.

91-йил августида унинг ягона хати келиб, унда «Эврилиш инқилоби билан табриклайман» деган қутлов сўзи бор эди. Бу калимани у кейин бирор марта ишлатмаган. Бинобарин, коммунизм интиҳоси 1991 йилнинг 21 август куни билан муҳрланган. Бироқ Солженицин бунақа «эврилишни» орзу қилмаганди. Янги «озод» Россия шунақанги мудҳиш қиёфа касб этади деб ким ўйлабди! Муҳим лавозимларни яна ўша коммунистларнинг ўзи эгаллашди. Улар бунча буқаламун бўлмаса! Қиёфасини ўзгартирганлар дафъатан демократларга айландилар. Энг юксак тахтга Сиёсий бюро аъзолигига номзод ўтирди, вилоятларни обком котиблари ўзлаштирдилар... Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган талон-торожлик бошланди...

Россия бундай кулфатни 17-йил феввалида бошидан кечирган эди. Феврал инқилоби табиатини яхши ўрганган Солженицин воқеаларнинг бундай тус олишини олдиндан кўриши ҳам мумкин эди. Бироқ ақли бовар қилмаганди — наҳотки улар тарих сабоқларини мутлақо унутсалар? Муқаддас китобда айтилмаганми, ахир: «Оллоҳ шуни уқтиради: ўз йўлингизда тўхтанг ва қадимда ўтганлар йўлини сўранг, қайси бири тўғри бўлса, ўшандан юринг».

Йўқ, тўхташмади, сўрашмади, ўтмишга қайрилиб боқишмади. Лекин у 91-йил августига қадар рус жамиятини ҳалокат йўлига ўтишини тўхтатиш борасида огоҳлантириб бонг урган эди. У мўъжазгина (каттасини доҳийларимиз англашга ожизлик қиладилар деб) ва ихчамгина «Россияни қандай қилиб фаровонлаштиришимиз мумкин» деган китобини ёзди.

Бунга шунчаки истехзо билан қарашди. Бутун бошли китобдан янги сўз — «фаровонлаштириш» ўзлашди, холос. Бу сўз рус тили луғатидан мустаҳкам ўрин

олди. Мана, шундан буён йигирма йил ўтибдики, ҳамон «ободонлаштирмақдалар». Айниқса, китоб биздаги юқори давраларда истехзога дучор бўлди. «Ўзининг Вермонтида туриб, у нимани ҳам кўрарди?» Гўё «улкан нарса йироқдан яхши кўринади» деган калимани мутлоқ эшитишмагандек. Горбачёв, ўзининг эътирофига кўра, китобни кўлига қалам олиб икки марта ўқиб чиққан. Бироқ ҳеч нарсани уқмаган ва қабул қилмаган.

Мен зиёлиларимизга бу рисола ни бугунги кунда ўқиб чиқишларини маслаҳат берардим. Албатта, кеч, — йўл кўйилмаслиги мумкин бўлган хатоликлар барчаси содир бўлган. Бироқ ўзларининг ким эканликларини билишга восита бу.

Шундан икки жумла: «Интизом ва ҳалолликсиз шахсда ҳам, давлатда ҳам эркинлик бўлиши мумкин эмас. Айниқса, демократик тузум кучли қўлни тақозо қилади, токи у давлат рулини тўғри йўналишга бура олсин».

О, бизнинг зиёли оммамизнинг жўрликда жар солганини кўрсангиз: «У «кучли» қўл тарафдори, демак диктатурани истайди!»

Балки китобдаги энг муҳим гаплардан бири ушбу дир:

«Агарда миллатнинг руҳий қуввати сўнган бўлса, ҳар қанақанги давлат тизими ва ҳар қанақанги саноат ривожи уни ўлимдан қутқариб қололмайди, зеро, ўзаги чирик дарахт йиқилади. Ана шунда юзага чиқадиган эркинликлар орасида виждонсизликнинг олий мавқега кўтарилиши шак-шубҳасиздир».

Мана, ўн етти йилдирки, бизнинг жамиятимиз бош миллий ғоя нимада эканлигини идрок этишга интилмоқда.

Солженицинни ўқисалар бўлмайдими! Унинг жамики мақолалари, жамиятга, унинг илғор отряди бўлган зиёлиларга, мамлакатлар йўлбошчиларига мурожаати битта ғоя билан — халқни эҳтиётлаш ғояси билан сугорилган.

Бундан ортиқ мўътабар ва эзгу ғоя борми? Яна қанақанги мақсад жамиятни — йўлбошчилар ва фуқа-

роларни чинакамига жипслаштира олади? Тушуниб етишмади, қабул қилишмади. «Халқни эҳтиётлаш» дегани нимаси? Янги доҳийларда «халқ» деган тушунча қаердан бўлсин? Улар учун инсон — бир хомашё. Бу ёғига ҳисобни билсанг, бўлди. Сталиннинг саноғи миллионлаб эди. Уларники — минглаб. «Ислоҳот»ларнинг жами оғирлиги халқ елкасига тушди. Йўлбошчиларнинг жамики хатолари халқ қони билан ювилди. Қанчалаб инсонлар нобуд бўлмади бу тавқи лаънат олган 90-йилларда! Урушдан, очликдан, ҳаётдаги алғов-далғовлардан. Аҳоли нуфуси йилига миллион кишига камайиб борди! Маънан ўлим топганларни айтмайсизми?! Буниси ундан даҳшатлироқ. Ҳеч ким сезмаган ҳолатда, қисқа муддатда (бор-йўғи ўн йил ичида) маърифатли, зиёли мамлакат — Ер куррасининг олтидан бир қисми! — маънан қашшоқ муҳитга айланди-қолди. Бу ҳолнинг умумбашарият ахлоқига таъсир ўтказиши муқаррардир ва ўтказа бошлади ҳам...

Мен унинг ҳали Вермонтдалигида бизнинг ишларимиз ҳақида шу қадар кўп билишлигидан ҳайратланганлигимни таъкидлаган эдим. Ватанга қайтиб, у бутун Россияни кезиб чиқди, раҳбарлар билан эмас — оддий одамлар билан учрашди, минглаб хатларни ўқиди (поёнсиз мамлакатнинг турли бурчакларидан унга ёзишарди), у халқнинг жами ташвиши ва кулфатидан хабардор эди, унинг нима билан нафас олишини, нимага умид қилишини, ҳокимиятдан нимани кутишини биларди.

Бир замонлар Вас. Ключевский шундай деганди (ёдимда қолгани): «Россия тарихида ибратли мисоллар кўп эмас... Бироқ биз шунчалар кўп хатоликлар қилганмизки, яхшироқ бўлишимиз учун уларни такрорламасликнинг ўзи кифоя». Ж.Оруэлл бу фикрни бундан-да ёрқинроқ ифодалаб, ҳикматли гап даражасига кўтарган: «Ўтмишга эга бўлган инсонгина келажакнинг соҳибидир».

Солженицин ҳақида гапирганда у «келажакка калит бўлган» ушбу ҳикмагларни ўзида мужассам этган эди дей-

ишимиз мумкин. Хуллас, у муҳожирликдан ватанга нафим тегади деган катта умид билан Россияга қайтган эди.

Кераги бўлмади.

Маълум бир пайт у телевидение орқали чиқишлар қилди. Энг муҳим муаммолар ҳақида, жумладан, ўқитувчи турмуш тарзи ҳақида гапирди. Ўзи Худо берган ўқитувчи эди, шу боис мамлакатимиздаги ўқитувчилар аҳволини яхши биларди. Унинг фикри содда эди: ўқитувчиси қашшоқ мамлакатнинг яхши яшашга ҳаққи йўқдир. Мен унинг бирорга сўзини ўтказиб юбормай, ютоқиб тинглардим.

Уни эфирдан четлаштиришди. Зерикарли, рейтинги паст эмиш.

Яхши эсимда: ўшанда телеэкрандан киборлар даврасига яқин бир сайроқи суҳандон аёл чиқиб шундай деганди (сўзма-сўз келтираман): «Эшитинглар, қандай ғояни илгари суряпти бу мияси суулган қария!»

У «ҳалқ хизматкорлари» олдида чиқишга розилик берди (балки уларга бирор нарсани уқтиришга эришар) ва Давлат Думаси минбарига кўтарилди. Уни эшитишмади — кулишди, баланд овозда бир-бирига гап қотишди, зал бўйлаб юришди...

Унинг кераги бўлмади... Саройга кераги бўлмади. Кимларнинг маслаҳатларига қулоқ осмадик биз ўша пайтда! Сакслардан, Сорослардан, Биллардан, Гельмутлардан йўриқ олмай бир қадам ҳам босганимиз йўқ... Фақат бир инсоннинг — маслаҳатини, ёрдамини, иштирокини биз миннатдорлик билан қабул қилишимиз керак бўлган инсоннинг кераги бўлмади.

Мен яқиндагина Питердан қайтдим. Айтишларича, Александр Исаевичга сўнгги бор ҳурмат бажо келтирилган куни Питер китоб дўконларидан унинг китобларини шипириб кетишибди. Бу яхшилик аломати — демак, жамият соғломлашмоқда. Демак, Солженицин ҳали керак бўлади! Демак, унинг учун — улуғ фуқаро учун ўлим йўқ. Зеро, ер юзида тер тўкиб заҳмат чеккан, ўзидан яхши ном қолдирган ҳар бир зотга ўлим йўқдир.

Сўзимни Россия президентиға шундоқ мурожаат билан яқунлагим келди: миллий ғояни ахтариб ўтирманг, у бор ва ундан яхшисини ўйлаб тополмайсиз.

Бу ушбудир:

Халқни эҳтиётлаш.

«Литературная газета»нинг
2008 йил 16 сентябр (№ 36)
сонидан олинди
«Жаҳон адабиёти» журналы,
2008 йил 10-сон

АЛЕКСАНДР ЗИНОВЬЕВ

ҲАҚИҚАТ, ФАҚАТ ҲАҚИҚАТ...

Ҳозир сиз танишадиганингиз — қуйидаги монологни Александр Александрович Зиновьев, афсуски, ҳали тугалланмаган фильмда ирод қилган. Биз бу фильмни олимнинг саксон йиллигидан сўнг сурагга олган эдик. Александр Александрович ҳаёт сабоқлари ҳақида оладиган бизнинг хужжатли фильмлар туркумимизга дастлаб рўйхушлик бермадилар, бироқ чинакам олижаноб устоз сифатида таширифимизга тоқатли муносабатда бўлдилар. У билан мулоқот ҳамиша мен учун жуда муҳим бўлган. Бундай руҳан қурч, давр шамолларида мутлақ тебранмайдиган, жамиятда ўзини мутлақ эркин тутувчи инсонлар ҳамма даврда ҳам бармоқ билан санарли бўлган. Александр Александрович — талабчан суҳбатдош, аччиқ тил, тўғрисўз ва муросасиз эди. У бутун XX асрни биттаю битта енгилмас ва ишончли қуроли — ўзи яратган фан тамойили билан яшаб ўтди. Ҳамма нарса илм кўзгусидан ўтказилар эди. Ниҳоятда ҳайратга лойиқ ирода! Жамиятни мана шундай инсонлар ислоҳ қилишиганда эди...

Ҳатто энг оғир хасталик ҳам — биз унинг саноқли кунлари қолганлигини таширифимиз чоғида ҳис этдик, уни ўзгартиролмагани: у ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам, жиддий эди. Биз Зиновьевдан ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз керак...

Юрий ДАНИЛИН

Мана, мен саксон ёшга кирдим. Бу жуда узун умр. Жуда, жуда узун. Ҳеч қачон мен шунчалик узоқ яшайман деб ўйламаганман. Ҳаёт билан ёшлигимдаёқ видолашим мумкин эди. Мени 38-йилда Сталинни ўлдиришни ният қилган террорчилар гуруҳининг аъзоси сифатида отиб ташлашлари керак эди. Нариги дунёга равона бўлишимга уруш йилларида ҳам бир неча бор имкониятлар бўлди. Ҳужумкор авиацияда хизмат қилдим. Ўша йилларда учувчиларнинг ўрта ёши 10 та жанговар учишга тўғри келарди. Мен эса 30 дан ортиқ учиш қилдим. Муҳожиротда менга икки марта суиқасд қилишди, икки марта ўғирлаб кетишга уринишди. Мен эса ҳамон яшаяпман. 80 ёш. Бунинг устига ишляяпман. Ишлагандаям қандоқ денг! Мен ҳатто ёшлигимда ҳам ҳозиргидек ишламаганман. Бироқ йиллар залвори... Ҳаётим борасида, унда нима муҳим бўлганлиги ҳақида ақалли ўз олдимда ўзимга ҳисоб бериш вақти етди, деб ўйлайман. Менинг яшаш тамойилимни, қолаверса, бутун ҳаётим фаолиятимни иккита ҳодиса белгилаб берди. Мен мактабдалиқ давримдаёқ ўзим учун улуғ бир нарсани кашф қилдим: башариятнинг энг ёруғ идеали бўлган коммунистик ғоя ҳаётга татбиқ этилиб, энг қабиҳ разолатларни келтириб чиқармоқдайди. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур кашфиёт бундай вазиятда қандай яшаш керак деган амалий хулосаларни тақозо қиларди. Лубянкада ўтирган пайтимдаёқ мен ўзимга шундай тамойиллар ишлаб чиқдим: идеал жамият бўлмайди, муҳими — сен яшаш учун туғилган жамият ўзидан қандай мазмунни мужассам қилганлиги эмас, аксинчи, сенинг у жамият ҳақида қандай хулосага келганлигиндир. Ўшандан кейин мен ўз ҳаётим дастурини ишлаб чиқдим. Мана, улардан айримлари: шундай яшагинки, гўё сенинг ҳар бир қадамингни Олий Ҳакам кузатиб турибди, у сенинг нафақат ҳар бир хатти-ҳаракатинга, балки ҳар бир фикр-ўйинга ҳам баҳо беради. Шундай яшагинки, ўз ахлоқинг, фикрларинг сен учун ҳеч қачон хижолатли бўлмасин. Мен бу тамойилни муқаддас билиб, ундан бир қадам ҳам чекинмай яшадим. Иккинчи шарт — менинг ҳаётимда энг муҳим нарса билим бўлмоғи керак.

Ҳақиқат, фақат ҳақиқат, ҳамма ерда ҳақиқат, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳеч нарса билан ҳисоблашмаган ҳолда — ҳақиқат. Менинг илмим замини кўп йиллар давомида ўзим яшаган жамият бўлди. Коммунистик жамият, совет тузуми. Ўйлайманки, бу тузумни тадқиқ қилиш борасида кўп нарсаларга эриша билдим. Мен совет жамиятининг илмий назариясини, унинг ўз илмий услубиятини, ўз умумий ижтимоий назариясини ишлаб чиқдим, лекин мен ишлаб чиққан мантиқий асоссиз бу тузумнинг илмий назарияси яратилиши мумкин бўлмасди. Ва, эҳтимол, мазкур фан тарихида биринчи ва балки сўнгги бўлиб ҳам коммунистик жамиятнинг илмий моҳиятини тадқиқ қилдим.

Адолат ҳақи қайд этишим керакки, ёшлигимда ўзим учун ишлаб чиққан тамойилларга амал қилиш осонликча кечмади. Совет даврида булар менга жуда қimmatга тушди. Мен ҳақиқатни, масалан, колхозлар ҳақида, уларда одамларнинг турмуши ўта қашшоқлашгани, аҳолининг кескин табақалашаётганлиги ҳақида гап бошладимми, дарҳол бу керакли жойга етказилар ва мен қамоққа олинардим. Урушдан кейин сиёсий муҳит бироз мўътадиллашган пайтда мен жиддий тадқиқот устида иш олиб бордим ва коммунистик тузум инқирози муқаррарлигини далилладим. Ҳолбуки, коммунистик тузум маддоҳлари томонидан ҳам, унинг душманлари томонидан ҳам инқироздан истисно тузум сифатида талқин қилинар ва тан олинарди. Мен эса унинг инқирози муқаррарлигини исбот қилдим. Бу менинг тадқиқотларим хулосаларининг айримларидан бири эди. Бу дарҳол совет тузумига хиёнат деб баҳоланди. Ва «Совет жамияти тузумига туҳмат» деган айбнома билан 78-йили мен мамлакатни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Аммо таажжубки, Фарбда ҳам мен учун вазият айтарли даражада ўзгармади. Мен қачонки совет жамиятига қарши мақолалар ёзар эканман, улар мени кўтар-кўтар қилишиб, асарларимни кўплаб нусхаларда жаҳоннинг барча тилларида чоп этишарди. Мен ўз ақидамга — ҳар қандай шароитда ҳам, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам —

хақиқат тамойилига амал қилган ҳолда ғарб жамиятининг тадқиқотига киришар эканман, менга нисбатан муносабат шу заҳоти ўзгарди. Менинг Ғарб ҳақидаги ва Ғарб жамиятининг келажаги борасидаги ишларимни ёпиқ тақризчилар СССР даги совет жамиятига доир ишларимга нисбатан қилинган ҳукм сингари «Ғарб жамиятига тухмат» дея баҳоладилар. Ва дарҳол менинг ишларимга нисбатан Ғарбда бойқот бошланди.

Шуни айтишим керакки, менга нисбатан вазият ҳали ҳам тубдан ўзгаргани йўқ. Менинг шўролар тузумидан кейинги Россия борасидаги тадқиқотларим мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаши мумкинлигига қарамасдан бойқот қилинмоқда, эътиборсиз қолдирилмоқда, менинг ғояларим тарғиботи деярли чиппакка чиқарилмоқда. Бироқ мен таслим бўлсам, ўз тамойилларимдан бир қадам чекинсам, бас, тақдирим шу заҳоти ўзгариб кетиши аниқ. Менга юқори мавқеларга кўтарилишнинг ва бойликка ўч жуда кўп одамларнинг ҳавасини келтирадиган даражада фаровон турмуш учун ажойиб имкониятлар бир неча бор туғилди. Совет Иттифоқида мандан жуда оз нарса — ақалли бир жумла билан тадқиқотларим марксизмга зид эмаслигини тан олиш талаб этилганди, холос. Бироқ мен буни қилмадим. Натижада тадқиқотиму босилишга тайёр асарларим тақиқланди, «Мунаввар чўққилар» асарим ҳам шулар жумласидан бўлиб, мен шу асарим туфайли Ғарбга бадарға қилиндим.

Ғарбда ҳам худди ана шундай вазиятга рўпара бўлдим. Агар Горбачёвни, унинг қайта қуришини алқаганимдами эди, мен барча имтиёзлар соҳиби бўлардим, шунингдек. ўз журналимга, тадқиқот марказимга эга бўлардим... Бироқ бу йўлни танлаш — мен учун ўз -ўзимга хиёнат билан тенг эди. Менинг айнан шу ишларим учун илгари антикоммунист деб эълон қилишган бўлса, айна пайтда коммунистлар сафига кўшишган бўлишарди. «Қизғимтир» деган ёрлиқ ҳам тақишарди. Мана, ҳаётий тамойилларга изчил амал қилиш нималарга рўпара қилади...

Урушда-чи? Унинг бошланишида шундай воқеа рўй берган эди. Ҳаммага маълумки, минглаб совет аскарла-

ри қўлларида қурол бўла туриб, ҳужумни қайтариш даражасида бўлсалар-да, асирликка тушганлар. Мен бир пайт ана шундай вазиятда қолдим. Зобитлар ва сержантлар қуролларини ташлашиб, таслим бўлишга ҳозирлик кўра бошладилар, бироқ мен ва бир неча ўртоқларим бундай қилишдан бош тортдик. Бизга нима дейишганини бир тасаввур қилиб кўринг: анча олдиндан хизмат қилаётганлар, сенлар дўстларингни сотябсанлар, дея қичқиришди. Яъни биз, қўлимизда қурол бор экан, немисларга қаршилиқ кўрсатайлик деб даъват қилдик, улар эса бизни сотқинликда айблашди, ҳолбуки, уларнинг ўзи сотқинлик қилишган эди. Бу жуда эса қоларли ҳодиса. Худди шунга ўхшаш воқеа Горбачев-Ельцин йилларида ҳам содир бўлди. КПССнинг 18 миллион аъзоси бор эди ва бирдан барчаси ҳавога учиб кетгандек йўқ бўлишди. Ахир, марксизм ғоялари ва коммунизм тантанаси учун сўнгги томчи қонлари қолгунча курашмоқликка оғт ичишган эди-ку. Мен гарчи коммунизмнинг танқидчиси бўлсам-да, — Ғарбда мени коммунистик тузумнинг 1-сонли танқидчиси деб билишарди, бироқ мен ўзим яшаган ва шаклланган давримга, совет даврига содиқ қолдим ва ҳозир ҳам ўзимни ундан мосуво ҳис этмайман. Мен ҳеч қачон ҳеч кимга хиёнат қилганим йўқ, ўзимга ҳам. Хиёнат қилганлар — улар.

Ҳаётини воқеалар борасида эса биттасини гапириб берай. Қизиқ. Мен ҳужумкор авиация полкида хизмат қилардим, уруш эса Германия ҳудудида борарди. Алоҳида кўчалар учун, алоҳида уйлар учун жанг қилардилар. Менга тепадан уйларни суратга олиш топширилганди — қайси бирларини бизникилар ишғол қилган, қайси бирларида немислар яшаяпти, билиш зарур эди. Манзара чуқур ўрганиб чиқилгач, тепадан бомбардимон қилиш ва артиллерияни ишга тушириш лозим эди. Пулемётлар ўрнига кинопулемётлар ўрнатилгач, мен ҳаммасини суратга олиш учун осмонда маневр қилишиммас, тўғридан-тўғри пастлаб учишим лозим бўлади, бу дегани зенит батареяларига ўзини тутиб беришидир. Аэродромга етиб борганимдан кейин кўрсам, са-

молётни 32 жойидан ўқ тешиб ўтган экан. Муҳандислар самолёт бундай аҳволда учиши мумкин эмас, дейишди. Мен эса манзилга етиб келдим. Айнан мана шу парвозим учун мени юксак мукофот— Жанговар Қизил Байроқ орденига тавсия қилишди. Бир неча кундан кейин полкимизга сиёсий бўлим офицерини йўллашди, у юксак орден олиши учун жангларда иштирок этиши зарур экан. Уни менга ҳаводаги ўқчи қилиб ўтказишди. Мен у билан ҳазиллашгим келиб, самолётни равон учуриш ўрнига «элак» қила бошладим. У бутун кабинамга қусиб ташлади. Парвоз мутлақо хавфсиз эди, қирувчи самолётлар кўринмасди, зенитлар ўқ отмасди. Қайтганимиздан кейин мен пистолет ўқталиб, уни самолётни ювишга мажбур қилдим. У, албатта, бу ҳақда хабар етказган. Натижада мен 10 сутка олдим ва жанговар мукофот бекор қилинди. Унга эса жангда қатнашганлиги учун Жанговар Қизил Байроқ орденини беришди.

Яшаш тарзи болалиқда шаклланади. Мен болалигимда кўрқувни енгиб ўтишни ўргандим. Шундан кейин ҳеч қачон ҳеч бир кўрқув юрагимга ваҳима солмади. Мактаб ўқитувчимизнинг хоҳиш-истагига кўра, мени Москвага ўқишга жўнатишди. 1933 йил эди. Бу пайтда кўчаларда қаровсиз болалар кўп эди, ҳовли безорилари ҳам кам эмасди. Бир кун «така оёқ», яъни циркуль сотиб олиш учун дўконга бордим, Сухаревка яқинида яшардим. Қайтаётганимда мени кўшни ҳовлининг 10—15 тача йўлтўсар болалари ўраб олишди. Уларнинг мақсад-муддаоси битта: чўнтақларимни тинтиш ва нима бўлса, барини тортиб олиш. Киссамда бир неча чақадан бўлак ҳеч вақо йўқ... Мен «така оёқ»ни кўлимга олиб, ким биринчи келса, кўзига санчаман дедим. Улар бир оз ўралашиб туришди-да, тарқаб кетишди. Шундан кейин мен ҳақимда миш-миш тарқалди: «йўлтўсар» эмишман, улар билан алоқам бормиш, хавфли эмишман. Шундай қилиб, ўн йилликни тугатганимга қадар ҳеч ким менга тегишга ботина олмади...

Албатта, мен қандоқ яшаган бўлсам, сиз ҳам шундоқ яшанг, деб ҳеч кимга маслаҳат бермайман. Бу мураккаб умр йўли, уни такрорлаб бўлмайди. Бироқ шуни айти-

шим мумкинки, содир бўлаётган воқеаларни ҳеч қандай ташвиқотсиз англашга ҳаракат қилинг. Мияни ишлатинг. Ўз қадр-қимматингизни, инсоний гурурингизни асрашга ҳаракат қилинг. Мен ўзим учун шундай ақидани ишлаб чиққанман — **МЕН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТМАН**. Биз бир мартагина яшаймиз. Шу боис ўзингизни ҳимоя қилинг, ҳар қилмишга яраша жавоб беришни билинг.

Мен совет тузумининг умри бунчалик тез тугайди деб ўйламагандим. Ёшлигимдан коммунизм дунёда боқий қолади, деб ишонгандим. Яшар эканман, ўз тадқиқий фаолиятимни ана шу асосга мослаштиргандим. Бироқ Совет Иттифоқи йўқ бўлди. Бу мен учун ҳаётимдаги энг мудҳиш воқеа эди. Совет Иттифоқи дастлабки совуқ, кейин қизғин урушда емирилди. Мамлакатда коммунистик тузум инқироз топди. Менинг тадқиқотларим, танқидий қарашларим замини, адабий, шунингдек, илмий ижодим сабабчиси нест бўлди. Шак-шубҳасиз менинг олдимда бундан кейин янги ижтимоий муҳитда қандай яшаш керак, деган муаммо туғилди. Бироқ, менинг ахлоқий тамойилларим қатъий ақида сифатида аввалдан шакллланганлиги сабабли мен уларни ўзгартира олмасдим. Ва мен ўз мамлакатимга, менинг халқимга аччиқ мағлубият жафосини келтирган Фарб жамиятини, антикоммунистик алғов-далғовлар оқибатида бир аҳволга тушган Россия жамиятини тадқиқ қилишга киришдим. Ўйлайманки, ўз ҳаётий тамойилларимга амал қилган ҳолда бу борада ҳам кўпгина ютуқларни қўлга киритдим. Ҳарҳолда битта одам учун бу кўплик қилиши ҳам мумкин. Мен Фарбга нисбатан ўз назариямни шакллантириб қатор китоблар, ўнлаб, ҳатто юзлаб мақолалар ёздим ва уларда келажакка нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Ўйлайманки, Россияда биринчи, балки дунёда ҳам биринчилардан бўлиб, ҳозирги Россияда вужудга келган ижтимоий тузумни тадқиқ қилишни бошладим. Хуллас, Олий Ҳакам қаршисида ҳисоб бераркан, ўз ҳаётим ҳақида мана шуларни айтишим мумкин. Ва мен яна шунга аминманки, совет йилларидаги мамлакатим ва халқим томонидан орттирилган улкан тарихий таж-

рибаларсиз рус халқи ва Россиянинг келгуси ҳаёти муваффақиятли кечмоғи душвор. Мен Россия фақат ана шу тажриба заминида яна ер юзининг энг улкан мамлакати бўлмаган тақдирда, улар қаторидаги мамлакат даражасида қад ростлайди. Ва мен тақдирини бутунлай ва бутунисича бирга баҳам кўрадиган рус халқи ҳам тарихдан ўз муносиб ўрнини эгаллайди, деб ҳисоблайман

...Воқеалар шунчалик кўп содир бўлиб, шунчалик кўп хаёлдан ўтказилдики, яшаб ўтилган умрнинг муфассал баёнига на сўз етади, на вақт.

*«Литературная газета»нинг
2006 йил 21–27 июн
сонидан олинди
«Жаҳон адабиёти» журнали,
2006 йил 8-сон*

АЛЕКСАНДР КОНДРАШОВ

БАЙБАКОВ РЕЖАСИ

Николай Константинович Байбаковни 1-рақамли нефтчи, сўнгги сталинчи нарком, даврни ўзида мужасам этган инсон, жаҳондаги энг катта — эндиликда мавжуд бўлмаган СССР аталмиш корпорациянинг раҳбари деб аташарди.

Николай Байбаков 1911 йилнинг 6 мартида Бокуда туғилди. Унинг отаси Константин Байбаков ишлаб даромад орттириш мақсадида бу ерга Белоруссиядан келган бўлиб, деярли қирқ йил давомида нефть саноатида фаолият кўрсатган ва машҳур «Ака-ука Нобеллар» компаниясида ҳам ишлаганди. Оилада 12 фарзанд бўлиб, ҳар қанча қийинчиликни бошидан кечирмасин, барибир Байбаковлар бошқалардан кўра қашшоқ яшашмасди, чунки нефтчиларнинг иш ҳақи ёмон эмасди.

1928 йили Николай республикадаги энг обрўли олий ўқув юрти саналувчи Боку политехника (нефть) инс-

титутига ўқишга кирди. Ўша даврда совет ёшлари ҳозирги янги компьютер технологиясига маҳлиё ёшлар каби нефть соҳасига ишқибоз эдилар. Ёш муҳандис «Лениннефть» трестида иш бошлаб, дастлабки пайтдаёқ цементни ер қатламларига юқори босим остида ҳайдашнинг янги усулини таклиф этди. Бу усул яхши натижалар берди ва у шундан буён СССРда Байбаков усули деб аталиб келинди.

Истеъдодли муҳандис дарров кўзга тушиб, бўлим бошқарувчиси бўлди. Таҳликали даврлар бошланди, бутун мамлакат бўйлаб «зараркунанда»ларни излашарди. Бир соатлик вақт орасида «Лениннефть» трестининг бошқарувчиси ишдан олиниб, судга топширилди. Бошқа кўплаб таниқли, ишчан раҳбарларнинг қисмати ҳам шундай бўлди. Ишлаб чиқаришда бирон ножўя вазият туғилиши биланоқ, улар шубҳа-гумон остига олинарди. Байбаков ақл билан иш кўрди: «зараркунандаларни излаш» жараёни кетаётган бир пайтда имтиёздан воз кечиб — унинг даражасидаги мутахассисларга аскарликдан қолиш ҳуқуқи бериларди, Қизил армия сафига хизматга кетди.

Армия хизматини ўтаб, у Бокуга аввалги ишига қайтди. 1937 йил борарди. Тез орада уни бош муҳандис, кейин «Лениннефть»нинг бошқарувчиси қилиб тайинлашади.

Нефтчиларнинг Бутуниттифоқ йиғинидаги чиқиши Кагановичга ёқиб қолди ва «темир» нарком Байбаковни «Шарқнефтқазииш» бирлашмасига бошлиқ қилиб тайинлади. Николай Константинович Куйбишевга йўл олди. Бу ерда катта нефть конлари очилди.

«Шарқнефтқазииш» бирлашмаси жадал суръатларда ривожланиб кетди. Айни чоғда унинг амали ҳам жуда тез юқорилаб борди — Каганович Байбаковни Москвага ўтказди, унга — йигирма саккиз ёшли нефтчига — Ёнилғи саноати халқ комиссариатидаги энг муҳим бошқармани ишониб топширди, кейинчалик эса у нарком ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Каганович ўз қўл остидагиларга ўзига хос ғамхўр-

лик кўрсатар эди: уларни уйлантириб қўйишни яхши кўрарди. Наркоматнинг деярли уззукун давом этадиган дам олиш кунларию меҳнат таътилсиз ишида шахсий ҳаёт учун умуман вақт бўлмасди. Ниҳоят, бир куни Каганович ўзига хос сиполик билан, ҳазилга ўрин қолдирмай деди:

— Байбаков 29 га кирди, лекин ҳали ҳам уйлангани йўқ.

— Ахир, менинг бирор-бир бўш оқшомим йўқ-да, — деди Николай.

— Майли, — деди Каганович, — бир оқшомга рухсат берамиз.

Референт қиз Клавдия анчадан буён Байбаковнинг кўнглига ўтиришиб юрарди. Чиройли, кўзлари порлаб турадиган, камтаргина қиз. Николайга бир оқшомга ишдан рухсат беришди ва қўлига иккита театр чиптасини тутқазди. Томошадан кейин у бўлажак маҳбубасини ресторанга таклиф қилиб, дадиллик учун кахетия шаробидан буюриб, деди: «Ишлар бундоқ, Клава, ортингдан чоп-чоп қилишга менда вақт йўқ. Агар сенга ёқсам, мана, қўлимни ушла, ёқмасам — ҳозир ҳайдаб юбор». «Ўйлаб олсам мумкинми?» — сўради Клава. «Ярим соат».

Эртаси куни Николай Константинович ва Клавдия Андреевна никоҳ қоғозига имзо чекишди. Келаси яқшанбага қариндош-уруғ ва дўстларни тўйга таклиф қилишди. Вақт қаёқда дейсиз! Каганович мажлис чақириб қўйган эди, у тонгда бошланиб, кун бўйи давом этди. Байбаков тўй дастурхонига кечки соат саккизда етиб келди.

Клавдия Андреевна билан улар 43 йил меҳр-муҳаббат ва иноқликда турмуш кечиришди. У бир қиз ва бир ўғил туғиб берди. Биргаликдаги турмушнинг илк кунларида бу ғайрати тўлиб-тошган икки ёшга ҳаёт шириндан-шакар туюлар, эртанги келажак мутлақо ғуборсиз эди. Бироқ олдинда уруш турарди.

Немисларнинг мамлакат ичкарасига шитоб билан бостириб кираётганлиги, биз томондан берилаётган кат-

та йўқотишлар ҳақидаги хабарлар ақлга сиғмасди. Тушкунликдан ва ёмон ҳаёллардан фақат фидойиларча меҳнатгина қутқаради. Ўша даврда СССРнинг энг катта нефть қазиб чиқарувчи ҳудуди бўлган Бокудаги нефтчилар 1941 йилги давлат топшириқларининг барчасини адо этганди.

Ёш нарком ўринбосарини июлда Кремлга чақиришди. Сталин унинг қўлини сиқиб паст овоз билан, ўзига хос оҳангда деди: «Ўртоқ Байбаков, Гитлер Кавказга жон-жаҳди билан интиляпти. У, агар Майкоп ва Грозний нефтини қўлга киритмаса, урушда енгилишини эълон қилди. Шундай қилинганки, немисларга ҳеч нарса қолмасин... Шунинг эса тутинганки, агар душманга ақалли бир тонна нефть қолдирсангиз ҳам биз сизни отиб ташлаймиз. — Сўнг қўшиб қўйди: — Бироқ ишлаб чиқаришни олдинроқ йўқ қиладиган бўлсангиз, немислар уни ҳар қанақасига ҳам қўлга киритишолмаслиги аниқ, Қизил армия ёнилғисиз қолади, биз шунда ҳам сизни отиб ташлаймиз». Байбаков бир зум сукут сақлаб, нафасини ростлаб олгач, деди: «Менга танлашга йўл қолдирмадингиз, ўртоқ Сталин». У бир дақиқа тўхтаб, қўлини оҳиста кўтарди-да, бармоғини бошига енгилгина нуқиди: «Танлаш мана бу ерда, Байбаков, мана бу ерда. Учиб боринг, ўйланг, масалани жойида ҳал қилинг».

Байбаков гуруҳи Қўмондонликнинг махсус топшириғини бажарди. Қувурлар оғзи ёпилди, вишқалар йўқ қилинди, муҳим бўлган қимматбаҳо ускуналар ва борлиқ нефть фронт ортига жўнатилди. Апшерон электр станциясини душман ўқлари остида портлатишди. Фашистлар барча йўлларни тўсиб қўйишганди, Байбаков гуруҳи Кубандан Туапсега ўрмон орқали ўтиб борди. Бир неча уйқусиз тунлардан кейин белгиланган жойга етиб боришди. Қариндош-уруғларга, уларнинг барчаси мардларча ҳалок бўлди, деган хабар кетганди. Клавдия Андреевна ҳам «қора хат» олди. Байбаков эса фронт ва унинг ортини ёнилғи билан узлуксиз таъминлаганлиги учун биринчи Ленин ордени билан тақдирланди.

1944 йили уни Сталин чақириб деди: «Ўртоқ Байбаков, нефть — ҳарбий техниканинг жони эканлигини биласизми?» «Ўртоқ Сталин, у на фақат ҳарбий техниканинг, бутун мамлакат иқтисодиётининг ҳам жони», деб таъкидлади Байбаков. «Баракалла, энди айтинг-чи, бу соҳани ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?» — «Маблаг ётқизиш, зарур ускуналару билимдон мутахассислар, қурувчилар керак...» Сухбат бир ярим соат давом этди, ўша пайтда у Совнарком раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишларди: «Лаврентий, мана, олдимда ўртоқ Байбаков ўтирибди, у нима сўраса, ҳаммасини бер».

Сталин яна сўради: «Ўртоқ Байбаков, сизнингча, нарком қандай фазилатларга эга бўлиши керак?» Николай наркомга — соҳани билиш, меҳнатсеварлик, ҳалоллик... каби фазилатлар зарур, дея санаб кетди. Сталин яқин келиб, қатъий оҳангда деди: «Ҳа, ўртоқ Байбаков, гапларингиз тўғри, бироқ сиз энг муҳимини айтмадингиз». Байбаков ўрнидан сапчиб туриб кетди, лекин Сталин унинг елкасига трубкаси билан нуқиб, ўтиришга ундади ва кўзларини айёрона қисиб давом этди: «Наркомнинг асаблари ўта мустаҳкам бўлиши лозим. Иккинчидан: унда эртанги кунга катта ишонч бўлмоғи керак». Иосиф Виссарионович ҳазил-мутойибани яхши кўрарди.

«Шундоқ қилиб, тасаввур қилиб кўринг, мен умр бўйи ўша айтилган гапларга амал қилиб яшадим», — дейди Николай Константинович.

Унга мустаҳкам асаблар, айниқса, ёнилғи саноатини назорат қилувчи Берия билан бўлган муносабатларда асқотди. У Байбаковни тез-тез Кремлдаги ва Лубянкадаги мажлисларга чақириб турарди. Бир куни Саратов — Москва газқувури қурилишидаги камчиликларга бағишланган улкан йиғинда Берия ҳаммага бақир-чақир қилиб, жаҳл устида Ички ишлар вазири Кругловга қурилиш бўйича масъул генералнинг погонларини шу ернинг ўзида юлиб ташлашни таклиф қилди.

Ҳамма тушкун кайфиятда бошини эгиб ўтирарди. Ни-

ҳоят, Госплан раиси Николай Алексеевич Вознесенский тинимсиз бақир-чақирдан тоқати тоқ бўлган, шеклли, Бериянинг сўзини бўлди: «Сўкинишни бас қилайлик-да, иш билан шуғулланишга киришайлик». Берия бир зум довдираб, гезариб кетди ва сўнг дарҳол ҳовридан тушди.

У Сталин ўзига яқинлаштирган шахсларга нисбатан гашлик қилар ва ўта кекчи эди. Ажойиб ташкилотчи Вознесенскийни Сталин ўзига ворис қилмоқчи, Алексей Кузнецовни эса партиянинг бош котиблигига муносиб кўряпти, деган миш-мишлар айланиб юрарди. Бу гаплар Бериянинг кўнглига мутлақо хуш келмасди. У фитнесаю фириблар, оёқдан чалишлар борасида ниҳоятда устаси фаранг эди, чунончи Вознесенский ва Кузнецовни четлаштириш учун ўтказилган «тадбир» 1949 йили мудҳиш «Ленинград иши» билан яқунланди: унда вақти келиб мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қила олувчи, янгилашга қодир совет жамиятининг улкан намояналари йўқ қилинди. Бундай муҳитда фаолият кўрсатиш учун чиндан ҳам ўта мустаҳкам асаб талаб қилинарди.

Байбаковнинг хотираларига кўра, Хрущевнинг партия раҳбари вазифасига кўтарилиши кўплар учун кутилмаган ҳол бўлди. Ҳайратланарли жойи шундаки, чапдаст хўжалик иш юритувчиси, ҳамма қатори партия амалиётчиси ўзининг содда нутқи ва айланиб-эврилишлари билан дастлаб Берияни, кейин Молотов билан Кагановични доғда қолдирди. Мамлакат қаҳри қаттиқ даҳшатлардан безган, амал-тақал турмушдан тўйган эди, кўнгиллар инсоний соддаликни, бағрикенгликни ва янгиликни тусаб қолганди. Шу боис дастлабки даврда кўплар биринчи котибнинг номуносиб феъл-атворини ҳам, у қабул қилган қарорлардаги шошма-шошарликни ҳам сезиб-сезмаганга олди. Айни чоғда унинг айрим қарорлари мутлақо тўғри ва холис бўларди.

1955 йили Хрущев Байбаковни Россия Госплани раиси этиб тайинлади. Байбаков нефть соҳасини таш-

лаб кетгиси келмасди, шу боисдан бу вазифага рўйхушлик бермади. Хрушчев қатъий туриб олди ва Байбаковга олти йил аввал фожиали ҳалок бўлган Вознесенский ўрнини эгаллашга тўғри келди.

Хрушчевнинг XX съезддаги маърузаси ҳамманинг қалбини ларзага солди. Қатағондаги барча айб Сталин ва Берияга тўнқалгани Байбаковни лол қолдирди. Байбаковнинг мулоҳазасича, Сталин шахсига сиғинишнинг фош қилинишига асосий сабаб сиёсий кураш мақсадларидан ташқари Хрушчевнинг доҳий олдида кўп йиллар мажбуран қуллуқ қилиб юрганлигининг алами ҳам бўлса, ажаб эмас. Хрушчев чексизчегарасиз ҳокимлик ҳуқуқига эга бўлгач, мутахассислар билан кенгашмай қўйди ва хато кетидан хатоларга йўл қўя бошлади.

Госплан раиси сифатида Байбаков ҳовлиқмалик билан совнаркомларнинг ташкил қилиниши ва кўплаб министрликларнинг ёпилишига қарши очиқдан-очиқ фикр билдирди. У бундай «ислохотлар» иқтисодиёт учун салбий оқибатлар келтириши мумкинлигидан огоҳлантирди. Хрушчев Байбаковнинг қатъиятига миннатдорчилик билдирди ва уни ишдан олиб, Кубанга савнархозларни кўтариб бериш учун жўнатди. Бу вазифани Николай Константинович ҳамманинг кутганидан акси ўлароқ, шараф билан бажарди ва кейинчалик бу ўлкадаги раҳбарлик тажрибаси унга жуда асқотди.

Кубанга беш йиллик сургуни давомида Краснодар ўлкасида газ қазиб олишни 25 марта кўпайтиришга эришди, 13 та шакар заводи қурди ва суғориш ишларини тўғри йўлга қўя билганлиги натижасида Кубаннинг сувсиз қоратупроқ ерларида ҳатто Айова штатида ҳам олинмаган маккажўхори ҳосилини етиштирди. СССРнинг ҳеч бир жойида Хрушчев яхши кўрган бу экиндан бунчалик кўп ҳосил олинмаганди. Бироқ шуниси афсусланарли эдики, «азиз Никита Сергеевичга» ёқиш учун кўплаб раҳбарлар маккажўхорини ҳатто Шимолий қутбга ҳам экиш тараддудига тушгандилар. 1963 йилда номи латифаларда айлана бошлаган Хруш-

чев қаҳрини лутфга алмаштириб, Байбақовни Москвага қайтарди ва уни ҳеч қутилмаганда кимё бўйича Давлат қўмитаси бошлиғи лавозимига тайинлади.

Брежнев келиши муносабати билан Байбақов кўп ўтмай СССР Госплани раиси бўлди ва бу лавозимда йигирма йил фаолият кўрсатди. Байбақов учун бу йиллар энг самарали йиллар бўлди. Косигин билан биргаликда халқ хўжалигини ислоҳ қилишни бошлади. Бироқ, 1968 йилдаги Чехословакия воқеаларидан кейин Сиёсий бюрода бу жараёнга қаршилик кучайди. Госплан раиси Байбақов учун бюджетни эплаш машаққат бўлди: ҳам мудофаа, ҳам космос, ҳам фан, ҳам қишлоқ хўжалиғи, ҳам дўст мамлакатларга ёрдам... Шунга қарамасдан, 80-йиллар ўрталарида СССРнинг ички ялпи маҳсулоти сон жиҳатидан изчил ортиб борди.

Горбачевнинг келишини Байбақов катта умид билан қаршилади. Бироқ, бу умидлар кўп ўтмай пучга чиқди. Ичкиликка қарши калтабинларча бошланган кураш бюджетга ҳамда мамлакатнинг олий раҳбарияти обрўсига катта путур етказди ва бу қайта қуришнинг барбод бўлиши борасидаги дастлабки хато бўлди.

1985 йили Байбақов истеъфога чиқди. Қудратли мамлакат мулкнинг талон-торож даражасида хусусийлаштирилаётганлиғи ва унинг кучли иқтисодиёти путур топаётганлиғига шоҳид бўлиш азобли машаққат эди. «Турғунлик даври» ҳақида айтилган куракда турмайдиган сўзларни, айниқса, кейин ўзлари мамлакат хўжалигини бошқаришда «хол» қўйган шахслардан эшитиш аламли эди.

Бироқ Байбақов тушкунликка тушмади ва тушмайди ҳам, чунки унинг асаблари на фақат ўта мустаҳкам, балки кўнглида эртанги кунга қаттиқ ишонч ҳам бор. 95 ёшли Николай Константинович РФА нефть ва газ муаммолари институтида фаолият кўрсатишни давом эттирмоқда.

Бир неча йиллар аввал Кремлдаги қабулларнинг бирида Байбақов қутилмаганда тўсиқдан ўтиб (соқчилар-

дан бирортаси тўхтатишга журъат этмади), тўғри Россия президенти олдида борди ва геология-қидирув ишларининг ачинарли аҳволда эканлигини, агар тезда чоралар кўрилмаса, авлодларга ҳеч вақо қолдирмай, совет даврида очилган конларни «еб битиришимиз» ҳақидаги фикрларини баён қилди. Ва бу собиқ наркомнинг кўплаб мутахассислар қўллаб-қувватлаши ёрдамидаги «кавалерия ҳужуми» самарасини берди: тез орада Давлат кенгаши чақирилди ва унда Байбаков кўтарган масала муҳокама қилинди.

Николай Константинович ўзининг улкан тажрибасини янги давр кишиларига етказиш ниятида бугунги кунда китоблар ёзиш билан машғул. У — том маънодаги давлат одамидир. Россияга ишонади, унинг эртанги куни борасида катта режалари бор, худо хоҳласа, улар амалга ошмасдан қолмагай!

Бироқ бунинг учун, Россия иқтисодиётига масъул шахслар лаёқатда ҳам, мамлакатга муносабатда ҳам Байбаков даражасида бўлишлари лозим.

*«Литературная газета»нинг
2006 йил 1–7 март (№9)
сонидан олинди
«Жаҳон адабиёти» журнали,
2006 йил 3-сон*

*Владислен БУРОВ,
ВАЛЕНТИНА ФЕДОТОВА*

«ИСЛОҲОТНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ»

2001 йилнинг декабр ойи бошларида Тайваннинг собиқ раҳбари Ли Дэнхуэй оролдаги барча аҳолини Г.Чан ёзган «Хитойнинг умидсиз келажаги» китобини ўқишга даъват қилди. Унда коммунистик Хитойнинг эртанги куни ҳақида мулоҳазалар билдирилганди. Бунинг икковимиздан биримиз Гонгконгда сотиб олгандик. Китоб эркин савдода эди (мамлакат йўналишининг

ёрқин тимсоли эди бу: давлат битта — тузум иккита). Г.Чан — келиб чиқиши Хитойдан бўлган америкалик, йигирма йилдан ортиқ Шанхайдаги америка компаниясида ишлаган. Ҳозирги Хитойда мавжуд бўлган жиддий муаммолар китоб муаллифини бу давлат инқирозга учрайди, унинг 5-6 йилгина умри қолди, деган фикрга олиб келган.

Лекин Хитойда ўз кўзимиз билан кўрганларимиз Г.Чаннинг башорати ҳақиқатдан жуда йироқ эканлигига яққол далил бўла олади. Ялпи ички маҳсулотнинг йилига 9 фоизга қадар ўсиши, миллиардлаб чет эл инвестициялари, минглаб қўшма корхоналар Хитой мамлакатига ва унинг тараққиётига нисбатан ишонч туйғусини уйғотарди.

Пекин — бу XX асрдаги Хитой, Шанхай ва Гуанчжоу эса — XXI асрdir. (Чекка ўлкаларда XIX, ҳатто XVIII асрга дуч келиш мумкин бўлса ҳам!) Эскирган иморатлар ўрнида ўнлаб кўп қаватли уйлар қад ростламоқда ва бундай ўзгариш бутун-бутун мавзелар миқёсида олиб борилмоқда. Ўн йилнинг нари-берисида Хуанпу дарёси қирғоғида янги замонавий шаҳар бунёд этилди.

Хитойга бориб Москва аэропортларининг мўъжаз-лигини пайқаб қоласан. Қисқа муддат ичида Пекинда янги йирик аэропорт, Шанхайда улкан Пудун аэропорти, Гуанчжоуда энг катта — Осиёда мисли йўқ аэропорт бунёд этилди. Гуанчжоуда Осиёдаги энг улкан метро қурилди. Пекинда олтита ҳалқа йўл мавжуд. Пекинда, Шанхайда, Гуанчжоуда катта йўллар аэропортни деярли шаҳар маркази билан туташтиради. Агар бундан ўн йиллар муқаддам Хитой шаҳарлари кўчаларининг кўпчилигида чет эл автомашиналари юрган бўлса, энди улар қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган машиналар билан тўла.

Яна Хитой Москвадан шуниси билан фарқ қиладики, агар Москвада ҳар қадамда милиционерга дуч келсангиз, Хитойда бу ҳолни учратмайсиз. Ҳа, бу ерда ҳам безорилар, ўғрилар, бошқа жинойий унсурлар бор. Бироқ Хитойда чет эл фуқароларига тажовуз йўқ, уларни ўлди-

риш ҳоллари учрамайди. Бу борада бизга биргина воқеа маълум: бундан бир неча йил илгари Нанкинда немис фирмаси вакили оиласи — ота-она ва уларнинг икки фарзанди ўлдирилган эди. Қотиллар ишсиз деҳқонлар бўлиб чиққан. Улар тезда қидириб топилган ва суд ҳукми билан отилган. Хитой Ташқи ишлар вазирлигида Германиянинг фавқулодда ва мухтор элчисидан бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа юзасидан расман кечирим сўралган. Россияда чет эл фуқаролари ўлдирилиши камёб ҳодиса эмас, бироқ биз бунга ўхшаш ҳодисалардан кейин бирор марта узр сўралганини эслай олмаймиз. Хитой ҳақиқатан ҳам чет эл инвестицияларидан, сайёҳатчиларидан, талабаларидан манфаатдордир. Шу боисдан ҳам чет эл фуқаролари бу мамлакатда дахлсиздирлар ва ҳар жиҳатдан уларга қулайлик яратилган.

Нима учун миллиардлаб долларлар Хитой томон оқади, нима учун бу мамлакатда минглаб чет эл тадбиркорлари иш юритадилар? Чунки бу юртда сиёсий мўътадиллик бор. У давлат ва партия таркибидан тикланган қатъий ҳокимият устуворлигига таянади. Ҳокимият бозор эркинлигини жиноят аҳлидан ҳимоя қилади. Қисқа муддатда ўз бизнесини йўлга қўйиб олган хитойлик тадбиркор биз билан суҳбатда, Хитойда «қўриқчи ҳам, паноҳ ҳам» йўқлигини айтди. «Паноҳ» деганда у рекэт тажовузидан сақланишни назарда тутган эди.

Нима учун Хитойда рўёбга чиққан нарса Россияда амалга ошмади? Бировлар бунга арзон ишчи кучининг кўплиги билан, бошқа бировлар — хитойликларнинг ўта меҳнатсеварлиги билан, учинчилар эса уларнинг миллий характери, менталитетидаги алоҳида хусусиятлар билан тушунтирмоқчи бўладилар. Бизнинг назаримизда, бу шу билан изоҳланадики, *хитойликлар янгиланиш моделини танлаш жараёнида мамлакатларининг ўзига хослигини ҳисобга олганлар ва хитойлик бўлиб қолиш аҳдидан воз кечмаганлар, илло америкалик ёки бошқа бўлишга интилмаганлар*. Мамлакат раҳбарияти аҳоли ҳисобини ҳам, иқтисодий даражанинг дастлабки ҳолатини ҳам, табиий бойликлар тақчиллигию саводли кадр-

лар танқислигини ҳам эътибордан соқит қилмаган. Шу боисдан ягона марказлашган раҳбарлик — авторитар тизим зарур бўлган. Авторитар тизим ўз-ўзидан тараққиётни таъминлай олмайди, бироқ Хитойда у изчил янгиликни дастури билан узвий боғланган ҳолда ҳаётга жорий этилган. Хитой раҳбарияти шуни яхши англаганидики, модернизациялаш — қисқа муддатли иш эмас, балки узоқ давом этадиган жараёндир.

Хитойдаги ислохотлар муваффақиятини мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун сўзда эмас, амалда жон куйдирувчи яқдил фикрлар жамоаси таъминлар эди. Бу ишлар бошида ўткир тафаккур соҳиби Ден Сяопин турарди. У атиги бир неча ойгина француз заводларидан бирида ишчи бўлиб ишлаган ва Москвадаги Коминтерннинг ленинча мактабларида сабоқ олган, бироқ муҳими, ўнлаб йиллар партия ишларида фаолият кўрсатиб катта тажриба орттирганди. У шуни яхши англадики, сиёсат, фан, санъат билан шуғулланишдан олдин озиқ-овқат, турар жой, кийим-кечакка эга бўлиш лозим. Шу боисдан Хитойдаги ислохотлар иқтисодиётдан, қишлоқлардаги муҳтожликни бартараф қилишдан бошланди. Ислохотлар жараёни Хитой компартиясида қотиб қолган ақидалардан, марксча тафаккурдан воз кечишга, кадрларни янгилашга қаратилган туб ғоявий қайта қуришлардан бошланди. Миллатларнинг саъй-ҳаракати демократия ва инсонларвар социализм борасидаги самарасиз баҳслар ботқоғига эмас, ижодий бунёдкорлик мақсади сари йўналтирилди.

Хитой ислохотларининг услубияти — босқичма-босқичлик ва миллий шарт-шароитни ҳисобга олишдан иборат. Бу — инқилобдан фарқ қилувчи «ислохотнинг олтин ҳалқасидир»: ислохотларнинг кечиш жараёнини одамлар лаёқатига мувофиқлаштирган ҳолда унга кўниктириб боришдир.

Хитой компартияси раҳбариятида ислохотга қарши чиқувчилар, «ақидапарастлар» кўп эди. Бироқ, Ден Сяопин қишлоқ хўжалигини қайта қуриш соҳасидаги ўзининг аниқ дастурини баён этиб, уларнинг эътибори-

ни қозона билди ва улар бутун Хитой аҳолиси туб манфаатларини ҳимоя қилувчига қарши фикр-мулоҳаза айтишдан ожиз қолдилар. Раҳбарлик лавозимларига «ақидапарастлар» ўрнига уларга қараганда ёш, мураккаб иқтисодий вазиятларни чуқур идрок эта олувчи кадрлар келди. Одатдагидек, улар бир жиҳатдан, катта амалий тажрибага эга, бошқа жиҳатдан, нафақат Хитойда, балки хорижда ҳам, кўпроқ Фарбда таълим олган кишилар эди.

Гуанчжоуда дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ ҳодисанинг шоҳиди бўлди. Оролнинг 22,5 кв.км майдонга эга Панныюэ қисмида 2000 йилдан бошлаб *университетлар шаҳри* бунёд этилмоқда ва у ўзида ўқув бинолари, лабораториялар, талабалар учун ётоқхоналар, ўқитувчилар учун яшаш уйлари мужассам қилган. Хитойнинг кўплаб шаҳарларида, асосан чекка ўлкаларида олий ўқув юртарининг янги бинолари қурилиши жадал бормоқда.

Бугун Хитойнинг коммунистик партияси 80-йиллар бошидаги «йўлбошчи» эмас, тамомила бошқачадир. Ташкилий тамойилларга кўра ва ўз-ўзидан тушунарлики, Хитойнинг ўзига хос шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, у ҳамон коммунистик бўлса-да, назарий асосларига кўра ХКП социал-демократик партияларга кўпроқ яқиндир. Бу ўринда мулкка бозор иқтисодиёти тартибқоидаларига, чет эл капитали ва бошқаларга нисбатан бўлган муносабат шакллари эга олиш кифоя.

«Маданий инқилоб» йилларида Хитойда «ҳамма соҳани ишчилар синфи бошқаради» деган шиор ҳукмрон эди. Уни бугун фақат истеҳзо билан эслашади. Партия ва давлат идоралари ходимларидан кейин ҳозирги Хитой жамиятида зиёлилар тобора кўпроқ салмоққа эга бўлиб бормоқда. Бу, аввало, уларнинг моддий аҳволи кескин яхшиланиб бораётганлигида кўрилади — масалан, олий ўқув юрлари ўқитувчилари эндиликда 1000 юандан 8000 юангача мояна (кўп нарса стажга ва савия даражасига боғлиқ) олади, яъни бу 125 дан 1000 долларгача демакдир. Озиқ-овқат сифати, маҳсулотларнинг ва кийим-кечакнинг арзонлигига кўра

бу пул Россиядагига қараганда анча баракалидир. Хитойдаги ўқитувчилар ва илмий ходимлар маоши уларнинг Россиядаги ҳамкасблариникидан анча баланд. Фалсафа институти профессори 2000 юань, яъни 250 доллар маош олади. (Россиядаги Академия институти ходимининг иш ҳақи 100 доллардан ошмайди.)

Зиёлиларнинг яшаш шароитлари тубдан яхшиланди. Кўплаб ўқитувчилар ва илмий ходимлар янги уй-жойларга эга бўлдилар. Биз бир неча ўқитувчиларнинг уйларида бўлдик — уларнинг умумий майдони 120 дан 200 кв.метр гача бўлиб, ҳамма замонавий қулайликлар мавжуд. Президент Путин ҳаммавақт ипотеканинг фойдаси ҳақида гапиради, бироқ Россиядаги банкнинг қашшоқ профессорга ипотека кредити беришини тасаввур қилиб бўладими? Жавоб ўз-ўзидан аён. Хитойда ипотека зиёлилар вакилларига нисбатан жуда яхши фаолият кўрсатади. Уларнинг мояна даражаси, стаж ва ёшини ҳисобга олган ҳолда, 10 йилдан 20 йилгача, кўпроқ имтиёзли, бозор баҳоларидан паст шартларда кредитлар беришади. Битта мисол: Сиань хорижий тиллар институтида 2003 йилда — ўқитувчилар ва ходимлар учун 24 қаватли уй, 2005 йилда яна 5 та турар жой: 32 қаватли, 18 қаватли ва 3 та 8 қаватли уй бунёд этилган. Бундай турмуш қулайликлари олий ўқув юрти ва академия зиёлилари учун бўлди, ўрта мактаб ўқитувчилари, шифокорлар ва бошқалар учун ҳам яхши шароитлар яратилди.

Хитойда илмий тадқиқотлар учун катта эътибор қаратилган, Хитой фанлар академияси, Хитой муҳандислик академияси ва Хитой ижтимоий фанлар академияси институтлари учун маблағ сезиларли даражада оширилган. Шу боисдан Хитой фанининг яқин орада жиддий юксакликларга кўтарилиши шак-шубҳасиз.

Хитой иқтисодиётининг анъанавий соҳаси, аввало энгил саноат туфайли қаддини ростлади. У дунёнинг 80 фоизини ички кийим билан таъминлайди. Бироқ у бугунги кунда оғир саноатдаги ютуқлари билан қанотланиб қолаётгани йўқ ва бу борадаги янги техноло-

гияни ўзлаштирган ҳолда жаҳон иқтисодиёти сари интилмоқда. Хитой Россия олимларининг теран тадқиқотлари натижаларини амалда қўллашга катта қизиқиш билан ёндашмоқда.

Хитойликлар халқаро воқеалар ҳақида ҳақиқий ахборотга эгадирлар. Мамлакатда «Ахборот янгиликлари» ҳафтаномаси энг оммавий ва кўп нусхада чиқадиган газета саналади. Унда чет эл агентликлари, радиостанциялари ва рўзномалари хабарлари ҳамда мақолалари таржималари шарҳларсиз ёритилади, китоблардан парчалар, ҳарбий таълим, фан, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳалардаги янги маълумотлар босилади. Сўнгги саҳифада чет эл нашрлари мухбирларининг (баъзан аччиқ, кўнгилга ўтирмайдиган) Хитой ҳақидаги фикрлари, шунингдек, Тайваннинг бу мамлакатга муносабатига доир мақолалар босилади.

Хитойда мафкура борасида эркинлик мавжуд, фақат «тўртта асосий тамойилни» танқид тифига олиш мумкин эмас: мамлакат тараққиётининг социалистик йўналиши, коммунистик партиянинг раҳбарлик роли, марксизм-ленинизм ва Мао Цзедун ғоялари ҳамда халқ демократик диктатураси. Бошқа барча масалаларни муҳокама қилиш мумкин. Хитой ҳукумати қошида камтарона Тараққиётни ўрганиш маркази номи билан Стратегик таҳлил вазирлиги фаолият кўрсатади ва у тўғридан-тўғри мамлакат раҳбариятига чиқиш ҳуқуқига эга. Унда 250 дан ортиқ юқори малакали мутахассислар ишлайди, уларнинг кўпчилиги турли ёшдаги профессорлардир. Марказқўмининг сиёсий бюроси етакчи олимлар билан учрашувлар ўтказиб туради ва бу учрашувларда унинг аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир турли масалалар бўйича маслаҳатлашадилар.

Марксизм-ленинизм ва Мао Цзедун ғоялари ўзининг устувор ролини «Ден Сяопин назариясига хос **«уч карра ваколат» ғоялари**»га ўрнини бўшатиб бермоқда. Улардан кейингиси бутун халқ, ишлаб чиқариш ва маданиятнинг илғор кучлари манфаатларини ёқловчи партиянинг бош йўналишини белгилайди. Марксизм-ленинизм

ва Мао Цзедун гојлари тобора ўтмишга чекиниб, тарихийлиги жиҳатдангина аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Хитойда турли тоифадаги китобхонлар дидига мўлжалланган минглаб марказий ва жойлардаги газета-журналлар чоп этилади. Давлат тасарруфига кирадиган, лекин расмий бўлмаган нашрлар пайдо бўлди, улар жамиятнинг ҳар кунги ҳаёти ҳақида, илгари қаламга олинмаган мавзулар, масалан, жиноятлар, кўча ҳодисалари, коррупция, киноюлдузлар, спорт соҳасидаги сиймолар ҳақида жонли, қизиқарли маълумотлар, ҳикоялар бериб боради.

Бу ерда телестудиялар Россиядагидан кўра кўпроқ тармоққа эга. 12 та умумдавлат каналлари (биттаси инглиз тилида) мавжуд. Сериалларнинг сон-саногии йўқ. Бироқ улар Россия телевидениесидаги каби криминал мавзуларни ёритмайди. Улар, асосан, ишлаб чиқариш, оила турмуши муаммоларига бағишланган; шунингдек, тарихий мавзулар — қадим ўтмишдан тортиб коммунистик партиянинг ҳокимиятни қўлга олиш учун интилган Гоминданга қарши олиб борган курашларини ёритган телесериаллар ҳам жуда кўп. Хитой оммавий ахборот воситалари ватанпарварлик, миллий қадрият, ўз мамлакатидан ифтихор туйғуларини тарбиялашда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Хитой телевидениесида ахборот бериш тарзи қуйидагича: аввал асосий вақтни эгалловчи мамлакат ичкарисидаги янгиликлар, кейин — халқаро мавзуга оид кўрсатувлар намойиш этилади.

Мана, неча йилдирки, Пекиннинг Тяньаньминь марказий майдонида ҳар куни давлат байроғини кўтариш ва тушириш тантанаси ўтказилади, унда фахрий қоровул саф тортади. Биз Хитойга сафаримиз фазога космик кема икки космонавтни олиб чиққан пайтга тўғри келди. Бу фуқароларда ватанпарварлик туйғусини янада жўшдириб юборди.

Албатта, ҳозирги Хитой тараққиётини фақат ёрқин рангларда бериш унчалик ўринли эмас. Мамлакат компартиясининг Ху Цзиньтао бошчилигидаги янги раҳбарияти шундай ижтимоий муаммоларга дуч келмоқдаки,

уларнинг муваффақиятли ечими мамлакат келажаги билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий муаммоларнинг аксарияти, айниқса, аҳолининг учдан икки қисми яшайдиган қишлоқларда учрайди: деҳқонлар ва шаҳарликларнинг даромадлари ўртасидаги фарқ жуда катта, деҳқонларнинг ерларини шаҳар қурилиши учун тўхтовсиз равишда тортиб олиш давом этмоқда. Ерсиз қолиш ва жуда кам даромад оммавий кўчишларга сабаб бўлмоқда. Оқибатда, кўплаб қишлоқларда фақат чоллар, аёллар ва болаларгина қолмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга ошириладиган бошбошдоқликлар ва ортиқча солиқлар аҳолининг норозилигига сабаб бўлади, айрим ҳолларда бу норозилик маҳаллий партиялар биносини ёқиш ва бошқа ғалаёнлар тарзида намоён этилмоқда.

Бу борада бошқа ўта муҳим муаммоларни ҳам кўрсатиш мумкин. Булар ишсизлар ва ярим ишсизлар сонининг кўпайиб бораётганлиги, давлат секторига қарашли кўплаб корхоналарнинг зарарга ишлаши, коррупциянинг авж олиб кетганлиги, нақд пул тақчиллиги, шаҳар ва қишлоқ денгиз бўйи ва ғарбий минтақалар ривожланиши ўртасидаги улкан фарқ, энергия манбаларининг жиддий етишмовчилиги ва шу кабиларда кўзга ташланади. Бироқ улкан аҳолига эга, ривожланиш даражаси Россия шароити сингари ноқулай тарздаги мамлакат қисқа тарихий муддатда ўзини тиклаб олишдан ташқари, дунёнинг иккинчи кучли давлатига айлана билди ҳам.

Кейинги уч йил ичида янги раҳбарият инқироз ҳолатларини бартараф этувчи қатор чораларни кўрди. Ўн биринчи беш йиллик (2006-2010 йил) бутунлай «маркетлаштиришга» қўйилган ортиқча ружу ва бу йўлдаги хатоларни тўғрилашга йўналтирилади. Албатта, мавжуд муаммоларни беш йил ичида ҳал қилиб бўлмайди, бунинг учун ўнлаб йиллар керак бўлади.

*«Литературная газета»нинг
2006 йил 1-7 февраль
сонидан олинди
«Жаҳон адабиёти» журнали,
2006 йил 2-сон*

ДУНЁ БИЗНЕСИ ДАРФАЛАРИ

МЕБЕЛСОЗ

Мебель салтанатининг соҳиби мудом ўзининг эски «Вольво»сида юриб, арзон маҳсулотлар харид қилади ва янги миллионларни қўлга киритади.

У ИКЕА концерни асосчиси ва эгаси саналади. Унинг бойлиги 19 миллиард евро ни ташкил қилади. У менежерлар билан йиғилиш ўтказганида уларга на қаҳва, на сув манзират қилади, ҳамиша қуруқдан-қуруқ кузатади. Агар у ўз фирмасида оддий тунчироқни харид қилса, албатта ИКЕА ходимларига жорий қилинган имтиёзни ўзига ҳам талаб қилгани ҳолда, савдолашади. Агар шанбалик супермаркетига озиқ-овқат учун чиқадиган бўлса, атайлаб унинг ёпилиши олдидан йўлга отланарди, чунки кечки пайт тез айнийдиган маҳсулотларнинг нархи жуда тушган бўлади. У ҳар қачон ўзининг савдо масканларига кирганида дастлаб касса олдига боради, даромадни хомчўт қилади ва албатта: «Бундан яхшироқ бўлиши мумкин эди», дея тўнғиллаб қўярди.

У 79 ёшда, исми Ингвар Кампрад, томирида немис қони кўпроқ бўлса-да, паспортига швед деб ёзилган. Бобоси, бувиси ва онаси — асл немис, отасида турфа скандинав қони аралашмаси бўлса-да, швед қони кўпроқ. Ота-онаси бир умр ерда оддий деҳқон бўлиб ишлашган. Ҳовлиси Elmatyrd деб аталиб, Agannaryd қишлоғида жойлашган. Бўлажак концерннинг номи мана шу ажойиб деталлар — исм, фамилия, ҳовли ва қишлоқ номларининг биринчи ҳарфларидан ташкил топган — ИКЕА.

Ингвар ўз бизнесини болалигидан, пайпоқлар сотиш билан бошлади. Лекин 17 ёшида уни ажойиб ғоя — мебелсозлик фирмасини ташкил этиш фикри мафтун этдики, унинг маҳсулотларини сотиб олган харидор ўз ақли ўткирлигига кўра улардан дидига муносиб

жиҳоз ясай билар ва қобилиятидан чексиз мароқ оларди. Ҳа, у мана шунақа фирмани ҳали балоғатга етмай туриб ташкил этган эди.

Бугунги кунда миллиардер Швейцариянинг Женева кўли соҳилида хотини ва уч ўғли билан истиқомат қилади ва ўғилларининг ҳар бири унинг назорати остида кўплаб мамлакатларда, шунингдек, Россияда ҳам мустаҳкам жойлашиб олган улкан концернларни бошқаришади. У ўз офисига эга эмас, ҳатто алоҳида хонаси ҳам йўқ. Ингвар Кампрад Стокгольмдаги штаб-квартирасида унинг учун мебелга ўз фирмасидан сотиб олинган ёзув столи, стул ўрнатишга ва китоб жавони осиб олишга руҳсат берди. Шу жойда у кўплаб миллионлар турадиган муаммоларни ечади.

У қатор йиллар давомида биргина пойабзалидан ажралмайди, кўйлаги эса «энг арзон» дўкондаги кўйлақдан фарқ қилмайди. Дунёдаги энг бой одамлардан бири шаҳардан ташқарига чиққанда ўзининг эски «Вольво»-сига ўтиради, шаҳарда эса фақат автобус, трамвай ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланади. Шунда ҳам, албатта, меҳнат фахрийлари учун сотиладиган чипталарни харид қилишни унутмайди. Овқатланиш учун ҳамиша ІЕКА корхоналаридаги ошхоналарга киради ва бажонудил унга бизнесдаги ҳамкорларини ҳам таклиф қилади, айниқса, иккита таом олинганда битта қаҳва бепул бериладиган кунлари. Ошхонадаги бир марта ишлатиш учун мўлжалланган анжомларни сира ташлаб юбормайди, уларни ўз кўли билан ювиб, то ишдан чиқмагунигача қадар фойдаланади. Янги йил байрамлари муносабати билан дунёнинг турли бурчакларидан оладиган табрик хатларини ҳам ташлаб юбормайди, аксинча, уларга ўз табрик матнини елимлаб ёпиштириб, келгуси янги йилда бошқаларга йўллайди.

ІЕКА раҳбари зиёфатларга, базм ва кечаларга деярли юрмайди, у кўпроқ табиат қўйнида бўлишни хуш кўради, кўзиқорин теради ва бундай дамларда ишини янада ривожлантириш йўлларини ўйлайди. У ҳамиша бирор нарсани яхшилашни, мукаммаллаштиришни хуш

кўради. Яқинда у майда товарлар учун янги қутилар ўйлаб топди ва энди юк машинасига 7560 қути ўрнига 10800 қути жойлашадиган бўлди.

Одамлар ҳақида, албатта, у ўзига хос ғамхўрлик кўрсатади. Шоҳидларнинг гувоҳлик беришича, у IKEA бошлиғи сифатида, Москва дўконларининг бирига юк тушириляётган пайтга келиб қолиб, ҳайдовчиларга уларнинг руҳини тетиклаштириш учун қаҳва берилишини буюрган экан. Айтишларича, шундан кейин йигитлар янада чаққонроқ ишлашибди.

Ингвар Кампрад миллиардларга ўз меҳнати, ақли-заковати билан эришган жуда омадли бизнесчилар тимсолидир. Бу йўлга дунёда сўконғичлиги билан донг таратган янги русларнинг ҳам ўтиш мавриди келмадимикин? Ёки бу бизга умуман тўғри келмайдиган йўлмикан?

ВУНДЕРКИНД «МЕРСЕДЕС»НИ ҚУТҚАРАДИ

Дитер Цече — ажойиб раҳбар, «Даймлер-Крайслер» концернининг бошлиғи. Бу концерннинг йиллик айланма сармоясига 150 миллиард евро бўлиб, дунёнинг беш қитъасида унинг 383 минг ишчиси бор.

Дитер Цеченинг моржларники монанд мўйлаби унга ҳатто кўплаб мўйловдор немислар орасида ҳам алоҳида ҳашам бериб туради. У ўзининг бу мўйлаби билан ҳамма жойда таниқлидир. Лекин у Унтер — туркхаймдаги «Мерседес» бош корхонасига ёнма-ён тепаликдаги оддий уйда истиқомат қилади. «Музхонада ҳеч нарса бузилмайди», дея таъкидлайди у, — пиццани иситаркан. Икки ҳафтагина олдин, деб хабар беради «Штерн» журнали, катта бошлиқ уйини ўзи супурган ва кирини ювган, эндиликда эса уй бекасини хизматга ёллаган. «У кўйлақларини ҳам дазмоллаб беради», дейди.

Гап хасислигу қурумсоқликда эмас, албатта. Автомобиль саноати чўққисига кўтарилиш унинг ҳаётида кўп учраганидек, кутилмаганда ва шиддатли тусда со-

дир бўлди. Хотини университетни тамомлаётган қизи билан ҳозирча АҚШда яшаб туришади — улар оиласи билан сўнгги беш йилни у ерда ўтказишганди ва бу вақт давомида немис муҳандиси инқирозга учраган «Крайслер» фирмасини оёққа турғизиш билан банд бўлганди. «Ёзда хотиним Штутгартга келса, — дейди улкан немис холдингининг янги раҳбари, — ишим анча енгиллашади». У ёлғизликни ёқтирмайди, одамларни ҳамиша очиққўнгиллик билан қарши олади, ҳеч бир жамоада ўзини бошқалардан ихоталаб қўймайди, «оддий ва одми» яшашга ҳаракат қилиб, меҳмонлар учун гўштли таомни ўзи пиширади, болалари ўзларига жиндек қўшимча чойчақа ишлаб олиш учун гезета сотишганларида ҳам уларга қаршилиқ қилмаган.

Дитер Цечега такаббурлик мутлақо ёт хислат, афсуски, немис йирик менежерлари орасида бу қусурдан холи бўлганлар кам эмас. Ҳайдовчи бир куни расмий делегация билан суратга тушишдан олдин: «Меҳмонлар ярим соатдан кейин келишади, сизнинг устингиздаги костюмингиз унниқиб кетган, янгисини олволсангиз бўлармиди», — деди. У уст-бошига кўз ташлаб, деди: «Костюм ҳали бутунлай яроқсиз эмас, чоклари мустаҳкам-ку». Янги костюм тиктиришга Дитер Цеченинг яна вақти етмай қолди.

Унинг ҳар бир дақиқаси энг муҳим иш учун мўлжалланган. Ишлаб чиқаришда йўл қўйилган хатолар туфайли сифат борасида узоқ давом этган баҳсу жанжаллар билан цехга қайтган «Мерседес»нинг машҳур моделини такомиллаштириш керак. Савдо сусаймоқда, мавқе пасаймоқда. Эндиликда у ҳамма соҳа билан — дизайндан тортиб, техник муаммоларгача ўзи шуғулланади. 8500 ишчи, 6000 бошқарувчи ишдан бўшатирилган. Ва бу қарор жамоа йиғинига шундай тарзда ҳавола қилиндики, унга нутқининг охирида ҳатто чапак чалишди.

Бу автомобиль турини илгаридан биладиганлар ҳам унинг янги жойда ишга шунчалик шижоат билан киришишни тасаввур қилолмагандилар. Ҳолбуки, Цече


ҳамиша, ҳар қачон шундоқ шижоат кўрсатиб яшаганди. 18 ёшида мактабни муваффақият билан тамомлайди. 22 ёшида электротехника муҳандиси дипломини қўлга киритади, бу немис шароитида жуда эрта ҳисобланади. 35 ёшида Аргентинадаги «Мерседес-Бенц» фирмасининг филиалини бошқаради. 39 ёшида Штутгартдаги холдинг бошқарувининг аъзосига айланади. Шуларнинг баробарида, турли турмуш ташвишлари орасида скрипка чалишни ўрганади ва Бетховен асарларини ажойиб ижро этиб, тингловчиларни лол қолдиради.

Дитер Франкфурт атрофидаги Оберурзелда вояга етади, бироқ отаси курувчи-муҳандис бўлиб ишлаган Истанбулда дунёга келганди. Ёшлик йилларида у от спортига қизиқади ва университет командасида муваффақият билан қатнашади. Балки ўзининг машҳур моржмонанд мўйловини ўша пайтларда қўйгандир. Унинг иқтисодиётда юқори мартабаларга кўтарилиш учун мусиқа ва спорт сира ҳам халал бермади. «Мен диплом ишимни, — дея хотирлайди йирик бизнесчи, — қандайдир аниқ бир фирма мисолида ёзишни ният қилгандим». Қобилиятли талаба билдирилган учта таклифдан «Мерседес-Бенц» автомобиль гигантини танлади. Ўша пайтда муҳандислар айрим моделларда учрайдиган бурилиш пайтидаги оғишлардан қутулиш чораларини излашаётган эди. Ҳали дипломга эга бўлмаган талаба компьютер билан бошқариш усулини таклиф қилди, ҳолбуки у пайтларда автомобилларда электроника деярли қўлланилмасди. Бундан натижа шу қадар зўр бўлдики, хижолатли аҳволдаги раҳбарият ёш йигитни ишга таклиф этишга ўзида шижоат топа билди.


1982 йили у, эндиликда ABC деб номланиб, автомобилсозликда кенг қўлланилаётган тизимнинг назарий асосларини ўзида мужассам қилган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейин кўп ўтмай Дитер Цече ёшликдаги жўраси билан «Физика бўйича чўнтак китоби» ва «Математика формулалар ва замонавий тех-

нология бўйича чўнтак китоби» ёзди. Бу икки китоб мутлақо чўнтакка сиғмайдиган ҳажмда бўлиб, формула ва чизмалар билан тўлдирилган 2000 саҳифадан иборат эди ва тўрт тилга таржима қилиниб, 150 минг нусхада (техникага оид адабиётлар учун камдан-кам учрайдиган ҳодиса) тарқалди ва назарийчи ҳамда амалиётчилар учун энг зарур ва фойдали адабиётга айланди. 1997 йили «Мерседес-А» моделини ўзи ишлаб чиққан ESP электрон дастури ёрдамида кескин бурилишларда отиб юборишдан халос қилди.

*«Труд» газетасининг
2006 йил 25 март ва
13 май сонларидан олинди
«Жаҳон адабиёти» журнали,
2006 йил 6-сон*



ДРАМА





ҚАЧОН ТОНГ ОТАДИ?..

Қатнашадилар:

ХУРРАМ — уста-мардикор, 30 — 35 ёшларда.

ВАФОҚУЛ — унинг ёрдамчиси, 30 — 35 ёшларда.

УЙ ЭГАСИ — 45 ёшларда.

УЙ БЕКАСИ — 40 ёшларда.

БАРНО — Шу оиланинг ёлғиз буй етган қизи.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қурилиш бўлаётган катта ҳовли, унинг тўрида янги тикланган ҳашаматли уй. Уста Х у р р а м ва унинг ёрдамчиси В а ф о қ у л махсус тарашланган гиштлар ва мрамор бўлакчаларидан бу кўркам ҳовлига бежирим йўлақлар ясашмоқда.

ХУРРАМ. Мана шу гиштларга, биласанми, жўра, камида юз йил бўлган. Эски биноларнинг гиштлири. Ҳозир буларнинг ниҳоятда бозори чаққон.

ВАФОҚУЛ. Наҳотки?

ХУРРАМ. Жудаям.

ВАФОҚУЛ. Нима учун?

ХУРРАМ. Чунки уларнинг зуваласи яхши пишитилган...

ВАФОҚУЛ. Ишимиз неча кунга чўзилиши мумкин, уста?

ХУРРАМ. Нар и борса, ўн кунга...

У й э г а с и спорт кийимида уйдан ҳовлига чиқади. Бадантарбия машқларини бажарган бўлади.

ВАФОҚУЛ. Ишқилиб, уй эгаси пулимизни вақтида берсин-да... Мактаб ҳам яқинлашиб қолди.

ХУРРАМ. Менинг ҳам ташвиш-хавотирим шундан.

Чунки бу катта шаҳарда устани ишлатиб қўйиб, пул тўламаслик урфга айланганмиш.

ВАФОҚУЛ. Шунақасиям бўлиши мумкинми, ошна?

ХУРРАМ. Бўлиши мумкинми, эмиш-а!.. Буни шаҳри азим деб қўйибди. Ҳар нарсага ёқангни ушлайверма, жулдур иштонингниям ечиб кетишади... Гапга қулоқ сол, уй эгаси ишинг қўнглимга ёқсагина пулингни бераман, деб олдиндан шарт қўяди. Иш битгандан кейин эса қилдан қийиқ ахтариб, эрта бераман-индин бераман деб, сарсон қилаверади. Буларни менга мардикор бозорида бир уста гапириб берди. Ҳасратидан чанг чиқади. Прокурорнингми, судьянингми уйида ишлаган экан. Уйини йигитлари билан бир йўла таъмирдан чиқариб берибди. Иш битгандан кейин, пулни беришга келганда эса галга солармиш-да, падарлаънат! Ака, устингиздан арз қилиб борсам, ўзингизнинг идорангизга борарканман, берсангиз — беринг, бўлмаса шу пулимдан кечвораман, дебди жонидан тўйиб шўрлик.

ВАФОҚУЛ. Берибдими, ишқилиб?!

ХУРРАМ. Оббо, зуваласи пишмаган-ей!.. Пули кўп одам хасис бўлади. Бунинг устига прокурор билан оддий уста баҳслашса, қай бири ютиб чиқади? Шунгаям ақлинг етмайдими?

ВАФОҚУЛ. Ноинсоф экан-ку! Худодан қўрқмайдими?!

ХУРРАМ. Одамнинг иши юришиб турса, худони тан оладими!.. Э-э, Вафоқул жўра, сен юравергансан қишлоғингда дунё шу экан деб. Юртма-юрт кезавериб, ҳар остонага бош уравериб, бу пешона (*Кафти билан уради.*) чақа бўлиб кетган, мен сенга айтсам!..

ВАФОҚУЛ. Россияда яшаганман дедингми, ошна?

ХУРРАМ. Ҳа... (*Қаддини тиклаб, хўрсинади.*) Армиядан кейин қолиб кетган эдим. Уйландим. У ёқда битта қизим бор.

ВАФОҚУЛ. Нима, туғилган юртингдан илон чиққанмиди? Нега қайтмадинг? Қишлоғингнинг қизларига уйлансанг бўлмасмиди?

ХУРРАМ. Э-э, нима десамикин сенга... Етимчилик-да катта бўлдим. Болалар уйида тарбияландим. Шунинг учун қаерга борсам, менга «питпилдиқ» эди.

ВАФОҚУЛ. Қизалоғингни ташла-а-аб қайтавердингми?!

ХУРРАМ. Дардимни янгилама, жўра!.. У ерда ишим зўр эди. Бригада бошлиғи бўлдим. Томорқам катта эди. Даромадим ҳам жойидайди. Лекин мени сиғдиришмади.

ВАФОҚУЛ. Қанақасига?!

ХУРРАМ. Жудаям кўп ичишаркан. Оилам, бола-чақам деган одамни ёқтиришмас экан. Хотинимга, кетдик бизнинг юртларга, дедим. Юртимизнинг боғларини, кўёшини, одамларини мақтадим. (*Муҳим сирни айтаётгандек шивирлаб.*) Дунёни қанча кезма, жўра, барибир бизнинг юртдақа юртни тополмайсан!.. Шундоқ қилиб, у рози бўлди, лекин ота-онаси қўймади. Эҳ!.. Биласанми, жўра, қизим худди ўзимнинг қуйиб қўйганим. Қорачадан келган!..

ВАФОҚУЛ. Соғинмайсанми?

ХУРРАМ. Соғинмайсанми эмиш-а?! Соғинаман!.. Лекин чораси йўқ... (*Хўрсиниғини босиш учун зардали овозда.*) Менга қара, мрамар бўлақларини терганда гулини гулига тўғрилаш керак.

ВАФОҚУЛ. Мрамарнинг ҳам гули бўладими?

ХУРРАМ. Оббо, каллаварам, қишлоқи! Мана бу тарам-тарамлари бор-ку, шулар мрамарнинг гули дейилади. Уқдингми?! Инжиқ хўжайинлар худди ана шундан қийиқ топади.

ВАФОҚУЛ. Шунақа нозик жойларини айтиб тургин-да, уста. Мен қишлоқда ҳовлимга мрамар терибманми!

У й э г а с и чиройли кийинган ҳолда уйдан чиқиб келади. У й б е к а с и уни зинада кузатиб қолади. Уй эгаси сигарета тутатганча бир зум мрамаркорлар олдида тўхтайди. Уларнинг саломларига алик олган бўлиб, нимадир демоқчидек уларнинг ишларига синчков назар ташлайди. Кейин дарвоза томон юриб, чиқиб кетади.

ХУРРАМ. Агар хўжайиндан иш ҳақини ундириб олсак, бориб мрамар ҳам терасан.

ВАФОҚУЛ. Мәрмәрни бошимга урамани? Уч болам чирқиллаб турибди. Иккитаси мактабга чиқади. Уларга уст-бош керак! Папка керак! Дарслик керак!.. Ақалли шуларни эплаб беролмасам, нима қилиб юрибман бу дунёда эркак бўлиб, ота бўлиб!..

ХУРРАМ. Ўғлинг нечта?

ВАФОҚУЛ. Иккитаси ўғил.

ХУРРАМ. Ҳали тўйини қилмагандирсан?

ВАФОҚУЛ. Э-э, ошна, ҳаётдаги энг катта орзум шу. Қишлоқчиликни биласан... Мен ҳам одам қаторига қўшилиб, юртга ош берсам дейман!..

ХУРРАМ. Сенинг пулинг бўлмасаям, мақсадинг боракан. Эҳ, менда-чи?.. Ёлғизлик жонимга тегди. Одамнинг бурдини кетказиб қўяркан сўққабошлик. Турмушингдан маза-матра қочаркан. Биронта муносибини топиб, уйланмасам бўлмайди, шекилли. Шалдир-шулдур бўлганим билан (*Кафтини кўксига уради.*) бу юракда дард кўп, жўра!.. Ўзимни ўзим хурсанд қилиб юрман-да!..

ВАФОҚУЛ. Худодан астойдил сўрасанг, сўраганингни беради, ошна.

ХУРРАМ. Шунақа дейишади, гапингда жон бор... Энди бир зум нафас ростласак ҳам бўлар, дейман, а, Вафо? Қулга ўхшаб ишлайвермайлик! Сен носни ур, мен тамакимни тутатай.

Утириб нафас ростлашади. Х у р р а м сигарета тутатади. Вафоқул сувқоғозли халтадаги носини олади.

ВАФОҚУЛ (*хаёл сурган кўйи, оғзида нос билан*). Ушта, шу уй қанчага тушдийкин? 5-6 миллион кетгандир-а?..

ХУРРАМ. Э-э, каллаварам, қишлоқи! Яна биттадан ноль қўш унга. 50-60 миллион камида.

ВАФОҚУЛ. Шунша пулни қандоқ топиш мумкин, а?

ХУРРАМ. Қандоқ топишарди, бунинг йўли осон.

ВАФОҚУЛ (*носини чеккага туфлаб, унга томон астойдил юзланади*). Қанақа йўли бор, ошна?

ХУРРАМ. Битта йўли бор.

ВАФОҚУЛ. Айт, шу йўлини.

ХУРРАМ. Ўғирлик қилиш...

ВАФОҚУЛ. Э-э, бизга тўғри келмас экан... Менга қара, ўғирлик қилишган бўлса, нега қамалиб кетишмайди?

ХУРРАМ. Ҳазиллашдим, каллаварам. Эҳтимол ўғирлик қилишмагандир. Лекин шуниси аниқки, бугунги кунда шунча пулни ҳалол йўл билан топиб бўлмайди.

ВАФОҚУЛ. Уй эгаси ким бўлиб ишларкан?

ХУРРАМ. Чамамда, у йирик тижоратчи.

ВАФОҚУЛ. Ҳар қалай, топармон экан-да.

ХУРРАМ. Ҳозир шуларнинг замони. Яқинда бир профессорнинг уйида бўлдим. Тушиб кетган кафелларини қайтадан териб бердим. Иш ҳақига келганда, пулни бирам қўли қалтираб санадики, кулгим қистаб кетди. Ҳа, домлажон, намунча қалтирайсиз, десам, ахир бир ойлигимни сен бир кунда ишлаб кетяпсан-ку, дейди. Ана шунақа, жўра, ойликка яшайдиганларнинг ҳайити ўтди. Энди замон тижоратчиларники, амалдорларники! Пулинг бўлса, мана шунақа қалъаю қасрга ўхшаган уйлар қурасан, пулинг бўлса, дунёнинг энг гўзал жойларида дам оласан!

ВАФОҚУЛ. Пулни ким ўйлаб топган-а, ошна? Ёш гўдақдан тортиб мункиллаган чолу кампиргача пулнинг дардида-я!..

ХУРРАМ. Э-э, ўлма, жўра! Ҳақ гапни айтдинг! Чунки пулинг бўлса — ошарсан, пулинг бўлмаса... *(Давомини айтиб юбор, дегандек В а ф о қ у л га тикилади. У анграйиб боқади.)* Нима?.. Ночорсан! Ночорсан деганим, бир тийинсан, деганим!

ВАФОҚУЛ. Шоир бўп кет-е, ошна!..

ХУРРАМ. Дунёни жазавага туширадиган нарсаям шу пул, жўра. Шунинг учун ҳам ҳаёт гоҳ дарёдай лойқаланади, гоҳ тинийди. Ҳозир айни лойқаланган пайти.

ВАФОҚУЛ. Лойқаси кимлар унда? Биз — мардикорларми ёки бизни ишлатаётган хўжайинларми?

ХУРРАМ. Узр. Бу нозик саволингга жавоб беролмайман, ақлим калталиқ қилади.

ВАФОҚУЛ *(қаддини тиклаб, муҳташам иморат томон-*

га юзланади). Ошна, лекин шу иморатга ҳавасим кетди-да!..

ХУРРАМ. Сенинг ҳавасинг кетган бўлса, бунақа уйларга ҳасади келаётганлар қанча! Бир уста жўрам гапириб берди. Катта амалдорникида ишлаётган экан. Ҳовлисига кириб, қурилиш материаллари омборхонасига кириб қолдимми деб ўйлабман, дейди. Уюм-уюм ёғочу темирларни кўриб эси оғиб қолаёзибди. Иморат шунақанги катта эканки, уй эгаси тўртта ҳовлини сотиб олиб, ўрнига қураётган экан. Маҳалладаги кимлардир унинг устидан хат ёзиб, иморатнинг ҳам суратини хатга кўшиб, юқорига жўнатишибди. Улар, биласанми, нима деб жавоб қилишибди? Бизда — демократия, бойиш энди айб эмас, дейишибди.

ВАФОҚУЛ. Унда камбағал бўлиш айб экан-да?

ХУРРАМ. Камбағаллик айб ёки айбмасми, билмайман-у, лекин мен сенга бир гапни айтсам, юртда бойлар кўпайгани яхши. Шунда сен билан мен мардикор бозорида сарғайиб ўтирмаймиз. Эртага бир бурда нонни топиш насиб қилармикан, деган таҳликада яшаймаймиз!

ВАФОҚУЛ. Мен сени фақат устамисан десам, ғирт донишманд ҳам экансан-ку, ошна! Айтганингдек, бойлар қишлоқлардаям кўпайсайди, юрмасдим бу ерларда тентираб!.. Жуда ғалати замонлар бўлди: кимдир тинмай қаср тиклаш билан овора, кимдир бир бурда нон излаб сарсону саргардон! (Ўрнидан қўзғалади.) Қани турдик, бўлмаса! Бугун ишимиз унчалик унмаяпти.

ХУРРАМ. Гапга чалғиб кетдик-да, жўра. Лекин гап ҳам керак. Биз мол эмасмиз-ку, миқ этмай ишлайверадиган.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша ҳашаматли ва кўркем хонадон. Уй эгаси, Уй бекас ва уларнинг ёлғиз қизи Барно кечки таом учун дастурхон атрофига йиғилишган. Хона бурчагидаги телефон жириглаб қолади. Барно бориб кўтаради ва инглизча гаплашган кўйи унинг кўчма дастагини отасига

олиб келади. Кўнғироқ Истанбулдан эканлигини англаб, у туркча сўзлашади. Суҳбат узоқ давом этмайди.

УЙ ЭГАСИ. *(хотинига юзланиб).* Салимбей — кўнғироқ қилган. Шартномани тасдиқлашга келинг, деяпти.

БАРНО. Ур-ре-е-е, дадажон! Аввал ваъда берганингиздек, биз ҳам сиз билан бирга борамиз. Бу йил Анталияда дам оламиз! Тўғрими, дадажон! Ойимлага Анталияни томоша қилдирамиз, ҳақиқий денгизни кўрсатамиз! Денгиз қанақа бўлади ўзи, деб юрардилар.

УЙ ЭГАСИ. Ойинг рози бўлсалар бўлди, қизим! Биласан-ку, ойингнинг ёмон бир одатлари бор. Мен қишлоғимга бориб, онамнинг олдида бир ҳафта туриб келсам — бас, шу ҳар қандай саёҳатдан, ҳар қанақа санаторийдан афзал, дейди. Ойингни кўндирилсанг, қанийди! Мен Истанбулда ишларимни битириб олгунча сизлар денгиз соҳилида дам олиб турардинглар. Нима дейдилар, ойиси?

УЙ БЕКАСИ. Майли, бир саёҳат қилсам, қила қолай. Дадаси, аввал ҳажга боришни кўнглимга тугиб қўйгандим. Онамни ҳам олиб борсам, бу дунёда армоним қолмасди.

УЙ ЭГАСИ. Фам ема, ҳажгайм борасан... Лекин ҳозир кўряпсан-ку, иш юришиб турибди. Салимбей дориларни катта миқдорда жўнатмоқчи. Унинг фирмаси бу дориларни ҳозир Англиядан олади, чамамда. Ҳозирча улар билан шартнома тузиб турсам, кейинроқ Англияга ўзим тўғридан-тўғри чиқаман. Ўшанда шаҳардаги майда дўконлардан воз кечиб, алоҳида катта дорихона очамиз. Худо хоҳласа, шу дорихонани Барнонинг номига расмийлаштираман. Барно, сен ўқишингни Лондонда давом эттирсанг-чи, а? Вазирлик билан ўзим гаплашаман. Ахир, боя айтган фирмамга тўғридан-тўғри чиқолсам, сен Лондонда ҳам ўқишни давом эттирасан, ҳам менинг вакилим бўлиб ишлайверасан. Шу фикримга нима дейсан, Барно?

БАРНО. Жуда зўр бўларди-да! Биласиз-ку, Лондон менга ёқиб қолган. Айниқса, унинг туманлари чиройли. О, эрталабки пайтлари!.. Ҳали ҳам эсим-

да, тонг отиб, одамлар кўчаларга тўлиб кетгани билан, бутун шаҳар ҳали туш кўриб ётганга ўхшаб туюлади...

УЙ ЭГАСИ. Демак, розисан?

БАРНО. Бўлмасам-чи, дадажон!

УЙ ЭГАСИ. Яхши унда. Бугун қайси кун? Ойнинг нечанчи куни?

БАРНО. Ўн тўққизи.

УЙ ЭГАСИ. Мен ўн беш кундан кейин Истанбулда бўлишим керак. Хў-ў-ўш, усталар ҳовлини қачон би-тиришмоқчи?

УЙ БЕКАСИ. Узоғи билан ўн кунда.

УЙ ЭГАСИ. Яхши, ишлари дуруст кетяптими? Кўзбўямачилик қилишмаяптими? Анови бухороликман дегани дуруст йигитга ўхшайди. Гап-сўзлари киришим-лигина. Ёнидаги ёрдамчиси ёқмади — намунча жул-дурвоқи у?

УЙ БЕКАСИ. Дадаси, ўша йигитга нимагадир раҳ-мим келяпти...

УЙ ЭГАСИ. Нимага раҳминг келади? Киши ҳазар қиладиган кимсагаям одамнинг раҳми келадими? Мен уни уйга киритганимдан пушаймонман.

УЙ БЕКАСИ. Шунчаки юрмагандир... Муҳтожлик ту-файли келгандир-да шаҳарга...

УЙ ЭГАСИ. Бу дунёда муҳтож бўлмаган одам бор-ми, хотин? Ҳаммамиз нимагадир муҳтожмиз бугунги кунда. Масалан, менга миллион доллар керак! Биров-лар учун бу арзимас маблағ бўлиб туюлиши мумкин. Лекин менга эса!.. Эҳ, шу миллионим бўлгандами, ҳар қандай «қора кун»дан қўрқмаган бўлардим!..

УЙ БЕКАСИ. Намунча «қора кун»ни тилга олган-нингиз-олган? Қўйинг, овозингизни ел учирсин, қора кун бошимизга тушмасин! Худо кўрсатмасин унақа кунни!

УЙ ЭГАСИ. Хотин, «қора кун» ҳамманинг бошига келиши мумкин. Шунинг тадориги кўриб қўйилса, зиён бўлмайди. Ахир, эсла, қарз олиб вақтида узолмаган пайтларимизни!

УЙ БЕКАСИ. Қўйинг, у кунларни эсламайлик. Ўшанда айтгандим сизга, таваккал қилманг, олим одамсиз, тижорат қўлингиздан келмайди, деб!

УЙ ЭГАСИ. Таваккал қилиб, нотўғри қилмаганман, хотин. Балки тўғри қилганман. Бугунги турмушимиз шунинг исботи эмасми?

УЙ БЕКАСИ. Қарзини узгунингизча қон қустирди-ку ўша Зафар зиқна! Берган долларини уч барабар қилиб тўлатганди-я! Тагин ошна эмиш, оғайни эмиш!

УЙ ЭГАСИ. Ҳақиқатан ҳам қон қустирганди оғайним. Шунда қаттиқ юрак олдириб қўйганман. Билмадим, бу қўрқув вақт ўтиши билан ёдимдан кўтарилармикан ёки бир умр таъқиб қилармикан? Менимча, ёдимдан кўтарилмаса керак. Шунинг учун ҳар вақт-ҳар маҳал йўлимнинг давоми «қора кун»га бориб тақалаётгандек бўлиб туюлаверади... *(Бирдан эслаб қолади.)* Менга қара, Барно, аэрокассага телефон қил. Янаги ойнинг учинчи кунига Истанбулга чипта буюр. Ўн кундан кейинги қайтишимизга ҳам. Ҳозироқ қўнғироқ қил. Учта чипта дегин. Ўзлари келтириб беришсин. Ма, телефонни ушла.

УЙ БЕКАСИ *(қизининг ортидан термулиб)*. Қизимиз бўй етиб қолди. Уни тагин Лондонга бор, дейсиз. Мен қандоқ чидаб ўтираман бу ерда? Ўғил бола бўлганда йўриғи бошқайди...

УЙ ЭГАСИ. Қизим ўнта ўғилнинг ўрнини босади, ташвиш қилма. *(Бир зум сукутга толади, овозидаги шиддат сустлашади.)* О, худодан бойлик сўровдим, берди. Нега ўғил сўрамаган эканман-а!.. *(Яна овози олдинги руҳига қайтади.)* Ўзига пишиқ бўлса бўлди-да, онаси. Ҳақиқий мутахассис бўлиб қайтади, иш ўрганади. Бир ўзимнинг елиб-югурганим нима бўлади! Эрта-индин у ҳам қаватимга кирсин дейман-да. Ташвиш қилма, биргаликда бориб хабар олиб турамиз.

УЙ БЕКАСИ. Туғилган қишлоғимга боролмаяпман-ку, Лондонга йўл бўлсин!

УЙ ЭГАСИ. Қишлоғингга бориб келдинг-ку баҳор-

да, ахир! Отангизнинг йилини ўтказиб келдик-ку! Яна нима дейсиз, хоним!

УЙ БЕКАСИ. Анови устанинг ёрдамчиси — самарқандлик йигит укамни эсимга туширворди... Шўрликнинг йўтали яна кучайибди... Қизлари эса бўй етиб қолди... Ишқилиб, худо раҳмини есин-да...

УЙ ЭГАСИ. Ҳар нарсага сиқилаверма, онаси. Бир онангни ўйлаб сиқилсанг, бир кун укангни ўйлаб сиқилсанг!.. Ўзингни ҳам ўйлагин-да! Укангни йўталиши чекишдан. Ҳайронман қишлоқ йигитларига — нимангга чекасан? Бизнесинг юришмаяптими? Ёки доллар ўйнаса, сенинг ҳам юрагинг ўйнааяптими?.. Айтсин эди уканг — нима дори керак бўлса, топиб берардим. Яна нима қилишим керак?! Айт, нима қилишим керак?! Бунақада ўзинг касал бўлиб қолсан-ку, хотин! Касал бўлганинг майлику-я, менинг режаларимни издан чиқариб юборасан!.. Бас, сиқилма. Анталия яхши жой, денгиз бўйи!.. Бир ёзилиб келасан... Энди гап бундоқ — мардикорларга кўз-қулоқ бўлиб туринглар. Тезлатишсин. Хўжайин ишларингизни миридан-сиригача текшириб қабул қиларкан, деб тайинланглар. Бирон ишкалини топсам, бир тийин бермайман. Шунини яхши билишсин. Менинг кўчага ташлаб қўйган пулим йўқ.

Хонага Барно кириб келади. Қадам олишларидан ички қувончи яққол сезилиб туради. Хона тўридаги мусиқа жавони олдига бориб, кассета танлайди ва уни қўяди. Замонавий туркча қўшиқ янграйди.

БАРНО. Дадажон, айтганларингизнинг ҳаммасини қойилмақом қилиб бажардим! Чипталар эртага қўлимизда бўлади!

УЙ ЭГАСИ. Яшшавор, қизим!.. (У хотинига «Қизим қалай?» дегандек қараб қўяди.)

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи кўринишдаги манзара. Ҳовлидаги йўлакларга гишт ва мрамар бўлаклари ётқизиш ишлари давом этмоқда.

ХУРРАМ. Қизларни аврашни билиш керак, жўра. Хўжайин яқинда оиласини олиб Анталияга кетаркан. Қизи эса кейинроқ — Лондонга борармиш.

ВАФОҚУЛ. Анталия дегани нимаси?

ХУРРАМ. Дунёнинг энг катта бойлари дам оладиган курорт жой, каллаварам.

ВАФОҚУЛ (*ҳайратини яширолмай*). Шунақа дегин-а!.. Бойларнинг бошқа қиладиган иши йўқ-да, а? Қизи Лондонда нима қиларкан?

ХУРРАМ. Ўқишини ўша ёқда давом эттирармиш. Гапимни бўлмай тур. (*Завқи тошиб.*) Шу десанг, хўжайиннинг қизиям мультфильм кўриб катта бўлган қизлардан-да, оғиздан чиққан гапга дарров ишона қолади. Имкони бўлганда Лондонга мен ҳам кетардим, дадангиз билан гаплашиб кўрмайсизми десам, майли, лекин сиз нима қиласиз у ёқда, дейди. Мен сиз ўқийдиган дорилфунунда ўзимга бирон иш топиб оларман, десам, майли, дадамга айтиб кўрай-чи, деди. Хўв қишлоқи, кўнғир мрамарнинг ёнига қора мрамарни териб бўладими?! Бундоқ қара-чи! Каллаварам! Бирон жойга шунақа терибмизми, зуваласи пишмаган?! Анависидан узат. Ана шунисидан. Қоришмани жуда суюқ қилиб юборма.

Хуллас, жўра, менда ишонтириш қуввати кучли. Не не қизларни маҳлиё қилмаганман ўзимга!.. Сенга бир сиримни айтайми? Қизларга ҳамиша кўнгиллари ўсадиган гапларни гапир. Гапларингга жиндак мақтов ҳам қўш. Ўзингни хокисорликка ол, лекин ерга уриб ташлама. Уқдингми, жўра! Ана шунда ҳамиша ошиғинг олчи бўлади!

ВАФОҚУЛ. Ол-а, роса сайрадинг-ку! Шу гапларингнинг менга заррача кераги бўлса, ўлай агар! Мен бола-

чақамни ўйлаб, тунлари ухламай чиқяпман-у, сенинг гапларингни қара!

ХУРРАМ. Нима, сенингча йигит киши юрмаслиги керакми? Битта билан ўтиб кетаверадими?

ВАФОҚУЛ. Бўлмасам-чи! Одам оила қурдими, та-мом! Ўша оиласи билан бўлиши, оилани пок сақлаш керак, ошна. Оилада бир-бировни алдаб, бир-бировга хиёнат қилиб қандоқ яшаш мумкин?

У й б е к а с и қўлида тушлик таоми кўтариб ҳовлига чиқади. Улар овқатланадиган столга дастурхон тузаб, қошиғу чойнак-пиёлаларни келтириб қўяди. Х у р р а м гапидан бир нафас тўхтаб, зимдан У й б е к а с ининг хатти-ҳаракатига разм солади.

ХУРРАМ. Гапир-а, гапир афсонани! Қайси китобдан ёдлаб олгансан бу гапларни?! Унақа одамлар фақат эртақларда бўлади, жўра! Масалан, сен ўзинг шунақамисан?

ВАФОҚУЛ. Бошқа қанақа бўлишим мумкин?

ХУРРАМ. Тўхта, жўра. Қилган қоришманг тугадими? Энди соатга қаравор. Тушлик вақти бўлди, шекилли. Ишлагандан кейин одамга ўхшаб дам ҳам олиш керак. Уй бекасининг жуда қўли ширин экан, ош олиб чиқдимиди дейман? Жўра, сенга жуда узоқ тикилди-я! Нима бало, ошиқ бўлиб қолдимикан ёки?.. Онаси — сенга ошиқ, қизи — менга! О, ҳаёт бирам гўзаллашиб кетяптики! Шу кетишда божа бўлиб қолсак ҳам, ажаб эмас! (*В а ф о қ у л ҳазилни ҳазм қилолмай, қаддини ростлаб туриб, унга еб қўйгудек боқади.*) Ножўра гапириб қўйдимми? Бунақа ола қарама, жўра. Хўш, қани бир паловхонтўрани маза қилиб туширайлик энди!

Улар юз-қўлларини ювишиб, стол-стулга бориб ўтиришади. Дастурхонни очишиб, тамаддига тараддуд кўришади. Шу орада Х у р р а м халтасига яширилган шишани олиб келади.

ВАФОҚУЛ. Э-э, йигиштир бунингни! Қаердан топа қолдинг?

ХУРРАМ. Боя сигаретга чиққанда олволувдим.

ВАФОҚУЛ. Ошна, бу шаҳарга мен ичгани келган эмасман, ишлагани келганман.

ХУРРАМ. Ичмасанг, ичма, жўра. Мен сени зўрлаётганим йўқ. Ўзимиз отамиз-да буни. (*Пиёлага тўлдириб қуяди.*) Қани, банияти шифо! (*Газак қилади.*) Менга қара, мен ҳазилакам уста эмасман. Йигирма йиллик тажрибага эгаман. Армиядан бошлаганман бу касбни. Сувоқчилик дейсанми, бўёқчилик дейсанми, бетон ишлари дейсанми — ҳаммасидан хабарим бор. Истаган устангнинг савияси қанақалигини, тажрибаси қанчалигини бир зумда айтиб бераман.

Бир куни мардикор бозорида давра олиб турувдик, биттаси зўр устаман деб каттачилик қилиб қолди. Хўш, сенга бир савол, дедим. Олдингга ҳар хил бўёқларни ва бир стакан ароқни қўяман, шулардан чиройли ранг ҳосил қилиб бер десам, нима қиласан, дейди. Э-э, ароқни у бўёққа аралаштираман, бу бўёққа аралаштираман, деб роса олиб қочди-я!.. Уста эмас экансан, дедим. Нега, дейди бакрайиб. Ҳақиқий уста аввал стакандагини гуппа отади-да, кейин бўёқларни бир-бирига аралаштиради, дедим. Роса кулгу бўлди! Ҳақиқий усталарнинг ичмайдигани йўқ, жўра. Хўш, энди бояги афсонангни давом эттир. Демак, ҳеч ким билан юрмагансан-а?

ВАФОҚУЛ. Ҳа, юрмаганман. Тепамда худо бор.

Х у р р а м нинг шумлиги тутиб, тепага қараб қўяди.

ХУРРАМ. Рўпара ҳам келмаганмисан?..

ВАФОҚУЛ. Рўпара келганда қандоқ! Ўтган йили бир автобус ҳайдовчисига ёрдамчи бўлиб ёлланувдим. «Самарқанд — Тошкент» орасида қатнаймиз де. Тонгда қайтиб кетиш учун тунаб қоламиз. Йигитлар кечаси изғиб кетишади. Мени ҳам қўймай қисташади. Ўн тўрт ёшлисини олиб келдик сенга, юр, ахир, дейишди бир гал, мени роса ўртага олишиб. Мен бормайман, дедим. Ростини айт, йигитмисан, йигит эмасмисан, дея тирғилишди улар. Йигит эмасман, деб зўрға қутулганман.

Бошқа сафар бир жувонни рўпара қилишди. Пул керак экан — ҳожатини чиқар, ахир, деб турволишди. Мен, майли, шимимни ювиб бера қолсин, хизмат ҳақисини бераман, дедим.

ХУРРАМ. Одам ишонадиган гаплардан гапирсанг-чи, жўра. Нима, хотинингни шунчалар яхши кўрасанми?

ВАФОҚУЛ. Ҳа-да. Бирон марта уни онангни деб сўкканим йўқ, бирон марта бетига шапатилаганим йўқ. Фақат бир ожиз томоним бор — жуда қаттиқ рашк қиламан. Биласанми, уни ҳатто кўчадаги симёғочдан ҳам рашк қиламан. Хотиним буни сезиб кулгани-кулган. Биламан, у жуда ҳалол-покиза аёл, тўғри юради, аммо шу рашк балосидан қутулолмаёпман-да. Лекин яқинда радиодан эшитиб қолдим — севган одамдагина рашк бўлар эмиш. Севмаган одам рашк нималигини ҳам билмасмиш. Мен ҳақиқатан ҳам яхши кўраман хотинимни, ошна!

ХУРРАМ (*ҳайратомуз оҳангда*). Шунақа дегин-а!.. (*Ароқдан яна пиёлага қуюди.*)

ВАФОҚУЛ. Бас қил, оғайни! Бу аҳволда ишимиз жуда чўзилиб кетади-ку!

ХУРРАМ. Жуфт бўлсин-да энди. Жуфт қиламан, та-мом. (*Пиёлани бир кўтаришда бўшатади, газак қилади.*)

ВАФОҚУЛ (*муҳташам иморатга назар ташлаб*). Чинакам қаср-а! Ичидаги хоналарнинг ҳисоби йўқ.

ХУРРАМ. Янги латифани эшитдингми, жўра?

ВАФОҚУЛ. Қанақа латифа?

ХУРРАМ. Янги чиққан бойлардан бири «Тико» со-тиб олибди. Оғайнилари роса ҳайрон бўлишибди: «Мерседес»инг бўлса, «Лимузин»инг бўлса, «Тико»ни бо-шингга урасанми, дейишибди. У эса, «уйимнинг ичи-да нимада юраман?», дермиш...

ВАФОҚУЛ. Уй нақ эртақлардаги қаср бўлгандан кейин, қийин-да!.. (*Кулгудан ўзини аранг тўхтатиб.*) Латифанг тугадими? Қани, турдик бўлмаса.

ХУРРАМ (*ўрнидан қўзғалиб*). Майли, турайлик...

Х у р р а м хиргойи қилиб, боя ишини тўхтатган жойига боради.

ХУРРАМ. Қани, янги қоришмани тезда тайёрла-чи! Мен мрамар бўлақларининг бир-бирига мосини топиб тураман. *(Хиргойисиди давом этади. Бир пайт тўхтаб.)* Жўра, сенинча, Барно қалай? Дуруст қизми?

ВАФОҚУЛ. Яхши қизга ўхшайди. Кўнглида кири йўқ экан.

ХУРРАМ. Шуни кўндирсам, нима дейсан?

ВАФОҚУЛ. Сени Лондонга олиб кетишигами?

ХУРРАМ. Оббо каллаварам-ей, қишлоқи! Ўзимга кўндирсам, деяпман!

ВАФОҚУЛ. Ўзимга деганинг нимаси?

ХУРРАМ. Кўнглига қўл солиб кўрсамми, деяпман-да. Кўнадиганга ўхшаб туюляпти.

ВАФОҚУЛ. Нима-нима?!

ХУРРАМ. Нима – нима?

ВАФОҚУЛ. Ҳўв, оғайни, сен уйлангансан-ку! Бо-ланг бор-ку!.. Ҳазиллашяпсанми?

ХУРРАМ. Болам бўлса, нима қибди? Хотиним билан ажрашганман. Эргаям тегиб бўлти у. Нима, мени шундоқ ўтиб кетади, деб ўйлаяпсанми? Бир қармоқ ташлаб кўраман — илинса илинди... Бўлмаса яна бошқаси-да. Нима кўп — қиз кўп ҳозир... Лекин шу уйга куёв бўлиб олсам!.. Шунда кўрасан аканг қарағайни!.. *(Хиргойисиди давом этади.)*

ВАФОҚУЛ. Бу оилага кир тумшуғингни тикма, оғайни!.. Ёки ароққа қўшиб имонингниям ичиб юбордингми?! *(Унга газаб билан тажовузкорона боқади.)*

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша ҳовли. В а ф о қ у л ғ и ш т ва мрамар бўлақларини саралаш билан банд. Радиоприёмник овозини баландлатганча сигарет чекиб ўтирган Х у р р а м тамадди столи атрофида ўралашиб юрибди ва бир пайт унинг тагидан ишиша олиб, бекитиқча пиёлага ароқ қуяди.

ВАФОҚУЛ. Яхши эмас, ошна! Бунақада иш ўлади-ку!..

ХУРРАМ. Айниб қолмасин деяпман-да, жўра!

ВАФОҚУЛ. У-ку айниб қолмайди, ўзинг айниб қола-сан!

Шу пайт ҳовлига Барно кириб келади. Хуррам унга пешвоз чиқади.

БАРНО. Ассалому алайкум! Ҳорманглар!

ХУРРАМ. Ваалайкум ассалом! Хуш кўрдик — гўзалларнинг гўзали, Барноларнинг барноси!

БАРНО. Одамни ортиқча мақтаб, уялтириб юборасиз-а, уста ака!..

ХУРРАМ. Мен ҳамиша рост гапириб келганман ва шу ростгўйлигим учун ҳар доим танбеҳ эшитганман.

БАРНО. Мана, сизларга маъданли сув ва «Кола». Теннис машқига бориб қайтдим.

Шу пайт У й б е к а с и чиройли кийинган ҳолда уйдан чиқади.

УЙ БЕКАСИ. Қизим, келдингми?

БАРНО. Ҳа, ойижон!

УЙ БЕКАСИ. Мен ҳамюртимиз Тошбиби холаникига ўтиб келаман. Яқинда қишлоққа бориб қайтибди. Ров бориб, ров қайтаман.

БАРНО. Хўп, ойижон. Яхши бориб келинг.

У й б е к а с и чиқиб кетади.

ХУРРАМ. Қани, бу ёққа узатинг-чи ракеткангизни — қанақасидан экан? (*Ракеткани қўлига олиб, синчиклаб кўздан кечиради. Ҳавода силкиб кўради.*) Яхши. Бунинг минг долларлигиям бўлади, кўрганмисиз?

БАРНО. Йўқ, эшитганман.

ХУРРАМ. Мен эса унда ўйнаганман.

БАРНО. Наҳотки?!

ХУРРАМ. Бўлмасам-чи!

БАРНО. Ҳали зўр теннисчиман денг! Мусобақаларда қатнашганмисиз?

ХУРРАМ. Йўқ, лекин энг машҳур теннисчилар билан куч синашганман.

БАРНО. Ким билан?

ХУРРАМ. Жаҳон чемпионатларида ўйнаб юрадиган теннисчимиз бор-ку...

БАРНО. Огорововми?

ХУРРАМ. Анависи-чи?

БАРНО. Ирода Тўлагановами?

ХУРРАМ. Ҳа, ўша Ирода. Бир кун ўшаникида ишлаётгандим... Уйидан спорт формасида чиқиб келдида, Хуррамчик, қўй ишингни, сен билан теннис ўйнагим кеп қолди, деса бўладими?..

БАРНО. Ҳисоб қанақа бўлди?

ХУРРАМ. Қанақа бўларди? Биринчидан, у аёл киши бўлса, иккинчидан, унинг майдонида ўйнаётган бўлсам, нима бўларди? Дурангга рози бўлдим!

БАРНО. Бир марта бўлса ҳам Ирода билан теннис ўйнасам, армоним йўқ эди!..

ХУРРАМ. Ташвиш қилманг, ўйнайсиз у билан!.. Телефон қилиб тураман, деганди. Ҳозир чет элда, шекилли. Қайтса, албатта, сизни унинг олдига олиб бораман!

БАРНО. Вуй, қандоқ яхши!..

ХУРРАМ. Мен сўз бердимми — тамом!

Х у р р а м радиоприёмник олдига бориб, унинг овозини баландлатади.

БАРНО (*радиодан таралаётган оҳангга ишора қилиб*). Фарб мусиқасига ишқивозмисиз, дейман? Майкл Жексонми бу куйлаётган?

ХУРРАМ. Худди ўша-да! У оғайним бўлади. Шунинг учун қўшиқларини яхши кўраман.

БАРНО. Наҳотки? Қанақасига?

ХУРРАМ. Эшитгандирсиз, бундан йигирма йиллар аввал у Москвага келганди... Э-э-э, кечирасиз, йигирма йил илгари сиз эшитиш тугул, бу дунёда йўқ ҳам эдингиз-ку!..

Шу денг, Москва кўчасида сандирақлаб кетаётгандим, бир пайт оломон гувуллаб қолди. Қарасам, ажойиб бир машинадан қора кўзойнак таққан, шляпасини қошигача бостириб олган бир йигит тушяпти, ёнида соқчилари. Беш-ўн қадам юрганидан кейин оломоннинг ҳурмати учун шляпасини кўтариб, қора кўзойнагини ҳам олган эди, нигоҳи нақ менга тушса бўладими! Қўлини силкиб, «Хуррам, қалайсан?» дегандек

бўлди. Отимни қаердан билиб олганига ҳалиям ҳайронман... Ана шундан кейин унинг ўзигаям, кўшиғигаям ҳурматим ошиб кетди. Ҳатто унга ўхшаб рақс тушишним ўрганияпман. *(Кўшиқ куйига монанд хатти-ҳаракатлар қилиб, рақсга тушади.)*

БАРНО. Чарчаб кетдингиз, «Кола»дан ичиб олинг.

ХУРРАМ *(ҳансираб)*. Раҳмат. Вафокул, маъданли сув ичасанми, «Кола»ми?

ВАФОҚУЛ *(бошини кўтариб қарайди)*. Менга совуқ сув ҳам бўлаверади, керак эмас.

ХУРРАМ. Оббо қайсар-ей! Мана шу ёрдамчим қайсар чикди-да. «Кола»ям ичмайди, «Фанта»ям ичмайди. Ароқни-ку, оғзига олмаган экан. Лондонга олиб кетмаймизми шуниям?

БАРНО *(овозини пасайтириб)*. Фу-у, турқи курсин! Кийган уст-бошини қаранг! Ўзбекистонни шарманда қилади-ку бу!

ХУРРАМ. Тўғри айтасиз! Ўтирсаям-турсаям хотинини ўйлайди, бола-чақам деявериб жонларимга тегиб кетди! Лондонга борволиб ҳам шунақа минғир-минғир қилаверса-я! Шундоқ қилиб, янги дорихона очмоқчимиз денг?

БАРНО. Ҳа, шаҳардаги энг катта дорихона бизники бўлади. Дадам уни сенинг номинг билан атайман, деяптилар.

ХУРРАМ. Қойил! «Барно дорихонаси»!.. Кеб қолинг, энг ноёб, энг арзон дорилар — «Барно дорихонаси»-да!.. Рекламагаям жуда тушаркан!.. Нега энди дўконтўконт қилмасдан, дорихона очяпсизлар?

БАРНО. Дадамнинг айтишларича, дори бизнеси ўлмайдиган бизнес экан. Бундан буёғи касал кўпайса кўпаярканки, камаймасмиш.

ХУРРАМ. Тўғри, яшаш қийинлашиб кетяпти-да. Масалан, бизнинг қишлоғимизда икки одамнинг бири касал. Лекин дори олишга пули йўқ. Пули бўлса, излаган дориси йўқ.

БАРНО. Биз ана шу йўқ дориларни топиб берамиз. Айтмоқчи, қаердан эдингиз?

ХУРРАМ. Бухоро томонлардан.

БАРНО. Кеннойим йўлингизга кўзлари тўрт бўлиб кутиб ётгандирлар унда?

ХУРРАМ. Қанақа кеннойи... Уйланмаганман-ку!..

БАРНО. Йўғ-е... Ишонмайман... Нимага шу чоққача уйланмагансиз?

ХУРРАМ. Қизларнинг ҳақиқийси — Барноси учрамаган-да, шунинг учун!

БАРНО. Ҳаддингиздан ошяпсиз, чегарадан чиқиб кетяпсиз, Хуррам ака!

ХУРРАМ. Айтдим-ку, рост гапни айтиб, ҳар гал ба-лога қоламан деб!.. Уйланмаганимнинг сабаби... сабаби...

БАРНО. Айтаверинг.

ХУРРАМ. ...Сабаби (*Хўрсинади.*) Севган қизим бой оиладан эди. Мен камбағал оилада ўсанман. Бир-бири-мизни жудаям қаттиқ яхши кўрганмиз. Агар кўрганда — бизнинг севгимизга Тоҳир-Зухролар ҳам чапак чалворган бўларди!.. Бир кун тўсатдан кўнгил берган қизимни бой оилага узатиб юборишди!.. Бой бойга боқар, сув сойга оқар деган мақолнинг ростлигига шунда ишонганман. Шундан кейин Раж Капурга ўхшаб, «Авара-ху-у-у!» деб уйдан бошимни олиб чиқиб кетганман.

БАРНО. Ҳиндча қўшиқниям боплаб қўяркансиз!

ХУРРАМ. Э-э, Раж Капурнинг ўзиям қойил қолган менга!

БАРНО. Ҳали Раж Капурниям биламан, денг!

ХУРРАМ. Бўлмасам-чи!.. Бухородан шу бош олиб чиқиб кетгандан кейин, тўғри Тошкентга келдим. Қўшиқни хиргойи қилиб, «Навойи» кўчасидан ўтаётсам, «Панорама»нинг олдида тумонат одам турган экан. Нима гап экан, деб қайрилдим, Халқаро кино-фестиваль бўлаётган экан. Шунда оломонни ёриб бир мўйловли хушсурат одам чиқиб келди-да, «Тўхта, ука, қўшиғимни айтавериб эзилиб кетибсан-ку! Нима дардинг бор юрагингда ўзи?» деб қолди. У одам Раж Капур экан.

БАРНО (*хандон уриб*). Яшшаворинг-е!.. Роса одамни ишонтириб қўясиз-да!.. Кейин нима бўлди?

ХУРРАМ. Кейин мен: «Раж Капур ака, мен севиб қолганман!..» дедим. «О, севган одамнинг бағри олов бўлиб ёнади!..», дея дарҳол битта шотирини чақирди-да, буни қаҳвахонага олиб кир, деб буюрди. Орқамдан ўзи ҳам кириб борди. «Хўш, гапир, кимни севдинг?» — деди. Мен: «Бойнинг қизини севдим!..» — дедим. «О, шўрлик камбағал!.. — деди у. — Икковимизнинг қисматимиз бир экан-да!..» деб кўзига ёш олди. Ёнидагилар шошиб қолишди. Битта новча кўзойнакли йигитни ёнига имлаб чақирди-да: «Бунинг бошидан ўтганларни ёзиб олгин, кино қиламиз. Йиглатадиган кино бўлади, ўзиям!..» — деди. Мен ҳаммасини битта қўймай гапириб бердим, сўнг кино олишни бошлаганларингда чақирарсизлар, дея хайрлашиб чиқиб кетдим...

Ана шунақа!.. Хуррам акангиз оддий одамлардан эмас!..

БАРНО. Машҳур одамлардан денг!

ХУРРАМ. Юрагимни дард чангаллаб турганда, машҳурликни бошимга ураманми? (*Хўрсиниб.*) Ҳамма дардга даво бор, фақат менинг дардимга даво йўқ.

БАРНО. Қанақа дард экан у? Дориси бордир, айтинг қанақалигини, чет элдан бўлсаям топтирамиз.

ХУРРАМ. Бу дори ҳеч бир дорихонада сотилмайди.

БАРНО. Наҳотки?!

ХУРРАМ. Ҳа, Барно, ҳеч бир дорихонада сотилмайди! (*Унга яқинлашади. Қўлидан ушлайди.*) Бу дардимнинг давоси фақат сизда, Барно! Сизнинг мана шу лабларингизда! (*Уни ўпмоқчи бўлади. Б а р н о довдираб қолиб, бошини орқага олади.*) Жонгинам, мен сизни яхши кўриб қолганман! Сизсиз туролмайман! Сизсиз ўзимни ўлдираман!

БАРНО. Қўлингизни олинг, уятсиз, ярамас!

ХУРРАМ. Жонгинам, дунёдаги энг яхши одам менман, гапларимга ишон. Алдасам, шу ерда ўлиб қўя қолай! Сен билан Лондонга, албатта, бораман! Биз бахтли бўламиз! Кел, бир бўса олай! (*Яна Б а р н о га талпинади. Б а р н о унинг оғзидан келаётган ароқ исини пайқайди, ўзини ундан олиб қолади.*)

БАРНО. Ҳозир бақираман, уятсиз! Қоч, аблаҳ! Ҳозир ойим келиб қоладилар! Дадамга айтиб бермасамми сен алкашни!

ХУРРАМ (*дарҳол ўзини қўлга олиб*). Ҳазиллашдим, Барнохон, ҳазиллашдим. Битта ҳазиллашганга шунчамми?.. Лекин билиб қўйинг, мен анойи йигитлардан эмасман — гаҳ десам, қўлимга не-не қизлар кўнган!..

БАРНО. Уятсиз, аблаҳ, алкаш! (*Йиғлаб юборади.*)

ХУРРАМ. Оббо, ҳазиллашдим деяпман-ку! Ҳеч бир ноҳўя гап гапирганим йўқ. Мана, ҳаммасига Вафоқул гувоҳ. Тўғрими, Вафо? Ҳазиллашдим-а, кўрдинг-а?..

В а ф о қ у л ўрнидан туриб, Х у р р а мнинг олдига яқинлашади. Чапдаст ҳаракат қилиб, бир қўли билан Х у р р а мнинг ёқасидан олади-да, иккинчи қўли билан унинг ияги остига мушт туширади.

ВАФОҚУЛ (*тишининг орасидан гапириб*). Мараз, имонсиз! Туз ичиб тузлуққа тупурадиган сенмисан, аблаҳ! Шундоқ бокира оилага доғ туширмоқчимисан? (*Ўрнидан тураётган Х у р р а мга ташланади. Х у р р а м ўзини олиб қочади.*) Тўхта дейман, мараз! Ҳозир мен сенга Майкл Жексонингу Раж Капурингни кўрсатиб қўяман! (*Унга етиб олиб яна ёқасидан бўғади.*) Ҳозир кечирим сўра! Бўлмаса каллангни анови эски пақирга тикаман! Кечиринг, Барнохон, де!..

ХУРРАМ (*хириллаб*). Кечиринг, Барнохон!..

ВАФОҚУЛ. Майкл Жексонни кўрганим ҳам, Раж Капур билан гаплашганим ҳам ёлғон де!..

ХУРРАМ (*ҳамон хириллаб*). Барнохон, кечиринг, жиндек қизишганимдан тўқиворибман... Айтганларимнинг ҳаммаси ёлғон...

ВАФОҚУЛ. Аввал уйланганман, битта қизим бор, де!

ХУРРАМ. Кечиринг, Барнохон, Вафоқулнинг гапи тўғри...

ВАФОҚУЛ. Энди Лондонга сизга эргашиб бормайман деб қасам ич!

ХУРРАМ. Ҳаммасига хўп дедим-ку! Қўйвор энди ёқамни!

Вафоқул Хуррамнинг ёқасини бўшатади. Хуррам томоғининг остини силаган ҳолда.

Падарига лаънат Лондониниям!..

ВАФОҚУЛ. Айтмадимми, айниб қоласан деб!.. Ўзингнинг зуваланг хом!.. (*Барнога.*) Барнохон, кечирасиз-да энди, ўзи ёмон бола эмас-у, шунақа ичиб қўйгани ёмон-да! Ишимизнинг тугашига бир-икки кун қолган-да кўрмайсизми бу палакатни! Қаранг, бўлмаса ҳовли жудаям чиройли чиқди! Кечирасиз-да, дадангизга айтиб юрмайсиз-да энди, хўпми?

БАРНО (*бурнини тортиб*). Майли... Қаранг, анавининг лаби қонаяпти! Манг, рўмолчани беринг!..

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша ҳашаматли хонадон. Унда Уй эгаси ва Уй бекаси. Уй эгаси сигарет чеккан кўйи хонанинг у бошидан-бу бошига юради.

УЙ ЭГАСИ. Мен сени денгиз бўйига — Анталияга таклиф қилибман-у, сен бурнингни жийирдингми! Ҳў, атрофингга қара, у ерга бориш кўпларнинг тушигаям кирмайди!

УЙ БЕКАСИ. Мен боролмайман, дадаси. Сизлар Барно билан бориб келаверинглар.

УЙ ЭГАСИ. Нимага боролмайсан?! Арзийдиган сабаби борми?!

УЙ БЕКАСИ. Айтдим-ку сизга, аям қаттиқ ётиб қолибди деб.

УЙ ЭГАСИ. Шу аянг бир ёқлик қилади-да сени! Қанақа дори керак экан, айтишдими? Топиб берайлик тилло баҳосида бўлсаям!

УЙ БЕКАСИ. Энди менинг меҳримдан бўлак дорилар қор қилмайди аяжонимга! Аҳволлари оғирлашяпти экан... Дадамдан кейин ўзларини олдириб қўйдилар. Укам бўлса ярим жон бўлиб қолган. Сингилларимни-

ку, қўяверинг. Ҳаммаси рўзғор ташвишига кўмилиб ётибди... Айни шу пайтда онамнинг дардига малҳам бўлмасам, нима деган одам бўламан! Меҳр-оқибатсиз фарзанд деган номга қолмайманми? Касал онамдан хабар олмай, курортга кетсам, маҳалла-кўй нима дейди, туғишганлар нима дейди?

УЙ ЭГАСИ. Меҳр-оқибат, опа-ука, маҳалла-кўй!... Кўй сафсатагни, хотин! Энди замон ўзгарди!.. Мана, менинг ўзимдан мисол: ака-ука ёки бирор туғишганим билан борди-келдим борми?! Йўқ! Ҳаммаси билан орани очиқ қилволдим, осмон узилиб ерга тушмади-ку! Эсингдами, ўша қон бўлиб юрган кезларим!.. Қайси бири қўлини чўзди, ҳаммаси ўзини олиб қочди. Уйни сотишга мажбур бўлдим кейин! Ҳовлимиз бузилиб нақ марказдан олгандим уни! Кейин шаҳар ташқарисига чиқиб кетдим!... Ў-ў-ў!.. Эсласам юрагим ёнади!.. Энди уларга менинг пулим керак! Берсанг, яна кўпроқ бер дейишади. Бермасанг, ортингдан иғво, фиску фасод қилишади!

УЙ БЕКАСИ. Пул ўлсин, замон ўлсин шунақа жигарни жигардан айирадиган бўлса!..

УЙ ЭГАСИ. Пулни ўлдириб бўлмайди, хотин! Замон эса бизнинг измимизда эмас!..

Ҳамма пул деб изғияпти-ю бугун, сен эса пул ўлсин дейсан! Ўзимиздаги мардикорлар мисол — анов биринини кўр: илгари ҳовлига кийиб чиқишга уяладиган жулдур уст-боши билан шаҳарда тентираб юрибди. Аёллар-чи! Аёллар ҳеч замон мардикорликка чиққанми?! Йўқ! Асло! Бугунга келиб аёл билан мардикор сўзини сип-силлиқ қилиб қовуштириб қўйган ҳам шу пул бўлади, хотин!..

Ҳаёт энди томомила ўзгарди. Эски тушунчаларнинг оёғи осмондан бўлди! Агар гапимга ишонмасанг, бир қўлингга — даста пул, бир қўлингга — «Сиз имонли одамсиз!» деган ёрлиқ билан катта кўчага чиқиб, қайси бирини оласизлар, ҳой одамлар, деб кўр-чи. Ишонч билан айтаманки, ёрлиғингга ит ҳам қарамайди, ҳамма қўлингдаги пулга ёпишади! Хўш, нима учун? Чунки пулинг бўлса, сен хоҳлаган пайтингда имонли, энг

виждонли одамга айлана оласан! Пулинг бўлмаса-чи?!

УЙ БЕКАСИ. Дадаси, сизни таниёлмай қоляпман... Авваллари бунақа эмас эдингиз...

УЙ ЭГАСИ. Қанақа эдим авваллари?

УЙ БЕКАСИ. Салга тутақиб кетмасдингиз, қаҳр-зардани билмасдингиз... Гапирганда жилмайиб гапирардингиз...

УЙ ЭГАСИ. Авваллари, авваллари!.. *(Асабидан тушиб, овози мулойимлашади.)* Аввалги ҳаётим қийин кечган бўлса-да, энди гоҳ ширин тушга ўхшаб туюлади. Сабабини англолмайман сира. Сени биринчи марта кўрганним эсингдами?.. Маҳалламиздагилар «водийлик қиз» дейишарди сени. Кўчадан атлас кўйлак кийиб ўтаркансан, ҳамма изингдан термилиб қоларди. Мен эса катта халтани кўтариб бозорга кетаётганимда ҳар доим сенга рўпара келардим. Гўё толиққандек халтани ерга қўярдим-у, сен муюлишга бурилиб кетгунинг қадар ортингдан қараб қолардим. Биласанми, ўша халтада нима бўларди? Иссиқ сомса бўларди... Отам иши юришмай, ичкиликка ружу қўйган пайтлар... Онам қарғана-қарғана тандирга ўт қалардилар... Ана шу сомсанинг пулига рўзгорни базўр тебратардик... Эҳ, ўша даврларда худодан бир нарсани қаттиқ сўраганман. Биласанми, нимани?

УЙ БЕКАСИ. Нимани сўрагандингиз? Олим бўлиб тезроқ обрў-эътибор қозонишни?

УЙ ЭГАСИ. Обрў-эътиборни бошимга урармидим у пайтлар?!

УЙ БЕКАСИ. Олим бўлишингизга бир баҳя қолганди-ку, ахир?!

УЙ ЭГАСИ. Бутун мамлакат юзтубан кетган эди-ю, мен олим бўлиб қайга борардим! Гапимни эшит, «эй, худо, менга кўп пул ато эт, бойлик инъом қил» деб нолаю таваллолар қилганман ўшанда. Бунга дадам билан доим ўчакишиб юрадиган амакиларимнинг битта гапи сабаб бўлган. Қўшни маҳаллада туришарди. Яхши яшашарди. Бир куни тўй қилишди, мен ҳам бордим. Дарвоза ёнида қариндош-уруғлар, яқинлар тизилишганди. Мен улар олдидан юрагимни ҳовучлаб ўтмоқда

эдим, чунки тўянага ҳеч вақоим йўқ эди. Шунда ама-ким: «Хўв, камбағалнинг боласи, кўришмайсанми!..» дедилар. Ҳазиллашиб айтдиларми, чинини айтдиларми, ишқилиб бу гап суяк-суягимдан ўтиб кетди. Тўйда кўп ўтиролмадим. Уйга бора-боргунча кўз ёшларимни қулт-қулт ютиб, ичимда: «Э Худо, мадад бер — мен ҳам пулдор бўлай!..» дея тавалло қилиб борганман...

Одам нимагаки астойдил интилса, шунга етишар экан... Кейин чет мамлакатларга йўллар очилиб кетди. Ўшанда омадим кулиб, ёш олимлар қаторида мен ҳам Истанбулга таклиф этилдим.

УЙ БЕКАСИ. Омадингиз кулгани эдими бу? Ё... Илмдаги изланишларингизга нуқта қўймаганмидингиз келибоқ?

УЙ ЭГАСИ. Эҳтимол тўғри қилгандирман. Ахир, уларнинг ҳаётини кўриб, эмин-эркин яшашларини, улардаги пул топиш йўллари оддий ва осонлигининг шоҳиди бўлиб, нега биз ҳам шундоқ яшамаймиз, нега инсон бир марта кечирадиган умрини муҳтожликда, адоқсиз уқубатлар остида ўтказиши керак, дея ич-ичимдан зил кетганман. Айни чоғда уларнинг ҳаётига, турмуш тарзига ҳавас ҳам қилганман ўзимча...

УЙ БЕКАСИ. Ўша ҳавасингиз не-не гирдобларга ташламади сизни!

УЙ ЭГАСИ. Лекин мана шу турмушимизга ана шу йўллар орқали ўтиб келдим-ку... Ҳозиргача ўйлаб ўйимга етолмайман, нега ўшанда чет элликлар хусусан менга мурожаат қилишиб, тушимга ҳам кирмаган таклифни айтишди экан деб... Анжуманнинг охириги куни эди. Унда иштирок этаётган бир муҳожир миллатдошимиз олдимга келиб назокат билан қўлимдан тутди-да, одамлардан холироқ бурчакка етаклади: «Мана, юртингиз мустақил бўлди! О, бу дамларни бизлар қанчалар зориқиб кутган эдик! Истиқлол шарофати билан дини ислом ҳам, муқаддас анъаналаримиз ҳам ҳаётда яна ўз ўрнини топа бошлабди, — деди. — Шунинг учун биз маслаҳатлашиб, яқинлашиб келаётган қурбон ҳайити муносабати билан сиз орқали бирмунча маблағ бериб юборишга қарор қилдик. Шунинг юртга борганда мас-

жидларга тарқатсангиз ва бу маблағ қурбонлик йўлида сарф қилинса!..» дея мени хонасига етаклади.

Ушанда, ишонсанг, довдираб қолдим, хотин. Агар бир зум иккилансам, шунча пулни худди биров илиб кетадигандек бўлиб туюлаверди.

УЙ БЕКАСИ. Қайтиб келганингизда мендан буни яширгансиз...

УЙ ЭГАСИ. Қарз тўлайман деб моматалоқ бўлиб кетган кўнглимга бамисоли малҳам бўлган эди бу...

УЙ БЕКАСИ. Кейин бақир-чақир... тергов... Вақтида билганимда нима қилиб бўлса ҳам сизни бу йўлдан қайтарган бўлардим.

УЙ ЭГАСИ. Мақсадим эзгу эди, ҳаётимни ўнглаб олишимнинг мавриди келганди, шунинг учун босган эгри қадамимдан хижолат чекмайман.

УЙ БЕКАСИ. Турмуш қийин кечса ҳам чидаб, ҳалол яшаб келаётганлар бор-ку...

УЙ ЭГАСИ. Ошнам Насриддинни назарда тутяпсанми? Тўғри, ёқлади, олим бўлди, институтда домла... Лекин косаси оқардимми? Оқармади. Ўғлининг ҳам косаси оқармайди. Чунки ўғлини ҳам ўзига ўхшаган қилиб тарбияляпти. Ўзи кулиб гапириб берди: ошхонасини уйнинг айвонига кўчиришган экан. Сантехниклар темир қувурни ўзлари топиб келиб улашибди. Ўқишдан қайтган ўғил қизиқиб сўраса, ўмариб келдик, дейишибди. Ўғил нима қипти дегин? Ўғирланган қувурда ўтган газда пишган таом ҳам, қайнаган чой ҳам ҳаром деб уйдан овқатланмай кўйибди...

Мен Насриддинга ўхшаб яшолмайман, хотин. Синфдошим Зафар зиқна бир пайтлар қонимни ичган бўлса ҳам, ўзига ҳавас уйғотган. Ҳалолларга кун йўқ ҳозир! Бойимасдан туриб ҳалол бўлиш ғирт сафсата! Американинг энг катта бойларидан бири Форд айтган экан, дастлабки даромадимни қайси йўллар билан топганимни суриштирманг, кейингиларининг тийин-тийинигача ҳисоб бераман деб... Агар Насриддинга ўхшаб яшаганимда сени Анталияга таклиф қила олармидим? Анталияга-я! Сен бўлсанг бурнингни жийирасан!

УЙ БЕКАСИ. Менга онамнинг дийдоридан бўлак ҳеч нарса керак эмас. Хаста онанг йўлингга илҳақ бўлиб турганда кўзингга бошқа нарса кўринмас экан... Сиз мени тушунмаяпсиз...

УЙ ЭГАСИ. Мени тушунмаяпсиз дейишга сира ҳаққинг йўқ, хотин. Мана шу ҳашаматли уйни ким учун қурдим! Бир умр ким учун елиб-югурдим! Ким учун ўзимни ўтга-чўққа уряпман! Сен учун ва ёлғиз қизим учун! Кўзингга ҳеч нима кўринмаган чоғда ҳам қизингнинг тақдирини хаёлингдан қочирма, хотин! Менинг орзу-ҳавасим катта! Яқинда, худо хоҳласа, чиройли тўй қиламиз, Ҳожи акам билан келишиб қўйганман...

УЙ БЕКАСИ. Милиса Ҳожи билан ҳалиям ош-қатиқ-мисиз?

УЙ ЭГАСИ. Тўғри, Ҳожи акам илгари Ички ишларда масъул лавозимда ишлаганлар. Нафақага чиққач, биринчилардан бўлиб, ҳажга бориб келдилар. Ҳозир унинг қўл узатса етмайдиган жойи йўқ. Мени нақ қамоқдан қутқариб қолдилар-у, сен кесатасан!..

УЙ БЕКАСИ. Бўрининг оғзи есаям қон, емасаям қон...

УЙ ЭГАСИ. Бугун уларга яқин бўлмасанг, кўзичоқдай ем бўлиб кетасан... Казо-казоларни ўзим уюштириб олиб бораман дедилар. Ҳар қалай, қизим бор, уларга туриш-турмушимизни чиройли қилиб кўрсатишимиз керак. Бугунги совчилар аввало ахлоқ-одобингни эмас, туриш-турмушингни суриштиришади. Кўряпсан-ку, каталак уйларида не-не қизларнинг умри хазон бўлиб кетяпти!

УЙ БЕКАСИ. Ё раббий, бу қандоқ замон бўлди — ҳамма нарса пулга, бойликка бориб тақалаверса! Унда инсоний ҳис-туйғулар қадри нима бўлади! Наҳотки маъсум гулдек қизимни мен ҳам ана шу гирдобга отсам!

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Уша ҳашаматли хонадон. Б а р н о ўз ётоғида уйқудан туриб, чиройли спорт либосида жисмоний тарбия қилмоқда. Магнитофон қўяди. Майкл Жексон қўшиғи янграйди. Б а р н о унга мос тарзда бадантарбиясифат рақсга туша бошлайди. Унинг муқомлари Х у р р а м нинг

хатти-ҳаракатларини эслатади. Беихтиёр у Х у р р а м ни кўз олдига келтиради.

БАРНО (*авж нуқтада тўхтаб*). Ўл-е, шилқим, безори, алкаш!.. Ўзига гард юқтирмайди-я. Мен бўлсам уни туппа-тузук одам деб юрибман!.. Дадамга айтиб берганимдами, нақ қалласи кетарди! Ёрдамчиси тўпори кўринсаям, виждонли экан. Шунинг ҳурмати — аядимда... Дадам иккаламиз эса ундан ҳазар қилиб юрибмиз... Жулдур кийимнинг ичида ҳам шунақа яхши одам бўлар экан-да!.. Оҳ, Анталия, Анталия! Борсаммикан, бормасаммикан?.. Уҳ, бошим қотиб кетди! Ойим, мен боролмайман, сен даданг билан бора қол, дедилар. Дадам, қизим нима деса — шу, деяптилар. Анталия, оҳ Анталия!.. Денгиз соҳили!.. Офтоб!.. (*Яна Майкл Жексон қўшиғи янграйди. Б а р н о унинг оҳангига мос муқом қила бошлайди. Бир муддатдан сўнг мусиқа тўхташи билан у ҳам тўхтайди.*) Шундай гўзал жойга бормаслик гуноҳ!.. Гуноҳ!.. Лекин ойим-чи?.. Бувингнинг аҳволи оғир деяптилар... Ойим ғам-ғуссага ботган пайтида мен Анталияда рақс тушиб юрсам, яхшими?.. Бошим қотиб қолди!..

Остонада У й э г а с и пайдо бўлади. Б а р н о бадантарбияни тўхтатиб, елкасига енгил халатини ташлайди. У й э г а с ининг орқасидан У й б е к а с и кўринади.

УЙ ЭГАСИ. Хўш, қизим, нима қарорга келдинг?

УЙ БЕКАСИ (*ота ва қизнинг бу ҳолатидан, туришидан хижолат чекиб*). Қизим, сенга айтдим-ку, барвақт туриб, дадангнинг олдиларига чиққин, деб...

БАРНО (*дадасига жавоб қилиб*). Бошим қотиб қолди, дада. (*Онасига юзланади.*) Ойи, бувимнинг аҳволлари яхшимикан?

УЙ БЕКАСИ. Тошбиби холанг айтдилар, ҳали ёстиқдан бош кўтармадилар.

У й э г а с и тараддудланган кўйи асабийлаша бошлайди. Сигарета тутатади. Шу пайт қўл телефони жиринглайди. Зина саҳни қирғоғига бориб, атрофига аланглаб олади.

УЙ ЭГАСИ. Эшитяпман... Яхши бўлди телефон қилганинг, сен билан кўришсам дегандим... Кечроқ ўзим кўнғироқ қиламан... *(Шу дақиқада остонада Уй бекаси пайдо бўлади. Кўлида қоғозча. Эрининг гапига халал бермаслик учун турган жойида тек қотади. Уй эгаси уни пайқамайди ва бамайлихотир гаплашишда давом этади.)* Ҳалиям иккиланяпти, ойиси касал, ҳа, қайнана... Бормаса бўлмайди, шекилли... Хўп!.. Хўп, дедим-ку! Ўзимнинг ҳам кўнглимда шу фикр бор эди. Менга қара, вақт тифиз. Ҳар қалай тараддудингни кўриб қўй... Мени биласан-ку... Бир сўзли йигитман... Ноз-карашмаларингиз у ёққа ҳам қолсин! Хўп дедим-ку! Истаган нарсангни!.. Хўп, ўпиб қоламан! Қачон кўришишимизни ўзим айтаман... Хўп, майли, ҳозирча!..

Уй эгаси остонада турган хотинини кўриб саросималанади, сўнг бир зумда ўзини тутиб олади.

Хўш, тинчликми? Кўлингдаги нима?

УЙ БЕКАСИ *(довдираган ҳолатда)*. Булар... Булар укамга керак дорилар... Тошбу холамдан бериб юборибди. *(Қоғозчани эрига узатади. Уй эгаси жиддий тикилиб ўқийди.)*

УЙ ЭГАСИ. Ҳимм... Топса бўлади. Ҳозир гаплашган одамим шаҳардаги энг катта дорихонада ишлайди. *(Хотинининг кўзларига тикилиб, ёлғондакам нўписа қилади.)* Тагин кўнглингга бошқа гап келиб ўтирмасин-а, хотин? Ишни битириш учун шунақа муомала қилмасанг бўлмайди... Тошбу холанг нима дедилар — аямнинг аҳволлари қалай экан?

УЙ БЕКАСИ. Ҳали ёстикдан бош кўтармабдилар. Лекин мени етиб боришимни тайинлабдилар...

УЙ ЭГАСИ. Майли, кечга гаплашамиз... Кўп безовта бўлаверма, худо хоҳласа, соғайиб кетадилар... Усталарга кўз-қулоқ бўлинглар, ишни тугатишса, ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб қўйишсин. Ўзинг кузат, бирон жой тўзғиган ҳолда қолмасин. Кечга яқунлашсаям бўларди, жуда чўзиб юборишди.

Зинадан тушиб, йўлакдан дарвоза томон йўналади.

Ярим йўлда — ҳовли ўртасида тўхтаб, мардикорларни зардали овоз билан чақиради.

Ҳой, бу ёққа қараларинг!

Кечаги воқеадан юраги така-пука Х у р р а м ва хўжайиннинг бу муомаласидан гангиб қолган Вафоқул бошларини эгган кўйи унинг олдига яқинлашишди.

ХУРРАМ. Лаб... лаб... лаббай, хўжайин!..

ВАФОҚУЛ. Ассалому алайкум, хўжайин!

УЙ ЭГАСИ. Ҳей, менга қараларинг! Мен сенларни бунақа деб ўйламовдим...

ХУРРАМ (*овози титраб.*) Хўжайин, хўжайин!..

ВАФОҚУЛ (*нафаси ичига тушиб*). Кечирасиз, хўжж...

УЙ ЭГАСИ. Мен сенларни дуруст одам деб юрсам...

ХУРРАМ (*ҳамон овози титраб*). Хўжайин, хўжайин...

Шу...

ВАФОҚУЛ (*ҳамон нафаси ичига тушиб*). Кечирасиз, хўж... Кеч...

УЙ ЭГАСИ. Нима — шу?! Нима — кечирасиз?! Мен сенларни дуруст одам деб юрсам... латга экансанлар-ку!..

ХУРРАМ. А, хўжайин? Нима дедингиз?..

УЙ ЭГАСИ. Латта экансанлар, деяпман! Ишниям шунча чўзадими? Намунча сувга тушган бўлка нонга ўхшаб қобсанлар?! Тезлатларинг! Бўлмаса, билиб қўйларинг, мендан бир тийин ҳам ололмайсанлар!

ХУРРАМ (*юзига нур югуриб*). Бугун тугатамиз, хўжайин. Сизни уялтириб қўймаймиз, хўжайин. Биз ҳеч кимни уялтирган эмасмиз! Ҳали кўрасиз, ҳаммасини ўзингиз айтгандек қилдик, хўжайин! Тўғрими, Вафо?! Тилингни ютиб юборганмисан, гапирсанг-чи? Сендан хўжайин гап сўраптилар.

ВАФОҚУЛ. Сизни уялтирмаймиз, хўжайин...

УЙ ЭГАСИ. Бўпти, кечқурун гаплашамиз... Амманнинг бузоғига ўхшаб лалаймаларинг!..

ХУРРАМ. Хўп бўлади, хўжайин, лалаймаймиз. Тўғрими, Вафо?! Гапирсанг-чи! Сендан хўжайин гап сўраяптилар!

ВАФОҚУЛ. Хўп, хўжайин, лалаймаймиз...

У й э г а с и шитоб билан юриб, дарвозадан чиқиб кетади. Х у р р а м ва В а ф о қ у л ғалати ҳолатда бир-бирига бақрайган кўйи унинг ортидан боқиб қолишади.

ХУРРАМ. Уҳ... елкамдан тоғ ағдарилди-я... Юрак-пурагим чиқиб кетди, Барно ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтибдимми деб? Уҳ... худога шукур-ей... ҳаётимда бунақа қийин ҳолатга тушмаганман-а!..

ВАФОҚУЛ. Менинг ҳам юрагим орқамга тортиб, нафасим ичимга тушиб кетди-я!.. Демак, Барно бир сўз ҳам демабди, мард қиз экан! Лекин бир нарсадан хавотирга тушиб қолдим, Хуррам!

ХУРРАМ. Нимадан тагин?..

ВАФОҚУЛ. Ишлатиб қўйиб, пулини бермайдиганлар хилидан шекилли буям?..

ХУРРАМ. Пешонадагини кўраверамиз энди, Вафо... Пулни яхши кўрадиган хўжайинлар одатда иш битишига яқин тўнларини тескари кийишади...

ВАФОҚУЛ. Ишимиз бугун тугайди, худо хоҳласа!..

ХУРРАМ. Албатта. Тушдан кейин ювиниб-тараниб, сафар халтамизни ҳозирлаб қўямиз-да... Кечкурун хўжайин келса, қилинг ҳисоб-китобингизни энди деймиз-да... Итдек ишладикми, энди ҳақиниям талаб қилиб оламиз... Қани бермай кўрсин!..

ВАФОҚУЛ. Ишқилиб, худо кўнглига инсоф солсин-да...

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша ҳовли тун ичида. Ёз осмонида ғуж-ғуж юлдузлар ва янги чиққан ой ялтирайди. Борлиқни чирилдоқлар саси тутган. Ҳовли саҳнида икки каравот — уларда Х у р р а м ва В а ф о қ у л ухлаш тараддудиди. Вафоқул каравотни ғичирлатиб, ундан оёғини ерга осилтирганча туриб ўтиради. Дарахт шоҳларига боғланган қўлбола симдорда ювиб қуриштиш учун осилган шим, кўйлак, майкалар таёқлар учи-га кийдириб қўйилган туфлилар кўзга ташланиб туради.

ХУРРАМ. Ҳали ҳам ухламадингми?

ВАФОҚУЛ. Уйқум қочиб кетди, ошна. Нос томоғимни қириб юборди. Сигаретингдан қолганми?

*Х у р р а м тимирскиланиб сигарета топади ва уни
В а ф о қ у л га узатади.*

ХУРРАМ. Ухлаёлмайдиган одам ҳақида латифани эшитганмисан?

ВАФОҚУЛ. Латифанинг конисан-да, қани?..

ХУРРАМ. Бир одам ҳеч ухлаёлмас экан. Маҳалласида кечаси итлар изғиб юраркан-да. Шулар ухлатмасакан. Шифокорга бориб, дарду ҳасратини тўкибди. «Мана бу энг янги чиққан дори. Шунинг билан кўринг-чи», дебди шифокор. Бир ҳафтадан кейин ҳалиги одам яна қайтиб келибди. Ранг-рўйи бир аҳволда эмиш. «Бўлмади-ми?..» — дебди шифокор. «Итларни-ку бир амаллаб тутиб оляпман-а, лекин уларга дорини едиролмаяпман, дўхтур!» — дермиш касал.

Иккаласи қаҳ-қаҳ уриб кулишади.

ВАФОҚУЛ. Менинг уйқусизлигим итларнинг акиллашидан бўлса кошки эди!

ХУРРАМ. Нимадан уйқунг келмаяпти?

ВАФОҚУЛ. Ўлганнинг устига тепган дегандек, хўжайиннинг авзойи бузилиб келганини кўрмайсанми!

ХУРРАМ. Кеч қайтди-да, шунинг учун индамай кириб кетган. Тонгда ўзи чиқиб келади, ташвиш қилма... Нимагадир кейинги пайтда менинг ҳам уйқум қочиб кетадиган бўлган, жўра. Хаёлим — бир касалванд отамга, бир Россияда қолган қизимга кетади. Қиз боланинг меҳри барибир бошқача-да, а, жўра? Бу йил олтинчи синфга боради... Энди у билан кўришаманми-йўқми... Орада чегаралар пайдо бўлди... Бориб-келиш учун фалон пул керак...

ВАФОҚУЛ. Биласанми, мен ҳам қизимни бўлакча меҳр билан яхши кўраман. Оилада — кенжатаймиз. У туғилганда мен ишлаётган корхона ёпилиб қолди. Хотиним: «Дадаси, энди оилани қандоқ тебратамиз, мен ишга чиқмасам бўлмайди, қизингизни ўзингиз парваришлайсиз», деб ишига чиқиб кетди. Автобазада ҳисобчи эди. Биласанми, шу қизимни ўзим катта қилдим. Бешикка ҳам ўзим беладим. Тувакларини ҳам ўзим ювдим.

ХУРРАМ. Сигаретни қаерга қўйдинг? Узатвор.

ВАФОҚУЛ. Ма, ол.

ХУРРАМ (*гузурт чақиб, сигарета тутатади*). Сенга айтайми, мен мана шу сафар оладиган пулларимни нимага сарфламоқчиман? Бухорога физиллаб бориб, отамнинг қўлига тутқазаман, бирон-бир санаторийга ётқизиб ҳам келарман. Оилада тўртинчи ўғилман. Онамдан икки ёшлигимда қолганман. Отам катта қилганлар ҳаммамизни. Акаларимдан кўра мени яхши кўрардилар отам. Чунки акаларим улғайиб, ичкилик ичадиган бўлишди. Уйда ҳар куни жанжал. Улар баъзан отамни дўппослаб қолишарди. Шунда мен ўртага тушиб, отамнинг ёнини олардим...

ВАФОҚУЛ. Мен эса пулимни бир тийинини ҳам бузмай, белимга маҳкам боғлайман-да, Самарқандга қараб елдек учаман. Қишлоғимга етиб бориб, остонага қадам қўйишим билан белбоғимни ечаман ва ундаги бор пулни хотинимга узатаман. Онаси, мана, эртага тонгда бозорга чиқиб, болаларимизни бошдан-оёқ кийинтирамиз, дейман. Биламан, шунда хотинимнинг кўзидан ёш чиқиб кетади. «Ўзингиз соғмисиз?..» дейди кўзидан оқаётган жиққа-жиққа ёшларни тўхтатолмай. «Хотин, бу пул болаларнинг папка-мапкасигаям, дафтар-қаламигаям етади», дейман мен ва болаларимни бир-бир кучоқлаб, бағримга босаман...

ХУРРАМ. Вафоқул, дўстим, жўра, хафа бўлмасанг, бир гапни айтаман, майлими?

ВАФОҚУЛ. Нима гап эди, айтавер.

ХУРРАМ. Ажойиб одамсан-да, Вафо. Мен сендақлар ер юзидан аллақачонлар йўқолиб кетган деб юрардим... Хафа бўлмагин-у, нега яхши кийиниб юрмайсан? Ўзинга ҳам қарагин-да мундоқ!..

ВАФОҚУЛ. Э-э, бола-чақанг оч турган-да ўзинга кийим-кечак олиш инсофданми, ошна...

ХУРРАМ. Гапинг тўғрику-я... Лекин бу гапимни эсингдан чиқарма.

ВАФОҚУЛ. Ўзинг қачон кўним топмоқчисан? Ёки юраверасанми «питпилдиқ» деб?

ХУРРАМ. Кейинги топадиган пулларимнинг ҳаммасини тўй учун йиғаман. Шунга қарор қилдим. Биласанми, мен ёшлигимда ҳамма ҳурмат қиладиган одам бўлишни жуда-жуда орзу қилганман. Лекин орзу дегани алғов-далғовли ҳаёт уммонидаги чиройли кемага ўхшаш нарса экан, кимдир унга етиб олади, кимдир етолмай чўкиб кетади... Сенга ўхшаб яшагим келади, Вафо. Насиб қилармикан менга ҳам шунақа ҳаёт, жўра?

ВАФОҚУЛ (*астойдил*). Нега насиб қилмас экан? Албатта, насиб қилади! Фақат ҳаром-ҳаришдан ўзингни тийишинг керак. Ичкиликни энди оғзимга олмайман деб, ўзингга ўзинг сўз беришинг керак.

ХУРРАМ. Тўй қилсам, албатта, сени топиб хабар бераман, ёнимда ўтирасан куёвжўрам бўлиб. Айтсам, келасан-а, тўйимга, Вафо?

ВАФОҚУЛ. Бўлмасам-чи! Даврада келин иккалангга энг яхши тилакларимни айтаман. Сени қўли гул, бу шахри азимда унга тенг келадиган уста йўқ деб мақтайман. Мен ҳам, худо хоҳласа, янаги йил ўғилларимнинг қўлини ҳалоллаб оламан. Юртга ош бермасам бўлмайди, Хуррам! Мен ҳам сенга шунда, албатта, хабар етказаман. Келаман деб сўз бер, огайни!

ХУРРАМ. Сўз бераман!

ВАФОҚУЛ. Раҳмат. Шунда мен, мана кўриб қўйинглар, тўйимда пойтахтдан одам қатнашяпти — қадрдон дўстим бўлади у, деб дарвозамиз олдида маҳалла-кўйни кўкрак кериб қаршилайман...

ХУРРАМ. Ниятингга ет, жўра!

ВАФОҚУЛ. Сен ҳам ниятингга ет, ошна!.. Э-э, бу ҳаёт дегани қизиқ экан. Сенга бир нарсани айтайми?

ХУРРАМ. Хўш?..

ВАФОҚУЛ. Бир-биримиз билан тасодифан учрашиб қолдик-а?

ХУРРАМ. Умуман, бир-биримизни танимай ўтишимиз ҳам мумкин эди.

ВАФОҚУЛ. Шуни айтаман-да. Шу пайтгача юрагим хувиллаб ётган эди. Сен ана шу бўм-бўшлиқни тўлдирдинг. Дўстларим йўқ эмасди. Борийди. Лекин ҳаммаси ўз

ташвиши билан бўлиб кетди. Уйдаги хотинимни ва болаларимни айтмасанг, бировнинг мен билан иши йўқ. Тирик туриб, дунёнинг рўйхатидан ўчиб кетгандайман...

ХУРРАМ (*хўрсиниб*). Э-э, нимасини айтасан... Дунё галати йўлга кириб кетди, ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ: ҳамма қорин ғамида... Кел, яхшиси, дам олайлик энди. Чирилдоқларнинг овозига қулоқ тутиб ётсанг, ухлаб қолганингни билмайсан.

ВАФОҚУЛ. Ҳозир... Кўйлак-шимим қуридимикан, кўриб кўяй бир. (*Кўлбола симдор олдига бориб кўйлак-шимини бир-бир ушлаб кўради. Кейин яна жойига келиб ўтиради. Сигарета чекади.*) Сен ухлайвер, Хуррам. Менинг ҳали-вери уйқум келмайди. Радиони эшитиб ўтираман...

Ўрнидан туриб, ҳовли чеккасидаги стол олдига боради ва курсига ўтириб, радиоприёмник қулоғини бурайди. Ундан «Куйгай» қўшиғи таралади. Қўшиқ аста-секин тун бағрини, борлиқни чулғайди. В а ф о қ у л сигаретани устма-уст тортиб, курсига чўкканича қўшиқ оҳангларига берилади ва айни чоғда қўшиқ худди унинг қалбидан отилиб чиқаётганга ўхшаб туюлади...

Бир пайт ҳовли тўридаги ҳали ҳам чироғи ўчмаган уйдан йиғи-сиғи товуши эшитилади. В а ф о довдираб қолиб, Х у р р а м нинг олдига келади.

ВАФОҚУЛ. Хуррам, Хуррам, тур ўрнингдан. Тур дейман... Кўзингни оч...

Х у р р а м шошиб, ўрнидан туради.

ХУРРАМ. Нима бўлди? Тонг отдими? Хўжайин чиқдими?

ВАФОҚУЛ. Йўқ, ҳали тонг отгани йўқ... Қулоқ солгин... Йиғи-сиғини эшитмаяпсанми?..

ХУРРАМ. И-е, нима бўлдийкан?.. Уй бекаси йиғлапти-ку!.. Қани, юр-чи...

Саҳна айланади. Улар дераза тагига яқинлашишади. Уй ичидан У й э г а с и, У й б е к а с и нинг овозлари эшитила бошлайди.

УЙ БЕКАСИ (*йиғидан ўзини босолмай*). Сиз кетаверинг курортингизга. Мен ҳозироқ йўлга чиқаман.

УЙ ЭГАСИ. Ўзингни бос, тонг отсин... Аямиз сени кўргиси келиб қолгандир-да... Намунча ёмон хаёлларга бормасанг?! Менга қара, тонг отсин! Эрталаб бир машина топиб бераман. Сени олиб бориб қўяди. Мен... мен...

УЙ БЕКАСИ. Ҳаммасини билиб-сезиб юрибман... Сизни шунчаликка боради деб ҳечам ўйламагандим!.. (*Йиғлайди.*)

УЙ ЭГАСИ. Тонг отсин, хотин! Тонг отсин! Юрагимни хун қилвординг-ку!.. Сени тушунмай қолдим!..

УЙ БЕКАСИ. Қайдан ҳам тушунардингиз!.. Эс-хушингиз ўзингизда эмас...

УЙ ЭГАСИ. Нималар деяпсан?.. Нимага шама қиялпсан? Курортга олиб борай десам, бормасанг!

УЙ БЕКАСИ. Она шўрлик, бечора онам ўлим тўшагида ётган бир пайтда мени юпатиш, кўнглимга таскин бериш ўрнига...

УЙ ЭГАСИ. Нималар деб валдираяпсан, нимага шама қиялпсан?! Очикроқ гапирсанг-чи!

УЙ БЕКАСИ. Нимани очик гапирай! Кўнглингиздаги аён бўлди-ку! Алақачон сиз бошқа одамга айланиб бўлгансиз! Кўнглингизга пул жазаваси тушиб ўзгариб кетдингиз! О, худо, бундан ҳам ортиқ жазойинг борми! Бўғилиб кетяпман!.. Онажон, дийдорингизни кўришга улгурармиканман!..

У й б е к а с и кийим жавони сари яқинлашади. Оҳ-фарёддан уйғонган Б а р н о ётоғидан чиқиб келади.

БАРНО. Ойижон, нима бўлди?! Нима бўлди, дада?! Ойижон, нимага йиғлаяпсиз?!

УЙ БЕКАСИ. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бувижонингни соғиндим, ҳозир етиб бормасам бўлмайди. Сен ҳам кетасан, қизим. Тезроқ кийина қол...

БАРНО. Ғалати туш кўриб уйғондим, ойижон. Бувим бизни йўқлаб келганмишлар... Уйга киринг, бувижон, десам, сира кирмасмишлар. Сизларни бир кўриб кетай деб келдим. Энди мени деб ортиқ ташвиш-хаво-

тир қилманглар, мен соғайиб кетдим... Ойингга айт, мени деб энди куйиб-пишавермасинлар, дедилар.

УЙ БЕКАСИ (*уввос тортиб*). Оҳ, онажон, ҳаётда мен нима учун яшадим! Сизнинг дардингизни ололмаган бўлсам, укаларимнинг корига ярай олмаган бўлсам!..

УЙ ЭГАСИ. Тонг отсин, шошма. Ўзим олиб бораман!..

УЙ БЕКАСИ. Сизга қарасам, ҳеч қачон тонг отмайди... Мен учун энг азиз инсоннинг сиз учун заррача қадри бўлмагач...

БАРНО. Ойижон, бувим соғайиб кетибдилар-ку тушимда, ахир!

УЙ БЕКАСИ Қизим, туш доим тўғри чиқавермайди... (*Қизини қучиб йиғлайди.*)

Саҳна айланади. Х у р р а м ва В а ф о қ у л дераза ёнидан секин-аста узоқлашишади.

ХУРРАМ. Бу ёғи неча пулдан тушди энди, Вафо?

ВАФОҚУЛ. Бошим қотиб қолди. Камбағалнинг ови юрсаям, дови юрмайди деганлари шу бўлса керак-да? Қандоқ қилиб бўлмасин, пулни тонгда олишимиз керак, ошна!

ХУРРАМ. Мени айтмайсанми? Отамни бирам соғиндим. Эртага жўнамасам, юрагим тарс ёрилиб, ўлиб қолишим ҳеч гапмас.

ВАФОҚУЛ. Уч кундан кейин болаларим мактабга чиқишади. Папка-мапка олиб беришим керак. Индинга — байрам. Уларни байрамга иштонсиз олиб чиқмайман-ку, ахир!

ХУРРАМ. Ёз туни одатда қисқа бўларди, жўра...

ВАФОҚУЛ. Тўғри айтасан. Қачон тонг отади, а?! Шунчалар узун тун бўладими?!.

ТАМОМ

1999



ЮРТИ МЕН

Чорлади қошига ўлкалар йироқ,
Фаройиб сафарлар яйратди жонни.
Фаранг, олмон юртин сайр этдим, бироқ,
Сотиндим бир зумда Ўзбекистонни.

Кездим туффа араб мамлакатларин,
Шомоша айладим барака-қутни.
Кўзимга сурсам-да Макканини ифдин,
Кўрсадим ҳар лаҳза мен она юртини.

Хиндистонни кўрмоқ оғзуни дилда,
Химотайдан қорли довоғлар ошдим.
Мафтун қилса ҳам бу сехрли ўлка,
Бироқ мен уйимга — юртимга шошдим.

Саёҳатни ҳавас қилдим тинмайин,
Анладим нелгин айфилик-фирок.
Не тонки, жаҳонни кезганим сайин,
Ўзбекистон, сени севдим қаттиқроқ!

МУНДАРИЖА

АССАЛОМ БАҲОР, АССАЛОМ НАВРЎЗ!

Бу кунлар	3
Шоирона ҳайрат. <i>Хушид ДУСТМУҲАММАД</i>	4
Бизнинг қўшиғимиз	8
Мен нечун севаман Ўзбекистонни	10
Демократия бешиги	15
Истиқлол салоҳияти	18
Буюк даъват	23
Ирода – тафаккурда	25
Қанотли қуш	29
Истиқлолимиз таянчи	33
Ассалом баҳор, ассалом Наврўз!	36
Валидий закоси	38
Султон суягини хор қилмас	42
Қаноат фароғати	44
Нурли кўприк	48
Маърифат машғали	53
Самарқанд маърифати	60
Буюк ва ўлмас эпос	70
Мунаққид шижоати	74
Шеърият – ҳақиқат дарчаси	76
Шоирликни барча нарсдан устун кўраман	80
Дарёларнинг кумуш ипи	82
Юксак ишонч ва эътибор	84

ТАСЛИМ БЎЛМАС ЁҒДУЛАР

Уйғоқ юрак	88
Эврилишлар довони	92

Оқин ёди	101
Ўзбекистон булбули	102
Таслим бўлмас ёғдулар	125
Беназир устоз, бетакрор сиймо	133
Шоир	145
Ноёб фазилат соҳиби	161
Шахс жозибаси	162
Оқ саллали тоғлар дуоси	168
Яхши инсон ёди	176
<i>Яссавий зурёдлари</i>	
«Дўдаган қирларини соғиндим...»	179
«Отамнинг гаплари қулоғимда...»	191
«Қаҳр мўлдири, меҳр қаҳат»	201
Ғалвир сувдан кўтарилганда	210

ЯНГИ МАНЗИЛЛАР ШУЪЛАСИ

У кунларни жилмайиб эслайман	218
Янги манзиллар шуъласи	227
Муҳташам кўприклар диёри	239
Озарбойжон хотиралари	255

ҚАЛБИМДАСАН, ВАТАН!..

Истиқлол	274
Шаҳидлар хиёбони	275
Ватан	276
Ошоба	278
Абдуллатиф ўлими	279
Файзулла Хўжаев	283
Акмал Икромов	284
Чўлпон	285
Навоий васияти	286
Армон	286

Фахрийлар	286
Ўзбекистон	288
Мўйсафид ҳикояси	288
«Жозиба касб этар...»	289
Қадимий қўлёзмалар	292
Онасан, табиат	294
Тушимда	295
Коинот фарзанди	296
Ёмфирли тун	298
Чорсу манзаралари	298
Ихтирочи	303
Қалбингга қайт	304
Виждон эмасмиди	307
«Турон» кутубхонаси	310
Ватан қадри	310
Варрақлар	314
Теранлик	315
Тириклик қўшиғи	316
Эҳтиром	318
Алишер Навоий	319
«Гап»	320
Қутлуғ замин	320
Қалбимдасан, Ватан!	321
Кенгликлар	324

АКС САДО

<i>Нориюки ТАКАЯМА</i>	
Ўзбекистон ҳақида ўйлаганларим	326
<i>Андрей ТУРКОВ</i>	
«Мен умримни ҳалол яшадим...»	341
<i>Станислав ГОВОРУХИН</i>	
Халқни эҳтиётлаш	358

<i>Александр ЗИНОВЬЕВ</i>	
Ҳақиқат, фақат ҳақиқат	371
<i>Александр КОНДРАШОВ</i>	
Байбаков режаси	378
<i>Владилен БУРОВ, Валентина ФЕДОТОВА</i>	
«Ислоҳотнинг олтин қоидаси»	386
<i>Рудольф КОЛЧАНОВ</i>	
Дунё бизнеси дарғалари	395

ДРАМА

Қачон тонг отади?	402
Юрт меҳри	439

Адабий-бадий нашр
МИРПУЎЛАТ МИРЗО
СУРУР

Муҳаррир: *Усмон Қўчқор*
Бадий муҳаррир: *Анатолий Бобров*
Техник муҳаррир: *Уяна Ким*
Саҳифаловчи: *А.Жўраев*
Мусаҳҳиҳ: *Д. Алиева*

Босишга рухсат этилди 24. 07.2009 йил. Бичими 60x84.
Ҳажми 27,5 б.т. Адади 500 дона.
Буюртма №187

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Истиқлол кўчаси 33.